

"Шримад Бхагаватам"

Биринчи кўшиқ

Яратиш

Ҳазрат А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупада
Кришнани англаш Халқаро жамиятининг
асосчи ачарйаси

"Шримад Бхагаватам"
Биринчи кўшиқ

Яратиш
1-9 боблар

Бхагавата-дхарма ғояларини тарғибот
қилишда ўрнатилган кўрсатиб кетган
Чайтанья Махапрабхунинг ҳаёти,
санскрит матнлар, уларнинг ўқилиши,
мазмунни ва изоҳлар

Мундарижа

1. Донишмандларнинг саволлари.....
2. Илоҳийлик ва илоҳий хизмат.
3. Кришна - Парвардигор намоён этган барча
киёфаларнинг манбаи.
4. Шри Нараданинг пайдо бўлиши.
5. Нараданинг Вйасадевага "Шримад-бхагаватам"
бўйича насиҳат бериши.
6. Нараданинг Вйасадева билан суҳбати.....
7. Дронанинг ўғли қандай жазоланди?
8. Парикшитнинг ҳимоя қилиниши ва малика
Кунтидевининг илтижолари.
9. Кришнанинг кўз олдида Бҳишмадеванинг бу
дунёни тарк этиши.....
10. Кришнанинг Дваракага кетиши.....
11. Шри Кришнанинг Дваракага кириб келиши. ...
12. Император Парикшитнинг туғилиши.....
13. Дҳритараштранинг тарки дунё қилиши.
14. Шри Кришнанинг бу дунёни тарк этиши. ..
15. Пандавларнинг бу дунёни ўз вақтида тарк этиши. ...
16. Парикшитнинг Кали даври тимсолига дуч келиши.
17. Калининг жазоланиши ва авф этилиши.
18. Браҳманзоданинг Маҳараж Парикшитни дуои бад
қилиши.
19. Шукадева Госвамининг пайдо бўлиши.

Бу дунёни тарк этганига 26 йил
тўлиши муносабати билан руҳий
устозим Шрила Прабхупада
Бхактисиддханта Сарасвати
Госвами Махараж хотирасига
бағишлайман.

У ўзининг илоҳий
насиҳатларида мангу яшайди, унинг
шогирди ҳам ҳамини у билан бирга.

Инглиз тили нашрига сўзбоши

"Бу «Бхагавата-пурана» худди қуёшдай порлаб ўзидан нур таратиб туради. Ана шу қуёш, Парвардигор Кришна бу дунёни тарк этиб, Ўз даргоҳига кўтарилган захоти балқиб чиқди. Бу Пурана, Кали даврининг ғофиллик зулматига ғарқ бўлиб, қалб кўзлари кўрмай қолган одамларини ёруғликка чиқаради"

("Шримад Бхагаватам" 1.3.43).

Ҳиндистон халқининг замона зайли таъсир қила олмайдиган буюк донишмандлик илми инсониятга маълум бўлган бутун илмнинг барча соҳаларини ўз ичига оладиган қадимий санскрит матнларда битилган Ведаларда ўз аксини топган. Аввалига Ведалар оғзаки равишда авлоддан авлодга ўтиб келган; беш минг йил аввал "Худонниг бадий тимсоли" бўлган Шрила Вйасадева уларни биринчи марта ёзиб қолдирган эди. Ведаларни ёзиб бўлиб, Вйасадева уларнинг мазмунини "Веданта-сутра"лар деб аталадиган қисқача афоризмлар кўринишида баён этди. "Шримад Бхагаватам"("Бхагавата-пурана") - ана шу "Веданта-сутра"ларга табиий изоҳ сифатида ёзилган асардир. Муаллиф бу асарни ўзи руҳий баркамолликка эришган даврда руҳий устози Нарада Мунининг раҳбарлиги остида ёзган. "Ведалар адабиёти дарахтининг етилиб пишган меваси" деб аталадиган "Шримад Бхагаватам" Ведалар илмининг тўлиқ ва ишонарли баёни ҳисобланади.

"Шримад Бхагаватам"ни ёзиб бўлиб, Вйаса унинг қисқача мазмунини ўзининг донишманд ўғли Шукадева Госвамига гапириб берди. Кейинчалик Шукадева Госвами "Шримад Бхагаватам"ни Хастинапур(ҳозирги Дехли) яқинидаги Ганга қирғоғида тўпланган авлиё донишмандлар иштирок этаётган мажлисда Махараж Парикшитга тўлиқ гапириб берди. Махараж Парикшит бутун жаҳон императори, буюк *раджариши*(авлиё шоҳ) эди. У бир ҳафтадан кейин ажали етиши ҳақида хабар олган ва шу боис салтанатини тарк этиб, ажали етгунча рўза тутиб, руҳий баркамолликка эришиш ниятида Ганга қирғоғига бориб жойлашганди. "Шримад Бхагаватам" император Парикшитнинг Шукадева Госвамига мурожаат қилишидан бошланади: "**Сен - буюк авлиё зотсан, ҳамда Худонинг содиқларининг руҳий устозисан. Шунинг учун мен сендан одамларга, айниқса ажали яқин қолган кишиларга руҳий баркамоллик даражасига эришиш йўлини кўрсатишингни илтимос қиламан. Инсон нималар ҳақида тинглаши, нима ҳақида гапириши, нимани эслаб юриши ва нимага сажда қилиши, шунингдек, қандай ишлар қилмаслиги ҳақида гапириб бер. Илтимос, менга шуларни тушунтириб бер!"**

Етти кун давомида, то шоҳнинг ажали етгунча, донишмандлар Махараж Парикшитнинг мана шу саволига ҳамда унинг инсон шахсининг табиатидан тортиб, то оламнинг яралишигача бўлган бошқа кўплаб саволларига Шукадева Госвамининг берган жавобларини диққат билан тинглаб ўтирдилар. Шукадева Госвами биринчи марта "Шримад Бхагаватам"ни баён этган ана шу мажлисда иштирок этган Сута Госвами кейинчалик "Шримад Бхагаватам"ни Наимишаранйя ўрмонида тўпланган донишманд авлиёлар олдида такроран гапириб берди. Бутун инсониятнинг руҳий баркамоллиги, маънавий бахт-саодатини ўйлаб, бу буюк донишмандлар, кириб келаётган Кали-йуга даврининг вайрон қилувчи таъсирларига муносиб қаршилиқ кўрсатиш учун мўлжалланган қурбонлик маросимларини ўтказиш ниятида шу ерга тўпланган эдилар. Донишмандлар Ведавий донишмандлик илмининг мазмун-моҳияти ҳақида гапириб беришни илтимос қилганлари сабабли, Сута Госвами уларга, аввал Шукадева Госвами Махараж Парикшитга гапириб берган "Шримад Бхагаватам"нинг барча ўн саккиз минг шеърини ёддан такрорлаб берди.

"Шримад Бхагаватам" билан танишаётган ўқувчи Сута Госвами гапириб бераётган, Махараж Парикшитнинг саволлари ҳамда Шукадева Госвамининг уларга берган жавоблари билан танишади. Бундан ташқари, баъзан Сута Госвамининг ўзи ҳам Наимишаранйя ўрмонида тўпланган донишмандларнинг сардори Шаунака Ришининг саволларига жавоб беради. Шундай қилиб, ўқувчи бирданга икки суҳбат билан танишади: биринчи суҳбат Ганга қирғоғида Махараж Парикшит билан Шукадева Госвами орасида, иккинчиси - Сута Госвами билан Наимишаранйя ўрмонида тўпланган донишмандларнинг сардори Шаунака Риши орасида бўлиб ўтади. Бундан ташқари, Махараж Парикшитга бераётган насихатлари давомида Шукадева Госвами тарихий воқеалардан ҳамда Нарада Муни ва Васудева сингари буюк зотларнинг узун фалсафий суҳбатларидан ҳар хил мисоллар келтиради. "Шримад Бхагаватам"нинг ёзилиш тарихи билан танишган ўқувчи турли манбалардан мисол сифатида келтирилаётган суҳбат ва воқеаларнинг чигал тугунини осон англаб етади. Бу суҳбат ва воқеаларнинг муҳим томони уларнинг хронологик тартибида эмас, балки уларнинг мазмуни, фалсафий донишмандлик илми бўлгани туфайли, "Шримад Бхагаватам" қанчалик чуқур маънога эга асар эканини англаб олиш учун шунчаки унда ёзилган гапларга диққат билан эътибор берилса, бас.

Бу асарни таржима қилган муаллиф "Шримад Бхагаватам" асарини ҳар бир қисми ҳам бирдай ширин бўлган сўроқ қандга ўхшатади. Шунинг учун "Шримад Бхагаватам"нинг истаган жойидан ўқиган киши ҳам унинг ширин лаззатидан

бахраманд бўла олади. Лекин, истаган жойидан бир марта унинг мазасини тотиб кўргандан кейин, жиддий ўқувчига "Шримад Бхагаватам"ни Биринчи Кўшиқдан бошлаб тартиб билан бирин кетин ўрганиб чиқиш тавсия қилинади.

"Шримад Бхагаватам"нинг сизга таклиф этилаётган мазкур нашри - асарнинг, инглиз ўқувчиларнинг кенг оммасини бу бебаҳо асар билан таништириш имконини берадиган, инглиз тилига тўлиқ таржима қилинган нашридир. Таржима билан бирга матнларга батафсил изоҳлар ҳам берилган. Биринчи кўшиқдан то Ўнинчи кўшиқнинг бошигача "Шримад Бхагаватам"ни Кришнани англаш Халқаро жамиятининг асосчи-ачарйаси, Ҳиндистон диний, фалсафий таълимотининг машхур устози А. Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупаданинг ўзи таржима қилиб изоҳ ёзган. Санскрит тили бўйича мукамал билими, шунингдек, Ведалар маданияти, донишмандлик илми ҳамда ҳозирги замон ҳаёти борасидаги чуқур илми унга Ҳиндистоннинг қадимги мумтоз адабиётининг бу машхур асарини ғарбий халқлар ҳукмига муносиб равишда тақдим этиш имконини берди. 1977 йил Шрила Прабхупада бу дунёни тарк этиб кетгандан сўнг, унинг "Шримад Бхагаватам"ни таржима қилиш ва изоҳлаш бўйича олиб бораётган буюк меҳнатларини шоғирдлари - Хридайананда дас Госвами ва Гопипаранадхана дас ниҳоясига етказдилар.

Сизга тақдим этилаётган бу асар ҳар жиҳатдан жуда қадрли. Қадимги ҳинд мада-ниятининг бошланғич манбалари билан қизиқадиган кишилар учун бу асарда унинг ҳамма соҳалари бўйича тўлиқ маълумотлар бор. Фалсафа ва диний таълимотларни қиёсий ўрганиш билан шуғулланадиган одамларга эса, "Шримад Бхагаватам" ҳинд халқининг маънавий мероси билан чуқурроқ танишиш имконини беради. Жамиятшунослик ва антропология билан қизиқадиган кишилар эса, бу асарда, "юксак даражадаги руҳий дунёқарашга эга бўлиш"дан иборат ягона мақсад атрофида жипслашган, илмий тарзда ташкил этилган ведавий жамиятнинг конун-қоидаларини амалда қўллаш мисоллари билан танишадилар. Адабиёт билан қизиқадиган кишилар ҳинд халқининг улуғвор бадиий дурдонаси билан танишадилар. Психология билан қизиқадиган одамлар эса, "Шримад Бхагаватам"да инсон онгига, хулқ-атворига, "шахс" ҳақидаги фалсафий тушунчага бўлган янги нуқтаи-назар билан танишадилар. Ниҳоят, руҳий соҳада изланиш олиб бораётган, руҳий юксалиш йўлига кирган кишиларга эса, "Шримад Бхагаватам" руҳий ўзликни ҳамда Мутлақ Ҳақиқатни англашнинг энг юксак поғонасига кўтарилиш имконини берадиган, бажариш осон ва ҳаммабоп амалий кўрсатмаларни тавсия қилади. "Бхактиведанта Бук Траст" нашриёти томонидан тайёрланган бу кўп жилдли "Шримад Бхагаватам"

асари замонавий инсонларнинг маънавий, маданий ва интеллектуал ҳаётдан муносиб ўрин олади ҳамда жуда узок умр кўради деган умиддамиз.

Нашриётдан.

Муаллиф сўзи

Биз ҳозирги даврда бутун инсоният ҳаётида айнан қандай қадриятларга кучли эҳтиёж сезилаётганини билишимиз лозим. Хўш, инсониятга нима етишмайди? Энди аввалгидай ҳар хил халқлар ва қабилалар географик кенгликлар устида таллашиб, жаҳонни, инсониятни бўлиб олишга уринишни бас қилганлар. Эндиликда инсоният ўрта асрлардагидай фақат ўз давлати чегараларига қамалиб қолган эмас, аксинча, энди халқлар "ягона жамият" ёки "ягона давлат", "ягона иттифоқ" бўлиб бирлашишга интиляптилар. "Шримад Бхагаватам" таълимотига кўра "руҳий коммунизм асослари" қайсидир маънода бутун инсониятнинг, қолаверса, оламдаги барча тирик мавжудотларнинг қувватининг бирлигини назарда тутати. Буюк мутафаккирлар "ана шу ғоя бутун инсониятга тарқалиши зарур" деб биладилар. "Шримад Бхагаватам" бутун инсониятнинг ана шу эҳтиёжини кондириш учун мўлжалланган. Бу асар *веданта* фалсафасининг "бутун оламнинг ягона бошланғич сабабчиси бор"лигини билдирадиган *жанмадй асия йатах* деган иборасидан бошланади.

Ҳозирги даврда инсоният аввалгидай унутиш, жаҳолат зулматига чуқур ботган эмас. Бутун жаҳон бўйлаб одамлар ўзларига ҳар хил қулайликлар яратиш, моддий тараққиёт ва маориф соҳаларида жуда катта ютуқларга эришган. Лекин шунга қарамай, бутун инсоният танаси ичида қандайдир кўринмас иллат сақланиб қолган бўлиб, шу иллат ҳар хил ташвишларни, турли муаммоларни келтириб чиқаряпти, шу боис ҳатто арзимаган сабабларга кўра тез-тез глобал, халқаро жанжаллар юзага келяпти. Шунинг учун, ягона мақсад атрофида жипслашган бутун инсониятнинг ўзаро дўстлик ва ҳамкорликда тинч-осойишта яшаб, гуллаб-яшнашини таъминлайдиган йўлни излаб топиш керак. "Шримад Бхагаватам" айнан мана шу муаммони ҳал қилади, чунки бу асар одамларга бутун инсониятнинг руҳий юксалишини таъминловчи "мукамал маданий дастур"ни таклиф этади.

Иймон-эътиқодсиз одамлардан иборат бўлган ҳозирги жамиятнинг маънавий қиёфасини ижобий томонга ўзгартириш учун "Шримад Бхагаватам" асарини мактаб ва олий ўқув юртларида ўргатишни йўлга қўйиш керак. Буни Худонинг буюк содиқ хизматкори Прахлад Махараж айтган эди. (шб.7.6.1):

Шримад-бхагаватам 1.1

*каумара ачарет праджно дхарман бхагаватан иха
дурлабхам манушам жанма тад апи адхрувам артха-
дам*

Ҳозирги даврда жамиятда ҳукмронлик қилаётган атеистик, худобехабар дунёқарашнинг тутуруксизлиги сабабли унда ижтимоий тенгсизлик, парокандалик, адолатсизлик илдиз отиб кетган. Лекин Худо бор, ҳамма нарсани яратиб қўйган, бутун оламнинг мавжудлигини таъминлаб турган, кейин ҳамма нарса Унда паноҳ топадиган ягона Парвардигор ҳақиқатан ҳам мавжуд. Моддий илм-фаннинг оламнинг бошланғич сабабчисини топишга бўлган барча уринишлари ҳеч қандай натижага олиб келмади, лекин ана шундай биринчи сабаб, бутун борлиқнинг ягона сабабчиси албатта мавжуд. "Шримад Бхагаватам"да ана шу бошланғич сабабчининг, бошланғич манбанинг мантикий ва ишонарли таърифи келтирилган.

"Шримад Бхагаватам" - бошланғич манбани англаб олиш имконини берадиган илоҳий илм бўлибгина қолмасдан, бизнинг шу манба билан ўзаро муносабатимиз, ана шу мукамал илм асосида инсонлар жамиятини юксалтириш йўлида бажаришимиз лозим бўлган вазифаларимизни билиб олишга ҳам имкон беради. Бу асар - санскрит тилида ёзилган буюк асар бўлиб, эндиликда у инглиз тилига ҳам таржима қилинди. Уни диққат билан ўрганиш орқали инсон Худони англаб етади. Фаросатли инсон иймонсиз даҳрийларнинг ғоявий ҳужумларига қарши тура олиши учун унга мана шу илмнинг ўзи бемалол етарли бўлади. Бунинг устига, бу асарни ўрганиб чиққан киши бошқалар қалбида ҳам "Худо ҳақиқатан мавжуд" эканини тан олишга бемалол ишонч ҳосил қила олади.

"Шримад Бхагаватам" бутун борлиқнинг азалий, бошланғич манбаини ифодалашдан бошланади. "Шримад Бхагаватам" - Шрила Вйасадеванинг ўзи ёзган "Веданта-сутра"ларга изоҳ сифатида ёзилган асардир. "Шримад Бхагаватам"нинг мазмуни аста-секин биринчи тўққиз Кўшиқда очила бориб, инсонни Худони англаб етишда энг юксак поғонага кўтаради. Илоҳий илмнинг бу буюк асарини ўрганиш учун зарур бўлган ягона шарт - уни, одатдаги бадий китобларни ўқигандай дарров олдинга югурмасдан, тартиб билан бирин-кетин ўқиб-ўрганиш лозим. Унинг ҳамма бобларини бирин-кетин навбат билан ўрганиб чиқиш керак. Бу илмий асарнинг мавзуси шундай тузилганки, унинг биринчи тўққиз Кўшиғини ўрганиб бўлган киши албатта Худони англаб етади.

Ўнинчи кўшиқ биринчи тўққиз кўшиқдан шуниси билан фарқ қиладики, унда бевосита Худо Шахси, Шри Кришнанинг илоҳий фаолиятини таърифлаб берилади. Биринчи тўққиз Кўшиқни чуқур ўзлаштириб олмаган кишига Ўнинчи кўшиқнинг илоҳий мазмуни очилмайди. Бу яхлит асар ҳар бири алоҳида мустақил мавзунини ёритадиган ўн икки Кўшиқдан иборат, лекин

уларни тартиб билан бирин-кетин ўрганиш мақсадга мувофиқ.

"Шримад Бхагаватам"нинг тўлиқ баёни бўлган бу китоб жуда кўп камчиликларга эга эканини тан олишни ўз бурчим деб биламан, лекин, шунга қарамай барча чуқур тафаккурга эга зукко одамлар ҳамда жамият раҳбарлари уни илиқ қабул қиладилар деган умиддаман. Мендаги бундай умид, ишонч туйғуси "Шримад Бхагаватам"нинг ўзида келтирилган куйидаги гапларга асосланган(1.5.11):

*тад-ваг-висарго жанатагха-вишва
йасмин прати-шлокам абаддхаватй апи
намани анантасйа йашо "нкитани йач
чхринванти гайанти гринанти садхавах*

"Шухрати бепоён Парвардигорнинг номларининг, шон-шухратининг, қиёфаларининг ва эрмакларининг илоҳий улғуворлиги таърифланган гаплар ёзилган китоблар, аслида тўғри йўлдан адашган инсониятнинг маънавий ҳаётида кескин бурилиш ясашга мўлжалланган илоҳий асарлардир. Бундай асарларнинг ҳатто шаклий камчиликлари кўп бўлса ҳам, қалби беғубор пок инсонлар уларни ҳурмат-эҳтиром билан тинглаб қабул қиладилар ва шарафлаб куйлаб юрадилар".

Ом тат сат.

А.Ч. Бҳактиведанта Свами.

Кириш

"Худо" ва "Мутлақ Ҳақиқат" тушунчалари бир-биридан фарқ қилади. "Шримад Бхагаватам"нинг мақсади - Мутлақ Ҳақиқат. "Худо" ибораси ҳукмдорни, ҳукмронлик қиладиган зотни назарда тутаяди. "Мутлақ Ҳақиқат" тушунчаси эса *суммум бонум* - барча қувватларнинг бошланғич, азалий манбаини ифодалайди. Ҳукмдор сифатида Худо шахс сифатларига эга бўлиши керак, чунки ҳукм чиқарувчи, буйруқ берувчи Зот шахсиятсиз бўлиши мумкин эмас(*суммум бонум* - олий саодат). Албатта, ҳозирги даврда, айниқса демократик давлатларда, ҳукумат қайсидир маънода шахсиятсиз кўринишга эга, ҳукуматнинг шахсиятсиз кўриниши унинг шахсий кўринишига бўйсунди. Шундай қилиб, гап бошқаларга ҳукмронлик қилиш ҳақида борар экан, ҳукмрон зотнинг албатта шахсий кўриниши бўлиши лозимлигини тан олиш керак. Ҳар хил лавозимларни эгаллаб турган турли ҳукмдорлар бор, шунинг учун жуда кўп иккинчи даражали ҳукмдорлар, иккинчи даражали "худо"лар бўлиши мумкин. "Бхагавад Гита"да алоҳида қудратга эга бўлган ҳар қандай ҳукмдор зот *вибхутимат-саттва*, яъни, "Парвардигор алоҳида қудрат ато этиб қўйган ҳукмдор" деб аталади. Ана шундай *вибхутимат-саттвалар* - қандайдир алоҳида куч-қудратга эга бўлган ҳукмдорлар, яъни "худо"лар, фаришталар кўп бўлиши мумкин, аммо Мутлақ

Ҳақиқат - битта. "Шримад Бхагаватам"да ана шу Мутлақ Ҳақиқат ёки *суммум бонум "парам сатйам"* ибораси билан ифодаланган.

"Шримад Бхагаватам"нинг муаллифи Шрила Вйасадева энг аввало ҳурмат-эҳтиром билан *парам сатйам*, яъни, Мутлақ Ҳақиқат олдида бош эгади. *Парам сатйам* барча қувватларнинг бошланғич манбаи бўлгани учун у Худонинг Олий Шахси ҳисобланади. Албатта, Худолар, яъни, ҳукмдорлар ҳам алоҳида шахслардир, аммо уларга куч-қудрат ато этиб қўйган *парам сатйам* - Олий Шахс. Санскрит тилида *ишвара*(ҳукмдор) ибораси Худони ифодалайди, аммо Олий Шахс *парамешвара*, яъни, олий *ишвара* ибораси билан ифодаланган. *Парамешвара* - ўзига хос онг соҳиби бўлган Олий Шахсдир, Ўз қудратини бошқа бирор манбадан олмагани сабабли У – тўла мустақил Зот. Ведавий муқаддас китобларда маъбуд Браҳма ҳам "Олий Худо", яъни Индра, Чандра, Варуна ва хоказолар сингари "худо"лар, яъни фаришталар орасида "Олий Худо" деб аталган. "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, ўзининг шунча қудратли кучи ва илми билан ҳатто маъбуд Браҳма ҳам тўла мустақил эмас. У ўзининг илмини Ведалар кўринишида ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлган Олий Шахсдан олган. Олий Шахс бевосита ёки билвосита ҳамма нарсани билгувчи Зотдир. Олий Шахснинг ажралмас заррачалари бўлган ҳолда чексиз кичик алоҳида шахслар ўзларининг таналари, яъни, ташқи сифатлари ҳақида бевосита ва билвосита ҳамма нарсани билишлари мумкин, лекин, Олий Шахс Ўзининг ҳам ташқи, ҳам ички сифатлари ҳақида ҳамма нарсани билади.

Жанмади асйа ибораси шуни билдирадики, олам яралишининг, мавжуд бўлиб туришининг ва яксон бўлишининг манбаи ҳам ана шу онгли зот, олий шахсдир. Ҳатто ўзимизнинг ҳаёт тажрибамиздан биз яхши биламизки, ўлик моддадан ҳеч нарса униб чиқмайди, лекин тирик мавжудот ўлик моддани юзага келтира олади. Масалан, моддий тана билан аралашиб, тирик мавжудот ана шу жонсиз моддий танани ҳаракатланувчи тана механизмига айлантиради. Илми саёз, калтафаҳм одамлар тана механизмини тирик мавжудотнинг "ўзи" деб билдилар, аслида эса, тирик мавжудот - тана механизмини ҳаракатга келтириб турган зотдир. Тирик жон тана механизмини тарк этиб кетган заҳоти тана ҳеч кимга кераксиз ўлик нарса бўлиб қолади. Худди шундай, бутун моддий қувватларнинг бошланғич манбаи Олий Шахс ҳисобланади, бу ҳақда барча ведавий муқаддас китобларда айтилган. Бу ҳақиқатни руҳий илм ўрганиб юрган донишмандларнинг барчаси тан оладилар. Танани тирик қилиб турган ҳаётгий куч *Брахман* деб аталади, буюк руҳий устозлардан бири Шрипада Шанкарачарйа айтган эдики, "*Брахман* - субстанция, **базис**, космик олам эса - категория, **устқурма**". Барча қувватларнинг бошланғич

манбаи - ҳаётгий кучдир, шу боис Уни "Олий Шахс" деб қабул қилиш мантиқан тўғри бўлади. Унга - ўтмиш, ҳозир, келажак, шунингдек Ўзи намоён этган руҳий ва моддий оламнинг ҳар бир бурчаги ҳақида ҳамма нарса аён. Мукамал бўлмаган тирик мавжудот ҳатто ўзининг моддий танаси ичида нималар содир бўлаётганини билмайди. У қорнига овқат солади, лекин, шу овқат қандай қилиб кучга айланиб, танасига қувват бағишлаб туришини билмайди. Мукамал тирик мавжудот ҳамма ерда рўй бераётган ҳамма жараёнларни яхши билиши лозим, Олий Шахс ҳар жиҳатдан мукамал бўлгани учун, табиийки, Унга ҳамма нарса "ипидан игнасиғача" аён. Шунинг учун "Шримад Бхагаватам"да мукамал шахсга *Васудева*, яъни "Ҳамма жойда мавжуд бўлган, ҳамма нарсани биладиган ва Ўзининг мукамал қувватига тўла ҳукмрон бўлган Зот" деб мурожаат қиладилар. Буларнинг ҳаммаси "Шримад Бхагаватам"да батафсил тушунтирилади. "Шримад Бхагаватам" ўқувчига Мутлақ Ҳақиқат илмини мукамал ўрганиш имкониятини беради.

Ҳозирги биз яшаётган даврда "Шримад Бхагаватам" таълимотини инсониятга Шри Чаитанйа Махапрабху тарғибот қилиб кетган. У одамларга ҳаётда "Шримад Бхагаватам" қонун-қоидаларига қандай риоя қилиб яшаш лозимлигини Ўз ҳаёти мисолида кўрсатиб кетди. Шри Чаитанйанинг бесабаб марҳамати паноҳига кириб олган киши "Шримад Бхагаватам"нинг сирли мазмунини осонлик билан англаб олиши мумкин. Шу боис, ўқувчининг "Шримад Бхагаватам"ни муносиб кадрлай олишига ёрдам бериш ниятида биз Чаитанйа Махапрабхунинг ҳаёти ва насиҳатлари ҳақида қисқача маълумот бериб ўтамыз.

"Шримад Бхагаватам"ни албатта *Бхагаватам* сифатига эга бўлган шахс - Бхагаватамнинг раҳбарлиги остида ўрганиш лозим. *Бхагаватам* - бутун ҳаёти "Шримад Бхагаватам"нинг қонун-қоидалари амалда намоён бўлган шахсдир. Шри Чаитанйа Махапрабху - Худонинг Мутлақ Шахси, шу боис У - ҳам Бхагаван, ҳам шахс сифатидаги, ҳам товуш кўринишидаги Бхагаватамдир. Шунинг учун "Шримад Бхагаватам"ни ўрганишда Унинг Ўзи юрган, бошқаларга кўрсатиб кетган йўлдан жаҳоннинг ҳамма жойидаги одамлар бемалол бора оладилар. У Ҳиндистон заминида туғилиш насиб этган ҳар бир фаросатли инсон мана шу улугвор "Шримад Бхагаватам" таълимотини жаҳоннинг ҳамма жойларида кенг тарғибот қилишини истаган эди.

"Шримад Бхагаватам" - Худонинг Мутлақ Шахси, Кришна ҳақидаги илм, Худонинг Олий Шахси ҳақида бошланғич маълумотлар «Бхагавад-гита»да берилган. Шри Чаитанйа Махапрабху айтган эдики, ҳозир қандай ҳолатда бўлишидан қатъий назар, агар "Шримад Бхагаватам" ва "Бхагавад-гита" асарларини яхшилаб ўрганиб чикса, ҳар бир фаросатли инсон Худонинг Олий

Шахси хақидаги, яъни, ягона Парвардигор Кришна хақидаги илмни бошқаларга ўргата оладиган ёки тарғибот қила оладиган даражада ишончли, хақиқий рухий устоз бўла олади.

Мусибат оламига ғарқ бўлган инсониятга Худо хақидаги, ягона Парвардигор Кришна хақидаги илм етишмайди. Биз барча халқларнинг йўлбошчиларига мурожаат қиламизки, улар ўзларининг, жамиятнинг, бутун инсониятнинг манфаати учун Кришна хақидаги мана шу улуғвор илоҳий илмни ўргансинлар.

"Шримад Бхагаватам"нинг буюк тарғиботчиси Парвардигор Чаитаньянинг ҳаёти ва таълимоти ҳақида

Худонинг муқаддас номларини биргаликда куйлаш ҳаракатининг асосчиси, инсон ўз қалбида Худога муҳаббат уйғотиши лозимлиги ҳақида бутун инсониятга жар солиб кетган буюк тарғиботчи Шри Чаитанья Махапрабху, бу дунёда Шакабда эрасининг 1407 йили, Пхалгуна Пурнима куни(христиан календари бўйича 1486 йил феврал ойи) кечкурун, Бенгалиянинг Навадвипа шаҳрида, Шридҳама Майапур даҳасида Ўзини намоён этди.

Унинг отаси, Силхет туманида яшайдиган билимдон браҳман Шри Жаганнатха Мишра ўша даврда маориф ва маданият маркази ҳисобланган Навадвипага таълим олгани келган эди. Навадвипалик буюк олим Шрила Ниламбара Чакравартининг қизи Шримати Шачидевиға уйлангандан кейин у Ганга қирғоғида муқим яшаб қолди.

Жаганнатха Мишра хотини Шримати Шачидеви билан бир неча қиз фарзанд кўрдилар, уларнинг кўпчилиги ёшлигидаёқ ўлиб кетдилар, шундан сўнг улар ўзларининг бутун ота-оналик меҳрини тирик қолган икки ўғли Шри Вишварупа ва Вишвамбҳарага бериб, уларга қаттиқ боғланиб қолдилар. Ўнинчи, энг кенжа ўғил Вишвамбҳара бўлиб, одамлар уни Нимаи Пандит деб чақирардилар. Таркидунёлик турмуш тарзини қабул қилгандан кейин Нимаи Пандит халқ орасида Шри Кришна Чаитанья Махапрабху деган ном билан машҳур бўлди.

Шри Чаитанья Махапрабху Ўзининг илоҳий кароматларини қирқ саккиз йил давомида намоёиш этиб юрди ва бу дунёни Шакабда эрасининг 1455 йили Пури шаҳрида тарк этди.

Умрининг биринчи йигирма тўрт йилини У Навадвипада шогирд ва оилали инсон сифатида ўтказди. Унинг биринчи хотини Шримати Лакшмиприя бу оламни Махапрабху уйдан йироқда юрган пайтда эрта тарк этиб кетди. Шарқий Бенгалиядан саёҳатдан қайтиб келиб,

онасининг илтимоси билан У иккинчи марта уйланди. Унинг иккинчи хотини Шримати Вишнуприя эди, у ўзининг бутун умрини Парвардигор билан айрилик, ҳижрон азобида ўтказди, чунки, у эндигина ўн олти ёшга кирганида Шри Чаитанья Махапрабху йигирма тўрт ёшида *саннийаси* турмуш тарзини қабул қилган эди.

Саннийаси турмуш-тарзини қабул қилиб, Парвардигор онаси Шримати Шачидевининг илтимоси билан Жаганнатха Пурида муқим ўрнашиб олди. Пурида Парвардигор йигирма тўрт йил яшади. Олти йил давомида У бутун Ҳиндистон бўйлаб, айниқса унинг жанубий қисмлари бўйлаб саёҳат қилиб, одамлар орасида "Шримад Бхагаватам" таълимотини кенг тарғибот қилди.

Парвардигор Чаитанья фақат "Шримад Бхагаватам"ни эмас, «Бхагавад-гита» таълимотини ҳам ўша даврдаги одамлар қабул қила оладиган шаклда тарғибот қиларди. «Бхагавад-гита»да Парвардигор Шри Кришна Худонинг Мутлак Шахси экани айтилган. Илоҳий донишмандлик илмининг бу буюк китобида Шри Кришнанинг якуний насихати шундан иборатки, инсон ҳар қандай диний фаолиятни тарк этиб, сиғинишга муносиб бўлган ягона Илоҳ сифатида фақат Парвардигор Шри Кришнани қабул қилиши лозим. Кейин Парвардигор ваъда бериб айтадики, ана шундай садокат билан Унга хизмат қилиб юрган содиқларини ҳар қандай гуноҳ ишлардан Унинг Ўзи ҳимоя қилиб юради, уларнинг бирор нарсадан ташвишга тушиб, хавотирланиб юришларига ҳожат қолмайди.

Афсуски, Парвардигор Шри Кришнанинг очикдан-очик берган бундай амрига ҳамда «Бхагавад-гита»нинг илоҳий таълимотига қарамай, калтафаҳм одамлар адашганидан Уни шунчаки буюк бир тарихий шахс деб билардилар, шу тариқа Уни азалий Олий Шахс, Худонинг Олий Шахси сифатида тан олмайдилар. Ана шундай илми саёз, калтафаҳм одамларни кўплаб иймонсиз одамлар йўлдан урадилар. Ҳатто буюк олимлар ҳам «Бхагавад-гита» таълимотини нотўғри талқин қилардилар. Шри Кришна бу дунёни тарк этиб кетгандан кейин «Бхагавад-гита» таълимотига таниқли олимлар томонидан ёзилган юзлаб изоҳлар юзага келди, лекин деярли уларнинг барчаси бундан қандайдир шахсий манфаат кўзларидилар.

Шри Чаитанья Махапрабху - Парвардигор Шри Кришнанинг Ўзи. Бу гал У одамларга, жумладан, дин арбобларига ва файласуфларга Шри Кришнанинг, барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси бўлган азалий, ягона Парвардигорнинг илоҳий табиати ҳақида гапириш учун бу дунёда Ўзини "Худонинг буюк содиқ хизматкори" сифатида намоён этган. У тарғибот қилган таълимотнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, Враджабхуми(Вриндаван)да Враджа шоҳи(Нанда

Махараж)нинг ўгли бўлиб дунёга келган Шри Кришна - Худонинг Олий Шахси, шунинг учун У - бутун олам аҳли сифиниши лозим бўлган ягона Илоҳий Зот ҳисобланади. Вриндавана-дхама Парвардигорнинг Ўзидан фарқ қилмайди, чунки Худонинг номи, шон-шухрати, киёфалари ҳамда Парвардигор бу дунёда Ўзини намоён этган жой мутлақ илм поғонасида бўлиб, Худонинг Ўзи билан бир бўлади. Демак, Вриндавана-дхама ҳам худди Парвардигорнинг Ўзидай эъозланиши лозим. Парвардигорга илоҳий хизмат қилиб сифинишнинг энг олий кўринишини Унга нисбатан қалбида пок муҳаббат туйғусини уйғотган Врџабхумилик қизлар намоён этгандилар. Шри Чаитанйя Махапрабху Худога сифинишнинг энг олий кўриниши сифатида одамларга айнан ана шу усулни тавсия қилади. У "Шримад Бхагаватам"ни бенуксон муқаддас китоб сифатида қабул қилади. Бу асар одамларга Худони англаб етишда ёрдам бериб, уларга ҳар бир инсоннинг бу дунёдаги асосий, олий мақсади - қалбида Худога муҳаббат туйғусини уйғотиш, *према* ҳолатига эришишдан иборат эканини ўргатади.

Парвардигор Чаитанйянинг Шрила Вриндавана дас Тхакур, Шри Лочана дас Тхакур, Шрила Кришнадас Кавираджа Госвами, Шри Кавикарнапура, Шри Прабодхананда Сарасвати, Шри Рупа Госвами, Шри Санатана Госвами, Шри Рагхунатха Бхатта Госвами, Шри Жива Госвами, Шри Гопала Бхатта Госвами, Шри Рагхунатха дас Госвами, кейинги икки аср давомида эса, Шри Вишванатха Чакраварти, Шри Баладева Видйабхушана, Шри Шйамананда Госвами, Шри Наротгама дас Тхакур, Шри Бхактивинода Тхакур ва ниҳоят Шри Бхактисиддханта Сарасвати Тхакур сингари содиқлари ҳамда бошқа кўплаб буюк ва машхур билимдон донишмандлар, Худонинг содиқлари Парвардигорнинг бу дунёдаги ҳаёти ва насиҳатлари ҳақида жуда кўп китоблар ёзиб қолдирганлар. Ана шу асарларнинг ҳаммаси Ведалар, Пураналар, Упанишадалар, Рамайана, Махобҳорат сингари шастраларга ҳамда буюк *ачарй*алар тан олган бошқа ишонарли, ҳақиқий муқаддас китобларга асосланган. Уларнинг ҳаммаси тузилиши бўйича жуда ажойиб, баён қилиш услуби бўйича тенгсиз асарлар бўлиб, одамларга илоҳий илм сирларини ўргатади. Бахтга қарши, жаҳон халқлари ҳалигача бу асарлар ҳақида ҳеч нарса билмайдилар, асосан санскрит тилида ёзилган, бутун олам аҳлини ёруғликка чиқарадиган ана шу асарлар жаҳондаги фаросатли, зукко одамлар кўлига бориб етганида Ҳиндистоннинг шон-шухрати ва илоҳий муҳаббатномаси, шогирдлар силсиласида турган *ачарй*аларнинг бирортаси маъқулламайдиган алдамчи усуллар ёрдамида халқлар орасида фаровонлик ва бирдамлик ўрнатишга зўр бериб уринаётган, жаҳолат ботқоғига ботган бутун олам аҳлига кенг тарқалади.

Парвардигор Чаитанйянинг ҳаёти ва насиҳатларининг қисқача баёни билан танишган ўқувчилар Шрила Вриндаван дас Тхакурнинг "Шри Чаитанйя-бхагавата", Шрила Кришнадас Кавираджа Госвамининг "Чаитанйя Чаритамрита" асарларини ўқиб жуда катта маънавий озуқа оладилар. Парвардигорнинг бу дунёдаги ҳаётининг ёшлик даврини "Чаитанйя-бхагавата" асарининг муаллифи ажойиб тасвирлаган, Унинг таълимоти эса, "Чаитанйя Чаритамрита"да ёрқин баён этилган. Ҳозирги даврда биз нашр қилган "Шри Чаитанйя таълимоти" китоби орқали бу нодир илоҳий асар билан инглиз ўқувчилари ҳам танишиш имконига эга бўлдилар.

Парвардигорнинг ёшлик даврини Унинг яқин ҳамроҳи ва содиқларидан бири Шрила Мурари Гупта ёзиб қолдирган. Шрила Мурари Гупта ўша даврда амалиётчи шифокор бўлган. Шри Чаитанйя Махапрабху ҳаётининг кейинги даврини Унинг шахсий котиби Шри Дамодара Госвами (Шрила Сварупа Дамодара) ёзиб қолдирган. У Пурида Парвардигордан бир лаҳза ҳам айрилмай яшаган. Бу икки содиқ хизматкор деярли Парвардигор иштирок этган барча воқеа-ҳодисаларни батафсил ёзиб қолдирганлар, кейинчалик, Шрила Дамодара Госвами ва Мурари Гуптанинг ана шу кундалик(*кадача*)лари асосида Парвардигор ҳақида ҳикоя қиладиган, юқорида эслатиб ўтилган асарлари яратилган.

Шундай қилиб, Парвардигор Ўзини бу дунёда Шакабда эрасининг 1407 йил Пхалгуна Пурнима куни кечкурун намоён этган. Худонинг амри билан ўша куни ой тутилган эди. Одатда, ой тутилган кунлари Ҳиндистонликлар белигача муқаддас Ганга ва бошқа муқаддас дарё сувлари ичида туриб, гуноҳларидан покланиш учун ведавий мантраларни тиловат қиладилар. Шу боис ой тутилган, яъни, Парвардигор Чаитанйя туғилган куни бутун Ҳиндистон бўйлаб одамлар *маха-мантра* зикр қилардилар: *Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре*. Худонинг мана шу ўн олти муқаддас номлари жуда кўп Пурана ва Упанишадаларда эслаб ўтилган бўлиб, айнан биз яшаётган давр одамлари учун тавсия қилинган *тарака-брахма нама* деб аталади. *Шастра* (муқаддас китоб)ларда айтилганки, Худонинг мана шу муқаддас номларини ҳақоратларсиз зикр қилиш ёрдамида адашган руҳлар моддий олам тутқунлигидан руҳий озодликка чиқа оладилар. Ягона Парвардигорга одамлар бутун Ҳиндистон бўйлаб ҳам, ундан ташқарида ҳам турли номлар билан мурожаат қиладилар, шу муқаддас номларнинг ҳаммаси бирдай яхши, чунки уларнинг ҳаммаси ягона Парвардигорни, Худонинг Олий Шахсини ифодалайди. Лекин, бу ўн олти ном айнан биз яшаётган давр учун махсус тавсия қилингани учун, соғлом фикрлайдиган киши муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига амал қилиш орқали руҳий юксалиш йўлида

муваффақиятга эришган буюк устозлар изидан бориб, улардан таълим олиши лозим.

Парвардигорнинг бу дунёга келишининг ой тутилиши билан бир вақтга тўғри келиши Унинг бу дунёга келишдан мақсади алоҳида аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Унинг вазифаси - Калийуга(уруш-жанжаллар) даврида яшаётган ғофил одамларга Худонинг муқаддас номларини зикр қилишнинг муҳимлигини тарғибот қилишдан иборат эди. Ҳозирги даврда одамлар орасида арзимаган нарсалар сабабли ҳам турли жанжаллар юзага келади, шунинг учун ҳозирги давр одамлари учун муқаддас китобларда руҳий ўзликни англашнинг энг осон, ҳаммабоп усули - Худонинг муқаддас номларини шарафлаб кўйлаш тавсия қилинган. Одамлар бирга тўпланишиб, ёқимли оҳангларда, ўзларининг она тилларида Худони шарафлаб кўйлашлари мумкин. Агар одамлар шу амалларни Худога шак келтирмасдан бажариб юрсалар, бундай мажлисларда қатнашиб юрган одамлар, бошқа бирор қийин, машаққатли диний амалларни қилиб юрмасдан ҳам вақти келиб руҳий баркамолликка эришадилар. Ана шундай мажлисларда олим ва саводсиз, бой ва камбағал, индус ва мусулмонлар, инглиз ва руслар, чандал ва брахманлар - ҳаммаси Худонинг муқаддас номларининг илоҳий товушларини тинглаш шарофати билан моддий оламда яшаётгани сабабли булганган қалбини барча иллатлардан поклайдилар. Парвардигорнинг бу дунёдаги ишларини қўллаб-қувватлаш учун барча иймонли кишилар Худонинг муқаддас номларини бутун олам аҳли учун мўлжалланган умумбашарий диннинг асоси сифатида қабул қиладилар. Бошқача қилиб айтганда, муқаддас ном Худонинг даргоҳидан Ер юзига Парвардигор Шри Чаитанья Махапрабху билан биргаликда тушиб келган.

Парвардигор ҳали ёш болалик пайтларидан бошлаб атрофига тўпланган аёллар қарсак чалиб Худонинг муқаддас номларини кўйлай бошлаши билан дарров йиғидан тўхтаб қоларди. Кўшни аёллар чақалоқнинг бундай одатини хайратга тушиб қузатардилар. Баъзан эса, ёш кизлар эрмак учун аввал Уни йиғлатишар, кейин Худонинг муқаддас номларини кўйлаб Уни йиғидан тўхтатардилар. Шундай қилиб, Парвардигор бу дунёга келган кунлариданоқ халқ орасида Худонинг муқаддас номларини шарафлаб кўйлашнинг қанчалик муҳим эканини тарғибот қила бошлади. Парвардигор Шри Чаитаньяни болалик даврида ҳамма Нимай деб чақирарди. Бу номни Унга суюкли онаси берган эди, чунки У ховлида ўсиб турган Нимба дарахти ёнида туғилган эди.

Одатда фарзанд олти ойлик бўлганида ўтказиладиган *анна-прашана* маросими пайтида чақалоққа биринчи марта қаттиқ таом таклиф қилинганда Парвардигор Ўзининг келгуси фаолияти қандай бўлишига ишорат билдирган эди. Ана шу маросим ўтказиладиган пайтда боланинг

қизиқишлари, лаёқати ҳақида бироз бўлса ҳам тасаввурга эга бўлиш учун чақалоқ олдида тангалар ва китоб кўйилади. Парвардигорга ҳам бир томондан тангалар, иккинчи томондан эса "Шримад Бхагаватам" китобини таклиф қилдилар. Парвардигор "Шримад Бхагаватам"ни танлади.

Бир куни, ҳали жуда кичкина бўлган Парвардигор ховлида эмаклаб ўйнаб юрган пайтида тўсатдан Унинг ёнида катта илон пайдо бўлди, У илон билан бирга ўйнай бошлади. Уйдагиларнинг ҳаммаси даҳшатдан тарашадай қотиб қолган эдилар, лекин бир пасдан кейин илон ўзидан-ўзи кетиб қолди, шундан кейин онаси чақалоқни олиб уйга кирди. Бир куни Нимаини бир ўғри олиб кетди ва Унинг тақинчоқларини ўғирлаб олиш ниятида бирор хилват жой ахтара бошлади. Парвардигор эса, ўғрининг елкасида лаззатланиб сайр қиларди. Тақдир тақозоси билан ўғри хилват жой ахтариб-ахтариб яна Жаганнатха Мишранинг дарвозаси олдида келиб қолди. Одамлар ушлаб олишидан кўрқиб, ўғри Нимаини дарров елкасидан тушириб қочиб қолди. Бола йўқолганидан қаттиқ ташвишга тушган ота-она ва яқин қариндошлар эса, боланинг соғ-саломат топилганидан жуда хурсанд бўлдилар.

Кунларнинг бирида Жаганнатха Мишранинг уйига бир зиёратчи-брахман меҳмон бўлиб келди. Ўша брахман овқат тайёрлаб Худога таклиф қиладиган пайтда Нимаининг олдида пайдо бўлиб, Илоҳларнинг идишида турган таомдан озгина олиб еди. Бола кўлини ургани сабабли таом ҳаром бўлди деб, брахман Худога таклиф қилиш учун қайтадан овқат тайёрлай бошлади. Иккинчи марта ҳам худди шундай воқеа содир бўлди. Учинчи марта овқатни қайтадан тайёрлаш керак бўлганида болани ухлагани ётқиздилар. Уйда ҳамма қаттиқ уйқуга кетган пайтда, зиёратчи-брахман ўзининг хонасида янги тайёрлаган таомни Худога таклиф қиладиган вақтда унинг олдида, худди аввалгидай, ёш бола киёфасидаги Парвардигор, Нимаини пайдо бўлиб, яна меҳробдаги таомга кўлини узатди. Бундан фиғони фалакка чиққан брахман нима қиларини билмай хўнграб йиғлаб юборди, уйдагиларнинг ҳаммаси қаттиқ уйқуга ётгани учун унинг товушини ҳеч ким эшитмади. Бу гал Парвардигор-Нимаини бу омадли брахманга Ўзининг асл ҳолатини намоён этиб, аслида У Парвардигор Кришнанингни Ўзи эканини кўрсатди. Брахманга бу кўрган мўъжизасини ҳеч кимга айтмай сир сақлашни тайинлаб, болакай яна онасининг олдида ухлагани кетди.

Болалик даврида Нимаининг ҳаётида ана шундай ғайритабиий ҳодисалар кўп бўлиб турарди. У одатга кўра Ганга сувларида ювиниб покланишга борган брахманларнинг жиғига тегишни ёқтирарди. Брахманлар Нимаининг отасининг олдида келиб, унинг ўғли мактабга бориш ўрнига, дарё бўйида брахманларга сув сепаиб, шўхлик қилиб юрганидан шикоят қилиб турган пайтда Парвардигор уларнинг кўз олдида,

худди мактабдан ҳозир келаётгандай, қўлларига китоб ушлаб, мактаб кийимида пайдо бўларди. Нимай *гхата*(дарё бўйидаги чўмилиш жойи)га бориб, Маъбуд Шивага сажда қилиб, ундан яхши эрга турмушга чиқиш имконини тилаб, сиғиниш маросими ўтказаетган қўшни қизларга ҳазиллашиб, уларнинг жиғига тегарди. Ҳиндистонда ҳали эрга чиқмаган қизлар орасида бу урф-одат кенг тарқалган. Қизлар ана шундай маросим ўтказаетган пайтда, Парвардигор ҳазиллашиб уларнинг олдида пайдо бўлар ва уларга шундай дерди: "Ҳой опагонлар, яхшиси сизлар маъбуд Шивага олиб келган эҳсонларингизни Менга беринглар. Маъбуд Шива - Менинг содиқ хизматкорим, унинг рафиқаси Парвати эса - Менинг канизагим бўлади. Агар сизлар Менга сиғина бошласанглар, маъбуд Шивани ҳам, бошқа фаришталарни ҳам жуда мамнун қилган бўласизлар".

Қизларнинг кўплари Парвардигорнинг бу шўхликларига бўйсунини истамасдилар, шунда Парвардигор уларни дуои-бад қила бошларди. Айтганини қилмагани учун Парвардигор, қизлар аввалги хотинларидан қолган етти боласи бўлган қари чолларга эрга чиқишини тилай бошларди. Кимдир - қўрқанидан, кимдир - Уни яхши кўрганидан дарров Унга ҳар хил эҳсонлар инъом қила бошлардилар. Шунда Парвардигор мамнун бўлиб уларни дуо қила бошлар, улар албатта яхши йигитларга эрга чиқиб, ҳар бири ўнтадан фарзанд кўришини айтарди. Унинг бундай дуои-фотиҳаларидан қизлар жуда хурсанд бўлардилар, лекин барибир улар Нимайнинг шўхликларидан оналарига тез-тез шикоят қилиб турардилар.

Парвардигорнинг эрта ёшлиги ана шундай ўтди. Энди ўн олти ёшга тўлганида У Ўзининг *чатушпатха*(одатда олим браҳман ўқитувчилик қиладиган мактаб)сини очди. Ана шу мактабда ҳатто грамматика дарсида ҳам У болаларга Кришна ҳақида гапирарди. Кейинчалик, Парвардигорни мамнун қилиш учун Шрила Жива Госвами санскрит грамматикаси бўйича китоб ёзди, унда барча грамматик қоидалар Худонинг муқаддас номлари мисолида тушунтирилади. Ана шу китобдан Ҳиндистондаги мактабларда ҳозирги кунларда ҳам фойдаланадилар. Бу китоб "*Хари-намаврита-вайакарана*" деб аталади ва бенгалия мактабларида ўқув дастурига киритилган.

Ўша пайтларда Навадвипадаги муқаддас китоблар бўйича ўтказиладиган мусобақаларда иштирок этиш учун кашмирлик буюк олим Кешава Кашмирий келди. Кашмирлик бу пандит енгилмас олим-билимдон сифатида бутун Ҳиндистонга донғи кетган эди. У Ҳиндистоннинг билимдон олимлари билан машҳур бўлган ҳамма вилоятларида бўлиб, ниҳоят маҳаллий пандитлар билан куч синашиш ниятида Навадвипага етиб келган эди. Навадвипалик пандитлар кашмирлик бу пандитга қарши Нимай Пандитни қўйишга қарор қилдилар. Улар агар Нимай Пандит бу

олимдан енгилса, у билан ўзлари беллашишни ният қилгандилар, чунки Нимай ҳали ёш бола эди. Агар кашмирлик олим мағлубиятга учраса, бу навадвипалик пандитларнинг шуҳратини яна ҳам ошириб юборарди, чунки одамлар орасида "ҳатто Навадвипалик ёш бола ҳам бутун Ҳиндистонга донғи кетган машҳур олимни мағлубиятга учратибди" деб гаплар тарқала бошлайди. Такдир тақозоси билан Нимай Пандит кашмирлик олим Кешава Кашмирийни Ганга қирғоғида болалар билан ўйнаб юрган пайтда учратди. Парвардигор ундан Гангани санскрит тилида битилган шеър билан олқишлашни илтимос қилди. Пандит ўзининг ғайритабиий қобилиятини намойиш этиб, бир зумда юз мисра шеър тўқиб, шеърни шамол тезлигида ифодали ўқиди. Нимай Пандит унинг ҳамма шеърини беҳато эслаб қолди. У шеърнинг олтмиш тўртинчи мисрасини такрорлаб, ундаги мазмун ва шаклга тааллуқли бўлган баъзи бир ноаниқликларни кўрсатди. Масалан, У пандитнинг *бхавани-бхартух* деган жумлани ишлатишини нотўғри ишлатилган ибора, тавтология деб топди. *Бхавани* ибораси "маъбуд Шиванинг рафиқаси" деганни билдиради, шундай экан яна ким унинг *бхартаси*, яъни эри бўлиши мумкин? У шеър таркибидаги бошқа яна бир неча ноаниқликларни кўрсатиб берди. Кашмирлик олим ҳайратдан тарашадай қотиб қолган эди. Грамматикани ўрганиб юрган оддий ўқувчи шундай машҳур билимдон олим ёзган шеърдаги стилистик хатоларни аниқ кўрсата олгани уни қаттиқ ҳайратга солган эди. Ҳали асосий учрашув бўлмасдан олдин бўлиб ўтган бу воқеа ҳақидаги шов-шувлар дарров бутун Навадвипага тарқалди. Билимдонлик фариштаси Биби Сарасвати шу куни кечаси Кешава Кашмирийнинг тушига кириб, унга Парвардигор олдида бош эгишни буюрди. Шундай қилиб, Кешава Кашмирий Парвардигорнинг содиқ хизматкорларидан бирига айланди.

Орадан кўп вақт ўтмай Парвардигор катта тантана билан Ўзининг никоҳ тўйини нишонлади, шундан кейин У Навадвипада Худонинг муқаддас номларини биргаликда куйлаш усулини тарғибот қила бошлади. Баъзи браҳманлар Унинг халқ орасида кун сайин ортиб бораётган мартабасига ҳасад қилиб, Унинг ишларига қарши ҳар хил фитналар уюштирардилар. Уларнинг қалбида ҳасад олови шу қадар кучайиб кетган эдики, улар Нимай Пандитнинг ишлари устидан Навадвипанинг мусулмон қозисига арз қилишгача бориб етдилар. Ўша пайтларда Бенгалияда *пата*н(Афғон қабилаларидан бирининг ҳиндча номи)лар ҳукмрон бўлиб, Навадвипага Набоб Ҳусайн Шоҳ қозилик қиларди. Навадвипа қозиси браҳманларнинг арзини жиддий қабул қилди. Аввалига у Нимай Пандитнинг издошларини огоҳлантириб, уларга Худонинг "Хари" деган муқаддас номини баланд овозда куйлашни таъқиқлаб қўйди. Парвардигор Чаитанья эса Ўзининг издошларига қозининг амрига

бўйсунмасликни буюрди, содиқлар ҳеч нарса бўлмагандай, худди аввалгидай кўчаларга чиқиб Худонинг муқаддас номларини баланд овозда куйлаш(*санкиртана*)ни давом эттиравердилар. Қози уларнинг ҳаракатини тўхтатиш учун ўзининг одамларини юборди, улар санкиртанани тўхтатиб, бир неча мриданга(барабан)ларни синдириб ташладилар. Бўлиб ўтган бу воқеалардан хабар топган Нимай Пандит фуқароларнинг қози амрига бўйсунмаслик ҳаракатини ташкил этди. Шундай қилиб, У Ҳиндистонда биринчи бўлиб адолат йўлида фуқароларнинг ҳукуматнинг нотўғри қарорларига бўйсунмаслик ҳаракатига асос солди. У уюштирган намойишларда кўлларига минглаб мриданга ва караталалар олиб, биргаликда Худонинг муқаддас номларини куйлаш учун кўчага юз минг одам чиқди. Ана шу оломон қозининг ноҳақ амрига бўйсунмаслигини намойиш этиб, Навадвипа кўчалари бўйлаб байрам уюштирдилар. Ниҳоят оломон қозининг уйи олдига етиб борди. Оломоннинг ғазабидан кўрққан қози уйининг юқори қаватида яшириниб ўтирарди. Қозининг уйи олдида тўпланган оломон қаҳр-ғазабга тўлган эди, Парвардигор уларни тинчланишга чақирди. Шундан кейин қози пастга тушиб, Парвардигорга ўз жияни сифатида мурожаат қилиб, Уни мамнун қилишга уринди. Қози Ниламбара Чакраварти унинг тоғаси эканини, демак, Нимай Пандитнинг онаси Шримати Шачидеви - унинг синглиси бўлишини айтди. "Шундай экан жияни Ўзининг тоғасидан хафа бўлиб жаҳли чиқиши мумкинми?" Қозининг бу гапларига Парвардигор айтдики, агар у ҳақиқатан ҳам тоғаси бўлса, Уни ўз уйида шунга муносиб равишда кутиб олиши лозим. Шу тарзда орадаги бу чигал муносабат бироз юмшагандай бўлди. Шундан кейин бу икки билимдон, зукко зот орасида Курьон ва ҳиндларнинг муқаддас китоблари борасида узок суҳбат-муҳокама бўлиб ўтди. Парвардигор қозига сигирларни ўлдириш ҳақида савол берди, қози эса, одатдагидай Қурьонга асосланган ҳолда Унга жавоб берди ва ўз навбатида Нимайдан ҳиндларнинг сигир сўйиб қурбонлик маросими ўтказишлари ҳақида сўради. Парвардигор унинг саволига жавоб бериб айтдики, Ведалар асосида ўтказилган маросим сигирларни ўлдириш ҳисобланмайди. Бундай қурбонлик маросими пайтида қариб қолган сигир ёки хўкизга ведавий мантралар кучи билан янги тана берадилар. Бу билан брахманларнинг илми, ведавий мантраларнинг қудрати ҳақиқийлиги синовдан ўтади. Лекин ҳозир биз яшаб турган Кали-йуга даврида сигирларни қурбон қилиш таъқиқланган, чунки ҳозирги даврда ана шундай қурбонлик маросимларини ўтказиш оладиган ҳақиқий билимдон брахманлар йўқ. Парвардигор Кали-йуга даврида ҳар қандай *йагья*, қурбонлик маросимлари ўтказишни таъқиқлаб қўйган, чунки жаҳолатга ботган ғофил одамлар ўтказаятган бундай маросимларнинг ҳеч қандай маъноси

қолмайди. Кали-йугада ҳар қандай мақсадга эришиш учун фақат *санкиртана-йагья*, яъни Худонинг муқаддас номларини биргаликда куйлаш маросими ўтказиш тавсия қилинган. Оқибат-натижада Нимай Пандит қозини Ўзининг гапларига ишонтира олди, шу билан у ҳам Парвардигорнинг издошларидан бирига айланди. Қози эълон қилиб айтдики, мана шу кундан бошлаб ҳеч ким Парвардигор бошлаган *санкиртана* ҳаракатига тўсқинлик қилолмайди. У ўзининг бу амрини кейинги авлодларига ҳам васият қилиб қолдирди. Навадвипада ўша қозининг қабри сақланиб қолган ва ҳозирги кунда муқаддас зиёратгоҳга айланган, Ҳиндистоннинг турли жойларидан индуслар уни тавоф этгани зиёратга келиб турадилар. Навадвипада ҳозир ҳам ўша қозининг авлодлари яшайдилар, ҳеч қачон, ҳатто индуслар билан мусулмонлар орасида турли жанжал ва тўқнашувлар бўлиб турган пайтларда ҳам улар вайшнавларнинг санкиртана ҳаракатига тўсқинлик қилмаганлар.

Бу воқеалар шуни кўрсатадики, Парвардигор кўрқок, тортинчоқ вайшнавлардан бири бўлмаган. Ҳақиқий вайшнав - Парвардигорнинг кўрқмас, жасур содиқ хизматкори, у адолат йўлида мақсадга эришиш учун ҳамма нарсага тайёр туради. Аржун ҳам вайшнав, Кришнанинг содиқ хизматкори эди, у Худонинг амрини бажариш учун жасорат билан жанг қилди. Ваджрангажи (Хануман) ҳам Парвардигор Рамачандранинг содиқ хизматкори эди, у ҳам иймонсизларнинг, Раваннинг ҳамтовоқларининг яхшилаб таъзирини бериб қўйган. Вайшнавларнинг асосий қондаси - ҳар қандай йўл билан Худони мамнун қилиш, ўзининг холис хизмати билан Уни хурсанд қилишдан иборат. Ўзининг табиатига кўра вайшнав одатда тинчликсевар, бирор зотга озор беришни истамайди, Парвардигорга хос бўлган барча эзгу фазилатларга эга бўлади, аммо қандайдир иймонсиз одам Худони ёки Худонинг содиқларини ҳақорат қилса, бундай ноҳақликка вайшнав ҳеч қачон жим қараб тура олмайди.

Ана шу воқеалар бўлиб ўтгандан кейин Парвардигор Ўзи олиб келган *бхагавата-дхарма* - *санкиртана* ҳаракатини яна ҳам кучлироқ шижоат билан тарғибот қила бошлади. Ҳозирги даврнинг асосий диний қонуни бўлган *санкиртана* ҳаракатига қаршилик кўрсатган, тўсқинлик қилган ҳар қандай одам у ёки бу даражада албатта жазо оларди. Парвардигорга она тарафдан тоға бўлган икки брахман - Гопал билан Чапал ҳам, санкиртана ҳаракатига қарши чиққани учун пес касалига чалиндилар, кейин ўз гуноҳини тан олиб, пушаймон бўлиб тавба қилганларидан кейин Парвардигор уларни кечирди. Ўзининг тарғиботчилик фаолияти даврида Парвардигор ҳар куни Ўз издошларини, шу жумладан Шрила Нитйананда Прабху ва Харидас Тхакурларни ҳам, ҳар бир уйга кириб "Шримад Бхагаватам" таълимотини тарғибот қилиш учун жўнатарди.

Унинг санкиртана ҳаракати бутун Навадвипани камраб олганди. Унинг штаб-квартираси Ўзининг энг яқин шогирдлари бўлган оилали вайшнавлар - Шривас Тхакур ва Шри Адвайта Прабхунинг хонадонлари бўлди. Ўз илми билан маҳаллий брахманларнинг сардори бўлган бу брахманлар Парвардигор Чаитанянинг *санкиртана* ҳаракатининг энг шижоатли, энг жонкуяр тарафдорлари эдилар. Парвардигорнинг бу дунёга келишига айнан Шри Адвайта Прабху сабабчи бўлган эди. Одамлар дунёвий ишларга муккасидан берилиб кетганини, моддий тирикчиликнинг уч турли мусибатларидан халос бўлишнинг ягона йўли - Худога садоқат билан хизмат қилиш билан ҳеч ким шуғулланишни истамаётганини кўриб, У ҳозирги даврдаги чексиз мусибатлар гирдобиди азият чекаётган инсониятга нисбатан қалбида уйғонган чуқур ачиниш, ҳамдардлик туйғуси таъсири остида, уларга бесабаб марҳамат кўрсатиб, ҳар куни Парвардигордан бу дунёга келиб одамларни бу мусибатлардан Ўзи халос этишини илтижо қиларди. У ҳамиша Парвардигорга Ганга суви билан муқаддас туласи баргларида таклиф қилиб сажда қиларди. Парвардигорнинг амрига биноан *санкиртана* ҳаракатида иштирок этаётган ҳар бир содиқ ҳар куни бошқаларга бу таълимотни тарғибот қилишда иштирок этиши лозим эди.

Бир куни, шаҳарнинг асосий кўчасидан ўтиб бораётиб, Нитйананда Прабху ва Шрила Харидас Тхакур одамларнинг бир жойга тўпланиб, ғала-ғовур кўтариб турганига дуч келдилар. Шу ердаги одамлардан сўраб-суриштириб билсалар, Жагай ва Мадхай деган ака-ука ароқ ичиб маст бўлган ҳолда жамоатчилик тартибини бузаётган эканлар. Яна улар шуни аниқладиларки, бу икки ака-ука юқори мартабали, обрўли брахман оиласидан чиққан бўлиб, ёмон одамлар таъсирига берилиб кетгани сабабли, эндиликда энг жирканч гуноҳкор, пасткаш одамларга айланиб қолган эдилар. Улар шунчаки ароқхўр-пияниста бўлиб қолмасдан гўшт ҳам истеъмол қилар, аёллар билан бузук ишлар қилар, ҳар қандай гуноҳ ишдан тап тортмайдиган иймонсиз одамларга айланган эдилар. Одамларнинг улар ҳақида айтаётган гапларини тинглаб туриб, Шрила Нитйананда Прабху шундай қарорга келди: жаҳолат ботқоғига ботган мана шу икки адашган банда биринчи навбатда озодликка чиқиши керак. Агар улар гуноҳ ишларни тарк этиб, иймонли, такводор содиқлар даврасига қўшилса, халқ орасида Парвардигор Чаитанянинг обрўси яна ҳам ортиб кетади. Ана шундай ният билан Харидас Тхакур ва Нитйананда Прабху оломон ичига суқилиб кириб, ака-укалардан Парвардигор Харининг муқаддас номини зикр қилишни илтимос қилдилар. Аммо ака-укалар уларнинг бу илтимосини эшитиб қутуриб кетдилар ва Нитйананда Прабхуга қарата ифлос, ҳақоратли гапларни ёғдира бошлади. Ака-укалар узоқ жойгача уларни қувиб, таъқиб қилиб келдилар. Кечкурун, кун бўйи ўтказилган тарғибот

ишлари бўйича ҳисобот бериш пайтида Нитйананда билан Харидаснинг ана шу икки пасткаш нодонни жаҳолат ботқоғидан қутқаришга уринганини эшитиб Парвардигор жуда мамнун бўлди.

Эртаси куни Нитйананда Прабху ака-укалардан хабар олгани борди, аммо уларга яқинлашган заҳоти улардан бири кўлига кўза синиғини олиб, Нитйанандага қараб улоқтирди. Тош Унинг пешонасига тегиб, жароҳатдан тирқираб қон оқа бошлади. Аммо Нитйананда Прабху шунчалик олийжаноб эдики, бундай жирканч иши учун ундан жаҳли чиқиши ўрнига бу ярамасга шундай сўзлар билан мурожаат қилди: "Майли, Мени тош билан урсанг ҳам сени кечираман: сен Парвардигор Харининг муқаддас номини зикр қилсанг бас!"

Безорилардан биттаси Жагай, Нитйананда Прабхунинг бундай олийжаноблигидан ҳайратга тушиб, шу заҳотиёқ Унинг оёқларига йиқилди ва гуноҳкор акасини кечиришни Ундан илтимос қила бошлади. Мадхай Нитйананда Прабхуга ташланиб, яна Унга зарба туширишга қўл кўтарган эди, аммо уни Жагай тўхтатиб қолди, ундан Нитйананда Прабхунинг оёғига йиқилиб, кечирим сўрашни илтимос қилди. Бу пайтга келиб Нитйананда Прабхунинг жароҳат олгани ҳақидаги хабар Парвардигорга етиб борган эди ва У ғазабга тўлиб воқеа содир бўлган жойга шошилди. Парвардигор Ўзининг Сударшана Чакрасини ишга солиб бу икки гуноҳкор ака-укаларни шу заҳотиёқ ўлдириб ташламоқчи бўлди, лекин Нитйананда Прабху Унга бу дунёга қандай мақсадда келганини эслатиб қўйди: Унинг бу дунёга келишдан мақсади - Кали-йуга даврида жаҳолат ботқоғига ботган ғофил одамларни руҳий озодликка чиқаришдан иборат эди. Ака-ука Жагай билан Мадхай эса, ана шундай гуноҳкор осий бандалардан эдилар. Ҳозирги даврдаги одамларнинг, шу жумладан ўзларини олий мартабали, маданиятли инсон деб юрган одамларнинг ҳам тўқсон фоизи худди ана шу ака-укалар сингари гуноҳкор осий одамлардир. Муқаддас китобларда айтилганки, ҳозирги даврда бутун жаҳонда одамлар ҳақиқий маданиятли жамиятнинг энг қуйи табақасига мансуб бўлган шудраларга хос сифатларга, ҳатто ундан ҳам пасткаш сифатларга эга бўладилар. Шуни айтиб ўтиш лозимки, Парвардигор Чаитаня Махапрабху ҳеч қачон жамиятнинг насл орқали авлоддан-авлодга ўтадиган табақаланиш тизимини тан олмаган. Аксинча, У ҳамиша инсоннинг *сварупаси*, яъни, ҳақиқий ўзлиги ҳақида муқаддас китобларда берилган қонун-қоидаларга қатъий риоя қиларди.

Парвардигор Ўзининг Сударшана Чакрасини чақирганини, Шрила Нитйананда Ундан бу ака-укаларнинг гуноҳини кечиришни илтижо қилаётганини кўриб, ака-укалар Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилдилар ва ўзларининг жирканч ишлари учун Ундан кечирим

сўрай бошладилар. Нитйананда Прабху ҳам Парвардигордан бу гуноҳкорларнинг тавбасини қабул қилишни илтимос қиларди. Бундан кейин ўзларининг барча гуноҳ ва ярамас ишларини бутунлай тарк этиши лозимлиги шарт билан Парвардигор Нитйананда Прабхунинг уларни кечириш борасидаги илтимосини қабул қилди. Ака-укалар Парвардигорнинг бу шартига рози бўлиб, барча жирканч ишларини бутунлай тарк этишга сўз бердилар. Парвардигор чексиз марҳамат кўрсатиб уларни кечирди ва шундан кейин ҳеч қачон уларнинг аввал қилган жирканч ишлари ҳақида бирор одамга эслатмади.

Парвардигор Чаитаняннинг алоҳида марҳамати ана шундай. Ҳозирги даврда ҳеч ким ўзини "беғуноҳ" деб айта олмайди. Бундай дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Аммо Парвардигор Чаитанья ҳар қандай гуноҳкор банданинг гуноҳларини кечириб юборади, бунинг учун асосий шарт - ҳақиқий руҳий устоздан фотиҳа олгандан кейин улар ўзларининг аввалги гуноҳ ишларини, бемаъни одатларини бутунлай тарк этишга сўз беришлари лозим.

Бу икки ака-ука воқеаси ҳамма учун жуда ибратли. Кали-йуга даврида деярли ҳамма одамларда Жагай ва Мадхайнинг сифатлари бор. Ўзининг қилиб юрган гуноҳ ишлари оқибатидан халос бўлишни истаган ҳар бир инсон Чаитанья Махапрабху паноҳига кириши, руҳий ҳаёт кечиришга фотиҳа олгандан кейин шастраларда таъқиқланган ишларнинг ҳаммасини тарк этиши лозим. Бундай таъқиқланган ишлар Парвардигорнинг Шрила Рупа Госвамига берган насиҳатларида кўрсатиб ўтилган.

Оилали киши вазифасини бажариб юрган пайтларида Парвардигор ҳеч қандай мўъжиза кўрсатмади. Одатда одамлар ҳамиша шундай буюк Зотларнинг қандайдир мўъжиза кўрсатишини кутиб юрадилар. Аммо бир куни, санкиртана ҳаракати авжига чиққан кунларнинг бирида, У жуда ғаройиб бир мўъжиза кўрсатди. Атрофидаги содиқлардан ҳозир нима егилари келиб турганларини сўраб, уларнинг манго егиси келиб турганини билгандан кейин, Парвардигор улардан манго уруғи беришни сўради. Ўша пайтда ҳали йилнинг манго пишадиған фасли эмасди. Манго уруғини олиб Парвардигор уни Шриниваснинг ҳовлисига ўтказди, шу заҳотиёқ манго дарахти ўсиб чиқди. Шу ерга тўпланган одамларнинг кўзи олдида дарахт каттайиб, гуллаб, мўл-кўл мева берди. Ундаги мевалар шу ерга тўпланган одамлардан ҳам ортиб қоларди. Дарахт Шриниваснинг ҳовлисида ўсишда давом этар, шу кундан бошлаб содиқлар бу дарахтдан ҳар куни қанча истасалар шунча миқдорда мева узиб олардилар.

Парвардигор Врџабхуми(Вриндаван)лик қизларнинг Кришнага нисбатан бўлган муҳаббат туйғусини жуда юксак кадрларди, уларнинг Кришнага соф садоқат билан қилаётган

хизматларидан жуда мамнун бўлиб, Парвардигор Чаитанья бир куни Худонинг муқаддас номлари ўрнига ана шу *гопи*(подачи қиз)ларнинг номларини шарафлаб куйлай бошлади. Шу пайт Унинг олдида бир неча шогирди келиб қолди. Улар Парвардигор гопиларнинг номларини шарафлаб куйлаётганини кўриб хайрон бўлдилар. Ғофиллиги сабабли улар Парвардигордан нимага У гопиларнинг номларини куйлаётганини суриштириб, Унга Кришнанинг номларини куйлаш кераклигини айтдилар. Ўзларининг бундай ҳаракатлари билан улар Парвардигорни илоҳий жазавали ҳолатдан чиқариб юборган эдилар. Парвардигор уларни қойиб, олдида хайдаб юборди. Бу шогирдлар Чаитанья Махапрабху билан деярли бир хил ёшда бўлган тенгқур дўстлари эди. Шу боис ғофиллиги сабабли улар ўзларини Чаитанья Махапрабху билан тенг деб билардилар. Бир жойга тўпланиб, улар агар Чаитанья Махапрабху яна бир марта шундай қилса, биргаллашиб Унинг адабини бериб кўйишга қарор қилдилар. Соддадил одамлар орасида бу воқеа ҳар хил миш-мишлар тарқалишига сабаб бўлди.

Бу гаплар Чаитанья Махапрабхуга бориб етганида У жамият ҳар хил тоифага мансуб одамлардан иборат экани ҳақида ўйланиб қолди. У Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳаракатига асосан талабалар, ўқитувчилар, кармали фаолият билан шуғулланиб юрган одамлар, йоглар, иймонсизлар ва турли тоифадаги атеистлар қаршилиқ қиладилар. "Менинг бурчим ҳозирги даврдаги барча адашган бандаларни озодликка чиқаришдан иборат - ўйга толди У, - аммо агар Мени оддий инсон ўрнида кўриб, одамлар Мени ҳақорат қила бошласалар, улар ҳеч қачон озодликка чиқа олмайдилар. Руҳий юксалиш, руҳий ўзлигини англаш йўлига кириш учун улар қандай қилиб бўлса ҳам, Менга албатта хурмат-эҳтиром кўрсатишлари лозим". Шундай фикр-мулоҳазалар асосида Парвардигор таркидунёлик(*саннийаси*) турмуш тарзини қабул қилишга қарор қилди, чунки одатда маданиятли, такводор инсонлар таркидунё қилган *саннийасиларни* албатта эъзозлаб хурмат қиладилар.

Беш юз йил аввал инсонлар жамияти ҳали жаҳолат ботқоғига ҳозиргидай даражада чуқур ботиб кетмаган эди. Ўша пайтларда одамлар таркидунё қилган зоҳид, *саннийасиларни* эъзозлардилар, ўз навбатида *саннийасилар* ҳам таркидунёлик турмуш тарзи қонун-қоидаларига қатъий риоя қилардилар. Шри Чаитанья Махапрабху Кали-йуга даврида таркидунё қилиб яшашни маъқулламаган, чунки ҳозирги даврда камдан-кам одам *саннийасиларнинг* машаққатли қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиб яшай оладилар. Шри Чаитанья Махапрабху фақат одамлар Уни муносиб эъзозлаши учунгина *саннийаси* турмуш-тарзини қабул қилиб, ҳақиқий *саннийаси* қандай яшаши лозимлигини бошқаларга

ўрнак қилиб кўрсатишга қарор қилди. Ҳар бир маданиятли, тақводор инсон *саннийасиларга* муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиши лозим, чунки *саннийасилар* жамиятдаги барча табақага мансуб одамларнинг руҳий устози ҳисобланадилар.

Тақдир тақозоси билан Парвардигор *саннийаси* турмуш тарзини қабул қилиш устида ўйлаб юрган пайтларда Навадвипага Кешава Бхарати деган *саннийаси* келиб қолди. У *майавадилар* мактабига мансуб *саннийаси* бўлиб, Катвада яшарди. Кешава Бхарати Нимайнинг уйига меҳмон бўлиб келганида, Парвардигор ундан *саннийаси* турмуш тарзига ўтиш учун фотиҳа беришни илтимос қилди. *Саннийаси* бўлишнинг тартиби шундай: инсон фақат *саннийасининг* фотиҳаси билан *саннийаси* турмуш тарзига ўтиш мумкин. Гарчи Парвардигор ҳар жиҳатдан бутунлай мустақил Зот бўлса ҳам, муқаддас китобларда белгиланган тартибни бузмаслик учун, у *вайшнавлар сампрадайасига* мансуб эмаслигига қарамай, Парвардигор Кешава Бхаратидан *саннийаси* турмуш тарзига фотиҳа олди.

Кешава Бхарати билан маслаҳатлашиб, Парвардигор расмий равишда *саннийаси* турмуш тарзига ўтиш маросимида иштирок этиш учун Навадвипадан Катвага йўл олди. У билан бирга Шрила Нитйананда Прабху, Чандрашекхара Ачарйа ва Муқунда Датта ҳам йўлга чиқдилар. Улар фотиҳа олиш маросимини ўтказишда ёрдамлашдилар. Парвардигорнинг *саннийаси* турмуш тарзига фотиҳа олиш маросими Шрила Вриндаван дас Тхакурнинг "Чаитанйя-бхагавата" асарида батафсил таърифланган.

Шундай қилиб, бу дунёдаги умрининг йигирма тўртинчи йили охирида *магха* ойида Парвардигор *саннийаси* турмуш тарзини қабул қилди. *Саннийаси* турмуш тарзига ўтгандан кейин У *бхагавата-дхарма* таълимотининг тўла ҳуқуқли тарғиботчисига айланди. Оилали бўлган пайтларида ҳам У *бхагавата-дхарма* қоидаларини тарғибот қилиш билан шуғулланган бўлишига қарамай, тарғибот қилишга халақит берадиган баъзи бир қаршиликларга дуч келгани учун, бу дунёда адашиб, мусибат чекиб юрган ғофил одамларга ёрдам бериш мақсадида оилали ҳаёт келтирадиган қулайликлардан ҳам воз кечди. Оилавий ҳаёт кечириб юрган пайтларида Унинг асосий ёрдамчилари Шрила Адвайта Прабху ва Шрила Шривас Тхакур эди, *саннийаси* турмуш тарзига ўтгандан кейин унинг асосий ёрдамчилари - тарғибот қилиш учун Бенгалияга юборилган Шрила Нитйананда Прабху ҳамда Шрила Рупа Госвами ва Санатана бошлиқ олти Госвами бўлди. Улар ҳозирги кунда муқаддас саждагоҳга айланган жойларда Кришнанинг ҳаёти билан боғлиқ ерларни излаб топиш учун Вриндаванга жўнатилди. Шундай қилиб, Парвардигор Шри Чаитанйя Махапрабхунинг марҳамати билан ҳозирги Вриндаван шаҳри топилган ҳамда

Враджабхумининг илоҳий аҳамияти бутун жаҳон аҳлига ошкор этилган эди.

Саннийаси турмуш тарзини қабул қилиб, Парвардигор дарров Вриндаванга йўл олишни истади. Уч кун давомида У Радха-деша(Ганга дарёси окмайдиган жойлар) бўйлаб йўл юрди. Вриндаванга қараб бораётгани ҳақида ўйлашнинг ўзи Уни илоҳий жазавали лаззат оғушига ғарқ қиларди. Лекин Шрила Нитйананда Прабху Уни бу саёҳат йўлидан чалғитиб, Адвайта Прабхунинг Шантипурдаги уйига олиб келди. Парвардигор бир неча кун Шри Адвайта Прабхунинг уйида бўлди. Парвардигор Ўзининг кадрдон уйини биратўла тарқ этиб кетаётганини яхши тушунган ҳолда, онаси ўғли билан охири марта видолашиб олсин деган мақсадда, Шри Адвайта Прабху Ўзининг хизматкорларидан бирини Парвардигорнинг онаси Шачидевини олиб келиш учун Навадвипага жўнатди. Баъзи бир виждонсиз одамлар Парвардигор Чаитанйя *саннийаси* турмуш тарзини қабул қилгандан кейин Ўзининг хотини билан ҳам учрашган, шунда у сиғиниб юриши учун унга Ўзининг тахтадан ясалган сандалини берган деб айтадилар, лекин ишонарли манбаларда бу ҳақда бирор маълумот берилмаган. Онаси У билан Адвайта Прабхунинг уйида учрашди, ўғлини *саннийаси* либосида кўриб, онаси қаттиқ изтиробга тушди. Онаси Парвардигордан ҳеч бўлмаса Пури шаҳрида муқим ўрнашиб қолишни илтимос қилди, шунда онаси ҳам Унинг қандай яшаётганидан хабардор бўлиб турган бўларди. Парвардигор Ўзининг сеvimли онасининг охириги илтимосини бажаришга рози бўлди. Кейин Парвардигор Пурига йўл олди, Ундан айрилган бутун Навадвипа аҳолиси ҳижрон азоби уммонига ғарқ бўлди.

Пурига йўл олар экан, Парвардигор йўл бўйи жуда кўп жойларда бўлди. У Ўзининг содиқ хизматкори Шрила Мадхавендра Пури учун сут ўғирлаган Илоҳ Гопинатха жойлашган эҳромга борди. Шундан сўнг Гопинатхажининг муртисини содиқлар *Кшира-чора-гопинатха* деб атай бошладилар. Бу воқеани тинглаш Парвардигорга катта завқ бағишлади. Ўғирлик қилишга мойиллик ҳатто мутлақ поғонада ҳам мавжуд, лекин, бу ишни Мутлақ Ҳақиқат бўлган Зот қилганида у жирканч, бемаъни иш бўлмайди, аксинча, ҳатто Парвардигор Чаитанйя ҳам сажда қиладиган илоҳий кароматга айланади, чунки мутлақ илоҳий ҳолатда Парвардигор билан Унинг ўғирлиги орасида фарқ қолмайди. Гопинатханинг ана шу ишини Кришнадас Кавираж Госвами "Чаитанйя Чаритамрита" асарида ажойиб таърифлаб берган.

Парвардигор Ремунадаги, Баласор(Орисса вилояти)да жойлашган *Кшира-чора-гопинатха* эҳромини зиёрат қилиб, Пурига йўл олди. Йўл бўйи У Сакша-гопал эҳромини зиёрат қилди. Бу Илоҳ Ўзининг содиқлари - икки браҳман-вайшнавининг оилавий можароларида гувоҳлик қилган эди. Парвардигор чуқур мамнуният билан

Сакша-гопал воқеасини тинглади, бу билан У иймонсиз атеистларга Парвардигорнинг ҳар хил эҳромларда содиқлар сиғинадиган, буюк ачарйалар тан олган муртилари - калтафаҳм одамлар айтганидай бут-санамлар эмаслигини кўрсатиб қўйди. Эҳромда ўрнатилган мурти - Худонинг бу дунёда намоён бўлган кўриниши, Унинг арча-киёфаси. Шунинг учун У ҳар жиҳатдан Парвардигорнинг Ўзи билан бир. Парвардигорнинг мурти киёфаси Ўзига сажда қилиб сиғинаётган содиқнинг қалбидаги ишончига, мухаббатига мос равишда жавоб беради. Ўзининг содиқлари орасида юзага келган муаммони ҳал қилиш, шунингдек содиқ хизматкорларига алоҳида марҳамат кўрсатиш учун Сакша-гопал Вриндавандан то Орисса вилоятидаги Видйанagara қишлоғига арча киёфасида юриб борди. Ана шу ердан Илоҳни Каттак қишлоғига олиб бордилар. Ҳозир ҳам Жаганнатха Пурига бораётган минглаб зиёратчилар Сакша-гопал эҳромига кириб, эҳтиром билан Унга сиғиниб, зиёрат қилиб кетадилар. Парвардигор шу ерда тунаб қолди, кейин Пури шаҳрига қараб йўлини давом эттирди. Йўлда Нитйананда Прабху Унинг саннийасилик рамзи бўлган ҳассасини синдириб ташлади. Парвардигор бу иши учун Ўзини Ундан жаҳли чиққандай қилиб кўрсатди. Кейин Ўзининг ҳамроҳларини ортда қолдириб, Пурига бир Ўзи йўл олди.

Пурига етиб келиб Жаганнатханинг эҳромига кирган заҳоти У чуқур илоҳий жазавага тушиб, хушидан кетиб эҳром полига кулаб тушди. Эҳром хизматчилари Парвардигорнинг бу илоҳий кароматини тушуна олмадилар, аммо ўша пайтда эҳромда буюк билимдон пандит Сарвабхаума Бхаттачарйа ҳам бор бўлиб, У Орисса шоҳи Махараж Пратапарудра саройида бош пандит лавозимида ишларди. Парвардигорнинг Жаганнатха эҳромига кирган заҳоти хушидан кетиб қолиши - шунчаки оддий ҳолат эмаслигини фақат у тушуна олганэди. Шри Чаитанйа Махапрабхунинг навқирон ёшлиги Сарвабхаума Бхаттачарйани ўзига бутунлай ром этган бўлиб, бундай илоҳий ҳолат жуда кам учрашини, фақат дунёвий ҳаётни бутунлай эсидан чиқариб, илоҳий поғонага кўтарилган энг буюк содиқлардагина учрашини у яхши тушунарди. Бундай илоҳий жасоратга фақат руҳий озодликка эришган руҳлар қодир бўладилар. Чуқур илмга эга бўлган, илоҳий асарлар билан яхши таниш инсон сифатида Бхаттачарйа буни яхши биларди. Шунинг учун у эҳром ишчиларидан бу нотаниш саннийасини безовта қилмасликни илтимос қилди. Парвардигорнинг беҳуш ҳолатини кузатиш, ўрганиш имконига эга бўлиш ниятида у хизматчилардан Уни ўзининг уйига олиб боришни илтимос қилди. Парвардигорни ўша пайтда *сабхандит*, яъни санскрит адабиёти бўйича Давлат Университети факультетида декан сифатида катта обрўга эга бўлган Сарвабхаума Бхаттачарйанинг

уйига олиб бордилар. Билимдон пандит Парвардигор Чаитанйанинг илоҳий жазава ҳолатининг ҳақиқийлигини жиддий текшириб кўрмоқчи эди, чунки айрим виждонсиз содиқлар баъзан оддий одамларнинг эътиборини қозониш, бундан моддий манфаат ундириш мақсадида илоҳий жазаванинг турли хил ташки аломатларини намоён этадилар. Бхаттачарйа сингари билимдон олимлар ана шундай тақлидчиларни аниқлашга, уларнинг фирибгарлигини фош қилиб, шу заҳотиёқ уларни эҳромдан ҳайдаб чиқаришга қодир эди.

Сарвабхаума Бхаттачарйа Парвардигор Чаитанйа Махапрабхунинг ҳолатини шастраларнинг кўрсатмалари асосида диққат билан таҳлил қилиб текшириб кўрди. У ҳиссиётга берилган оддий, билимсиз одам сифатида эмас, балки билимдон олим сифатида Парвардигорнинг бу ҳолатини жиддий ўрганарди. У қорин томирларининг тортиши, юрак уриши, бурунлардаги ҳаво ҳаракатини кузатди, Парвардигорнинг томир уришини текшириб Унинг танасининг фаолияти бутунлай тўхтаб қолганига амин бўлди. Парвардигорнинг бурнига озгина пахта толасини тутиб, Унинг танасида салгина ҳаво оқими борлигини сезди. Шу тариқа у Парвардигорнинг илоҳий жазава ҳолати ҳақиқий эканига тўлиқ ишонч ҳосил қилди ва муқаддас китобларда бундай ҳолатлар учун тавсия қилинган амалларни бажара бошлади. Аммо Парвардигор Чаитанйа Махапрабхуни хушига келтириш учун алоҳида усулни кўллаш лозим эди. У фақат Ўзининг содиқ хизматкорлари куйлаётган Худонинг муқаддас номлари товушидан хушига келарди. Сарвабхаума Бхаттачарйага бу махсус усул маълум эмасди, чунки у ҳали Парвардигорни билмас, Уни танимас эди. Бхаттачарйа биринчи марта эҳромда Парвардигорни учратганида Уни шунчаки оддий зиёратчилардан биттаси деб ўйлаган эди.

Айни пайтда Парвардигорнинг эҳромга етиб келган ҳамроҳлари Унинг кўрсатган илоҳий қаҳрамонлиги, Бхаттачарйа Уни ўзининг уйига олиб кетгани ҳақида хабар топдилар. Эҳромдаги зиёратчилар ҳалигача бўлиб ўтган бу воқеани муҳокама қилиб турардилар. Парвардигорнинг ҳамроҳларидан биттаси Гададхара Пандит яхши танийдиган Гопинатха Ачарйани учратиб қолди. Улар ундан Парвардигор Сарвабхаума Бхаттачарйанинг уйида беҳуш ҳолда ётганини билиб олдилар. Сарвабхаума Бхаттачарйа Гопинатха Ачарйанинг куёви эди. Гададхара Пандит Парвардигорнинг ҳамроҳларини Гопинатха Ачарйага таништирди, у уларнинг ҳаммасини Бхаттачарйанинг уйига олиб борди. Бу ерда Чаитанйа Махапрабху чуқур илоҳий жазава ҳолатида беҳуш ётарди. Шунда бу ерга келганларнинг ҳаммаси одатдагидай Парвардигор Харининг номларини баланд овозда шарафлаб куйлай бошладилар, шундан кейин

Парвардигор Ўзига келди. Кейин Бхаттачарйа Унинг барча ҳамроҳларини, шу жумладан Парвардигор Нитйананда Прабхуни ҳам уйда қабул қилиб, улардан уйда фахрли меҳмони бўлишларини илтимос қилди. Сувда чўмилиб покланиш учун уларнинг ҳаммаси Парвардигор билан биргаликда денгизга йўл олдилар, Бхаттачарйа эса улар учун Каши Мишранинг уйда жой ва таом тайёрлашга киришди. Унга қайноғаси Гопинатха Ачарйа ёрдам берарди. Бу икки қариндош Парвардигорнинг илоҳий табиати ҳақида самимий суҳбатлаша бошладилар. Аввал Парвардигорни таниган Гопинатха Ачарйа У ҳақиқатан ҳам Худо Шахсининг Ўзи эканини куёвига тушунтиришга, исботлашга уринарди, Бхаттачарйа эса У - шунчаки буюк содиқлардан бири деб ҳисобларди. Уларнинг ҳар бири ҳар хил одамларнинг гаплари асосида эмас, балки ҳақиқий муқаддас китобларнинг, шастраларнинг кўрсатмаларига асосланиб ўз фикрини исботлашга ҳаракат қиларди. Худонинг бу дунёда намоён бўлган тимсоли ғофил, нодон, фанатик одамларнинг кўпчилик овози билан эмас, балки ҳақиқий муқаддас китобларда кўрсатилган далил-исботлар асосида аниқланади. Чаитанйа Махапрабху бу дунёда ҳақиқатан ҳам Парвардигорнинг намоён бўлган тимсоли сифатида пайдо бўлгани учун, ҳозирги даврда кўпчилик аҳмоқ фанатиклар ҳақиқий муқаддас китобларнинг далил-исботлари билан асосламаган ҳолда баъзи бировларни "Худонинг тимсоли", *аватара* деб эълон қиляптилар. Лекин Сарвабхаума Бхаттачарйа ҳам, Гопинатха Ачарйа ҳам ана шундай ғофилликдан устун турган билимдон инсонлар эди; аксинча, улар Чаитанйа Махапрабхунинг илоҳий Зотлигини ишонарли муқаддас китобларга асосланган ҳолда тасдиқлашга ёки инкор этишга ҳаракат қилардилар.

Кейинчалик маълум бўлдики, Бхаттачарйа ҳам аввал Навадвипа атрофидаги жойларда яшаган экан. У Парвардигор Чаитанйанинг она тарафдан бобоси Ниламбара Чакраварти билан Сарвабхаума Бхаттачарйанинг отаси тенгкур дўстлар бўлгани ҳақида гапириб берди. Шундан кейин ёш *саннийаси*, Парвардигор Чаитанйага нисбатан Бхаттачарйанинг қалбида оталарча меҳр-муҳаббат туйғуси уйғонди. Бхаттачарйа Шанкарачарйа сампрадаясига мансуб жуда кўп саннийасиларнинг устози бўлиб, ўзи ҳам ана шу фалсафий мактаб тарафдори эди. Шунинг учун у бу ёш *саннийаси*, Парвардигор Чаитанйа ҳам унинг "Веданта-сутра" фалсафасига берган изоҳларини тинглашини истарди.

Одатда "ведантистлар" деб Шанкара фалсафий мактабининг издошларини айтадилар. Лекин бу "фақат Шанкара-сампрадаёга мансуб олимлар "Веданта-сутра"ни ўрганадилар" дегани эмас. Барча ҳақиқий *сампрадаё*лар "Веданта-сутра"ни ўрганадилар, лекин уларнинг ҳар бири бу

асарни ўзига хос тарзда талқин қиладилар. Лекин Шанкара-сампрадаёга мансуб ведантистлар одатда ведантист-вайшнавларга маълум бўлган юксак илоҳий илм ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга эмаслар. Шунинг учун биринчи бўлиб "Бхактиведанта" деган унвон вайшнавлар орасида пайдо бўлган.

Парвардигор Бхаттачарйадан "Веданта-сутра" бўйича таълим олишга рози бўлди, улар Парвардигор Жаганнатха эхромидида жойлашиб олдилар. Бхаттачарйа етти кун давомида тинмасдан "Веданта-сутра"ни изоҳлаб маъруза қилди, Парвардигор эса унинг гапларини бўлмасдан, бераётган изоҳларига диққат билан кулоқ соларди. Парвардигорнинг шунча вақт бирор савол бермасдан жим ўтириши Бхаттачарйанинг қалбига ғулғула солиб, қандайдир шубҳа уйғота бошлади. Шунинг учун Бхаттачарйа Парвардигордан нима учун ҳеч қандай савол бермаётгани, унинг "Веданта-сутра"га берган изоҳларига Ўз муносабатини билдирмаётгани ҳақида сўради.

Парвардигор фаросатсиз талабанинг ролини ўйнаб, Ўзини худди Бхаттачарйанинг "Веданта-сутра"га бераётган изоҳларини диққат билан тинглаётгандай қилиб кўрсатарди, чунки у бундай ишлар *саннийасининг* бурчи деб ҳисоблар эди. Лекин аслида Парвардигор унинг "Веданта-сутра"га бераётган изоҳларини маъқуллаётгани йўқ эди. Бу билан У одамларга шуни билдириб кўйдикки, Шанкара-сампрадаё мактабининг издошлари ёки Шрила Вйасадеванинг кўрсатмаларига риоя қилмайдиган бошқа ҳар қандай *сампрадаё* издошлари "Веданта-сутра"ни шунчаки юзаки ўрганадилар. Улар бу буюк илми мукамал билмайдилар, яъни "Веданта-сутра" борасида уларнинг илми мукамал эмас. "Веданта-сутра"нинг муаллифи унинг мазмунини "Шримад Бхагаватам"да батафсил тушунтириб берган. Шу боис "Шримад Бхагаватам"ни ўрганмай туриб "Веданта-сутра"ни билишнинг иложи йўқ.

Кенг дунёқарашли, билимдон, зукко одам бўлгани учун Бхаттачарйа, Парвардигорнинг машхур ведантистга нисбатан бўлган муносабатидаги бундай совуқликни англаб етди. Шунинг учун у Парвардигордан нима сабабдан Ўзи тушунмаган нарсаларини сўраб, аниқлаб олмаётгани ҳақида сўради. Бхаттачарйа Парвардигорнинг шунча кундан бери жим ўтирганининг сабаби нимада эканини тахмин қиларди. Парвардигорнинг Ўзини бундай тутиши албатта "Веданта-сутра" борасида Унинг Ўз мулоҳазалари бор эканини кўрсатиб турарди, шу боис Бхаттачарйа Ундан шу мулоҳазаларини бирга муҳокама қилишни илтимос қилди.

Парвардигор шундай деди: "Эй ҳукмдорим, Мен "Веданта-сутра"нинг *жанмадй асйа-йатах, шастра-йонитват* ва *атхато брахма-жижнаса* сингари сутраларининг мазмунини яхши

тушунаман. Лекин сен уларни изоҳлай бошлаганингда, ўз билганингча талқин қилаётганингда уларнинг мазмунини тушуниш қийин бўлиб кетади. Сутраларнинг мазмуни уларнинг ўзида очиқ тушунтирилган, сенинг талқинларинг эса унинг мазмунини бузиб юборади. Сен онгли равишда сутраларнинг очиқ-равшан кўриниб турган маъносини тўғридан-тўғри қабул қилишни истамайсан, бунинг ўрнига уларни ўз истагингга мос қилиб нотўғри талқин қиляпсан".

Ўзининг бу гаплари билан Парвардигор, қандайдир шахсий манфаат кўзлаб, "Веданта-сутра"ни ўзининг чекланган ақлий қобилиятига мос равишда талқин қиладиган ведантистларни танқид қиляпти. Шундай қилиб, Парвардигор "Веданта-сутра" сингари ҳақиқий муқаддас китобларни нотўғри талқин қилишларни кескин қоралайди.

Парвардигор давом этди: "Шрила Вйасадева Упанишадаларнинг аниқ мазмун-моҳиятини "Веданта-сутра"да умумлаштирган. Афсуски, сен уларнинг мазмунини тўғридан-тўғри қабул қилишни истамай, уларни ўз билганингча турлича талқин қиляпсан.

Ведаларнинг мазмуни борасида ҳеч қандай баҳс-мунозарага, ҳеч қандай шубҳаю-гумонга мутлақо ўрин йўқ. Ведаларда айtilган гапларнинг ҳаммасини тўғридан-тўғри қабул қилиш керак, акс ҳолда биз Ведаларнинг илоҳий мартабасини инкор этган, уларга ишонмаган бўламиз.

Сур ва сигир тезаги - ҳар хил ҳайвонларнинг суяги ва ахлати ҳисобланади. Лекин Ведаларда улар ҳалол, пок нарсалар деб ёзилгани учун иймонли одамлар Ведаларга ишониб, уларни ҳалол деб биладилар".

Бу гапларнинг маъноси шундан иборатки, инсон ўзининг мукаммал бўлмаган тасаввурларини Ведалар таълимотидан устун қўймаслиги керак. Ведаларнинг кўрсатмаларини дунёвий моддий тасаввурларга мослаштириб талқин қилмасдан, бевосита аниқ бажариш керак. Ўзларича "ведавий кўрсатмаларга амал қиляпмиз" деб юрган одамлар уларни ўз билганча талқин қиладилар, шу тарзда Ведаларга асосланган диний таълимотнинг турли оқим ва секталари юзага келади. Парвардигор Будда Ведалар таълимотини очиқдан-очиқ инкор этиб, Ўз қонунларини яратган эди. Фақат ана шу сабабли Ведавий кўрсатмаларга қатъий риоя қилиб яшайдиган одамлар буддизмни тан олмайдилар. Аммо сохта ведантистлар ҳатто буддистлардан ҳам хатарлироқ одамлардир. Буддистлар Ведаларни тўғридан-тўғри инкор этишга журъат қиладилар, сохта ведантистлар эса, гарчи ўзлари Ведаларнинг барча кўрсатмаларини бузиб юрган бўлсалар ҳам, бунга журъат қилолмайдилар. Парвардигор Чайтанйя ана шундай одамларни кескин қоралаган.

Бу борада Парвардигорнинг сур ҳамда сигир тезаги ҳақида келтирган мисоли жуда ўринли. Агар кимдир "сигир тезаги пок бўлса, билимдон

браҳманнинг ахлати ундан ҳам покроқ" - деб ҳисобласа, у қаттиқ адашади. Сигир ахлати пок, ҳалол, қанча юқори мартаба эгаллаб турган бўлишига қарамай, браҳманнинг ахлатини ҳалол деб қабул қилиш мумкин эмас.

Парвардигор давом этди: "Ведаларнинг насихатлари мукаммал ва тушунарли қилиб ифодаланган, агар бу дунёдаги қандайдир мавжудотлар уларни ўз билганича талқин қилсалар, бу билан улар Ведаларни инкор этган бўладилар. Ўзини Шрила Вйасадевадан ақллироқ деб ҳисоблаш ғирт аҳмоқликдир. Унинг фикри сутраларда ифодаланган, шу боис улардан муҳимроқ бўлмаган бошқа шахсларга мурожаат қилиб юришнинг ҳожати йўқ. Унинг "Веданта-сутра" асари худди кун ўртасидаги куёшдай порлаб турибди, ўзидан нур таратиб турган "Веданта-сутра"ни ўзича талқин қиладиган киши уни ўзининг тасаввур булутлари билан тўсишга уринаётган бўлади.

Ведаларнинг ҳам, Пураналарнинг ҳам мақсади битта. Улар Мутлақ Ҳақиқатни таърифлайдилар, Мутлақ Ҳақиқатдан юксакроқ, Ундан буюкроқ Зот мавжуд эмас. Мутлақ Ҳақиқатни англаш билан инсон мутлақ ҳокимликка эга бўлган Худонинг Мутлақ Шахсини англаб етади. Худонинг Мутлақ Шахси бойликка, куч-қудратга, шон-шухратга, гўзалликка, илмга тўла ва бутунлай мустақил Зот. Шунга қарамай, ҳайратланарлиси шундаки, ғофил одамлар Худонинг Илоҳий Шахсини "шахсиятсиз" деб таърифлайдилар.

Одамларнинг "мутлақ тўла бутун" ҳақидаги дунёвий, моддий тасаввурлардан халос бўлишига ёрдам бериш ниятида Ведаларда Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз таърифи келтирилган. Парвардигорнинг шахсий сифатлари моддий сифатлардан бутунлай фарқ қилади. Барча тирик мавжудотлар алоҳида мавжудликка эга, уларнинг ҳаммаси - олий бутуннинг ажралмас бўлаклари. Агар ажралмас заррачалар - шахс бўлса, уларнинг манбаи шахсиятсиз бўлиши мумкин эмас. У - бошқа барча тобе шахслар ичида Олий Шахсдир.

Ведаларда айtilганки, ҳамма нарса У(Брахман)дан чиққан ва ҳамма нарса Унда жойлашган. Борлиқ яқсон бўлганда ҳамма нарса яна Унга бориб қўшилади. Шунинг учун У барча сабабларнинг охирги, якуний сабабчиси бўлиб, Ўзида "яратувчи", "ҳаракатга келтириб турувчи" ва "яқсон қилувчи" кучларни мужассам қилган. Ана шундай қудрат қандайдир шахсиятсиз зотга мансуб бўлиши мумкин эмас.

Ведаларда айtilганки, "Ўзи ягона бўлган ҳолда, У Ўзини кўпайтирди". Шундай қилишни истаганида У моддий табиатга Ўзининг нигоҳини ташлайди. У моддий табиатга нигоҳини ташламасдан аввал моддий олам мавжуд эмасди. Демак, Унинг нигоҳи моддий нигоҳ эмас. Парвардигор моддий табиатга нигоҳ ташламасдан аввал моддий ақл ва ҳиссиётлар ҳам мавжуд эмасди. Шундай қилиб, Парвардигорнинг илоҳий

кўзлари ва илоҳий ақли борлигини Ведалар яққол исботлаб турибди. Улар моддий сифатларга эмас. Шундай қилиб, Унинг шахсиятсиз кўринишда тасвирланиши - У - илоҳий Шахс эканини инкор этиш эмас, балки Унинг моддий сифатларга эга эмаслигини тасдиқлашдан иборат.

Охир-оқибатда "*Брахман*" ибораси "*Худо Шахси*" деганни билдиради. Шахсиятсиз Брахманни англаб етиш моддий намоёнликни тескари, яъни манфий маънода англаб етиш демакдир. *Параматма* - Брахманнинг ҳар бир моддий танада мавжуд бўлган кўриниши. Барча муқаддас китобларнинг гувоҳлик беришига кўра, Олий Брахманни тўлиқ англаб етиш - Уни Худо Шахси сифатида англаб етишдан иборат. Худонинг Олий Шахси - барча *вишнута*тваларнинг бошланғич сабабчиси.

Пураналар ҳам Ведаларга қўшимча адабиётлар ҳисобланади. Оддий одамларнинг ведавий мантраларни тушуниб олиши жуда қийин. Аёллар, *шудралар* ҳамда олий табақада туғилган, лекин муносиб сифатларга эга бўлмаган *брахманлар* Ведаларнинг мазмунини англаб ета олмайдилар. Шунинг учун "*Махобҳорат*"да ва *Пураналар*да ведавий ҳақиқат илми анча осон кўринишда тушунтирилган. Болакай кўринишидаги Шри Кришнага қилган илтижоларида Маъбуд Брахма, Враджабхумининг Нанда Махараж ва Йашодамаёя бошлиқ аҳолиси тақдирида дуч келган омадлари чексиз эканини айтади, чунки мангу Мутлак Ҳақиқат улар билан яқин қариндош бўлган эди.

Ведавий мантраларнинг бирида айтилганки, Мутлак Ҳақиқатнинг қўллари, на оёқлари йўқ, лекин шунга қарамай У ҳаммадан тез ҳаракат қилади ва Унга садоқат билан тақлиф этилган нарсаларни албатта қабул қилади. Бу гаплар шубҳасиз шундан далолат берадики, гарчи Унинг қўл ва оёқлари моддий оёқ ва қўллардан, бошқа аъзолари ҳам бошқа моддий аъзолардан бутунлай фарқ қилса ҳам, ҳеч шубҳа йўқки, Парвардигор - шахс сифатларига эга бўлган илоҳий Зотдир.

Шундай қилиб, *Брахман* ҳечам шахсиятсиз эмас, лекин ана шундай мантраларни нотўғри талқин қилиш натижасида "*Мутлак Ҳақиқат - шахсиятсиз Зот*" деган нотўғри тасаввур юзага келади. Мутлак Ҳақиқат, Худо Шахси барча фазилятлар эгаси, демак, илм ва лаззатга тўла мукамал илоҳий борлиқ шаклига эга. Шундай экан, қандай қилиб Мутлак Ҳақиқатни шахс эмас, шахсиятсиз Зот деб айтиш мумкин?

Барча бойликлар эгаси бўлган Брахманнинг сон-саноксиз қувватлари мавжуд. Агар "*Вишну-Пурана*"(6.7.60)да: "*Парвардигор Вишнунинг уч турли бошланғич илоҳий қуввати мавжуд*", деб айтилганини қабул қилсак, Брахманнинг сон-саноксиз қувватларини уч тоифага бўлиш мумкин. Унинг руҳий қуввати ва тирик мавжудотларнинг қуввати олий тоифага мансуб, моддий қувват эса - қуйи қувват бўлиб, унинг манбаи ғофиллик, ғафлатдир.

Тирик мавжудотларнинг қуввати алоҳида ибора билан *кшетраджна-шакти* деб аталган. Ана шу *кшетраджна-шакти*, гарчи сифат жиҳатидан Худо билан бир хил бўлса ҳам, ғофиллиги сабабли моддий қувват таъсири остига тушиб қолади, шу сабабли бу дунёда ҳар хил моддий мусибатларга дучор бўлиб юради. Бошқача қилиб айтганда, тирик мавжудотлар Парвардигорнинг олий(руҳий) ва қуйи(моддий) қувватлари ўртасида оралик ҳолатни эгаллаб турадилар. Тирик мавжудот қай даражада моддий ёки руҳий қувват билан аралашганига мос равишда мавжудликнинг юқори ёки қуйи поғоналарида яшайди.

Аввал эслатиб ўтилганидай, Парвардигор қуйи ва оралик қувватлардан ташқарида жойлашган Зот бўлиб, Унинг руҳий қуввати уч турли кўринишда намоён бўлади: мангу мавжудлик, мангу лаззат ва мангу илм. Мангу мавжудликни - Парвардигорнинг *сандхини* қуввати таъминлаб туради. Лаззат ва илмни эса мос равишда Унинг *хладини* ва *самвит* қувватлари таъминлаб туради. Парвардигор барча қувватларнинг олий манбаи бўлгани учун, У "*руҳий*", "*оралик*" ва "*моддий*" қувватларнинг олий ҳукмдори ҳисобланади. Турли хилдаги ана шу қувватларнинг ҳаммаси Парвардигор билан холис хизмат қилиш воситасида мангу боғланган.

Шу тарзда Худонинг Олий Шахси Ўзининг илоҳий мангу қиёфасида лаззатланиб яшайди. Шундай экан, кимларнингдир "*Парвардигор ҳеч қандай қувватга эга эмас*" деб эълон қилиши ажабланарли эмасми? Парвардигор барча қувватларни бошқариб туради, тирик мавжудотлар эса, ана шу қувватлардан бирининг ажралмас заррачалари. Шунинг учун Парвардигор билан тирик мавжудотлар орасида жуда катта фарқ бор. Шундай экан, қандай қилиб "*Парвардигор билан тирик мавжудотлар - бир-биридан фарқ қилмайди*", деб айтиш мумкин? «Бхагавад-гита»да ҳам "*тирик мавжудотлар Парвардигорнинг олий қувватига мансуб*" деб айтилган. Қувват ва қувват манбаи бир-бирига чамбарчас боғлиқлиги қонунига кўра, айна пайтда улар бир-биридан фарқ қилмайдилар. Шундай қилиб, Парвардигор билан тирик мавжудотлар ҳам худди қувват билан қувват манбаи сингари бир-биридан фарқ қилмайди.

Ер, сув, олов, ҳаво, эфир, ақл, тафаккур ва ўзлик(эго) - Парвардигорнинг қуйи қувватларидир, аммо тирик мавжудотлар олий қувват сифатида буларнинг ҳаммасидан фарқ қилади. Бу ҳақиқат «Бхагавад-гита»(7.4)да тасдиқланган.

Парвардигорнинг илоҳий қиёфаси мангу ва илоҳий лаззатга тўла. Қандай қилиб ана шундай қиёфа моддий эзгулик *гунасининг* маҳсулоти бўлиши мумкин? Демак, ҳеч қандай шубҳа йўқки, Парвардигорнинг қиёфаси борлигига ишонмайдиган ҳар қандай одам - иймонсиз иблисдир. Албатта дўзах ҳукмдорининг жазосига маҳкум бўлган ана шундай одамнинг ҳатто юзига ҳам қараш мумкин эмас.

Буддистларни "иймонсиз даҳрийлар" деб атайдилар, чунки улар ведавий муқаддас китобларни тан олмайдилар, аммо аввал айтганимиздай, ўзларини "иймонли", "ведантистлар" деб юрган ҳолда Ведаларнинг якуний кўрсатмаларини инкор этадиган одамлар ҳатто буддистлардан ҳам хавфлироқдир.

Шри Вйасадева одамларга чексиз марҳамат кўрсатиб, Ведалар таълимотини "Веданта-сутра"да баён этиб кетган, аммо бу илмни (Шанкара-сампрадаёга мансуб) *майавадилар* талқини бўйича ўрганган киши руҳий юксалишнинг тўғри йўлидан адашади.

"Веданта-сутра" эманация (ўзидан чиқариш)лар назариясидан бошланади. Бутун космик борлик турли хил англаб бўлмас қувватлари воситасида Худодан, Мутлақ Шахсдан чиқади. Эманация назариясини фалсафа тоши мисолида тасвирлаб бериш мумкин. Фалсафа тоши ўзи ўзгармаган ҳолда чекланмаган миқдордаги темир моддасини олтинга айлантириши мумкин. Худди шундай Парвардигор ҳам Ўзининг англаб бўлмас қувватлари ёрдамида бутун борлиқни яратади, лекин Ўзи ўзгармас, Ўзига тўла бутун бўлиб қолаверади. У - *пурна*(тўла бутун), Ундан шунча ўзига тўла-бутун *пурна*(тўла бутун)лар чиқиб турганига карамай, У ҳамиша *пурна* бўлиб қолаверади.

Майавадилар мактаби ўзларининг "алданиш" назариясини ёқлайдилар, чунки эманациялар назарияси гўёки Мутлақ Ҳақиқатнинг ўзгарувчанлигини тан олишга олиб келармиш. Агар шундай бўлса, демак Вйасадева ноҳақ эканда? Ана шундай хулосага келмаслик учун улар ўзларича алданиш назариясини ўйлаб топдилар. Аммо, майавадилар эълон қилаётганидай, бу борлик, бу моддий олам алдамчи нарса эмас. У шунчаки мангу мавжуд эмас. Ўткинчи нарсани тўлиқ маънода "алдамчи" деб бўлмайди. Лекин, "тирик мавжудот - моддий танадир" деган тасаввур, шубҳа йўқки, бутунлай нотўғри тасаввурдир.

Пранава(ом), яъни *омкара* - бошланғич ведавий мадҳия, мантра. Мана шу илоҳий товуш Парвардигорнинг қиёфаси билан бир. Ведавий мадҳияларнинг ҳаммаси мана шу *пранава* омкарага асосланган. *Тат твам аси* - шунчаки Ведалар адабиётининг иккинчи даражали афоризмидир, шунинг учун бу ибора Ведаларнинг бошланғич мадҳияси бўлиши мумкин эмас. Шрипада Шанкарачарйа бошланғич афоризм бўлган *омкарага* нисбатан иккинчи даражали *тат твам аси* иборасига жуда катта аҳамият бериб юрган".

Парвардигор майавадилар мактабининг таълимотини инкор этиб, "Веданта-сутра" ҳақида шундай фикрларни билдирди. Бхаттачарйа турли хил мантикий ва грамматик далиллар келтириб ўзини ва ўзи мансуб бўлган майавадилар мактабини ҳимоя қилишга уриниб кўрди, аммо

Ўзининг инкор қилиб бўлмайдиган далиллари ёрдамида Парвардигор уни бутунлай мағлуб қилди. Парвардигор таъкидлаб айтдики, бизлар Парвардигор билан мангу боғланганмиз, У билан бўлган ўзаро муносабатимизда бизнинг бурчимиз - Унга садоқат билан хизмат қилишдан иборат. Парвардигор билан ўзаро муносабатимизнинг якуний натижаси эса - қалбимизда *према*, яъни Унга нисбатан чуқур муҳаббат уйғотишдан иборат. Инсон ўзининг қалбида Худога муҳаббат туйғусини уйғота олганида, унда бошқа тирик мавжудотларга нисбатан ҳам ўзидан-ўзи муҳаббат туйғуси пайдо бўлади, чунки Парвардигор - барча тирик мавжудотлар мажмуидир.

Парвардигор айтдики, Ведаларда берилган мана шу уч нарса: 1. Худо билан мангу боғлиқлик; 2. Худо билан ўзаро муносабатлар; 3. Худога муҳаббат уйғотишдан бошқа ҳар қандай илм ва назариялар кераксиз, ўйлаб топилган нарсалардир.

Кейин Парвардигор кўшиб кўйди, Шрипада Шанкарачарйа тарғибот қилган *майавада* фалсафаси - Ведаларнинг сохта, нотўғри талқинидир, аммо Шанкарачарйа бу таълимотни Парвардигорнинг Ўзининг кўрсатмасига биноан тарғибот қилди. "Падма пурана"да айтилганки, Парвардигор Маъбуд Шивага инсониятни У(Худо)дан чалғитишни буюрди. Одамлар бу дунёда аҳоли сонини кўпайтиришлари учун улардан Худо Шахсини яшириш лозим эди. Маъбуд Шива Девига шундай дейди: "Кали-йугада мен *брахман* қиёфасига кириб *майавади* фалсафасини тарғибот қиламан. Аслида бу таълимот ниқоб кийиб олган буддизмдан бошқа нарса эмас".

Шри Чаитанйа Махапрабҳунинг айтган гапларини тинглаб туриб, хайратга тушган Бхаттачарйа сукутга чўмганча чуқур эҳтиром билан Унга қараб турарди. Таажубга тушишга ҳеч қандай асос йўқлигини айтиб, Парвардигор унинг кўнглини кўтариб кўйди: "Инсон ҳаётининг энг олий мақсади - Худога садоқат билан хизмат қилишдан иборат". Кейин Парвардигор "Шримад Бхагаватам"дан мисоллар келтириб, Бхаттачарйага тушунтириб бердики, ҳатто "руҳ ва руҳий онг"га ғарқ бўлган озод руҳлар ҳам Парвардигор Харига садоқат билан хизмат қилиш йўлига қирадилар, чунки Худо Шахси ҳатто руҳий озодликка чиққан зотларни ҳам Ўзига жалб этадиган илоҳий сифатлар сохибидир.

Шундан кейин Бхаттачарйа "Шримад Бхагаватам"нинг *атмарама* деб аталадиган мисраси(1.7.10)нинг талқинини тинглаш истагини билдирди. Парвардигор ундан аввалига ўзи бу мисрани изоҳлаб беришини илтимос қилди, шундан сўнг уни Ўзи ҳам изоҳлаб беришини айтди. Бхаттачарйа билимдон олимга хос бўлган тарзда, асосан мантикий хулосаларга асосланиб бу мисрани изоҳлаб берди. Ўз даврининг энг машхур

мантиқшуноси бўлгани туфайли у бу мисрани тўққиз турли маънода изоҳлаб берди.

Бхаттачарйанинг талқинларини тинглаб бўлиб, бу мисрани илмий жиҳатдан таҳлил қилиб бергани учун Парвардигор унга миннатдорчилик билдирди. Кейин унинг илтимоси билан Парвардигор бу мисрани Бхаттачарйанинг берган изоҳларидан бошқа олтмиш тўрт турли маънода талқин қилиб берди.

Парвардигордан *атмарама* мисрасининг талқинини тинглаб туриб, Бхаттачарйа "ер юзида яшайдиган тирик мавжудотлардан бирортаси ана шундай илмий таҳлил қилишга қодир бўлиши мумкин эмас" деган хулосага келди. Аввалроқ Гопинатха Ачарйа уни Парвардигор Чаитанйанинг илоҳий Зот эканига ишонтиришга уринган эди, лекин у ўша пайтда унинг гапларига ишонмаган эди. Лекин Парвардигорнинг "Веданта-сутра"ни ҳамда "Шримад Бхагаватам"нинг *атмарама* мисрасини изоҳлаб бериши Бхаттачарйани бутунлай лол қолдирган эди. У Парвардигор Чаитанйа аслида Шри Кришнанинг Ўзи эканини тан олмай Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини қаттиқ ҳақорат қилиб қўйганини тушуниб етди. Шундан кейин у яхши иш қилмаганидан қаттиқ пушаймон бўлиб, ўз ихтиёрини бутунлай Парвардигор Чаитанйанинг амрига топширди. Парвардигор шунчалик марҳаматли эдики, У Бхаттачарйани рад этмади. Ўзининг бесабаб марҳамати билан Парвардигор унга Ўзини ошкора намоён этди: унинг олдида аввалига Ўзининг тўрт қўлли Нарайана қиёфасида, кейин икки қўлли, қўлида най ушлаб турган Парвардигор Кришна кўринишида намоён бўлди.

Бхаттачарйа шу заҳотиёқ Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига йиқилиб сажда қилди, Уни олқишлаб бир неча мисра мадҳиялар тўқиди. Худонинг марҳамати билан Бхаттачарйа юз мисрага яқин шеър битди. Парвардигор уни бағрига босиб кучоқлади, Бхаттачарйа илоҳий жазавага ғарқ бўлиб, дунёни моддий кўринишда тасаввур қилиш ҳолатидан чиқиб кетди. Унинг танасида илоҳий жазавали лаззатнинг барча саккиз аломати пайдо бўлган эди: кўз ёшлари, титроқ, юракнинг тез-тез уриши, тер босиши, хиссиётлар хуружи, рақсга тушиш, қўшиқ куйлаш, қичқириқлар. Шри Гопинатха ачарйа жуда хурсанд бўлди ва Парвардигорнинг марҳамати билан қайноғаси мўъжизавий равишда Худонинг содиқ хизматкорига айланганидан ҳайратга тушди.

Бхаттачарйа ўша пайтда тўқиган юз мисра шеърдан икки мисраси алоҳида муҳим аҳамиятга эга, чунки уларда Парвардигорнинг бу дунёга келишдан мақсадининг мазмун-моҳияти тушунтирилади.

1. Мен ўз ихтиёримни бу дунёда Ўзини Парвардигор Шри Чаитанйа Махапрабху қиёфасида намоён этган Худо Шахсига топшираман. У - чексиз марҳамат уммонидир. У бизларга илм ўргатиш, дунёвий нарсаларга

боғланмасликни ҳамда Худога садоқат билан хизмат қилишни ўргатиш учун бу дунёга ташриф буюрган.

2. Вақт ўтиши билан одамлар Худога соф садоқат билан хизмат қилишни унутиб юборганлари сабабли, ана шу қонун-қоидаларни қайта-тиклаш мақсадида Парвардигор бу дунёда Ўзини намоён этди, шунинг учун мен Унинг нилуфар қадамлари пойига сажда қиламан.

Парвардигор тушунтириб айтдики, *мукти*(озодлик) ибораси билан "Вишну"(Хуо Шахси) ибораси синонимлар, яъни бир хил маънога эга сўзлардир. *Мукти*, яъни моддий тирикчилик тутқунлигидан озодликка чиқиш - Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиш демакдир.

Кейин Парвардигор бироз вақтга Жанубий Ҳиндистон бўйлаб сафарга чикди, саёҳати давомида учратган одамларнинг ҳаммасини Шри Кришнанинг содиқ хизматкорларига айлантди. Ана шу содиқлар ўз навбатида бошқаларнинг Худога садоқат билан хизмат қилиш - *бхагавата-дҳарма* йўлига киришига ёрдам бердилар. Шу тариха Парвардигор Годавари дарёси қирғоғига етиб келди, бу ерда У Мадрас ҳукмдори, Орисса шоҳи Махараж Пратапарудранинг шу ердаги ҳокими Шрила Рамананда Рай билан учрашди. Илоҳий илмни чуқур тушуниб олишда Парвардигорнинг Рамананда Рай билан қилган суҳбати жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу суҳбатнинг тўлиқ баёни бир китобни ташкил этади, бу ерда биз унинг қисқача мазмунини келтириб ўтамиз.

Гарчи ижтимоий ҳолатига кўра, ҳатто брахманлар табақасидан ҳам паст табақага мансуб бўлишига қарамай Шри Рамананда Рай руҳий озодликка чиққан руҳлардан эди. У таркидунёлик турмуш тарзини қабул қилмаган, бунинг устига ҳукумат таркибида юқори лавозим эгаллаган амалдор эди. Шунга қарамай Шри Чаитанйа Махапрабху унинг илоҳий илмни чуқур англаб етганини назарда тутиб, уни "озодликка чиққан рух" деб тан олди. Парвардигор шунингдек мусулмон оиласидан чиққан Шрила Харидас Тхакурни ҳам қабул қилди, у Парвардигорнинг биринчи шогирдларидан бўлди. Парвардигор учун асосий мезон кишининг ижтимоий келиб чиқиши эмас, балки ҳар бир алоҳида шахснинг Худога садоқат билан хизмат қилишда эришган даражаси эди. Парвардигорнинг содиқлари орасида бошқа ҳар хил табақа, оқим ва қабилалардан чиққан одамлар ҳам бор. Парвардигор учун инсоннинг танаси, ташқи қобиғи эмас, балки унинг руҳи ва фаолияти муҳим эди. Биз бундан шундай хулосага келамизки, Парвардигорнинг бутун фаолияти пок руҳий поғонадиги фаолият бўлган. Шундай қилиб, Шри Чаитанйа Махапрабху таълимоти, *бхагавата-дҳарма* таълимоти дунёвий ҳаётнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа кўринишидаги моддий фаолиятлардан бутунлай

фарқ қилади. "Шримад Бхагаватам" - рухнинг соф рухий эҳтиёжини қондирадиган илоҳий асардир.

Годавари дарёси соҳилида Шри Рамананда Рай билан бўлган суҳбати чоғида Парвардигор индуслар амал қиладиган *варнашрама-дхарма* қоидалари ҳақида эслатиб кўйди. Шрила Рамананда Рай айтдики, *варнашрама-дхарма*, яъни жамиятни тўрт ижтимоий табақа (*варна*)га, инсон ҳаётини тўрт давр (*ашрам*)га бўлиш тизими қоидаларига риоя қилиб яшаш билан ҳар бир инсон Илоҳий Зотни англаб ета олади. Парвардигорнинг фикрига кўра эса, *варнашрама-дхарма* тизими юзаки тизим бўлиб, унинг рухий кадрятларни олий даражада англаб етишга алоқаси кам. Инсон ҳаётининг комил ҳолати шундан иборатки, моддий боғланишлардан халос бўла бориш билан бирга инсон ўз ҳаётини Худога садоқат билан хизмат қилишга тобора кўпроқ бағишлай бориши лозим. Парвардигор рухий юксалишнинг ана шу йўлидан бораётган тирик мавжудотни тан олади. Шунинг учун, Худога садоқат билан хизмат қилиш - илм ўрганишнинг энг юқори чўққисидир. Адашган рухларни озодликка чиқариш мақсадида келган Худонинг Олий Шахси Шри Кришна, ҳар бир тирик мавжудотга рухий озодликка чиқишнинг айнан мана шу йўлидан боришни тавсия қилган. Барча тирик мавжудотлар Парвардигордан, Худонинг Олий Шахсидан чиққан, шу боис уларнинг ҳаммаси ўзининг бутун фаолиятини Унга бағишлаб, Унга сифинишлари лозим, чунки атрофимизни ўраб турган нарсаларнинг ҳаммаси ҳам Худонинг турли қувватларининг намоён бўлган кўринишларидир. Мана шу - инсонни рухий баркамолликка олиб боровчи, аввал ўтган ва ҳозир яшаётган барча буюк ачарйалар тан олган энг тўғри йўлдир. *Варнашрама* тизими қайсидир маънода асосан ахлоқ ва одоб қонун-қоидаларига асосланган тизим ҳисобланади. Илоҳий илми англаб етиш бу тизимда иккинчи даражали ўринда туради, шу боис Парвардигор Шри Чайтанья Махапрабху бу тизимга асосланган рухий юксалиш йўлини инкор этиб, Рамананда Райдан бу масалани чуқурроқ таҳлил қилишда давом этишни илтимос қилди.

Шунда Шри Рамананда Рай Худо йўлида ҳар қандай дунёвий фаолиятни тарк этиш йўлини таклиф қилди. Бу борада «Бхагавад-гита»(9.27)да шундай дейилган: "Қандай иш қилсанг ҳам, нима есанг ҳам, бирор одамга нимадир бермоқчи бўлсанг ҳам, қандай риёзат чекмоқчи бўлсанг ҳам - эй Кунтининг ўғли, ҳаммасини фақат (Менга курбонлик сифатида) Мен учун қил!" Бундай таркидунёлик шуни назарда тутадигани, инсон Худога Шахс сифатида хизмат қилишни *варнашрама* тизимининг қонун-қоидаларига риоя қилиб яшашдан устун туришини тан олади, лекин у ҳали тирик мавжудот билан Парвардигор орасидаги ўзаро муносабатларни тўлиқ тушуниб етмайди. Шунинг учун Парвардигор Рамананда

Райнинг бу таклифини ҳам рад этди ва ундан бу масалани чуқурроқ таҳлил қилишда давом этишни илтимос қилди.

Рамананда Рай *варнашрама-дхарма* тизимини инкор этиб, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлини тавсия қилди. Парвардигор унинг бу таклифини ҳам рад этди, чунки агар инсон ўз ҳаётини, турмуш тарзини бирдан ўзгартирса, бу у кутаётган натижаларга олиб келмаслиги мумкин.

Шундан сўнг Рамананда Рай айтдики, ҳаёт ҳақида моддий тасаввурдан пок рухий онгга эга бўлиш - тирик мавжудотнинг бу дунёда эриша олиши лозим бўлган энг юксак поғонадир. Парвардигор унинг бу таклифини ҳам рад этди, чунки ҳаёт ҳақида ана шундай рухий тасаввурга эга бўлиш ниқоби остида виждонсиз одамлар бошқаларга шунча кўп ташвиш келтирганлар. Демак, инсон дарров бундай ҳолатга эриша олмайди. Шунда Рамананда Рай рухий юксалиш йўлида - мунтазам равишда рухий ўзлигини англаб етган рухлар билан самимий суҳбатлашиб, Худо Шахсининг эрмаклари ҳақидаги илоҳий хабарларни камтарин ҳолда тинглаб юриш усулини таклиф этди. Парвардигор унинг мана шу таклифини қабул қилиб, уни қизғин қўллаб-қувватлади. Бу ҳақиқат Маъбуд Брахманинг қуйидаги гаплари билан ҳам тасдиқланган эди: "Худо Шахси - *аджита*, яъни "ҳеч ким мағлуб қила олмайдиган ва ҳеч ким яқинлаша олмайдиган Зот"дир. Аммо *аджита* бўлган Зот энг осон ва оддий йўл билан *жита* бўлиши, яъни "мағлуб" бўлиши мумкин. Бу усул шундан иборатки, инсон ўзини бу дунёда "Худо" деб ўйлашни бас қилиши лозим. Инсон ҳаётда камтарин, итоаткор бўлиб, рухий ўзлигини англаб етган рухлардан Худо Шахсини ва Унинг содиқларини олқишлайдиган *бхагавата-дхарма* қонун-қоидалари ҳақида илоҳий ҳикоялар тинглаб, беозор ҳаёт кечириши лозим. Буюк инсонларни олқишлаш - тирик мавжудотларга табиий равишда хос бўлган хусусиятдир, лекин уларга ҳеч ким, ҳеч қачон Худони олқишлашни ўргатмаган. Рухий ўзлигини англаб етган содиқлар даврасида Худони шарафлаб қўйлаш орқали инсон рухий баркамолликка эриша олади. Рухий ўзлигини англаб етган содиқ - ўз ихтиёрини бутунлай Худога топширган, моддий нарсаларга боғланиб қолмаган инсондир. Моддий фаровонлик, ҳиссий лаззатлар ҳамда уларни турли йўллар билан такомиллаштириш - буларнинг ҳаммаси инсонлар жамиятидаги ғофилликка асосланган фаолиятдир. Худо ва Худонинг содиқлари билан ҳамсуҳбат бўлиб юрмаган одамлар жамиятида мустаҳкам тинчлик ва ўзаро дўстона муносабатлар ўрнатишнинг иложи йўқ. Шунинг учун, жамиятда қандай мартаба эгаллаб турганидан катъий назар ҳар бир инсон Худонинг содиқларини излаши, уларнинг гапларига камтарин ҳолда кулоқ солиши керак. Инсоннинг жамиятда тутган на юқори, на паст мартабаси рухий ўзлигини англашда, рухий

юксалиш йўлида унга тўсиқ бўла олмайди. Рухий юксалишга интилаётган инсонга кўйиладиган ягона шарт - мунтазам равишда рухий ўзлигини англаб етган инсоннинг суҳбатларини тинглаб туришдан иборат. Мактабдаги ўқитувчи ҳам аввал ўтган, Мутлақ Ҳақиқатни англаб етган буюк устозлар изидан бориб, ведавий муқаддас китоблардан маъруза қилиши мумкин. Парвардигор Шри Чаитанья Махапрабху одамларга рухий юксалишнинг *бхагавата-дҳарма* деб аталадиган мана шу оддий усулини тавсия қилиб кетган. "Шримад Бхагаватам" - ана шу мақсадга эришиш йўлида фойдаланиш мумкин бўлган мукамал кўлланмадир.

Икки буюк шахс, Парвардигор ва Шри Рамананда Рай ўзаро суҳбатларида бундан ҳам юксакроқ рухий мавзуларни муҳокама қилдилар, аммо биз ҳозир атайлаб улар ҳақида тўхталмоқчи эмасмиз, чунки Парвардигорнинг Рамананда Рай билан муҳокама қилган мавзуларини тинглашдан аввал ўзимиз рухий юксалишнинг юқорирок поғонасига кўтарилиб олишимиз лозим. Парвардигорнинг Шрила Рамананда Рай билан суҳбати бошқа бир китоб("Шри Чаитанья таълимоти")да батафсил баён этилган.

Бир шаҳарда яшаб, ўзаро илоҳий муносабатлардан лаззат олиш имкониятига эга бўлиш учун, Парвардигор суҳбатининг охирида Шри Рамананда Райга давлат хизматидан истеъфога чиқишни ва Пурида жойлашишни маслаҳат берди. Орадан анча вақт ўтгандан кейин Шри Рамананда Рай давлат хизматини тарк этди, шох унга нафақа тайинлади. У ўзининг Пуридаги уйига қайтиб келиб, шу ерда Парвардигорнинг энг яқин содиқларидан бирига айланди. Пурида Парвардигорга худди шундай яқин бўлган яна бир одам бор бўлиб, у Шикхи Махити эди. Шу тарзда, ишончли уч-тўрт киши даврасида рухий кадриятлар мавзусида самимий суҳбатлар қуриб, Парвардигор илоҳий жазавага берилиб Пурида ўн саккиз йил яшади. Бу суҳбатларнинг ҳаммасини Унинг яқин ҳамроҳларидан бири, шахсий котиби Шри Дамодара Госвами ёзиб борарди.

Парвардигор Жанубий Ҳиндистон бўйлаб кўп саёҳат қиларди. Халқ орасида Авлиё Тукарам деган ном билан машҳур бўлган Махараштралик буюк авлиё зот ҳам Парвардигордан фотиҳа олган. Парвардигордан фотиҳа олгандан кейин Авлиё Тукарам бутун Махараштра диёрини санкиртана фаолиятига кўмиб ташлади, ана шу ҳаракатнинг илоҳий оқимлари бу буюк Ҳинд ярим оролининг жанубий-ғарбий қисми халқлари орасида хали шу кунгача давом этиб келяпти.

Жанубий Ҳиндистонда Парвардигор жуда қадимий икки китобни учратди: "Брахма-самхита" ва "Кришна-карнамрита". Бу икки китоб жуда муҳим илоҳий асарлар бўлиб, Худонинг содиқларига уларни чуқур ўрганиш тавсия қилинади. Жанубий Ҳиндистон бўйлаб саёҳат

қилишни тамомлагандан кейин Парвардигор Пурига қайтиб келди.

Парвардигор Пурига қайтиб келиши билан Ундан айрилиқ азобидан қаттиқ қийналиб юрган содиқлар худди ҳаётга қайтадан келгандай бўлиб қувониб кетдилар, Парвардигор Ўзининг илоҳий мўъжизаларга тўла лаззатли эрмакларини намоён этиб улар билан бирга қолди. Бу даврда бўлиб ўтган воқеалар орасида муҳимроғи Парвардигорнинг шох Пратапарудра билан учрашув тафсилотларидир. Шох Пратапарудра Худонинг буюк содиқларидан бўлиб, ўзини - Унинг содиқ хизматкори, Унинг эҳромини тозалаш эса - ўзига юклатилган муқаддас бурч, вазифа деб биларди. Шри Чаитанья Махапрабху шохнинг бундай камтарлигини юқори кадрларди. Шох Бхаттачарья билан Рамананда Райга илтимос қилиб, уни Парвардигор билан учраштиришни илтимос қилди. Аммо Ўзининг икки ишончли издоши бу ҳақда илтимос қилганида, Парвардигор уларнинг илтимосини бажаришдан бутунлай бош тортди. Парвардигор уларга, саннийаси бўлган киши учун фикру-хаёли мол-дунё ва аёлларга ғарқ бўлган дунёвий одамлар билан учрашиш жуда хатарли эканини айтди. Парвардигор барчага ўрнатилган кўрсатилган намунали саннийаси эди. Ҳатто сажда қилиш учун ҳам бирор аёл зоти Парвардигорга яқин кела олмасди. Аёллар учун Парвардигор ўтирган жойдан анча узоқда жой тайинланарди. Намунали устоз ва *ачарья* сифатида Парвардигор саннийаси турмуш тарзи тақозо этадиган барча қонун-қоидаларга қатъий риоя қилиб яшарди. Худонинг ерда намоён бўлган тимсоли бўлиш билан бирга У инсон сифатида ҳам намунали, бенуксон хулқ-атворга эга эди. *Ачарья* сифатида ҳаракат қилар экан, У яшиндай кўрқинчли, атиргулдай мулойим эди. Унинг ҳамроҳларидан бири, кичик Харидас, ёш аёлга шахвоний эҳтирос билан қараб катта хатога йўл қўйганди. Харидаснинг қалбида мавжуд Олий Рух бўлгани учун Парвардигор унинг ақлида шахвоний эҳтирос туйғуси пайдо бўлганини сезди ва шу заҳотиёқ унга Ўзига ҳамроҳ бўлиш ҳуқуқидан маҳрум қилди. Бошқа содиқлар Ундан Харидаснинг хатосини кечиришни қанча илтимос қилсалар ҳам Парвардигор ҳеч қачон уни Ўз яқинига йўлатмади. Парвардигордан айрилганига бардош бера олмай Харидас ўзини ўлдирди. Бу ҳақда Парвардигорни хабардор қилдилар. Ҳатто ўша пайтда ҳам Парвардигор унинг бу гуноҳини кечирмаганди; У Харидас қилган гуноҳига муносиб жазо олганини эътироф этди, холос.

Таркидунёлик турмуш тарзи қоидаларига риоя қилиш масаласида Парвардигор ҳеч кимга ён босмасди. Гарчи шохнинг буюк содиқлардан эканини яхши билса ҳам, у мол-дунёга боғланган одам бўлгани сабабли Парвардигор у билан учрашишдан бош тортарди. Шу тариқа Парвардигор ҳақиқий илоҳиётчи одам жамиятда ўзини қандай тутиши лозимлигини кўрсатиб

кетган эди. Илоҳиётчи одамнинг мол-дунё ва аёлларга ҳеч қандай алоқаси йўқ, шу боис у улар билан яқин муносабатда бўлишдан узоқ юриши лозим. Аммо Худонинг содиқлари барибир йўлини топиб шоҳга Худонинг марҳаматига эришишда ёрдам бердилар. Бу воқеа шундан далолат берадики, Парвардигорнинг суюкли содиқ хизматкори янги содиқларга Худонинг Ўзидан ҳам буюкроқ марҳамат кўрсата оладилар, шу боис асл содиқ ҳеч қачон бошқа бир асл содиқнинг нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қилмайди. Чексиз марҳаматли Парвардигор баъзан Ўзининг нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қилган кишининг гуноҳини кечириши мумкин, аммо Худонинг асл содиқ хизматкорининг нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қилиш - Худога садоқат билан хизмат қилишда юксалишга эришиш йўлида жуда катта тўсиқ бўлади.

Парвардигор Пурида яшаган пайтларда Парвардигор Жаганнатханинг аравалар байрами - Ратха-йатра маросимида Уни кўриш учун минглаган содиқлар келишарди. Бу тантанани ўтказишнинг асосий қисмларидан бири - бевосита Парвардигор раҳбарлиги остида Гундич эхромини тозалашдан иборат эди. Кўпчилик одамлар учун Парвардигорнинг Пури шаҳрида ўтказган *санкиртана* маросими ғаройиб томоша эди. Бу байрам - ғофил содда одамларни руҳий ўзликни англаш жараёнига жалб этишнинг ажойиб усули эди. Парвардигор ана шу оммавий *санкиртана* ҳаракатига асос солди, бошқа халқларнинг раҳбарлари ҳам мана шу оммавий руҳий ҳаракатдан фойдаланишлари мумкин. Бу билан улар одамлар орасида ўзаро пок дўстона муносабатларни, жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга катта ҳисса қўшган бўлардилар. Ҳозирги кунда бутун инсоният ана шундай инсоний кадриятларга каттиқ эҳтиёж сезяпти.

Орадан анча вақт ўтгандан кейин Парвардигор Вриндаванни ва унинг атрофидаги жойларни зиёрат қилиш ниятида Шимолий Ҳиндистон бўйлаб саёҳатга чикди. У Жарикханда деб аталадиган қалин ўрмондан ўтиб борар экан, ўрмондаги барча ёввойи ҳайвонлар Унинг санкиртана ҳаракатига қўшилдилар. Парвардигор *санкиртана* олиб борар, йўлбарслар, филлар, айиқлар ва кийиклар Унга жўр бўлардилар. Бу билан Парвардигор *санкиртана* ҳаракатини кенг тарғибот қилиш шарофати билан анча маданиятлироқ бўлган одамлар жамияти эмас, ҳатто ёввойи ҳайвонлар ҳам ўзаро дўст бўлиб, тинч-осойишта яшай олишини кўрсатиб берди. Жаҳондаги бирор фаросатли инсон *санкиртана* ҳаракатига қўшилишдан бош тортмайди. Парвардигор Ўзининг *санкиртана* ҳаракатини ҳеч қандай дин, табақа, миллат, ирқ ёки бошқа бирор чегара, тўсиқ билан чеклаб қўймаган. Унинг бу илоҳий ҳаракатининг улуғворлиги ҳам мана шунда: У ҳатто йиртқич ҳайвонларга ҳам Ўзининг

мана шу буюк илоҳий ҳаракатида иштирок этиш имконини бериб қўйган.

Вриндавандан қайтиб келишда У аввалига Прайаг шаҳрига борди, шу ерда У Шрила Рупа Госвами ва унинг укаси Анупама билан учрашди. Кейин У Банорасга йўл олди, бу ерда У икки ой мобайнида Шри Санатана Госвамига илоҳий илм сирларини ўргатди. Парвардигорнинг Санатана Госвамига берган насиҳатлари катта ҳажмли бир неча китоб бўлади. Бу ерда уларнинг асосий ғояларини келтириб ўтамиз.

Санатана Госвами(дунёвий исми Сакар Маллик) Бенгалияда Набоб Ҳусайн Шоҳ ҳукмронлик қилган даврда ҳукумат таркибида вазирлар маҳкамасида хизмат қиларди. У Парвардигор Чаитаньянинг ҳамроҳлари сафига қўшилиш ниятида ҳукуматдаги лавозимидан бўшади. Вриндавандан қайтиб келаётиб, Парвардигор Варанасида Шри Тапана Мишра ва Чандрашекхаранинг уйида меҳмон бўлди, уларга Махараштралик бир браҳман ҳам ёрдам берарди. Майвади фалсафа мактабининг тарафдори Шрипада Пракашананда Сарасвати деган *саннийаси* ўша пайтларда Варанаси руҳонийлари орасида энг обрўли киши эди. Парвардигор Чаитанья Махапрабху Варанасида бўлган пайтда Унинг оммавий *санкиртана* ҳаракати тобора кўпроқ одамларни Ўзига жалб қила бошлади. У қаерда пайдо бўлмасин, айниқса Вишванатха эхромиди, минглаган зиёратчилар Унга эргашардилар. Бировларни Унинг ташқи кўриниши жалб этар, бошқаларни - Парвардигорни шарафлаб қуйлаган ёқимли қўшиқлари мафтун этарди.

Майвади саннийасилар ўзларини улуғлаб бир-бирини "Нарайана" деб атайдилар. Варанасида ҳали ҳозирги кунда ҳам жуда кўп *саннийаси майвадилар* яшайдилар. *Санкиртана* пайтида Парвардигорни кўрган одамлар Уни ҳақиқий Нарайана деб қабул қилардилар, бу хабар шаҳар бўйлаб тарқалиб, *саннийаси* Пракашананданинг даврасига ҳам бориб етди.

Ҳиндистонда *майвади* ва *бхагавата* фалсафий мактаблари орасида ҳамиша руҳий рақобат, мусобақа бўлиб туради. Шунинг учун Парвардигор Чаитанья Махапрабху ҳақида бундай хабарни эшитиб, Унинг *саннийаси-вашинав* эканини билгани учун, Пракашананда Парвардигорни менсимай бир-икки гап айтди. У *санкиртана* ҳаракатини тарғибот қилаётгани учун, бу иш шунчаки диний ҳиссиётларга берилиш деб, Парвардигорнинг фаолиятини қоралади. Пракашананда "Веданта-сутра"ларни чуқур ўрганган зот эди, у ўзининг издошларига *санкиртана* ҳаракатида қатнашмасликни, бунинг ўрнига кўпроқ "Веданта-сутра"ни ўрганишга эътибор беришни маслаҳат берди.

Пракашананданинг бу гаплари, кейинчалик Парвардигорнинг содиқ хизматкорига айланган бир такводор браҳманга ёқмади, шу боис у бундан афсусланаётганини айтиш учун Чаитанья

Махапрабхунинг олдига йўл олди. У Парвардигорга, Пракашананданинг олдида Унинг номини тилга олганида, у Парвардигорни қоралаб гапиргани, лекин барибир унинг бир неча марта Парвардигорнинг "Чайтанйа" номини тилга олганини эшитганини гапириб берди. Пракашананда бир неча марта "Чайтанйа" деб айтган бўлса ҳам, ҳатто бир марта ҳам "Кришна" иборасини тилига ололмаганидан бу брахман ҳайратга тушган эди.

Парвардигор Чайтанйа кулиб туриб, брахманга нима сабабдан *майавадилар* Кришнанинг муқаддас номини тилга ололмаглигини тушунтирди: "Гарчи *Брахма, Атма, Чайтанйа* ва бошқа ибораларни ҳамиша тилга олиб юрсалар ҳам, майавадилар Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қилиб юрган одамлардир. Кришнанинг нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қилган одам эса, ҳақиқатан ҳам Унинг муқаддас номини тилга олишга қодир бўлмайди. Кришнанинг номи Кришнанинг Ўзи билан бир. Мутлақ поғонада Мутлақ Ҳақиқатнинг ўзи билан унинг номи, қиёфаси ва шахси бири-бирдан фарқ қилмайди, чунки бу поғонада ҳамма нарса илоҳий лаззатдан иборат бўлади. Худо Шахси Кришнанинг руҳи билан танаси орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Ҳеч қачон танаси билан бир бўлмайдиган тирик мавжудотлардан Парвардигор шу билан фарқ қилади. Кришна илоҳий Зот, шунинг учун дунёвий одамнинг Худо Шахси Кришнани, Унинг муқаддас номини, шон-шуҳратини, У билан боғлиқ ҳамма нарсани ҳақиқатан ҳам англаб етиши жуда қийин. Унинг номи, шон-шуҳрати, қиёфалари, эрмаклари - яхлит, ягона илоҳий борлиқ бўлиб, уни моддий хиссиётлар ёрдамида англаб бўлмайди.

Парвардигорнинг эрмакларидоги илоҳий муносабатлар - инсонга Брахманни англаб етиш, яъни Парвардигорнинг борлиғига қўшилиб кетиш берадиган лаззатдан тенгсиз даражада кучли бўлган илоҳий лаззатлар манбаи ҳисобланади. Агар ҳақиқатан ҳам шундай бўлмаса, Брахманнинг илоҳий лаззатли ҳолатига эришган озод руҳларни Парвардигорнинг эрмакларининг илоҳий лаззати ўзига ром қила олмас эди".

Орадан кўп вақт ўтмай Худонинг содиқлари катта мажлис чақирдилар. Бу мажлисга барча саннийасиларни, шу жумладан Парвардигор Чайтанйани ва Пракашананда Сарасватини ҳам таклиф қилдилар. Ана шу мажлисда бу икки билимдон зот *санкиртана* ҳаракатининг руҳий қадриятлари ҳақида узоқ вақт суҳбатлашиб ўтирдилар. Қуйида ана шу суҳбатнинг қисқача мазмуни келтирилган.

Буюк *саннийаси-майавади* Парвардигор Чайтанйадан нимага У "Веданта-сутра"ни ўрганишдан *санкиртана* ҳаракатини афзал билишининг сабабини сўради. Пракашананда айтдики, "Веданта-сутра"ни ўрганиш саннийасиларнинг бурчи ҳисобланади. Шундай

экан, *санкиртана* ҳаракатига берилиб кетишга Парвардигор Чайтанйани нима мажбур қилди?

Пракашананданинг бу саволига Парвардигор камтарин ҳолда шундай деб жавоб берди: "Веданта-сутра"ни ўрганиш ўрнига *санкиртана* ҳаракатида иштирок этиб юрганимнинг боиси шундаки, Мен ақлсиз нодонман". Шундай қилиб, Парвардигор Ўзини "Веданта-сутра" фалсафасини ўрганишга мутлақо қодир бўлмаган ҳозирги даврдаги сон-саноксиз аҳмоқ, нодонларидан бири қилиб кўрсатди. Аҳмоқ одамларнинг "Веданта-сутра"ни ўрганиши аллақачон жамиятда турли тартибсизликларни юзага келтириб бўлган.

"Мен - ақлсиз нодон бўлганим учун руҳий устозим менга "Веданта-сутра" фалсафаси билан қизиқишни таъқиқлаб қўйган. У айтдики, мен Худонинг муқаддас номларини зикр қилганим яхшироқ, чунки бундай фаолият Мени моддий ҳаёт тутқунлигидан озодликка чиқаради.

Ҳозирги Кали даврида муқаддас номларини шарафлаб куйлаш оркали Худони олқишлашдан бошқа бирор ҳақиқий дин йўқ, дунёдаги барча муқаддас китоблар одамларга айнан шу йўлни тавсия қилади. Шунингдек руҳий устозим Менга муқаддас китоблардан ("Брихан-нарадийа-пурана") бир мисра шеър ўргатган:

харер нама харер нама харер намаива кевалам

калау насти эва насти эва насти эва гатир аниятха

"Кали йуга даврида руҳий баркамолликка эришиш учун Худонинг муқаддас номларини зикр қилишдан, зикр қилишдан, зикр қилишдан бошқа йўл йўқ, бошқа йўл йўқ, бошқа йўл йўқ".

Шундай қилиб, руҳий устозимнинг амри билан Мен Парвардигор Харининг муқаддас номларини шарафлаб куйлайман. Мен Худонинг муқаддас номларини тилга олишим билан Ўзимни бутунлай нутиб қўяман: худди ақлдан озгандай баъзан куламан, баъзан йиғлайман, баъзида рақсга тушаман. Мен Худонинг муқаддас номларини зикр қилишдан ҳақиқатан ҳам ақлдан озиб қолдим шекилли деб, бу ҳақда руҳий устозимдан сўрадим. У Менга жавоб бериб айтдики, Худонинг муқаддас номларини зикр қилишнинг натижаси ҳақиқатан ҳам шундай бўлиши керак. Буларнинг ҳаммаси илоҳий хиссиётларнинг аломатлари бўлиб, улар камдан-кам одамларда намоён бўлади. Мана шу - инсон ҳаётининг энг олий мақсади, қалбида Худога нисбатан муҳаббат туйғуси уйғонганининг белгисидир. Худога муҳаббат туйғуси руҳий озодлик(*мукти*)ка нисбатан илоҳий ҳолатда, шу боис руҳий англашнинг бешинчи поғонаси деб аталади, у ҳатто руҳий озодликка чиқишдан ҳам устун туради. Кришнанинг муқаддас номларини шарафлаб куйлаш инсонни ана шундай юксак поғонага, Худога илоҳий муҳаббат поғонасига кўтаради. Омадим келиб, руҳий устозимнинг марҳамати билан Мен ана шундай бахтга сазовор бўлганман".

Парвардигорнинг бу гапларини тинглаб туриб, *саннийаси-майявади* нимага У Ўзининг издошларига Худонинг муқаддас номларини

шарафлаб куйлаш билан бир вақтда "Веданта-сутра"ни ҳам ўрганишни тавсия қилмаслигини сўради. Пракашананда Парвардигор Чайтанья аввал Нимай Пандит номи билан машхур Навадвипалик билимдон-олим, *пандит* бўлганини, шунинг учун Ўзини ақлсиз нодон деб аташ билан У албатта бошқа нарсани назарда тутаётганини яхши биларди. Саннийасининг саволига Парвардигор кулиб туриб шундай деб жавоб берди: "Эй хукмдорим, агар эътироз билдирмасанг, Мен сенинг саволингга жавоб бераман".

Парвардигор Чайтаньянинг барча саволларга очикдан-очик, лўнда қилиб жавоб бериши бу ердагиларнинг ҳаммасига ёқиб қолган эди, шу боис улар бир овоздан У қандай жавоб берса ҳам хафа бўлмасликларини айтдилар. Шундан сўнг Парвардигор шундай деди: "Веданта-сутра" илохий Зот, Худо Шахсининг Ўзи айтган илохий товуш, сўзлардан иборат. Шунинг учун "Веданта-сутра"нинг оддий одамларга хос бўлган тўрт турли: хатолашиш, алданиш, алдаш ва мукамал эмаслик камчилиги сингари нуқсонлари бўлиши мумкин эмас. "Веданта-сутра"да Упанишадаларнинг мазмуни ифодаланган, унда айтилган гапларнинг ҳар бири, шубҳасиз, сажда қилишга муносиб гаплардир. Шанкарачарьянинг изоҳларининг сутраларга ҳеч қандай бевосита алоқаси йўқ, шу боис бундай талкинлар одамларни тўғри йўлдан адаштиради, холос.

"Брахман" ибораси энг буюк - барча илохий бойликлар соҳиби ва ҳаммадан устун бўлган Зотни ифодалайди. Охир-оқибатда Брахман - Худонинг Олий Шахси, Уни шахсиятсиз деб нотўғри талқин қилишлар эса, мана шу Ҳақиқатни одамлар кўзидан беркитиб кўяди. Рухий оламдаги ҳамма нарса, шу жумладан Парвардигорнинг қиёфалари, танаси, даргоҳи ва ҳамроҳлари илохий лаззатга тўла. Уларнинг ҳаммаси мангу илм ва лаззатга тўла. "Веданта-сутра"ларни бундай талқин қилгани учун Шанкара Ачарья айбдор эмас, лекин унинг шу нотўғри талқинларини қабул қилган киши албатта тубанликка юз тутаяди. Худо Шахсининг илохий танасини қандайдир моддий унсур деб ҳисоблайдиган ҳар қандай одам, ҳеч шубҳа йўқки, иймонсиз, энг осий гуноҳкор даҳрийдир".

Парвардигор бу *саннийаси* билан, худди Пурида Бхаттачарья билан суҳбатлашганидай жиддий гаплашиб, ишонарли далиллар билан майявадиларнинг "Веданта-сутра"ни бундай талқин қилишлари нотўғри эканини кўрсатиб берди. Мажлисида иштирок этаётган саннийасиларнинг ҳаммаси Парвардигорни "Ведалар тимсоли" ва "Худо Шахси" деб эълон қилдилар. *Саннийасиларнинг* ҳаммаси *бхакти* йўлига кирдилар; уларнинг ҳаммаси Шри Кришнанинг муқаддас номларини қабул қилдилар, кейин Парвардигор Чайтанья билан бирга овқатландилар. *Саннийасилар бхакти* йўлига киргандан сўнг Парвардигор Чайтаньянинг шон-

шухрати яна ҳам ошиб кетди, Уни кўриш учун ҳар тарафдан минглаб зиёратчилар кела бошладилар. Шундай қилиб, Парвардигор Чайтанья *шримад-бхагавата-дҳарма* қонунларининг устиворлигини ўрнатди ва рухий юксалишнинг бошқа барча усуллари, йўллари устидан ғалаба қозонди. Шундан сўнг бутун Варанаси аҳолиси илохий *санкиртана* ҳаракатига ғарқ бўлди.

Парвардигор Чайтанья Варанасида бўлган пайтда, ҳукумат ишидан бўшаган Санатана Госвами ҳам шу ерга келди. Шу пайтгача у Набоб Ҳусайн Шох хукмдорлик қилаётган Бенгалия ҳукумати таркибида катта лавозим эгаллаб турган эди. Ҳукумат хизматидан кетаётганида у жуда каттиқ қийинчиликларга дуч келди, чунки Набоб уни ишдан бўшатишни истамас эди. Шунга қарамай у барча тўсиқларни енгиб, Парвардигор Чайтанья билан учрашиш учун Варанасига келган эди. Парвардигор Чайтанья унга Худога садоқат билан хизмат қилишнинг қонун-қоидаларини ўргатди. У Санатана Госвамига: тирик мавжудотнинг азалий, бошланғич ҳолати ҳақида; тирик мавжудотнинг моддий оламда тутқун бўлиб қолишининг сабаби; тирик мавжудотнинг Парвардигор билан ўзаро мангу муносабатлари ҳақида; Парвардигор намоён этган қиёфаларнинг тўлиқ қисмларидаги Унинг экспансиялари ҳақида; қандай қилиб ягона Парвардигор борлигининг турли қисмларини бошқариб туриши ҳақида; Унинг даргоҳининг илохий табиати ҳақида; Худога садоқат билан хизмат қилиш доирасидаги фаолият ва унинг ривожланиш поғоналари ҳақида; аста-секин рухий баркамолликка эришиш учун рия қилиш лозим бўлган қонун-қоидалар ҳақида; Парвардигорнинг турли даврларда намоён этган ҳар хил қиёфаларининг белги-аломатлари ҳамда муқаддас китоблар асосида уларни қандай текшириш йўллари ҳақида гапириб берди.

Парвардигор Чайтаньянинг Санатана Госвамига берган насиҳатлари "Чайтанья Чаритамрита" асари таркибида катта бир китобни ташкил этади. Бу насиҳатларни батафсил таърифлаб бериш учун катта бир китоб ёзиш керак бўларди. Шу боис улар "Шри Чайтанья таълимоти" деган китобимизда батафсил берилган.

Парвардигор Чайтанья Матхура шаҳрида барча эътиборга лойиқ жойларни зиёрат қилди, кейин Вриндаванга йўл олди. Парвардигор Чайтанья олий мартабали брахман оиласида дунёга келган эди, бунинг устига ҳозир *саннийаси* турмуш-тарзини қабул қилгани боис жамиятдаги барча табақаларга мансуб одамларнинг рухий устози ҳисобланарди. Аммо, одатда У турли тоифага мансуб бўлган вайшнавларнинг таклиф этган таомларини қабул қиларди. Матхурада *санодийа* табақасига мансуб брахманларни жамиятнинг энг пасткаш одамлари деб ҳисоблардилар, аммо Парвардигор Чайтанья ана шундай бир брахманнинг уйида овқатланди, чунки уй эгаси Мадхавендра Пурининг шоғирди экан.

Вриндаванда Парвардигор Чайтанья машхур йигирма тўрт муқаддас сувларнинг ҳаммасида чўмилиб "покланди". У ўн икки ўрмоннинг ҳаммасига бориб чиқди. Бу ўрмондаги сигирлар, қушлар Уни худди ўзларининг энг яқин дўстидай илиқ кутиб олдилар. У ўрмонлардаги ҳар бир дарахтни қучоқлар, бундан чексиз илоҳий жазавали лаззат оғушига ғарқ бўларди. Баъзан У хушидан кетиб, ерга йиқилиб қолар, шунда содиқлар Худонинг муқаддас номларининг илоҳий товушлари ёрдамида Уни яна Ўзига келтираддилар. Парвардигор Чайтанья Вриндаван ўрмонларидан ўтаётганда Унинг илоҳий танасида намоеън бўлган илоҳий жазавали аломатларининг ҳаммаси ғаройиб, англаб бўлмайдиган даражада эди. Биз уларни фақат қисқача таърифлаб ўтамиз.

Парвардигор Чайтанья Вриндаванда зиёрат қилган жойларнинг баъзилари шулар: Камйавана, Адишвара, Павана-саровара, Кхандиравана, Шешашайи, Кхела-Тиртха, Бхандиравана, Бхадравана, Шривана, Лаухавана, Махавана, Гокула, Калия-храда, Двадшадитя, Кеши-тиртха ва бошқалар. Раса ракси бўлиб ўтган жойни кўриб, Парвардигор Чайтанья шу заҳотиёқ жазавали тушган ҳолда хушидан кетиб қолди. Вриндаванда пайтида У Акрура-гхатада яшади.

Шахсий хизматкори Кришнадас Випра Уни Магха Мела байрами пайтида анъанавий чўмилиш маросимида иштирок этиш учун Вриндавандан Прайаг шаҳрига қайтиб келишга кўндирди. Парвардигор бу таклифни қабул қилди, улар Прайаг шаҳрига йўл олдилар. Йўлда уларга бир неча *патана* дуч келди, улар орасида билимдон руҳоний - мулла ҳам бор эди. Парвардигор мулла ва унинг ҳамроҳлари билан бир неча марта суҳбатлашди, уларни муқаддас Куръонда ҳам *бхагавата-дҳарма* ва Кришна ҳақида ёзилганига ишонтирди. Шундан сўнг патаналарнинг ҳаммаси Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирдилар.

Прайаг шаҳрига келганларида Бинду-мадхава эҳроми яқинида Уни Шрила Рупа Госвами ва унинг укаси кутиб олди. Бу гал Прайаг аҳолиси Уни ҳурмат-эҳтиром билан қарши олдилар. Дарёнинг Прайагдан нариги томонида, Адаила қишлоғида яшайдиган Валлабха Адаила Уни ўзининг уйида меҳмон қилмоқчи бўлди, аммо улар Йамуна дарёсидан қайиқда сузиб ўтаётганларида Парвардигор Чайтанья Ўзини дарёга ташлаб юборди. Уни хушидан кетган ҳолда сувдан зўрға чиқариб олдилар. Улар Валлабха Бхаттанинг уйига етиб келдилар. Валлабха Бхатта Унинг шижоатли издошларидан бири эди, лекин кейинчалик *Валлабха-сампрадаё* деган ўзининг алоҳида сампрадаёсини яратди.

Прайаг шаҳридаги Дашашвамедха-гхата соҳилида Парвардигор Чайтанья ўн кун давомида тинмасдан Шрила Рупа Госвамига Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини ўргатди. У Шрила Рупа Госвамига тирик мавжудотлар 8.400.000

турга бўлинишини айтди. Кейин тирик мавжудотларнинг инсон кийёфасидаги турлари ҳақида гапириб, ведавий қонун-қоидаларга риоя қилиб яшайдиган одамлар ҳақида алоҳида тўхталди. Улар орасидан ўз меҳнатининг натижасидан лаззатланишга интилиб яшайдиган одамларни ажратди. Бу тоифа одамлар орасидан эса, оламни моддий тажриба йўли билан ўрганиб юрган файласуф олимларни, ўз навбатида улар орасидан руҳий озодликка эришган одамларни ажратди. Ана шундай одамлар орасида эса Парвардигор Шри Кришнанинг содиқлари жуда кам учрашини айтиб ўтди.

Хукумат таркибидаги ишидан бўшаб, Санатана Госвамининг укаси Шрила Рупа Госвами ўзи билан бирга уйига икки қайиқ олиб келган эди. Унинг бутун хизмати даврида тўплаган бойлиги икки қайиқ тўла олтин тангалар, яъни бир неча минг рупийни ташкил қиларди. Парвардигор Чайтанья олдига кетишдан олдин у ўзининг бутун бойлигини қуйидагича тақсимлади: бутун бойлигининг ярмисини, яъни 50%ини Худога садоқат билан хизмат қилишга ажратди, 25%ини қариндошларига бўлиб берди, 25%ини шахсий ҳаётида қутилмаган вазиятларда ишлатиш учун асраб қўйди. Бу билан у барча оилали одамларга намунали ўрнак кўрсатган эди.

Парвардигор бу Госвамини Худога садоқат билан хизмат қилиш илмига ўргатиб, бхактини чирмовуқ ниҳолига ўхшатиб таърифлади. У Госваמידан мана шу *бхакти* ниҳолини қутурган филдан авайлаб-асрашни қатъий маслаҳат берди. Қутурган фил - "асл содиқларни ҳақорат қилиш" дегани эди. Худога садоқат билан хизмат қилиш, яъни *бхакти* ниҳолини ҳиссий лаззатланишга интилиш истагидан ҳам, шахсиятсизликка асосланган озодликка чиқиш истагидан, *хатхат-його*да сеҳр қудратига эга бўлишга интилиш истагидан ҳимоя қилиш керак. Шунингдек, инсон қалбида ўсаётган *бхакти*, *бхагавата-дҳарма* ниҳолига бошқа тирик мавжудотларга озор бериш, моддий манфаат олишга интилиш, бу дунёда шон-шухрат қозонишга интилиш ҳам катта зарар етказди.

Худога соф садоқат билан хизмат қилишда ўзининг моддий ҳиссиётини лаззатлантиришга, ўз меҳнатининг натижаларидан лаззатланишга интилишга, (ҳамма нарса ягона Худо деб биладиган)монистик илми ривожлантиришга ўрин бўлмаслиги керак. Инсон ўзини ҳар хил ташқи нарсалар(тана, ақл, тафаккур)га қийслашдан халос бўлиши лозим. Шу тарзда илоҳий покликка эришган киши ўзининг покланган сезгилари ёрдамида Парвардигорга хизмат қилишга кодир бўлади.

Токи инсон қалбида ҳиссий лаззатланишга, Парвардигорнинг борлиғи билан қўшилиб йўқ бўлиб кетишга ёки (қаромат кўрсатиш имконини берадиган) қандайдир сеҳр қудратига эришишга

интилиш, истак бор экан, у Худога соф садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарила олмайди.

Худога садоқат билан хизмат қилиш икки поғонада амалга оширилади: тажриба, машқ қилиш ёрдамида (*садхана-бхакти*) ва ўзидан-ўзи бўладиган табиий туйғулар асосида (*вайдйа-бхакти?*). Инсон ана шундай табиий равишда пайдо бўладиган туйғулар асосида Худога садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилгандан кейингина *бхактининг* ҳиссий боғланишлардан бошқа юқори поғоналарига эриша олади. Буларни таърифлаш учун англиз тилида иборалар йўқ. Биз Шрила Рупа Госвамининг "Бхакти-расамрита-синдху" асарига асосланган ҳолда Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини "Садоқат лаззати" асарида қўлимиздан келганча баён этишга ҳаракат қилдик.

Худога садоқат билан хизмат қилишнинг илоҳий илми Парвардигор билан ўзаро муносабатларнинг беш поғонасини назарда тутлади.

1. Рухий ўзликни, Худони англаб етишнинг шахсиятсиз рухий озодликка эришгандан кейинги биринчи поғонаси *шанта*, яъни дахлсиз муносабатлар поғонаси деб аталади.

2. Парвардигорнинг рухий бойликлари ҳақида илоҳий илмга эга бўла борган сари содиқ хизматкор *дасйа*, яъни Парвардигор билан ўзаро "Хўжайин ва хизматкор" муносабатлари поғонасига кўтарилади.

3. Ўзаро муносабатларнинг *дасйа* поғонасини тобора ривожлантириш натижасида содиқ Парвардигор билан оға-инилардай, кейинчалик эса тенгқур дўстлардек муносабатда бўла бошлайди. Бу икки поғона Худога садоқат билан хизмат қилишнинг *сакхйа*, яъни "дўстона муносабатлар поғонаси" деб аталади.

4. Навбатдаги поғона - Парвардигорга нисбатан ота-оналарча муносабатда бўлиш, *ватсалия* поғонаси деб аталади.

5. Худога мухаббатнинг олий поғонаси Парвардигор билан ошиқ-маъшуклар муносабатида бўлиш поғонаси бўлиб, бу поғона *мадхурйа* деб аталади.

Шундай қилиб, Парвардигор Чаитанйя Шрила Рупа Госвамига Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини баён этди, кейин уни Парвардигор Кришнанинг илоҳий эрмаклари ўтган жойларни аниқлаш учун Вриндаванга жўнатди. Кейин Варанасига қайтиб келиб, Парвардигор Чаитанйя маҳаллий *саннийасиларни* ғофиллик иллатидан халос қилди ва Шрила Рупа Госвамининг акасига рухий насиҳатлар берди. Бу ҳақда биз айтиб ўтган эдик.

Парвардигорнинг бевосита Ўзи қолдирган ёзма мероси атиги саккиз мисрадан иборат бўлиб, "Шикшаштака" деб аталади. Унинг илоҳий таълимотига доир бошқа барча асарлар Унинг асосий издошлари - Вриндаванлик олти Госвами ва уларнинг издошлари томонидан ёзиб қолдирилган. Парвардигор Чаитанйя таълимоти

бошқа ҳар қандай таълимотлардан бой, ҳозирги даврнинг "ҳақиқий тирик диний таълимоти" сифатида тан олинган бўлиб, *вишва-дхарма*, яъни "умумжаҳон диний таълимот" сифатида бутун оламга тарқалишга қодир эканини амалда исботлади. Биз мана шу улуғвор эзгу ишни Бхактисиддханта Сарасвати Госвами Махараж ва унинг шогирдлари давом эттираётганидан ўзимизни чексиз бахтиёр ҳис қиламиз. Биз Парвардигор Шри Чаитанйя Махапрабху бошлаган мана шу ҳаракат, *бхагавата-дхарма*, *према-дхарма*, яъни "Худога мухаббат" ҳаракати бутун жаҳон бўйлаб тарқалиб, бутун инсоният ҳақиқий илоҳий лаззат, чексиз бахтиёрлик уммониغا ғарқ бўладиган бахтиёр кунларни орзиқиб кутиб қоламиз.

Парвардигор Чаитанйя Махапрабху ёзиб қолдирган "Шикшаштака" асари шундай:

*чето-дарпана-марджанам
бхава-маха-давагни-нирвапанам
ирейяҳ-каирава-чандрика-витаранам
видйа-вадху-дживанам анандамбудхи-вардханам
прати-падам пурнамритасваданам сарватма-
снапанам
парам виджайате ири-кришна-санкиртанам*

1. Худонинг муқаддас номларини биргаликда куйлаш ҳаракати (Шри Кришна санкиртана)га шон-шарафлар бўлсин! Бу фаолият инсон қалбини узок йиллар давомида тўпланган дунёвий моддий иллатлардан поклайди, туғилиш ва ўлишлар кетма-кетлигидан иборат шартланган ҳаёт оловини ўчиради. Бу ҳаракат бутун инсониятга энг буюк саодат келтиради, чунки у ўсимликларга шарбат берадиган Ой нурига ўхшаб, илоҳий илм нури билан инсон қалбадаги ғофиллик зулматини ёритади. Бу ҳаракат - илоҳий илм сарчашмасидир. У қалбимизда илоҳий лаззат уммонини тошдириб, ўзимиз ҳамиша интилиб келаётган илоҳий лаззат шарбатидан тотиш имконини беради.

*намнам акари бахудха ниджа-сарва-шактис
татрарпита нийамитаҳ смаране на калаҳ
этадриши тава крипа бхагаван мамати
дурдаивам идришам ихаджани нанурагаҳ*

2. Эй Худойим, фақат Сенинг муқаддас номларинггина барча тирик мавжудотларга ҳақиқий бахт-саодат келтиришга қодир. Шунинг учун бу дунёда Сенинг "Кришна", "Говинда" сингари юзлаган, миллионлаган муқаддас номларинг мавжуд. Сен ана шу илоҳий номларингга Ўзингнинг бутун илоҳий кудратингни мужассам қилгансан. Уларни зикр қилиш учун амал қилиш қийин бўлган қатъий қонун-қоидалар ҳам қўйилмаган. Эй Худойим, Сен чексиз марҳамат кўрсатиб бизлар учун, муқаддас номларингни зикр қилиш орқали Сенга яқинлашиш йўлини жуда осон қилиб қўйибсан. Аммо мен шу қадар бахтиқароманки, чексиз бахтга элтувчи ана шундай энг осон йўл ҳам мени мутлақо қизиқтирмайди.

тринад апи суничена тарор апи сахишнуна

аманина манадена киртанийаҳ сада харих

3. Инсон Худонинг муқаддас номларини, ўзини кўчада ётган чўпдан ҳам паст деб билиб, ақлининг мискин, камтарин, итоаткор ҳолатида зикр қилиши керак. Дарахтдан ҳам сабрлироқ, манманлик, мағрурлик иллатидан бутунлай пок бўлиб, ўзига ҳеч кимдан илтифот кутмасдан ҳамиша бошқаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб юришга интилиб яшаши керак. Мана шундай мискин ҳолатдагина инсон Худонинг муқаддас номларини бетиним зикр қилиш имкониятига эга бўлади.

*на дҳанам на джанам на сундарим
кавитам ва джагад-иша камайе
мама джанмани джанманшиваре
бхаватад бхактир ахайтуки твайи*

4. Эй қудратли Парвардигор, мен Сендан мол-дунё, чиройли аёлларга эришишни, кўплаган издошларим бўлишини тиламайман. Йўк! Менинг ҳаётдаги ягона истагим - умрлар оша Сенга муҳаббат ва садоқат билан холис хизмат қилишдан иборат.

*айи нанда-тануджа кинкарам
патитам мам вишаме бхавамбудхау
крипайа тава пада-панкаджа-
стхита-дхули-садришам вичинтайа*

5. Эй Махараж Нанданинг ўғли, о Кришна, мен Сенинг мангу хизматкорингман! Лекин, қандайдир сабабларга кўра мен ҳозир мана шу туғилиш ва ўлишлар уммониға тушиб қолганман. Илтмос, мени бу ажал уммонидан қутқариб ол ва Ўзининг нилуфар қадамларинг пойида бир заррача қилиб қўй.

*найанам галад-аиру-дхарайа
ваданам гадгада-руддхайа гира
пулакаир ничитам вапух када
тава нама-грахане бхавишйате*

6. Эй азиз Худойим, қачон менинг бу кўзларим Сенинг муқаддас номларингни зикр қилганимда тинмай оқадиган шашқатор ёшлар билан безанар экан? Қачон Сенинг муқаддас номларингни тилга олганимда қалбимда жўш ураётган ҳаяжон туйғусидан танамдаги туклар тикка бўлиб, томоғим бўғилиб, овозим титраб кетар экан?

*йугайитам нимешена
чакшуша правришайитам
шунйайитам джагат сарвам
говинда-вирахена ме*

7. О Говинда! Сенса менга умримнинг ҳар бир лаҳзаси худди ўн икки йилдай узоқ туюлиб кетади. Ҳижрон азобиди кўзларимдан шашқатор ёшлар оқиб, Сен бўлмасанг бутун олам кўзларимга бўм-бўш, қоронғу зулмат бўлиб кўринади.

ашлишйа ва пада-ратам пинашту мам

*адаршанан марма-хатам кароту ва
йатха татха ва видадхату лампато
мат-пра-натхас ту са эва напараҳ*

8. Мен учун Кришнадан бошқа Парвардигор йўк. Агар У мени қаттиқ бағрига босса ҳам, ёки кўзларимга кўринмай бағримни қон қилиб юборса ҳам - Кришна мен учун ягона Парвардигор бўлиб қолаверади. У нимани хоҳласа шунини қилади, чунки қандай бўлишидан қатъий назар У ҳамиша мен сиғинадиган қудратли Худо, ягона Парвардигор бўлиб қолаверади.

Биринчи боб.

Донишмандларнинг саволлари.

*Ом намо бхагавате васудевайа
Ом намо бхагавате васудевайа
Ом намо бхагавате васудевайа*

1. Эй Худойим, бутун борлиқни қамраб олган эй Парвардигор, Васудеванинг ўғли Шри Кришна, мен эҳтиром билан Сенинг олдинда бош эгаман. Мен Парвардигор Шри Кришнаға мууроқаба қиламан, чунки У - Мутлақ Ҳақиқат ва бутун борлиқнинг яралиш, ривожланиш ва емирилиш сабабларининг бошланғич сабабчисидир. У барча мавжудотни бевосита ва билвосита билиб турадиган, тўла мустақил бўлган Зотдир. Ундан ўзга ҳеч қандай сабабчи мавжуд эмас. Ҳақиқат илмини биринчи тирик мавжудот Браҳма қалбига айнан Унинг Ўзи жойлаб қўйган. Худди оловда акс этадиган сув тасвири ёки сувда акс этадиган қуруқлик тасвири инсоннинг фикрини чалғитгани сингари, ҳатто буюк донишмандлар ва фаришталарни ҳам Унинг ўзи алдадаштириб қўйибди. Моддий табиатнинг уч гунасининг ўзаро мутаносиб равишдаги фаолияти натижасида вақтинча мавжуд бўлган бу моддий борлиқ, аслида ҳақиқий бўлмаса ҳам, фақат Унинг каромати билангина ҳақиқийдай бўлиб кўринади. Шунинг учун мен Унга - моддий дунёнинг алдамчи кўринишларидан ҳамиша пок бўлган, Ўзининг илоҳий даргоҳида мангу мавжуд бўлган Худо Шахси Шри Кришнаға мууроқаба қиламан. Мен Унга мууроқаба қиламан, чунки У - Мутлақ Ҳақиқатдир.

Изоҳ: Бу ерда муаллиф Худо Шахсига, Васудеваға эҳтиром билан муурожаат қилиш билан Шри Кришна, Васудева билан Девакининг илоҳий ўғли - бевосита Парвардигорнинг Ўзи, Худонинг Олий Шахси эканини кўрсатиб турибди. Бутун асар

давомида бу ҳақиқат батафсил тушунтирилади, ҳозир эса Шри Вйасадева Шри Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини, бошқа барча тирик мавжудотлар эса - Унинг бевосита ёки билвосита тўлиқ қисмлари ва тўлиқ қисмларининг айрим қисмлари эканини тасдиқлаб турибди. Шрила Жива Госвами ўзининг "Кришна-сандарбха" асарида буларнинг ҳаммасини батафсил тушунтириб берган. Коинотдаги биринчи тирик мавжудот бўлган Брахма эса, Шри Кришна ҳақидаги илмни ўзининг "Брахма-самхита" асарида батафсил баён этган. "Самаведа-упанишад" асарида ҳам ёзилганки, Парвардигор Шри Кришна - Девакининг илоҳий ўғли. Шундай қилиб, муаллиф ушбу муножот-илтижо билан тасдиқлаётган биринчи ҳақиқат - Шри Кришна - азалий, бошланғич ягона Парвардигор. Агар Худонинг Мутлақ Шахсини қандайдир илоҳий ибора билан ифодалаш мумкин бўлса, бу ном "Кришна", яъни "ҳаммани ўзига жалб этувчи" деган ибора бўлиши керак. Парвардигор «Бхагавад-гита»да Ўзини бир неча марта "Худонинг Олий Шахси", *бхагаван* деб атаган. Аржун ҳам, Нарада Муни, Вйасадева сингари буюк донишмандлар ҳам буни тасдиқлайдилар. "Падма пурана"да ҳам: "Худонинг сон-саноксиз муқаддас номлари ичида "Кришна" номи Унинг энг асосий номидир" дейилган. Васудева Худо Шахсининг тўлиқ намоён бўлган қисмини ифодалайди, мазкур илтижода ҳам Парвардигорнинг турли қиёфалари кўрсатилган, чунки уларнинг ҳаммаси Васудева билан бир.

Жумладан, "Васудева" номи ҳам Васудева билан Девакининг илоҳий ўғлини билдиради. Парамахамсалар, яъни таркидунёлик турмуш тарзи билан яшаётган руҳоний инсонлар орасидаги энг буюк зотлар ҳамиша Шри Кришнага мувоқабат қилиб яшайдилар.

Васудева, Парвардигор Шри Кришна - барча сабаблар сабабчидир. Бутун борлиқ Парвардигордан чиққан, бу жараён кейинги бобларда батафсил тушунтирилади. Шри Чаитанья Махапрабху мазкур асарни "бенуксон Пурана" деб атаган, чунки у - Шри Кришна ҳақидаги илоҳий ҳикоялардан иборат асардир. "Шримад Бхагаватам"нинг юзага келиш тарихи ҳам ғаройиб. Шри Вйасадева "Шримад Бхагаватам" асарини ўзининг илоҳий илмни мукамал эгаллаган навқирон даврида ёзган эди. У бу асарни ўзининг руҳий устози, буюк донишманд Нарада Мунининг кўрсатмаси асосида ёзган. Вйасадева бунгача барча ведавий муқаддас китобларни, шу жумладан Ведаларнинг тўрт қисмини, "Веданта-сутра"ни, Пураналарни, "Маҳобҳорат" ва бошқа асарларни ёзиб бўлган эди. Шунга қарамай у негадир ўзининг қилган ишларидан тўла мамнуният ҳосил қилмаган эди. Унинг ўз ишидан қаноат ҳосил қилмаётганини кўриб, руҳий устози Нарада Муни Вйасадевага

Парвардигор Шри Кришнанинг илоҳий фаолиятини таърифлаб асар ёзишни маслаҳат берди. Мазкур асарнинг ўнинчи Кўшиғи фақат ана шу мавзуга бағишланган. Лекин, бирор нарсанинг мағзини чақиш, мазмунини тўғри тушуниб олиш учун энг аввало уни ҳар томонлама ўрганиб чиқиш керак: мазмун(субстанция)ни англаб етиш учун аввал шакл(категория)ни чуқур ўрганиб олиш керак.

Фаросатли зукко инсонларнинг фалсафий изланишларга интиладиган ақли табиий равишда бутун борлиқнинг бошланғич манбаини англаб етишга интилади. Қоронғу тунда осмон тўла юлдузларни кўрганимизда биз албатта уларда кимлар, қандай мавжудотлар яшаши ҳақида ўйлай бошлаймиз. Инсон зотининг ақлида ана шундай саволлар юзага келиши табиий, чунки инсон ҳайвонларга қараганда анча юксак даражада ривожланган онг соҳибидир. "Шримад Бхагаватам" асарининг муаллифи ана шундай саволларнинг ҳаммасига аниқ ва лўнда жавоблар беради. У айтадики, бутун борлиқнинг бошланғич манбаи - Парвардигор Шри Кришна. У бутун борлиқни шунчаки яратиб қўймасдан, вақти келганда уни яқсон қилиб туради. Парвардигорнинг хоҳиш-иродасига биноан намоён бўлган бу моддий табиат маълум бир вақтда яратилади. Маълум бир вақт мобайнида унинг мавжудлиги таъминлаб турилади, кейин эса, яна ўша Парвардигорнинг амри билан яқсон қилинади. Демак, бутун Борлиқнинг барча фаолиятини олий ирода, юксак онг бошқариб туради. Албатта, оламни яратган Зот мавжудлигини инкор қиладиган турли тоифадаги иймонсиз даҳрийлар ҳам бор, лекин бунинг ҳаммаси шунчаки уларнинг ақли паст, илми саёзлигининг натижаси, холос. Масалан, ҳозирги олимлар коинотда юрадиган ҳар хил Ер йўлдошларини яратдилар. Қандайдир қурилмалар ёрдамида олимлар уларни коинотга олиб чиқадилар, ерда туриб узоқ масофадан уларни бошқариб турадилар. Худди шундай, сон-саноксиз коинотларни ҳам, улардаги сон-саноксиз юлдуз ва сайёралар билан бирга Худо Шахсининг ақли, тафаккури, онги бошқариб туради.

Ведавий муқаддас китобларда айтилганки, Мутлақ Ҳақиқат, Худо Шахси - барча тирик мавжудотлар ичида энг асосий, бош тирик мавжудотдир. Коинотда биринчи бўлиб яратилган тирик мавжудот - Маъбуд Брахмадан бошлаб то энг кичик ҳашаротгача ҳаммаси - алоҳида-алоҳида тирик мавжудотлардир. Лекин Маъбуд Брахмадан ҳам устун бўлган тирик мавжудотлар ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳам алоҳида мавжуд зотлардир. Худо Шахси ҳам - албатта тирик мавжудот. Бошқа тирик мавжудотлар сингари, Парвардигор, Худо Шахси ҳам алоҳида бир шахс. Аммо энг олий тирик мавжудот бўлган Худо Шахси, энг юксак тафаккур ҳамда сон-саноксиз англаб бўлмас қувватлар соҳибидир. Агар инсон онги, тафаккури

сунъий Ер йўлдоши ярата олган экан, инсон тафаккурдан чексиз кучли бўлган тафаккур соҳиби бўлган Худо Шахси қанчалик хайратли, мўъжизавий нарсаларни ярата олишини тасаввур қилиш қийин. Фаросатли киши буни дарров тан олади, лекин калтафаҳм, иймонсиз даҳрийлар ўжарлик билан мана шу ҳақиқатни тан олишдан бош тортадилар. Бу ерда Шрила Вйасадева биринчи навбатда ана шу юксак, олий онг соҳибини *парамешвара* деб тан оляпти. У юксак, олий тафаккурни *пара, парамешвара*, яъни "Худонинг Олий Шахси" деб атаб, Унинг олдида эҳтиром билан бош эгиб таъзим қилади. Шри Вйасадева ёзиб қолдирган «Бхагавад-гита» ва бошқа муқаддас китобларда, айниқса "Шримад Бхагаватам"да тасдиқланганидек, ана шу *парамешвара* - Шри Кришна. «Бхагавад-гита»да Парвардигор айтадики, Унинг Ўзидан бошқа бирор Олий Зот, Олий Ҳақиқат, *пара-таттва(суммум бонум)* мавжуд эмас. Шунинг учун Шри Вйасадева аввал бошиданок биринчи навбатда *пара-таттва*, яъни Шри Кришна олдида эҳтиром билан бош эгади. Ана шу олий Зотнинг илоҳий фаолияти "Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи Қўшиғида таърифланган.

Виждонсиз одамлар дарров "Шримад Бхагаватам"нинг Ўнинчи Қўшиғини, айниқса ундаги Парвардигорнинг *раса*-ракси таърифланган беш бобни ўрганишга киришадилар. "Шримад Бхагаватам"нинг ўша қисми бу буюк илоҳий асарнинг энг маҳфий жойлари ҳисобланади. Парвардигор ҳақидаги илоҳий илмни мукаммал эгаллаб олмаган киши Унинг *раса*-ракси деб аталадиган илоҳий эрмакларини, Унинг гопилар билан ўзаро илоҳий муҳаббатга тўла, оддий одамлар сажда қилиб сифинишлари лозим бўлган илоҳий ўйинларини тўғри тушуниб олишга қодир бўлолмайди. Бу - энг юксак поғонадаги руҳий, илоҳий мавзу бўлиб, фақат руҳий озодликка эришган, руҳий юксалишда аста-секин *парамахамса* поғонасига кўтарилган зотларгина *раса*-раксини тинглашдан илоҳий лаззат олишга қодир бўладилар. Шу боис, ўқувчи Парвардигорнинг илоҳий эрмакларидан ҳақиқий илоҳий лаззат ҳис қила олиши учун Шрила Вйасадева унга ўзининг руҳий тасаввурини, илоҳий илмини аста-секин чуқурлаштириб бориш имконини беради. Шунинг учун муаллиф атайлаб *дхимахи* деган илоҳий иборага, *гайатри* мантрасига мурожаат қилган. *Гайатри* мантраси руҳий жиҳатдан анча юксалган кишилар учун мўлжалланган. Инсон *гайатри* мантрасини зикр қилишда камолотга етганида у Парвардигорнинг илоҳий ҳолатини англаб етишга қодир бўлади. Шу боис, *гайатри* мантрасини самарали зикр қилиш ҳамда Парвардигорнинг илоҳий ҳолатини, Унинг номларини, шон-шухратини, сифатлари ва бошқа илоҳий табиатли нарсаларни тушуниб етиш учун инсон ҳақиқий браҳманларнинг фазилатларига эга

бўлиши, яъни фақат эзгулик гунаси таъсири остида ҳаракат қилиб яшаши лозим.

"Шримад Бхагаватам" Парвардигорнинг ички қуввати намоён этадиган *сварупа*(табиати)си ҳақида ҳикоя қилади. Парвардигорнинг бу қуввати биз сеза оладиган моддий оламни намоён этган ташқи қувватдан фарқ қилади. Мазкур шеърда Шрила Вйасадева улар орасидаги фарқни кўрсатган. Шрила Вйасадева айтяптики, ички қувват намоён этган борлик ҳақиқатан ҳам мавжуд, ташқи қувват намоён этган моддий олам эса, худди чўлдаги сароб сингари ўткинчи ва алдамчидир. Чўлда кўзга кўринадиган саробда сув йўқ, шунчаки унинг тасвири бор, холос. Ҳақиқий сув бошқа жойда. Намоён бўлган космик олам шунчаки ҳақиқийдай бўлиб кўринади. Аслида эса, у - ҳақиқатан ҳам мангу мавжуд бўлган руҳий оламнинг соясидир. Мутлақ Ҳақиқат ҳамма нарса нисбий, ўткинчи ҳақиқат бўлган моддий осмонда эмас, балки руҳий осмонда жойлашган. Бу шундан далолат берадики, бу моддий оламдаги ҳар қандай ҳақиқат қандайдир бошқа ҳақиқатга боғлиқ. Бу космик олам моддий табиатнинг уч гунасининг ўзаро фаолияти натижасида пайдо бўлади. Унинг вақтинчалик намоён бўлиб туриши шундай тузилганки, сон-саноксиз ҳаёт турларидан бирида намоён бўлиб шартланиб қолган тирик мавжудотлар, шу жумладан Браҳма, Индра, Чандра сингари буюк фаришталар ҳам, адашганидан ана шу саробни, рўёни ҳақиқат деб қабул қиладилар. Аслида эса, намоён бўлган моддий олам ҳақиқий эмас, фақат ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлган, Худо Шахси ҳамиша Ўзининг илоҳий ҳамроҳлари билан илоҳий эрмакларини ўтказиб юрадиган ҳақиқий руҳий олам мавжуд бўлгани учунгина бу моддий олам ҳам ҳақиқийдай кўриниб турибди.

Қандайдир иншоот қурилишининг бош муҳандиси қурилиш ишларида бевосита иштирок этмайди, лекин унга бу иншоотнинг ҳар бир бурчаги яхши маълум, чунки ҳамма ишлар унинг назорати остида олиб борилади. У бу иншоот ҳақида ҳамма нарсани бевосита ёки билвосита билади. Худди шундай, Худо Шахси ҳам бу моддий оламнинг бош муҳандиси, бу оламда ҳамма ишларни фаришталар бажараётганига қарамай, У моддий оламнинг ҳар бир бурчагида нималар содир бўлаётганидан хабардор. Моддий оламдаги ҳамма нарса, барча тирик мавжудотлар - Маъбуд Браҳмадан то энг кичик хашаротгача - Унга қарам. Ҳар бир ишда Парвардигорнинг қўли бор. Барча моддий унсурлар ва барча руҳий заррача - тирик мавжудотлар Ундан чиқади. Моддий оламда яратилаётган ҳар бир мавжудот - икки қувват: моддий ва руҳий қувватнинг ўзаро муносабати, ўзаро фаолиятидан бошқа ҳеч нарса эмас. Ана шу икки қувват ҳам Мутлақ Ҳақиқатдан, Шри Кришнадан чиқади. Лабораторияда икки унсур - водород билан кислородни бирга қўшиб, кимёгар сув пайдо қилиши мумкин. Аммо, аслида

лабораторияда ишлаб турган тирик мавжудотни ҳам Парвардигор бошқариб туради, унинг иши учун зарур бўлган кислород билан водородни ҳам Парвардигор беради. Парвардигор ҳар бир нарсани бевосита ёки билвосита билади, Унга ҳар бир воқеа-ходиса, ҳар бир нарса "ипидан игнасиғача" маълум, Унинг Ўзи эса бутунлай мустақил Зот. Уни олтин конига, ранг-баранг моддий оламни эса - олтиндан ясалган турли нарсаларга - тақинчоқлар, билагузуклар, маржонларга қиёслайдилар. Олтин сирға ва маржонлар сифат жиҳатидан олтин конидаги олтин билан бир, лекин миқдор жиҳатидан улар тенг эмас. Шундай қилиб, Мутлақ Ҳақиқатда бир вақтнинг ўзида ҳам бирлик, ҳам қарама-қаршилик мавжуд. Мутлақ Ҳақиқат билан ҳар жиҳатдан бир хил бўлган бирор Зот йўқ, айна пайтда Ундан мустақил ҳолда мавжуд бўлган бирор нарса ҳам йўқ.

Коинотни яратган Маъбуд Браҳмадан бошлаб барча то энг кичик хашаротғача бўлган шартланган руҳларнинг барчаси ниманидир яратадилар, лекин уларнинг ҳаммаси Парвардигорга боғлиқ ҳолда ҳаракат қиладилар. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган калтафаҳм иймонсиз одам адашганидан ўзидан бошқа бирор яратувчи йўқ деб қаттиқ адашади. Мана шу алданиш, *майя* деб аталади. Арзимаган илмга эга бўлган ҳолда, ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган дунёвий киши ўзининг чекланган сезгилари сеза оладиган нарсалардан бошқа нарсани кўришга қодир эмас. Шунинг учун у моддий унсурлар бирор олий онг ёрдамисиз ўз – ўзидан қандайдир шаклга, қиёфага киради деб ўйлайди. Мазкур шеърда Шрила Вйасадева буни инкор этади: "Тўла бутун, Мутлақ Ҳақиқат - ҳамма нарсанинг, бутун борлиқнинг манбаидир. Шунинг учун Мутлақ Ҳақиқатнинг танасига боғлиқ бўлмаган бирор нарса мавжуд эмас". Танасида қандай жараён бўлса ҳам, тана ичидаги зот буни дарров сезади. Худди шундай, бутун борлиқ ҳам мутлақ Зотнинг танаси ҳисобланади. Демак, бутун борлиқда бўлиб турган нарсаларнинг ҳаммаси Мутлақ Ҳақиқат бўлган Зотга бевосита ёки белвосита маълум.

Шунингдек *шрути-мантра*да яна айтилганки, мутлақ тўла бутун зот, яъни Браҳман - бутун бошланғич борлиқнинг манбаи. Ҳамма нарса Ундан чиқади ва ҳамма нарсанинг мавжудлигини Унинг Ўзи таъминлаб туради. Охирида эса ҳамма нарса яна Унга қайтиб боради. Табиат қонуни шундай. *Смрити-мантралар* ҳам шу ҳақиқатни тасдиқлайди. Браҳманинг даври бошланганда ҳамма нарса пайдо бўладиган манба ҳам, охирида ҳамма нарса, бутун борлиқ паноҳ топадиган макон ҳам Мутлақ Ҳақиқат, Браҳмандир. Дунёвий олимлар "Қуёш - барча сайёралар тизимининг яралиш манбаи" деб ҳисоблайдилар, лекин Қуёшнинг ўзи қаердан пайдо бўлганини улар тушунтира олмайдилар. Бу ерда эса бутун

борлиқнинг манбаи ҳақида гап борапти. Ведавий муқаддас китобларнинг маълумотларига қараганда қуёшга қиёслаш мумкин бўлган Браҳма бошланғич яратувчи зот эмас. Бу мисрада айтилганки, Маъбуд Браҳма ведавий илмни Худо Шахсидан олган. Биринчи тирик мавжудот бўлган Маъбуд Браҳмани илҳомлантирадиган ҳеч ким йўқ эди, чунки ҳали бошқа тирик мавжудотлар мавжуд эмасди, деб эътироз билдириш мумкин. Бу ерда айтилганки, иккиламчи яратувчи бўлган Маъбуд Браҳмани ўзининг яратувчилик фаолиятини амалга ошира олиши учун Худо Шахси, Парвардигорнинг Ўзи илҳомлантирган. Шундай қилиб, бутун борлиқни яратишни бошқариб турган олий тафаккур, юксак онг - Мутлақ Шахс, Худонинг Олий Шахси, Шри Кришна. «Бхагавад-гита»да Парвардигор айтадики, Унинг бир Ўзи бутун борлиқни яратувчи қувват *пракрити*ни бошқариб туради. Ана шу қувват, *пракрити* ўзида бутун моддий унсурларни мужассам қилган. Шунинг учун Шрила Вйасадева Маъбуд Браҳмага эмас, балки яратувчилик фаолиятида Маъбуд Браҳмани бошқариб турган Олий Шахсга таъзим қилади. Бу мисрадаги *абхиджнах* ва *сварат* ибораларига алоҳида эътибор бериш керак. Бу икки ибора Олий Шахснинг бошқа тирик мавжудотлардан бутунлай фарқ қилишини кўрсатади. Бошқа бирор тирик мавжудот на *абхиджнах*, на *сварат* бўла олмайди. Бошқача қилиб айтганда, бошқа тирик мавжудотларнинг бирортаси мукаммал илмга ҳам, мукаммал мустақилликка ҳам эга бўлолмайди. Ҳатто Маъбуд Браҳма ҳам оламни яратиш учун аввал Худо Шахсига муроқабача қилиши лозим, шундай экан Эйнштейн сингари арзимаган "буюк" олимчалар ҳақида нима дейиш мумкин? Шуниси аниқки, шундай буюк олимнинг миясини қандайдир бир инсон яратган эмас. Дунёвий олимлар бундай мия яратишга қодир эмаслар. Шундай экан, Худонинг мавжудлигини инкор этадиган калтафаҳм, ақлсиз дахрийлар ҳақида нима дейиш мумкин? Ҳатто Парвардигорнинг борлиғи билан қўшилиб кетишга интилиб юрган *майявади* имперсоналистлар ҳам на *абхиджнах*, на *сварат* бўлолмайдилар. Ана шундай имперсоналистлар илм ўрганиш ва Худонинг борлиғига қўшилиб кетиш учун қаттиқ риёзатларга бериладилар. Лекин охир-оқибатда улар ўзларининг қандайдир бой-бадавлат шогирдига қарам бўлиб қоладилар: у қандайдир монастыр ёки эҳром қура олиши учун ўша шогирдлари уни пул билан таъминлайдилар. Равана ва Хиранякашипу сингари иблис дахрийлар Худо Шахсига очикдан-очик қарши чиқиш учун қаттиқ риёзатларга берилдилар. Лекин охир-оқибатда улар ҳам Парвардигорнинг олдида ожиз эдилар, Худо Шахси уларнинг олдида Ажал қиёфасида намоён бўлганида улар Худодан ҳеч қаерга қочиб кутула олмадилар. Худонинг олий ҳукмронлигини инкор этиб, ўзларича оламга ҳукмронлик қилишга интилиб юрган ҳозирги

иймонсиз дахрийларнинг қисмати ҳам худди шундай бўлади - тарих қайтарилаверади. Инсон Худонинг ҳукмронлигини инкор этган заҳоти табиат ва унинг қонунлари уни шафқатсиз жазолай бошлайди. Бу ҳақиқатни «Бхагавад-гита»нинг машҳур шеъри ҳам тасдиқлайди: *йада йада хи дхармасйа гланих*, яъни, "Ҳар гал дхарма(Худонинг қонунлари) таназзулга учраб, адхарма(иймонсизлик) авж олганда Мен Ўзим бу дунёга келаман, эй Аржун".(Б.г.4.7).

Барча *шрути-мантралар*да Парвардигор ҳар жиҳатдан мукамал экани тасдиқланган. *Шрути-мантралар*да айтилганки, моддага Ўз нигоҳини ташлаб, комил Парвардигор барча тирик мавжудотларни яратади. Тирик мавжудотлар Парвардигорнинг ажралмас заррачаларидир, Парвардигор баҳайбат моддий борлиқни руҳий заррачалар билан уруғлантиради. Бу яратувчи қувватни ҳаракатга келтиради, натижада ранг-баранг моддий олам пайдо бўлади. Дахрийлар эътироз билдириб, Парвардигор оддий соатсоздан мохир эмас, деб эътироз билдиришлари мумкин, аммо ҳеч шубҳа йўқки, Парвардигор ундан минг чандон устун туради, чунки У тирик мавжудотларни жуфт-жуфти билан - эркак ва урғочи қилиб яратади. Шу мавжудотлар эса энди Худонинг аралашувисиз, ўзлари худди ўзларига ўхшаган сон-саноксиз бошқа тирик мавжудотларни дунёга келтира бошлайдилар. Агар инсон ҳам худди шундай, ўзининг иштирокисиз ўзлари яна ўзларига ўхшаган механизмлар ярата оладиган механизмлар жуфтини ярата олса эди, озгина бўлса ҳам унинг тафаккури Худонинг тафаккурига яқин деса бўларди. Аммо бунинг иложи йўқ, чунки инсон яратган ҳар бир механизмнинг ҳар бирини кимдир бошқариб туриши керак. Демак, бошқа бирор зот бирор нарсани худди Парвардигордай мукамал қилиб яратишга қодир эмас. Парвардигорнинг номларидан бири - *асаматурдхва*. Бунинг маъноси шуки, ҳеч ким Унга тенглаша олмайди, ҳеч ким Ундан устун бўлолмайди. Ҳеч ким тенглаша олмайдиган Зот - *парам сатйам*, "Олий Ҳақиқат" деб аталади. Буни *шрути-мантралар* ҳам тасдиқлайди. Уларда айтилганки, моддий олам яратилишидан аввал ҳам ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳукмдори бўлган Парвардигор бор эди. У Маъбуд Браҳмага Ведалар илмини ўргатди, ҳар бир тирик мавжудот ҳар қандай ишда фақат Унга сўзсиз итоат қилиб яшаши лозим. Моддий ҳаёт чангалидан халос бўлишни истаган ҳар қандай инсон ўз ихтиёрини Унга топшириши лозим. Муқаддас «Бхагавад-гита»да ҳам шундай дейилган.

Парвардигорнинг нилуфар кадамлари пойига ўз ихтиёрини топширмаган одам албатта қаттиқ адашади. «Бхагавад-гита»да тасдиқланганидай, Кришнани барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси сифатида мукамал англаб, Унинг нилуфар кадамлари пойига ўз ихтиёрини

топширгандан кейингина фаросатли инсон *махатма*, буюк зот, комил инсон бўла олади. Аммо ана шундай буюк зотлар бу дунёда жуда кам учрайди. Фақат ана шундай *махатмалар* Олий Шахс, Парвардигор - бутун борлиқнинг бошланғич сабабчиси эканини англай оладилар. У - *парама*, олий ҳақиқат, чунки бошқа ҳақиқатларнинг барчаси Унга боғлиқ. У ҳар нарсадан бохабар, У ҳеч қачон алданмайди, *майя*(алданиш) Унга таъсир қилмайди.

Баъзи бир майявади-олимлар "Шримад Бхагаватам"ни Шрила Вйасадева ёзмаганини исботлашга уринадилар. Уларнинг баъзилари "Шримад Бхагаватам" - қандайдир Вопадаева деган донишманд ёзиб қолдирган, кейинги даврда пайдо бўлган асар" деган тахминни ўртага ташлайдилар. Бундай бемаъни фикрларни инкор этган ҳолда, Шри Шридхара Свами айтадики, қадимий ведавий битикларнинг, Пураналарнинг жуда кўпларида "Шримад Бхагаватам" ҳақида маълумотлар бор. "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи мантриси *гайатри* мантрадан бошланади. Бу ҳақда энг қадимий Пураналардан бири бўлган "Матсйа-Пурана"да айтилган. Ана шу Пуранада, "Шримад Бхагаватам"нинг *гайатри* мантрадан бошланиши ҳақида хабар бўлиб, жуда кўп руҳий насихатларни ичига олган илоҳий асар *гайатри* мантрадан бошланади, деб айтилган. Ана шу асарда Вритрасура ҳақидаги ҳикоя ҳам келтирилган. Ой тўлишган кунда мана шу буюк асарни эҳсон қилган ҳар бир инсон ҳаётда энг олий мақсадга эришади - Худонинг даргоҳига қайтади. Бошқа Пураналарда ҳам "Шримад Бхагаватам" ҳақида маълумотлар келтирилган. Уларда бу асар ўн икки Қўшиқ, ўн саккиз минг мисрадан иборат деб айтилган. "Падма пурана"да Гаутама билан Амбариша Махараж орасида бўлиб ўтган суҳбат келтирилган бўлиб, унда ҳам "Шримад Бхагаватам" тилга олинади. Донишманд шоҳга агар моддий олам тутқунлигидан халос бўлишни истаса, мунтазам равишда "Шримад Бхагаватам"ни ўқиб юришни тавсия қилади. Шундай қилиб, "Шримад Бхагаватам"нинг ҳақиқий муқаддас китоб эканига ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Охирги беш юз йил давомида, Парвардигор Чаитанйадан кейин, кўплаган билимдон олим ва ачарйалар, жумладан Жива Госвами, Санатана Госвами, Вишванатха Чакраварти, Валлабхачарйа ва бошқа таниқли донишмандлар "Шримад Бхагаватам"ни батафсил изоҳлаб берганлар. "Шримад Бхагаватам" асарини жиддий ўрганишни истаган кишиларга, бу илоҳий хабарномани ўрганишдан ҳақиқий лаззат олиш учун ана шу изоҳлар билан танишиб чиқиш тавсия қилинади.

Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур жинсий алоқа(*ади-раса*)нинг моддий лаззатга умуман ўрин йўқ бўлган, бошланғич, пок табиатига алоҳида эътибор беради. Жинсий алоқа - бутун моддий борлиқни ҳаракатга келтириб турган асосий куч

хисобланади. Ҳозирги даврда яшаётган одамларнинг бутун фаолияти мана шу марказий ўқ - жинсий алоқадан лаззатланиш атрофида айланади. Жинсий алоқа ҳамма жойда ҳукмронлик қилади, демак, бундай алоқалар алдамчи, ўткинчи нарсалар эмас. Уларнинг ҳақиқий мавжудлигини фақат руҳий оламда аниқ ҳис қилиш мумкин, моддий оламдаги жинсий алоқалар эса - руҳий оламдаги бошланғич, ҳақиқий мавжудликнинг бузилиб кўринаётган аксидир. Ана шу бошланғич, ҳақиқий мавжудлик Мутлақ Ҳақиқатда мавжуд. Шундай қилиб, Мутлақ Ҳақиқат шахсиятсиз бўлиши мумкин эмас. Шахсиятсиз бўлган ҳолда Мутлақ Ҳақиқат Ўзида пок жинсий алоқани мужассам қила олмайди. Шундай қилиб, Олий Ҳақиқатнинг шахсиятсиз эканини даъво қилиш билан имперсоналистлар жирканч дунёвий, моддий жинсий алоқани билвосита қўллаб қувватлаётган бўладилар. Жинсий алоқанинг ҳақиқий руҳий кўриниши ҳақида илмга эга бўлмагани сабабли ғофил одамлар жирканч моддий жинсий алоқани инсон ҳаётининг мазмуни қилиб олганлар. Носоғлом моддий шароитдаги шартланган руҳнинг жинсий алоқаси пок руҳий жинсий алоқадан бутунлай фарқ қилади.

Қалби пок, ҳаёт ҳақида аввалдан шаклланган нотўғри тасаввурга эга бўлмаган ўқувчини "Шримад Бхагаватам" асари аста-секин илоҳий баркамоллик поғонасига кўтаради. "Шримад Бхагаватам" унга Ведаларда тавсия қилинган моддий фаолиятнинг уч туридан - кармали фаолият, фалсафий изланишлар ва турли илох(фаришта)ларга сиғинишдан ҳам юқори поғонага кўтарилиш имконини беради.

2. Моддий мақсадларга эришиш ниятида қилинадиган ҳар қандай диний фаолиятни бутунлай рад этган ҳолда, ушбу "Бхагавата-пурана" қалблари беғубор-пок, мукамал содиқларгина англаб ета оладиган энг олий ҳақиқатдан хабар беради. Бу алдамчи борлиқдан фарқли ўлароқ, бутун тирик мавжудот бахти-саодати учун Олий Ҳақиқат - ҳақиқатан ҳам мавжуддир. Ана шу Ҳақиқат инсонни бу дунёдаги мавжуд уч турли азоб-уқубатларнинг барчасидан бутунлай халос этади. Буюк донишманд Вйасадева ўзининг руҳий баркамолликка эришган даврида ёзган мана шу "Бхагавата-пурана" асари Парвардигорни тўла англаб етиш учун бутунлай кифоя қилади. Шундай экан, қандайдир бошқа битикларни ўрганишнинг нима кераги бор? Бу илм камтарин ҳолда, диққат билан "Шримад Бхагаватам" хабарини тинглай бошлаган кишининг қалбида шу заҳотиёқ Олий Худо Шахсини намоён қилади.

Изоҳ: Ҳар қандай дунёвий диннинг мақсади асосан тўрт қисмдан - тақводорлик, иқтисодий равақ, ҳиссий лаззат, моддий олам тутқунлигидан

озодликка чиқишдан иборат. Динсиз, Худонинг қонунларисиз яшаш - онгсиз, ёввойи ҳайвонларга хос бўлган тубан ҳаётдир. Аниқроқ қилиб айтганда, ҳақиқий инсоний ҳаёт Худонинг қонунларига бўйсунидан бошланади. Овқатланиш, ухлаш, қўрқув ва жинсий алоқа - бу дунёдаги ҳаётнинг ҳайвонлар ҳам, одамлар ҳам бирдай машғул бўлган фаолиятнинг тўрт турини ташкил этади. Аммо дин, Худо учун қилинадиган амаллар - фақат инсон зоти шуғуллана оладиган алоҳида фаолиятдир. Агар ҳаёти, турмуш-тарзи таркибида ана шундай фаолият бўлмаса - инсон ҳаёти ҳайвонлар ҳаётидан умуман фарқ қилмайди. Шунинг учун ҳар қандай одамлар жамиятида ҳам, инсоннинг Худо билан ўзаро мангу муносабатларидан келиб чиқадиган диннинг қандайдир бир тури мавжуд бўлиб, бундай диний фаолият одамларни руҳий ўзликни англаш йўлига бошлайди.

Инсониятнинг маънавий, руҳий тараққиётининг қуйи босқичларида инсон ҳамиша моддий табиат устидан ҳукмронлик қилиш учун кураш олиб боради, бошқача қилиб айтганда, улар ҳиссиётининг талабларини қондириш учун ҳамиша ўзаро кураш олиб борадилар. Ана шундай онг таъсири остида инсон бирор дин йўлига кирилади. Моддий манфаат кўзлаб инсон қандайдир эзгу ишлар қила бошлайди ёки диний маросимлар ўтказади. Лекин, агар ўзлари интилаётган ана шу моддий мақсадларга эришишнинг бошқа йўллари топилиб қолса, одамлар дин қонунларини унутиб юборадилар. Ҳозирги инсоният тараққиётидаги аҳвол ҳам худди шундай: иқтисодий фаровонликка эришган сайин одамлар дин билан, Худонинг қонунлари билан қизиқмай қўйганлар. Ҳозирги даврда черковлар, масжидлар ва эҳромлар деярли бўшаб қолган. Одамларни ажодлари, ота-боболари яратиб кетган маданий-маънавий кадриятлардан кўра завод-фабрикалар, магазин ва театрлар кўпроқ қизиқтиради. Бу - одамларнинг аксарият кўпчилиги аслида дин билан, шунчаки ҳиссий лаззатланиш учун зарур бўлган моддий бойлик орттириш ниятида шуғулланишларини амалда исботлаб турибди. Кўпчилик ҳолларда, ҳиссий лаззатларга интилишдан чарчаган ёки бу борада омади юришмаган одамлар озодликка чиқиш, Худонинг борлиғига қўшилиб кетиш ҳақида ўйлай бошладилар. Шундай қилиб, бундай ҳолатларнинг барчаси - ҳиссий лаззатланишга интилишнинг ҳар хил кўринишлари, холос.

Ведавий муқаддас китобларда юқорида кўрсатилган тўрт турли фаолиятни тартибга соладиган ҳар хил қонун-қоида ва чеклашлар берилган. Ана шу қонунларга риоя қилиб яшаш билан инсон ўзининг ҳиссиётини жиловлаб, бемаъни ҳиссий лаззатларга муккасидан кетиб интилишдан халос бўлади. Аммо "Шримад Бхагаватам" ҳиссий лаззатланишга қаратилган ҳар қандай фаолиятга нисбатан илоҳий даражадаги

асардир. Бу илохий асарнинг мазмуни фақат Худонинг асл содиклари, ҳиссий лаззатланиш учун курашга нисбатан илохий поғонада бўлган зотлар тушуна оладилар. Моддий оламда хайвонлар, одамлар, қабилалар ва миллатлар орасида бўладиган ўзаро бешафқат кураш ҳеч қачон тугамайди. Аммо Худонинг содиклари бундай курашдан устун турадилар. Улар материалистлар билан кураш олиб бормайдилар, чунки Худонинг содиклари Худонинг даргоҳига, чексиз лаззатга тўла мангу ҳаётга олиб борадиган йўлдан бораётган инсонлардир. Ана шундай илохий инсонларнинг қалби беғубор пок бўлиб, улар ҳеч кимга ҳасад қилмайдилар. Бу моддий оламда ҳамма бир-бирига ҳасад қилади, шунинг учун улар орасида рақобат юзага келади. Аммо илохий табиатли Худонинг содиклари ҳаётда шунчаки дунёвий ҳасад туйғусидан пок бўлиб қолмасдан, ҳаммага ҳамиша фақат яхшилиқни раво кўрадилар, шу мақсадда - ҳеч ким бир-бири билан рақобат қилмай яшайдиган, ҳамма ягона Парвардигорга садоқат билан хизмат қилиб яшайдиган иймонли одамлар жамиятини қуришга интиладилар. Жамиятнинг ҳозирги даврдаги, одамлар орасида ўзаро рақобат бўлмайдиган социалистик тизими сунъий тизимдир, чунки социалистик жамиятда ҳам одамлар бошқалар устидан ҳукмронлик қилиш имконияти учун ўзаро кураш олиб борадилар. Ведалар нуктаи-назаридан ҳам, оддий одамлар ҳаёти нуктаи-назаридан ҳам ҳар қандай моддий фаолиятнинг асосини ҳиссий лаззатланиш ташкил этади. Ведаларда бунинг уч йўли кўрсатилган. Биринчи йўл - энг яхши сайёраларга эришиш ниятида *кармали*(бирор манфаат кўзланадиган) фаолият кўрсатиш. Иккинчи йўл - бирор фариштанинг сайёрасига эришиш ниятида ўша фариштага сиғиниш. Учинчи йўл - Мутлақ Ҳақиқатни, Унинг шахсиятсиз кўринишини англаб етиш ва Унга кўшилиб кетиш.

Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз кўриниши Унинг олий, мукамал намоён бўлган кўриниши эмас. Мутлақ Ҳақиқатнинг Параматма кўриниши ундан устун туради, Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсий кўриниши бўлган Бхагаван эса - Параматмадан ҳам устун туради. "Шримад Бхагаватам" Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсий кўринишини таърифлаб беради. "Шримад Бхагаватам" имперсоналистларнинг асарларидан ёки Ведаларнинг *жнана-канда* бўлимларидаги илмдан устун туради. "Шримад Бхагаватам" ҳатто Ведаларнинг *карма-канда* ва *упасана-канда* қисмига мансуб асарлардан ҳам устун туради, чунки у инсонга бевосита Худонинг Олий Шахсига, Шри Кришнага сажда қилишни тавсия қилади. Ведаларнинг *карма-канда* бўлимида жаннатий сайёраларга эришиш, ҳиссиётни тобора кўпроқ ва мукамалроқ лаззатлантириш учун кураш, рақобат боради. Бундай кураш *жнана-канда* бўлимида ҳам, *упасана-канда* бўлимида ҳам

мавжуд. "Шримад Бхагаватам" буларнинг ҳаммасидан устун туради, чунки унинг мақсади - бу(категория)ларнинг ҳаммасининг мазмуни (субстанцияси), бошланғич сабабчиси бўлган Олий Ҳақиқатдир. "Шримад Бхагаватам" инсонга ҳам категорияни, ҳам субстанцияни англаб етиш имконини беради. Субстанция - Мутлақ Ҳақиқат, Парвардигор, Ундан чиқадиган ҳамма нарсалар эса - категория, Унинг қувватининг нисбий кўринишларидир.

Субстанциядан ажралган, мустақил ҳолда ҳеч нарса мавжуд бўла олмайди, айти пайтда қувват Ундан фарқ қилади. Ҳаёт ҳақидаги бундай тасаввур - зиддият эмас. "Шримад Бхагаватам" *жанмадй асйа* сутрасидан бошлаб бу фалсафани - бир вақтнинг ўзида "бирлик ва фарқ қилиш" фалсафасини батафсил тушунтириб беради.

Парвардигорнинг қуввати Унинг Ўзи билан бир, айти пайтда Ундан фарқ қилиши ҳақидаги тасаввур қувватни Мутлақ ҳолатга кўтаришга уриниб юрган сафсатабоз файласуфларнинг бемаъни даъволарига жавоб беради. Мана шу ҳақиқатни тушуниб етган киши Парвардигор, Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги монистик ва дуалистик тасаввурларнинг мукамал эмаслигини англаб етади. Бир вақтнинг ўзида Парвардигор ва Унинг қуввати бир ва бир биридан фарқ қилишига асосланган илохий онг, тасаввурни ривожлантириш натижасида инсон шу заҳотиёқ уч турли мусибатлардан озодликка чиқиш поғонасига кўтарилади. Уч турли мусибатлар: 1. Тана ва ақл келтирадиган мусибатлар; 2. Бошқа тирик мавжудотлар келтирадиган мусибатлар; 3. Инсон ҳукмига бўйсунмайдиган табиий офатлар сабабли келадиган мусибатлардан иборат. "Шримад Бхагаватам" илмини ўрганиш Худонинг содиқ хизматкори ўз ихтиёрини Мутлақ Шахсга топширишидан бошланади. У ўзининг Мутлақ Ҳақиқат билан бир эканини, айти пайтда ўзи Унинг мангу хизматкори эканини англаб етади. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган ҳолда инсон адашгани туфайли ўзини атрофидаги ҳамма нарсанинг эгаси, ҳукмдори деб билади. Шу сабабли у ҳамиша уч турли мусибатларга дучор бўлиб юради. Аммо ўзининг руҳий табиатини, Мутлақ Шахснинг мангу хизматкори бўлган илохий ҳолатини англаб етган заҳоти у барча моддий мусибатлардан халос бўлади. Токи тирик мавжудот моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга интилар экан, у ҳеч қачон Худонинг содиқ хизматкори бўла олмайди. Инсон фақат "ўзи"нинг, "мен"ининг соф руҳий табиатини тўлиқ англаб етгандагина пок руҳий онг билан Худога садоқат билан хизмат қила олади. Худога ана шундай хизмат қилиш шарофати билан инсон бир зумда барча моддий мусибатлардан халос бўлади.

Бундан ташқари, "Шримад Бхагаватам" асари - "Веданта-сутра"га изоҳ сифатида Шрила Вйасадеванинг бевосита ўзи ёзган асар ҳисобланади. У бу асарни руҳий баркамолликка

эришган даврида рухий устози Нарада Мунининг насихати билан ёзган. Шрила Вйасадева - Худо Шахси Нарайананинг махсус ваколат ато этилган киёфаси ҳисобланади. Шунинг учун "Шримад Бхагаватам"нинг ишонарли илоҳий асарлигига ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Гарчи Шрила Вйасадева бошқа барча ведавий асарларни ҳам ўзи яратган бўлса ҳам, айнан "Шримад Бхагаватам"ни ўрганишни у ҳамма нарсдан устун қўяди. Бошқа Пураналарда фаришталарга сифинишнинг турли йўллари тавсия қилинган, аммо "Шримад Бхагаватам"да фақат Худонинг Олий Шахси ҳақида гап боради. Фаришталар - тананинг турли қисмларидир, тананинг ўзи эса Худонинг Олий Шахси ҳисобланади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, Худонинг Олий Шахсига сифиниб юрган кишининг бирор фариштага сифинишига ҳожат қолмайди. Шу заҳотиёқ Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкорининг қалбидан жой олади. Бошқа Пураналар орасида "Шримад Бхагаватам"ни алоҳида таъкидлаган ҳолда Чаитанйя Махапрабху уни "бенуксон Пурана" деб атайди.

Бу илоҳий илмни тўғри тушуниб, тўғри қабул қилиб олиш учун уни итоаткорлик, ҳурмат-эҳтиром билан камтарин ҳолатда тинглаш керак. Илоҳий, муқаддас асарни менсимаслик, унга танкидий муносабатда бўлиш унинг мазмунини тўғри тушунишга тўсқинлик қилади. Бу мисрада "Шримад Бхагаватам"нинг мазмунини тўғри тушунишга олиб борадиган тўғри йўлни кўрсатадиган ибора ишлатилган: *иушрушу*. Бу ибора шу маънони билдирадики, энг аввало инсонда илоҳий асарни тинглашга озгина иштиёқ, истак, интилиш бўлиши керак. Илоҳий асарни тўғри тушуниб олиш учун қўйиладиган биринчи шарт - инсонда уни тинглаш учун самимий истак, ихлос бўлиши лозим.

Омадсиз, бахтсиз одамлар Худо ҳақида, Унинг муқаддас китоблари, "Шримад Бхагаватам"нинг илоҳий хабари ҳақида тинглашни умуман истамайдилар. Худо ҳақидаги илмни ўрганиш усули осон, лекин унга амал қилиш қийин. Омадсиз, бахтиқаро одамлар турли хил сиёсий, ижтимоий мавзуларда гап сотиш учун истаганча вақт топа оладилар. Лекин, содиқлар Худо ҳақида суҳбатлашиш учун, "Шримад Бхагаватам"ни ўқиб-ўрганиш учун таклиф қилсалар, улар бунга вақт ҳам тополмайдилар, бундай гапларни тинглашни ҳам истамайдилар. Баъзан, "Шримад Бхагаватам"ни тирикчилик учун пул топиш воситасига айлантириб олган иймонсиз фирибгарлар тингловчилар олдида дарров бу асарнинг Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари таърифланган жойларини ўқиб, уни худди эҳтиросли дунёвий асар сифатида талкин қила бошлайдилар. "Шримад Бхагаватам"нинг Қўшиқларини бошидан бошлаб бирин-кетин тартиб билан тинглаш керак. Мазкур мисрада бу илоҳий асарнинг мазмунини қандай одамлар тўғри

тушунишга қодир экани кўрсатилган: "Инсон жуда кўп эзгу, савоб ишлар қилгандан кейингина "Шримад Бхагаватам"нинг илоҳий хабарини тинглай олиш қобилиятига эга бўлади". Буюк донишманд Шрила Вйасадева чуқур мулоҳаза юрита оладиган, фаросатли, зукко одамларни ишонтириб айтадики, "Шримад Бхагаватам"ни тинглаш шарофати билан улар Худонинг Олий Шахсини бевосита англай оладилар. Шунчаки "Шримад Бхагаватам"ни диққат билан тинглаш орқали инсон шу заҳотиёқ рухий юксалишнинг Ведаларда кўрсатилган барча поғоналаридан сакраб ўтиб, буюк зотлар - *парамахамсалар* турган илоҳий поғонага кўтарилади.

3. Эй чуқур мулоҳазали, зийрак, зукко, мухтарам зотлар, ведавий адабиётларнинг "орзулар дарахти"нинг етилиб пишган меваси - "Шримад-Бхагаватам" шарбатидан тотиб кўринглар. Унинг мазали шарбати барчага - ҳатто рухий озодликка эришган руҳларга ҳам, аввал ҳам лаззатли бўлиб келганига қарамай, энди Шри Шукадева Госвами оғзидан айтилаётгани сабабли, бу шарбат яна ҳам ширинроқ бўлди.

Изоҳ: Аввалги икки мисрада "Шримад Бхагаватам" - ўзининг илоҳий сифатлари билан бошқа барча ведавий муқаддас китоблардан устун турадиган улўғвор буюк илоҳий асар экани ишонарли тарзда исботланган эди. Бу асар ҳар қандай дунёвий фаолият ва моддий илм-фанга нисбатан илоҳий поғонада туради. Бу мисрада шу нарса тасдиқланадики, "Шримад Бхагаватам" - нафақат энг буюк муқаддас китоб, балки шу билан бирга барча ведавий адабиётларнинг етилиб пишган меваси ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, бу асар - Ведалар илмининг қаймоғи, шунинг учун уни сабр-тоқат билан камтарин ҳолда тинглаш жуда муҳим. "Шримад Бхагаватам"нинг илоҳий хабарига, унинг кўрсатмаларига, насихатларига чуқур ҳурмат-эҳтиром ва диққат билан қулоқ солиш лозим.

Ведаларни "орзулар дарахти"га қиёслайдилар, чунки уларда инсон ўргана олиши мумкин бўлган илмнинг ҳаммаси берилган. Ведавий муқаддас китобларда инсоннинг моддий эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган масалалар ҳам, рухий ўзликни англаш илми ҳам баён этилган. Ведаларда тартиб билан ижтимоий, сиёсий, диний, иктисодий, ҳарбий ва тиббий соҳаларни ёритувчи, химия, физика, метафизика ва бошқа фанларга доир илмлар ҳамда инсон ўз танасининг ҳаётини таъминлаб туриши учун, билиши зарур бўлган барча маълумотлар берилган. Бундан ташқари Ведаларда инсонни ўзининг рухий ўзлигини англаб олишга бошлайдиган махсус кўрсатмалар берилган. Тартиб билан Ведалар илмини ўрганиш натижасида тирик мавжудот рухий юксалиш йўлидан бориб, аста-секин рухий, илоҳий поғонага

кўтарилади. Рухий юксалишнинг энг юксак поғонаси - Худонинг Олий Шахси барча лаззатли рухий муносабат(*раса, там*)ларнинг манбаи эканини англаб етишдан иборат.

Бу моддий оламда пайдо бўлган биринчи тирик мавжудот маъбуд Браҳмадан бошлаб то энг кичик хашаротгача бўлган тирик мавжудотларнинг ҳаммаси ҳиссиёти, сезилари орқали ҳис қиладиган туйғулар билан лаззатланишга интилиб яшайдилар. Ана шу ҳиссий лаззат *раса* ибораси билан ифодаланади. *Расалар*нинг бир неча турлари мавжуд. Муқаддас китобларда *расалар*нинг ўн икки тури кўрсатилган: 1. *Раудра* - ғазаб; 2. *Адбхута* - таажжуб, хайратланиш; 3. *Шрингара* - эр-хотин орасидаги муҳаббат; 4. *Хасйа* - кулги; 5. *Вири* - олийжаноблик; 6. *Дайа* - марҳамат кўрсатиш, саховат; 7. *Дасйа* - хизмат(яхшилик) қилиш; 8. *Сакхйа* - дўстлик; 9. *Бхайанака* - даҳшатга тушиш; 10. *Бибхатса* - тушкунликка тушиш, қаттиқ ҳаяжон; 11. *Шанта* - дахлсиз муносабатда бўлиш; 12. *Ватсалйа* - отаоналик муносабати.

Ана шу *расалар*нинг ҳаммаси биргаликда мужассам бўлиши "муҳаббат" деб аталади. Муҳаббат биринчи навбатда эҳтиром билан сажда қилишда, хизмат қилишда, дўст бўлишда, отаоналарча боғланишда ва эр-хотинлардай севишда намоён бўлади. Агар таркибида мана шу беш турли *раса* бўлмаса, муҳаббат ғазаб, таажжуб, кулги, олийжаноблик, кўркув, ҳаяжон кўринишида намоён бўлади. Масалан, эркакнинг аёлга бўлган муҳаббат *расаси* эр-хотин орасидаги муҳаббат деб аталади. Ана шу муҳаббат туйғуси бузилганида улар орасида хайратга тушиш, ғазаб, ҳаяжон ҳатто даҳшат туйғуси ҳам юзага келиши мумкин. Баъзи пайтларда эр-хотинлар орасидаги муҳаббат даҳшатли қотиллик кўринишида ўзининг энг юқори поғонасига кўтарилади. Мана шундай туйғулар одамлар орасидаги муносабатларда ҳам, хайвонлар орасида ҳам намоён бўлади. Моддий оламда инсон ва хайвон орасида ёки инсон билан бошқа бир турдаги бирор тирик мавжудот орасида ўзаро муносабат туйғулари, *расалар* бўлиши мумкин эмас. Моддий оламда ўзаро туйғу(*раса*)лар алмашиш жараёни фақат бир турга мансуб тирик мавжудотлар орасида бўлади. Рухий зотларнинг *расалари* эса сифат жиҳатидан Худо Шахси билан бир. Шунинг учун бошланғич кўринишда, аввал бошлаб туйғулар алмашиш жараёни рухий табиатли тирик мавжудот билан рухий табиатли тўла бутун Зот - Худонинг Олий Шахси орасида бўлиб ўтган. Рухий туйғулар алмашиш жараёни, тирик мавжудот билан Парвардигор орасидаги *раса* фақат рухий оламда тўла намоён бўла олади.

Шунинг учун *шрути-мантраларда*, ведавий мадҳияларда Худонинг Олий Шахси - "барча *расалар*нинг бошланғич манбаи" деб таърифланган. Худо Шахси билан мулоқотда бўлиб, У билан ўзаро азалий, бошланғич *расалари*

доирасидаги муносабатларини қайта тиклаб олгандагина тирик мавжудот ҳақиқий бахтга эришади.

Шрути-мантраларда айтилиши бўйича, ҳар бир тирик мавжудот ўзининг азалий, бошланғич табиий ҳолатига эга бўлиб шу ҳолатига мос равишда маълум бир *расада* Парвардигор билан боғланган. Инсон ўзининг бошланғич *расасини* тўлиқ равишда фақат рухий озодликка эришган ҳолатида ҳис қила олади. Моддий оламда ана шу *раса* бузилган, ўткинчи кўринишда бўлади. Шунинг учун моддий оламдаги *расалар* ғазаб ва бошқа моддий кўринишларда намоён бўлади.

Шундай қилиб, ҳар қандай фаолиятнинг асосини ташкил қиладиган мана шу турли кўринишдаги *расалар* ҳақида тўлиқ илмга эга бўлган киши бошланғич рухий *расалар*нинг моддий оламда акс этиб турган бузилган, сохта кўринишларини аниқлай олишга қодир бўлади. Билимдон киши ҳақиқий *раса*(туйғу)лар билан уларнинг рухий кўринишида лаззатланишга интилади. Аввалига у Худонинг борлиғига кўшилиб кетишга интилади. Шу тарзда, узокни кўра олмайдиган, калтафаҳм илоҳиётчи одамлар, ҳар хил илоҳий *расалар* мавжудлигини англаб етмасдан, рухий борликка, рухий тўла-бутун Зотга кўшилиб кетиш тасаввуридан юқори кўтарила олмай қоладилар.

Бу мисрада аниқ айтилганки, ҳатто озодликка эришган ҳолатда озод руҳлар лаззатланидиган *раса*(туйғу)ларни ҳам "Шримад Бхагаватам"ни тинглаш орқали ҳис қилиш мумкин, чунки бу илоҳий асар барча Ведалар илмининг етилиб пишган мевасидир. Мана шу илоҳий асарни камтарин ҳолда тинглаш билан инсон ўзининг қалбида юзага келадиган ҳамма истакларини тўла қондира олишга қодир бўлади. Лекин бунда жуда эҳтиёт бўлиш керак, чунки инсон бу илоҳий хабарни муносиб манба орқали тинглаши лозим. "Шримад Бхагаватам" хабари айнан ана шундай муносиб манба орқали олинган. Уни рухий оламдан буюк донишманд Нарада Муни олиб келиб, шогирди Шрила Вйасадевага берган эди. У ўз навбатида бу бу илоҳий хабарни ўғли Шрила Шукадева Госвамига берди, Шукадева Госвами эса бу асарни ажали етишига етти кун қолган шох Махараж Парикшитга етказган. Шрила Шукадева Госвами туғилган кунидан бошлаб рухий озодликка эришган зот эди. У ҳали онасининг қорнида пайтидаёқ рухий озодликка эришган эди, шу боис туғилганидан сўнг ҳеч қандай рухий илм ўрганиш, фотиҳа олиш маросимлари орқали ўтмади. Эндигина дунёга келган киши на дунёвий, на рухий ҳаёт маъносида ҳеч нарсага қодир бўлмайди. Аммо Шрила Шукадева Госвами озодликка эришган зот эди, шу боис рухий ўзлигини англаш поғонасига кўтарилиш учун унинг аста-секин рухий юксалиш йўлини босиб ўтиши шарт эмасди. Лекин барибир, у бутунлай рухий озодликка эришган зот бўлишига, моддий

табиат гуналари таъсиридан холи бўлган илоҳий поғонада турган зот бўлишига қарамай, Ведавий мадҳияларни шарафлаб куйлаб юрадиган озод руҳлар сажда қиладиган Худонинг Олий Шахсининг мана шу илоҳий расалари уни ўзига жалб этди. Худонинг Олий Шахсининг илоҳий эрмаклари дунёвий одамлардан кўра руҳий озодликка эришган зотларни кўпроқ ўзига жалб этади. Албатта, Парвардигор шахсиятсиз бўлиши мумкин эмас, чунки алоҳида шахс фақат шахс билан ўзаро илоҳий раса(туйғу)лар алмашиши мумкин.

"Шримад Бхагаватам" Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари ҳақида ҳикоя қилади. Шри Шукадева Госвами тартиб билан уларни таърифлаб берган, шу боис "Шримад Бхагаватам"нинг мазмуни ҳар хил тоифадаги одамларни, шу жумладан руҳий озодликка интилиб юрган одамларни ҳам, тўла бутунга қўшилиб кетишга интилиб юрганларни ҳам ўзига жалб этади.

Санскритча *шука* ибораси "тўтикуш" деган маънони англатади. Ана шу тўтикуш кизил тумшуғи билан пишган мевани чўқиганида, мева яна ҳам ширинроқ бўлади. Ведалар илмининг етилиб пишган ширали меваси Шрила Шукадева Госвами оғзидан олинган. Шри Шукадева Госвами фақат "Шримад Бхагаватам"ни ўзининг билимдон донишманд отасидан қандай эшитган бўлса шундайлигича такрорлаб бера олгани учун эмас, балки бу асарни ҳар хил тоифадаги одамларни ўзига жалб қила оладиган даражада усталик билан ҳикоя қила олгани учун уни тўтикушга қиёслаганлар.

"Шримад Бхагаватам" Шрила Шукадева Госвами тилидан шундай баён қилинганки, уни камтарин ҳолда ихлос билан самимий тинглаган ҳар бир инсон унинг бу моддий оламдаги бузилган моддий раса(туйғу)лардан бутунлай фарқ қиладиган илоҳий мазасини дарров ҳис қилади. Бу пишган мева руҳий оламнинг энг юксак сайёраси бўлган Кришналокадан бу оламга ўзидан-ўзи, бекорга тушгани йўқ. Аксинча, уни жуда эҳтиёткорлик билан, авайлаб-асраб устоздан-шогирдга қўлма-қўл узатиб, узлуксиз шогирдлар силсиласи орқали олиб келганлар. Илоҳий шогирдлар силсиласига мансуб бўлмаган калтафаҳм одамлар бу ширин мевани илоҳий поғоналар орқали авайлаб, аста-секин узатаётган Шукадева Госвамидан ўрناق олмасдан, "раса-ракси" деб аталадиган улуғвор илоҳий расани бирданига англаб етишга уриниш билан жуда катта, қўпол хатога йўл қўядилар. Шукадева Госвами сингари буюк зотлар "Шримад Бхагаватам"га қанчалик эҳтиёткорлик билан мурожаат қилганидан, уларнинг чуқур эҳтиром билан кўрсатаётган муносабатиданоқ бу асарнинг қанчалик улуғвор эканини англай олиш учун инсонда етарли фаросат бўлиши керак. Бхагаваталар мактабининг шогирдлар силсиласи

орқали илм ўрганиш усули шуни тақозо этадики, келажакда ҳам "Шримад Бхагаватам"нинг мазмунини уни фақат Шрила Шукадева Госвамидан ҳақиқий вакилидан тинглаш орқали англаб олиш лозим. Албатта, бунга ҳеч қандай ҳаққи бўлмаса ҳам, одамларга "Шримад Бхагаватам"ни ўқиб беришни ўзининг тирикчилик қилиш манбаига айлантириб олган одамлар ҳеч қачон Шрила Шукадева Госвамидан вакили бўлолмайдилар. Ундай одамнинг ягона мақсади - кун-кўриш учун пул топишдан иборат. Шу боис ундай одамлардан иложи борича узокроқ юриш керак. Одатда ундай одамлар бу жиддий асарни аста-секин ўрганишни четлаб ўтиб, дарров унинг энг маҳфий бўлимларига ўтиб кетадилар. Аксарият ҳолларда улар Парвардигорнинг раса-ракси ҳақидаги ҳикояларни ўқийдилар, калтафаҳм одамлар эса бунини ўзларича ногўғри талқин қиладилар. Баъзи бир дунёвий одамлар уни одобахлоқ қоидаларига зид деб ҳисоблайдилар, баъзилар эса ўзларининг ахлоқона талқинлари билан бу ҳикояларнинг ҳақиқий мазмунини яширишга уринадилар. Улар Шрила Шукадева Госвамидан ўрناق олиб Худо ҳақидаги илоҳий илмни аста-секин, навбат билан ўрганишни истамайдилар.

Юқорида айтилган гаплардан шундай хулоса чиқариш мумкин: илоҳий расаларни жиддий ўрганишга киришган киши, илоҳий илмдан беҳабар оддий одамлар олдида обрў қозониш учун уларга "Шримад Бхагаватам"ни ўзи истаган тартибда ўқиб бермасдан, "Шримад Бхагаватам"ни бошидан бошлаб, навбатма-навбат ҳикоя қиладиган, Шрила Шукадева Госвамидан бошланган шогирдлар силсиласида турган ишончли манба орқали ўрганиши лозим. Бу улуғвор силсилада турган шогирд орқали "Шримад Бхагаватам" шу қадар эҳтиёткорлик билан тақдим этиладики, самимий ва жиддий киши, уни Шукадева Госвами ёки унинг ҳақиқий вакили оғзидан эшитиб, Ведалар илмининг етилиб пишган бу мевасининг илоҳий мазасини дарров ҳис қилади.

4. Кунларнинг бирида Худо Шахсини ва Унинг содиқларини мамнун қилиш ниятида минг йиллик қурбонлик маросимини ўтказиш учун, кўплаб буюк донишмандлар Шаунака бошчилигида Наимишараня ўрмонидаги муқаддас жойга тўпландилар.

Изоҳ. Аввалги уч мисра "Шримад Бхагаватам"нинг кириш қисми ҳисобланади. Энди эса бу буюк асарнинг асосий мавзусини баён этиш бошланади. Шукадева Госвами биринчи марта "Шримад Бхагаватам"ни Махараж Парикшитга баён этгандан кейин, бу асар Наимишараня ўрмонида яна бир бор такрорланган эди.

"Вайвийа-тантра"да айтилганки, биз яшаётган Коинотни яратган буюк фаришта Маъбуд Брахма

бутун Коинотни камраб оладиган катта гилдиракни тасаввур қилган. Ана шу гилдиракнинг маркази Наимишаранйя деган жойда жойлашган экан. Наимишаранйя деган ўрмон ҳақида "Вараха-пурана"да ҳам маълумот бор. Унда айтилганки, ана шу жойда ўтказилган қурбонлик маросими иблис табиатли одамларнинг қувватини камайтиради. Шу боис қурбонлик маросимларини ўтказиш учун донишманд брахманлар айнан Наимишаранйя ўрмонини танлайдилар.

Парвардигор Вишнунинг содиқлари ўз хизмати билан Уни мамнун қилиш учун ҳар хил қурбонлик маросимлари ўтказадилар. Содиқлар ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнига боғланган бўладилар, адашган, ғофил одамлар эса моддий ҳаётдан лаззатланишга боғланган бўладилар. «Бхагавад-гита»да айтилганки, моддий оламда Парвардигор Вишнуни мамнун қилишга қаратилмаган ҳар қандай ҳаракат, ҳар қандай фаолият инсоннинг бу дунёда тутқун бўлиб қолишига сабабчи бўлади. Шунинг учун ҳар қандай амални Парвардигор Вишнуни ва Унинг содиқларини мамнун қилиш мақсадида бажариш тавсия қилинади, шунда ўзидан-ўзи бутун оламда мустаҳкам тинчлик ва осойишталик ўрнатилади.

Буюк донишмандлар ҳамиша бутун инсониятнинг бахт-саодатини ўйлаб иш қиладилар, шунинг учун Шаунака бошлиқ донишмандлар ҳам муқаддас Наимишаранйя ўрмонида буюк қурбонлик маросимлари тизимини ўтказиш ниятида тўпландилар. Табиатан унутувчан бўлган одамлар бутун дунёда мустаҳкам тинчлик ва осойишталикка, фаровонликка эришишнинг осон, тўғри йўлини билмайдилар. Аммо донишмандлар буни яхши биладилар, шу боис улар инсониятнинг равнағи, фаровонлиги ҳақида ўйлаб ҳамиша бутун олам аҳлига тинчлик келтирадиган ишлар қилишга интиладилар. Буюк донишмандлар барча тирик мавжудотларнинг энг яқин дўстларидир, шунинг учун улар ҳар қандай қийинчиликларга, тўсқинликларга қарамай бутун инсоният бахтини ўйлаб ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилиб яшайдилар. Парвардигор Вишну катта бир дарахтга ўхшайди, фаришталар, одамлар, *сиддхалар*, *чараналар*, *видйадхаралар* ва бошқа тирик мавжудотлар - ана шу дарахтнинг шоха ва барглари. Агар дарахтнинг илдизига сув қуйилса, унинг бошқа қисмларининг ҳаммаси - шохалар, барглари ҳам сув ичадилар. Фақат қирқиб ташланган шоха ва барглари сув ичолмайди. Қанчалик сув қуйиб турса ҳам, қирқиб ташланган, дарахтдан ажралган шохалар вақт ўтиши билан қуриб қоладилар. Худо Шахсидан ажралган, қандайдир йўл, дин воситасида Худо билан боғланмаган одамлар жамияти ҳам худди дарахтнинг қирқиб ташланган шоха ва баргларига ўхшайди. Шу боис Худодан ажралган ҳолда шунча куч-қувват, маблағ сарфлаб уларни

суғоришга уринаётган одамлар бекорга вақтини кетказаётган бўладилар.

Ҳозирги атеистик жамият Худонинг Олий Шахси билан алоқасини бутунлай узиб қўйган, шу боис иймонсиз, даҳрий ҳукмдорларнинг барча режалари ҳар қадамда чиппака чиқиб кетяпти. Ҳатто шундай ҳолат ҳам уларни ғафлат уйқусидан уйғота олмаяпти.

Ҳозирги даврда ғафлат уйқусидан уйғонишнинг самарали усули сифатида Худонинг муқаддас номларини биргаликда қуйлаш тавсия қилинган. Парвардигор Чаитанйя Махапрабху ана шу ишонарли усулни тавсия қилиб кетган, ҳақиқий, мустаҳкам тинчлик ва осойишталикка, фаровонликка эришиш учун фаросатли одамлар Унинг таълимотидан фойдаланишлари мумкин. "Шримад Бхагаватам" ҳам айнан ана шу мақсадда нозил бўлган, бу навбатдаги мисраларда батафсил тушунтирилади.

5. Бир куни, ўзларининг эрталабки тоат-ибодатларини тамомлаб, буюк донишмандлар муқаддас қурбонлик оловини ёқдилар ва Шрила Сута Госвамини фахрий ўриндикка ўтказиб, чуқур ҳурмат-эҳтиром билан унга ушбу саволларни бера бошладилар.

Изоҳ: Эрта тонг - руҳий фаолият учун энг самарали, энг қулай вақт ҳисобланади. Буюк донишмандлар "Шримад Бхагаватам"ни гапириб берадиган зотга баландроқ жойдан фахрли ўрин кўрсатдилар. Ана шундай ўриндик "*вйаса-асана*", яъни бутун инсониятнинг бошланғич, азалий руҳий устоз Шрила "*Вйасанин*г ўриндиғи" деб аталади. Бошқа устозларнинг ҳаммаси унинг вакиллари ҳисобланади. Шрила Вйасадеванинг вакили - Унинг ҳаёт ҳақидаги нуқтаи-назарини, тасавурини бошқаларга ўзгартирмасдан тўғри тушунтириб бера оладиган инсондир. Шри Сута Госвами "Шримад Бхагаватам"ни Шрила Шукадева Госвамидан тинглаган, у эса бу илмни отаси Шри Вйасадан ўрганган эди. Шрила Вйасадеванинг шогирдлар силсиласида турган барча ҳақиқий вакиллари *госвадилар* деб атайдилар. Ана шу госвадилар ҳиссиётини тўла жиловлаб олган зотлар бўлиб, аввалги ўтган буюк устозлар изидан адашмай борадилар. Ўз маърузаларида улар "Шримад Бхагаватам"ни фақат ўзининг фикрига суянган ҳолда талқин қилмайдилар. Аксинча, улар бу илоҳий хабарни асл ҳолида бериб кетган ўзидан аввалги буюк *ачарйалар* изидан оғишмай борган ҳолда жуда эҳтиёткорлик билан самимий хизмат қиладилар.

"Шримад Бхагаватам"ни тинглаётган одамлар тинглаётган гапларининг маъносини тўғри тушуниб олиш учун уни ҳикоя қиладиган кишига турли саволлар билан муурожаат қилишлари мумкин, лекин буни ҳурмат-эҳтиром билан, камтарин ҳолда қилиш керак. "Шримад Бхагаватам"ни тинглаётган киши уни гапириб

бераётган кишини ҳам, "Шримад Бхагаватам"ни ҳам чуқур хурмат қилган ҳолда савол бериши лозим. Муқаддас китобларга нисбатан ана шундай муносабатда бўлишни бизга «Бхагавад-гита» ҳам тавсия қилади. Илоҳий илми ишонарли манбадан камтарин ҳолда тинглаш орқали англаб етиш мумкин. Шунинг учун Сута Госвамига чуқур хурмат-эҳтиром кўрсатдилар.

6. Донишмандлар шундай дедилар: "Эй хурматли Сута Госвами, сен барча нуқсонлардан бутунлай пок зотсан. Сен диний, рухий фаолият қонун-қоидалари таърифланган барча битикларни, шунингдек барча Пураналарни, тарихий асарларни яхши биласан, чунки сен уларни ҳақиқий рухий устоз раҳбарлиги остида ўргангансан, ўзинг ҳам уларни бошқаларга ўргатгансан.

Изоҳ: Шри Вйасадеванинг ҳақиқий вакили бўлган *госвами* ҳар қандай нуқсонлардан холи бўлиши лозим. *Кали-йуганинг* тўрт асосий нуқсони куйидагилардан иборат: 1. Аёллар билан ноқонуний алоқада бўлиш; 2. Ҳайвонларни ўлдириш(сўйиш); 3. Маст қилувчи нарсалар истеъмол қилиш; 4. Турли кўринишдаги қимор ўйинлари. *Вйасасанага* ўтиришга журъат қилишдан олдин *Госвами* ана шундай нуқсонлардан пок бўлиши лозим. Юқорида кўрсатилган нуқсонлардан холи бўлмаган, ҳали гуноҳларидан покланмаган кишининг *вйасасанага* ўтиришига йўл қўймаслик керак. У бундай нуқсонлардан бутунлай холи бўлибгина қолмасдан барча муқаддас китоблардан хабардор бўлиши, Ведаларни билиши лозим. Пураналар ҳам, "Маҳобҳорат", "Рамайана" сингари тарихий асарлар ҳам Ведаларнинг бир қисми ҳисобланади. *Ачарйа*, яъни *госвами* ана шу асарлар билан яхши таниш бўлиши лозим. Уларни бошқаларга гапириб бериш ва тинглаш уларни ўқишдан ҳам муҳимроқ ҳисобланади. Муқаддас китобларнинг мазмунини фақат уларни тинглаш ва тушунтириш жараёнида тўғри англаб етиш мумкин. Уларни тинглаш - *шравана*, бошқаларга тушунтириб бериш эса - *киртана* деб аталади. Рухий юксалиш йўлидан адашмай боришда мана шу икки жараён энг муҳим ҳисобланади. Тинглашга лойиқ бўлган зотлардан камтарин ҳолда тинглаш орқали бу илоҳий илми эгаллаб олган кишигина уларнинг мазмунини бошқаларга тўғри тушунтириб бера олади.

7. Эй Сута Госвами, Ведалар илмини билувчи энг кекса ведантист-олим сифатида сен Худо Шахсининг тимсоли бўлган Вйасадева таълимоти билан яхши танишсан. Моддий ва илоҳий илмларнинг барча соҳаларини яхши биладиган бошқа донишмандларнинг асарларини ҳам ўргангансан.

Изоҳ: "Шримад Бхагаватам" - "Брахма-сутра"га, "Бадарайани Веданта-сутра"га табиий изоҳ сифатида ёзилган асардир. Бу изоҳнинг "табиий" деб аталишига сабаб "Веданта-сутра"нинг ҳам, барча ведавий илмлар қаймоғи бўлган "Шримад Бхагаватам"нинг ҳам муаллифи Вйасадеванинг ўзи ҳисобланади. Вйасадевадан бошқа, фалсафанинг мавжуд олти йўналишидаги асарлар муаллифи бўлган донишмандлар ҳам бор: Гаутама, Канада, Капила, Патанжали, Жаймини ва Аштавакра. "Веданта-сутра"да теизм, яъни Худо ҳақидаги илм тўла таърифлаб берилган. Бошқа фалсафий асарларда эса барча сабабларнинг сабабчиси ҳақида деярли ҳеч нарса айтилмаган. Барча фалсафий тизимларни яхши биладиган, тингловчиларга бошқа фалсафий таълимотларнинг мукамал эмаслигини кўрсатиб, "Шримад Бхагаватам" таълимотини мукамал тушунтириб бера оладиган кишигина *вйасасанага* ўтиришга журъат қилиши мумкин. Шрила Сута Госвами ҳақиқий устоз эди, шу боис Наимишаранйадаги буюк донишмандлар унга *вйасасанага* ўтиришни таклиф қилдилар. Бу ерда Шрила Вйасадева "Худо Шахси" деб тилга олинган, чунки у - Худонинг махсус ваколат берилган кўринишидир.

8. Камтаринлигинг туфайли рухий устозларинг сенга одобли шогирд қабул қила олиши мумкин бўлган барча илмларни инъом этганлар. Шу боис, сен уларнинг илмий равишда сенга ўргатган барча билимларини бизларга тушунтириб беришга қодирсан.

Изоҳ: Рухий юксалишда муваффақиятга эришишнинг махфий сири рухий устозни мамнун қилишда, шогирд фақат шу йўл билан унинг дуоифотихасини олиши мумкин. Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур ўзининг машҳур саккиз мисра шеърида рухий устозни шундай олқишлаган: "Мен чуқур эҳтиром билан рухий устозимнинг нилуфар қадамлари пойига сажда қиламан. Фақат рухий устозни мамнун қилиш билангина Худонинг розилигига эришиш мумкин. Рухий устозини норози қилган содиқ рухий юксалиш йўлида ҳеч қандай муваффақиятга эриша олмайди". Демак, шогирднинг камтар бўлиши, рухий устозининг кўрсатмаларига, насихатларига сўзсиз итоат қилиши жуда муҳим. Шрила Рупа Госвами шогирдликнинг барча талабларига тўла жавоб берадиган шогирд эди, шу боис унинг билимдон, рухий ўзлигини англаб етган рухий устозлари, шу жумладан Шрила Вйасадева ва бошқалар унга марҳамат кўрсатиб илм ўргатганлар. Шрила Сута Госвами - ҳақиқий рухий устоз эканига Наимишаранйада тўпланган донишмандларнинг ишончи комил эди, шу боис улар унинг гапларини диққат билан тинглашга муштоқ эдилар.

9. Шу боис, эй узоқ умр кўришга дуо олган зот, бизга осон қилиб тушунтириб бер-чи, сен

биладиган илоҳий илмларга асосан қандай ишлар ҳар бир одамга ҳаётда энг олий, энг буюк ва мутлақ бахт-саодат келтиради?

Изоҳ: *Ачарйа*, яъни руҳий устозга сажда қилиш «Бхагавад-гита»да тавсия қилинган. *Ачарйа* ва госвамилар ҳамиша бутун инсониятга бахт-саодат, айниқса уларга маънавий, руҳий манфаат келтирадиган фаолият билан банд бўлиб юрадилар. Руҳий манфаатдорлик табиий равишда албатта моддий фаровонликка олиб келади. Шунинг учун *ачарйалар* барча одамларга руҳий юксалиш йўлини, маънавий манфаатдорлик йўлини кўрсатадилар. *Кали-йуга* даврида одамлар тугуруқсиз, калтафаҳм бўлиб кетишини олдиндан билиб, донишмандлар Сута Госвамига мурожаат қилиб, ундан барча муқаддас китобларнинг асосий мазмун-моҳиятини тушунтириб беришни илтимос қилдилар, чунки бу даврда одамлар бирор руҳий фаолият билан шуғулланишга яроқсиз, дангаса бўлиб кетадилар. Шу боис донишмандлар барча одамларга бахт-саодат келтирадиган энг юксак мутлақ фаолият қандай бўлишини сўраб савол бердилар. Энди ҳозирги даврдаги одамларнинг қанчалик ачинарли аҳволда экани таърифланади.

10. Эй донишманд, ҳозирги темир асри бўлган *Кали йуга* даврида одамларнинг умри қисқа. Улар мижғов, ялқов, алданган, ғафлат ботқоғига ботган, омадсиз ва бунинг устига ҳамиша хавотирда юрадилар.

Изоҳ: Худонинг содиқлари ҳамиша алоҳида ҳар бир инсоннинг ҳам, бутун инсониятнинг ҳам бахт-саодати, руҳий юксалиши ҳақида ўйлаб иш қиладилар. *Кали-йуга* давридаги одамларнинг ҳаётини таҳлил қилиб, Наимишаранйа ўрмонига тўпланган донишмандлар бу даврда одамларнинг умри қисқариб кетишини олдиндан кўра билганлар. *Кали-йуга*да одамларнинг умри озик-овқат етишмаслигидан эмас, балки уларнинг ҳаётда бетартиб, пала-партиш яшагани сабабли қисқариб кетади. Соғлом турмуш тарзи билан яшаб, ҳалол-пок неъматлардан меъёрида озикланиб юрса ҳар қандай одам соғлом яшайди. Керагидан кўп овқат ейиш, кераксиз мол-дунё тўплаш, бошқаларга қарам бўлиб қолиш, сунъий ўйлаб топилган бемаъни нарсалар инсоннинг ҳаётини кучини, қувватини камайтириб юборади. Шу сабабли одамларнинг умри қисқариб кетади.

Бунинг устига ҳозирги даврда одамлар фақат жисмоний жиҳатдан, моддий фаолиятда эмас, балки руҳий фаолиятда ҳам жуда дангаса, ландовур, ишёқмас, боқи-беғам бўлиб кетадилар. Инсон умри асосан руҳий ўзликни англаб етиш учун мўлжалланган. Демак, ўзини ИНСОН деб юрган киши аслида ўзининг ким эканини, бу олам ўзи нима эканини, энг олий ҳақиқат нима эканини тушуниб олиши лозим. Инсон ҳаёти - тирик мавжудотнинг бу моддий оламда тирикчилик учун

оғир кураши жараёнида юзага келадиган барча мусибатлардан биратўла халос бўлиб, Худонинг даргоҳига, ўзининг мангу уйига қайтиб кетишига ёрдам бера оладиган ягона восита, нодир имкониятдир. Аммо ҳозирги даврда таълим-тарбия тизими нотўғри асосда қурилгани сабабли одамлар руҳий ўзлигини англашга интилмайдилар. Ҳатто омади келиб, қандайдир йўллар билан бу ҳақда эшитиб қолган одамлар ҳам, афсуски, ҳақиқат йўлидан адашган сохта устозларнинг тузоғига илиниб қоладилар.

Ҳозирги даврда одамлар фақат турли партия ва сиёсий гуруҳларнинг қурбони бўлиб қолаётганлари йўқ. Ҳиссий лаззат берадиган турли эрмаклар уларни ўз тузоғига илинтириб йўлдан адаштирадилар: клублар, кинотеатрлар, концертлар, телевидение, дунёвий кутубхоналар, ахлоқсиз давраларда бўладиган бемаъни суҳбатлар, арокхўрлик, фирибгарлик, ўғирлик, уруш-жанжаллар ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси одамларнинг ақлини безовта қилади, шунинг учун одамлар беҳаловат бўлиб, ҳамиша хавотирда юрадилар. Ҳозирги даврда кўпчилик бетайин одамлар муқаддас китобларнинг бирортасига тўғри келмайдиган ўзларининг динини ўйлаб топадилар, ҳар хил ҳиссий лаззатларга интилиб юрган кўплаган одамларни ана шундай диний оқимлар ўзига жалб этади. Натижада дин нуқоби остида одамлар ҳар хил гуноҳ ишларга қўл урадилар, бунинг натижасида эса одамлар саломатлигини ва кўнглининг хотиржамлигини йўқотадилар. Жамиятда *брахмачарйа*(шогирдлик) мактаби барҳам топган, оилали одамлар эса *грхастха-аишрам* қонун-қоидаларига риоя қилмай қўйганлар. Шу боис, яроқсиз *грхастха-аишрам* орқали ўтган ана шундай чала *вананпрастха* ва чала *саннийасилар* жуда мушкул бўлган руҳий юксалиш йўлидан тез адашиб кетадилар. *Кали-йуга* даврида одамларнинг бир-бирига ишончи қолмайди, одамлар руҳий кадриятлар билан умуман қизикмай қўядилар. Ҳозирги даврдаги маданиятли одамларнинг ҳаётда яшашдан асосий мақсади ўзининг моддий ҳиссиёт(нафс)ини лаззатлантириш, сезгиларининг талабларини қондиришдан иборат бўлиб қолган. Ана шундай маданиятни қўллаб-қувватлаш, авайлаб-асраш учун одамлар турли федерацияларга, ҳамжамиятларга бирлашиб олганлар, бундай гуруҳлар орасидаги муносабатларда ҳамиша юзага келиб турадиган турли жанжал ва можаролар сабабли жаҳоннинг турли чеккаларида тез-тез "иссиқ" ва "совуқ" урушлар бўлиб туради. Ҳозирги даврда одамлар жамияти руҳий кадриятлар ҳақидаги нотўғри тасаввурга асосланган ҳолда ривожланиб борапти, шунинг учун инсониятнинг маънавиятини, руҳий онгини ривожлантириш жуда мушкул. Ана шу адашган одамларнинг ачинарли аҳволига чуқур ҳамдардлик билдириб, уларга моддий олам чангалидан халос бўлишга ёрдам бериш ниятида Наимишаранйа

ўрмонида тўпланган донишмандлар бу эзгу ишда ёрдам беришга қодир бўлган бирор восита излаб Шрила Сута Госвамига мурожаат қилдилар.

11. Жаҳонда муқаддас китоблар жуда кўп бўлиб уларнинг ҳар бири инсонга турли хил вазифаларни юклайди. Уларни тушуниб олиш учун, шу муқаддас китобларнинг махсус қисмларини узоқ йиллар давомида ўрганиб чиқиш керак. Шунинг учун, эй донишманд, барча тирик мавжудотларнинг бахт-саодати учун бизларга шу муқаддас китобларнинг яқуний мазмун-моҳиятини тушунтириб бер, чунки бундай насихатлар инсон қалбини тўла қаноатлантира олади.

Изоҳ: *Атма*, рух(жон) - модда ва моддий унсурлардан фарқ қилади. Ўзининг табиатига кўра рух(жон) руҳий табиатга эга, шу боис уни ҳеч қандай моддий воситалар ёрдамида қаноатлантириб бўлмайди. Жаҳондаги барча муқаддас китоблар ва руҳий насихатларнинг ҳаммаси ана шу мангу, руҳий табиатли *атма* - жон(рух)нинг эҳтиёжини қондириш учун мўлжалланган. Замон, макон ва шароитга қараб ҳар хил тоифадаги тирик мавжудотларга мўлжалланган турли хил муқаддас китоблар нозил қилинган. Шунинг учун муқаддас китобларнинг сон-саногии йўқ бўлиб, уларнинг ҳар бирида инсонга ҳар хил фаолият кўрсатиш йўллари тавсия қилиниб, унга турлича муқаддас бурчлар юклатилган. *Кали-йуга* даврида одамлар тубанликка юз тутиб, жаҳолат ботқоғига ботиб кетишини назарда тутган ҳолда, Наимишаранйага тўпланган донишмандлар Шри Сута Госвамидан барча муқаддас китобларнинг асосий мазмун-моҳиятини тушунтириб беришни илтимос қилдилар, чунки бу даврда яшаётган ғофил одамлар *варна-ашрам* тизими бўйича таълим-тарбия олиб, уларни ўрганиб чиқиш имкониятидан маҳрумдирлар.

Варна-ашрам тизими инсоннинг руҳий юксалишига ёрдам бера оладиган энг қулай ижтимоий тизим ҳисобланади, аммо *Кали-йуга*нинг салбий таъсири одамларнинг бу тизим қонун-қоидаларига риоя қилиб яшашларига имкон бермайди. Бунинг устига инсон ҳозирги даврда *варнашрама* тизими тақозо этганидай оиласини бутунлай тарк этиб кета олмайди. Ҳозирги даврда одамлар яшаётган муҳитни ўзаро рақобат, душманлик туйғуси қоплаб олган. Шуларнинг ҳаммасини инобатга олган ҳолда, Кали-йуга даврида оддий инсоннинг руҳий озодликка чиқиши жуда мушкул эканини тушуниш керак. Нимага донишмандлар бундай савол билан Шри Сута Госвамига мурожаат қилгани кейинги шеърларда тушунтирилади.

12. Эй Сута Госвами, сенга ҳамиша Худонинг марҳамати ёр бўлсин! Худонинг Олий Шаҳси

нима учун Васудеванинг ўгли сифатида Девақидан бу дунёга келганини сен яхши биласан.

Изоҳ: *Бхагаван* ибораси барча бойликлар, бутун куч-қудрат, шон-шухрат, гўзаллик, илм ва боғланмасликнинг мукамал соҳиби бўлган, ҳар нарсага қодир, қудратли Парвардигорни ифодалайди. У - Ўзининг асл содиқларининг ишончли ҳимоячиси. Парвардигор ҳаммага бир хил муносабатда бўлади, лекин шунга қарамай У Ўзининг содиқ хизматкорларига алоҳида ғамхўрлик қилади. Мутлақ Ҳақиқатнинг хизматкорларини *самватлар* деб атайдилар. Ана шундай асл содиқларининг ҳимоячиси бўлган Худо Шаҳси бу мисрада *самватлар*нинг ҳимоячиси деб аталган. *Бхадрам те* - "Худонинг марҳамати ҳамиша сенга ёр бўлсин!" - ибораси донишмандлар гапираётган зотдан Мутлақ Ҳақиқат ҳақида тинглашга жуда муштоқ эканини англатади. Худонинг Олий Шаҳси Парвардигор Шри Кришна Васудеванинг рафиқаси Девақининг олдида намоён бўлган эди. Васудева - Худо Шаҳси Ўзини намоён этадиган илоҳий ҳолат тимсолидир.

13. Эй Сута Госвами, бизлар Худо Шаҳси ва Унинг намоён этган қиёфалари ҳақида билишни истаймиз. Бизларга аввал ўтган устоз-ачарйаларнинг илмларини ўргат, чунки бу илмларни баён этиш билан ҳам, уларни тинглаш билан ҳам инсон улғувор ҳолатга, ҳақиқий бахт-саодатга эришади.

Изоҳ: Бу ерда Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги илоҳий хабарларни тинглаш учун зарур бўлган шартлар санаб ўтилган. Энг биринчи шарт шундан иборатки, тингловчилар жуда самимий бўлиши ва ҳақиқатан ҳам бундай хабарларни тинглашга жиддий интилаётган бўлишлари керак. Мутлақ Ҳақиқат ҳақида гапираётган одам эса, ишонарли, ҳақиқий *ачарйа*дан бошланган шогирдлар силсиласида турган бўлиши лозим. Моддий фаолиятга муккасидан кетган одамлар Мутлақ Ҳақиқатнинг илоҳий хабарини тушунишга қодир эмаслар. Ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида яшаётган инсоннинг қалби аста-секин поклана бошлайди. Шундай қилиб, инсон шогирдлар силсиласига кириб, камтарин ҳолда Худонинг хабарини тинглаш санъатини ўрганиши керак. Сута Госвами билан Наимишаранйада тўпланган донишмандлар орасида эса ана шу шартларнинг ҳаммаси бажарилган эди, чунки Шрила Сута Госвами Шрила Вйасадевадан бошланган ишонарли шогирдлар силсиласига мансуб зот, Наимишаранйа ўрмонида тўпланган донишмандлар эса - Ҳақиқат илмини билишга муштоқ бўлган камтар, самимий зотлар эдилар. Шундай қилиб, илоҳий илм ўрганишининг барча талаблари бажарилган, шу боис Парвардигор Шри Кришнанинг кўрсатган ғайритабиий қароматлари,

Унинг бу дунёга келиши, кетиши, Унинг туғилиши, қиёфалари, муқаддас номлари ҳақидаги илоҳий ҳикояларнинг мазмунини тушуниш осон. Ана шундай суҳбатлар барча одамларнинг руҳий юксалиш йўлидан муваффақият билан олға боришларига ёрдам беради.

14. Ўлиш ва қайта тирилишлар гирдобига тушиб қолган тирик мавжудотлар, ҳатто кўркув(вахима)нинг ўзини ҳам кўрқитиб кўядиган Кришнанинг муқаддас номини агар ўзлари билмаган ҳолда, англамасдан тилга олсалар ҳам, шу заҳотиёқ руҳий озодликка эриша оладилар.

Изоҳ: Васудева, Парвардигор Кришна, Худонинг Мутлақ Шахси - бутун борлиқнинг ҳақиқий эгаси, олий ҳукмдоридир. Бутун борлиқда қудратли Парвардигорнинг қаҳру-ғазабидан кўрқмайдиган бирор зот мавжуд эмас. Худонинг Олий Шахси Равана, Хиранйакашипу, Камса сингари қудратли иблисларни, шунингдек бошқа қудратли тирик мавжудотларнинг ҳаммасини ҳалокатга учратди. Ҳар нарсага қодир бўлган Парвардигор Васудева муқаддас номида Ўзининг бутун илоҳий қудратини мужассам этиб қўйган. Ҳамма нарса У билан боғланган ва фақат Унда ўзининг ҳақиқий табиатига эга бўлади. Бу ерда айтилганки, Кришнанинг номидан ҳатто кўркувнинг ўзи ҳам кўрқиб туради. Бу, Кришнанинг муқаддас номи Кришнанинг Ўзидан фарқ қилмаслигини кўрсатади. Демак, Кришнанинг муқаддас номи Парвардигор Кришнанинг Ўзи сингари илоҳий қудратли кучга эга бўлиб, уларнинг орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Шунинг учун ҳатто бу дунёда учрайдиган энг катта хавф-хатар олдида ҳам ҳар бир инсон Парвардигор Шри Кришнанинг муқаддас номларидан фойдаланиши мумкин. Ҳатто билмасдан, англамасдан ёки вазият тақозоси остида тилга олинганда ҳам Кришнанинг илоҳий номлари инсоннинг туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан ҳалос бўлишига ёрдам бера олади.

15. Эй Сута, муқаддас Ганга сувлари фақат узоқ вақт мобайнида фойдаланилсагина инсонни қилган гуноҳлари оқибатидан поклай олади, аммо Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойини ўзларининг ягона нажот макони қилиб олган буюк донишмандлар ўзлари билан учрашган одамнинг қалбини бир зумда барча гуноҳлардан поклай оладилар.

Изоҳ: Парвардигорнинг асл содиқлари муқаддас Ганга сувларидан ҳам қудратлироқ. Муқаддас Ганга сувлари узоқ вақт мобайнида қўлланиб юрилсагина инсонга руҳий бахт-саодат келтиради, Парвардигорнинг асл содиғининг марҳамати билан эса, инсон бир зумда барча гуноҳлари оқибатидан покланади. «Бхагавад-гита»да айтилганки, ҳар қандай одам, ҳатто у шудра, аёл

ёки савдогар бўлиб туғилган бўлса ҳам, Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойни паноҳига кириши ва Худонинг даргоҳига қайтиши мумкин. Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойни паноҳига кириш - Унинг асл содиқларининг паноҳига кириш демакдир. Умрини фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш билан машғул бўлиб ўтказиб юрган асл содиқларга ҳурмат эҳтиром кўрсатиб, билимдон одамлар уларни "Прабхупада" ёки "Вишнупада" деган номлар билан атайдилар. Бу иборалар улар - Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойининг вакиллари эканини кўрсатади. Шунинг учун, асл содиқни ўзининг руҳий устози деб билган ҳолда унинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топган ҳар қандай инсон шу заҳотиёқ ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан покланади. Парвардигорнинг ана шундай асл содиқларига Худо Шахсининг Ўзи билан бир қаторда ҳурмат-эҳтиром кўрсатадилар, чунки улар - Парвардигорнинг энг яқин ҳамроҳларидир. Улар адашган тирик мавжудотларни моддий олам тутқунлигидан руҳий озодликка чиқарадилар. Парвардигорнинг Ўзи шу адашган руҳлар Худонинг даргоҳига қайтиб боришини истайди. Муқаддас китобларга кўра ана шундай асл содиқлар Парвардигорнинг бу дунёдаги вакиллари ҳисобланадилар. Асл содиқнинг самимий шогирди ҳаммаша руҳий устозини Парвардигорнинг Ўзига тенг деб ҳисоблайди, ўзини эса, Худонинг содиқ хизматкорининг хизматкорининг хизматкори деб билади. Соф садоқат йўли ана шундай.

16. Ўзаро кин-адоватга тўла бу даврнинг иллатларидан ҳалос бўлишга интилаётган қайси бир фаросатли инсон Парвардигор номига айтиладиган ҳамду-саноларни тинглашдан бош тортади?

Изоҳ: *Кали-йуга* даври ўзига хос бўлган турли иллатлар - ўзаро рақобат, душманликлар, жанжаллар сабабли барча даврлар ичида энг ёмони ҳисобланади. Бу даврда иллатлар шу қадар кўпайиб кетадики, ҳатто арзимаган тушунмовчиликлар сабабли халқлар орасида буюк уруш-жанжаллар юзага келади. Худога соф садоқат билан хизмат қилиб юрган, бу дунёда шон-шуҳратга интилмайдиган, кармали фаолиятининг оқибатларидан озод бўлган, фалсафий сафсатабозлик билан шуғулланмайдиган одамларгина бу мушкул даврнинг салбий қаршилиқларини енгиб ўтишга қодир бўладилар. Инсониятнинг ҳозирги йўлбошчилари жаҳонда мустаҳкам тинчлик ва халқлар орасида дўстона муносабатлар ўрнатишга интиладилар, лекин улар бу мақсадга эришишнинг осон йўлини - Худонинг содиқларининг ягона Парвардигорни қандай олқишлаётганини тинглаш усулини билмайдилар. Аксинча, ҳозирги даврда калтафаҳм раҳбарлар Худонинг борлигини, ягона Парвардигор

ҳақиқатан ҳам мавжуд эканини турли йўллар билан инкор этишга уринадилар. Дунёвий ҳукумат номидан улар ҳар йили ҳар хил дастурлар тузиб тасдиқлайдилар. Аммо жамиятда тинчлик, фаровонликка эришиш мақсадида тузилган бу дастурларнинг барчаси Парвардигорнинг моддий табиат ёрдамида юзага келтираётган тўсиқлари, кийинчиликлари сабабли бирин-кетин чиппакка чиқаверади. Мустаҳкам тинчлик ва фаровонликка эришиш учун қилаётган барча уринишлари бирин-кетин чиппакка чиқаётганини кўра билиш учун эса, уларда ақл, фаросат етишмайди. Мазкур мисрада ана шу муаммоларни қандай ҳал қилиш мумкинлиги ҳақида гапириляпти. Агар биз ҳақиқий мустаҳкам тинчликка эришишни истасак - одамларнинг Худони, Мутлақ Ҳақиқатни, ягона Парвардигор Кришнани англаб етишига кенг йўл очишимиз ҳамда "Шримад Бхагаватам"да баён этилган эзгу ишлари учун Уни олқишлашимиз лозим.

17. Парвардигор Ўзининг илоҳий ҳатти-ҳаракатларида улуғвор, олижаноб ва меҳрибондир. Нарада Муни сингари буюк донишманд авлиёлар Унинг илоҳий кароматларини доимо олқишлаб қуйлаб юрадилар. Биз унинг ана шу кароматлари ҳақида тинглашни истаймиз. Шунинг учун бизга Парвардигорнинг Ўзи намоён этган турли қиёфаларда кўрсатган кароматлари ҳақида гапириб бер.

Изоҳ: Баъзи бир калтафаҳм одамларнинг айтишларидан фарқли равишда, Парвардигор бир лаҳза ҳам ҳаракатсиз, фаолиятсиз турмайди. У Ўзининг илоҳий кароматларида жуда олижаноб, улуғвор. У яратиб қўйган бутун борлиқ - ҳам моддий, ҳам руҳий олам - ғаройиб ва ранг-баранг. Уларни Шрила Нарада Муни, Вйаса, Валмики, Девала, Асита, Мадхва, Шри Чаитанья, Рамануджа, Вишнусвами, Нимбарка, Шридхара, Вишванатха, Баладева, Бхактивинода, Сиддхантасарасвати сингари руҳий озодликка эришган руҳлар ва бошқа кўплаган руҳий ўзлигини англаб етган буюк зотлар ўзларининг ажойиб асарларида ғаройиб таърифлаб берганлар. Моддий олам ҳам, руҳий олам ҳам турли бойликларга, гўзалликларга, илмга тўла, аммо руҳий оламнинг ғаройиблиги кўпроқ, чунки, у илм ва лаззатга тўла мангу даргоҳдир. Моддий оламлар ғаройиб руҳий салтанатнинг бузилган акси сифатида фақат маълум вақт мобайнида намоён бўлиб туради. Уларни худди кинога ўхшатиш мумкин. Моддий оламдаги нарсалар фақат сохта нарсалар билан алданишни истайдиган калтафаҳм одамларни ўзига жалб этади. Ҳақиқий олам ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмагани сабабли, ана шундай ғофил одамлар табиий равишда "мана шу намоён бўлиб турган алдамчи моддий оламдан бошқа ҳеч нарса мавжуд эмас" деб ҳисоблайдилар.

Аммо Вйаса ва Нарада Муни сингари буюк донишмандлар йўлбошчилик қилаётган фаросатли, чуқур тафаккурга эга зукко одамлар яхши биладиларки, бу моддий оламдан ташқари Худонинг мангу даргоҳи, руҳий олам ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлиб, у моддий оламдан анча ғаройиб, ҳамда илм ва лаззатга тўла. Парвардигорнинг кароматлари ва Унинг илоҳий салтанати ҳақида ҳеч нарса билмайдиган одамлар ҳам баъзан, Парвардигор Ўзи намоён этган турли қиёфаларда моддий оламга келиб, У билан бирга мангу руҳий оламда бўлишнинг илоҳий лаззатларини намоён этган вақтларида Унинг бесабаб марҳаматига эришадилар. Ўзининг бундай кароматлари билан У моддий оламдаги шартланган руҳларни Ўзига жалб этади. Ана шу шартланган руҳларнинг баъзилари алдамчи моддий лаззатлар гирдобига ғарқ бўлганлар, бошқа бирлари эса руҳий оламда мавжуд бўлган мангу ҳаётни бутунлай инкор этадилар. Ана шундай калтафаҳм одамларни "карми"лар ва "гйани"лар деб атайдилар. Кармилар - ўз меҳнатининг натижасидан лаззатланишга интилиб яшайдиган одамлардир, гйанилар эса - ҳар хил бемаъни фалсафий изланишлар билан умрини ўтказиб юрган одамлардир. Ана шу икки тоифадан устун турадиган илоҳиётчи одамлар ҳам бор, уларни *самват*лар деб атайдилар. Улар - тинимсиз моддий фаолиятга ҳам, дунёвий фалсафий изланишларга ҳам боғланиб қолмаган зотлар, Худонинг содиқларидир. Улар садоқат ва муҳаббат билан Худога хизмат қиладилар ва бундан энг олий даражада маънавий, руҳий лаззат оладилар, на кармилар, на гйанилар бундай лаззатни ҳатто тасаввур ҳам қила олмайдилар.

Моддий ва руҳий оламларнинг олий ҳукмдори сифатида Парвардигор турли кўринишдаги сонсаноксиз қиёфаларга эга. Брахма, Рудра, Ману, Притху ва Вйаса сингари қиёфалари Унинг сифатлари намоён бўлган моддий қиёфалардир, Рама, Нарасимха, Вараха ва Вamana сингари қиёфалар эса - илоҳий табиатли қиёфалардир. Парвардигор Шри Кришна барча намоён бўлган қиёфаларнинг бошланғич манбаидир, шу боис У - барча сабаблар сабабчиси.

18. Эй донишманд Сута, Парвардигорнинг турли қиёфаларда кўрсатган илоҳий кароматлари ҳақида бизга гапириб бер. Барчага саодат келтирувчи Парвардигор, Олий Ҳукмдорнинг бу ўйин ва эрмаклари Унинг ички қувватлари ёрдамида намоён бўлади.

Изоҳ: Моддий одамларни яратиш, мавжудлигини таъминлаб туриш ҳамда яқсон қилиш учун Парвардигорнинг Ўзи, Олий Шахс, минглаган қиёфаларда намоён бўлади. Парвардигорнинг ана шу илоҳий қиёфаларининг ҳар бирининг эрмаклари барча тирик мавжудотларга - шу кароматларнинг гувоҳи бўлганларга ҳам, шу

кароматлар ҳақидаги илоҳий ҳикояларни тинглаган одамларга ҳам бирдай бахт-саодат келтиради.

19. Мадҳия ва илтижоларда, ҳамду-саноларда олқишланадиган Парвардигорнинг илоҳий ўйинлари ҳақидаги ҳикояларни тинглашдан биз ҳеч қачон чарчамаймиз. Қалбида Худо Шаҳси билан бўлган илоҳий муносабатдан лаззатланиш туйғусини ривожлантира олган кишилар Унинг илоҳий ўйинлари ҳақидаги ҳикояларни тинглашдан ҳамиша, ҳар лаҳзада лаззатланиб юрадилар.

Изоҳ: Дунёвий адабиётлар, яъни бадий ёки тарихий асарлар билан Парвардигорнинг илоҳий кароматларини таърифлайдиган адабиётлар бири-бирдан кескин фарқ қилади. Парвардигорнинг турли қиёфалардаги илоҳий кароматлари бутун борлиқнинг тарихий асарларида берилган. Ўтган даврларнинг тарихий воқеалари ҳикоя қилинган илоҳий асарлар бўлган "Рамайана", "Маҳобҳорат" ва Пураналарда Парвардигорнинг турли қиёфаларда намоён этган илоҳий эрмаклари ҳақида ҳикоя қилинади, шунинг учун ҳатто жуда кўп марта ўқиб чиққандан кейин ҳам одамларнинг уларга бўлган қизиқиши ҳеч қачон сусайиб кетмайди. Шу боис инсон бутун умри давомида «Бхагавад-гита» ва "Шримад Бхагаватам" сингари асарларни такрор ва такрор ўқиб юриши, бундан ҳар гал ўзи учун уларнинг янгидан-янги маъноларини кашф этиши мумкин. Моддий янгиликлар - статик, курук, жонсиз, илоҳий, руҳий ҳикоялар эса - динамик, тирик, жонли табиатга эга, чунки руҳ ҳамиша тирик, модда эса - ўликдир. Қалбида илоҳий нарсаларни англаб етишга қизиқиш уйғота олган киши ана шундай илоҳий ҳикояларни тинглашдан ҳеч қачон зерикиб, чарчамайди. Инсон моддий фаолият кўрсатишдан дарров чарчаши мумкин, аммо илоҳий фаолиятдан, яъни Худога садоқат билан хизмат қилишдан инсон ҳеч қачон зерикиб, чарчаб қолмайди. *Уттама-шлока* ибораси ғофилликка ҳеч қандай алоқаси бўлмаган асарларга тааллуқли иборадир. Дунёвий адабиётлар ғафлат, зулмат гунасидаги адабиётлардир, аммо илоҳий адабиётлар улардан бутунлай фарқ қилади. Илоҳий адабиётлар ғафлат гунасидан устун туради, уларни ўргана борган, уларнинг илоҳий мазмунини тўлиқроқ тушуна борган сари уларнинг ёғдуси ҳам тобора кучая боради. *Ахам брахмасми* деган гапларни такрорлайвериш ўзларини "руҳий озодликка эришган зотлар" деб юрган одамларга ҳеч қандай мамнуният олиб келмайди. Шаҳсиятсиз Брахманни англаб етишнинг бундай сунъий усуллари уларнинг жонига тегиб кетади, кейин ҳақиқий илоҳий лаззат нималигини тотиб кўриш учун улар "Шримад Бхагаватам" сингари илоҳий асарларга мурожаат қилдилар. Улар орасидан омадсизроқлари инсонпарварлик фаолиятига ёки

дунёвий эзгу фаолиятга, меҳр-мурувват ишларига шўнғиб кетадилар. Ана шуларнинг ҳаммаси имперсоналист-майвадиларнинг фалсафаси - дунёвий фалсафа; "Шримад Бхагаватам" ва «Бхагавад-гита» фалсафаси эса - илоҳий таълимот эканидан далолат беради.

20. Худо Шаҳси, Парвардигор Шри Кришна бу дунёга Шри Балорам билан биргаликда келиб, оддий инсонлар ролини ўйнаб юрдилар ва ана шу қиёфаларда жуда кўп ғайритабиий кароматлар кўрсатдилар.

Изоҳ: Антропоморфизм(инсон ҳам Худо бўла олиши) ва зооморфизм(хайвонлар ҳам Худо бўла олиши) таълимотлари Шри Кришнага, Худонинг Олий Шаҳсига тааллуқли эмас. Ҳозирги кунларда "инсон қандайдир риёзатлар, машқлар ёрдамида Худо бўла олади" деган ғоялар бутун жаҳонда, айниқса Ҳиндистонда жуда кенг тарқалиб кетган. Буюк донишмандлар ва авлиё зотлар муқаддас китобларда келтирилган далиллар асосида Парвардигор Рамачандрани, Парвардигор Кришнани ва Чаитанья Махапрабхуни "Худо" деб тан олганлари сабабли, кўпчилик виждонсиз одамлар ҳам дарров ўзларини "Худо" деб эълон қилишни ўйлаб топдилар, бундай ишлар айниқса Бенгалияда одатдаги ҳолга айланиб кетган. Озгина сеҳр қудратига эга бўлган ва қандайдир арзимаган мўъжиза, каромат кўрсата оладиган ҳар қандай машҳур одамни кўпчилик овоз билан одамлар "Худонинг ерда намоён бўлган қиёфаси" - *аватара* деб эълон қилаверадилар. Парвардигор Кришна Парвардигорнинг ана шундай сохта қиёфаларидан эмас. У бу дунёга келган кунидан бошлаб ҳақиқатан ҳам Худонинг Олий Шаҳси эди. У аввал бошиданок "она"сининг олдида тўрт қўлли Вишну қиёфасида намоён бўлди. Кейин, онасининг илтимоси билан У оддий чақалок қиёфасига кирди, кейин эса, Вриндавандаги Ўзининг бошқа бир содиқ хизматкорини хурсанд қилиш учун онасининг даврасини тарк этди. Вриндаванда Уни ҳамма "Нанда Махараж билан Йашода онанинг ўғли" деб ҳисоблардилар. Парвардигор Кришнанинг иккинчи қиёфаси бўлган Шри Баладевани ҳам одамлар Шри Васудеванинг бошқа бир хотинидан дунёга келган оддий инсон деб ўйлардилар. «Бхагавад-гита»да Парвардигор айтадики, Унинг бу дунёга келиши ва кўрсатган кароматлари илоҳий табиатга эга, Унинг ана шу туғилишларининг, кўрсатган кароматларининг илоҳий табиатини тушуниб етиш бахтига муяссар бўлган ҳар қандай одам шу заҳотиёқ руҳий озодликка эришиб Худонинг даргоҳига қайтиб бориш ҳуқуқига эга бўлади. Демак, руҳий озодликка эришиш учун Парвардигор Шри Кришнанинг туғилиши ва кўрсатган кароматларининг илоҳий табиатини тушуниб олишнинг ўзи кифоя. Парвардигорнинг илоҳий табиати "Шримад Бхагаватам"нинг

биринчи тўққиз Кўшиғида батафсил таърифлаб берилган, Ўнинчи Кўшиқ эса, фақат Унинг эрмакларини таърифлашга бағишланган. Буларнинг ҳаммасини мазкур илоҳий асарни ўқиш, ўрганиш жараёнида англаб етиш мумкин. Лекин, шуни айтиб ўтиш лозимки, Парвардигор бу дунёга келган кунидан бошлаб Ўзининг илоҳий табиатини намоён эта бошлаган. Унинг бутун фаолияти ғайритабиий бўлиб, Унинг ҳақиқатан ҳам Худонинг Олий Шахси, ягона Парвардигор эканини ишонарли далиллар билан исботлаб турибди. Шунга қарамай, Уни одамлар кўзидан яшириб турган сирли сеҳр қудратининг кучи билан Унинг отаси, онаси ва бошқа яқинлари ҳаммиша Уни "оддий болакай" деб ҳисоблардилар. У қандай мўъжиза кўрсатмасин, ота-онаси ўғлига бўлган чексиз илоҳий муҳаббат лаззатига фарқ бўлган ҳолда, ҳаммиша ўзларича қандайдир бирор тушунча ўйлаб топардилар. Шунинг учун Наимишараняда тўпланган донишмандлар таъкидлаб айтяптиларки, гарчи бу дунёга оддий инсон қиёфасида келган бўлсалар ҳам, Улар аслида Худонинг Олий Шахси эдилар.

21. Кали-йуга даври кириб келганини яхши англаган ҳолда, бизлар Парвардигорнинг илоҳий фаолияти ҳақида узоқ вақт тинглаш ва шу билан буюк қурбонлик маросимини ўтказиш мақсадида бу муқаддас жойда тўпландик.

Изоҳ: Олтин давр ҳисобланган *Сатйя-йуга*, кумуш давр деб аталадиган *Трета-йуга*, мис даври деб аталадиган *Дванара-йуга* даврларига нисбатан ҳозир биз яшаётган Кали-йуга даври инсоннинг руҳий ўзлигини англаб етиш учун мутлақо яроқсиз замон ҳисобланади. *Сатйя-йуга* даврида одамлар юз минг йил умр кўрганлар, шу боис улар узоқ вақт муроқабачи қилиб ўтириш имкониятига эга бўлганлар. Инсон умри ўн минг йил бўлган *Трета-йуга* даврида одамлар буюк қурбонлик маросимлари ўтказиш орқали руҳий ўзлигини англаб етганлар. *Дванара-йуга* даврида одамлар минг йил умр кўрганлар, ўша даврда улар эҳромларда Худога сифиниш ёрдамида руҳий ўзлигини англаб етганлар. Аммо, инсон умри ошиб борса юз йил бўладиган, бунинг устига ҳар хил қийинчилик ва муаммоларга тўла бўлган *Кали-йуга* даврида руҳий ўзлигини англаб етиш учун одамларга Худонинг муқаддас номларини, Парвардигорнинг шон-шухрати ва кўрсатган кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ва шарафлаб куйлаш усули тавсия қилинган. Наимишараня ўрмонида тўпланган донишмандлар ана шу жараёни Худонинг содиқлари учун маҳсус мўлжалланган муқаддас жойда бошладилар. Улар Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари ҳақида минг йил давомида тинглашга ҳозирлик кўраётган эдилар. Ана шу донишмандлардан ўрнатилиб, биз ҳам тушуниб

олишимиз лозимки, мунтазам равишда "Шримад Бхагаватам"ни тинглаш ва уни бошқаларга гапириб бериш - ҳозирги даврда руҳий ўзликни англашнинг ягона усулидир. Бошқа ҳар қандай фаолият - шунчаки бекорга вақт сарфлашдан бошқа ҳеч нарса эмас, чунки руҳий юксалишда бирор сезиларли натижа беролмайди. Парвардигор Чаитанья Махапрабху одамларга *бхагавата-дхарма* тизимини тарғибот қилган ҳамда Ҳиндистонда туғилган ҳар бир инсонга Парвардигор Шри Кришнанинг илоҳий хабарини, биринчи навбатда «Бхагавад-гита» илмини бутун жаҳонга кенг тарғибот қилишни васият қилган. «Бхагавад-гита» таълимотини англаб етган киши, руҳий юксалиш, руҳий ўзлигини англаш йўлида яна ҳам каттароқ муваффақиятга эришиш учун "Шримад Бхагаватам" асарини ўрганишга киришиши мумкин.

22. Эй саҳоватли зот, инсонни барча яхши фазилатлардан маҳрум қилувчи, турли тасодифларга тўла Кали-йуга даврининг тубсиз уммонидан сузиб ўтишга интилаётган инсонлар чиқиб олган кеманинг дарғаси қилиб тайинлашимиз учун Тақдирнинг Ўзи сени бизнинг олдимизга юборган, деб ўйлаймиз.

Изоҳ: *Кали-йуга* инсон учун жуда хатарли давр. Инсонга фақат руҳий ўзлигини англаб етиш учунгина ҳаёт ато этилган, аммо мана шу хатарли замон таъсири остида одамлар инсон ҳаётининг асосий мақсади нимадан иборат эканини бутунлай эсдан чиқариб юборганлар. *Кали-йуга* даврида инсон умри тобора камайиб бораверади, одамларнинг хотираси ҳам тобора сусайиб кетади, улар улуғвор туйғуларидан, куч-қудратидан, инсонга хос бўлган барча эзгу фазилатларидан ҳам тобора кўпроқ маҳрум бўлиб боравердилар. Ҳозир биз яшаётган даврда мавжуд бўлган иллатларнинг ҳаммаси "Шримад Бхагаватам"нинг ўн иккинчи Кўшиғида таърифлаб берилган. Шундай экан, ўз умрини инсоннинг ҳақиқий, асосий мақсадига, руҳий ўзлигини англашга бағишламоқчи бўлган одамлар учун бу давр жуда хатарли бўлади. Ҳозирги одамлар ҳиссий лаззатларга шу қадар муккасидан берилиб кетганларки, руҳий ўзликни англашни умуман эсдан чиқариб юборганлар. Ҳозирги умримиз аслида бизга руҳий ўзлигимизни англаш учун берилган чексиз, буюк йўлнинг қисқагина, бир лаҳзалик бўлаги эканини тушунмаган ҳолда, одамлар ақлдан озиб, "ҳеч қандай руҳий ўзликни англашнинг кераги йўқ" деб эълон қилдилар. Жамиятдаги бутун таълим-тарбия тизими одамнинг нафсининг, ҳиссиётининг талабларини қондиришга қаратилган. Озгина фаросатга эга бўлган киши чуқурроқ ўйлаб кўрса, дарров англаб етадики, ҳозирги даврда жамият фарзандларимизни атайлаб ана шу ҳалокатли таълим-тарбиянинг дўзахга олиб борувчи ўчоғига

ташляпти. Шу боис илоҳий илмга эга бўлган одамлар ҳозирги даврда жуда ҳам эҳтиёт бўлишлари лозим. Агар улар мана шу *Кали-йуга* даврининг ҳалокатли уммонини кечиб ўтишга интилаётган бўлсалар, Наимишаранйя ўрмонида тўпланган донишмандлардан ўрнак олиб, Шри Сута Госвами ни ёки унинг ишончли, ҳақиқий вакилини ўзи чиқиб олган кеманинг дарғаси қилиб олиши лозим. Ана шу кема - Парвардигор Шри Кришнанинг «Бхагавад-гита» ва "Шримад Бхагаватам"да берилган илоҳий хабаридир.

23. Бизга айт-чи, Мутлақ Ҳақиқат - барча сеҳрли қудратлар султони, Шри Кришна Ўзининг илоҳий даргоҳига қайтиб кетгандан кейин, диний қонун-қоидалар эндиликда кимнинг паноҳида нажот топди?

Изоҳ: Аслини олганда дин - Худонинг Олий Шахси ўрнатиб қўйган қонун-қоидалар мажмуидир. «Бхагавад-гита»да айтилганки, одамлар ҳақиқий дин қонунларини қўпол равишда поймол қила бошласалар ёки уларни суистеъмол қила бошласалар, бу қонунларни қайта-тиклаш учун Худонинг Олий Шахсининг Ўзи бу оламга ташриф буюради. Наимишаранйя ўрмонида тўпланган донишмандлар бу ерда ана шу қонун-қоидалар ҳақида сўраяптилар. Бу саволга кейинроқ батафсил жавоб берилади. "Шримад Бхагаватам" - Худонинг Олий Шахсининг илоҳий товушда мужассам бўлган қиёфасидир, шу боис унда илоҳий илм ҳамда ҳақиқий дин қонунлари тўла таърифланган.

"Шримад Бхагаватам"нинг биринчи Қўшиқ, "Донишмандларнинг саволлари" деб аталадиган биринчи бобига Бҳактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

Иккинчи боб

Илоҳийлик ва илоҳий хизмат

1. Ромаҳаршананинг ўғли, Уграшрава(Сута Госвами), брахманларнинг бераётган мукамал саволларидан жуда мамнун бўлиб, уларга миннатдорчилик билдирди ва уларнинг саволларига жавоб беришга киришди.

Изоҳ: Наимишаранйя ўрмонида тўпланган донишмандлар Сута Госвамига олти савол билан мурожаат қилдилар, энди у навбат билан ана шу саволларга жавоб бера бошлайди.

2. Шрила Сута Госвами шундай деди: "Ҳар бир инсоннинг қалбига йўл топа оладиган буюк донишманд (Шукадева Госвами) олдида мен

эҳтиром билан бош эгаман. У олий табақаларга мўлжалланган муқаддас зуннор тақиш ва махсус маросим ўтказиш орқали покланмай туриб, бу дунё ишларини тарк этиб, таркидунёлик (саннийаса) қилиб яшаш учун уйини ташлаб кетаётганида, ўғлидан айрилиш азобидан қўрққан отаси Вйасадева: "Ҳой, ўғлим!" - деб хитоб қилганича қолаверди. Аммо, аламзада отанинг ҳижрон азобига тўла бу хитобига жавобан, худди шундай ҳижрон азобиде қолган дарахтларгина акс садо бердилар, холос.

Изоҳ: Жамиятнинг одамларни *варна*(табақа) ва *ашрам*(руҳий юксалиш поғоналари)ларга ажратиш тизими одамлардан инсон ҳаётини тартибга соладиган жуда кўп бурч, вазифаларни бажариб яшашни талаб қилади. Ана шу вазифалар асосан Ведалар илмини ўрганишни истаган киши ҳақиқий руҳий устозга мурожаат қилиб, ундан ўзини шогирдликка қабул қилишни илтимос қилиши лозим. Брахманларга бериладиган муқаддас чилвир, яъни зуннор - *ачарйя*, ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида Ведалар илмини ўрганишга қодир бўлган кишиларни бошқалардан ажратиб турадиган махсус белги ҳисобланади. Шри Шукадева Госвами ана шундай зуннор олиш маросими орқали ўтмаган, чунки у туғилганидан бошлаб руҳий озодликка эришган зот эди.

Одатда инсон оддий тирик мавжудот сифатида дунёга келади, кейин эса, махсус покланиш маросимлари орқали ўтиш шарофати билан руҳий ҳаёт кечириш учун иккинчи бор туғилади. Ҳаётга нисбатан бутунлай бошқача тасаввурга эга бўлиб, ўзини руҳий ҳаёт йўлидан бошлаб борадиган йўлбошчи излаб, у Ведалар илмини англаб етишда ўзига ёрдам бера оладиган ҳақиқий руҳий устозга мурожаат қилади. Руҳий устоз фақат самимий изланиб юрган кишиларни ўзига шогирдликка қабул қилиб, унга зуннор беради. Шу тарзда инсон иккинчи бор дунёга келади, яъни *двиджа* бўлади. *Двиджа* сифатларига эга бўлган инсонгина Ведалар илмини ўргана олади, Ведалар илмини биладиган киши *випра* деб аталади. Шу тарзда *випра*, яъни тажрибали *браҳман* Мутлақ Ҳақиқатни англаб етади ва токи *вайшнава* даражасига етмагунча руҳий юксалишда давом этаверади. Брахман сифатида Ведалар илмини мукамал ўрганиб олгандан кейингина инсон ҳақиқий *вайшнава* даражасига эришади. Руҳий юксалишда давом этиб, *браҳман* албатта ҳақиқий *вайшнава* даражасига эришиши лозим, чунки *вайшнава* - руҳий ўзлигини англаб олган билимдон *браҳмандир*.

Шрила Шукадева Госвами туғилганидан бошлаб *вайшнава* эди, шунинг учун у *варнашрама* тизимидаги барча поғоналардан ўтиб юришининг ҳожати йўқ эди. Охир-оқибатда *варнашрама* тизимининг моҳияти ва мақсади - ғофил одамларни Худонинг асл содиқ хизматкорига,

вайшнавларга айлантиришдан иборат. Шу боис, *вайшнав* бўлган ҳамда *вайшнавлигини уттама-адхикари*, яъни биринчи тоифага мансуб *вайшнав* тан олган ҳар қандай содиқ, жамиятдаги мартабасидан ва аввал қандай ишлар қилиб юрганидан қатъий назар *браҳман* ҳисобланади. Шри Чаитанья Махапрабху мана шу қоидага риоя қилиб, гарчи мусулмон оиласидан чиққан бўлса ҳам Шрила Харидас Тхакурни Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш устози - *нама-ачарья* қилиб тайинлади. Шрила Шукадева Госвами *вайшнав* бўлиб дунёга келган, шу боис у *браҳманларга* хос бўлган барча эзгу фазилатларга эга зот эди. У ҳеч қандай покланиш маросимларидан ўтиб юришининг ҳолати йўқ эди. *Вайшнавларнинг* марҳамати билан ҳар қандай пасткаш одам ҳам - *кирата* бўладими, ёки *хуна*, *андхра*, *пулинда*, *пулкаша*, *абхира*, *шумбха*, *йавана*, *кхаса* ёки ундан ҳам пастроқ тоифага мансуб одам бўладими - энг юқори илоҳий поғонага кўтарила олади. Шрила Шукадева Госвами - Шрила Сута Госвамининг руҳий устози. Шу боис, Наимишаранья ўрмонида тўпланган донишмандларнинг саволларига жавоб беришга киришишдан олдин Шрила Сута Госвами чуқур эҳтиром билан сажда қилиб, унга ҳурмат билдирапти.

3. Мен чуқур эҳтиром билан Вйасадеванинг ўғли, барча донишмандларнинг устози(Шукадева Госвами) олдида бош эгаман. Моддий борлиқнинг қоронғу зулмат ботқоғидан халос бўлишга интилаётган адашган, иймонсиз даҳрийларга ачинганидан, уларга нисбатан чуқур ҳамдардлик туйғуси билан у Ведалар илмини ўзининг ҳаёт тажрибасида чуқур ўрганиб, унинг асосий мазмуни(қаймоғи)га қўшимча равишда мана шу бебаҳо қўшимчаларни баён қилди.

Изоҳ: Мана шу илтижо билан Шрила Сута Госвами амалда "Шримад Бхагаватам"нинг кириш қисмига яқун ясайди. "Шримад Бхагаватам" - "Веданта-сутра"ларга қўшимча равишда ёзилган табиий изоҳлардан иборат асардир. Вйасадева аввалига Ведаларнинг асосий мазмунини, қаймоғини қисқача баён қилиш учун "Веданта-сутра"ларни, яъни "Брахма-сутра"ларни ёзди, "Шримад Бхагаватам" ана шу "Веданта-сутра"ларга табиий ёзилган изоҳлардир. Шрила Шукадева Госвами "Веданта-сутра"ларни мукамал ўрганган билимдон донишманд эди, демак у "Веданта-сутра"ларга изоҳ сифатида ёзилган "Шримад Бхагаватам"ни ҳам мукамал билган. Ғафлат уммонидан озодликка чиқишга интилаётган, ҳаётда алданиб, адашиб юрган даҳрийларга ўзининг чексиз марҳаматини кўрсатиш учун уларга бу сирли илоҳий илмни ўргатган биринчи инсон ҳам унинг ўзи бўлди.

Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган одамнинг бахтли инсон эканини исботлашга уриниб ўтиришнинг мутлақо ҳолати йўқ. Моддий оламдаги бирор тирик мавжудот - хоҳ у Маъбуд Браҳма ёки энг кичик хашарот бўлсин, - ҳақиқатан ҳам бахтиёр бўла олмайди. Ҳар бир тирик мавжудот мангу, туганмас бахтга эришишга интилиб яшайди, аммо моддий табиатнинг бешафқат қонунлари бизларнинг барча режаларимизни чиппакка чиқаради. Шунинг учун моддий оламини "Худонинг даргоҳининг энг қоронғу зулмат қоплаган жойи" деб атайдилар. Шунга қарамай, агар самимий истасалар ҳатто энг бахтиқаро иймонсиз даҳрийлар ҳам бу зулматдан руҳий озодликка чиқа оладилар. Лекин минг афсуски, улар шу қадар ғофил, нодонки, уларнинг қалбида ҳатто шундай истаклар ҳам юзага келмайди. Шунинг учун уларни, қон аралаш хашакни ёқтиргани учун оғзини қонатиб янтоқ чайнаб лаззат олаётган онгсиз туяларга ўхшатадилар. Туя ўзининг қонини ўзи ичаётганини, янтоқлар тилини, оғзини тимдалаб қонатаётганини тушунмайди. Худди шундай ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган иймонсиз даҳрий учун ҳам ўзининг қони худди асалдай ширин бўлиб туюлади. Гарчи унинг бу дунёда яратаётган барча қулайликлари ҳамиша ўзига турли хил ташвишлар орттираётган бўлса ҳам, у буларни тарк этишни истамайди. Ана шундай одамларни *карми* деб атайдилар. Минглаган *карми*лар орасидан биргина фаросатли киши моддий фаолиятдан бешиб, қалбида ундан юз ўгириб, унинг чангалидан халос бўлишга интилиш истаги пайдо бўлиши мумкин. Ана шундай чуқур тафаккурга эга бўлган зукко одамларни *гйани* деб атайдилар, "Веданта-сутра"лар айнан ана шундай донишманд одамлар учун мўлжалланган. Аммо Шрила Вйасадева Парвардигорнинг бу дунёда намоён бўлган тимсоли эди, шу боис у, келажакда баъзи виждонсиз кишиларнинг "Веданта-сутра"ни нотўғри талқин қилиб, ундан нотўғри фойдаланишини олдиндан билган эди, шунинг учун унинг ўзи "Шримад Бхагаватам" кўринишида уни изоҳлаб берди. Бу ерда аниқ айтилганки, "Шримад Бхагаватам" - "Брахма-сутра"ларга ёзилган бошланғич изоҳлардир. Шрила Вйасадева "Шримад Бхагаватам"ни ўзининг ўғли, руҳий озодликка эришган ва илоҳий поғонада бўлган Шрила Шукадева Госвамига ўргатган. Шрила Шукадева Госвами "Шримад Бхагаватам"ни аввало ўзи англаб етган, кейин уни бошқаларга гапириб берган. Шрила Шукадева Госвамининг марҳамати билан ҳозирги кунда «Бхагавата-веданта-сутра», "Шримад Бхагаватам" илмидан бу моддий олам чангалидан халос бўлишга самимий интилаётган барча руҳлар фойдалана оладилар.

"Шримад Бхагаватам" - "Веданта-сутра"ларга ёзилган тенгсиз изоҳлардир. Шрипада Шанкарачарья атайлаб уни эслатиб ўтмаган, чунки "Веданта-сутра"ларни бу табиий изоҳ билан

тенглашадиган даражада изоҳлашнинг иложи йўклигини у яхши биларди. У "Веданта-сутра"ларга изоҳ сифатида ўзининг "Шарирака-бхашья" асарини ёзди, унинг адашган издошлари эса, "қандайдир янги асар" деб, "Шримад Бхагаватам"ни инкор этдилар. *Майявадилар* мактабининг "Шримад Бхагаватам" таълимотига қарши уюштирган бундай тарғиботи бизни чалғитиб қўймаслиги лозим. "Шримад Бхагаватам" асарини ўрганишга киришган киши унинг мана шу кириш мисрасиданоқ англаб етиши лозимки, "Шримад Бхагаватам" - "*парамахамса*"ларга, яъни қалби "золимлик", "зулм" деб аталадиган моддий иллатдан бутунлай пок бўлган инсонлар учун мўлжалланган ягона илоҳий асардир. Гарчи Нарайана, Худо Шахси - моддий оламдан ташқарида мавжуд бўлган Зот эканини Шрипада Шанкарачарйа тан олган бўлса ҳам, *майявадилар* Худо Шахсига ҳасад қиладилар. Ҳасадгўй *майявадилар* "Шримад Бхагаватам"нинг мазмунини тушунишга қодир эмаслар, аммо моддий олам туткунлигидан халос бўлишга самимий интилаётган одамлар ундан албатта нажот топадилар, чунки "Шримад Бхагаватам"ни Шрила Шукадева Госвами - руҳий озодликка эришган зот гапириб берган. Бу - илоҳий машғала бўлиб, унинг ёғдусида инсон *Брахман*, *Параматма* ва *Бхагаван* сифатида англаб етиш мумкин бўлган Мутлақ Ҳақиқатни яққол кўра олади.

4. Энг буюк, ҳақиқий бахт-саодат сари ягона йўл бўлган ушбу "Шримад-Бхагаватам"ни ўқишга киришишдан олдин инсон Худо шахси Нарайанага, инсонларнинг энг аълоси Нарайана Ришига, илмлар маъбуди Биби-Сарасватига ҳамда унинг муаллифи Шрила Вйасадевага чуқур эҳтиром билан таъзим қилиши лозим.

Изоҳ: Ведавий муқаддас китобларнинг ҳаммаси ва Пураналар инсоннинг моддий оламнинг энг қоронғу зулматга ботган жойларидан руҳий оламга чиқиб кетишига ёрдам бериш учун яратилган. Қадим замонлардан бери тирик мавжудот ўзининг моддий ҳиссиётини лаззатлантириш билан боғлиқ бўлган фаолият билан машғул бўлиб юргани сабабли у ўзининг Парвардигор билан ўзаро муносабатларини бутунлай унутиб юборган. Унинг моддий тирикчилик учун олиб бораётган кураши ҳеч қачон тамом бўлмайди, тирик мавжудот қандай режалар тузмасин, бу режалари унга ана шу бешафқат курашни тамомлашга ёрдам бера олмайди. Аммо инсон тирикчилик учун бўлган ана шу узлуксиз курашда ҳақиқатан ҳам ғалаба қозонишни истаса, у Парвардигор билан ўзининг мангу муносабатларини қайта тиклаб олиши лозим. Бу йўлда унга ёрдам берадиган воситадан фойдаланишни истаган киши Ведалар

ва Пураналарга мурожаат қилиши лозим. Аҳмоқ, калтафаҳм одамлар "Пураналарнинг Ведаларга ҳеч қандай алоқаси йўқ" деб айтадилар. Аммо Пураналар - Ведаларнинг мазмунини тушунтирадиган қўшимча асарлар бўлиб, турли тоифадаги одамлар учун мўлжалланган. Одамларнинг ҳаммаси бир хил эмас; уларнинг баъзилари эзгулик гунаси таъсири остида, баъзилари эҳтирос гунаси таъсири остида, бошқа бирлари ғафлат гунаси таъсири остида ҳаракат қилиб яшайдилар. Пураналар шундай тақсимланганки, улардан моддий тирикчилик учун олиб бораётган оғир курашини тарк этиб, аста-секин ўзининг руҳий ҳолатини тиклаб олиш йўлида ҳар хил тоифага мансуб одамлар ҳам фойдалана оладилар. Шрила Сута Госвами бу ерда Пураналарни ўрганишни қандай бошлаш кераклигини ўргатяпти, Ведалар илмини ва Пураналарни тарғибот қилишга интилаётган одамлар ундан ўртак олишлари лозим. "Шримад Бхагаватам" - бенуксон Пурана бўлиб, у айнан моддий олам чангалидан биратўла ва узил-кесил кутулиб кетишга интилаётган одамлар учун мўлжалланган.

5. Эй донишмандлар, сизлар жуда тўғри саволлар бердинглар. Сизларнинг саволларингиз Худо Шахси Кришнага тегишли, демак бутун олам аҳлига бахт-саодат келтиради. Фақат шундай саволларгина инсон қалби(руҳ)ни тўла қаноатлантира олади.

Изоҳ: Аввал айтиб ўтилганидек, "Шримад Бхагаватам"нинг мақсади Мутлақ Ҳақиқатни англаб олишдан иборат. Демак, Наимишаранья ўрмонида тўпланган донишмандлар тўғри ва ўринли савол берганлар, чунки уларнинг саволлари Худонинг Олий Шахси Шри Кришнага, Мутлақ Ҳақиқатга тааллуқли саволлардир. «Бхагавад-гита»(15.15)да Парвардигор айтадики, Ведаларнинг ягона мақсади – инсонга Кришнани излашга ундашдан иборат. Шунинг учун Кришна билан боғлиқ бўлган саволлар барча ведавий изланишларнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Бутун олам саволлар ва уларга берилган жавоблар билан тўлиб ётибди. Кушлар, ҳайвонлар, одамлар - ҳамиша бир-бирларига турли саволлар бериб, турли жавоблар берадилар. Кушларнинг ҳар бир куни савол-жавобдан бошланади, кечқурун инларига қайтиб келиб, ўша кушлар яна савол-жавобда давом этадилар. Одамлар ҳам, агар ухламаётган бўлсалар, ўзаро савол-жавоблар билан машғул бўладилар. Бозордаги одамлар, суддаги адвокатлар, мактаб ва коллежлардаги ўқувчи-ўқитувчилар - ҳаммаси савол-жавоб билан машғул. Парламентдаги қонуншунослар, сиёсатчилар, журналистлар - савол-жавоб билан машғул. Гарчи бутун умри савол-савол билан ўтса ҳам, уларнинг саволлари ҳам, жавоблари ҳам уларга мамнуният олиб келмайди. Рух, инсоннинг

қалби фақат ягона Парвардигор Кришнага тааллуқли бўлган савол ва жавоблардан тўла мамнуният ҳосил қила олади.

Кришна - бизнинг энг яқин ҳукмдоримиз, дўстимиз, отамиз, ўғлимиз, севгили маҳбубимиздир. Кришнани эздан чиқариб қўйганимиз сабабли биз ўзаро савол-жавоблар учун турли нарсаларни ўйлаб топдик, аммо шу нарсаларнинг бирортаси бизга тўла мамнуният олиб келгани йўқ. Кришнадан бошқа ҳамма нарса бизга фақат вақтинчалик мамнуният олиб келади, шунинг учун агар биз ҳаётдан тўла мамнуният ҳосил қилишни истасак, Кришна ҳақидаги савол ва жавобларга мурожаат қилишимиз лозим. Савол-жавобларсиз биз бир лаҳза ҳам яшай олмаймиз. "Шримад Бхагаватам" Кришна билан боғлиқ бўлган савол-жавоблардан иборат, шу боис фақат мана шу илоҳий асарни ўқиш ва тинглаш бизга тўла мамнуният олиб келишга қодир. Инсон "Шримад Бхагаватам"ни ўқиб-ўрганиши ва бунинг натижасида ҳаётдаги барча ижтимоий, сиёсий ва диний муаммоларини ҳар томонлама ҳал қилиб олиши лозим. "Шримад Бхагаватам" ва Кришна - инсон ҳаётининг ҳамма жиҳатларини ўзида мужассам қилган.

6. Инсонни Худога муҳаббат ва садоқат билан холис хизмат қилиш даражасига эриштирадиган амалларгина барча одамлар учун энг олий фаолият (*дхарма*) ҳисобланади. Рух (қалби)ни тўла қаноатлантириш учун инсон Худога садоқат билан холис (эвазига бирор мукофот таъма қилмасдан) хизмат қилишда узлуксиз машғул бўлиши лозим.

Изоҳ: Шри Сута Госвамининг бу гапларида Наимишаранядаги донишмандларнинг биринчи саволига жавоб берилган. Ҳозирги даврда аксарият кўпчиликни ташкил этадиган адашган ғофил одамлар осон тушуниб олиши учун донишмандлар ундан барча муқаддас китобларни умумлаштириб, уларнинг асосий мазмун-моҳиятини алоҳида кўрсатиб беришни илтимос қилган эдилар. Ведалар одамлар учун фаолиятнинг икки турини тавсия қилади. Улардан биттаси *правритти-марга*, ҳиссий лаззатланиш йўли, иккинчиси эса - *нивритти-марга* - таркидунёлик, дунёвий нарсаларга боғланмаслик йўли деб аталади. Ҳиссий лаззатланиш йўли - куйи йўл, олий мақсад йўлида ҳиссий лаззатланиш истагини курбон қилиш йўли - олий, юксак йўл ҳисобланади. Дунёвий ҳаёт, моддий тирикчилик - тирик мавжудотнинг носоғлом ҳолатидир. Унинг ҳақиқий ҳаёти - руҳий ҳаёт, яъни илм ва лаззатга тўла мангу табиатга эга бўлган *браҳма-бхута* поғонасидаги ҳаётдир. Моддий тирикчилик вақтинчалик, ўткинчи, алдамчи ва мусибатларга тўла. Моддий оламдаги тирикчиликда умуман бахтнинг ўзи йўқ, шунчаки турли мусибатлардан қутулишга бекорга уриниш бор, холос. Моддий

мусибатларнинг вақтинчалик тўхтаган ҳолатини адашган одамлар ҳақиқий бахт деб биладилар. Шунинг учун ўткинчи, арзимас, алдамчи моддий лаззатлар йўли - қуйи йўл ҳисобланади. Аммо, инсонни илм ва лаззатга тўла мангу ҳаётга олиб борадиган "Худога садоқат билан хизмат қилиш" йўли - инсон фаолиятининг энг олий шакли деб аталади. Баъзан, ана шу олий фаолиятга қуйи сифатлар аралашиб қолганда, бу фаолият ҳам булғанади, нопок бўлади. Масалан, агар одам моддий манфаат кўзлаб Худога садоқат билан хизмат қилиш фаолиятига мурожаат қилган бўлса, албатта бу унинг таркидунёликка эришиш йўлида катта тўсиқ бўлади. Таркидунёлик, яъни олий мақсадга эришиш учун ҳиссий лаззатлардан воз кечиш, албатта, носоғлом ҳолатда ҳиссий лаззатларга берилиб яшашдан устун туради.

Бундай лаззатлар инсоннинг моддийлик касалини яна ҳам чуқурлаштиради ва носоғлом ҳолатини узайтириб юборади. Шу боис Худога садоқат билан хизмат қилиш учун инсон сифат жиҳатидан пок бўлиши, яъни моддий лаззатларга интилиш ниятидан бутунлай пок бўлиши лозим. Демак, фаросатли инсон ҳаётда энг олий фаолиятга - бемаъни моддий истаклардан, кармали фаолиятдан ва фалсафий фикрлашлардан асар ҳам бўлмаган холис хизмат - Худога соф садоқат билан хизмат қилишга мурожаат қилиши лозим. Фақат ана шундай йўл билан Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида мангу осойишталикка, оромга эришиш мумкин.

Бизлар атайлаб *дхарма* иборасини "амал", "фаолият" деб таржима қилдик, чунки *дхарма* иборасининг ўзаги "бирор нарсанинг мавжудлигини таъминлаб турадиган" деган маънони билдиради. Тирик мавжудотнинг ўз тириклигини қўллаб-қувватлаши - ўзининг фаолиятини Парвардигор Кришна билан бўлган ўзаро мангу муносабатларига мослаштириши демакдир. Кришна - барча тирик мавжудотлар атрофида айланиб турадиган айлананинг марказидир. У - бошқа тирик мавжудотлар ёки мангу қиёфалар орасида ҳаммани Ўзига жалб қиладиган тирик мавжудот, мангу қиёфа. Рухий оламда барча тирик мавжудотлар ўзларининг мангу қиёфаларига эга, уларнинг ҳаммаси учун Кришна мангу тортиш маркази ҳисобланади. Кришна - тўла бутун, бошқа тирик мавжудотларнинг барчаси - Унинг ажралмас бўлақлари бўлиб, У билан ўзаро ҳукмдор ва хўжайин муносабатлари билан боғланган. Бундай муносабатлар илоҳий табиатга эга бўлиб, моддий оламдаги ҳаётдан бизга маълум бўлган муносабатлардан бутунлай фарқ қилади. Ҳукмдор, хўжайин ва хизматкор орасидаги бундай муносабатлар ўзаро яқин муносабатларнинг энг олий кўринишидир. Худога садоқат билан хизмат қилишда юксала борган сари буни чуқурроқ англаб олиш мумкин. Ҳатто бизнинг ҳозирги шартланган ҳолатимизда ҳам ҳар бир фаросатли

одам ўз ҳаётини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаши лозим. Шунда, вақти келиб унинг ҳақиқий ҳаёт билан яшашига кенг йўл очилади ва бу унга тўла мамнуният олиб келади.

7. Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Шри Кришнага садоқат билан хизмат қилиш шарофати билан инсон шу заҳотиёқ бесабаб илмга эга бўлади ҳамда бу ўткинчи дунёга боғланиш туйғусидан халос бўлади.

Изоҳ: Худонинг Олий Шахси Шри Кришнага садоқат билан хизмат қилишни қандайдир дунёвий ҳис-туйғуларга берилишнинг бир тури деб ўйлайдиган одамлар бунга эътироз билдириб айтишлари мумкинки, муқаддас китоблар одамларга руҳий юксалишга эришиш учун қурбонлик маросимлари ўтказиш, савоб ишлар қилиш, риёзат чекиш, илм ўрганиш, сеҳр қудратига эга бўлиш ёки шу каби бошқа усулларни тавсия қилади. Уларнинг фикрига кўра *бхакти*, яъни "Худога садоқат билан хизмат қилиш" усули бундан юксакроқ, улуғворроқ руҳий фаолиятга қодир бўлмаган кишилар учун мўлжалланган. Одатда калтафаҳм одамлар руҳий юксалишнинг *бхакти* усули чуқур тафаккурга эга бўлмаган *шудралар*, *вайшйалар* ва аёллар учун мўлжалланган деб айтадилар. Аслида эса, мутлақо бундай эмас. *Бхакти* усули - барча илоҳий фаолиятларнинг энг юқори поғонаси ҳисобланади, шунинг учун бу усул бир вақтнинг ўзида ҳам энг улуғвор, ҳам энг осон йўлдир. Бу йўл Парвардигор билан ўзаро шахсий муносабатларини қайта тиклаб олиш учун самимий ва жиддий интилаётган Худонинг асл содиқлари учун энг улуғвор йўл, *бхакти* уйининг бўсағасига энди кириб келган одамлар учун эса - жуда осон, оддий йўл ҳисобланади. Худонинг Олий Шахси Парвардигор Кришна билан ўзаро шахсий муносабатларини тиклаб олиш йўли - энг буюк илм, энг буюк санъат бўлиб, унинг эшиклари ҳаммага, билимдон браҳманларга ҳам, руҳий ўзлигини англаб етган буюк шоҳларга ҳам, шу жумладан шудраларга, ваишйаларга, аёлларга ҳатто улардан ҳам пастроқ поғонада турган зотларга ҳам бирдай очиқ. Руҳий юксалиш йўлидаги қурбонлик маросимлар ўтказиш, эзгу ишлар қилиш, риёзат чекиш сингари бошқа буюк амаллар - соф ва илмий жиҳатдан тасдиқланган *бхакти* усулидан бевосита келиб чиқадиган кўшимча амаллардир.

Илм ўрганиш ва боғланмаслик - инсоннинг руҳий ўзлигини англаб олиш йўлидаги икки асосий мезонлардир. Руҳий юксалиш йўлига кирган киши моддий ва руҳий нарсалар ҳақида мукамал илмга эга бўлади, ана шундай мукамал илмга эга бўлгандан кейин эса, инсон табиий равишда, ўзидан-ўзи дунёвий нарсаларга боғланишлардан халос бўлиб, руҳий фаолиятга боғланиб қолади. Калтафаҳм, илмсиз одамлар

айтиб юрганидай, дунёвий нарсаларга боғланмаслик фазилатини инсоннинг ҳаётдаги сустваклиги деб тушунмаслик керак. *Наишкарма* ибораси "яхши натижаларга ёки ёмон оқибатларга олиб келадиган фаолиятни тарк этиш" дегани билдиради. Тарк этиш деганда яхши нарсаларни, яхши амалларни ҳам тарк этишни тушунмаслик керак. Бемаъни нарсаларга боғланмаслик, уларни тарк этиш - инсон учун ҳақиқатан ҳам зарур бўлган ишларни тарк этиш дегани эмас. Худди шундай дунёвий моддий нарсаларга боғланмаслик ҳам руҳий нарсаларга ҳам боғланмаслик дегани эмас. Яхши нарсаларга боғланиш кучайганда ёмон нарсаларга боғланиш ўзидан-ўзи йўқолиб кетади. Шунинг учун, инсон Худога садоқат билан хизмат қилиб, қалбида *бхакти* маданиятини ошира борган сари, унинг бемаъни, моддий фаолиятга бўлган боғланиши табиий равишда сусайиб, олий, руҳий фаолиятга боғланиши кучая боради. *Бхакти* маданияти, Худога садоқат билан хизмат қилиш - тирик мавжудотнинг энг буюк фаолияти бўлгани туфайли, бу фаолият тирик мавжудотни ҳиссиётини лаззатлантиришга бўлган интилишлардан чалғитиб, четлаштириб қўяди. Мана шу Худонинг асл содиқларини бошқалардан ажратиб турадиган алоҳида фазилат ҳисобланади. Худонинг содиқлари ақлсиз, нодон одамлар эмас, шу боис улар паст даражадаги ишлар билан шуғулланмайди, ўткинчи моддий нарсалар уларни мутлақо қизиқтирмайди. Ана шундай улуғвор руҳий ҳолатга шунчаки қуруқ, бемаъни фикрлашлар ёрдамида эришиб бўлмайди. Аслини олганда бундай ҳолатга фақат Парвардигорнинг бесабаб марҳамати билан эришиш мумкин. Шундай қилиб, Худонинг асл содиқ хизматкори бўлган киши мукамал илм, боғланмаслик сингари бошқа барча ижобий фазилатларга ўзидан-ўзи, табиий равишда эга бўлади, аммо ўзида фақат илм ёки боғланмаслик фазилатларини ривожлантириб юрган киши, бу иши билан у ҳам *бхакти*, Худога садоқат билан хизмат қилиш қонун-қоидаларини билади дегани эмас. *Бхакти*, Худога садоқат билан хизмат қилиш - инсон ҳаётидаги энг олий, энг улуғвор фаолиятдир.

8. Агар қалбида Худонинг хабарига қизиқиш, Парвардигорга интилиш туйғусини уйғотмаса, инсоннинг ҳаётда ўз мартабасига яраша қилиб юрган ишларининг барчаси мутлақо фойдасиз, бемаъни амаллардир.

Изоҳ: Одамларнинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурларига мос бўлган жуда кўп фаолият турлари мавжуд. Моддий танасидан бошқа ҳеч нарса кўра олмайдиган калтафаҳм, ғофил материалист учун моддий сезгилари сезадиган нарсалардан ташқарида ҳеч нарса мавжуд эмас. Шунинг учун унинг бутун фаолияти ана шу тор ва сал кенгайган доирадаги моддий эгоизм чегарасидан ташқари чикмайди. Фақат ўзининг танасида мужассам

бўлган эгоизм одатда энг пасткаш ҳайвонларда бўлади. Эгоизмнинг сал кенгайган кўриниши инсонлар жамиятида намоён бўлади. Инсон моддий танасига қулай шароит яратиш учун ўзининг эгоизм туйғусини аввал оиласига, кейин қабиласига, жамиятига, миллатига, бутун инсониятга кенгайтиради. Ақл сатҳида фикрлайдиган файласуфлар ана шундай калтафаҳм материалистлардан устун турадилар. Уларнинг фаолияти ҳам мазмуни тана ва ақл доираси билан чекланган ҳар хил шеърлар, бадиий асарлар ёзиш, турли фалсафий таълимотлар яратиш ёки қандайдир "изм"ни тарғибот қилишдан иборат бўлади. Аммо, моддий тана ва ақлдан устун турадиган, ҳозирча мудраб ётган, руҳий табиатли жон, руҳ ҳақиқатан ҳам мавжуд. Агар тана ичида ана шу руҳ(жон) бўлмаса, тана ва ақл билан чекланган чекланган эгоизм ҳам бемаъни ва куруқ гап бўлиб қолади. Афсуски, калтафаҳм одамларни тананинг тириклигини таъминлаб турган ана шу руҳнинг эҳтиёжлари умуман кизиқтирмайди.

Ана шундай калтафаҳм одамлар руҳ ҳақида, у тана ва ақлнинг фаолият чегарасидан ташқарида эканини, шу боис инсоннинг ўз касби ёки жамиятдаги мартабаси доирасида бажариб юрган ишлари руҳга ҳеч қандай мамнуният олиб келмаслиги ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Бу ерда эса ана шу руҳни мамнун қилиш масаласи кўйилипти. Руҳ(инсоннинг "мен"и, ўзлиги) кўпол тана ва нафис ақлдан ташқарида жойлашган. У тана ва ақлнинг кучини ҳаракатга келтириб турган қувватдир. Инсон руҳнинг эҳтиёжи ҳақида ҳеч нарса билмасдан, фақат ўзининг ақли ва танасининг эҳтиёжларини қондириш билан ҳеч қачон бахтли бўлолмайди. Тана билан ақл - руҳий табиатга эга бўлган руҳ(жон)нинг вақтинчалик ташқи қобиклари, холос. Инсон энг аввало ана шу руҳнинг эҳтиёжларини қондириши лозим. Қафас ичида ўтирган қушнинг эҳтиёжини қондириш учун фақат унинг қафасини тозалашнинг ўзи кифоя қилмайди. Қушнинг ўзининг қандай эҳтиёжлари борлигини билиб олиш керак.

Руҳнинг эҳтиёжи шундан иборатки, у моддий тутқунликнинг чекланган чегараларидан озодликка чиқишни, бутунлай эркин, озод бўлишни истайди. У зулматга ботган бутун моддий коинотдан ташқарига чиқишни, руҳий оламни кўришга интилади. Ана шундай тўлиқ озодликка у комил руҳ, Худо Шахсини учратганида эришади. Олий Руҳга, Худога бўлган муҳаббат туйғуси ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мудраб ётибди: руҳнинг ана шу муҳаббати бу дунёда моддий тана ва ақл орқали, кўпол ва нафис нарсаларга бўлган боғланиш кўринишида намоён бўлади. Шунинг учун биз ҳаётда шундай фаолият билан машғул бўлишимиз лозимки, шу амалларимиз қалбимизда илоҳий, руҳий онгни уйғотсин. Бунга эса, фақат Худонинг Олий Шахсининг илоҳий қароматлари ҳақидаги

ҳикояларни тинглаш ва уларни шарафлаб қуйлаш орқали эришиш мумкин. Шу боис бу ерда инсон қалбида Худонинг илоҳий хабарини тинглашга ва шарафлаб қуйлашга қизиқиш уйғотмайдиган ҳар қандай амал, ҳар қандай фаолият - "бекорга вақт сарфлаш", "бемаъни фаолият" деб аталган, чунки бошқа бирор фаолият руҳни моддий олам тутқунлигидан руҳий озодликка чиқаришга қодир эмас. Ўзлари ҳар қандай озодликнинг бошланғич манбаини топа олмаганлари сабабли, ҳатто руҳий озодликка чиқишга интилиб юрган илмсиз одамларнинг фаолияти ҳам бефойда ҳисобланади. Бефаросат материалист одам ўзининг ҳаёт тажрибасидан ишонч ҳосил қилиши мумкинки, ҳар қандай моддий манфаат бу дунёда ҳам, кейинги ҳаётда ҳам замон ва макон чегараси билан чекланган. Ҳатто Сварғалокага кўтарилиб ҳам инсон ўзининг тиниб-тинчимас руҳи учун мангу даргоҳни топа олмайди. Моддий олам тутқунлигидан чарчаган руҳга фақат Худога садоқат билан хизмат қилишнинг мукаммал илмга асосланган мукаммал жараёни тўла мамнуният бағишлай олади.

9. Парвардигорнинг инсонлар учун белгилаб қўйган ҳар қандай вазифаларини бажариш - руҳ(жон)ни мангу озодликка чиқаришдан бошқа ҳеч қандай мақсадни кўзламайди. Бундай вазифаларни ҳеч қачон қандайдир моддий манфаат кўзлаб бажармаслик керак. Бундан ташқари, донишмандларнинг фикрига кўра, шундай буюк фаолият билан машғул бўлиб юрган киши ҳаётидаги моддий ютуқлардан ҳеч қачон ҳиссиётининг талабларини янада юксакроқ даражада қондириш йўлида фойдаланмаслиги керак.

Изоҳ: Аввал айтиб ўтган эдикки, Худога соф садоқат билан хизмат қилиб яшаш натижасида инсон ўз-ўзидан, табиий равишда мукаммал илмга эга бўлади ва дунёвий моддий нарсаларга боғланиши камайиб кетади. Аммо, шундай одамлар ҳам борки, улар ҳар қандай фаолиятнинг, шу жумладан диний, руҳий фаолиятнинг ҳам мақсади - бирор моддий манфаатга эришишдан иборат деб ўйлайдилар. Дунёнинг қайси чеккасида яшаётганидан қатъий назар, ҳар бир инсон одатда ҳар қандай фаолиятдан, хоҳ у диний фаолият бўлсин, хоҳ дунёвий фаолият бўлсин - қандайдир моддий манфаат кўзлайди. Ҳатто ведавий муқаддас китоблар ҳам, кўпроқ одамларни жалб қилиш учун, диний фаолиятнинг барча турлари эвазига моддий фаровонлик ваъда қилади. Кўпчилик одамлар диний фаолият келтирадиган айнан ана шу моддий бойликка интилиб бирор диний фаолият билан машғул бўладилар. Ана шундай диндорларни нима сабабдан моддий манфаат кизиқтиради? Чунки бундай фаолият уларнинг дунёвий истаклари, орзулари рўёбга чиқишига ёрдам беради, бу эса ўз навбатида

инсоннинг ҳиссий лаззатланишга бўлган интилишини қаноатлантиради. Бурч сифатида юкланган бундай фаолиятнинг мақсади - диний фаолият билан бирга одамларнинг дунёвий истагини рўёбга чиқариш имконини берадиган моддий бойликка эришишдан иборат бўлади. Ҳиссиёт(нафс)ининг эҳтиёжини қондириш - ҳар хил тоифага мансуб бўлган барча одамларнинг ҳаёт фаолиятининг асосини ташкил этади. Аммо мазкур мисрада Сута Госвами "Шримад Бхагаватам" таълимотига асосланган ҳолда бундай фаолиятни инкор этади.

Инсон ҳеч қачон Худонинг буйруқларини, инсоннинг бурчи сифатида Парвардигор белгилаб қўйган амалларни бирор моддий манфаат кўзлаб бажармаслиги лозим. Бунинг устига, тақводор инсон ўзи тўплаган моддий бойликдан ҳиссиётини янада кўпроқ, яхшироқ лаззатлантириш йўлида фойдаланмаслиги лозим. Ҳақиқий инсон моддий бойлигидан қандай фойдаланиши лозимлиги кейинги мисрада тушунтирилади.

10. Ҳақиқий инсоннинг орзу-истаклари ҳаётда ўз ҳиссиёт(нафс)ининг талабларини қондиришдан иборат бўлмаслиги керак. Инсон ўз ҳиссиёт(нафс)ининг талабини фақат соғ-саломат турмуш кечириш учун, яъни фақат тананинг саломатлигини таъминлаб туришга етарли миқдордагина қондириш лозим. Чунки инсоннинг ҳаётдаги асосий вазифаси - Мутлақ Ҳақиқат тўғрисида саволлар беришдан иборат. У шундан бошқа мақсадни кўзлаб бирор иш қилмаслиги керак.

Изоҳ: Тўғри йўлдан бутунлай адашган бутун инсоният ҳозир ўзининг бутун фаолиятини фақат ўз ҳиссиётининг талабларини қондиришга, ҳиссий лаззатланишга қаратиб, нотўғри йўналишда ҳаракат қиляпти. Ғофиллик ботқоғига ботган ана шундай жамият ҳаётининг барча соҳаларидан асосий мақсад - ҳиссий лаззатланиш бўлиб қолган. Сиёсатда, ижтимоий ҳаётда, альтруизмда, филантропияда, диний фаолиятда, ҳатто руҳий озодликка интилиб юрган одамларнинг ҳаётида ҳам ҳиссий лаззатланишга интилиш тобора кўпроқ ўрин эгалляпти. Сиёсат соҳасида сиёсий арбоблар бир-бири билан ўз ҳиссиёт(нафс)ининг эҳтиёжини қондириш мақсадида ўзаро кураш олиб борадилар. Сайловчилар ҳам ким уларга кўпроқ ҳиссий лаззат ваъда қилса, ўша одамга овоз бериб сиғинадилар. Агар сайловчилар ҳиссиётининг талаблари етарли даражада қондирилмаса, улар ўзлари сайлаган сиёсатчини олиб ташлайдилар. Аслида сайланган раҳбарлар сайловчиларининг талабларини қондирмай, ҳамиша уларнинг ҳафсаласини пир қилади. Жамият фаолиятининг бошқа соҳаларида ҳам худди шундай аҳвол: ҳеч ким ҳаётнинг ҳақиқий муаммоларига жиддий эътибор бермайди. Ҳатто руҳий озодликка эришиш йўлидан бораётган зотлар ҳам, Мутлақ Ҳақиқат билан

қўшилиб кетиб, ўз ҳиссиётининг талабини қондириш учун мангу руҳини қурбон қилишга интиладилар. Аммо «Бхагавад-гита»да айтилганки, ҳақиқий инсон ҳаётда фақат ҳиссиётининг талабини қондириш учунгина яшамаслиги лозим. Ҳиссиётнинг талабини қондириш мумкин, лекин буни уларни лаззатлантириш учун эмас, балки фақат тананинг саломатлигини таъминлаш учун етарли бўлган миқдорда қилиш лозим. Тана маълум бир эҳтиёжлари бўлган ҳиссиёт(сезги аъзо)лардан иборат бўлгани сабабли, уларнинг эҳтиёжларини қондириш учун маълум қонун-қоидалар белгилаб қўйилган. Инсоннинг ҳиссиёти, нафси, сезгилари ҳеч қандай чегарасиз, истаган миқдорда лаззатланиш учун яратилмаган. Масалан, никоҳдан, яъни эркак ва аёлнинг бирга бўлишидан мақсад ҳиссий лаззатларга берилиш эмас, балки муносиб зурёд қолдиришдан иборат. Ҳақиқий инсон ўзининг хотини билан лаззатланиш ниятида эмас, балки фақат зурёд қолдириш учун жинсий алоқа қилиши лозим. Ана шу қоидага риоя қилмаслик натижасида аҳоли сони кўпайиб кетади, аммо ҳозирги калтафаҳм раҳбарлар билмайдиларки, Мутлақ Ҳақиқатни излаб юрган маданиятли инсонлар жамиятида аҳоли сони керагидан ортиқ кўпаймасдан, ўз-ўзидан, табиий равишда мувофиқлашиб, керакли миқдорда сақланиб туради. Мутлақ Ҳақиқатни излаб юрган одамларни бемаъни ҳиссий лаззатлар қизиқтирмайди, чунки Мутлақ Ҳақиқатни жиддий излаб юрган одамлар ҳамиша Ҳақиқат илмини чуқур ўрганиш билан банд бўладилар. Шунинг учун, инсон ҳаётининг барча соҳаларида Мутлақ Ҳақиқатни излаш асосий мақсад бўлиши лозим. Фақат ана шундай фаолиятгина инсонга ҳақиқий бахт келтиради, чунки у ҳар хил ҳиссий лаззатларга тобора камроқ бериладиган бўла боради. Мутлақ Ҳақиқат нима экани кейинги мисрада тушунтирилади.

11. Мутлақ Ҳақиқатни англаб етган илоҳий илм эгалари ўша яхлит Зотни "Брахман", "Параматма" ёки "Бхагаван" деб атайдилар.

Изоҳ: Мутлақ Ҳақиқат - бир вақтнинг ўзида ҳам билувчи(субъект), ҳам билиш лозим бўлган(объект) Зот, Улар орасида сифат жиҳатдан фарқ йўқ. Демак *Брахман*, *Параматма* ва *Бхагаван* сифат жиҳатидан бир хил бўлган яхлит Зот. Упанишадларни ўрганиб юрган одамлар ана шу ягона Зотни шахсиятсиз *Брахман*, яъни *хираньягарбха* кўринишида, йоғлар - ҳар бир тирик мавжудот қалбида мужассам бўлган Олий Рух, *Параматма* сифатида, Худонинг содиқлари эса - *Бхагаван* кўринишида англаб етадилар. Бошқача қилиб айтганда, *Бхагаван*, яъни Худонинг Олий Шаҳси - Мутлақ Ҳақиқатнинг энг олий кўринишидир. *Параматма* - Худо Шаҳсининг қисман намён бўлган кўриниши. Шаҳсиятсиз *Брахман* эса - Худо Шаҳсидан

таралиб турган нур, қувват бўлиб, у *Бхагаван* билан худди куёш нурлари куёш фариштасига боғлангандай боғланган. Баъзан ана шу фалсафий мактабларнинг калтафаҳм тарафдорлари, ҳар бири Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги шахсий тасаввурини исботлашга уриниб, бир-бири билан баҳс-мунозара олиб борадилар. Аммо Мутлақ Ҳақиқат ҳақида мукамал илмга, тўғри тасаввурга эга бўлган киши яхши биладики, буларнинг ҳаммаси ягона Мутлақ Ҳақиқатнинг ҳар хил нуқтаи-назардан қаралганда юзага келган уч хил кўриниши, холос.

"Шримад Бхагаватам"нинг биринчи боб, биринчи мисрасида айтилганидай, Олий Ҳақиқат ўзига тўла бутун, мукамал онг эгаси ҳамда алдамчи нисбийликдан пок бўлган илоҳий Зотдир. Нисбийлик оламида билувчи зот(субъект) билиш лозим бўлган нарса(объект)дан фарқ қилади, аммо Мутлақ Ҳақиқат - ҳам билувчи, ҳам билиш лозим бўлган зот, яъни субъект ҳам, объект ҳам Унинг ўзи. Нисбийлик оламида билувчи - тирик рух(жон), яъни олий қувват, билиш керак бўлган нарса эса - ўлик модда, куйи қувват. Демак, нисбийлик оламида олий ва куйи қувватларнинг карама-қаршилиги, бир-биридан фарқи бор. Мутлақ салтанатда эса билувчи ҳам, билиш лозим бўлган нарса ҳам бир тоифага, олий қувватга мансуб бўлади. Барча қувватларнинг олий манбаи уч тоифага мансуб қувватларга эга. Қувват ўзининг манбаидан фарқ қилмайди, аммо қувватнинг сифатлари ҳар хил. Мутлақ, руҳий олам ҳам, тирик мавжудотлар ҳам олий қувватга мансуб, моддий олам эса куйи қувватга мансуб. Куйи қувват билан аралашиб тирик мавжудот алданиш домига тушиб қолади, натижада ўзини куйи қувватга мансуб деб ўйлай бошлайди. Шунинг учун моддий оламда нисбийлик туйғуси мавжуд. Руҳий оламда, Мутлақ оламда ана шу нисбийлик - объект билан субъектни бир-биридан ажратиш туйғуси йўқ, шу боис руҳий оламда ҳамма нарса мутлақ табиатга эга.

12. Илм ва таркидунёлик билан қуролланган жиддий ва тиришқоқ шогирд ёки билимдон донишманд худди Веданта-шрутилардан ўрганиб олганидай, бу Мутлақ Ҳақиқатни ҳам Унга садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиш орқали англаб олади.

Изоҳ: Мутлақ Ҳақиқатни Васудевага, Мутлақ Ҳақиқатнинг тўлиқ намоён бўлган кўриниши бўлган Худонинг Олий Шахсига садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида тўлиқ англаб етиш мумкин. *Брахман* - Унинг илоҳий танасидан таралиб турган ёғду, *Параматма* эса - Унинг қисман намоён бўлган кўриниши. Шундай қилиб, Мутлақ Ҳақиқатни *Брахман* ёки *Параматма* кўринишида англаб етиш Уни қисман англаб етиш ҳисобланади. Одамларни тўрт тоифага бўлиш мумкин: *кармилар*, *гйанилар*, *йоглар* ва *бхактилар*.

Кармилар - ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган, Худога ишонмайдиган иймонсиз одамлар. Қолган уч тоифа одамлар - илоҳиётчи, тақводор инсонлар. Илоҳиётчи одамларнинг биринчи синфи - Худонинг Олий Шахсини англаб етган содиқлар. Илоҳиётчиларнинг иккинчи синфи - мутлақ шахснинг тўлиқ қисмини қисман англаб етган йоглар. Учинчи синфга мансуб илоҳиётчилар эса - мутлақ Шахснинг илоҳий, руҳий табиатга эга эканини энди англай бошлаган одамлардир. «Бхагавад-гита» ва бошқа муқаддас китобларда тасдиқланганидай, Худонинг Олий Шахсини фақат Унга садоқат билан хизмат қилиш орқали англаб етиш мумкин, бундай хизмат албатта илм ва моддий боғланишлардан воз кечиш билан қўллаб-қувватланган бўлиши лозим. Аввал айтиб ўтган эдикки, инсон Худога садоқат билан хизмат қилиш натижасида табиий равишда мукамал илмга эга бўлиб, моддий боғланишлардан халос бўлади. *Брахман* ва *Параматма*ни англаб етиш, ҳали Мутлақ Ҳақиқатни мукамал англаш бўлмагани учун, *Брахман* ва *Параматма*ни англаб етиш усули ҳам Мутлақ Ҳақиқатни англаб етишнинг мукамал бўлмаган усуллари дир. Мукамал илмга асосланган, моддий боғланишлардан воз кечиш билан бирга олиб бориладиган, ҳамда "Веданта-шрути"ларни тинглаш билан қўллаб-қувватланган ҳолда Худога садоқат билан хизмат қилиш - жиддий ва тиришқоқ шогирдга Мутлақ Ҳақиқатни тўлиқ англаб олиш имконини берадиган ягона мукамал йўлдир. Шундай қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўли - калтафаҳм, бефаросат илоҳиётчилар учун мўлжалланган усул эмас. Худонинг содиқларини уч тоифага бўлиш мумкин. Учинчи, куйи тоифага мансуб, ҳали мукамал илмга эга бўлмаган, моддий боғланишларни тарк этмаган, эҳромларда ўрнатилган Худонинг тасвирларига сиғиниш жараёни жалб этадиган содиқларни материалист-содиқлар деб атайдилар. Улар одатда Худога садоқат билан хизмат қилишдан илоҳий, руҳий манфаатдан кўра, кўпроқ моддий манфаат кўришни афзал биладилар. Шунинг учун жиддий содиқ Худога моддий манфаат кўзлаб хизмат қилиш поғонасидан тезроқ иккинчи поғонага кўтарилиши лозим. Иккинчи тоифага мансуб содиқлар Худога садоқат билан хизмат қилишда тўрт тоифа зотларни бир-биридан ажрата олади: 1)Худо Шахсини, 2)Унинг содиқларини, 3)ғофил, беғуноҳ одамларни ва 4)Худога садоқат билан хизмат қилишга тўсқинлик қиладиган атеистларни. Мутлақ Ҳақиқатни англаб етишга муносиб бўлиш учун инсон ҳеч бўлмаганда иккинчи тоифадаги содиқлар поғонасига кўтарилиши лозим.

Учинчи тоифага мансуб содиқлар Худога садоқат билан хизмат қилишда ишонарли манбалардан - *бхагават*лардан насихат олишлари лозим. Биринчи *бхагавата* - Парвардигорнинг асл содиғи бўлган шахс, иккинчи *бхагавата* -

Худонинг хабари, яъни "Шримад Бхагаватам". Шунинг учун Худога садоқат билан хизмат қилишда насихатлар олиш учун учинчи тоифага мансуб содиқ Худонинг ишонарли содиқ хизматкорига мурожаат қилиши лозим. Ундай содиқ хизматкор "Шримад Бхагаватам"ни бошқаларга ўқиб бериш билан тирикчилик қилиб юрган оддий дунёвий одам бўлмаслиги керак. Худонинг ҳақиқий содиқ хизматкори Сута Госвами сингари Шукадева Госвамининг вакили бўлиши ҳамда бутун инсоният бахт-саодатини ўйлаб уларга Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини холис тарғибот қилиб юрган бўлиши лозим. Учунчи тоифа содиқ одатда бошқа содиқларнинг гапини тинглашни истамайди. У одатда бошқаларга кўз-кўз қилиш, ўз нафсини кондириш мақсадида пул топиш учун "Шримад Бхагаватам" ўқиладиган жойларга боради. "Шримад Бхагаватам"ни ана шундай мақсадда ўқиш ва тинглашлар сабабли ҳозирги даврда одамлар олдида Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бу улўғвор жараёни бутунлай қадрсиз бўлиб қолган, шу боис бундай жойларга бормаслик керак. Ҳеч қандай шубҳа йўқки, Парвардигорнинг «Бхагавад-гита» ва "Шримад Бхагаватам"да нозил қилган хабарлари муқаддас, илоҳий хабарлардир, лекин шунга қарамай уларни иймонсиз одамлар тилидан тингламаслик керак, чунки, худди илон шунчаки тилини теккизиб сутни захарлагани сингари, улар ҳам бу асарнинг илоҳий мазмунини захарлайдилар.

Шундай қилиб, руҳий юксалишда муваффақиятга эришишга жиддий интилаётган содиқ ведавий муқаддас китобларни: Упанишадларни, "Веданта-сутра"ни, ўтган даврлардаги ишонарли содиқлар ёзиб қолдирган бошқа асарларни - иштиёқ билан тинглашга тайёр бўлиши лозим. Ана шу муқаддас китобларни тингламайдиган содиқ руҳий юксалишда бирор муваффақиятга эриша олмайди. Агар инсон уларни тингламаса, ҳаётда уларнинг кўрсатмаларига амал қилмаса, фақат бошқаларга кўз-кўз қилиш учунгина Худога хизмат қилиб юриши ҳеч қандай маънога эга бўлмасдан, ўзининг руҳий юксалиш йўлида катта тўсиқ бўлиб қолади. Шу боис, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг *шрути*, *смрити*, Пураналар ва "Панчаратра"ларда кўрсатилган қонун-қоидаларга асосланмаган ҳар қандай кўринишларини шу заҳотиёқ инкор этиш лозим. Муқаддас китобларга ишонмайдиган, уларнинг кўрсатмаларини тан олмайдиган кишини Худонинг содиқ хизматкори деб ҳисобламаслик керак. Ведавий битикларнинг мазмунини англаб етган киши ҳамиша ўзининг қалбида Худо Шахсининг киёфасини кўриб юришга қодир бўлади. Мана шу ҳолат *самадҳи* деб аталади.

13. Шунинг учун, эй иккибор тугилганлар аълоси, инсоннинг ҳаётда ўз табақасига, турмуш тарзига

мувофиқ ҳолда белгиланган вазифаларини бажариб яшаи натижасида эришиши мумкин бўлган энг мукаммал, энг буюк саодат - Парвардигорни мамнун қилишдан иборат. (Инсон ҳаётда эриша олиши мумкин бўлган энг юксак бахт - ўз хизмати билан Худони мамнун қила олишдир).

Изоҳ: Жаҳондаги ҳар қандай инсонлар жамияти тўрт табақа ва тўрт турмуш тарзига бўлинган. Тўрт табақа - билимдон олимлар, ҳукмдор ва ҳарбийлар, ишлаб чиқариш эгалари ҳамда ишчилардан иборат. Одамларни табақаларга ажратиш уларнинг ижтимоий келиб чиқиши асосида эмас, балки ҳар бир инсоннинг машғулоти, иш фаолияти ва шахсий табиати, сифатлари асосида амалга оширилади. Бундан ташқари тўрт хил турмуш тарзи мавжуд: шогирдлик, оилавий турмуш, дунёвий фаолиятни тарк этиш ва Худога садоқат билан хизмат қилишда бутунлай машғул бўлиш. Жамиятда одамларни ана шундай тоифаларга бўлиш уларнинг ҳақиқий манфаатларига мос келади. Одамларнинг ҳаёти шу тарзда тартибга солинмаган жамият тизими узоқ вақт мавжуд бўлиб туролмайди. Одамларнинг юқорида кўрсатилган табақа ва турмуш тарзига оид ҳаётида асосий мақсад - олий ҳукмдорни, Худо Шахсини мамнун қилишдан иборат бўлиши лозим. Инсонлар жамиятини илмий асосда, аниқ мақсад билан ташкил этилган мана шу тизими *варнашрама-дҳарма* - "маданиятли одамлар жамиятининг табиий тизими" деб аталади. Варнашрама тизими инсонга жамиятда Мутлақ Ҳақиқатни англаб етиш имконини бериш учун яратилган. Бу тизим жамиятнинг бир қисми иккинчи қисми устидан ҳукмрон бўлишини сунъий равишда таъминлаш учун мўлжалланмаган. Одамлар *индриё-прити*, яъни ҳиссиёт(нафс)ининг талабларини кондиришга қаттиқ боғланиб қолганида инсон ҳаётининг асосий мақсади - Мутлақ Ҳақиқатни англаб етишдан иборат эканини эсдан чиқариб кўядилар. Шунда, аввал айтганимиздай, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган ғофил одамлар жамиятдаги ўзидан заифроқ бўлган одамларни ўзига сунъий равишда бўйсундириш мақсадида *варнашрама* тизимини ниқоб қилиб оладилар. Кали-йуга, яъни ўзаро рақобатлар даврида жамиятда ана шундай сунъий ҳукмронлик аллақачон илдиз отиб кетган, лекин соғлом фикрлай оладиган одамлар яхши биладиларки, жамиятда одамларни *варна* ва *ашрам*ларга ажратишдан ягона мақсад - ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва инсоннинг руҳий юксала олиши учун қулай шароит яратишдан иборат.

"Шримад Бхагаватам"нинг мазкур шеърида айтилганки, *варнашрама* тизими ҳукмрон бўлган жамиятда инсон ҳаётининг олий мақсади, яъни энг юксак руҳий баркамоллик - Худони мамнун

килиш йўлида ўзаро ҳамкорлик қилишдан иборат. Бу ҳақиқат «Бхагавад-гита»(4.13)да ҳам тасдиқланган.

14. Шунинг учун ҳамиша жиддий равишда, диққат билан, Худо Шахси ҳақидаги ҳикояларни тинглаш, Уни олқишлаш, эслаш, Ўзининг содиқ хизматкорларининг ягона нажоткори бўлган Парвардигор олдида сажда қилиб сиғиниб яшаш керак.

Изоҳ: Мутлақ Ҳақиқатни англаб етиш - инсон ҳаётининг олий мақсади экан, демак инсон ана шу мақсадга эришиш учун ҳамма имкониятларини ишга солиши лозим. Тўрт амал: Парвардигорни олқишлаш, Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаш, Худони эслаб юриш, сажда қилиш - жамиятнинг барча варна ва ашрамларига мансуб одамлар учун умумий бўлган муқаддас бурч ҳисобланади. Ҳаётда ана шу қонун-қоидаларга риоя қилмай туриб ҳеч ким жамиятда ҳақиқий инсонлардай яшай олмайди. Тирик мавжудотнинг бутун фаолияти моддий тирикчиликнинг ана шу тўрт қонидаси доирасида юз беради. Айниқса ҳозирги даврда жамиятдаги ҳар қандай кишининг фаолияти қайсидир жиҳатдан тинглаш ва олқишлашга боғлиқ. Инсон жамиятда қандай мартабага эга бўлмасин, агар уни газета-журналларда олқишлай бошласалар, тез орада у жуда машхур бўлиб кетади. Баъзан оммавий ахборот воситалари қандайдир сиёсий арбобларни ёки партияларни олқишлай бошлайдилар, ана шундай олқишлашлар натижасида кўримсиз одам ҳам кўз очиб-юмгунча машхур одамга айланади. Аммо, муносиб бўлмаган одамни бундай олқишлаш на шу шахснинг ўзига, на жамиятга бирор фойда келтирмайди. Бундай тарғиботлар ёрдамида қандайдир вақтинчалик муваффақиятларга эришиш мумкин, лекин бу йўл билан ҳақиқий зафар қозонишнинг, ҳақиқий бахтга эришишнинг иложи йўқ. Шунинг учун бундай ишлар бекорга вақт кетказишдан бошқа нарса эмас. Ҳақиқатан ҳам олқишлашга муносиб бўлган зот - бизни ўраб турган бутун борлиқни яратиб қўйган ягона Парвардигор, Худонинг Олий Шахсидир. Бу ҳақиқат *жанмадй асйа йатаҳ* иборасидан бошлаб "Шримад Бхагаватам"да батафсил таърифланган. Қалбимиздаги олқишлашга ва тинглашга бўлган мойилликдан тўғри фойдаланиш - фақат Олий Мавжудотни олқишлаш лозим. Мана шу инсонга ҳақиқий бахт келтиради.

15. Донишманд кишилар, қилаётган ишлари оқибати(тақдир, карма)нинг чигал тугунини, худди қилич билан кесгандай, ҳамиша Худони эслаб юриш ёрдамида чопиб ташлайдилар. Шундай экан, Парвардигорнинг илоҳий хабарларига лоқайд бўладиган бирор киши топилармикан?

Изоҳ: Руҳий заррача(жон) билан моддий унсурларнинг бирикиши натижасида чигал тугун пайдо бўлади. Агар инсон ўзининг кармали фаолиятининг "амаллари ва унинг оқибатлари"дан иборат занжири чангалидан халос бўлишни истаса, ана шу чигал тугунни чопиб ташлаши лозим. Руҳий озодликка чиқиш - ҳар хил оқибатларни келтириб чиқарадиган фаолият чархпалагидан халос бўлиш демакдир. Ҳамиша Худо Шахсининг илоҳий эрмаклари ҳақида ўйлаб юрган одам табиий равишда, ўзидан-ўзи руҳий озодликка эришади. Худо Шахсининг ҳар қандай фаолияти ҳам моддий табиат гуналарига нисбатан илоҳий ҳолатда бўлгани учун шундай бўлади. Парвардигор ана шу руҳий фаолияти билан ҳаммани Ўзига жалб этади, ҳамиша Парвардигорнинг руҳий фаолияти билан аралашиб юриш эса, моддий оламда шартланиб қолган руҳни аста-секин моддий иллатлардан поклаб, уни ўзининг асл руҳий ҳолатига қайтара бошлайди ва оқибат-натижада у моддий тутқунлик тугунини чопиб ташлайди.

Шундай қилиб, моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқиш - Худога садоқат билан хизмат қилишнинг қўшимча, иккиламчи натижасидир. Фақат руҳий илмни эгаллашнинг ўзи инсонга руҳий озодликка чиқиш кафолотини беролмайди. Бу илм албатта Худога садоқат билан хизмат қилиш билан қувватланиши, кейин эса фақат Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ўзи қолиши лозим. Фақат шундагина инсон руҳий озодликка эриша олади. Агар Худога садоқат билан хизмат қилиш билан аралашган бўлса, ҳатто ўз фаолиятининг натижасидан лаззатланишга интилиб юрган одам(*карми*)ларнинг *кармали* фаолияти ҳам инсонни руҳий озодликка чиқариши мумкин. Худога садоқат билан хизмат қилиш билан аралаш дунёвий фаолият *карма-його* деб аталади. Худди шундай, Худога садоқат билан хизмат қилиш билан аралашган дунёвий илм *гйана-його* деб аталади. Лекин соф *бхакти-його* кармага ҳам, гйанага ҳам боғлиқ эмас, чунки *бхакти-його* инсонни фақат руҳий озодликка чиқариб қолмасдан, унга Худога соф илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш бахтини ато этади.

Шунинг учун, калтафаҳм, бефаросат, иймонсиз одамлардан устун турадиган ҳар бир фаросатли, чуқур фикр юрита оладиган зукко инсон Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаш, Уни олқишлаш, шарафлаб куйлаш, Унинг олдида сажда қилиб сиғиниш билан ҳамиша Худони эслаб юриши лозим. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг мукамал йўли шундан иборат. Шри Чаитанйа Махапрабхудан *бхакти-його* маданиятини тарғибот қилиш ваколатини олган Вриндаванлик олти Госвами ана шу қоидага изчил амал қилиб, бутун инсоният бахт-саодати учун Парвардигор ҳақидаги илоҳий илмни таърифлайдиган жуда кўп асарлар қолдириб

кетган. "Шримад Бхагаватам"нинг ва бошқа ишонарли муқаддас китобларнинг таълимотига асосланиб улар жамиятнинг ҳар хил табақасига мансуб одамлар учун мўлжалланган руҳий юксалиш йўлини кўрсатиб кетдилар.

16. Эй иккибор туғилган донишмандлар, моддий иллатлардан бутунлай пок бўлган содиқларнинг хизматини қилиш - энг буюк бахтдир. Уларга хизмат қилиш туфайли инсон қалбида ягона Парвардигор Васудеванинг илоҳий хабарларини тинглаш истаги уйғонади.

Изоҳ: Тирик мавжудотнинг моддий оламда шартланиб қолишининг сабаби шундаки, у Худонинг хоҳишига қарши бош кўтарган. Тирик мавжудотлар икки тоифа бўладилар: *девалар*, яъни илоҳий зотлар, Худонинг амрига бўйсунадиган тирик мавжудотлар; Худонинг амрини инкор этадиган одамлар - *асурлар*. «Бхагавад-гита»(16 боб)да асурлар қандай бўлиши аниқ таърифланган. «Бхагавад-гита»да айтилганки, асурлар ҳар бир навбатдаги туғилишида ғофиллик зулматига тобора чуқурроқ ботиб, пасткаш тирик мавжудотлар танасини олиб, Мутлақ Ҳақиқатни, Худо Шахсини англаш имкониятидан тобора маҳрум бўлиб бораверадилар. Аммо Худонинг амру-иродаси билан жаҳоннинг турли ўлкаларида яшаётган руҳий озодликка эришган содиқларнинг марҳамати билан, ҳатто ана шу *асурлар* ҳам аста-секин покланиб, Худони англай бошлайдилар. Худонинг ана шундай содиқлари Парвардигор билан жуда яқин муносабатда бўладилар. Улар бу дунёга инсониятни иймонсизлик, худосизлик иллатидан халос этиш учун келганиларида уларни Худонинг қудратли аватараси, Худонинг ўғли, Худонинг элчиси, Худонинг дўсти, Худонинг ҳамроҳи деб атайдилар. Лекин уларнинг бирортаси ўзини "Худо" деб эълон қилиб одамларни алдамайди. Ягона Парвардигорга бундай кўпол равишда шак келтириш фақат иймонсиз иблис(*асур*)ларнинг қўлидан келади, уларнинг иблисифат издошлари эса, ана шундай ўзбилармон иймонсиз иблисларни Худо ёки Унинг *аватараси* деб қабул қиладилар. Муқаддас китобларда Худонинг бу дунёга келадиган қиёфаларида тўлиқ маълумотлар берилган. Агар муқаддас китоблардаги маълумотлар билан тасдиқланмаса, ҳеч кимни "Худо" ёки "Худонинг *аватараси*" деб қабул қилмаслик керак.

Худонинг даргоҳига қайтишга жиддий интилаётган содиқлар Худонинг содиқларини ҳам Худо билан бир қаторда ҳурмат қилишлари лозим. Худонинг ана шундай содиқларини *махатма* ёки *тиртха* деб атайдилар, улар ҳамиша замон ва макон шароитига мос равишда одамларга Худо ҳақидаги илмини ўргатиб юрадилар. Худонинг содиқлари одамларни Худонинг содиқ хизматкори бўлишга ундайдилар. Улар ҳеч қачон издошлари унинг ўзини "Худо" деб аташларига йўл

кўймайдилар. Муқаддас китоблардаги маълумотларда тасдиқланганидай, Шри Чаитанья Махапрабху Худонинг Олий Шахсининг Ўзи бўлиб, бу дунёда Худонинг содиқ хизматкори ролини бажарган. Унинг ҳақиқатан ҳам Худо эканини билган одамлар Унга Худо сифатида мурожаат қила бошлаганларида У қулоқларини бекитиб олиб, Парвардигор Вишнунинг муқаддас номларини зикр қила бошларди. У шак-шубҳасиз Худонинг Ўзи бўлса ҳам, одамлар Уни Худо деб аташларига Ўзи кескин қарши чиққан. Ўзининг бундай ҳаракатлари билан Парвардигор бизларни одамлар ўзини "Худо" деб аташларидан лаззатланадиган виждонсиз, иймонсиз одамларнинг алдовига тушиб қолишдан огоҳлантириб кетган.

Худонинг содиқлари бу дунёга ғофил одамларга Худонинг илмини ўргатиш учун келадилар, пок виждонли фаросатли кишилар улар билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишлари лозим. Худонинг содиқларига ёрдамлашиб, уларнинг хизматини қилиб юрган одамлар Парвардигорни Худонинг Ўзига бевосита хизмат қилиб юрган одамлардан ҳам кўпроқ мамнун қиладилар. Парвардигор Ўзининг содиқларига муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатаётган одамларни кўриб жуда хурсанд бўлади, чунки содиқ хизматкори Унга хизмат қилиш учун, Унинг шон-шухратини бутун оламга таратиш учун ўз ҳаётини хавф-хатарга қўяди, шу боис шундай содиқ хизматкори Унинг учун жуда азиз. «Бхагавад-гита»(18.69)да Парвардигор айтганки, Унинг учун бу дунёда ўзининг ҳаётини хавф-хатарга қўйиб Худонинг илмини, шон-шухратини бутун жаҳонга таратиб юрган хизматкоридан ҳам азизроқ одам йўқ. Худонинг содиқларига хизмат қилиб юрган одамлар ҳам аста-секин ана шундай содиқларнинг фазилатларига эга бўла борадилар ва улар ҳам Худо ҳақидаги ҳикояларни тинглашга қодир бўладилар. Худонинг даргоҳига эришишга муносиб бўлган содиқнинг биринчи фазилати - Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглашга бўлган кучли қаттиқ интилиш, ихлос, иштиёқдир.

17. Парвардигор Кришна, ҳар кимнинг қалбида мавжуд ва жиддий содиқнинг саодатманди бўлган Худо Шахси (Параматма), содиқнинг қалбида Парвардигорнинг илоҳий хабарини тинглашга эҳтиёж сезилган захоти унинг қалбини ҳиссий лаззатларга бўлган интилиш иллатидан поклайди. Агар тўғри тингласалар ва такрорласалар, Парвардигор Кришнанинг илоҳий хабарлари эзгуликка, бахт-саодатга тўла.

Изоҳ: Шри Кришнанинг, Худонинг Олий Шахсининг хабарлари Унинг Ўзидан фарқ қилмайди. Шу боис, қаерда содиқлар Худо Шахсини шарафлаётган, Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни ҳақоратларсиз тинглаётган бўлсалар,

Парвардигор Кришна ҳам албатта шу ерда худди Ўзи сингари қудратли бўлган илоҳий товуш сифатида иштирок этаётган бўлади. Шри Чаитанья Махапрабху Ўзининг "Шикшаштака" асарида аниқ-равшан таъкидлаб айтганки, Худонинг муқаддас номлари ҳам Худонинг тўлиқ илоҳий қудратига эга, Парвардигор Ўзининг барча муқаддас номларига бир хил илоҳий қувват ато этиб қўйган. Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш, шарафлаб куйлаш учун қатъий белгиланган, маълум бир вақт ҳам йўқ, ҳар қандай одам бу илоҳий амал билан ўзи учун қулай бўлган пайтда, муносиб диққат-эътибор билан бемалол шуғулланиши мумкин. Парвардигор шу қадар марҳаматли, меҳрибонки, бу дунёда бизга Ўзини илоҳий товуш қиёфасида шахсан намоён этади, лекин, бахтга қарши бизларни Унинг муқаддас номларини шарафлаш, илоҳий кароматлари ҳақида тинглаш қизиқтирмайди. Биз Худонинг муқаддас номларини тинглаш ва шарафлаб куйлашга бўлган истак, интилиш ҳақида гапирган эдик. Инсон қалбида бундай истак ва интилишлар Худонинг асл содиқ хизматкорига хизмат қилиш орқали ривожланади.

Парвардигор Ўзининг содиқлари билан уларнинг ҳис-ғуйғуларига муносиб, мос равишда ўзаро муносабатда бўлади. Содиқ хизматкори Унга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга бутун вужуди билан самимий интилаётганини, шу боис У ҳақидаги ҳикояларни жон қулоғи билан тинглаётганини кўриб, унинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигор, албатта, шундай содиқ хизматкори Ўзининг олдига, Худонинг даргоҳига қайтиб кела олиши учун зарур бўлган барча чораларни кўриб қўяди. Парвардигор бизларнинг Худонинг даргоҳига қайтишимизни бизлардан кўра қаттиқроқ истайди. Бизлардан кўпчилигимиз Худонинг даргоҳига қайтишни умуман истамаймиз. Худонинг даргоҳига интилиб юрган одамлар бу дунёда жуда кам учрайди, шу боис шундай олий мақсадга интилиб юрган ҳар қандай инсонга Парвардигор Кришна ҳар томонлама ёрдам беришга шошилади.

Токи инсон барча гуноҳлари оқибатидан бутунлай покланмас экан, у Худонинг даргоҳига кира олмайди. Моддий гуноҳлар - бизнинг моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга бўлган истагимиз оқибатларидир. Ана шундай истаклардан халос бўлиш жуда қийин. Содиқ хизматкорнинг Худонинг даргоҳига қайтиб кетиши йўлида энг катта тўсиқ - аёллар ва мол-дунё ҳисобланади. Ҳатто жуда қудратли содиқлар ҳам ана шу икки тўсиқни енгиб ўта олмай, руҳий озодликка олиб чиқадиган йўлдан адашиб, тубанликка юз тутганлар. Аммо Парвардигорнинг Ўзи шахсан ёрдам бериб турган содиқ Унинг илоҳий марҳамати билан бу йўлдаги ҳар қандай тўсиқларни осонлик билан енгиб ўта олади.

Мол-дунё ва аёллар билан аралашиб қолган кишининг ташвишга тушиб безовта бўлишининг

ҳеч қандай ажабланарли жойи йўқ, чунки ҳар бир тирик мавжудот бундай нарсалар билан жуда қадим замонлардан бери бирга бўлиб келяпти, шу боис, аслида умуман кераксиз бўлган бу салбий таъсирдан халос бўлиш учун анча вақт керак бўлади. Лекин Парвардигорнинг шон-шухрати ҳақидаги ҳикояларни мунтазам тинглаб юрган одам аста-секин покланиб, тез орада ўзининг ҳақиқий ҳолатини, руҳий ўзлигини англай бошлайди. Ана шундай содиқ Худонинг марҳамати билан бундай ташвишлардан ўзини ҳимоя қилишга қодир бўлган илоҳий қудратга эга бўлади ва вақти келиб унинг қалби ҳар қандай ташвиш ва хавотирлардан бутунлай покланади.

18. "Шримад-Бхагаватам"ни мунтазам ўрганиш ёки Худонинг асл содиқ хизматкорига хизмат қилиш шарофати билан инсоннинг қалби барча ташвиш, хавотирлардан бутунлай халос бўлади. Шунда у илоҳий мадҳияларда шарафлаб куйланадиган Парвардигорга мустаҳкам ва ўзгармас истак, иштиёқ, илоҳий муҳаббат ва садоқат билан ҳолис хизмат қила бошлайди.

Изоҳ: Бу ерда руҳий юксалишга тўсқинлик қиладиган ҳар хил иллатлардан халос бўлишга ёрдам берадиган восита таклиф этиляпти. Ана шу восита - *бхагаваталар* билан ҳамсуҳбат бўлишдир. *Бхагаваталар*нинг икки тоифаси бор: "Шримад Бхагаватам" китоби ва *бхагавата*-содиқ. Бу *бхагаваталар*нинг иккиси ҳам жуда қудратли таъсир кучига эга, уларнинг ҳар бири алоҳида ҳам, ёки иккиси биргаликда ҳам руҳий юксалиш йўлидаги ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтиш учун бемалол етарли. Содиқ-бхагавата билан "Шримад Бхагаватам" аслида бир-биридан фарқ қилмайди, чунки содиқ-бхагавата ўзининг турмуш-тарзини "Шримад Бхагаватам" таълимоти асосида ташкил этади. "Шримад Бхагаватам" Худо Шаҳси ва бхагаваталар, яъни Унинг асл содиқларининг ҳаёти ҳақидаги маълумотлардан иборат. "Шримад Бхагаватам" ва содиқ-*бхагавата* - иккиси аслида бир нарса.

Содиқ-*бхагавата* - Бхагаваннинг бевосита вакили ҳисобланади. Шу боис, шунчаки *бхагавата*-содиқни мамнун қилиш шарофати билан ҳам "Шримад Бхагаватам"ни ўрганишдан олинадиган мукамал илоҳий илмга эга бўлиш мумкин. Қандай қилиб содиқ-бхагаватага ёки "Шримад Бхагаватам" китобига хизмат қилиш орқали Худога садоқат билан хизмат қилишда юксалиш мумкинлигини англаб етишга инсон тафаккури ожизлик қилади. Аммо, аввалги ҳаётида чўри аёлнинг ўғли бўлган Шрила Нарада Муни бу ходиса қандай рўй беришини тушунтириб берган. Унинг онаси буюк донишмандларнинг хизматини қилиб юрган, шу боис кичкина Нарада Муни ҳам улар билан танишиб қолган. Чўри аёлнинг ўғли бўлган Нарада

Муни шунчаки буюк донишмандлар билан хамсухбат бўлиб, улардан қолган таом қолдиқларидан тотиб юргани шарофати билан Нарада Муни Худонинг буюк содиқ хизматкори бўлиш имкониятига эга бўлди. Бхагаваталар билан хамсухбат бўлишнинг мўъжизавий натижаси шундай. Бундай суҳбатлар инсонга қандай таъсир қилишини тушунтириш учун шуни айтиш лозимки, бхагаваталар билан бўлган самимий суҳбатлар инсонга илоҳий илмга эга бўлиш кафолатини беради. Бу эса ўз навбатида унинг қатъий, ўзгармас қарор билан Худога садоқат билан хизмат қилишга киришишига олиб келади. *Бхагавата* раҳбарлиги остида Худога садоқат билан хизмат қилишда юксала бориб, инсон Худога муҳаббат билан боғлана бошлайди. Демак, инсон "Шримад Бхагаватам" китобининг илоҳий хабарини албатта содиқ-бхагаватадан олиши керак. Ана шу икки *бхагавата* биргаликда содиқнинг руҳий юксалиш йўлида муваффақиятга эришишини таъминлайди.

19. Инсоннинг қалбида Худога илоҳий муҳаббат ва садоқат билан ҳолис хизмат қилиш истаги мустаҳкам жой олиши биланок, ғафлат ва эҳтирос гуналарининг таъсири оқибатида юзага келган шахвоний хирс, дунёвий истак ва эҳтирослар унинг қалбини бутунлай тарк этади. Шунда содиқнинг онги соф эзгулик гунасида мустаҳкам қарор топади ва у тўла бахтиёрлик ҳолатига эришади.

Изоҳ: Ўзининг бошланғич табиий ҳолатига кўра тирик мавжудот илоҳий лаззат оғушида, тўла мамнун ҳолатда бўлади. Ана шундай ҳолат *браҳма-бхута* ёки *атмананди*, яъни "тўлиқ мамнуният ҳолати" деб аталади. Ана шундай мамнунлик, лаззат ҳолатини ҳеч қандай ҳаракат қилмасдан, қимирламай ўтирган ғофил аҳмоқнинг ҳолати деб тушунмаслик керак. Ҳеч иш қилмай ўтирган аҳмоқ ғофиллик ботқоғига ғарқ бўлиб ўтирган бўлади, қалбида тўла мамнуният ҳосил қилган *атмананди* эса, бу моддий оламга нисбатан илоҳий ҳолатда бўлади. Инсон Худога садоқат билан хизмат қилишга қатъий қарор билан мангу боғланиб қолгандагина руҳий баркамолликнинг ана шундай поғонасига кўтарила олади. Худога садоқат билан хизмат қилиш - сушт турмуш-тарзи эмас, балки руҳнинг фаол, соф, бегубор, пок руҳий фаолиятидир.

Руҳнинг фаолияти унинг модда билан аралашуви натижасида булғанади, унинг ана шундай булғанган, носоғлом фаолияти шахвоний эҳтирос, ҳар хил дунёвий орзу-истаклар, дангасалик, аҳмоқлик, уйқусираш сингари кўринишларда намоён бўлади. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг инсон ҳаётига таъсири шундан маълум бўла бошлайдики, у эҳтирос ва ғафлат гуналари таъсирига берилмайдиган бўла бошлайди. Худонинг содиқ хизматкори эзгулик

гунасида мустаҳкам туриб олади ва руҳий юксалишда давом этиб, *васудева* поғонасига, соф *самттва*, соф эзгулик, яъни *шуддха-самттва* поғонасига кўтарилади. Фақат *шуддха-самттва* поғонасига кўтарилган инсонгина қалбидаги Парвардигорга бўлган пок илоҳий муҳаббати туфайли ҳамиша Кришнани бевосита кўриб юра олади.

Худонинг содиқ хизматкори ҳамиша соф эзгулик ҳолатида юради, шунинг учун у ҳеч кимга ҳеч қачон бирор озор етказмайди, ҳеч кимга зарар етказмайди. Иймонсиз киши эса қанчалик маданиятли, илмли бўлмасин, ҳамиша бошқаларга озор бериб, зарар келтириб юради. Худонинг содиқ хизматкори ҳеч қачон эҳтирос ёки ғофиллик таъсири остида ҳаракат қилмайди. Бировларга зарар берадиган, аҳмоқ, эҳтиросга берилган ғофил одамлар, гарчи ўзларини Худонинг содиқлари деб кўрсатсалар ҳам, ҳеч қачон Худонинг ҳақиқий содиқлари бўлолмайдилар. Худонинг содиқлари ҳамиша Парвардигорнинг Ўзига хос бўлган эзгу фазилатларга эга бўлади. Ундаги бу фазилатлар миқдор жихатидан ҳар хил бўлиши мумкин, лекин сифат жихатидан Парвардигор ва Унинг содиқлари орасида фарқ йўқ.

20. Шундай қилиб, ҳамиша соф эзгулик гунасида яшаш тарзида мустаҳкам ўрнашиб олган, Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида ақли жонланган содиқ ҳар қандай дунёвий моддий муносабатлардан озод бўлиб, Парвардигор ҳақида мукамал ижобий илмга эга бўлади.

Изоҳ: «Бхагавад-гита»(7.3)да айтилганки, минглаган оддий одамлар орасидан биргина омадли киши ҳаётда баркамолликка интилиб яшаш мумкин. Одамларнинг аксарият кўпчилиги ҳаётда ғафлат ва эҳтирос гуналари таъсири остида яшайдилар, шу боис уларнинг ҳаммаси эҳтиросларга, турли дунёвий орзу-ҳавасларга берилган ёки ғофиллик ботқоғига ботиб, ғафлат уйқусида юрган одамлардир. Инсон қиёфасида юрган ана шундай минглаган ҳайвонлар орасидан инсон ҳаётининг муҳимлигини англаб етадиган биргина одам топилиши мумкин. Фақат шундай одам Худонинг инсон олдига қўйган бурчларини бажариш билан ҳаётини мукамал қилишга ҳаракат қилади. Ана шундай йўл билан ҳаётда муваффақият қозонган кўп минглаган одамлар орасидан эса, биргина омадли инсон Худонинг Олий Шахси, Шри Кришна ҳақида ҳақиқий мукамал илмга эга бўлиши мумкин. Яна «Бхагавад-гита»да айтилганки, инсон ягона Парвардигор Кришна ҳақидаги мукамал илмга фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали эриша олади.

Мазкур шеър ана шу ҳақиқатни тасдиқлайди. Оддий инсон ҳам, ҳатто ҳаётда юксак муваффақиятга эришган одам ҳам, Худо Шахси

хақида мукамал илмга эга бўла олмайди. Инсон, аслида ўзи моддий нарсаларнинг маҳсулоти эмаслигини, балки руҳий табиатга эга бўлган жон, рух эканини тушуниб етгандан кейингина ҳаётини комил ҳолатга кўтара олади. Инсон аслида бу ўткинчи моддий танага ҳеч қандай алоқаси йўқлигини англаб етган заҳоти ўзининг барча моддий истакларидан воз кечиб, ўзини улугвор руҳий мавжудот сифатида намоён эта бошлайди. Фақат эҳтирос ва ғафлат гуналари таъсиридан юқори кўтарилган, яъни ҳақиқий брахманларга хос эзгу фазилатларга эга бўлган инсон ана шундай муваффақиятга эриша олади. Брахман - *саттва-гуна*, эзгулик гунаси тимсоли бўлган инсондир. Бошқалар эса - эзгулик гунасида бўлмаган одамлар - кшатрийлар, ваишйалар, шудралар ва шудрадан ҳам пасткашроқ бўлган одамлардир. Брахман поғонаси - инсон ҳаётининг олий поғонасидир, чунки *брахман* жуда кўп эзгу фазилатларга эга бўлади. Шунинг учун ҳеч бўлмаса *брахман* даражасига эришмай, ҳақиқий брахманларнинг эзгу фазилатларига эга бўлмай туриб, ҳеч ким Худонинг содиқ хизматкори бўла олмайди. Худонинг содиқ хизматкори ўз фаолияти билан брахманнинг ишини қилиб юрган бўлади. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас: юқорида айтилганидай, илоҳий поғонага кўтарилиш учун эзгу фазилатларга эга бўлган брахман ҳақиқий *ваишнава* бўлиши лозим. Ҳақиқий *ваишнава* - руҳий озодликка эришган рухдир, у ҳатто брахман ҳолатига нисбатан ҳам илоҳий поғонада бўлади. Моддий поғонада ҳатто брахман ҳам шартланган рух ҳисобланади, чунки гарчи брахман бўлиш Брахманни(руҳий илмни) англаб етиш поғонаси бўлса ҳам, брахман Худонинг Олий Шахси, Бхагаван ҳақидаги илмга эга бўлмайди. Худонинг Олий Шахси Кришнани англаб етиш учун инсон брахман поғонасидан ҳам юқори бўлган *васудева* поғонасига кўтарилиши лозим. Худонинг Олий Шахси ҳақидаги илм - "руҳий аспирантара"да ўрганиладиган илмдир. Мукамал илмга эга бўлмаган калтафаҳм одамлар Худонинг Олий Шахсини билмайдилар ва Парвардигор Кришна ҳақида ҳар ким ўз билганича фикр юритадилар. Лекин аслида, токи инсон моддий табиат гуналари таъсиридан халос бўлмас экан, ҳатто брахман поғонасида ҳам Худонинг Олий Шахсини англаб етишга кодир бўлолмайди. Ҳақиқий илмга эга бўлган, руҳий озодлик поғонасига кўтарилиб ваишнава бўлган брахман эса, Худонинг Олий Шахси аслида қандай бўлишини тўғри тасаввур қилишга, Худо Шахсини англаб етишга кодир бўлади.

21. Шу тарзда инсоннинг қалбидаги чигаллик тугуни ечилиб, барча шубҳаю-гумонлар тарқаб кетади. Ҳаётининг ҳақиқий хўжайини аслида мангу рух эканини англаб етган заҳоти инсоннинг дунёвий фаолиятининг кетма-кет

оқибатлари(тақдир, карма) занжири узилиб кетади.

Изоҳ: Худонинг Олий Шахси ҳақида ҳақиқий илмга эга бўлиш - айна пайтда ўзининг мангу рух эканини ҳам англаб етиш демакдир. Тирик мавжудотнинг руҳий табиатга эга экани ҳақида жуда кўп тахмин ва гумонлар, сохта таълимотлар мавжуд. Материалистлар руҳий табиатга эга бўлган зот - "мен"нинг мавжудлигига ишонмайдилар, эмпирик-файласуфлар эса, ҳар бир рухнинг алоҳида мавжудлигини инкор этиб, ягона руҳий табиатнинг шахсиятсиз зот эканига ишонадилар. Илоҳиётчилар эса - рух билан Олий Рух - сифат жиҳатидан бир хил, аммо миқдор жиҳатидан ҳар хил бўлган алоҳида зотлар эканини тасдиқлайдилар. Бу ҳақда бошқа таълимотлар ҳам бор, лекин буларнинг ҳаммаси - одамларнинг ўзлари ўйлаб топган ҳар хил фикрлар бўлиб, инсон *бхакти-його*, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали Шри Кришнани англаб етган заҳоти бундай адашишларнинг ҳаммаси ўзидан-ўзи ғойиб бўлади. Шри Кришна худди қуёшга ўхшайди, Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги ҳар хил дунёвий тахмин, сафсата, сохта таълимотлар эса - қоронғу тун зулматига ўхшайди. Инсон қалбида Кришна қуёши чикқан заҳоти Мутлақ Ҳақиқат ва тирик мавжудотлар ҳақидаги ҳар хил моддий тасаввурлар зулмати тарқаб кетади. Қуёш бор жойда қоронғу зулматга ўрин қолмайди, ҳар кимнинг қалбида Олий Рух кўринишида мавжуд бўлган Кришнанинг марҳамати билан ғофиллик зулмати қоплаган нисбий ҳақиқатлар ҳам аниқ-равшан намоён бўла бошлайди.

«Бхагавад-гита»(10.11)да Парвардигор айтадики, Ўзининг асл содиқларига алоҳида марҳамат кўрсатиш ниятида Унинг Ўзи содиқнинг қалбида соф илм шамчироғини ёқиб, ундаги ҳар хил гумонлар туманини тарқатиб юборади. Агар содиқнинг қалбини Худо Шахсининг Ўзи ёритиб турадиган бўлса, Худога соф садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқ ғафлат зулматида қолиб кетиши асло мумкин эмас. У мутлақ ва нисбий ҳақиқатлар ҳақида мукамал илмга эга бўлади. Содиқ ғафлатда қолиб кетиши мумкин эмас, унга Худо Шахсининг Ўзи илм бераётгани сабабли, албатта, унинг илми мукамал илм бўлади. Мутлақ Ҳақиқат ҳақида фақат ўз тафаккурининг имкониятига таяниб фикр юритадиган одамлар ана шундай имкониятдан маҳрумдирлар. Мукамал илм *парампара*, яъни дедуктив усулда "ишонарли манбадан камтарин тингловчига бериладиган мукамал илм" деб аталади. Содиқнинг садоқати ва холис хизмати унга шу илмни қабул қилиш қобилиятини ато этади. Парвардигорнинг обрўсини тан олмай туриб Уни англаб етишнинг иложи йўқ. Ўзининг кичкина бир заррачаси бўлган ҳолда Ўзини тан олмайдиган, Уни инкор этадиган, алдамчи қувват таъсири остига тушиб қолган рухга Ўзини ошкор этмасликка Унинг, албатта,

ҳаққи бор. Худонинг содиқлари Унга шубҳасиз итоат қиладилар, шунинг учун илоҳий илм Парвардигордан Маъбуд Браҳмага, Браҳмадан эса шогирдлар силсиласи орқали унинг ўғилларига ва шогирдларига берилади. Ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Олий Рух Худонинг итоаткор содиқларига ёрдам бериб, ана шу жараёни бошқариб туради. Илоҳий илми ўрганишнинг мукамал усули ана шундай.

Мукамал онга эга бўлиш содиқ хизматкор рух билан модданинг бир-биридан фарқини англаб олиш қобилиятига эга бўлади, чунки Парвардигор унинг қалбида туриб рух ва модданинг тугунини ечиб юборади. Ана шу тугун *аханкара*, сохта ўзлик деб аталади. *Аханкара* тирик мавжудотни моддий танасини "мен" деб, ўзини моддага қиёслашга мажбур қилади. Ана шу тугун ечилган заҳоти унинг қалбидаги барча гумонлар тумани тарқалиб кетади. Инсон ўзининг ҳақиқий ҳукмдорини яққол кўра бошлайди, шунда у дунёвий кармали фаолиятлар занжирини узиб ташлаб, ўзини бутунлай Худога садоқат ва илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга бағишлайди. Дунёвий ҳаётда тирик мавжудот ўзининг кармали фаолият занжирини яратади ва умрлар оша ўзининг яхши ва ёмон ишларининг оқибатларига дучор бўлиб, "эканини ўриб" юради. Лекин у Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирган заҳоти ана шу карма(тақдир) чангалидан халос бўлади. Шунда унинг фаолияти ҳеч қандай натижа ва оқибатларга олиб келмай қўяди.

22. Шу боис азалдан, илоҳий илм соҳиби бўлган донишмандларнинг ҳаммаси, чуқур лаззат билан Худонинг Олий Шаҳси Парвардигор Кришнага садоқат билан хизмат қиладилар, чунки ана шундай ҳолис хизмат қилиш руҳни жонлантириб, қалбларга ором беради.

Изоҳ: Бу ерда Худога, Худонинг Олий Шаҳси Парвардигор Кришнага садоқат билан хизмат қилишнинг аҳамияти алоҳида таъкидланяпти. Парвардигор Кришна - Худо Шаҳсининг *свайам-рупа*(бошланғич, азалий кўриниши)си, Парвардигорнинг Шри Баладева, Санкаршана, Васудева, Анируддха, Прадйумнадан бошлаб то пуруша-аватаралар, гуна-аватаралар, лила-аватаралар, йуга-аватаралар сингари Парвардигор намоён этган бошқа барча кўриниш, қиёфалар эса Парвардигор Кришнанинг тўлиқ ва қисман намоён бўлган қисмларидир. Тирик мавжудотлар - Худо Шаҳсининг алоҳида-алоҳида ажралмас руҳий заррачаларидир. Шундай қилиб, Парвардигор Шри Кришна - Худонинг бошланғич азалий қиёфаси, Мутлақ Ҳақиқатнинг энг олий намоён бўлган кўриниши. Шу боис Унинг турли хил мангу эрмакларида иштирок этаётган илоҳий зотларни Парвардигорнинг бошқа барча қиёфаларидан кўра Кришна кўпроқ Ўзига жалб этади. Худо Шаҳсининг Шри Кришна ва

Баладевадан бошқа қиёфалари билан Парвардигорнинг Вржабхумида намоён этган илоҳий эрмакларидагидай яқин муносабатда бўлишнинг илоҳи йўқ. Баъзи бир калтафаҳм одамлар таъкидлаётганидай, Парвардигор Кришнанинг илоҳий эрмаклари ҳали яқиндагина тан олинган янгиликлар эмас, - Унинг эрмаклари мангу давом этади ва худди ҳар куни йигирма тўрт соатдан кейин шарқда албатта бош кўтарадиган куёш сингари, аниқ белгиланган вақтда, Маъбуд Браҳманинг ҳар бир кунида албатта намоён бўлиб туради.

23. Худонинг Илоҳий Шаҳси моддий табиатнинг уч гунаси: эҳтирос, эзгулик ва ғафлат билан билвосита боғлиқ бўлиб, фақат моддий борлиқни яратиш, унинг мавжудлигини таъминлаб туриш ва яқсон қилиш учунгина У уч сифат кўринишида намоён бўлади, яъни Браҳма, Вишну ва Шива қиёфасига киради. Бу уч қиёфадан эзгулик сифати(гунаси)нинг тимсоли бўлган Вишну инсонга энг олий саодат ато этади.

Изоҳ: Юқорида, инсон Ўзини тўлиқ қисмларида намоён этадиган Парвардигор Шри Кришнага садоқат билан хизмат қилиши лозимлигини тушунтирган эдик, бу ерда ҳам ана шу ҳақиқат тасдиқланяпти. Парвардигор Шри Кришна ва Унинг намоён бўлган барча тўлиқ қисмлари - *вишну-таттва*, яъни ягона Худо, Парвардигордир. Шри Кришнадан Баладева, Баладевадан Санкаршана, Санкаршанадан - Нарайана, Нарайанадан - иккинчи Санкаршана, шу Санкаршанадан - Парвардигор Вишнунинг пуруша-аватаралари намоён бўлади. Парвардигор Вишну, моддий оламдаги эзгулик гунасининг Илоҳи Кширодакашайаи-Вишну ёки Параматма деб аталадиган пуруша-аватара ҳисобланади. Маъбуд Браҳма - *раджас*(эҳтирос) гунасининг Илоҳи, Маъбуд Шива эса - ғафлат гунасининг Илоҳи. Уларнинг ҳар бири моддий оламда моддий табиат гуналарининг биттасини бошқариб туради. Парвардигор Вишнунинг эзгулиги олам яралишини таъминлайди, оламнинг яқсон бўлишини эса *тандава-нритйи* ёрдамида Маъбуд Шива таъминлайди. Материалистлар ва ғофил одамлар мос равишда Маъбуд Браҳмага ва Маъбуд Шивага сиғинадилар. Соф илоҳий илмга эга бўлган кишилар эса, эзгулик гунасининг тимсолига - Парвардигор Вишнунинг турли қиёфаларига сиғинадилар. Парвардигор Вишну Ўзини миллион, миллиардлаган ажралган ва алоҳида қиёфаларда намоён этади. Парвардигор Вишнунинг намоён этган ажралмаган қиёфалари "Худо" деб аталдилар, Ундан ажралган алоҳида намоён бўлган заррачалари эса - живалар, яъни тирик мавжудотлардир. Живаларнинг ҳам Худонинг ҳам азалий, бошланғич руҳий қиёфаси, кўриниши бор. Живалар баъзан моддий қувват

таъсири остига тушиб қоладилар, аммо Вишнунинг тўлиқ киёфалари(Худолар) моддий қувватни бошқариб турадилар. Худо Шахси, Парвардигор Вишну моддий қувват таъсири остига тушиб қолган тирик мавжудотларни руҳий озодликка чиқариш учун руҳий оламдан келиб, Ўзини моддий оламда намоён этади. Тирик мавжудотлар моддий оламга ҳукмронлик қилиш ниятида бу оламга келадилар ва моддий табиат гуналари чангалига тушиб қоладилар. Шу тариқа тирик мавжудотлар моддий олам зиндонидан ҳар хил шароитларда ўзларининг моддий таналарини алмашлаб, турлича вақтга қолиб кетишга мажбур бўладилар. Бу моддий олам зиндонини Худо Шахсининг раҳбарлиги остида Маъбуд Браҳма яратади, *кална* охирида эса Маъбуд Шива уни яксон қилади. Худди мамлакатдаги қамокхоналарни ҳам ҳукуматнинг ўзи таъминлаб тургани сингари, бу моддий олам зиндонининг мавжудлигини Парвардигор Вишнунинг Ўзи таъминлаб туради. Шунинг учун моддий оламнинг кетма-кет туғилиш, касаллик, кексаллик ва ўлишлар туфайли юзага келадиган мусибатларга тўла тутқунлигидан озодликка чиқишга интилаётган фаросатли инсон олдига қўйган мақсадига эришиши учун ўз хизмати билан Парвардигор Вишнунинг мамнун қилиши лозим. Парвардигор Вишнуга фақат Унга садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида сиғиниш мумкин. Моддий олам зиндонидан ҳаёт кечиришни давом эттиришни истайдиган одамлар эса, бу дунёда вақтинчалик қулайликларга эришиш ниятида турли фаришталарга - Маъбуд Шивага, Маъбуд Браҳмага, Индрага, Варунага сиғинишлари мумкин. Лекин, ҳеч қандай фаришта тирик мавжудотни моддий олам зиндонидан озодликка олиб чиқишга қодир эмас. Бунга фақат Парвардигор Вишну қодир. Шу боис инсонга энг юксак, энг буюк бахтни фақат Парвардигор Вишну бера олади.

24. Ўтин - бу шакли ўзгарган тупрок(ер)дир, аммо, тутун ҳўл ўтиндан яхшироқ. Олов ундан ҳам яхшироқ, чунки олов ёрдамида(қурбонлик қилиб) энг олий илм орқали эришиш мумкин бўлган илохий бойликларга эришиш мумкин. Худди шундай, эҳтирос(раджас) гунаси ғафлат(тамас)гунасидадан кўра яхшироқ, аммо эзгулик(саттва) гунаси ундан ҳам яхши, чунки фақат эзгулик гунасидаги инсон Мутлақ Ҳақиқатни англай олади.

Изоҳ: Юқорида тушунтирилганидай, моддий оламдаги шартланган ҳолатдан фақат Худо Шахсига садоқат билан хизмат қилиш орқали озодликка чиқиш мумкин. Бу ерда шунга қўшимча қилиб айтиляптики, Худого садоқат билан хизмат қилишга муносиб бўлиш учун инсон эзгулик(*саттва*) поғонасига кўтарилиши лозим. Гарчи жуда кўп қийинчиликларга учраса ҳам, агар

тажрибали руҳий устоз раҳбарлигини қабул қилса, ҳатто *тамас*, ғафлат ботқоғига ботган киши ҳам аста-секин *саттва*(эзгулик)-гуна поғонасига кўтарила олади. Шу боис ҳаётда баркамолликка эришишга жиддий интилаётган киши албатта тажрибали руҳий устозга мурожаат қилиши лозим. Ҳақиқий руҳий устоз эса, инсонни ҳар қандай ҳолатдан - хоҳ ғафлат, хоҳ эҳтирос, хоҳ эзгулик ҳолатидан руҳий озодликка чиқара олишга қодир.

Шунинг учун, ҳар хил кучларга ёки Худонинг Олий Шахсининг намоён этган ҳар қандай кўринишига сажда қилиш ҳам охир-оқибатда бир хил натижага олиб келади деб ҳисоблаш нотўғри. Парвардигорнинг Вишнудан бошқа барча ажралган кўринишлари моддий қувват шароитларига бўйсунган ҳолда намоён бўлади, демак, моддий қувватнинг бу киёфалари ҳеч кимни *саттва*, эзгулик поғонасига кўтаришга қодир эмас. Моддий олам тутқунлигидан эса фақат *саттва*, эзгулик поғонасига кўтарилган киши озодликка чиқа олади.

Маданиятсиз одамларнинг, шунингдек пасткаш ҳайвонларнинг ҳаётини *тама-гуна* назорат қилиб туради. Ҳар хил моддий фаровонликларга, дунёвий бойликларга интилиш кучли бўлган маданиятга асосланган ҳаёт *раджас*, эҳтирос гунаси поғонасида турган бўлади. *Раджас*, эҳтирос гунаси инсонга ахлоқ-одоб қоидалари билан бирга фалсафада, санъатда, маданиятда намоён бўладиган улугвор туйғулар кўринишида "ҳаракатга келтирувчи куч" ато этади. Ана шу куч инсонга маълум даражада Мутлақ Ҳақиқатни англаб етиш имконини беради, аммо *саттва-гуна* - яна ҳам юксакроқ бўлган моддий поғона бўлиб, унга эришган киши Мутлақ Ҳақиқатни асл ҳолида англай олади. Бошқача қилиб айтганда, турли хил сиғинишлар сифат жиҳатидан, шунингдек, моддий оламни бошқариб турган Маъбуд Браҳма, Парвардигор Вишну ва Харига сиғиниш орқали эришиладиган натижалар жиҳатидан бир-биридан бутунлай фарк қилади.

25. Азалдан барча буюк донишмандлар Худо Шахсига хизмат қиладилар, чунки Парвардигор моддий табиатнинг уч гунаси таъсиридан озод бўлиб, улардан устун туради. Моддий олам тутқунлигидан халос бўлиш ва шу билан бирга ҳаётда энг юксак бахтга эришиш учун улар Худо Шахсига сиғинганлар. Шундай буюк донишмандлардан ўрнак олиб, уларнинг изидан бораётган ҳар қандай инсон ҳам моддий олам тутқунлигидан озод бўлишга муносибдир.

Изоҳ: Ҳақиқий дин фақат қандайдир моддий фаровонликка эришиш ёки шунчаки руҳ билан модда орасидаги фарқни англаб етиш учун мўлжалланмаган. Диний фаолиятдан кўзланадиган энг олий мақсад - моддий олам чангалидан қутулиш ва Парвардигорнинг Ўзи энг Олий Шахс

бўлган рухий оламдаги мангу озод ҳаётга эришишдан иборат. Демак, ҳақиқий дин конунларини фақат Худонинг Ўзи яратиб қўйган, ҳақиқий диннинг мақсади ҳам *маҳажанлардан*, яъни Парвардигор алоҳида ваколат берган зотлардан бошқа ҳеч кимга маълум эмас. Ҳақиқий диннинг мақсади Худога садоқат ва илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган ўн икки маҳажанга маълум. Ўзига яхшилик қилишни истайдиган фаросатли киши ана шу маҳажанлар изидан боришлари мумкин, шунда улар ҳаётда энг буюк бахтга эришадилар.

26. Озодликка чиқиш учун жиддий интилаётган инсонлар, албатта, ҳеч кимга ҳасад қилмайдилар ва ҳаммани бирдай ҳурмат қиладилар. Улар турли фаришталарнинг ёқимсиз ва кишини даҳшатга соладиган қиёфаларига сиғинишни инкор этадилар ва фақат Парвардигор Вишну ҳамда Унинг тўла бутун бўлақларининг мафтун этувчи қиёфаларига сажда қиладилар.

Изоҳ: Худонинг Олий Шахси Шри Кришнанинг, Вишну-таттваларнинг бошланғич шахсининг экспансиялари икки тоифага бўлинадилар: ажралмас тўлиқ намоён бўлган қисмлар ҳамда ажралган таркибий қисмлар. Ажралган таркибий қисмлар - хизматкорлар; вишну-таттванинг ажралмаган, тўлиқ намоён бўлган қисмлари - хизмат қилиш ва сиғиниш лозим бўлган Зотлар.

Парвардигор ҳар хил қудрат, ҳокимият ато этиб қўйган турли фаришталарнинг ҳаммаси - Унинг ажралган таркибий қисмларидир. Улар *вишну-таттва* тоифасига мансуб эмас. Вишну-таттвалар - Худонинг Олий Шахси билан тенг қудратга эга бўлган тирик мавжудотлар бўлиб, Улар замон ва макон шароитига мос равишда Ўзининг чексиз қудратининг маълум жиҳатларини намоён этадилар. Чексиз қудратга эга бўлган вишну-таттвалардан фарқли равишда ажралган таркибий қисм(фаришта)ларнинг қудрати чекланган. Шунинг учун вишну-таттваларни, Худо Шахси Нарайананинг тўлиқ қисмларини Унинг ажралган таркибий қисмлари тоифасига қўшмаслик керак. Шундай қилган киши шу заҳотиёқ ҳақорат содир қилган, Худога шак келтирган *пашандига*, яъни иймонсиз даҳрийга айланади. Кали-йуга даврида ҳеч қандай асоссиз равишда бу икки тоифа тирик мавжудотларни бир-бирига тенглаштириб, жуда кўп ғофил одамлар ана шундай гуноҳ қилиб юрибдилар. Ўзларининг моддий қудратига мос равишда Парвардигорнинг ажралган таркибий қисмлари моддий оламда ҳар хил мартабага эга бўладилар. Уларнинг баъзилари Кала-бхаиравага, Шмашана-бхаиравага, Шанига, Махакалига ва Чандикага ўхшайдилар. Ана шу фаришталарга асосан ғафлат гунасидаги одамлар сиғинадилар. Маъбуд Брахма, Маъбуд Шива, Куёш фариштаси Сурйа, санъат фариштаси Ганеша сингари

фаришталарга эса эҳтирос гунаси таъсири остида моддий лаззатларга интилиб юрган одамлар сиғинадилар. Ҳақиқатан ҳам моддий табиатнинг эзгулик гунаси(саттва-гуна) таъсири остида яшайдиган илмли одамлар фақат вишну-таттваларга сиғинадилар. Вишну-таттваларнинг жуда кўп қиёфалари ва муқаддас номлари мавжуд: Нарайана, Дамодара, Вamana, Говинда, Адхокшаджа ва ҳоказо.

Мукамал илмга эга бўлган билимдон брахманлар вишну-таттваларнинг *шалаграма-шила* қиёфасига сиғинадилар. Одатда маданиятли жамиятда юқори табақага мансуб бўлган обрўли одамлар - кшатрий ва вайшьялар ҳам вишну-таттваларга сиғинадилар.

Сиғинишнинг ҳар хил кўринишлари эзгулик гунасида яшайдиган билимдон брахманнинг ғашини келтирмайди. Улар ҳатто *Кала-бхаирава* ёки *Маха-кали* сингари даҳшатли кўринишга эга бўлган фаришталарга ҳам муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатадилар. Улар Парвардигорнинг ана шу даҳшатли кўринишда намоён бўлган таркибий қисмлари ҳам ўзига яраша Худога садоқат билан хизмат қилаётганини яхши биладилар. Шунга қарамай, улар барибир даҳшатли қиёфадаги фаришталарга сиғинишни ҳам, кўриниши чиройли фаришталарга сиғинишни ҳам инкор этадилар ва фикру-хаёлини фақат Парвардигор Вишнунинг турли қиёфаларида мужассам қиладилар, чунки шартланган моддий ҳаёт тутқунлигидан бутунлай халос бўлишга жиддий интиладилар. Фаришталарнинг бирортаси, ҳатто энг асосий фаришта Маъбуд Брахма ҳам бирор тирик мавжудотга рухий озодлик бағишлай олмайди. Хираньякашипу мангу ҳаётга эришиш ниятида қаттиқ риёзатларга берилиб яшади, аммо у сиғинаётган фаришта Маъбуд Брахма унга мангу ҳаёт ато эта олмади. Шунинг учун билимдон донишмандлар Парвардигор Вишнудан бошқа ҳеч кимни *мукти-пада* яъни, "тирик мавжудотни рухий озодликка чиқаришга қодир бўлган Худо Шахси" деб атамайдилар. Фаришталар ҳам моддий оламда яшайдиган бошқа тирик мавжудотларга ўхшайдилар, моддий олам яқсон бўлганда уларнинг ҳаммаси халок бўладилар. Ўзининг содиқларини рухий озодликка чиқариш нари турсин, улар ҳали ўзлари ҳам озодликка чиқолмайдилар. Фаришталарга сиғиниб юрган одамлар улардан фақат баъзи бир вақтинчалик манфаат кўришлари мумкин. Фаришталар инсонга энг олий бахт ато эта олмайдилар.

Айнан шу сабабли рухий озодликка чиқишга жиддий интилиб юрган илмли одамлар гарчи фаришталарни ҳурмат қилсалар ҳам, ҳар қандай фариштага сиғинишни онгли равишда инкор этадилар.

27. Эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсири остидаги одамлар аввал яшаб ўтган аждодлари руҳига, моддий оламнинг ишларини бошқариб турган

фаришталарга ва бошқа тирик мавжудотларга сиғинадилар чунки улар ҳаётда аёллар, мол-дунё, бола-чақа орттириш ва бошқалар устидан ҳукмронлик қилишга эришиш каби моддий манфаатларга интилиб яшайдилар.

Изоҳ: Ўзининг асл ҳолига, Худонинг даргоҳига қайтиб кетишга интилаётган кишининг мақсади жиддий, шу боис фаришталар қанчалик қудратли бўлса ҳам, фаришталарга сиғиниш уни мутлақо қизиқтирмайди. «Бхагавад-гита»(7.20.23)да аниқ айтилганки, моддий лаззатларга алданиб қолган ғофил одамлар, калтафаҳм одамлар учун мўлжалланган ўткинчи дунёвий орзу-ҳавасларга эришиш ниятида ҳар хил фаришталарга мурожаат қиладилар. Тобора чигаллашиб борадиган ҳар турли дунёвий моддий лаззатларга интилиб юрмаслик керак. Инсон моддий лаззатлардан меъйорида, оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас - фақат тананинг ҳаётини таъминлаб туриш учун етарли бўлган миқдордагина фойдаланиши лозим. Моддий лаззатланишни кўпайтириш - бу дунёда ўзини яна ҳам кўпроқ азоб-уқубатларга, изтиробларга дучор этиш демакдир. Кўпроқ пул, мол-дунё, кўпроқ аёллар, кўпроқ обрў-мартаба; бу дунёдаги иймонсиз одамлар интилиб яшайдиган нарсаларнинг баъзилари ана шулардан иборат, чунки улар Парвардигор Вишнуга сиғиниш орқали инсон эриша оладиган буюк бахт ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Ҳаётда Парвардигор Вишнуга сиғиниб яшаш инсоннинг ҳозирги ҳаётида ҳам, ўлганидан кейинги ҳаётида ҳам чексиз бахт келтиради. Ана шу конун-қоидаларни эсидан чиқариб қўйгани туфайли ҳаётда кўпроқ мол-дунё, кўпроқ аёллар, кўпроқ бола-чақа орттиришга интилиб юрган аҳмоқ, ғофил одамлар бу дунёдаги ҳар хил қудратли фаришталарга сиғинадилар. Инсон бўлиб яшашдан мақсад - мусибатларни тобора чуқурлаштириш эмас, балки улардан биратўла бутунлай ҳалос бўлишдан иборат.

Моддий лаззатларга эришиш учун фаришталарга сиғиниб юришнинг мутлақо ҳожати йўқ. Фаришталар - Парвардигорнинг хизматкорларидир, улар тирикчилик учун зарур бўлган сув, ҳаво, ёруғлик сингари ҳамма нарсаларни етказиб берган ҳолда тирик мавжудотларнинг ҳаётини тўла таъминлаб туришлари шарт. Инсон фақат Худонинг розилиги учун тер тўкиб ҳалол меҳнат қилиши ва ўз меҳнатининг натижаларини Парвардигорга эҳсон қилиб, Унга сиғиниб яшаши керак. Ҳақиқий инсоннинг бу дунёда яшаш қонуни ана шундай бўлиши лозим. Инсон ҳаётда ўз бурчини сидқидилдан, чуқур иймон ва виждон билан бажариб яшаши лозим, бу уни Худонинг мангу даргоҳига олиб борадиган руҳий юксалиш йўлидан адашмай олға силжиб боришига ёрдам беради.

Парвардигор Кришна Враджабхумида яшаган пайтида, фаришта Индрага сиғиниш маросимини

таъқиқлаган ҳамда Враджа аҳолисига Худонинг Олий Шахсига чуқур иймон келтириб, ҳаётда ўз бурчини ҳалол бажариш ва фақат Унга сиғинишни маслаҳат берган эди. Қандайдир моддий манфаат кўзлаб фаришталарга сиғиниш - Худони, Унинг қонунларини, ҳақиқий динни ҳақоратлаш ҳисобланади. *Каутава-дхарма* деб аталиб, бундай диний фаолиятлар "Шримад Бхагаватам"нинг аввал бошиданоқ инкор этилган, қораланган эди. Бутун оламда ҳамма амал қилиши лозим бўлган фақат битта дин бор, у ҳам бўлса - *бхагавата-дхарма*, яъни бошқа ҳеч кимга сиғинмасдан Худонинг Олий Шахсига, ягона Парвардигорга сиғинишни ўргатадиган ҳақиқий диндир.

28-29. Муқаддас китобларда тасдиқланганки, таниш, билиш, англаб етиш лозим бўлган энг буюк Зот - Худо Шахси, Шри Кришна. Ҳар қандай нарсани қурбон қилишдан мақсад - Уни мамнун қилиш. Йога билан шуғулланишдан мақсад - Уни таниш. Охир-оқибатда барча тирик мавжудотларни қилган ишларининг натижаси билан ёлғиз Унинг Ўзи мукофотлайди. У - олий илмдир, барча машаққатли риёзатлар Уни англаб етиш учун чекилади. Ҳақиқий дин(дхарма) - Худо Шахсига садоқат(ихлос) билан холис хизмат қилиш демакдир. Парвардигор - ҳаётнинг энг олий мазмуни, мақсадидир.

Изоҳ: Худо Шахси, Шри Кришна - сиғиниш лозим бўлган ягона Парвардигордир, бу икки мисрада ана шу ҳақиқат тасдиқланган. Барча ведавий муқаддас китобларда ҳам ана шу ягона мақсад кўрсатилган: Парвардигор билан ўзаро муносабат ўрнатиш ва ўзимиз унутиб юборган асл ҳолатимизга - Худога муҳаббат ва садоқат билан мангу хизмат қилиб яшаш ҳолатимизга қайтиш. Барча ведавий муқаддас китобларнинг асл мазмуни шундан иборат. «Бхагавад-гита»да ҳам ана шу ҳақиқат тасдиқланади, унда Парвардигорнинг Ўзи айтадики, Ведаларни ўрганишдан якуний мақсад - Уни англаб етишдан иборат. Ведавий муқаддас китобларнинг ҳаммаси Парвардигор томонидан нозил қилинган. Бу дунёда фақат бир мақсадни - моддий табиат шароитига тушиб қолган шартланган руҳларга Шри Кришнани, Худо Шахсини эслатиб қўйишни кўзлаб, Парвардигор Шрила Вйасадева қиёфасида намоён бўлган. Бирор фаришта шартланган руҳларни оддий тутқунликдан озодликка чиқаришга қодир эмас. Бу ҳақиқат барча ведавий муқаддас китобларда тасдиқланган. Худо Шахси ҳақида мукамал илмга эга бўлмагани туфайли имперсоналистлар Уни бошқа оддий тирик мавжудотлар билан бир қаторга қўйиб, Унинг қудратини муносиб кадрламай, камситадилар. Шу боис уларнинг моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқиши жуда мушкул. Шу боис улар жуда кўп умрлар давомида илоҳий илм сирларини

чукур ўрганганларидан кейингина Худо Шахсига ўз ихтиёрларини топшира оладилар.

Бунга эътироз билдириб, "Ведаларда тавсия қилинган фаолиятларнинг ҳаммаси асосан қурбонлик маросими ўтказиш билан боғлиқ-ку" деб айтиш мумкин. Шундай, лекин қурбонлик маросими ўтказишдан мақсад - Васудева ҳақидаги ҳақиқат илмини ўрганишдан иборат. Васудеванинг номларидан бири - Йаджна(Қурбонлик), «Бхагавад-гита»да аниқ айтилганки, инсоннинг бутун фаолияти, ўтказган барча қурбонлик маросимлари фақат Йаджнани, яъни Худо Шахси Вишнуни мамнун қилишга қаратилган бўлиши лозим. Йога билан шуғулланишдан мақсад ҳам шундай бўлиши керак. Йога - Худо Шахси билан алоқа ўрнатиш, Парвардигор билан боғланиш демакдир. Йога жараёни *асана, дхйана, пранайама* ва муроқабани сингари тана билан боғлиқ бўлган баъзи жиҳатларни ҳам ўз ичига олади, аммо буларнинг ҳаммаси инсон ўз фикрини қалбидаги Васудевада - Параматмада мужассам қила олиши учун мўлжалланган. Параматмани англаб олиш - Васудевани қисман англаб олиш демакдир, бу йўлда муваффақиятга эришган киши Васудевани тўлиқ англаб етади. Афсуски, баъзи йоглар жисмоний усуллар ёрдамида баъзи бир сеҳр кудратларига эришганларидан кейин бу йўлдан адашиб, омадсизликка учрайдилар. Ана шундай омадсиз йоглар кейинги ҳаётларида илмли такводдор брахманлар ёки бой-бадавлат савдогарлар оиласида дунёга келиб, аввалги ҳаётида бошлаган ишини - Васудевани англаш жараёнини охирига етказиш учун яна бир имкониятга эга бўладилар. Ана шундай омадли брахманлар ёки бадавлат одамларнинг фарзандлари агар шу имкониятдан тўғри фойдалана олсалар, билимдон авлиё зотлар билан ҳамсуҳбат бўлиб юриш орқали осонлик билан Худони, Васудевани англаб етадилар. Бахтга қарши омад кулиб боққан ана шундай одамларнинг аксарият кўпчилиги одатда яна мол-дунёга, шон-шухратга боғланиб қоладилар, шу боис улар инсоннинг бу дунёда яшашдан асосий мақсади нима эканини бутунлай унутиб юборадилар.

Дунёвий илм ўрганиб юрганларнинг тақдирини ҳам шундай бўлади. «Бхагавад-гита» таълимотига кўра илм ўрганиш жараёни ўн саккиз таркибий қисмдан иборат. Ҳақиқий илмга эга бўла бошлаган киши аста-секин манманлик, мағрурлик иллатидан халос бўла боради, бирор тирик мавжудотга зулм ўтказишни, озор беришни тарк этади, сабрли, содда, очиқ бўла бошлайди, ўз ихтиёрини бутунлай руҳий устозига топширади ва ҳиссиёт(нафс)ини жиловлаб олади. Кўпроқ илмга эга бўла борган сари у уйига, оиласига боғланиш туйғусидан халос бўлади; туғилиш, касаллик, кексалик ва ўлим тирик мавжудотга оғир мусибатлар келтиришини англай бошлайди. Илм олишнинг энг юқори поғонаси - Худо Шахси,

Васудевага садоқат билан хизмат қилиш ҳисобланади. Демак, Васудева - илм-фаннинг барча соҳаларини ривожлантиришнинг энг олий мақсади ҳисобланади. Инсонни Васудева(Парвардигор) билан бевосита мулоқот қилишнинг илоҳий поғонасига кўтара оладиган илм - ҳақиқий илмдир. Дунёвий илмнинг барча соҳалари «Бхагавад-гита»да *аджнана*, яъни "ҳақиқий илмнинг акси", яъни "ғофиллик" деб қораланади. Дунёвий илмнинг энг олий мақсади - ҳиссиёт(нафс, сезгилар)нинг талабларини тўлароқ қондиришдан иборат. Нафснинг талабини қондириш эса - моддий оламда қолиб кетишни, уч турли моддий мусибатларга дучор бўлиш даврини узайтириш демакдир. Мусибатларга тўла бу дунёда қолиш вақтини узайтирадиган илм, албатта ғофиллик, ғафлат, жаҳолатдан бошқа нарса эмас. Аммо, моддий илм-фан инсонни руҳий илм ўрганиш йўлига олиб келса, у инсоннинг мусибатларга тўла моддий тирикчилик даврини тугатиб, Васудева ҳолатида, илоҳий лаззатга тўла руҳий ҳаёт кечири бошлашига ёрам беради.

Бундай ҳолат риёзатнинг, тавба-тазаррунинг барча турларига ҳам тааллуқлидир. *Tanascya*, яъни тавба-тазарру, риёзат - ҳаётда олий мақсадга эришиш мақсадида танани онгли равишда қандайдир азоб-уқубатларга, изтиробларга дучор этиш демакдир. Раван ва Хираниякашипу ҳиссиёти, сезгиларининг талабларини тўлароқ қондириш, уларни лаззатлантириш мақсадида танасига озор бериб, узоқ вақт қаттиқ риёзатларга берилдилар. Ҳозирги сиёсатчилар ҳам баъзан қандайдир сиёсий мақсадларни кўзлаб қаттиқ риёзатга берилдилар. Аслида буларнинг бирортасини ҳақиқий *tanascya* деб бўлмайди. Васудева(Худо)ни англаб етиш мақсадида онгли равишда ҳар хил жисмоний қийинчиликларга, ноқулайликларга бардош бериш - ҳақиқий риёзатдир. Бошқа мақсадни кўзлаган риёзатларнинг ҳаммаси эҳтирос ва ғафлат гуналарига хос бўлган риёзатлардир. Эҳтирос ва ғофиллик моддий оламдаги тирикчиликнинг барча мусибатларига биратўла чек қўйишга қодир эмас. Фақат эзгулик гунаси бу дунёдаги уч турли мусибатларни камайтиришга қодир. Парвардигор Кришнанинг ота-онаси ҳисобланган Васудева билан Деваки, Кришна уларнинг ўғли бўлиб туғилиши учун онгли равишда қаттиқ риёзатларга берилдилар. Парвардигор Кришна - барча тирик мавжудотларнинг отаси(бг.14.4). Кришна - барча тирик мавжудотлар ичида азалий, бошланғич тирик мавжудотдир. Кришна - бошқа барча лаззатланувчи зотлар ичида бошланғич мангу лаззатланувчидир. Демак, илмсиз ғофил одамларнинг айтиб юрганларидай, ҳеч ким Уни яратиб, Унга ота бўлолмайди. Парвардигор Шри Кришнанинг Ўзи Васудева билан Девакининг ўғли сифатида бу дунёга келиб-кетишга рози бўлди, чунки уларнинг узоқ вақт чеккан қаттиқ риёзатларидан жуда мамнун бўлган эди. Шунинг

учун фаросатли одам ҳар қандай риёзатни фақат илм олишнинг асосий мақсади бўлган Васудевани англаб етиш мақсадида чекиши лозим.

Васудева - Худонинг азалий бошланғич Олий Шахси бўлган Парвардигор Кришна. Аввал тушунтирилганидай, Худонинг азалий Олий Шахси Ўзини сон-саноксиз қиёфаларда намоён этади. Буни Унинг сон-саноксиз қувватлари таъминлайди. Унинг сон-саноксиз турли қувватлари орасида "ички қуввати" сифат жиҳатидан "ташки қуввати"дан устун туради. «Бхагавад-гита»(7.4-6)да улар *para* ва *anara prakriti* деб таърифланган. Унинг ички қувватлари ёрдамида намоён этган экспансиялари олий қиёфалар бўлса, ташки қувватлари ёрдамида намоён этиладиган экспансиялари - куйи қиёфалар ҳисобланади. Тирик мавжудотлар ҳам Унинг экспансияларидир. Унинг ички қуввати намоён этган тирик мавжудотлар - мангу озод шахслардир, моддий қувват ичида юрган экспансиялари эса - мангу шартланган рухлардир. Шу боис, илм ўрганишдан, риёзат чекишдан, курбонлик маросими ўтказишдан ва ҳар қандай фаолият кўрсатишдан кўзланадиган асосий мақсад - ҳозир биз яшаётган шароитни сифат жиҳатидан тубдан ўзгартиришга қаратилган бўлиши керак. Ҳозир бизни Парвардигорнинг ташки қуввати бошқариб, бизга таъсир қилиб турибди, ана шу таъсирни, ҳукмронликни ўзгартириш учун биз ўзимизда руҳий қувватни ривожлантиришимиз лозим. «Бхагавад-гита»да айтилганки, махатмалар, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш имконини берадиган даражада кенг дунёқарашга эга бўлган буюк зотлар Парвардигорнинг ички қувватининг ҳукми, ҳимояси остида бўладилар. Инсоннинг Парвардигорнинг руҳий қуввати таъсири остида бўлишининг белгиси шундан иборатки, шундай кенг дунёқарашга эга бўлган инсон ҳамиша фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш билан машғул бўлиб яшайди. Ҳақиқий комил инсоннинг ҳаётда яшашдан ягона мақсади шундан иборат бўлиши лозим, буни барча ведавий муқаддас китоблар тасдиқлайди. Комил инсон ҳар хил дунёвий фаолият билан ёки илоҳий илм ҳақидаги куруқ, бемаъни фалсафий сафсаталар билан ўзини қийнаб юришининг мутлақо ҳожати йўқ. Ҳар бир фаросатли инсон ҳаяллаб ўтирмасдан Худога соф садоқат билан хизмат қилиб яшаш йўлига кириши лозим. Парвардигорнинг ёрдамчилари сифатида бу моддий оламни яратишда, унинг мавжудлигини таъминлаб туришда ва уни яқсон қилишда иштирок этадиган турли тоифадаги фаришталарга сиғиниб юришнинг ҳам мутлақо ҳожати йўқ. Моддий олам фаолиятини бошқариш билан машғул бўлиб юрган сон-саноксиз қудратли фаришталар бор, уларнинг ҳаммаси - Парвардигор Васудеванинг ёрдамчиларидир. Ҳатто Маъбуд Браҳма ва Маъбуд Шива ҳам фаришталар тоифасига киради, лекин Парвардигор Вишну, яъни Васудева ҳамиша илоҳий ҳолатда қоладиган

илоҳий Зотдир. У моддий оламнинг эзгулик гунаси қиёфасига кирса ҳам, барибир У моддий табиат гуналарининг барчасига нисбатан илоҳий ҳолатда қолаверади. Буни куйидаги мисолда тушунтириш мумкин. Қамоқхона ичида маҳбуслар ҳам бор, қамоқхона хизматчилари ҳам. Маҳбуслар ҳам, хизматчилар ҳам шоҳ ўрнатган тартибга, қонунларга бўйсундилар. Аммо, шоҳнинг ўзи, баъзида қамоқхонага борган пайтларида ҳам унга қамоқхона учун чиқариб қўйган қонунлар таъсир қилмайди, яъни шоҳ ҳамиша қамоқхона қонунларидан устун ҳолатда қолаверади. Худди шундай, Парвардигор ҳам ҳамиша моддий олам қонунларига нисбатан илоҳий ҳолатда қолаверади.

30. Моддий оламнинг яратилиш аввалида Худонинг ана шу Мутлақ Шахси Васудева, Илоҳий ҳолатда қолган ҳолда, Ўзининг ички қуввати ёрдамида сабаб ва оқибат қувватларини яратди.

Изоҳ: Парвардигор ҳамиша илоҳий ҳолатда, чунки моддий оламни яратиш учун зарур бўлган сабаб ва оқибат қувватини ҳам Унинг Ўзи яратиб қўйибди. Демак, моддий табиат гуналарининг сифатлари Унга таъсир қилмайди. Унинг борлиги, қиёфаси, фаолияти ва атрофидаги зотлар моддий олам яралишидан аввал ҳам мавжуд эди. У бутунлай руҳий табиатга эга бўлиб, моддий олам сифатларига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Моддий оламнинг сифатлари Парвардигорнинг руҳий сифатларидан бутунлай фарқ қилади.

31. Моддий борлиқнинг асосини яратгач, Парвардигор(Васудева) Ўзини кўпайтириб, моддий борлиқ ичига кирди. Гарчи У табиатнинг моддий гуналари ичида бўлган ҳолда, яратилган мавжудотларнинг биридай бўлиб туюлса ҳам, Ўзининг илоҳий ҳолатда эканини ҳамиша мукамал англаб юради.

Изоҳ: Тирик мавжудотлар - Парвардигорнинг ажралган таркибий қисмларидир. Руҳий оламда яшашга лойиқ бўлмаган шартланган рухлар моддий нарсалар билан лаззатланиш учун моддий олам бўйлаб сарсон бўлиб юрибдилар. Парвардигор Параматма, яъни "ҳар бир тирик мавжудотнинг мангу дўсти" сифатида Ўзининг тўлиқ қиёфаларининг бирида тирик мавжудотлар билан ҳамиша бирга юриб, уларнинг моддий лаззатланишига йўл кўрсатади ва уларнинг фаолиятини кузатиб юради. Тирик мавжудот атрофидаги моддий нарсалар билан лаззатланиб юрганида Парвардигор моддий муҳит таъсирига берилмаган ҳолда, Ўзининг илоҳий ҳолатини саклаб қолаверади. Ведавий муқаддас китоб(шрути)ларда бир дарахтда ўтирган икки қуш ҳақида айтилган.(Мундака упанишад 3.1.11). Қушларнинг биттаси дарахт меваларидан тотиб юради, иккинчиси ҳамиша унинг ҳаракатини

кузатиб юради. Ана шу гувоҳ қуш - Парвардигор, мевалардан тотиб юрган қуш эса - тирик мавжудотдир. Мевалардан тотиб юрган тирик мавжудот ўзининг ҳақиқий ҳолатини унутиб қўйган, шу боис моддий шароитда дунёвий(кармали) фаолиятга берилиб кетган. Аммо Парвардигор(Параматма) ҳамиша мукамал илмга эга. Олий Рух билан шартланган руҳлар орасидаги фарқ шундан иборат. Шартланган рух, тирик мавжудот моддий табиат гуналарининг ҳукми остида, Параматма, Олий рух эса, моддий қувватни бошқариб туради.

32. Худди олов азалдан дарахт ичида мавжуд бўлгани сингари, Худо Шахси ҳам, Олий Рух шаклида бутун борлиқ ичида мавжуд ва шу боис, гарчи У - Ягона Мутлақ Ҳақиқат бўлса ҳам, хилма-хил қиёфаларга эгадай бўлиб туюлади.

Изоҳ: Ўзининг тўлиқ намоён бўлган қисмларидан бири воситасида Парвардигор Васудева, Худонинг Олий Шахси Ўзини бутун моддий олам бўйлаб таратиб қўйибди. Ҳатто атом қувватида ҳам Унинг мавжудлигини сезиш мумкин. Модда, аксилмодда, протон, нейтрон ва ҳоказоларнинг ҳаммаси - Парвардигорнинг тўлиқ қисми Параматманинг намоён бўлган турли кўринишларидир. Худди ўтиндан олов, сутдан сариеғ чиқариб олиш мумкин бўлган сингари, илоҳий илмни тўғри тинглаш ва зикр қилиш жараёнида Парвардигор ҳамма жойда Параматма кўринишида мавжуд эканини англаб етиш мумкин. Илоҳий нарсаларнинг табиати асосан Упанишадлар ва "Веданта-сутра" сингари ведавий муқаддас китобларда таърифланган. "Шримад Бхагаватам" - ана шу ведавий муқаддас китобларга ёзилган ишонарли изоҳлардир. Бу илоҳий хабарни тўғри тинглаш орқали инсон Худони англаб етади. Мана шу - илоҳий илм эгаллашнинг ягона йўлидир. Ўтин таркибидаги оловни бошқа бир олов ёрдамида чиқариб олиш мумкин, худди шундай инсоннинг илоҳий онги ҳам бошқа бир шахснинг илоҳий онги ёрдамида намоён бўлади. Илоҳий Ҳазрат, ҳақиқий руҳий устоз, шогирдининг қулоғига ҳақиқий илоҳий хабарни қуйиб, дарахтга ўхшаган тирик мавжудот қалбида оловга ўхшаган илоҳий илмни намоён этишга қодир. Шу боис, ҳақиқий руҳий устозга мурожаат қилган киши унинг гапларини камтарин ҳолда тинглай билиши лозим, шундагина у аста-секин илоҳий поғонага кўтарила олади. Ҳайвонлар билан инсонлар орасидаги ягона фарқ мана шундан иборат: ҳақиқий инсон ҳақиқий руҳий устознинг гапларини камтарин ҳолда тинглашга қодир бўлади, ҳайвонлар эса бундай ишга қодир эмас.

33. Олий Рух моддий табиат гуналари таъсири остидаги тирик мавжудотлар танасига киради ва уларни нозик моддий ақл ёрдамида ана шу

гуналар яратган нарсалардан лаззатланишга ундайди.

Изоҳ. Ҳаётнинг 8.400.000 тури мавжуд бўлиб, тафаккур ато этилган зотларнинг биринчиси бўлган Маъбуд Браҳмадан бошлаб то энг кичик ҳашаротгача бўлган барча тирик мавжудотларнинг ҳаёти ана шу ҳаёт турларидан бирига мансуб бўлади. Уларнинг ҳаммаси ўзларининг моддий ақлига, қўпол моддий танасининг истакларига мос равишда моддий оламдан лаззатланиб яшайдилар. Тирик мавжудотнинг қўпол моддий танаси унинг нафис моддий ақлининг ҳолатига мос равишда шаклланади, сезги аъзолари эса, тирик мавжудотнинг истакларига мос равишда яратилади. Параматма кўринишида Парвардигор тирик мавжудотнинг моддий бахтга эришишига ёрдам беради, чунки тирик мавжудот ўзининг истакларини амалга оширишда бутунлай ночор, ноилож аҳволда. Тирик мавжудот фақат ният қилади, ҳар нарсага қодир Парвардигор эса амалга оширади. Бунинг устига тирик мавжудотлар - Парвардигорнинг таркибий қисмларидир, шу боис улар Парвардигор билан бир. «Бхагавад-гита»да Парвардигор айтадики, ҳар хил таналар ичида мавжуд бўлган тирик мавжудотларнинг ҳаммаси - Унинг фарзандларидир. Фарзандларининг мусибати, изтироблари ва лаззатлари Отага ҳам билвосита изтироб ва лаззат келтиради. Лекин, Ота Ўз болаларининг лаззат ва мусибатларидан бевосита лаззатланмайди, бевосита мусибат чекмайди. У шу қадар марҳаматлики, Параматма кўринишида ҳамиша тирик мавжудот билан бирга бўлган ҳолда ҳамиша уни ҳақиқий лаззат, ҳақиқий бахт йўлига олиб чиқишга ҳаракат қилиб юради.

34. Шу тарзда бутун олам ҳукмдори Худо Шахси фаришталар, одамлар ва қуйи табақадаги мавжудотлар яшаётган барча сайёраларнинг мавжудлигини таъминлаб туради. Соф эзгулик гунаси таъсири остида яшаётган тирик мавжудотларни Ўзининг даргоҳига чорлаш мақсадида У турли қиёфаларга кириб бу дунёда Ўзининг илоҳий эрмакларини намоён этади.

Изоҳ: Сон-саноксиз моддий коинотлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирида сон-саноксиз сайёралар жойлашган. Шу сайёраларда ҳар хил тоифа ва турларга мансуб бўлган ва моддий табиатнинг ҳар хил гуналари таъсири остида бўлган тирик мавжудотлар яшайди. Парвардигор(Вишну) ҳар бир сайёрада ва тирик мавжудотларнинг турли қиёфаларида намоён бўлади. Фақат, моддий оламдаги тирик мавжудотларнинг қалбида Худонинг даргоҳига қайтиб кетиш истагини уйғотиш ниятидагина Парвардигор бу дунёда Ўзининг илоҳий эрмакларини намоён этади. Парвардигорнинг бошланғич, азалий илоҳий ҳолати ўзгармай

колаверади, аммо Унинг маълум Замон, маълум Макон шароитига мос равишда у ёки бу турга мансуб тирик мавжудотлар орасида намоён бўлган қиёфалари ҳар хил бўлиб кўринади.

Баъзан моддий оламга Унинг Ўзи келади, баъзан эса шунга муносиб бўлган бирор тирик мавжудотга Ўз номидан ҳаракат қилиш ваколлатини беради. Аммо ҳар икки ҳолатда ҳам мақсад битта бўлиб қолаверади: Парвардигор бу дунёда мусибат чекиб юрган тирик мавжудотларнинг Худонинг даргоҳига қайтишини истади. Тирик мавжудот интилиб, излаб юрган ҳақиқий бахтни моддий оламдаги сон-саноксиз коинотлар, сайёраларнинг бирор жойидан топишнинг иложи йўқ. Ўзи ҳаммаша интилиб юрган мангу бахтга тирик мавжудот фақат Худонинг даргоҳида эриша олади, аммо моддий табиат гуналари таъсири остида юргани туфайли унутувчан тирик мавжудотлар ана шу даргоҳ, ана шу салтанат ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Шу боис Парвардигор бу дунёга Шахсан Ўзи ёки бошқа бирор қиёфада келиб, ёки Ўзининг ҳақиқий вакили - Худонинг муносиб ўғли орқали одамлар орасида, ана шу илоҳий даргоҳ хабарини тарқатади. Тирик мавжудотларни Худонинг даргоҳига чорлар экан, Парвардигорнинг ана шу қиёфалари ва Худонинг элчилари, ўғиллари Худонинг хабарини фақат одамлар орасида эмас, балки бошқа тирик мавжудотлар, шу жумладан фаришталар ва одамларга ўхшамайдиган жонзотлар орасида ҳам тарғибот қиладилар.

"Шримад Бхагаватам"нинг Биринчи қўшиқ, "Илоҳийлик ва илоҳий хизмат" деб аталадиган иккинчи бобида Бхақтиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

Учинчи боб.

Кришна - Парвардигорнинг бу дунёда намоён этган барча қиёфаларнинг манбаи

1. Сута Госвами шундай деди: - Моддий оламни яратишдан аввал Парвардигор Ўзи намоён этган пуруша фазовий қиёфасига кирди ва моддий борлиқ таркиб топган барча унсурларини яратди. Шу тарзда, аввало моддий фаолиятнинг 16 та бошланғич таркибий қисми яратилди. Буларнинг ҳаммаси моддий оламни яратиш мақсадида амалга оширилди.

Изоҳ: «Бхагавад-гита»да айтилганки, Худонинг Олий Шахси Шри Кришна Ўзини тўлиқ экспансияларда намоён этиб, моддий оламдаги коинотларнинг мавжудлигини таъминлаб туради. Бу ерда айтилган пуруша қиёфаси ана шу коидани тасдиқлайди. Худонинг азалий, бошланғич Олий Шахси Васудева, яъни ҳамма шоҳ Васудеванинг ёки Нанда Махаражнинг ўғли деб биладиган Парвардигор Кришна, бутун бойликлар, барча

куч-қудрат, бутун шон-шуҳрат, барча гўзалликлар ва барча илмлар соҳиби бўлиб, айна пайтда уларга мутлақо боғланмаган Зотдир. Унинг бойлиги қисман шахсиятсиз Браҳман кўринишида, қисман - Параматма кўринишида намоён бўлади. Бу ерда гап бораётган Худонинг ана шу Олий Шахси Шри Кришнанинг пуруша қиёфаси - Парвардигорнинг бошланғич Параматма қиёфасида намоён бўлишидир. Моддий оламда пурушанинг уч қиёфаси мавжуд, улардан биринчиси - мана шу қиёфа, Каранодакашайи Вишну. Қолган иккиси - Гарбходакашайи Вишну ва Кширодакашайи Вишну, биз навбат билан уларни кўриб чиқамиз. Моддий оламдаги сон-саноксиз коинотлар Каранодакашайи Вишнунинг танасидаги тешиклардан чиқиб туради. Ҳар бир коинот ичига Парвардигор Гарбходакашайи Вишну қиёфасида киради. «Бхагавад-гита»да ҳам айтилганки, моддий олам маълум бир вақт ўтгандан кейин яратилиб, кейин яна яқсон бўлиб туради. Моддий оламнинг яратилиши ҳам, яқсон бўлиши ҳам нитйа-баддха деб аталадиган шартланган руҳлар учун амалга оширилади. Нитйа-баддхалар, яъни мангу шартланган руҳларнинг ҳар бири алоҳида мавжуд бўлиб, аханкара, сохта ўзликка эга. Гарчи ўзларининг асл табиатига кўра улар лаззатланувчи бўлмаса ҳам, ана шу аханкара уларни ўз ҳиссиётини лаззатлантиришга ундайди. Парвардигор - ягона лаззатланувчи, бошқа барча мавжудотлар - лаззат берувчи, лаззатлантирувчи зотлар ҳисобланади. Тирик мавжудотлар - тобе лаззатланувчилардир, аммо, ўзларининг ана шу табиий, бошланғич асл ҳолатини эсдан чиқариб, мангу шартланган руҳлар лаззатланишга интилиб яшайдилар. Шартланган руҳларга моддий оламда моддий нарсалар билан лаззатланиш имконияти берилади, лекин шу билан бирга уларга ҳақиқий ўзлигини, ўзларининг бошланғич табиий ҳолатини англаб етиш имконияти берилади. Моддий оламда сон-саноксиз умрларни бошидан кечириб, Ҳақиқат илмини англаб етган ва ниҳоят Васудеванинг нилуфар қадамлари пойига ихтиёрини топширган омадли тирик мавжудотлар мангу озод руҳлар сафига қўшиладилар ва шу тарзда Худонинг даргоҳига кириш имконига эга бўладилар. Шундан сўнг бундай омадли тирик мавжудотларнинг ўткинчи моддий оламга қайтиб келишига ҳожат қолмайди. Аммо, мана шу бошланғич ҳақиқатни англаб етолмаган тирик мавжудотлар моддий олам яқсон бўлганда яна махат-таттва таркибига кирадилар. Яралиш жараёни бошланганида улар махат-таттва таркибидан яна чиқадилар. Махат-таттванинг таркибида моддий оламни ташкил этадиган ҳамма унсурлар, шу жумладан шартланган руҳлар - тирик мавжудотлар ҳам бор. Махат-таттва ўн олти таркибий қисмдан иборат: беш кўпол моддий унсур, ўн битта фаолият воситаси, яъни сезги аъзолари. Махат-таттва худди очик осмондаги булут парчасига ўхшайди. Бутун руҳий осмон

бўйлаб Браҳман нури таралиб, ҳамма нарса ўзидан нур таратиб туради. Ана шу чексиз, бепоён руҳий оламнинг бир бурчагида махат-таттва мужассам бўлади. Руҳий оламнинг махат-таттва билан қопланган қисми моддий олам, моддий осмон деб аталади. Махат-таттва - руҳий осмоннинг кичкина бир қисми бўлиб, унинг таркибида сон-саноксиз коинотлар мавжуд. Ана шу коинотларнинг ҳаммасини Маха-Вишну деб ҳам аталадиган Каранадакошайи Вишну яратади. У моддий осмонга Ўзининг бир нигоҳини ташлаб, уни уруғлантириб қўяди.

2. Пуруша экспансияси Коинот сувларида ётади, Унинг киндигидаги қўлмақдан нилуфар гули ўсиб чиқади. Нилуфардан эса, гул поясининг энг юқорисида, Коинотдаги барча яратувчиларнинг ҳукмдори бўлган фаришта Маъбуд Браҳма пайдо бўлади.

Изоҳ: Биринчи пайдо бўладиган пуруша - Каранадакошайи Вишну. Унинг тана терисининг тешикларидан сон-саноксиз коинотлар пайдо бўлади. Пуруша ҳар бир коинот ичига Гарбходакашайи Вишну қиёфасида киради. У коинотнинг ярмисини тўлдириб турадиган Ўзининг сувлари устида ястаниб ётади. Унинг киндигидаги қўлмақдан эса нилуфар гули ўсиб чиқади. Шу нилуфар гулидан Маъбуд Браҳма дунёга келади. Маъбуд Браҳма - коинотни яратишда, унда мукамал тартибни таъминлаб туришда ва уни бошқаришда қатнашадиган яратувчи-фаришталарнинг энг асосийсидир. Нилуфар гулининг пояси ичида ўн тўрт турли сайёралар тизими жойлашган. Ерсиймон сайёралар унинг ўрта қисмида жойлашган. Улардан юқорироқда яшаш шароити яхшироқ сайёралар жойлашган, энг буюк сайёра Браҳмалока, яъни Сатйалока. Ерсиймон сайёралардан пастроқда асуралар ва уларга ўхшаган, ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган тирик мавжудотлар яшайдиган етти қуйи сайёралар тизими жойлашган.

Гарбходакашайи Вишнудан Кширодакашайи Вишну экспансияси чиқади, Кришнанинг ана шу экспансияси - барча тирик мавжудотлар учун умумий бўлган Параматма ҳисобланади. Уни Хари деб атайдилар, ана шу Хари - Парвардигорнинг коинотдаги барча қиёфаларининг манбаидир.

Юқоридаги маълумотлардан маълум бўладики, пуруша-аватара уч қўринишда намоён бўлади: биринчи - Каранадакашайи бўлиб, У махат-таттвада барча моддий унсурлар мажмуини яратади; иккинчи - Гарбходакашайи, У ҳар бир коинот ичига киради; учинчи - Кширодакашайи Вишну, У моддий оламдаги барча жонли мавжудотлар ва жонсиз нарсалар учун умумий бўлган Параматма. Худо Шахсининг мана шу тўла қўринишларини англаб етган киши Худо ҳақида мукамал илмга эга инсон ҳисобланади.

«Бхагавад-гита»да айтилганидай, шундай инсон мукамал илми шарофати билан моддий олам тутқунлигидан, яъни туғилиш, ўлиш, кексалик ва касалликлар шароитидан халос бўлиб озодликка чиқади. Бу мисрада Маха-Вишну қисқача таърифланган. Маха-Вишну Ўз хоҳиши билан руҳий оламнинг маълум бир қисмида ястаниб ётади. Шундай қилиб, У қарана уммонида ястаниб ётган жойидан Ўзининг моддий табиатига нигоҳини ташлайди, бу эса шу заҳотиёқ махат-таттванинг пайдо бўлишига олиб келади. Худди вақти келганда сон-саноксиз мевалар билан безанадиган дарахт сингари, шу тарзда Парвардигорнинг қудратидан қувватланган моддий табиат сон-саноксиз коинотларни яратади. Дехқон ерга уруғ қадайд, вақти келганда ана шу уруғдан дарахт ёки меваларга тўла ўсимлик ўсиб чиқади. Сабабсиз бирор ходиса рўй бермайди. Шунинг учун Қарана уммони "Сабаблар уммони" деб аталади. Қарана ибораси "сабаб" деган маънони англатади. Олам яралиши ҳақидаги атеистик тахминни кўр-кўрона қабул қилавермаслик керак. «Бхагавад-гита»да иймонсиз атеистларнинг фикри батафсил таърифланган. Иймонсиз атеист яратувчи Зотнинг мавжудлигига ишонмайди, аммо оламнинг қандай яралганини тушунтириб берадиган бирор маъноли таълимотни ҳам тақлиф этаолмайди. Худди пуруша, яъни эркак билан қўшилмай туриб фарзанд туғишга қодир бўлмагани сингари, Пурушанинг қувватисиз моддий табиатнинг ўзи яратиш қудратига эга эмас. Пуруша уруғлантиради, пракрити эса дунёга келтиради. Гарчи кўринишидан эмчакка ўхшагани билан эчкининг бўйнидаги ўсимтада ҳам сут бор деб ўйламаслик керак. Худди шундай, моддий унсурлардан ҳам яратувчи куч, ҳаёт пайдо бўлишини кутмаслик керак. Биз табиатни, пракритини уруғлантирадиган пурушанинг қудратига ишонишимиз лозим. Моддий қувват сон-саноксиз коинотларни яратиши учун, Парвардигорнинг муроқабага берилиб ётишни истаганининг ўзи кифоя. Шундан сўнг Парвардигор уларнинг ҳар бири ичига кириб муроқабага берилиб ётади. Худди шундай Парвардигорнинг хоҳиши, амри билан барча сайёралар, улардаги мавжуд ҳамма жонли ва жонсиз нарсалар яратилади. Парвардигорнинг қувватлари чексиз, шу боис У Ўзи истаганча ҳаракат қилишга қодир. Мукамал режаларини, истаklarини амалга ошириш учун Унинг Ўзи ҳеч қандай ҳаракат қилишининг ҳожати йўқ. Унга тенг келадиган ёки Ундан қудратлироқ бўлган бирор зот йўқ. Ведаларнинг хулосаси шундай.

3. Коинотдаги барча сайёралар тизими пурушанинг баҳайбат танасида жойлашган. Аммо Унинг яратилган моддий унсурларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Унинг танаси мутлақо руҳий борлиқда мангу мавжудлигича қолаверади.

Изоҳ: Асосан, Худо Шахсининг илоҳий қиёфаси ҳақида фикр юритишга қодир бўлмаган онгсиз одамларга Парвардигорнинг шахс эканини тушунтириш учун Ҳақиқат вират-рупа, яъни вишва-рупа кўринишида таърифланади. Шундай одам учун шакл, қиёфа - бу моддий оламга мансуб бўлган тушунча, шу боис унга ақлини Парвардигорнинг намоён бўлган қувватида мужассам қилиш имконини бериш учун, аввал унга Мутлақ Ҳақиқатни қарама-қарши тарзда таърифлаш керак бўлади. Юқорида айтилганидай, Парвардигор Ўзининг қувватини махат-таттва кўринишида намоён этади, махат-таттва барча моддий унсурларни ўзида мужассам қилган. Парвардигорнинг қувватларининг(махат-таттва кўринишида) намоён бўлиши ва шахс сифатидаги Парвардигорнинг Ўзи қайсидир маънода ягона, бир Зот, аммо шу билан бирга махат-таттва Парвардигордан фарқ қилади. Шундай қилиб, Парвардигорнинг қуввати ва Парвардигорнинг Ўзи бир вақтнинг ўзида бир ва бир-биридан фарқ қилади. Шу боис Парвардигорнинг вират-рупа кўриниши Парвардигорнинг мангу қиёфасидан фарқ қилмайди. Айниқса имперсоналистлар учун бу жуда муҳим ҳисобланади. Парвардигорнинг мангу қиёфаси махат-таттва яратилмасдан аввал мавжуд, бу ерда алоҳида таъкидлаб ўтилганки, Парвардигорнинг мангу қиёфаси мутлақо руҳий табиатга эга, яъни моддий табиат гуналарига нисбатан илоҳий ҳолатда. Парвардигорнинг ана шу илоҳий қиёфаси Унинг ички қуввати ёрдамида намоён бўлади, Унинг намоён бўлган сон-саноксиз қиёфаларининг табиати ҳам албатта илоҳий бўлиб, уларнинг махат-таттвага ҳеч қандай алоқаси йўқ.

4. Ўзларининг мукамал кўзлари билан Худонинг содиқлари пурушанинг минглаб ғайритабиий оёқ, қўл, сон ва сиймоларга эга бўлган илоҳий қиёфасини томоша қиладилар. Бу илоҳий тананинг минглаган бош, қулоқ, кўз ва бурунлари бор. У минглаган тож, гулчамбарлар ва ярқираган сирғалар билан безанган.

Изоҳ: Ҳозирги моддий сезги аъзоларимиз билан биз илоҳий табиатга эга бўлган Парвардигорни ҳис қилишга мутлақо қодир эмасмиз. Биз Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида ўзимизнинг ҳозирги ҳиссиётимизни поклашимиз лозим, шунда Парвардигорнинг Ўзи бизга Ўзини ошкор этади. «Бхагавад-гита»да айтилганки, илоҳий Парвардигорни фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали англаб етиш мумкин. Ведаларда ҳам айтилганки, инсон фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали Парвардигорга эриша олади, фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш бизга Уни ошкор эта олади. "Брахма-самхита"да айтилганки, кўзларига садоқат билан хизмат қилиш малҳами суртилган

содиқлар Парвардигорни ҳамиша кўриб юрадилар. Шундай экан, биз Парвардигорнинг илоҳий қиёфаси ҳақидаги маълумотларни, ўзининг садоқат малҳами суртилган мукамал кўзлари билан ҳамиша Уни яққол кўриб юрадиган зотлардан олишимиз лозим. Биз ўзимизнинг кўзларимиз билан ҳатто моддий оламдаги нарсаларнинг ҳаммасини кўришга қодир эмасмиз: баъзан биз ўз кўзи билан кўрган ёки ўзи бевосита қилган бошқа бировларнинг кўриш тажрибаси ёрдамида кўрамиз. Агар бу усул моддий нарсаларни кўриш учун ярқили бўлса, демак бу усулдан илоҳий табиатли нарсаларни англаб етишда ҳам фойдаланиш мумкин. Шундай қилиб, фақат сабр-тоқат ва самимий интилиш бизга илоҳий табиатли Мутлақ Ҳақиқатни ва Унинг турли қиёфаларини англаш имкониятини беради. Илмсиз, онгсиз одам учун Парвардигор ҳеч қандай қиёфага эга эмас, аммо Парвардигорнинг тажрибали хизматкори Унинг илоҳий қиёфасини ҳамиша кўриб юради.

5. Бу қиёфа(Маха-вишну, пурушанинг намоён бўлган иккинчи кўриниши) - Парвардигорнинг Коинотдаги хилма-хил қиёфаларининг туганмас манбаи ва ҳеч қачон яқсон бўлмайдиган уруғидир. Мана шу қиёфанинг бўлак ва бўлакчаларидан фаришталар, одамлар ва бошқа турли хил мавжудотлар яратилади.

Изоҳ: Махат-таттвада сон-саноксиз коинотларни яратиб, пуруша уларнинг ҳар бирининг ичига иккинчи пуруша Гарбходакашайи Вишну қиёфасида кирди. Коинотда қоронғу зулмат ва бўшлиқдан бошқа ҳеч нарса, ҳатто ором олиб ётадиган макон ҳам йўқлигини кўриб, У коинотнинг ярмини Ўзининг танасидан чиқаётган тернинг сувлари билан тўлдирди ва ана шу сув устида ястаниб ётиб олди. Мана шу сув уммони Гарбходака деб аталади. Кейин Унинг киндигидан нилуфар гули ўсиб чиқди, ана шу нилуфар гулининг гулбаргида Маъбуд Браҳма дунёга келди. Маъбуд Браҳма - коинотдаги асосий яратувчи фаришта. Маъбуд Браҳма коинотни яратишни ўз зиммасига олган, Парвардигор эса Вишну қиёфасида коинотнинг мавжудлигини таъминлаб туришни ўз зиммасига олган. Маъбуд Браҳма пракритининг раджа-гунасидан, яъни моддий табиатнинг эхтирос гунасидан пайдо бўлган, Парвардигор Вишну эса табиатнинг эзгулик гунаси бўлди. Аввал тушунтирилганидай, Парвардигор Вишну модданинг таъсирига берилмайди, чунки У моддий табиат гуналарига нисбатан илоҳий ҳолатда. Маъбуд Браҳмадан Рудра(Шива) пайдо бўлган. Маъбуд Шива ғафлат, зулмат гунасига маъсул бўлди. Парвардигорнинг амри билан у коинотни яқсон қилади. Шундай қилиб, уч илоҳ: Маъбуд Браҳма, Парвардигор Вишну ва Маъбуд Шива - Гарбходакашайи

Вишнунинг намоён бўлган қиёфаларидир. Маъбуд Брахмадан Дакша, Маричи, Ману сингари бошқа фаришталар дунёга келган ва улар коинотдаги бошқа барча тирик мавжудотларни дунёга келтирдилар. Ведавий муқаддас китобларда Гарбходакашайи Вишну "Гарбха-стути" китобида таърифлаб куйланган бўлиб, унда мадхиялар Парвардигорни минглаган каллалари ва бошқа аъзолари бор Зот деб таърифлашдан бошланган. Гарбходакашайи Вишну коинотнинг Эгаси ҳисобланади, гарчи У коинот ичида ётгандай бўлиб кўринса ҳам, У ҳамиша илоҳий ҳолатда. Биз буни аввал тушунтирган эдик. Гарбходакашайи Вишнунинг тўла намоён бўлган қисми Парвардигор Вишну - Коинот ҳаётининг Олий Рухидир. У - коинотнинг ҳимоячиси, Кширодакашайи Вишну. Бошланғич, азалий Пурушанинг уч экспансияси шундай тушунтирилади, Парвардигорнинг коинотдаги намоён бўлган барча қиёфалари Кширодакашайи Вишнудан чиқади.

Ҳар хил даврларда Парвардигорнинг ҳар хил қиёфалари намоён бўлади, гарчи уларнинг лила-аватара деб аталадиган Матсйа, Курма, Вараха, Рама, Нрисимха, Вамана сингари баъзилари бошқа қиёфаларидан алоҳида ажралиб турсалар ҳам, аслида уларнинг сон-саногии йўқ. Парвардигорнинг ҳар хил сифатларининг намоён бўлган қиёфалари бор - Брахма, Вишну ва Шива(Рудра), - улар моддий табиатнинг ҳар хил гуналарини бошқарадилар.

Парвардигор Вишну Худо Шахсидан фарқ қилмайди. Маъбуд Шива Худо Шахси билан жива, яъни тирик мавжудотларнинг оралиқ ҳолатини эгаллаб туради. Брахма эса - ҳамиша жива-таттва. Парвардигор Ўзининг яратиш қудратини энг такводор тирик мавжудотга, Ўзининг энг буюк содиқ хизматкорига ато этади. Унинг қуввати худди қимматбаҳо тошларда ёки маржонларда акс этиб турган қуёшнинг қувватига ўхшайди. Агар Маъбуд Браҳманинг ўрнини эгаллашга муносиб, унга юклатиладиган вазифаларини адо этишга қодир тирик мавжудот топилмаса, Парвардигорнинг Ўзи Маъбуд Браҳма сифатида намоён бўлади.

Маъбуд Шива - оддий тирик мавжудот эмас. У Парвардигорнинг тўла намоён бўлган қисми, лекин, Маъбуд Шива моддий табиат билан бевосита алоқада бўлгани сабабли, унинг ҳолати Парвардигор Вишнунинг илоҳий ҳолатидан бироз фарқ қилади. Улар бир-биридан худди қатиқ билан сут бир-биридан фарқ қилишидай фарқ қилади. Қатиқ ҳам сутнинг ўзидан бошқа нарса эмас, лекин барибир уни сут ўрнида ишлатиб бўлмайди.

Бу уч Илоҳдан кейин Манунинг намоён бўлган қиёфалари бошланади. Маъбуд Браҳманинг бир куни давомида ўн тўрт Ману келиб кетади. Маъбуд Браҳманинг бир куни ердаги вақт ҳисоби бўйича 4.300.000.000 қуёш йилига тенг. Демак, Маъбуд Браҳма умрининг бир ойида 420 Ману

алмашар экан, бир йилида эса 5040 Ману келиб кетади. Маъбуд Браҳма 100 йил умр кўради, демак унинг умри давомида 504.000 Ману келиб кетар экан. Сон-саноксиз коинотлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирида ўзининг Маъбуд Браҳмаси бор, уларнинг ҳаммаси пурушанинг нафас олганида ва нафас чиқарганида яксон бўладилар. Шундай экан, пурушанинг бир марта нафас олганида неча миллион-миллиард Ману келиб кетишини тасаввур қилиш мумкин.

Биз яшаётган коинотда куйидаги Мануларни алоҳида кўрсатиш мумкин: Йаджнани, Свайамбхува Ману сифатида; Вибхуни - Сварочиша Ману сифатида; Уттама Ману бўлган Сатйасенани; Тамаса Ману бўлган Хари, Раивата Ману бўлган Ваикунтха, Чакшуша Ману бўлган Аджита, Ваивасвата Ману бўлган Вамана(ҳозир биз айнан Ваивасвата Ману ҳукмронлик қилаётган даврда яшаймиз), Саварни Ману бўладиган Сарвабхаума, Дакша-саварни Ману бўладиган Ришабха, Браҳма-саварни Ману бўладиган Вишваксена, Дхарма-саварни Ману бўладиган Дхармасету, Ррудра-саварни Ману бўладиган Судхама, Дева-саварни Ману бўладиган Йогешвара, Индра-саварни Ману бўладиган Брхадбхану. Аввал айтганимиздай, ўн тўрт Ману алмашадиган умумий вақт 4.300.000 қуёш йилига тенг.

Бундан ташқари Парвардигорнинг йугаватаралари, яъни ҳар бир йуга, даврда келадиган қиёфалари бор. Тўрт йуга мавжуд: Сатйа, Трета, Двапара ва Кали. Парвардигорнинг ҳар бир даврда келадиган қиёфаси танасининг ранги ҳар хил: оқ, қизил, қора ва сариқ. Парвардигор Кришна Двапара-Йугада қора рангли илоҳий танада намоён бўлди, Кали-йуга даврида эса, сариқ рангли илоҳий танада Парвардигор Чаитанйа намоён бўлди.

Шундай қилиб, Парвардигорнинг бу дунёда намоён бўладиган барча қиёфалари илоҳий муқаддас китобларда санаб ўтилган. Ҳеч ким ўзидан-ўзи ўзини Парвардигорнинг намоён этган кўриниши, яъни "Худоман" деб айтолмайди, чунки ҳар қандай намоён бўладиган қиёфа шастраларда кўрсатилган бўлиши керак. Парвардигорнинг намоён этган қиёфалари ҳеч қачон Ўзларини "Худо" ёки "Худонинг аватаралари" деб эълон қилмайдилар. Буюк донишмандлар уларни муқаддас китобларда келтирилган маълумотлар, аломат ва белгилар асосида аниқлаб оладилар. Муқаддас китобларда Худонинг бу дунёда намоён бўладиган қиёфаларининг алоҳида белгилари ва Уларнинг ҳар бирининг алоҳида вазифаси таърифланган.

Парвардигорнинг бевосита намоён этган қиёфаларидан ташқари Унинг ҳар хил вазифаларни бажаришга ваколат олган сон-саноксиз қиёфалари ҳам бор, улар ҳақида ҳам муқаддас китобларда кўрсатиб ўтилган. Бундай қиёфалар билвосита ёки бевосита ваколатланган

бўлади. Бевосита ваколат олганлари "Парвардигорнинг қиёфалари" деб, билвосита ваколат олган қиёфалари эса вибхутилар деб аталади. Бевосита ваколат олган қиёфаларга Кумарлар, Нарада Муни, Притху, Шеша, Ананта ва бошқалар мисол бўлиши мумкин. Вибутилар эса, улар ""Шримад Бхагаватам"нинг "Вибути-йога" бўлимида батафсил таърифланган. Парвардигорнинг бу дунёда намоён бўладиган барча қиёфаларининг бошланғич манбаи Гарбходакашайи Вишну ҳисобланади.

6. Олам яралишининг бошида, энг аввало Брахманинг бутун умр уйланмай ўтган тўрт нафар ўғли - кумарлар пайдо бўлди. Улар жинсий алоқани бутунлай рад этиб, Мутлак Ҳақиқатни англаш мақсадида машаққатли риёзатларга берилдилар.

Изоҳ: Моддий олам вақти-вақти билан, орадан маълум бир вақт ўтгандан кейин, яратилади, маълум вақт давомида мавжуд бўлиб туради ва вақти келганда яқсон қилиниб туради. Яратишнинг аниқ маълум даврида яратилган тирик мавжудотларнинг отаси Маъбуд Брахмага боғлиқ равишда оламнинг яратиш даврлари ҳар хил номлар билан аталади. Кумарлар оламни яратишнинг каумара деб аталадиган даврида дунёга келган. Улар бизларга Брахманни англаб этиш усулини ўргатиш мақсадида бутун умр уйланмасликка қасам ичиб, қаттиқ риёзатларга берилдилар. Кумарлар - Парвардигорнинг ваколат олган қиёфаларидир. Қаттиқ риёзатларга берилишдан аввал улар билимдон брахманлар бўлиб олдилар. Бундан шундай сабоқ олиш лозимки, инсон энг аввало ижтимоий келиб чиқиши билан эмас, ўзининг сифатлари, фазилатлари асосида брахман бўлиб олиши, фақат шундан кейин Брахманни англаб олишга киришиши мумкин.

7. Барча қурбонликларнинг олий лаззатланувчиси бўлган Худо Шахси (иккинчи марта намоён бўлганда)тўнғиз қиёфасида пайдо бўлди ва Ернинг бахт-саодатини ўйлаб, уни Коинот сувларининг чуқур қаъридан юқорига олиб чиқди.

Изоҳ: Мазкур шеърдан маълум бўладики, Парвардигорнинг ҳар бир намоён бўлган қиёфаси аниқ маълум вазифани бажариш учун келади. Парвардигорнинг бу дунёда намоён бўлган қиёфаси бирор вазифа-мақсадсиз бўлиши мумкин эмас, Унинг ана шу вазифаси ҳамиша ғайритабиий вазифа бўлади. Бундай вазифани бошқа бирор тирик мавжудот бажаришга қодир эмас. Тўнғиз қиёфасидаги қиёфаси Ер сайёрасини коинотнинг нопок Плутон қатлампидан юқорига олиб чиқиши лозим эди. Нопок жойларни титкилаб юриш - тўнғизга хос бўлган иш, ҳар нарсага қодир бўлган

Худо Шахси Ер сайёрасини нопок жойларга яшириб қўйган асур(иблис)ларга мўъжиза кўрсатиб, шундай қиёфада намоён бўлди. Худо Шахси амалга оширишга қодир бўлмаган бирор иш йўқ, Худонинг содиқлари ҳамиша, ҳатто У Тўнғиз ролини ўйнаб юрса ҳам, Унга сиғинаверадилар, чунки У барибир ҳамиша Ўзининг илоҳий ҳолатини сақлаб қолаверади.

8. Риши(буюк донишмандлар) даврида Худо Шахси фаришталар орасида буюк донишманд Деварши Нарада қиёфасида, учинчи бор пайдо бўлди. У Ведаларнинг Худога садоқат билан хизмат қилишга тегишли бўлган, инсонни бирор натижа кутмасдан, холис фаолият кўрсатишга илҳомлантирувчи бўлимларини тўплади.

Изоҳ: Парвардигорнинг ваколат олган қиёфаси буюк донишманд Нарада Муни бутун коинот аҳолиси орасида Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини тарқатиб юради. Ҳар хил ҳаёт турларига мансуб бўлган таналарда коинотнинг ҳар хил сайёраларида яшайдиган Худонинг буюк содиқларининг ҳаммаси Нарада Мунининг шогирдлари ҳисобланади. "Шримад Бхагаватам"ни ёзиб қолдирган Шрила Вйасадева ҳам унинг шогирдларидан бири. Нарада Муни "Нарада-панчаратра"асарининг муаллифи, бу асарда Ведалар илми Худога садоқат билан хизмат қилиш нуктаи-назаридан батафсил тушунтирилган. "Нарада-панчаратра" кармиларни, яъни натижасидан ўзлари лаззатланиш учун меҳнат қилиб юрган одамларга кармали фаолият тутқунлигидан халос бўлиш йўллари ўргатади. Шартланган руҳларнинг аксарият кўпчилигини кармали фаолият кизиқтиради, чунки улар туну-кун оғир меҳнат қилиб, ўз меҳнати натижаларидан лаззатланиб яшашни истадилар. Бутун коинот ўз меҳнатининг натижаларидан лаззатланиб яшашга интиладиган ҳар хил тирик мавжудотлар билан тўлган. Кармали фаолият иқтисодий ривожланишни таъминлашга қаратилган турли тадбирлардан ташкил топган. Аммо моддий табиат қонунларига кўра ҳар қандай ҳаракатнинг албатта қандайдир натижаси, оқибати бўлади, шу ҳаракатни амалга оширган киши эса, ўзининг ана шу фаолиятининг яхши натижасига ёки ёмон оқибатига боғланган бўлади. Инсон амалга оширган яхши ишлари натижасида - вақтинчалик моддий фаровонликка, ёмон ишлари оқибатида эса - ўткинчи моддий азоб-укубатларга эришади. Лекин, моддий оламдаги ҳар қандай шароит ҳам, - хоҳ у бахтли, қулай шароит деб аталсин, хоҳ бахтсиз, ноқулай шароит деб аталсин, - охир-оқибатда тирик мавжудотни фақат мусибатларга дучор қилади. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган аҳмоқ материалистлар шартланмаган, эркин ҳолатда мавжуд бўладиган мангу бахтга қандай эришиш мумкинлигини билмайдилар. Шри

Нарада Муни ана шундай ғофил, нодон кармиларга ҳақиқий бахт аслида қандай бўлишини англаб олиш илмини таърифлаб берган. У бу оламдаги касал одамларга, улар ҳозир машғул бўлиб юрган дунёвий фаолият ёрдамида қандай қилиб руҳий озодликка эришишлари мумкинлигини кўрсатиб берган. Табиб, сут кўп истемол қилгани сабабли ошқозон фаолияти бузилган беморнинг касалини унга сўздан тайёрладиган қатиқ ичириб даволайди. Касаллик келиб чиқишига сабаб бўладиган ҳам, шу касалга шифо берадиган ҳам аслида бир нарса бўлиши мумкин, аммо беморни Нарада Муни сингари тажрибали табиб даволаши лозим. «Бхагавад-гита» ҳам дунёвий одамларга худди шундай қарорни таклиф этади: ўз меҳнатининг барча натижаларини Худога бағишлаб, Унга садоқат билан хизмат қилиш. Ана шундай фаолият инсонни наишкармйа, яъни руҳий озодлик йўлига олиб чиқади.

9. Худо Шахси тўртинчи гал шоҳ Дҳарманинг хотинидан эгизак ўғиллар Нара-Нарайана қиёфасида дунёга келди. У Ўз ҳиссиётини жилавлан мақсадида, бошқалар ибрат ола арзийдиган машаққатли риёзатларга берилди.

Изоҳ: Авлиё шоҳ Ришабханинг Ўзининг ўғилларига берган насиҳатларига асосан, ҳақиқий инсоннинг ҳаётдаги ягона бурчи - тапасйа, риёзат, яъни ўз ихтиёри билан онгли равишда Илохий илм эгаллаш учун талаб қилинадиган, мушкул шартларни бажариш. Бизларга ўрнатилган кўрсатиш учун Парвардигор Ўзининг ҳаёти мисолида бундай шартларни қандай бажариш кераклигини кўрсатиб кетган. Парвардигор унутувчан руҳларга жуда меҳрибон. Шу боис бизларнинг руҳий юксалишимиз учун жуда зарур бўлган кўрсатмалар бериш учун Ўзи бу дунёга келади, шунингдек, барча шартланган руҳларни Худонинг даргоҳига чақириш учун Ўз номидан вакил қилиб энг яхши ўғилларини юборади.

10. Парвардигорнинг бешинчи қиёфаси, Маъбуд Капила - ҳаётда баркамолликка эришган зотларнинг аълосидир. У Асури Браҳманга моддий борлиқнинг таркибий қисмлари ҳақида таълим берди ва илохийлик(метафизика) илмини тушунтириб берди, чунки вақт ўтиши билан бу илм йўқолиб кетган эди.

Изоҳ: Моддий олам йигирма тўрт унсурдан таркиб топган, уларнинг ҳар биттаси санкхйа фалсафий тизимида батафсил таърифлаб берилган. Европалик олимлар санкхйа фалсафасини одатда метафизика фани деб атайдилар. Санкхйа иборасининг этимологик маъноси "моддий унсурларни аналитик таҳлил қилиб ўрганиш натижасида олинган аниқ маълумот" деганини

билдиради. Биринчи марта ана шундай таҳлилий тушунчани Парвардигор Капила бериб кетган эди, бу ерда Парвардигорнинг ана шу қиёфаси ҳақида маълумот берилган.

11. Пурушанинг олтинчи қиёфаси донишманд Атрининг ўғли эди. Анасуянинг Худо Шахсининг келишини тилаб қилган илтижоларини инобатга олиб, Парвардигор унинг фарзанди кўринишида дунёга келди. У Аларка, Прахлада ва бошқалар(Йаду, Хаихайа ва ҳоказо)га илохий таълимотни ўргатди.

Изоҳ: Парвардигор Риши Атри ва Анасуянинг ўғли Даттатрейя қиёфасида дунёга келди. Парвардигорнинг бу қиёфаси, Даттатрейянинг туғилиши ҳақидаги хабарлар "Брахманда-пурана"да, садоқатли хотин ҳақидаги ҳикояда келтирилган. Унда ёзилишига кўра, донишманд Ришининг хотини Анасуя Маъбуд Браҳма, Маъбуд Шива, ва Парвардигор Вишнуга шундай илтижо қилган: "Эй Хукмдорлар, агар мендан миннатдор бўлиб, менинг бирор истагимни амалга оширишни истасангизлар, унда менинг Сизларга битта истагим бор: учовингиз бирлашиб, менинг ўғлим бўлиб туғилинлар!" хукмдорлар бунга рози бўлдилар ва Парвардигор Даттатрейя қиёфасида дунёга келиб, Аларка, Прахлад, Йаду, Хаихайаларга таълим бериб, руҳий табиатга эга бўлган жон(руҳ) ҳақидаги илохий илмни фалсафий жиҳатдан тушунтириб берди.

12. Худо Шахсининг бу дунёда еттинчи намоён бўлган қиёфаси Пражапати Ручи ва унинг хотини Акутининг ўғли Йажна сифатида дунёга келди. Унинг хукмронлиги Свайамбхува Манунинг ўрин алмашиш даврига тўғри келди. Унга фаришталар ёрдам бердилар, улар орасида Ўзининг ўғли Йама ҳам бор эди.

Изоҳ: Моддий оламни бошқариб, ундаги тартибни сақлаб турадиган фаришталар ҳар хил лавозимларни эгаллаб турадилар. Ана шундай лавозимларни такводор ва онги юксак даражада ривожланган руҳлар эгаллайдилар. Агар бу лавозимларни эгаллашга муносиб бўлган такводор зотлар жуда кам бўлса, Парвардигорнинг Ўзи Маъбуд Браҳма, Пражапати, Индра ва бошқа фаришталар қиёфасида намоён бўлиб, уларнинг вазибаларини ҳам Ўзи бажаради. Свайамбхува Ману хукмронлик қилган даврда Индралока(жаннат) сайёрасининг шоҳи бўлишга муносиб тирик мавжудот топилмади. Шунда Парвардигорнинг Ўзи Индранинг лавозимини эгаллади. Коинотнинг ишларини бошқаришда Парвардигор Йаджнага бошқа фаришталар ёрдам бердилар, улар орасида Унинг Ўзининг ўғиллари, шу жумладан Йама ҳам бор эди.

13. Унинг саккизинчи қиёфаси - шоҳ Набха ва унинг хотини Мерудевининг ўғли шахзода Ришабха эди. Парвардигорнинг ана шу қиёфада келиб кўрсатиб кетган, инсонни рухий баркамолликка эриштирадиган йўлдан жамиятнинг барча табақаларига мансуб одамлар эъзозлайдиган, ўз ҳиссиётини тўла жиловлаб олган зотлар адашмай борадилар.

Изоҳ: Инсонлар жамияти табиий равишда саккиз тоифага, яъни - кўрсатадиган фаолиятига, қиладиган ишларига қараб тўрт синф-табақага, ҳамда маънавий рухий юксалиш даражасига мос келадиган тўрт хилдаги турмуш тарзига булинади. Тўрт табақа - ақлий меҳнат билан шуғулланадиган билимдон одамлар синфи; ҳукмдорлар синфи; ишлаб-чиқариш ва савдо-сотик билан шуғулладиган одамлар синфи; ишчилар синфи киради. Шогирдлик, оилали ҳаёт, дунёвий фаолиятни тарк этиш ва таркидунёлик турмуш-тарзи эса, рухий юксалиш йўлидаги маданий ривожланишнинг тўрт поғонасидир. Бу поғоналар ичида энг юқори поғонаси таркидунёлик, саннийаси турмуш-тарзидир. Ўзининг рухий ҳолатига кўра саннийаси жамиятдаги барча синф ва табақага мансуб одамларнинг рухий устози ҳисобланади. Саннийасилар ҳам рухий баркамоллик чўққисига яқинлашиш даражасига қараб тўрт табақага бўлинади. Бу табақалар санскрит тилида кутичака, бахудака, паривраджакачарйа ва парамахамса деб аталади. Парамахамса - рухий баркамолликнинг энг юксак поғонаси ҳисобланади. Ана шу поғонага кўтарилган зотларни жамиятдаги бошқа барча табақа ва синфларга мансуб одамлар ҳурмат-эҳтиром билан эъзозлайдилар. Шоҳ Набхи ва унинг хотини Мерудевидан дунёга келган Махараж Ришабха - Парвардигорнинг бу дунёда намоён бўлган қиёфаси эди. У Ўзининг ўғилларига тапасйа, яъни инсонни барча гуноҳлардан поклайдиган ва ҳақиқий - мангу ва ҳамиша кучайиб борадиган рухий бахтга олиб борадиган риёзатларга берилиш орқали камолотга эришиш йўлини кўрсатди. Бу дунёдаги ҳар бир тирик мавжудот мангу ва чекланмаган бахтни излаб юрибди, аммо унга қандай эришишни ҳеч ким билмайди. Ғофил, нодон одамлар ҳақиқий бахтга интилиш ўрнига моддий табиатга эга бўлган ҳиссий лаззатларга интилиб яшайдилар. Лекин улар ўзларининг ғофиллиги сабабли ана шундай ўткинчи ҳиссий лаззатлар билан ҳатто итлар ва чўчкалар ҳам лаззатланиб юрганини ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Бундай ҳиссий лаззатларга ҳатто хайвонлар, қушлар ва уй хайвонлари ҳам эриша оладилар. Моддий оламдаги ҳаётнинг барча турларига мансуб таналар, шу жумладан инсон танаси ҳам бундай моддий бахтга эришиш учун барча имкониятларга эга. Лекин инсон танаси тирик мавжудотга ҳатто хайвонлар ҳам эриша оладиган бундай арзимас лаззатлар билан қаноатланиш учун берилган эмас. Инсон

танасидаги ҳаётнинг мазмуни, мақсади - рухий юксалиш йўлидан бориб, мангу ва чексиз бахтга эришишдан иборат. Рухий ўзликни англашнинг бундай поғонасига эса, тапасйа - онгли равишда ҳиссий лаззатлардан воз кечиш ва риёзатга берилиш орқали эришиш мумкин. Моддий ҳиссий лаззатлардан онгли равишда ўзини тийиб юришга ўрганган кишини дхира, яъни "ҳиссиёти безовта қилмайдиган киши" деб аталади. Фақат ана шундай дхира одам саннийаси турмуш-тарзининг қонун-қоидаларига риоя қилиб яшашга ва аста-секин жаиятдаги барча одамлар ҳурмат қиладиган парамахамса поғонасига кўтарилишга қодир. Шоҳ Ришабха ана шундай таълимотни тарғибот қилган ва Ўзи умрининг охирида моддий тананинг эҳтиёжларидан умуман безовта бўлмайдиган дхира ҳолатига эришган. Баъзи аҳмоқ одамлар ҳам ана шу поғонадаги ҳолатга тақлид қилиб яшашга ҳаракат қиладилар, лекин аслида бундай юксак рухий поғонага камдан-кам одам эриша олади ва фақат ана шундай одамларгина жамиятдаги барча одамларнинг ҳурмат-эҳтиромига муносиб бўлади.

14. Эй брахманлар, донишмандларнинг илтижоларини инобатга олиб Ўзининг тўққизинчи келишида Худо Шахси шоҳ(Притху) танасида намоён бўлди ва хилма-хил нозу-неъматлар ундириб олиш ниятида Ерга ишлов берди. Унинг шарофати билан Ер юзи жуда кўркам ва хушманзара тусга кирди.

Изоҳ: Шоҳ Притху келишидан олдин, ер юзига ҳукмронлик қилиб турган Унинг отаси жуда гуноҳкор ҳаёт кечиргани сабабли бутун ер юзи харобага айланган эди. Жамиятнинг олий табақасига мансуб бўлган донишмандлар Парвардигордан бу дунёга ташриф буюришни илтижо қилибгина қолмасдан, иймонсиз шоҳни халққа ҳукмронлик қилишдан маҳрум қилиб, тахтдан ҳам ағдардилар. Шоҳ такводор бўлиши ҳамда фуқароларнинг ҳар томонлама фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаши лозим. Лекин, шоҳ ўз бурчини, вазифасини суистеъмол қила бошлаган заҳоти жамиятнинг зиёли билимдон донишмандлар табақасига мансуб бўлган одамлар уни тахтдан олиб ташлашлари лозим. Лекин, бундан кейин улар шоҳнинг ўрнини ўзлари эгалламаслиги керак, чунки бутун жамиятнинг бахт-саодати учун улар бундан кўра муҳимроқ бўлган рухий фаолият билан машғул бўлишлари лозим. Шоҳнинг ўрнини эгаллаш ўрнига улар Парвардигордан бу дунёга келишни илтижо қилдилар, уларнинг илтижоларига жавобан Худо Шахси Махараж Притху қиёфасида бу дунёга келди. Ҳақиқатан ҳам чуқур мулоҳаза юритишга қодир бўлган донишманд кишилар, билимдон брахманлар ҳеч қачон сиёсатчиларнинг ўрнига давогарлик қилмайдилар. Ер юзига ишлов берар экан, Ммахараж Притху ундан ҳар турли ноз-неъматлар ундириб олди, шундай яхши шоҳ

хукмронлиги остида бутун инсоният бахт-саодатга эришиб қолмасдан Ернинг ўзи ҳам жуда кўркам ва хушманзара тусга кирди.

15. Чакшуша Ману хукмронлик қилган даврнинг охирида сув тошқини бўлиб, бутун жаҳон сув остида қолганда, Худо Шахси (Матся)балиқ қиёфасига кирди ва Вайвасвата Ману чиқиб олган кемани сув юзида тутиб туриб, уни ҳалокатдан қутқариб қолди.

Изоҳ: "Шримад Бхагаватам"га биринчи бўлиб изоҳ ёзган Шрипада Шридхара Свамнинг фикрига кўра, барча Мануларнинг хукмронлик даври ҳам ер юзида юзага келадиган қиёмат-қойим билан тугайвермайди. Чакшуша Ману хукмронлик қилган даврнинг охирида сув тошқини сабабли бўлган бу қиёмат-қойимни Парвардигор Сатйавратага бир неча мўъжиза кўрсатиш учун уюштирган эди. Лекин, Шри Жива Госвами, ишонарли мукаддас китоблар("Вишнудхармоттара", "Маркандейя-пурана", Харивамша ва бошқалар)даги маълумотларга асосланиб аниқ далиллар билан ҳар бир Манунинг хукмронлик даври албатта қиёмат-қойим билан тугагини исботлаган. Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур Шрила Жива Госвамининг фикрини қўллаб-қувватлайди ва "Бхагаватамрита"дан "ҳар бир Манунинг хукмронлик даври сув тошқини билан тугайди" дейилган жойини кўрсатган. Бунинг устига, алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлган мазкур давр охирида Ўзининг содиқ хизматкори Сатйавратага алоҳида марҳамат кўрсатиш учун Ўзи бу дунёга ташриф буюрди.

16. Ўн биринчи келишида Худо Шахси (Курма)тошбақа қиёфасига кирди. Унинг зирхи, океанни чайиш учун фаришталар ва иблислар куракча(пишкак) сифатида қўллаган Мандарачала тоғини кўтариб туриш учун таянч вазифасини бажарганди.

Изоҳ: Мангулик шарбатини чиқариб олиб, ундан ичиб мангуликка эришиш мақсадида фаришталар билан иблислар бир гал океанни чайқамокчи бўлдилар. Пишкак сифатида улар Мандарачала тоғини ишлатдилар. Бунинг учун улар тоғни бу дунёда Тошбақа қиёфасида намоён бўлган Парвардигорнинг тош косасининг устига ўрнатдилар.

17. Ўн иккинчи келишида Худо Шахси Дханвантара қиёфасида пайдо бўлди, ўн учинчи келишида эса Парвардигор жозибадор аёл(Махини) қиёфасида келиб, Ўзининг тенгсиз хусни-жамоли билан иблис(худосиз)ларни Ўзига мафтун этиб, мангулик шарбатини фаришталарга ичирди.

18. Ўн тўртинчи келишида Худо Шахси Нрисимха қиёфасида пайдо бўлди. Худди ёғоч

майдалаётган дурадгор сингари Ўзининг панжалари билан қудратли иблис Хираниякашипунинг метиндай танасини иккига бўлиб ташлади.

19. Ўн бешинчи келишида Худо Шахси пакана-брахман (Вамана) қиёфасига кириб, Бали Махараж уюштираётган қурбонлик маросимига ташриф буюрди. Асл нияти бутун уч олам салтанатини қайтариб олиш бўлса ҳам, У Бали Махараждан уч қадам ташлагудек бир парча ер садақа қилишни сўради.

20. Браҳманларнинг кўрсатмаларига амал қилмай қўйган кшатрийлардан ғазабланиб, Ўзининг ўн олтинчи келишида Худо Шахси(Бхригупати, Парашурама қиёфасида) хукмрон табақа(кшатрий)ларни (уч бор етти мартадан) 21 марта яксон қилди.

Изоҳ: Аслида, инсониятнинг моддий фаолиятини бошқариб турган хукмдорлар табақаси, яъни кшатрийларга шастра - мукаддас китоблар асосида ҳар хил насихатлар бериб турадиган билимдон донишманд браҳманлар раҳбарлиги остида фаолият кўрсатишлари лоизм. Ўз бурчини адо этишда, вазифаларини бажаришда кшатрийлар браҳманларнинг маслаҳатлари асосида иш кўришлари лозим. Маданиятли одамлар яшайдиган жамиятда билимдон донишманд браҳманларнинг кўрсатмаларига амал қилмайдиган кшатрийларни ҳокимиятдан четлатиб, унинг ўрнига шундай мартабага лойиқ бўлган иймонли, виждонли одамларни кўядилар.

21. Худо Шахсининг навбатдаги ўн еттинчи қиёфаси - Шри Вйасадева, Парашара Муни ва унинг хотини Сатйаватиларнинг ўғли бўлиб дунёга келди. Одамларнинг аксарият кўпчилиги чуқур тафаккурга эга бўлмаган одамлар эканини кўриб, У ягона Ведани бир неча қисм ва бўлимларга бўлди.

Изоҳ. Ведалар илми аввалига ягона, яхлит бир китоб эди, лекин Шрила Вйасадева уни тўрт қисмга бўлди: "Сама-веда", "Йаджур-веда", "Риг-веда" ва "Атхарва-веда". Кейинчалик уларни Пурана ва "Маҳобҳорат"да батафсил таърифлаб берди. Оддий одамларнинг Ведалар тилини ва мазмунини тушуниб олиши жуда қийин. Фақат чуқур заковат эгаси бўлган, рухий ўзлигини англаб етган браҳманларгина бунга қодир бўладилар. Лекин ҳозирги Кали-йуга даврида одамларнинг аксарият кўпчилиги ғофил одамлардир. Ҳозирги даврда хатто браҳманлар оиласида туғилган фарзандлар ҳам шудралар ёки аёллардан фарқ қилмайди. Ҳақиқий маданиятли одамлар яшайдиган жамиятда жамиятнинг олий табақаларига яъни браҳманлар, кшатрийлар ва вайшйалар табақасига мансуб бўлган иккибор туғилган одамлар покланиш маросимлари - самскаралар орқали ўтишлари лозим, лекин,

ҳозирги даврнинг иллатлари кўрсатаётган ёмон таъсир оқибатида брахманлар ва бошқа олий табақаларга оид одамлар ҳам ўз аждодларидан келаётган юксак маънавий маданиятни унутиб юборганлар. Шу боис ундай одамларни двиджа-бандху, яъни "иккибор туғилганларнинг дўстлари ёки оила аъзолари" деб атайдилар. Ана шу двиджа-бандхуларнинг маданияти шудралар ва аёллар поғонасидан юқори эмас. Чукур заковатга эга бўлмаган одамлар - двиджа-бандхулар, шудралар ва аёллар учун Шрила Вйасадева атайлаб Ведаларни бир неча қисмларга бўлди.

22. Ўн саккизинчи келишида Худо Шахси шох Рама қиёфасида пайдо бўлди. Ўзининг кароматлари билан фаришталарни мамнун қилиш ниятида У Ўзининг ақл бовар қилмайдиган мўъжизавий қудратини намойиш қилди: Ҳинд океанини жиловлади, кейин эса океanning нариги қирғоғида яшаётган иблис шох Раванни ўлдирди.

Изоҳ: Коинот фаолиятини тартибга солиш учун Худо Шахси Шри Рама инсон қиёфасига кириб Ер сайёрасига ташриф буюрди. Бу билан У коинот ишларини бошқариб, унинг фаолиятини назорат қилиб, унда тартиб сақлаб турган фаришталарни мамнун қилмоқчи эди. Баъзан Равана, Хираниякашипу ва бошқалар сингари иблис ва атеистлар, Парвардигорнинг моддий оламда ўрнатиб қўйган қонун-қоидаларини писанд қилмай, моддий илм-фан ёки бирор дунёвий фаолият ёрдамида эришган моддий муваффақиятлари сабабли жаҳонда жуда катта шон-шухрат қозонадилар. Масалан, моддий воситалар ёрдамида бошқа сайёраларга учиб боришга уриниш ҳам - Худонинг ўрнатиб қўйган қонунларини писанд қилмасликнинг бир тури. Ҳар бир сайёрада ўзига хос шарт-шароитлар яратилган бўлиб, унда яшаётган инсон қиёфасидаги тирик мавжудотлар айнан ана шу шароитга мослашган бўлади. Уларнинг қандай аниқ мақсадлар билан айнан шу сайёрада яшаши Парвардигор ўрнатиб қўйган қонунларда кўрсатиб қўйилган. Аммо, баъзан ўзларининг эришган арзимаган моддий тараққиётидан гердайиб кетган иймонсиз калтафаҳм даҳрийлар Худонинг борлигини инкор қиладилар. Ана шундай иблисларнинг биттаси Равана бўлиб, у моддий воситалар ёрдамида, оддий одамларнинг ҳаммасини, уларнинг бунга муносиб бўлган сифатларга эга ёки эга эмаслигидан қатъий назар, Индранинг жаннатий сайёрасига юбормоқчи бўлган эди. У одамлар жаннатга эришиш учун умр бўйи ҳар куни савоб эзгу ишлар қилиб қийналиб юрмасликлари учун Ер сайёрасидан жаннатга олиб борадиган зинапоя қуришни режалаштирган эди. У Худонинг ўрнатиб қўйган қонунларига зид бўлган бошқа ишларни ҳам амалга оширмоқчи эди. У ҳатто Худо Шахси Шри Раманинг ҳокимлигини ҳам инкор этиб,

Унинг рафиқаси Ситани ўғирлаб кетган эди. Парвардигор Рамачандра фаришталарнинг илтижоларига жавобан ана шу иймонсиз иблисни жазолаш мақсадида бу дунёга ташриф буюрди. Бу воқеалар "Рамайана" асарида батафсил ҳикоя қилинган. Парвардигор Рамачандра - Худо Шахси, шунинг учун У ғайритабиий кароматлар кўрсатиб кетган, бундай кароматларни оддий одамларнинг бирортаси, шу жумладан моддий жиҳатдан жуда қудратли бўлган Равана ҳам амалга оширишга қодир эмас. Парвардигор Рамачандра тошларни чўкиб кетмасдан сув устида турадиган қилиб, Ҳинд океани устидан кўприк қурди. Замонавий олимлар вакуум, жисмларнинг ҳавода муаллақ туриш ҳолатини ўрганадилар, аммо улар истаган жисмни ўзлари истаган жойида муаллақ турадиган қилишга қодир эмаслар. Парвардигор эса, катта-катта сайёраларни Ўзи яратиб қўйган қонунлар асосида айланиб юрадиган қилишга, ҳатто Ер сайёрасида ҳам тошларни сув устида муаллақ турадиган қилиб, уларни кўтариб турадиган битта ҳам устуни бўлмаган кўприк қуришга қодир. Ҳар нарсага қодир Парвардигорнинг чексиз қудрати ана шундай.

23. Ўн тўққизинчи ва йигирманчи келишларида Худо Шахси Вришни хонадониди(Йадулар қабиласида) Балорам ва Кришна қиёфасида пайдо бўлди. Ўз ташрифи билан У бу оламни оғир мусибатдан қутқарди.

Изоҳ: Мазкур шеърда бхагаван иборасининг ишлатилиши бежиз эмас, бу ибора Балорам ва Кришна Худонинг Олий Шахси эканини билдиради. Кейинроқ бу ҳақиқат батафсилроқ тушунтирилади. Бу бобнинг бошидан бизга маълумки, Парвардигор Кришна - пурушанинг намоён қилган қиёфаси эмас. У - Худонинг Олий Шахсининг Ўзи, Балорам эса - Парвардигорнинг биринчи тўла намоён бўлган экспансияси. Балорамдан Парвардигорнинг тўлиқ экспансияларининг биринчи гуруҳи бошланади: Васудева, Санкаршана, Анируддха ва Прадйумна. Бу оламга келган Парвардигор Шри Кришна - Васудева, Баладева эса - Санкаршана.

24. Кейин, Кали-йуга бошида, ҳақиқий дин қонунларига риоя қилиб яшайдиган такводорларга душманлик кўзи билан қарайдиган одамларни чалғитиш учун Худо Шахси, Гайа вилоятида, Анжананинг ўғли Парвардигор Будда сифатида дунёга келади.

Изоҳ: Худо Шахсининг қудратли экспансияси Парвардигор Будда Гайа(Бихар) вилоятида Анжананинг ўғли сифатида дунёга келди ва ҳатто Ведаларда руҳсат этилган ҳайвонлар қурбон қилинадиган қурбонлик маросимларини ўтказишни ҳам қоралаб, ҳар қандай тирик мавжудотга зулм ўтказмаслик таълимотини

тарғибот қилди. Парвардигор Будда яшаган даврда одамларнинг аксарият кўпчилиги иймонсиз атеистлар эди. Улар ҳамма нарсадан ҳам хайвонлар гўштини истеъмол қилишни устун кўярдилар. Ведавий қурбонлик маросими ўтказиш никоби остида ҳамма жойда ҳақиқий кушхона-кассобхоналар қурилган эди. Золим одамлар ҳеч қандай чеклашларсиз ўлдириб юрган бечора хайвонларнинг аҳволига ачинганидан Парвардигор Будда одамлар орасида зулм қилмаслик, беозорлик таълимотини тарғибот қила бошлади. Бундай таълимотни тарғибот қилар экан, У Ведаларнинг қонунларига ишонмаслигини, бечора хайвонларни ўлдириш одамларнинг маънавиятига, рухиятига жуда катта салбий таъсир кўрсатишини таъкидларди. Худога ишонмайдиган, Кали йуга даврида яшайдиган калтафаҳм одамлар У тарғибот қилган қонун-қоидаларга риоя қила бошладилар. Анча вақт мобайнида улар жамиятда ҳақиқатан ҳам инсонларга хос ахлоқ-одоб ва беозорлик қоидаларига риоя қилиб юрдилар. Албатта, айнан ана шундай қонун-қоидалар Худони англаш йўлида қўйиладиган биринчи қадам бўлади. У Ўзининг таълимотига эргашган иймонсиз атеистларни алдаган эди, чунки улар Худога ишонмас эдилар, лекин бунинг ўрнига улар Худо Шахсининг экспансияси бўлган Парвардигор Буддага ишона бошладилар. Шу тариқа У иймонсиз атеистларни Парвардигор Будда кўринишидаги Худога ишонишга мажбур қилди. Парвардигор Будданинг атеистларга кўрсатган алоҳида марҳамати ана шундай: у иймонсиз атеистларни ўзига ишонишга мажбур қилди.

Парвардигор Будда келишидан олдин бутун жаҳонда хайвонларни бешафқат равишда ўлдириш кескин тус олган эди. Одамлар ўзларининг бу ишларини Ведавий қурбонлик маросими деб атардилар. Ведалар илмини ишонарли шогирдлар силсиласи занжирида турган ҳақиқий руҳий устоздан олмайдиган юзаки диндорларни муқаддас китобларнинг жимжимадор гаплари адаштириб қўяди. «Бхагавад-гита»да ана шундай ғофил олим(авипашчитах)ларнинг таърифи келтирилган. Ведалар адабиётини мукамал билмайдиган, бу илоҳий хабарни шогирдлар силсиласида турган илоҳий манбадан олишга интилмайдиган калтафаҳм билимдонлар албатта йўлдан адашадилар. Ундай одамлар учун тақводор бўлиш учун энг муҳими - ақидаларга амал қилиш ҳисобланади.

«Бхагавад-гита»(15-15)да таъкидланганидай, ведайш ча сарваир ахам эва ведйах: Ведаларнинг ҳаммаси инсоннинг Худонинг Олий Шахсига олиб борадиган йўлга киришига ёрдам беришдан иборат. Ведавий муқаддас китобларнинг ҳаммаси Худонинг Олий Шахсини, алоҳида руҳни, космик оламини, ва уларнинг ўзаро муносабатларини англаб етиш учун мўлжалланган. Инсон ана шу муносабатларни тушуниб олгандан кейин, шу

муносабатларга мос бўлган фаолият билан шуғуллана бошлайди. Шу йўл билан инсон осонлик билан ҳаётнинг энг олий мақсадига эришади - Худонинг даргоҳига қайтиб боради. Бахтга қарши, ишонарли руҳий устозлар изидан бормасдан Ведаларни ўрганиб юрган одамларни фақат Ведаларда кўрсатилган покланиш маросимларини ўтказиш жараёнлари, ҳар хил дабадали маросимлар, ақидалар қизиқтиради, бу эса уларнинг руҳий юксалиш йўлидан табиий равишда кўтарилиб боришига тўсқинлик қилади.

Иймонсиз дунёқарашга эга бўлган ана шундай адашган одамлар учун Парвардигор Будда Худо ҳақидаги таълимот тимсоли ҳисобланади. Шу боис У биринчи навбатда одамлар орасида кенг тарқалган хайвонларни ўлдириш одатига чек қўйишни истаган эди. Беозор хайвонларни ўлдириш инсоннинг руҳий юксалишига салбий таъсир қиладиган, Худонинг даргоҳига олиб борадиган йўлдаги катта тўсиқ ҳисобланади. Тирик мавжудотларни ўлдиришнинг икки тури бор. Руҳлар ҳам тирик мавжудот ҳисобланади. Шу боис ўзининг руҳ эканини эсидан чиқарган одамлар ҳам, хайвонларни ўлдириб юрган одамлар ҳам тирик мавжудотларни ўлдириб юрганлар деб аталади.

Махараж Парикшит айтадики, фақат тирик мавжудотларни ўлдириб юрган одамларгина Худонинг илоҳий хабарларини тинглашдан лаззатланишга қодир бўлолмайдилар. Шу боис, аввал айтиб ўтганимиздай, одамларни Худо йўлига бошлаш учун энг аввало уларни хайвонларни ўлдиришни бас қилишга ўргатиш лозим. Хайвонларни ўлдиришнинг руҳий ўзликни англашга ҳеч қандай алоқаси йўқ деб ҳисоблашдан ҳам аҳмокона фикр бўлиши мумкин эмас. Ана шундай хатарли таълимот оқибатида Кали-йуганинг марҳамати билан ҳозирги даврда жуда кўп сохта саннийасилар Ведаларни ниқоб қилиб олиб, хайвонларни ўлдиришни тарғибот қиляптилар. Бу муаммони мулло Чханд Қози Шаҳоб билан бўлган суҳбатида Парвардигор Чаитанйя муҳокама қилган эди. Ведаларда кўрсатилган хайвонларни қурбонлик қилиш маросими билан ҳеч қандай чеклашсиз, оммавий равишда кушхоналарда хайвонларни сўйишнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Асурлар, ўзларини "Ведалар билимдони" деб юрган иймонсизлар Ведалардан олинган гаплар билан хайвонларни ўлдиришни маъқуллагани сабабли, Парвардигор Будда ўзининг тарғиботида Ведалар таълимотини бутунлай инкор қилди. У ғофил одамларни беозор хайвонларни ўлдиришдай оғир гуноҳдан, бахтиқаро хайвонларни эса - оғиз кўпиртириб бутун жаҳонда қон-қардошлик, меҳр-шафқат, адолат, тенглик ҳақида баландпарвоз гапларни гапирадиган, лекин ўзларининг онгсиз, беозор кичик укалари учун қуриб қўйган кушхоналар шафқатсиз, ёвуз одамлар қўлидан ҳалок бўлиб, қонхўрларга емиш бўлишдан сақлаб қолиш учун

шундай қилган эди. Токи инсон ўз нафси учун беозор жониворларнинг жонини олишни тарк этмас экан, жаҳонда адолат ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Парвардигор Будда бутун жаҳонда ана шу ёвузликка чек қўймоқчи эди, шу боис Унинг ахимса(беозорлик) таълимоти фақат Ҳиндистонда эмас, ундан ташқарида ҳам кенг тарқалган.

Расмий жихатдан Парвардигор Будданинг таълимоти атеистик фалсафалар тоифасига киради, чунки бу таълимот Худони, ягона Парвардигорни, Ведаларни - яъни Худонинг муқаддас китобларини тан олмайди. Аслида эса Парвардигор Будда Ўзининг мақсадларини ниқоблаб олган эди. Парвардигор Будда - Худо Шахсининг бу дунёда намоён бўлган қиёфаси, демак, У - Ведалар илмининг бошланғич устози. Шу боис У Ведалар таълимотини инкор эта олмайди. Лекин У Ўзини худди Ведалар таълимотини инкор этаётгандай қилиб тутди, чунки сура-двйша, яъни Худонинг содиқларига душманлик кўзи билан қарайдиган иблислар Ведаларга асосланиб, сигир ва бошқа ҳайвонларни қурбонлик қилишни оқлашга уринардилар, ҳозирги даврда эса айнан шу ишни сохта саннийасилар қилишга уринаптилар. Парвардигор Будда Ведалар таълимотини бутунлай инкор этишга мажбур бўлган эди. Агар бу шунчаки расмиятчилик бўлмаса, Худонинг содиқлари Парвардигор Буддани Худонинг намоён бўлган қиёфаси деб тан олмас эдилар, вайшнавларнинг буюқ ачарйаси Жайадева эса, ўзининг илоҳий кўшиқларида Унга сажда қилиб, олқишламас эди. Парвардигор Будда Ведаларнинг бошланғич қонун-қоидаларини ўша даврдаги одамларнинг онгига мос равишда тарғибот қилиб, аслида Ведаларнинг қонун-қоидаларини ўрнатган. Шундай қилиб, Парвардигор Будда ҳам, Ачарйа Шанкара ҳам ягона Парвардигор ҳақидаги Ҳақиқат илмини тарғибот қиладиган теизм таълимотига йўл очиб берган, вайшнавларнинг ачарйалари эса, айниқса Парвардигор Шри Чаитанья Махапрабху инсониятни ана шу йўлдан бу йўлнинг охирига мақсади - Худонинг даргоҳи сари олиб бораптилар.

Бутун жаҳонда одамларнинг Парвардигор Будда тарғибот қилган ахимса таълимоти билан қизиқиши бизни жуда қувонтиради. Лекин, уларнинг бу қизиқиши ҳақиқатан ҳам жиддий тус олиб, жаҳондаги барча қушхоналарни ёпиш учун етарли бўлармикан? Агар уларнинг қизиқиши бундай натижа бермаса, ахимса таълимотини тарғибот қилишнинг маъноси қолмайди.

"Шримад Бхагаватам" Кали йуга бошланиши олдида(беш минг йил олдин) ёзилган эди, Парвардигор Будда эса, 2600 йил олдин дунёга келган. Шундай қилиб, "Шримад Бхагаватам"да Парвардигор Будданинг бу дунёга келиши башорат қилинган эди. Бу аниқ муқаддас китобнинг обрўси ана шундай. Унда бунга

ўхшаган жуда кўп башоратлар келтирилган бўлиб, улар бирин-кетин амалга ошаверади. Шу тарика ҳар қандай адашиш, алданиш, алдаш ва нуқсонлар сингари, барча шартланган руҳларга ҳос бўлган нуқсонлардан бутунлай холи бўлган "Шримад Бхагаватам"нинг бенуқсон илоҳийлиги исботланиб бораверади. Руҳий озодликка чиққан одамлар ана шундай нуқсонлардан пок, шунинг учун улар ҳали узоқ келажақда рўй берадиган воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўра билиш қобилиятига эга.

25. Кейин, оламни яратган Худо Шахси, икки йуга оралиғида Калки-аватара қиёфасида Вишну Йашининг ўғли бўлиб дунёга келади. Ўша пайтга келиб дунёдаги барча ҳукмдорлар иймонсиз, виждонсиз қароқчиларга айланадилар.

Изоҳ: Бу ерда Парвардигорнинг яна бир қиёфаси, Парвардигор Калкининг келиши башорат қилинган. У икки йуга - Кали-йуга билан Сатйа-йуга оралиғида келади. Тўрт йуга Сатйа, Трета, Двапара ва Кали-йуга - худди йил фасллари сингари алмашиб турадилар. Ҳозир биз яшаётган Кали-йуга 432.000 йил давом этади, у 5000 йил аввал, Курукшетра жанги ва Махараж Парикшитнинг ҳукмронлик даври тугагандан кейин бошланган эди. Демак, Кали-йуганинг тамом бўлишига яна 427.000 йил бор. "Шримад Бхагаватам"да башорат қилинганки, ана шу давр охирида Парвардигор Калки қиёфасида намоён бўлади. Унинг отасининг исми - билимдон браҳман Вишну Йаши, туғилдиган жойи - Шамбала қишлоғи ҳам кўрсатилган. Аввал айтганимиздай, вақти келиб, бу башоратларнинг ҳаммаси албатта амалга ошади. "Шримад Бхагаватам"нинг бенуқсон обрўси ана шундай.

26. Эй браҳманлар, Худо Шахсининг кўринишлари, қиёфалари, туганмас булоқдан оқиб чиқаётган ирмоқлар сингари бениҳоядир.

Изоҳ: Бу ерда Парвардигорнинг намоён қилган қиёфаларининг бир қисми кўрсатиб ўтилган. Бу рўйхатга фақат уларнинг баъзи бирлари киритилган, лекин ўтган даврларда Парвардигор жуда кўп қиёфаларда намоён бўлган: Шри Хайагрива, Хари, Хамса, Пришнигарбха, Вибху, Сатйасена, Ваикунтха, Сарвабхаума, Вишвакшена, Дхармасету, Судхама, Йогешвара, Брихадбхану ва ҳоказо. Шри Прахлад Махараж Худога илтижо қилиб шундай дейди: "Эй азиз Худойим, Сен иймонли такводор зотларга ёрдам бериш ҳамда иймонсизларни яқсон қилиш мақсадида ҳаётнинг барча турларида намоён бўласан: сувда яшайдиган тирик мавжудотлар орасида, ўйсмиқлар, судралиб юрувчилар, қушлар, ҳайвонлар, одамлар, фаришталар ва бошқа ҳаёт турларида. Ҳар хил

даврларда Сен заруият туғилганда бу дунёга ташриф буюрасан. Кали-йугада Сен содик хизматкор киёфасида намоён бўлдинг". Парвардигорнинг Кали-йугада намоён бўлган киёфаси - Парвардигор Чаитанья Махапрабху. "Шримад Бхагаватам"нинг бошқа кўплаган жойларида ҳам, бошқа муқаддас китобларда ҳам Парвардигорнинг Шри Чаитанья Махапрабху киёфасида келиши очикдан-очик ёзилган. "Брахма-самхита"да ҳам билвосита шунга ишора қилинган бўлиб, унда айтилганки, гарчи Парвардигорнинг Рама, Нрисимха, Вараха, Матсйа, Курма ва бошқалар сингари намоён бўлган киёфалари кўп бўлса ҳам, - баъзан Парвардигорнинг Шахсан Ўзи бу дунёга ташриф буюради. Шундай қилиб, Парвардигор Кришна ва Парвардигор Чаитанья Махапрабху - Парвардигорнинг киёфалари эмас, балки бошқа барча намоён бўлган киёфаларнинг бошланғич манбаидир. Буни кейинги шеърдан тушуниб оламиз. Парвардигор - сон-саноксиз намоён бўлган киёфалар манбаидир, одатда эса уларнинг баъзилари кўрсатиб ўтилади. Парвардигорнинг бу дунёда намоён бўлган киёфаларини уларнинг кўрсатаётган ғаройиб, ғайритабиий кароматларидан билиб олади, бундай кароматларни шартланган рухлардан, оддий тирик мавжудотлардан бирортаси кўрсатишга қодир эмас. Парвардигорнинг ваколат юкланган киёфалари бевосита ва билвосита ана шундай белгилар асосида аникланади. Юқорида санаб ўтилган киёфаларнинг баъзилари - Унинг тўла намоён бўлган қисмлари эди. Масалан, Кумарларга - илоҳий илм ато этилган, Шри Нарада Мунида эса - Худога садоқат билан хизмат қилиш қуввати мужассам бўлган. Махараж Притхуга - ижро этиш қуввати ва ваколоти ато этилган. Матсйа киёфаси - Парвардигорнинг бевосита тўлиқ намоён бўлган қисми. Парвардигорнинг сон-саноксиз киёфалари худди шаршарадан бетиним оқаётган сув сингари хамиша барча коинотларда намоён бўлиб туради.

27. Барча донишманд-ришилар, Манулар, Мануларнинг алоҳида қудратга эга бўлган авлодлари ва фаришталар Худо Шахсининг тўла бутун қисми ёки тўла бутун қисмининг бўлақларидир. Праджапатилар ҳам шундай.

Изоҳ: Нисбатан унчалик катта қудратга эга бўлмаган зотлар вибхутилар, катта қудратга эга бўлган зотларни эса Худо Шахсининг намоён бўлган киёфаси авешалар деб аталади.

28. Юқорида санаб ўтилган киёфаларнинг барчаси Худо Шахсининг тўлиқ намоён бўлган қисми ёки Парвардигорнинг тўлиқ қисмининг қисмларидир. Аммо, Худонинг Олий Шахси Кришна - Парвардигорнинг бошланғич, азалий Олий Шахсидир. Коинотнинг ҳар хил

сайёраларида иймонсиз атеистлар томонидан амалга оширилаётган турли бузғунчиликлар авж олганида Парвардигорнинг намоён бўлган киёфалари шу жойларда пайдо бўладилар. Худо Шахси бу оламга тақводор инсонларни ҳимоя қилиш ниятида ташриф буюради.

Изоҳ: Бу шеърда Парвардигор Шри Кришна, Худонинг Олий Шахси Парвардигорнинг бошқа киёфаларидан ажратиб алоҳида кўрсатилган. Парвардигорни ҳам аватаралар (Парвардигорнинг намоён бўлган киёфалари) қаторида санаб ўтилганининг боиси шундаки, У Ўзининг бесабаб марҳамати билан Ўзининг илоҳий даргоҳидан бу дунёга ташриф буюради. Аватара ибораси "ташриф буюрадиган зот" деган маънони билдиради. Парвардигорнинг намоён бўлган барча киёфалари, шу жумладан Унинг Ўзи ҳам, моддий оламнинг ҳар хил сайёраларига ташриф буюриб, аниқ бир вазифани бажариш учун ҳаётнинг турли шаклларида намоён бўладилар. Баъзан Парвардигорнинг шахсан Ўзи ташриф буюради, баъзан эса бу моддий оламга Унинг намоён бўлган ҳар хил тўлиқ қисмлари, тўлиқ қисмларининг қисмлари ёки ажралган қисмлари ташриф буюради. Уларнинг ҳар бирига Парвардигор алоҳида аниқ бир вазифани бажариш учун бевосита ёки билвосита ваколат берган бўлади. Бошланғич, азалий ҳолатида Парвардигор бутун бойлик, қудрат, шон-шуҳрат, гўзаллик, илм ва боғланмаслик манбаидир. Шунга айтиш лозимки, Унинг тўла намоён бўлган қисмларида ёки қисмларининг қисмларида Унинг ҳар хил кучлари, қудрати қисман намоён бўлганда, улар шу киёфанинг бажариши лозим бўлган вазифани адо этиш учун етарли бўлган микдордагина намоён бўлади. Агар ҳонада кичкина электр чироғи ёниб турган бўлса, бу бир электростанциянинг қудрати фақат шу чирокқа етар эканда, деб ўйламаслик керак. Ана шу электростанция жуда катта электр қуввати талаб қилинадиган катта-катта саноат электрускуналарини ҳам электр қуввати билан таъминлашга қодир. Худди шундай, Парвардигорнинг бу дунёда намоён бўлган киёфалари ҳам замон ва макон шароитларига қараб, аниқ бир вазифани амалга ошириш учун зарур бўлган микдорда чекланган қудрат намоён этадилар.

Масалан, Парвардигор Парашурама ва Парвардигор Нарасимха мисли кўрилмаган илоҳий қудрат намоён этганлар: Парашурама бутун жаҳондаги брахманларнинг кўрсатмаларига бўйсунмаган кшатрийларнинг ҳаммасини йигирма бир марта яксон қилган, Нарасимха эса - қудратли иймонсиз иблис Хираньякашипуни ўлдирган. Хираньякашипу шу қадар кучли қудратга эга эдики, у бирор нарсадан норози бўлиб қошини чимирганда бошқа сайёралардаги фаришталар ўзларини кўярга жой тополмай, типирчилаб қолардилар. Моддий жиҳатдан анча юқори

поғонада турган фаришталар гўзаллик, узок умр кўриш, бойлик, жисмоний куч-қудрат ва бошқа жиҳатдан ҳатто энг қудратли одамлардан ҳам бир неча марта устун турадилар, шунга қарамай, улар ҳам иблис Хиранйакашипудан кўрқардилар. Бундан Хиранйакашипу моддий оламда қанчалик кучли қудратга эга эканини тасаввур қилиш мумкин. Шунга қарамай Парвардигор Нрисимха уни Ўзининг панжалари билан тимдалаб, майда бўлақларга бўлиб ташлаган эди. Демак, бу дунёда қанчалик қудратли жисмоний кучга эга бўлмасин, Парвардигорнинг панжалари кучига ҳеч ким қаршилиқ кўрсата олмайди. Жамадагнийа ҳам ўзларининг шоҳона қаср-кўрғонларида мустаҳкам ўрнашиб олган, браҳманларга бўйсунмаган барча кшатрийларни яксон қилиб Парвардигорнинг чексиз қудратини намоён қилган. Парвардигорнинг ваколат олган қиёфаси Нарада Муни тўлиқ қисми Вараха, шунингдек, билвосита ваколат билан келган Парвардигор Будда, одамлар қалбида Худого иймон, ишонч туйғусини уйғотганлар. Рама ва Дханвантара қиёфалари Унинг шон-шуҳратини, Парвардигор Балорам, Мохини ва Вамана эса - Унинг гўзаллигини намоён этганлар. Даттатррейа, Матсйа, ва Капила - Унинг илоҳий илмини намоёиш этганлар, Нара ва Нарайана Риши эса - Унинг боғланмаслик сифатини намоёиш этганлар. Шундай қилиб, Парвардигорнинг турли қиёфалари Унинг турли сифатларини бевосита ёки билвосита намоён этганлар, аммо Кришна, азалий, бошланғич Парвардигор, Худонинг Олий Шахси Ўзининг барча сифатларини тўла намоён қилган. Бу билан У - бошқа барча намоён бўлган қиёфаларнинг манбаи экани тасдиқланади. Парвардигор Шри Кришна Ўзининг энг ғайритабиий сифатларини ички қуввати ёрдамида подачи-қизлар билан ўтказган ўйинларида намоёиш қилган. Унинг гопилар билан ўтказган эрмаклари, гарчи сиртдан қараганда бу ишлар худди дунёвий муҳаббатга ўхшаб кўринса ҳам, аслида илоҳий борлиқ, илоҳий лаззат ва илоҳий илмнинг намоён бўлишидир. Парвардигорнинг гопилар билан ўтказган илоҳий табиатли ишқий ўйинларининг алоҳида гўзаллигини нотўғри талқин қилмаслик керак. "Шримад Бхагаватам"да Парвардигорнинг бу илоҳий эрмаклари ўнинчи кўшиқда ҳикоя қилинган. Биринчи тўққиз бобда берилган илм "Шримад Бхагаватам" ўқувчини аста-секин Парвардигорнинг гопилар билан ўтказган ишқий ўйинларининг илоҳий табиатли эканини тушуна оладиган поғонага кўтаради.

Шрила Жива Госвамиининг ишонарли манбалардан олинган маълумотларга асосланган фикрига кўра, Парвардигор Кришна - бошқа барча қиёфаларнинг манбаи. Парвардигор Кришнанинг манбаи йўқ, Парвардигор Шри Кришна Мутлак Ҳақиқатга хос бўлган барча сифатларнинг мукамал соҳибидир, «Бхагавад-гита»да ҳам Парвардигор эълон қилиб, Мендан устун ёки

Менга тенг бўлган бошқа бирор ҳақиқат йўқ, деб айтади. Бу шеърда свайам ибораси ишлатилган, бу ибора Кришнанинг Ўзидан бошқа бирор манба йўқлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Бошқа жойларда ҳам Парвардигорнинг қиёфалари Уларнинг алоҳида сифатга эгаллигини кўрсатадиган бхагаван ибораси билан ифоданган бўлишига қарамай, улар бирор жойда Худонинг Олий Шахси деб кўрсатилмаган. Бу ерда ишлатилган свайам ибораси Худонинг Олий Шахсининг суммум бонум(энг олий ҳақиқат) эканини алоҳида таъкидлаб турибди.

Кришна - суммум бонум, У - фақат битта, ягона. Унинг Ўзи Ўзини ҳар хил экспансияларда, турли қисм ва заррачаларда намоён этиб кўпайтирган. Парвардигорнинг намоён этган қисм ва зарралари, экспансиялари свайам-рупа, свайам-пракаша, тад-экатма, прабхава, ваибхава, виласа, аватара, авеша ва живалардан иборат. Ана шу шахсларнинг ҳаммасига ўзига хос қувватлар ато этилган, бу қувватларнинг турлари ҳам сон-саноксиз. Илоҳий илмни ммукамал эгаллаган билимдон донишмандлар уларни чуқур таҳлил қилиб шундай хулосага келганлар: суммум бонум, Парвардигор Кришна олтмиш тўрт асосий хусусиятга эга. Экспансиялар, яъни Худо Шахси вишну-татва тоифасига қирадиган тирик мавжудотлар ана шу хусусиятларни қисман намоён этади, уларнинг ҳаммасига фақат Парвардигор Кришна тўлиқ эга. Унинг барча шахсий экспансиялари - свайам-пракаша, тад-экатма ва бошқалар - то аватара тоифасигача вишну-татвалар бўлиб, ана шу сифатларнинг (93%)тўқсон уч фоизигача эга бўладилар. Маъбуд Шива - аватара ҳам эмас, авеша ҳам эмас, улар оралиғида бўлган бошқа тирик мавжудот эмас, у - ана шу сифатларнинг (84%)саксон тўрт фоизигача эга бўлади. Живалар, ҳар хил илоҳий поғонада турган тирик мавжудотлар эса, шу илоҳий хусусиятларнинг (78%)етмиш саккиз фоизигача эга бўладилар. Моддий оламда шартланган ҳолатда бўлгани сабабли тирик мавжудот ўзининг қанчалик руҳий поклиги, тақводорлигига мос равишда ана шу сифатларнинг жуда арзимаган қисмига эга бўлади. Тирик мавжудотлар ичида руҳий жиҳатдан энг юксак поғонага кўтарилган зот - мазкур коинот фаолиятини бошқариб турган Маъбуд Браҳма ҳисобланади. Маъбуд Браҳма Парвардигорнинг илоҳий хусусиятларининг 78% ига тўла эга бўлади. Бошқа фаришталар ҳам худди шундай хусусиятларга, лекин камроқ миқдорда эга бўладилар, одамлар эса бу хусусиятларга жуда арзимаган миқдорда эга бўладилар. Комил инсон, руҳий баркамолликка эришишнинг энг юқори поғонаси - ана шу илоҳий хусусиятларнинг 78%ига тўлиқ эга бўлишдан иборат. Тирик мавжудот ҳеч қачон Маъбуд Шива, Парвардигор Вишну ёки Парвардигор Кришна эга бўлган илоҳий хусусиятларга тўла эга бўлолмайди. Илоҳий сифатларни ўзида 78% ривожлантириб

тирик мавжудот илоҳий даражага кўтарилади, аммо, гарчи вақти келиб Маъбуд Браҳма даражасига кўтарила олиши мумкин бўлса ҳам, у ҳеч қачон Маъбуд Шива, Парвардигор Вишну ёки Парвардигор Кришна сингари Худо бўлолмайди. Барча илоҳий зотлар - Парвардигорнинг мангу ҳамроҳларидир, улар руҳий оламдаги Хари-дҳама ёки Махеша-дҳама деб аталадиган турли хил руҳий сайёраларда яшайдилар. Барча руҳий сайёралардан юқорида эса, Парвардигор Кришнанинг даргоҳи - Кришналока, голока Вриндаван жойлашган. Парвардигорнинг юқорида кўсатилган илоҳий хусусиятларининг 78%ини ўзида ривожлантира олган тирик мавжудотлар, яъни руҳий юксалишда баркамолликка эришган комил зотлар Кришналокага эриша оладилар.

29. Худо Парвардигорнинг сирли равишда намоён бўлишлари ҳақидаги илоҳий ҳикояларни эрталаб ва кечқурун диққат ва садоқат билан такрорлаган киши ҳаётда учрайдиган барча мусибат, азоб-уқубатлардан халос бўлади.

Изоҳ: «Бхагавад-гита»да Парвардигор айтганки, Худонинг Олий Шахсининг бу дунёга келиши ва кўрсатган кароматларининг илоҳий қонунларини англаб етган киши бу ўткинчи моддий олам тутқунлигидан халос бўлиб, Худонинг даргоҳига эришади. Шундай қилиб, Парвардигорнинг бу моддий оламда пайдо бўлишининг сирини англаб етишнинг ўзи инсоннинг моддий олам тутқунлигидан бутунлай озодликка чиқиши учун кифоя экан. Демак, бутун инсониятнинг бахт-саодатини ўйлаб, Парвардигор Ўзини бу дунёда намоён этиши ва ҳар хил кароматлар кўрсатиши оддий тарихий воқеалар эмас. Улар сирли, илоҳий кароматлар бўлиб, бу сир фақат илоҳий табиатга эга бўлган Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёни орқали шу сирни англаб олишга самимий интилаётган одамларгагина очилади. Инсон шу тарзда моддий олам тутқунлигидан руҳий озодликка чиқа олади. Шу боис, инсон ҳаётининг олий мақсадига эришишга интилиб юрган фаросатли одамларга ҳар куни "Шримад Бхагаватам"даги Парвардигорнинг ҳар хил қиёфаларда намоён этган кароматлари ҳақида ҳикоя қиладиган мана шу бобини ҳар куни такрорлаб юриш тавсия қилинади, биргина шу амалнинг ўзи инсонга Парвардигорнинг туғилиши ва фаолиятининг сирларини англаб олиш имкониятини беради. Вимукти(озодликка чиқиш) иборасининг ўзи Парвардигорнинг туғилиши ва кўрсатган кароматлари илоҳий табиатга эга эканини кўрсатиб турибди, акс ҳолда, шунчаки бу кароматларни ҳикоя қиладиган ҳикояларни такрорлаш билан руҳий озодликка эришиб бўлмасди. Улар сирли, илоҳий табиатга эга бўлиб, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг белгиланган қонун-қоидаларига риоя қилмай

юрган одамлар қанчалик уринмасинлар, Парвардигорнинг бу дунёга келишининг ва кўрсатган кароматларининг илоҳий сирини англай олиш ҳуқуқига эга бўлолмайдилар.

30. "Парвардигор моддий оламда Вират-рупа, моддий оламда Ўзининг фазовий қиёфасида пайдо бўлади" деган тушунча - ҳаёлий, шартли тушунчадир. Ундан мақсад - чуқур тафаккурга эга бўлмаган кишиларнинг онгида "Худонинг қиёфаси бор" деган фикр уйғонишига имконият яратишдир. Аслида Худо Шахсининг моддий қиёфаси йўқ. Бу қиёфаларнинг барчасида У илоҳийлигича қолаверади.

Изоҳ: Парвардигорнинг вишва-рупа ёки вират-рупа деб аталадиган қиёфаси Унинг бу дунёда намоён этган қиёфалари қаторида эслатиб ўтилмаган, чунки бу ерда санаб ўтилган қиёфаларнинг барчаси илоҳий табиатга эга, уларнинг танасида моддий унсурлардан асар ҳам йўқ. Шартланган руҳларга хос бўлган хусусият - тана билан руҳнинг бир-биридан фарқ қилиш хусусияти Уларда йўқ. Вират-рупа ҳақидаги тасаввур эндигина Худони англаш, Худога сиғиниш йўлига кирган одамлар учун ўйлаб топилган. Улар учун Парвардигорнинг моддий вират-рупа қиёфаси батафсил таърифлаб берилади, бу ҳақда "Шримад Бхагаватам"нинг иккинчи кўшиғида ҳикоя қилинади. Вират-рупа тасаввурига кўра ҳар хил сайёраларнинг намоён бўлган моддий кўриниши Парвардигорнинг оёқлари, қўллари ва хоказо деб тушунтирилади. Аслида бундай тасаввурлар онги паст одамларга Худонинг буюклигини тушунтириш учун ўйлаб топилган, чунки улар ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлардан ташқарида бўлган нарсаларни қабул қила олмайдилар, тасаввурига сиғдира олмайдилар. Парвардигор моддий қиёфаси Унинг бу оламда намоён этган ҳақиқий қиёфалари қаторида эса олинмаган. Парвардигор Параматма кўринишида ҳар бир моддий шакл, қиёфа ичида, ҳатто ҳар бир атом ичида мавжуд, аммо аслида ташқи моддий қиёфа, Парвардигор учун ҳам, тирик мавжудотлар учун ҳам - хом-хаёл, вақтинчалик тасаввурдан бошқа нарса эмас. Шартланган руҳларнинг ҳозирги моддий қиёфалари ҳам уларнинг ҳақиқий қиёфалари эмас. Шундай қилиб, вират, Парвардигорнинг танасини моддий деб тасаввур қилиш - ҳақиқий эмас. Парвардигор ҳам, тирик мавжудотлар ҳам - ўзларининг бошланғич, азалий руҳий таналарига эга бўлган тирик мангу руҳ, жонлардир.

31. Булут ва чанг ҳавога кўтарилади, шунда одамлар осмонни булут қоплади, ҳаво чанг бўлди деб айтадилар. Худди шундай улар ўзларининг моддий танаси билан боғлиқ бўлган тасаввурларини мангу руҳ билан боғлайдилар.

Изоҳ: Бу ерда яна таъкидлаб айтиляптики, бизлар ўзимизнинг ҳозирги моддий сезгиларимиз, кўриш қобилятимиз билан бутунлай руҳий табиатга эга бўлган Парвардигорни сезишга, қабул қилишга, тасаввуримизга сиғдиришга қодир эмасмиз. Биз ҳатто тирик мавжудотнинг танасида мавжуд бўлган руҳий заррачани топа олмаймиз. Биз тирик мавжудотнинг фақат ташқи кўринишига ёки унинг нафис ақлига эътибор берамиз, аммо унинг моддий танаси ичида мавжуд бўлган руҳий заррачани, жонни, руҳни кўра олмаймиз. Шунинг учун биз тирик мавжудотнинг танасининг мавжудлиги асосида у(руҳ)нинг ҳақиқатан ҳам мавжудлигини тан оламиз. Худди шундай ўзининг ҳозирги моддий кўзлари билан кўришга ёки ўзининг ҳозирги моддий сезги аъзолари билан Парвардигорни яққол ҳис қилишга ҳаракат қилиб юрган одамлар учун Парвардигорнинг *вират-рупа* деб аталадиган ташқи қиёфасига муроқабат қилиш тавсия қилинади. Масалан, кимдир узокдан кўзига кўриниб бораётган машинани унинг ичида бораётган одамга қиёслайди. Давлат президенти ўзининг машинасида ўтиб бораётган бўлса биз: "Президент ўтиб боряпти!" - деб айтаемиз. Бунда биз президентни кўрмаймиз, лекин унинг машинасини президент ўрнида қабул қилаемиз. Шунга ўхшаб, гарчи Парвардигор ҳар бир мавжуд нарсанинг ҳам ичида, ҳам ташқарисида мавжуд бўлишига қарамай, ҳақиқатан ҳам Худони кўриш учун ҳали етарли сифатларга эга бўлмай туриб, дарров Худони кўришни истайдиган калтафаҳм одамларга буюк донишманд Парвардигорнинг қиёфаси сифатида бепоён космик оламни кўрсатадилар. Бу борада осмондаги булутларни ҳамда осмонни кўкимтир рангда тасаввур қилишни мисол келтириш мумкин. Гарчи осмоннинг кўкимтир ранги осмоннинг ўздан фарқ қилса ҳам, биз "кўм-кўк, ёки мовий осмон" деб атаймиз. Бундай тасаввур фақат илмсиз оддий одамларда бўлади.

32. Шахснинг моддий, кўпол қиёфасини назарда тутадиган моддий тушунча, моддий тасаввур билан бирга, унинг нафис тушунчаси(концепцияси) ҳам мавжуд. Бу тасаввурга биноан шахс(жон) - ташқи чегарага эга эмас, кўринмайдиган, эшитилмайдиган ва намоён бўлмаган зот. Тирик мавжудот(руҳ)нинг моддий қиёфаси унинг руҳий қиёфасидан, нафис танасидан фарқ қилади, акс ҳолда у бу дунёда такрор ва такрор туғила олмаган бўларди.

Изоҳ: Намоён бўлган бу бепоён моддий оламни "Парвардигорнинг баҳайбат фазовий танаси" деб тасаввур қилишдан бошқа Парвардигорнинг нафис танаси ҳақидаги тасаввур ҳам мавжуд. Унинг нафис танаси кўринмас, эшитилмас, намоён бўлмаган, лекин уни англаб етиш мумкин. Аммо

кўпол ва нафис таналар ҳақидаги бундай тасаввурлар фақат тирик мавжудотларга тааллуқли. Тирик мавжудотнинг кўпол моддий ёки нафис ақлий борлигидан ташқарида мавжуд бўлган руҳий танаси ҳам мавжуд. Тирик мавжудот кўриниб турган моддий танасини тарк этган заҳоти, унинг кўпол танаси ва нафис ақли ишдан чиқади. Аслида биз уни кўра олмасак, эшита олмасак, "тирик мавжудот кетди" деган хулосага келаемиз. Тирик мавжудот қаттиқ уйқуга кетган, танаси ҳаракатсиз бўлиб қолган пайтда биз унинг мавжудлигини олаётган нафаси орқали билиб оламиз. Тирик мавжудотнинг танани тарк этиб кетиши тирик руҳ мавжуд эмаслигини исботлайдиган далил бўлмайди. Агар тирик руҳ мавжуд бўлмаса, тирик мавжудот қандай қилиб такрор ва такрор туғила оларди?

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Парвардигор ҳамиша ўзининг мангу руҳий, илоҳий қиёфасида мавжуд. Тирик мавжудотнинг моддий танасидан фарқли равишда Унинг танаси кўпол ҳам эмас, нафис ҳам эмас. Унинг илоҳий танасини ҳеч қачон тирик мавжудотнинг кўпол ва нафис танасига тенглаштириб бўлмайди. Парвардигорнинг танаси ҳақидаги бундай тасаввурларнинг ҳаммаси - ўйлаб топилган тасаввурлардир. Тирик мавжудотнинг моддий иллатларга булғаниши оқибатида шартланиб қоладиган мангу руҳий танаси мавжуд.

33. Инсон ўзини, руҳий ўзлигини англаб етиши жараёнида ўзининг на кўпол, на нафис танаси унинг соф "ўзлиги"(жони, "мени")га ҳеч қандай алоқадор эмаслигини ҳис қилади, англаб етади. Шунда у ўзини ҳам, Худо Шахсини ҳам яққол кўра олади.

Изоҳ: Руҳий ўзлигини англаш ва моддий алданиш орасидаги фарқ шундан иборатки, руҳий ўзлигини англаб етган киши моддий қувватнинг вақтинчалик, ўткинчи кўпол ва нафис тана кўринишидаги қобиклари шунчаки мангу руҳнинг ташқи қобиклари эканини тушунади. Унда ана шундай қобик-таналарнинг пайдо бўлишининг асосий сабаби - тирик мавжудотнинг ғофиллигидир. Худо Шахси ҳеч қачон бундай моддий қобиклар билан қопланмайди. Мана шу ҳақиқатни яхши тушуниб олиш - руҳий озодликка эришиш, Мутлақ Ҳақиқатни кўриш демақдир. Демак, руҳий ўзликни мукамал англаб етиш учун инсон Худонинг қонунларига бўйсуниб, тақводор ҳаёт кечириши, руҳий фаолият билан шуғулланиб яшаши лозим. Руҳий ўзлигини англаб етиш - ҳаётда фақат кўпол ва нафис моддий тананинг эҳтиёжларига эътибор бериб қолмасдан, асосий эътиборни мангу руҳнинг руҳий фаолиятига қаратиб яшаш демақдир. Фаолият кўрсатишга бўлган интилиш руҳдан чиқади, лекин агар руҳ ўзининг ҳақиқий ҳолати қандайлигини тушунмаса, унинг фаолияти ҳам алдамчи фаолият бўлади.

Ғофиллиги сабабли тирик мавжудот фақат нафис ва кўпол танасига фойда келтирадиган нарсалар билан қизиқади. Натижада унинг сон-саноксиз умрлар давомида кўрсатаётган фаолиятининг ҳаммаси ҳеч қандай маъносиз, бемаъни ишлар бўлиб қолади. Инсон ҳақиқий илм ўрганиш йўлига кириб, ҳақиқий "мен"ини, руҳий ўзлигини англаб етганида унинг руҳий фаолияти бошланади. Шу боис, ҳаётда фақат мангу руҳнинг фаолияти билан, соф руҳий фаолият билан шуғулланиб юрган одамни *живан-мукта*, яъни ҳатто у моддий оламда шартланган ҳолатда бўлса ҳам "руҳий озодликка эришган зот" деб атайдилар.

Руҳий ўзликни англашнинг бундай мукаммал поғонасига сунъий воситалар ёрдамида эришиб бўлмайди - бунга фақат ўзгармас илоҳий табиатга эга бўлган Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига ўз ихтиёрини бутунлай топшириш орқали эришиш мумкин. «Бхагавад-гита»да Парвардигор айтганки, У ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида жойлашган ва ҳар қандай илм, хотира ва унутиш Унинг Ўзидан чиқади. Тирик мавжудот моддий қувват(намоён бўлган алдамчи нарсалар) билан лаззатланишни истаса, Парвардигор уни ўзининг ҳақиқий руҳий ҳолатини унутиш уммонига ғарқ қилади. Натижада тирик мавжудот кўпол моддий танасини ва нафис ақлини "мен ўзим" деб қабул қилади. Тирик мавжудот илоҳий илм ўрганиш жараёнида бундай унутиш, алданиш, ғофиллик чангалидан озодликка чиқаришни сўраб Парвардигорга илтижо қила бошлаганида эса, Парвардигор унга Ўзининг бесабаб марҳаматини кўрсатиб, тирик мавжудотни қоплаб олган алданиш пардасини кўтаради, шунда тирик мавжудот ўзининг руҳий табиатини англаб етади. Кейин, ўзининг ўзгармас азалий, бошланғич ҳолатига қайтган тирик мавжудот моддий оламдаги шартланган тирикчилик чангалидан халос бўлиб, ҳаётини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлайди. Парвардигор бу ишларни ё Ўзининг ташқи қуввати ёрдамида, ё бевосита Ўзининг ички қуввати ёрдамида амалга оширади.

34. Алдамчи қувват таслим бўлиб, тирик мавжудот Худонинг марҳамати билан илоҳий илмга мукаммал эга бўлган заҳоти ўзи(ҳақиқий мени, руҳи)ни англаб етади ва ўзининг тенгсиз улугвор руҳий ҳолатини ўзи яққол ҳис қила бошлайди.

Изоҳ: Парвардигор - мутлақ Илоҳий Зот, шу боис Унинг ҳамма киёфалари, номлари, эрмаклари, хусусиятлари, ҳамроҳлари ва қувватлари Унинг Ўзидан фарқ қилмайди. Унинг илоҳий қуввати ҳам Унинг ҳар нарсага қодир бўлган чексиз қудратига мос равишда ҳаракат қилади. Унинг ягона қуввати ҳам ташқи, ҳам ички, ҳам оралиқ қувват сифатида ҳаракат қилади, ҳар нарсага қодир бўлгани учун Парвардигор ўзининг истаган қуввати ёрдамида

истаган ишни амалга ошира олади. Ўз ихтиёри билан У ташқи қувватни ички қувватга айлантириши мумкин. Шунда Парвардигорнинг марҳамати билан, тирик мавжудот ўзи шуни истагани учун, шу пайтгача уни алдаб юрган ташқи қувват энди Парвардигорнинг амри билан ортга чекинади ва шартланган руҳ шунча вақт алданиб юрганидан қаттиқ пушаймон бўлиб тавба-тазарру қилиб, риёзатга берилади. Кейин, ана шу қувватнинг ўзи қалби покланган тирик мавжудотнинг руҳий юксалиш йўлидан муваффақият билан боришига ёрдам бера бошлайди. Бу ерда тажрибали электрикни мисол келтириш жуда ўринли. Тажрибали электрик электр қувватини ҳар хил усулда ишлатиб, ундан бирор нарсани иситишда, қиздиришда ҳам, совутишда ҳам бирдай фойдаланиши мумкин. Худди шундай, ҳозир тирик мавжудотни адаштириб, йўлдан уриб, бу дунёда уни кетма-кет туғилиш ва ўлишга мажбур қилиб юрган ташқи қувват Парвардигорнинг иродаси билан тирик мавжудотни мангу ҳаёт сари етаклаб борадиган ички қувватга айланади. Парвардигорнинг ана шундай марҳаматига эришиб, тирик мавжудот мангу руҳий ҳаёт билан лаззатланиб яшаш учун ўзининг азалий табиий ҳолатига эришади.

35. Билимдон донишмандлар ҳатто ведавий муқаддас китобларда ҳам топилмайдиган, туғилмаган ва ҳаракат қилмайдиган - шахс(руҳ)нинг туғилиши ва фаолиятини ана шундай таърифлайдилар. У - тирик мавжудот қалбининг ҳукмдори, ягона Парвардигордир.

Изоҳ: Ўзларининг асл ҳолатига кўра Парвардигор ҳам, тирик мавжудот ҳам бутунлай руҳий табиатга эга. Шунинг учун улар мангу бўлиб, Парвардигор учун ҳам, тирик мавжудот учун ҳам ҳеч қандай туғилиш ва ўлиш мавжуд эмас. Улар орасидаги фарқ шундан иборатки, Парвардигорнинг бу дунёга келиши ва кетиши тирик мавжудотнинг туғилиш ва ўлишига умуман ўхшамайди. Бу дунёда туғилиб-ўлиб юрадиган тирик мавжудотлар моддий табиат қонунларига бўйсундилар. Аммо, Парвардигорнинг бу дунёга келиши ва кетишининг бу дунёда моддий табиат кўрсатаётган фаолиятга ҳеч қандай алоқаси йўқ, буларнинг ҳаммаси - Унинг ички қувватининг намоён бўлишидир. Бу дунёдаги одамларга руҳий юксалиш йўлини кўрсатиш учун буюк донишмандлар уларга Парвардигорнинг илоҳий табиати ҳақида ҳикоя қиладилар. Парвардигор «Бхагавад-гита»да айтганки, Унинг моддий оламда "туғилиши" ва бу ерда кўрсатадиган бутун фаолияти илоҳий табиатга эга. Унинг ана шу фаолияти ҳақида шунчаки фикр юритиш орқали инсон Браҳманни англаб етиши, шу билан моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқиши мумкин. Шрутиларда айтилганки, туғилмайдиган Зот шунчаки туғилгандай бўлиб кўринади, холос.

Парвардигор бирор иш қилиши шарт эмас, лекин У ҳар нарсага қодир бўлгани учун Унинг истаган ишлари ўзидан-ўзи, комил даражада амалга ошаверади. Аслини олганда Худонинг Олий Шахсининг бу дунёга келиши ва кетиши, шунингдек Унинг илоҳий фаолиятининг ҳар хил кўринишлари - ҳатто Ведавий муқаддас китобларда ҳам очилмаган махфий сир ҳисобланади. Шунга қарамай, шартланган руҳларга Ўзининг бесабаб марҳаматини кўрсатиб, Парвардигор уларни ошкор этади. Парвардигорнинг илоҳий фаолияти ҳақидаги ҳикояларни тинглаш - Браҳманни муроқабачилишнинг энг осон ва қулай усули бўлиб, биз ҳамиша унга мурожаат қилиб юришимиз лозим.

36. Қилаётган ишлари, қароматлари ҳамиша бениқсон бўлган Парвардигор олти турли ҳиссиётнинг комил эгаси ва олти комил фазилатнинг мукаммал соҳибидир. У намоён бўлган бутун борлиқни, коинотларни яратади, уларнинг мавжудлигини таъминлаб туради ва яқсон қилади, аммо, шунга қарамай бу ишлар Унинг Ўзига ҳеч қандай таъсир қилмайди. У ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган ҳолда, ҳамиша мустақил ҳаракат қилади.

Изоҳ: Парвардигор билан тирик мавжудотлар орасидаги асосий фарқ шундан иборатки, У - яратувчи Зот, тирик мавжудотлар эса - яратилган зотлардир. Бу ерда ишлатилган Парвардигорни ифодаловчи *амогхалилаҳ* ибораси шуни билдирадики, У яратиб қўйган борлиқда ҳеч қандай ташвишга ўрин йўқ. Унинг даргоҳида бирор ташвишга сабабчи бўлган зотнинг ўзи ташвишланади. Унинг Ўзи эса ҳар қандай моддий бахтсизликларга нисбатан ҳамиша илоҳий ҳолатда қолаверади, чунки У мавжуд олти хил комил фазилатларнинг ҳаммасига мукаммал равишда эга: бойлик, куч, шон-шухрат, гўзаллик, илм, боғланмаслик. Шу боис У - ҳиссиётлар ҳукмдоридир. У бу коинотларни, шу коинотларнинг ичидаги уч турли азоб-уқубатларга дучор бўлиб юрган тирик мавжудотларни тўғри йўлга солиш мақсадида яратади. У барча коинотларнинг мавжудлигини таъминлаб туради ва вақти келганда уларни яқсон қилади, лекин шунга қарамай, бу ишлар Унга заррача ҳам таъсир қилмайди. Унинг мавжуд бўлган бу моддий олам билан бўлган алоқаси жуда юзаки, сезилмас даражада. Унинг моддий олам билан алоқасини гулни ушламай туриб унинг хидини хидлаётган одамнинг гул билан бўлган алоқасига қиёслаш мумкин. Шу боис, ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган иймонсиз нопок одамлар қанча уринмасинлар, ҳеч қачон Унга ҳатто яқинлаша олмайдилар.

37. Илми саъз нодон кишилар худди сахнадаги актёр сингари ўйнаётган Худо Шахсининг қиёфалари, номлари ва фаолиятининг илоҳий табиатини англашга қодир эмаслар. Улар на ўзларининг ақлий фикр-мулоҳазалари, на нутқлари ёрдамида Парвардигорнинг илоҳий табиатини ифодалай олмайдилар.

Изоҳ: Мутлақ Ҳақиқатнинг илоҳий табиатини ҳеч ким аниқ таърифлашга қодир эмас. Шу боис, Уни на фикр билан, на гап билан ифодалаб бўлмайди, деб айтадилар. Шунга қарамай, Мутлақ Ҳақиқатни ўзларининг мукаммал бўлмаган фикр-мулоҳазалари ва Унинг фаолиятини таърифловчи ноаниқ ҳикоялари ёрдамида тушуниб олишни истайдиган ғофил одамлар топилиб туради. Парвардигорнинг қароматлари, Унинг бу дунёга келиши ва кетиши, Унинг муқаддас номлари, қиёфалари, ҳамроҳлари, шахси, У билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммаси - иймонсиз дунёвий одамлар учун қоронғу бўлган махфий сир ҳисобланади. Иймонсиз материалистларнинг икки тоифаси бўлади: кармилар ва эмпирик файласуфлар. Кармилар Мутлақ Ҳақиқат ҳақида ҳеч нарса билмайдилар, сафсатабоз файласуфлар эса, кармали дунёвий фаолиятдан ҳафсаласи пир бўлиб, Мутлақ Ҳақиқатни излашга интиладилар ва ўзларининг ақлий фикр-мулоҳазалари ёрдамида Мутлақ Ҳақиқатни англаб етишга ҳаракат қиладилар. Худди сахнадаги сеҳргарнинг кўрсатаётган мўъжизалари ёш болалар учун ҳамиша сир бўлиб қолгани сингари, Мутлақ Ҳақиқат ҳам ундай ғофил одамлар учун ҳамиша сир бўлиб қолаверади. Кармали фаолият кўрсатишга ёки фалсафий сафсатабозлик қилишга моҳир уста бўлишига қарамай, Олий Мавжудотнинг мўъжизаларидан алданиб қолган бундай одамлар ҳамиша ғафлат ичида қолиб кетадилар. Илми саъзлиги сабабли улар илоҳий илмнинг сирли сарҳадларига кириб бора олмайдилар. Файласуфлар кўпол материалист(карми) лардан анча устун турадилар, лекин ҳатто улар ҳам барибир алданиш чангалида юрган бўладилар ва шу боис табиий равишда "шакли-шамоили, номи бўлган ва ҳаракат қиладиган ҳар қандай мавжудотни моддий табиат яратганлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди" деб ҳисоблайдилар. Уларнинг тасаввурида Олий Рух - шакл-шамоилсиз, номсиз, ҳаракатсиз Зот. Бундай ғофил файласуф-сафсатабозлар Парвардигорнинг илоҳий номини ва қиёфаларини дунёвий, моддий ном ва шаклларга тенглаштираётгани сабабли ғофиллик ботқоғига ботган ҳисобланадилар. Бунчалик саъз илмга эга бўла туриб, Олий Мавжудотнинг ҳақиқий табиатини англаб етишнинг илоҳий йўли йўқ. «Бхагавад-гита»да айтилганки, Парвардигор ҳамиша, ҳатто У моддий оламга ташриф буюрган пайтларда ҳам, илоҳий ҳолатда қолаверади. Аммо илмсиз ғофил одамлар Парвардигорни бу дунёдаги буюк шахслардан

бири деб биладилар: алдамчи қувват уларни шу тарзда алдаб қўйган бўлади.

38. Фақат, ҳар қандай шубҳаю-гумонлардан бутунлай пок бўлиб, мунтазам равишда, ҳамиша муҳаббат билан, қўлига жанг аравасининг ғилдирагини ушлаб олган Худо Шахси Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига беминнат холис хизмат қилиб юрган кишиларгина бутун борлиқни яратган ягона Парвардигорнинг тенгсиз шон-шухратга, чексиз қудратга эга илоҳий табиатини англай оладилар.

Изоҳ: Парвардигор Кришнанинг илоҳий номларини, киёфасини ва илоҳий фаолиятини фақат, дунёвий фаолият ва фалсафий фикр-мулоҳазалар оқибатидан бутунлай пок бўлган асл содиқларгина англай оладилар. Асл содиқлар ўзларининг қилаётган хизматлари эвазига Худодан ҳеч қандай шахсий манфаат таъма қилмайдилар. Улар Парвардигорга ўз-ўзидан, тинмасдан, табиий равишда бенуқсон садоқат билан хизмат қилиб юрадилар. Парвардигор яратиб қўйган бутун борлиқдаги ҳар қандай тирик мавжудот Унга бевосита ёки билвосита хизмат қилади. Парвардигорнинг мана шу умумий қонуни ҳаммага бирдай тааллуқли. Унга билвосита хизмат қиладиганлар Парвардигорнинг алдамчи вакилининг ҳукми билан Унга муҳаббатсиз, садоқатсиз, мажбуран хизмат қиладилар. Парвардигорнинг сеvimли элчисининг, содиқ хизматкорининг раҳбарлиги остида Унга хизмат қиладиган киши эса, Унга муҳаббат билан холис хизмат қилади. Унга муҳаббат билан холис хизмат қиладиган кишилар Худонинг содиқлари ҳисобланадилар. Худонинг марҳамати билан Унинг содиқ хизматкори илоҳий илмнинг махфий сирларини англай олади. Сафсатабоз файласуфлар эса ҳамиша ғофиллик зулматида қолиб кетаверадилар. «Бхагавад-гита»да айтилганки, Ўзининг содиқ хизматкорларини руҳий юксалиш, илоҳий илм ўрганиш йўлидан Парвардигорнинг Ўзи олиб боради, чунки улар ўз-ўзидан табиий равишда ҳамиша Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш билан машғул бўлиб юрадилар. Худонинг даргоҳига эришишнинг сири мана шунда. На дунёвий, кармали фаолият, на фалсафий изланишлар инсонга бундай нодир имконият беришга қодир эмас.

39. Бу дунёда фақат мана шундай саволларга жавоб излаб юрган кишиларгина ҳаётда муваффақиятга эриша оладилар, чунки бундай саволлар инсон қалбида барча оламлар султони бўлган Худо Шахсига нисбатан илоҳий лаззатли муҳаббат туйғусини уйғотади ва инсонни туғилиб-ўлишларнинг дахшатли чархпалагидан бутунлай озодликка чиқаради.

Изоҳ: Бу ерда Сута Госвами Шаунака бошлиқ донишмандларнинг бераётган саволларини олқишляпти, чунки бу - ўз-ўзидан илоҳий табиатга эга бўлган саволлар ҳисобланади. Аввал айтиб ўтганимиздай, фақат Худонинг содиқларигина Парвардигорни етарли даражада англаб етишга қодир, бунга бошқа ҳеч ким қодир бўла олмайди. Демак, Худонинг содиқлари мукамал илоҳий илмга эга эмас. Худо Шахси - Мутлақ Ҳақиқатнинг энг олий даражада намоён бўлган кўриниши. Худо Шахси ҳақидаги илм ўз ичига шахсиятсиз Браҳман ва ҳар бир тирик мавжудот қалбида мужассам бўлган Олий Рух, Параматма ҳақидаги илмни ҳам олади. Шундай қилиб, Худонинг Олий Шахси ҳақида мукамал илмга эга бўлган киши ўз-ўзидан Парвардигор, яъни Мутлақ Ҳақиқат ҳақида, Унинг сон-саноксиз қувватлари ва экспансия(кўриниш, киёфа)лари ҳақида ҳам етарли илмга эга бўлади. Шунинг учун Худонинг содиқларини "ҳаётда тўлиқ муваффақиятга эришган зотлар" деб атайдилар. Ўз ихтиёрини бутунлай Худога топширган киши бетакрор давом этадиган туғилиш ва ўлишлар туфайли юзага келадиган дахшатли моддий азоб-уқубатлардан ишончли ҳимоя қилинган бўлади.

40. Бу “Шримад-Бхагаватам” Парвардигорнинг бадий кўринишдаги киёфаси, тимсолидир. У Парвардигорнинг бу дунёда намоён бўлган кўриниши Шрила Вйасадева томонидан ёзилган. Унинг мақсади - бутун инсониятга энг юксак бахт-саодат инъом этишдан иборат. У - мукамал, уни ўрганиш инсонга омад ва илоҳий лаззат бағишлайди.

Изоҳ: Парвардигор Чаитанья Махапрабху "Шримад Бхагаватам"ни "Ведалар илми ва тарихининг товушларда мужассам бўлган бенуқсон таърифи" деб атаган. Унда Худонинг Олий Шахси билан бевосита ҳамсуҳбат бўлган Худонинг буюк содиқларининг ҳаёти ҳақидаги ҳикоялар тўпланган. "Шримад Бхагаватам" - Парвардигор Шри Кришнанинг бадий киёфасидир, шу боис Унинг Ўзидан фарқ қилмайди. "Шримад Бхагаватам"га ҳам худди Парвардигорнинг Ўзига сажда қилгандай сажда қилиб сиғиниш лозим. Диққат ва сабр-тоқат билан "Шримад Бхагаватам"ни ўрганиш орқали биз Парвардигорнинг шахсан Ўзи инъом этадиган энг олий бахт-саодатга эриша оламиз. Худо Шахси илм(зиё)га, лаззатга ва комил фазилатларга тўла, "Шримад Бхагаватам" ҳам худди шундай. Агар ўзимиз билан Парвардигор орасида шаффоф парда бўлган ҳақиқий руҳий устоз орқали қабул қилсак, "Шримад Бхагаватам"ни овоз чиқариб тиловат қилиш бизга Олий Браҳман, Шри Кришнанинг илоҳий нурини ато этади. Парвардигор Чаитаньянинг шахсий котиби Шрила Сварупа Дамодара Госвами Пурида Парвардигорни кўришга келган ҳар бир одамга "Шримад

Бхагаватам"ни ўзи ҳам Бхагаватам бўлган шахсдан ўрганишни тавсия қилган. Шахс-Бхагаватам - рухий ўзлигини англаб етган ҳақиқий рухий устоздир. Фақат шундай рухий устоз ёрдами билан "Шримад Бхагаватам"нинг мазмунини тушуниш ва кўзланган натижага эришиш мумкин. "Шримад Бхагаватам"ни ўрганиш орқали ҳам худди Парвардигорнинг шахсан Ўзи билан учрашишдан эришиладиган натижага эришиш мумкин. "Шримад Бхагаватам" ҳам ўзида Парвардигор Шри Кришна билан бевосита учрашишдан олиш мумкин бўлган илоҳий бахт-саодатни мужассам қилган.

41. Барча ведавий муқаддас китоблар ва коинот тарихининг "қаймоғи"ни сузиб олиб, Шри Вйасадева "Шримад Бхагаватам"ни ўзининг ўғлига - рухий ўзлигини мукаммал англаган руҳлар ичида энг мўътабар зотга ўргатди.

Изоҳ: Илмсиз, ғофил одамларнинг тасаввурига кўра инсоният тарихи Парвардигор Будда давридан, яъни эрамиздан аввалги 600-йилларда бошланган бўлиб, улар бундан олдинги даврлар ҳақидаги маълумотларнинг ҳаммасини ўйлаб топилган уйдирма деб ҳисоблайдилар. Аслида эса мутлақо бундай эмас. Пураналар, "Маҳобҳорат" ва бошқа муқаддас китобларда ҳикоя қилинган воқеа-ҳодисалар ё мана шу сайёрада, ё коинотдаги миллионлаган сайёраларнинг бошқа бирортасида ҳақиқатан ҳам бўлиб ўтган. Коинотнинг бошқа сайёраларида бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар баъзан уларга ҳақиқатдан узоқ, афсонадай бўлиб кўринади. Лекин улар билмайдиларки, коинотдаги сайёралар бир-биридан жуда кўп жиҳатлари билан фарқ қиладилар, шу боис бошқа сайёраларга тааллуқли бўлган тарихий аниқ воқеа-ҳодисалар бизнинг бу сайёрада орттирган ҳаёт тажрибамизга, тасаввуримизга тўғри келмайди. Турли сайёраларнинг эгаллаб турган ҳолатидаги фарқни, шунингдек замон ва шароитни эътиборга олсак, биз Пураналарда, муқаддас китобларда кишини ҳайратга соладиган ҳеч қандай воқеа-ҳодисалар ёзилмаганини тушунамиз ва уларни "афсона" деб ҳисоблашни бас қиламиз. Биз ҳеч қачон шуни эсдан чиқармаслигимиз лозимки, "бирова учун озик бўлган нарса бошқа бировага заҳар бўлади". Шу боис Пураналарда келтирилган воқеа-ҳодисаларни афсона деб ҳисоблаб, уларни инкор этмаслик керак. Шрила Вйаса сингари буюк донишманд ришилар ўзларининг асарларига ўйлаб топилган афсоналарни киритиб ўтирмайдилар.

"Шримад Бхагаватам"да ҳар хил сайёраларнинг тарихидан олинган танлаб олинган воқеа-ҳодисалар келтирилган, шу боис инсониятнинг барча ишонарли рухий устозлари уни *маха-пурана* сифатида тан оладилар. Бу тарихий асарларнинг алоҳида аҳамияти шундан иборатки, уларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг ҳар хил шароитларда,

турли замонларда кўрсатган кароматлари, илоҳий фаолияти билан боғлиқ. Шрила Шукадева Госвами - рухий ўзлигини англаб етган зотлар ичида энг буюк зот. У ўрганиш учун "Шримад Бхагаватам"ни ўзининг отаси Шрила Вйасадевадан қабул қилиб олган. Ишонарли, буюк мўътабар зот Шрила Вйасадева "Шримад Бхагаватам"да баён этилган илмнинг қанчалик буюк аҳамиятга эга эканини ҳисобга олиб, биринчи навбатда уни ўзининг буюк ўғлига, Шрила Шукадева Госвамига ўргатган. Ведавий муқаддас китобларни илоҳий илмларнинг сут уммонида, "Шримад Бхагаватам"ни эса - шу уммоннинг қаймоғига қийслайдилар. Қаймоқ, сариёғ - сутнинг энг ширин қисми ҳисобланади. "Шримад Бхагаватам" ҳам шундай, чунки унда Парвардигор ва Худонинг содиқларининг турли фаолияти ҳақидаги ҳақиқий, қизиқарли ва ибратли ҳикоялар келтирилган. Лекин, "Шримад Бхагаватам"нинг илоҳий хабарини унга ўзлари ишонмайдиган иймонсиз одамлардан, атеистлардан ёки "Шримад Бхагаватам"ни содда, ғофил одамларга пул эвазига ўқиб беришни ўзига касб қилиб олган иккиюзламачи фирибгар кишилар оғзидан тингламаслик керак. Худонинг бу илоҳий хабари биринчи марта Шрила Вйасадева ўғли Шрила Шукадева Госвамига берилган эди, у эса "Шримад Бхагаватам"ни ўзининг бизнеси, даромад манбаи қилиб олган зотлардан эмасди. Унинг оиласи йўқ эди, шу боис у бундай иш билан пул топиб кимнидир боқишга мажбур эмасди. "Шримад Бхагаватам" илмини Шукадева Госвамининг таркидунёлик турмуш-тарзи билан яшаётган, оила ташвишларига боғланиб қолмаган ҳақиқий вакилидан ўрганиш лозим. Ҳеч қандай шубҳа йўқки, сут - фойдали ва тўйимли ичимлик, аммо ундан илон тотиб кўрса, сут ўзининг шу хусусиятларини йўқотади. Бунинг устига, сут заҳарга айланиб, ҳалокатга олиб келиши мумкин. Худди шундай, вайшнавларнинг барча қонун-қоидаларига тўлиқ риоя қилмай юрган одам ҳам "Шримад Бхагаватам"ни тарғибот қилиш орқали мол-дунё орттириш билан шуғулланмаслиги ва бу билан ўзининг кўплаган издошларининг рухий ўлимига сабабчи бўлмаслиги керак. Парвардигор «Бхагавад-гита»да шундай деган: "Барча ведавий муқаддас китобларни ўрганишдан мақсад - Мени, яъни Парвардигор Кришнани англаб етишдан иборат". "Шримад Бхагаватам" - нозил қилинган илоҳий илм кўринишида намоён бўлган Парвардигор Шри Кришнаниннг Ўзидир. Шу боис "Шримад Бхагаватам" - барча ведавий илмларнинг қаймоғи ҳисобланади. Унда ҳар хил даврларда бўлиб ўтган ва Шри Кришна билан боғлиқ бўлган воқеа-ҳодисаларнинг ҳаммаси баён этилган. Шундай қилиб, "Шримад Бхагаватам" ҳақиқатан ҳам барча тарихий воқеалар баён этилган асарларнинг қаймоғи, мағзи, энг асосий моҳияти ҳисобланади.

42. Ўз навбатида Шрила Вйасадеванинг ўгли Шрила Шукадева Госвами "Шримад Бхагаватам"ни Ганга қирғоғида буюк донишмандлар даврасида ҳатто сув ҳам ичмай рўза тутиб, ўзининг ажалини кутиб ўтирган буюк шоҳ Парикшитга гапириб берди.

Изоҳ: Барча илоҳий хабарномаларни ўрганишнинг тўғри йўли - уларни *парампара* деб аталадиган шогирдлар силсиласи орқали ўрганишдир. Агар "Шримад Бхагаватам" ёки бошқа ведавий муқаддас китоблар *парампара* орқали олинмаган бўлса, илоҳий илм ўрганиш жараёни ишончсиз, нотўғри ҳисобланади. Шрила Вйасадева Парвардигорнинг бу илоҳий хабарномасини Шукадева Госвамига етказди, ундан эса Сута Госвами қабул қилиб олди. Шу боис "Шримад Бхагаватам" хабарини Сута Госвамига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган сохта ведантистлардан эмас, балки ё Сута Госвамидан ёки унинг ҳақиқий вакилидан ўрганиш керак.

Император Парикшит ажали яқин қолгани ҳақида хабар топган заҳоти салтанати ва оиласини тарк этиб, то ажали етгунча оч ўтириб рўза тутиш учун Ганга қирғоғига бориб ўтирди. У бутун олам императори эди, шу боис у ўтирган жойга барча буюк донишмандлар, ришилар, файласуфлар, сеҳргар йоглар ва бошқа буюк зотлар тўпландилар. Махараж Парикшит то ажали етгунча қандай ишлар билан машғул бўлиши лозимлиги борасида улар ҳар хил таклифлар киритдилар, кейин улар "шоҳ то ажали етгунча Шукадева Госвамидан Парвардигор Кришна ҳақидаги ҳикояларни тинглаши лозим" деган қарорга келдилар. Шу тарзда унга "Шримад Бхагаватам" ҳикоя қилинган эди.

Майявада фалсафасини тарғибот қилган ва асосий эътиборни Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз Браҳман кўринишига қаратган Шрипада Шанкарачарйа ҳам айтган эдики, инсон Парвардигор Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан нажот топиши лозим, чунки Мутлақ Ҳақиқат ҳақида бўладиган баҳс-мунозаралардан ҳеч қандай фойда йўқ. Шрипада Шанкарачарйа ўзининг "Веданта-сутра"га берган жимжимадор бадийий изоҳларида тарғибот қилган таълимоти ажал ёқасида турган инсонга ҳеч қандай ёрдам бера олмаслигини ўзи ҳам билвосита тан олган эди. Ажали етган пайтда инсон Говинданинг номини тилга олиши лозим. Илоҳий илмни муқаммал эгаллаган буюк донишмандларнинг ҳаммаси одамларга шуни тавсия қиладилар. Шукадева Госвами бу ҳақиқатни аллақачон, қадим замонлардаёқ эълон қилган эди: инсон умрининг охирида Парвардигор Нарайанани эслаши лозим. Ҳақиқий руҳий фаолиятнинг мазмун-моҳияти мана шундан иборат. Мана шу мангу ҳақиқатга асосланиб, муносиб қобилиятга эга бўлган Шукадева Госвами "Шримад Бхагаватам"ни ҳикоя қила бошлади,

Махараж Парикшит эса уни тинглай бошлади, оқибат-натижада вақти келиб уларнинг иккови ҳам ана шу ягона восита - "Шримад Бхагаватам"нинг илоҳий хабари ёрдамида руҳий озодликка эришдилар.

43. Бу "Шримад Бхагаватам" худди Қуёш сингари порлаб, илоҳий илм ёғдусини таратиб турибди. Бу «Бхагавата-пурана» қуёши Худо Шахси Кришна дин, илм ва шу кабилар билан бирга яна Ўзининг илоҳий даргоҳига кўтарилган заҳоти пайдо бўлган эди. Бу Пурана ўзининг илм зиёси билан ғофиллик уммонига ботган Кали-йуга даврида ақл кўзи кўр бўлиб қолган калтафаҳм одамларнинг ҳаёт йўлини ёритиб туради.

Изоҳ: Парвардигор Кришнанинг мангу даргоҳи, *дхамаси* бор, шу даргоҳда У Ўзининг мангу ҳамроҳлари даврасида ҳар хил илоҳий анжомлари билан лаззатланиб яшайди. Ана шу мангу даргоҳ - Унинг ички қувватининг намоён бўлган кўриниши бўлиб, Унинг ташқи қувватининг намоён бўлган кўриниши бўлган бу моддий оламдан бутунлай фарқ қилади. Моддий оламга ташриф буюрганида У Ўзини ва Ўзининг ҳамроҳларини, атрофидаги барча анжомларини Ўзининг *атма-майя* деб аталадиган ички қуввати ёрдамида намоён қилади. «Бхагавад-гита»да Парвардигор бу дунёга Ўзининг шахсий қуввати, *атма-майя* ёрдамида келишини айтган. Демак, Унинг қиёфаси, муқаддас номи, шон-шухрати, атрофидаги анжомлари, даргоҳи ва У билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсалар моддий табиат яратган нарсалар эмас. У бу оламга адашган руҳларни Ўзининг даргоҳига чорлаш ва Унинг Ўзи белгилаб қўйган ҳақиқий дин қонунларини қайта тиклаш учун келади. Оламни яратиб қўйган ягона Парвардигордан бошқап ҳеч ким ҳақиқий дин қонунларини белгилашга, ўрнатишга қодир эмас. Ҳақиқий дин қонунларини фақат Худо Шахсининг Ўзи ёки Унинг Ўзи ваколат берган муносиб шахс белгилаши мумкин. Ҳақиқий дин қонун-қоидаларининг мазмун-моҳияти - Худони англаб, У билан ўзимизнинг ўзаро муносабатларимизни, шу муносабатларга асосланган бурчимиз, вазифаларимизни аниқлаш, оқибат-натижада бу моддий танани тарк этгандан кейин қандай шароитга тушишимизни билиб олишдан иборат. Моддий қувват қопқонига тушиб қолган шартланган руҳлар ҳаётнинг ана шу қонун-қоидаларидан бутунлай беҳабардирлар. Уларнинг аксарият кўпчилиги худди онгсиз ҳайвонларга ўхшаб, ўз умрини фақат еб-ичиш, ухлаш, болачақа қилиш ва ҳаётини муҳофаза қилиш билан чекланиб ўтказадилар. Диндорлик, илм ўрганиш ёки ўз ҳаётини ҳимоя қилиш ниқоби остида улар амалда фақат ҳиссий лаззатларга берилиш билан машғул бўладилар. Ҳар хил уруш-жанжаллар даври бўлган Кали-йуга даврида уларнинг ақл

кўзи яна ҳам кўр бўлиб қолган. Аслида Кали-йугада яшаётган одамларнинг барчаси - танаси инсон қиёфасида лекин онги хайвонларникидан фарқ қилмайдиган тирик мавжудотлар, яъни хайвонсифат одамлардир. Улар рухий, илохий илмдан мутлақо бехабар, ҳаёти эса такводорликдан, Кришна онги билан яшашдан жуда йироқ. Улар шу қадар калтафаҳм бўлиб кетганларки, ақли, тафаккури ва сохта ўзлиги(нафси) доирасидан ташқарида бўлган нарсаларни кўришга, англашга мутлақо қодир эмаслар, шунга қарамай улар ўзларининг илм-фани, моддий тараққиёти, дунёвий илмлари ривожланаётгани билан мағрурланиб гапирдилар. Улар бу дунёда яшашдан асосий мақсад нима эканини бутунлай эсидан чиқариб қўйганлар, шу боис ҳозирги танасини тарк этгандан кейин улар ит ёки чўчка танасида туғилдилар. Худонинг Олий Шахси Шри Кришна бу сайёрага Кали-йуга даври бошланмасдан сал аввал ташриф буюриб, Кали-йуга бошланиш арафасида Ўзининг мангу даргоҳига қайтиб кетган. Ер сайёрасида юрган пайтида Ўзининг турли фаолияти давомида У одамлар учун ҳамма нарсани намоён қилиб кетган, масалан, «Бхагавад-гита»ни нозил қилган, акидапарастликни, диний қонун-қоидаларга кўр-кўрона амал қилишни бартараф қилиб кетган. Бу моддий оламдан кетишдан олдин У Нарада Муни орқали Шри Вйасадевага илохий "Шримад Бхагаватам" хабарномасини ёзишни буюрган, эндиликда «Бхагавад-гита» ва "Шримад Бхагаватам" худди ёрқин машъала сингари ҳозирги даврда яшаётган калтафаҳм одамларнинг ҳақиқий ҳаёт йўлини ёритиб турибдилар. Бошқача қилиб айтганда, агар Кали-йуга даврининг калтафаҳм одамлари ҳақиқий ёруғ ҳаёт нималигини кўришни бевосита истасалар, улар фақат мана шу икки муқаддас китобга мурожаат қилишлари лозим, шунда улар албатта инсон ҳаётининг олий мақсадига эриша оладилар. «Бхагавад-гита»да инсон "Шримад Бхагаватам"ни ўрганишга киришишдан олдин билиб олиши лозим бўлган бошланғич илм баён этилган. "Шримад Бхагаватам" эса, Парвардигор Кришнанинг бадий тимсоли, инсон ҳаётининг мазмунидир. Шу боис биз "Шримад Бхагаватам"ни Парвардигор Кришнанинг бевосита намоён бўлган кўриниши сифатида қабул қилишимиз лозим. "Шримад Бхагаватам"ни кўришга қодир бўлган кишигина Парвардигор Кришнанинг Ўзини бевосита кўра олади. Улар бир-биридан фарқ қилмайди.

44. Эй билимдон брахманлар, Шукадева Госвами (шоҳ Парикшит олдида) "Шримад Бхагаватам"ни гапириб берганида мен ҳам уни диққат билан тингладим. Ана шу буюк ва қудратли донишманднинг марҳамати билан мен "Шримад Бхагаватам"ни англаб етдим. Энди мен шу ерда эшитганларимни қандай

тушунган бўлсам, шундайлигича сизларга етказишга ҳаракат қиламан".

Изоҳ: Агар инсон "Шримад Бхагаватам" илмини Шукадева Госвами сингари рухий ўзлигини англаб етган буюк зотдан ўрганса, унинг саҳифаларида Парвардигор Кришнани бевосита кўра олишига ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Лекин, "Шримад Бхагаватам"ни одамларга ўқиб бериш орқали тирикчилик қилиш учун мол-дунё тўплайдиган, кейин шу бойлигини жинсий алоқа берадиган ҳиссий лаззатланиш йўлида сарфлайдиган иккиюзламачи фирибгар одамдан "Шримад Бхагаватам" илмини ўрганиб бўлмайди. Жинсий алоқадан лаззатланиб яшаётган одамлар билан ҳамсухбат бўлиб юрган одамлар "Шримад Бхагаватам"нинг ҳақиқий мазмунини тушунишга қодир эмаслар. "Шримад Бхагаватам"ни англаб етишнинг махфий сири ана шундай. Шунингдек, "Шримад Бхагаватам"нинг асл мазмунини уни ўзининг дунёвий илми асосида талқин қиладиган сафсатабознинг изоҳлари орқали ҳам тушуниб олишнинг иложи йўқ. Агар инсон "Шримад Бхагаватам"нинг саҳифаларида Парвардигор Шри Кришнани бевосита кўришни истаса, у "Шримад Бхагаватам"ни бошқа бировлардан эмас, фақат Шукадева Госвамининг ҳақиқий вакили раҳбарлиги остида ўрганиши лозим. "Шримад Бхагаватам" илмини англаб етишнинг ягона йўли шу, бунинг бошқа йўли йўқ. Сута Госвами - Шукадева Госвамининг ҳақиқий вакили, чунки у ўзининг ана шу буюк билимдон донишманддан олган илохий хабарини бошқаларга етказмоқчи бўляпти. Шукадева Госвами "Шримад Бхагаватам"нинг илохий хабарини ўзининг буюк отасидан қандай эшитган бўлса, шундайлигича етказди, Сута Госвами ҳам "Шримад Бхагаватам" хабарини Шукадева Госваמידан қандай эшитган бўлса, шундайлигича етказяпти. Лекин, илохий илм ўрганиш учун биргина тинглашнинг ўзи етарли эмас. Инсон эшитган илмини чуқур англаб олиши лозим. Бу ерда ишлатилган *нивишта* ибораси шуни билдирадики, Сута Госвами "Шримад Бхагаватам" шарбатини кулоқлари билан сўриб олган. Мана шу - "Шримад Бхагаватам"илми ўрганишнинг ягона усулидир. Муносиб инсон оғзидан чиқаётган "Шримад Бхагаватам"нинг илохий хабарига диққат билан кулоқ солиш керак, шундагина бу асарнинг ҳар бир саҳифасида Парвардигор Кришнани бевосита кўриш имконига эга бўлиш мумкин. Мазкур шеърда "Шримад Бхагаватам" илмини англаб етишнинг сири айтилган. Токи инсоннинг ақли покланмас экан, у диққат билан тинглаш қобилиятига эга бўлмайди. Токи инсон ўзининг амалларини покланмас экан, унинг ақли покланмайди. Нопок амаллар, гуноҳ, ҳаром ишлар қилиб юрган одамнинг ақли пок бўлиши мумкин эмас. Еб-ичиши, ухлаши, жинсий ҳаёти, ўзини ҳимоя қилиши ҳаром, нопок бўлган кишининг амаллари, ҳаёти, ўзи ҳам нопок, ҳаром бўлади.

Лекин, инсон барибир ҳақиқий руҳий ўзлигини англаб етган содиқнинг оғзидан чиқаётган "Шримад Бхагаватам"нинг илоҳий хабарига диққат билан қулоқ солса, ҳеч қандай шубҳа йўқки, унинг амаллари, ақли покланиб, "Шримад Бхагаватам"нинг ҳар бир саҳифасида Парвардигор Кришнани бевосита кўра оладиган даражага эришади.

*"Шримад Бхагаватам"нинг Биринчи Кўшиқ,
"Кришна - Парвардигорнинг бу дунёда намоён
бўлган барча қиёфаларининг манбаи" деб
аталадиган учинчи бобига Бҳактиведантининг
изоҳлари шундай яқунланади.*

Тўртинчи боб Шри Нараданинг таширф буюриши

1. Сута Госвамидан бу гапларини тинглаб туриб, буюк қурбонлик маросимини ўтказайтган донишмандларга раҳбарлик қилаётган, кекса билимдон донишманд Шаунака Муни Сута Госвамига табрик сўзлари билан мурожаат қилди.

Изоҳ: Билимдон донишмандлар бир жойга тўпланганда муқаддас китоблар хабарини етказайтган донишмандга фақат муносиб фазилятларга эга бўлган буюк зот мурожаат қилиши ёки табрик сўзи айтиши мумкин. У албатта мўътабар инсон ёки обрўли хонадон бошлиғи бўлиши лозим. Бунинг устига унинг дунёқараши, илми ҳам ҳар томонлама мукамал бўлиши лозим. Шри Шаунака Риши шундай улўғвор фазилятларнинг ҳаммасига эга эди, шу боис у Шукадева Госвамидан "Шримад Бхагаватам"ни қандай эшитган ва ўзи қандай тушунган бўлса, шундайлигича бу ерда гапириб беришга рози бўлган Сута Госвамига табрик сўзи билан мурожаат қилиш учун ўрнидан турди. "Ўзи қандай тушунган бўлса" дегани у "ўзини ўзидан олдинги ачарйадан устун қўйиб, ўзининг қанчалик билимдон эканини бошқаларга кўз-кўз қилиб гердаяди" дегани эмас. У ўзидан олдинга ачарйага тўлиқ ишониши лозим, лекин шу билан бирга у илоҳий илмнинг мазмун-моҳиятини шу қадар чуқур англаб олиши лозимки, унинг мазмунини бузмасдан, муайян шарт-шароитга мос келадиган ҳолда ўзидан кейингиларга ҳар томонлама тушунтириб бера оладиган бўлсин. Бунда муқаддас китобга муаллифнинг ўзи берган асосий маъно, мазмун, ғоя ўзгармай қолиши лозим. Муқаддас китобларнинг матнидан яширин сир, бошқача талқин излаб ўтирмаслик керак. Фақат уни тингловчилар қабул қила оладиган кўринишда тақдим этиб, уларга китобнинг ҳақиқий мазмунини тушуниб олишга имкон бериш лозим.

Мана шу муқаддас китобнинг мазмунини тушуниш деб аталади. Мажлисни бошқараётган Шаунака Ришининг "Шримад Бхагаватам"ни ҳикоя қила бошлаган Шри Сута Госвамини муносиб баҳолаши учун унинг оғзидан *йатхадхитам* ва *йатха-мати* деган ибораларни тинглашнинг ўзи кифоя эди, - у шу заҳотиёқ илоҳий жазавага тушиб, унга табрик сўзи айтиш учун ўрнидан турди. Билимдон, фаросатли киши буюк донишмандларнинг, ачарйаларнинг ҳақиқий вакили бўлмаган одамнинг бемаъни гапларини тинглаб ўтирмаслиги керак. Шундай қилиб, "Шримад Бхагаватам" иккинчи марта ҳикоя қилинаётган мана шу мажлисда нотик(воиз) ҳам, тингловчилар ҳам зарур бўлган барча талабларга жавоб берадиган зотлар эди. "Шримад Бхагаватам"ни ўрганишдан кўзланаётган натижага қийналмасдан эришиш учун албатта ана шу шартлар бажарилиши лозим. Акс ҳолда, агар "Шримад Бхагаватам"ни ўқишдан бошқа бир мақсад кўзланаётган бўлса, уни ўқиш нотикқа ҳам, тингловчиларга ҳам ҳеч қандай фойда келтирмайди.

2. Шаунака Риши шундай деди: "Эй Сута Госвами, муқаддас битикларни гапириб бера оладиган зотлар ичида энг омадли ва мўътабар зот ўзингсан. Илтимос, марҳамат қилиб буюк ва қудратли донишманд Шри Шукадева Госвами гапириб берган "Шримад-Бхагаватам"нинг илоҳий хабарини бизга баён эт.

Изоҳ: Қаттиқ қувонганидан жуда ҳаяжонланиб кетган Шаунака Риши Сута Госвамига мурожаат қилар экан, унинг номини икки марта такрорлайди, чунки ўзи ҳам, мажлисга тўпланган бошқа донишмандлар ҳам Шукадева Госвами ҳикоя қилиб берган "Шримад Бхагаватам"ни тинглашга жуда муштоқ эдилар. Улар "Шримад Бхагаватам"ни ўз манфаатини ўйлаб уни ўз билганича талқин қиладиган қандайдир бир фирибгар қаллоб оғзидан тинглашни истамасдилар. Одатда "Шримад Бхагаватам"ни ё уни одамлар олдида тиловат қилишни ўзининг касби-кори қилиб олган фирибгарлар, ё Парвардигор фаолиятининг илоҳий табиатини англаб етмаган билимдон имперсоналистлар ўқийдилар. Ана шундай имперсоналистлар ўзларининг ҳаёт ҳақидаги нотўғри тасаввурларини асослаш учун "Шримад Бхагаватам"дан фақат ўзларига керак жойларини олиб, уларнинг маъносини бузиб, ўз тасаввурларига мос қилиб кўрсатадилар. "Шримад Бхагаватам"ни ўқишни ўзига касб қилиб, тирикчилик қилиб юрган фирибгарлар эса, дарров унинг ўнинчи кўшиғига ўтадилар ва Парвардигорнинг энг маҳфий илоҳий эрмакларини халққа нотўғри талқин қилиб тушунтира бошлайдилар. Бундай иймонсизларнинг бирортасининг одамлар олдида

муқаддас "Шримад Бхагаватам"ни ўқишга ҳаққи йўқ. "Шримад Бхагаватам" мавзуси ҳақида суҳбатлар бўлиб ўтадиган мажлисларда фақат уни худди Шукадева Госвамидай гапириб бера оладиган ҳамда Шукадева Госвами ва унинг ҳақиқий вакилини тинглаш учун муносиб фазилатларга эга бўлган одамларгина иштирок этиши лозим.

3. Бу асар қачон ва қаерда нозил бўлган, унинг нозил бўлишига нима сабаб бўлган? Буюк донишманд Кришна - Дваипайана Вйасани бу асарни ёзишга ким илҳомлантирган?

Изоҳ: Муқаддас "Шримад Бхагаватам" - буюк донишманд Шрила Вйасадеванинг бутун инсониятга туҳфа қилган бебаҳо неъматидир, шу боис унинг кадрили яхши билан Шаунака Муни Сута Госвамига ҳар хил саволлар берилади. Шрила Вйасадева Ведалар таълимотини турли йўллар билан ҳар томонлама изоҳлаган, шу жумладан, уни ҳатто унчалик чуқур фикрлаш қобилиятига эга бўлмаган аёллар, шудралар ва браҳманлар хонадонининг тубанликка юз тутган аъзолари ҳам тушуна оладиган тарзда "Маҳобҳорат" дostonида ҳам тушунтириб берган эди. "Шримад Бхагаватам" шу асарларнинг барчасига нисбатан илоҳий ҳолатда туради, чунки унинг таркибида дунёвий, моддий тасаввурларга заррача бўлса ҳам ўрин берилмаган. Шундай қилиб, бу саволларнинг ҳаммаси чуқур мазмунли ва жуда ўринли саволлардир.

4. У(Вйасадева)нинг ўғли чуқур тафаккурли, ягона Парвардигорга эътиқод қилувчи буюк содиқ ва монист эди. У дунёвий моддий фаолиятга нисбатан бутунлай илоҳий поғонада бўлса ҳам, буни бошқаларга сездирмай, ўзини худди ғофил, содда одамлардай тутиб юарди.

Изоҳ: Шрила Шукадева Госвами руҳий озодликка эришган зот эди, шу боис у алдамчи қувват таъсирини олиб ташлаш учун ҳамиша сергак юрарди. Ана шундай зийраклик «Бхагавад-гита»да жуда яхши тушунтирилган. Руҳий озодликка эришган зотнинг фаолияти шартланган руҳларнинг фаолиятидан фарқ қилади. Руҳий озодликка эришган зот, шартланган руҳларга худди тушдай бўлиб кўринадиган руҳий юксалиш йўлидан бориб, руҳий баркамоллик зинапоясининг поғоналаридан тобора юқори кўтарила боради. Шартланган руҳлар руҳий озодликка эришган зотларнинг аслида қандай фаолият кўрсатиб юрганини ўз тасаввурини сиғдира олмайдилар. Шартланган руҳлар ҳали руҳий фаолият кўрсатиш учун уйғонмасдан ғафлат, моддий фаолият уйқусида юрган бир пайтда, руҳий озодликка эришган зот руҳий фаолият билан машғул бўлиб юрган бўлади. Худди шундай, шартланган руҳларнинг бутун фаолияти руҳий озодликка

эришган зот учун ғафлат уйқусидаги одамларнинг иши бўлиб кўрилади. Сиртдан қараганда, гўё уларнинг ҳар иккиси ҳам бир хил ҳолатдаги одамлардай кўрилади, аслида эса уларнинг кўрсатаётган фаолияти бутунлай бошқа-бошқа: биттасининг бутун диққат эътибори ҳиссий лаззатланишга қаратилган, иккинчисининг диққат-эътибори эса - руҳий ўзлигини англашга. Шартланган руҳлар ўзини моддий танага киёслайдилар, шу боис уларнинг онги бутунлай танага сингиб кетган, руҳий озодликка эришган зот эса - моддий танасига умуман бефарқ бўлади. Унинг бундай бефарқлиги навбатдаги шеърда тушунтирилади.

5. Ўғлининг орқасидан изма-из бораётган Шрила Вйасадева, дарёда яланғоч чўмилаётган қизлар ёнидан ўтиб бораётганида, гарчи у яланғоч бўлмаса ҳам, қизлар дарров либослари билан таналарини бекитиб олдилар. Аммо, уларнинг олдида унинг ўғли ўтаётганида, қизлар ўзларининг очиқ танасини бекитмадилар. Донишманд улардан нимага бундай қилганининг сабабини сўради. Бунга жавобан қизлар айтишдики, онги беғубор пок бўлгани туфайли унинг ўғли эркак ва аёл зотини бир-бирдан ажратмайди, Вйасадева эса бунга эътибор беради.

Изоҳ: «Бхагавад-гита»(5.18)да айтилганки, ҳаётга руҳий назар билан қарайдиган донишманд билимдон браҳманга, чандалага, итга ёки сигирга бир хил назар билан қарайди. Шрила Шукадева Госвами ана шундай руҳий поғонага кўтарилган зот эди. Шу боис у одамларга қараганида эркак ва аёлларни эмас, балки ҳар хил кийим(тана)лардаги тирик мавжудот(руҳ)ларни кўрарди. Худди ёш болага қараб туриб унинг қанчалик беғубор, пок эканини билиб олиш мумкин бўлгани сингари, сувда чўмилаётган қизлар ҳам уларга қараган одамнинг ўзини тутишига қараб туриб, унинг хаёлидан қандай фикрлар ўтаётганини билардилар. Шукадева Госвами ўша пайтда ўн олти ёшга тўлган бўлиб, танасининг ҳамма аъзолари тўлиқ ривожланиб бўлган эди. Қизлар сингари у ҳам кип-яланғоч эди. Шукадева Госвами эркак ва аёл орасида бўладиган жинсий алоқага нисбатан илоҳий ҳолатда бўлгани сабабли худди беғубор ёш болага ўхшарди. Алоҳида қобилиятга эга бўлган қизлар буни сезган, шу боис унинг шу ердан ўтиб бораётганига эътибор ҳам бермагандилар. Аммо уларнинг ёнидан унинг отаси ўтиб бораётганида, улар шошилиб кийимларини кийиб олганлар. Бу қизлар унинг қизлари, ҳатто неваралари тенги қизлар эди, лекин шунга қарамай улар ўзларини жамиятда ўрнатилган одоб-ахлоқ қоидалари асосида тутдилар, чунки Шрила Вйасадева оилали киши вазифасини бажариб яшарди. Оилали киши эркак ва аёл орасидаги фарқни яхши билиши лозим, акс

холда у оилали инсон бўлолмади. Шундай қилиб, одамларнинг жинсига эътибор бермасдан, тана билан рух орасидаги фарқни тушуниб олишга ҳаракат қилиш лозим. Токи инсон одамларни жинсига қараб бир-биридан ажратар экан, у Шукадева Госвами сингари санниyasi бўлиши, таркидунёлик қилиб яшаши мумкин эмас. Инсон ҳеч бўлмаса назарий жиҳатдан тирик мавжудот аслида эркак ҳам эмас, аёл ҳам эмас, пок рух эканига аниқ ишонч ҳосил қилиши лозим. Моддий табиат рухнинг ташқи тана қобиғини қарама-қарши жинсни ўзига жалб этиш ҳамда тирик мавжудотни моддий олам чангалида ушлаб туриш мақсадида яратиб қўйибди. Рухий озодликка эришган зот бундай алдамчи тасаввурдан устун туради. У тирик мавжудотларни бир-биридан ажратиб қарамайди. У барча тирик мавжудотларда ягона рухий табиатни кўради. Ҳаётга ана шундай рухий назар билан қарашнинг мукамал поғонаси рухий озодликка чиқиш ҳисобланади, Шрила Шукадева Госвами ана шундай поғонага кўтарилган зот эди. Шрила Вйасадева ҳам илоҳий поғонада турган зот, аммо, оилали киши сифатида жамиятда ўрнатилган урф-одатларга риоя қилиб, у бошқа одамлар уни "рухий озодликка чиққан зот" деб ҳисоблашларини даъво қилмасди.

6. Куру ва Жангала вилоятлари бўйлаб узок вақт айланиб юриб, Хастинапур(ҳозирги Деҳли шаҳри)га соқов, телба одамларга ўхшаб кириб келганида, шаҳар аҳолиси у(Вйасанинг ўғли Шрила Шукадева)ни қандай қилиб таний олдилар?

Изоҳ: Ҳозирги Деҳли шаҳри аввал бу шаҳарга асос солган шоҳ Хастини шарафига Хастинапур деб аталарди. Шукадева Госвами отасининг уйини тарк этиб кетгандан сўнг, ақлсиз телба одамлардай турли жойларда айланиб юриди, шу боис шаҳар аҳолиси унинг рухий жиҳатдан улўвор зот эканини билиб олиши амри маҳол эди. Демак, донишманд кишини ташқи кўринишига қараб эмас, балки унинг гапираётган гапларининг маъносига қараб билиб оладилар. Буюк донишманд(*садху*)нинг олдига унинг афти-башарасини, туриш-турмушини кўриш учун эмас, балки унинг чуқур маъноли гапларини тинглаш учун бориш керак. Садхунинг гапларини тинглашга тайёр бўлмаган кишига у билан учрашиш ҳеч қандай фойда бермайди. Шукадева Госвами *садху* - Парвардигорнинг илоҳий фаолияти ҳақида гапириб беришга қодир бўлган авлиё одам эди. У ҳеч қачон содда, ғофил одамларга яхши кўринишга уринмас эди. Одамлар у аслида қандай буюк зот эканини у "Шримад Бхагаватам"ни ҳикоя қила бошлаганида билиб қолардилар, лекин у ҳеч қачон сеҳргар-фолбинларга ўхшаб ҳар хил мўъжизалар кўрсатиб одамларнинг эътиборини ўзига жалб қилмасди. Сиртдан қараганда у ақли ривожланмаган, соқов,

телба одамга ўхшаб юргани билан, у аслида эса рухий юксалишнинг энг юқори поғонасига кўтарилган шахс эди.

7. Қандай қилиб шоҳ Парикшит шу буюк донишмандни учратиш ва бевосита унинг оғзидан, ўзида барча Ведаларнинг илоҳий моҳиятини мужассам қилган муқаддас, буюк Кўшиқ("Шримад Бхагаватам")ни тинглашга муяссар бўлди?

Изоҳ: Бу ерда, "Шримад Бхагаватам" - баъзи бир илмсиз одамларнинг айтиб юрганидай, шунчаки одамларнинг ўзлари ўйлаб чиқарган тарихий воқеалар эмас, балки барча Ведавий муқаддас китобларнинг қаймоғи, мағзи экани айтилган. Уни "Шука-самхита", яъни "Шри Шукадева Госвами баён этган ведавий мадҳия" деб ҳам айтадилар.

8. Одатда у(Шукадева Госвами) оилали кишилар эшиги олдида, сигир соғиш учунгина етарли бўлган вақтга тўхтаб турарди. У фақат ўша хонадонни поклаб саждагоҳга айлантириш ниятидагина шундай қиларди.

Изоҳ: Шукадева Госвами Махараж Парикшит билан учрашиб, унга "Шримад Бхагаватам"ни гапириб берди. Одатда у, нодир омадга муяссар бўлган бундай оилали одамларнинг эшиги олдида, уларнинг садақасини қабул қилиш учун кўпи билан ярим соатча, яъни сигир соғиш учун етарли бўлган вақтагина тўхтаб турарди. У бу ишни ўз ташрифи билан уларнинг хонадонини поклаб, муқаддас саждагоҳга айлантириш учун қиларди. Бундан кўриниб турибдики, Шукадева Госвами илоҳий поғонага кўтарилган ҳақиқий намунали тарғиботчи. Таркидунёлик турмуш-тарзига ўтиб, қолган умрини одамларга Худонинг хабарини етказишга бағишлаган одамлар Шукадева Госваидан ўрнак олиб, шунини яхши тушуниб олишлари лозимки, оилали одамларга Худо ҳақидаги илоҳий илмни албатта ўргатиш керак, лекин улар билан бошқа ҳеч қандай муносабат қилмаслик керак. Фақат уларнинг хонадонини поклаш мақсадидагина уларнинг хайр-садақаларини қабул қилиш лозим. Таркидунё қилган одам яна дунёвий одамларга қарам бўлиб қолмаслик учун оилали одамларнинг мол-дунёси билан қизиқмаслиги керак. Таркидунё қилиб яшаб юрган одам учун дунёвий одамларга қарам бўлиб қолиш - заҳар ичгандан ёки ўзини-ўзи ўлдиргандан ҳам хавфлироқ ҳалокат ҳисобланади.

9. Абхиманйунинг ўғли(Махараджа Парикшит) рухий баркамолликка эришган буюк содиқлардан ҳисобланади, унинг туғилиши ва қилган ишлари жуда хайратли. Бизга унинг кўрсатган фаолияти ҳақида бизга гапириб бер.

Изоҳ: Махараж Парикшитнинг туғилиши шуниси билан ҳайратланарлики, ҳали у онасининг қорнида бўлган пайтда Парвардигор Шри Кришна, Худонинг Олий Шахси уни ҳимоя қилган эди. Унинг қилган ишлари ҳам ҳайратли, чунки у сигирни ўлдирмоқчи бўлиб турган Калини муносиб жазолаган эди. Жамиятда сигирларнинг ўлдирила бошланиши - инсониятнинг маънавий ҳаёти таназзулга юз тутганини билдиради. Махараж Парикшит ажал тимсолининг кўлидан ҳалок бўлишга маҳкум бўлган сигирни қутқариб қолмоқчи эди. Махараж Парикшитнинг ўлими ҳам ғайритабиий, чунки у ажали келишидан етти кун аввал хабар топган эди. Бу эса ҳар қандай одам учун мўъжиза. Ажалидан хабар топгандан кейин у Ганга қирғоғида ўтириб, Парвардигорнинг илоҳий эрмакларри ҳақидаги ҳикояларни тинглаб, танасини тарк этишга тайёрлана бошлади. "Шримад Бхагаватам"ни тинглаб ўтирар экан у етти кун давомида овқат ҳам емади, сув ҳам ичмади, ҳатто ухламади ҳам. Шундай қилиб, Махараж Парикшит билан боғлиқ бўлган ишларнинг ҳаммаси кишини ҳайратга солади, унинг фаолияти ҳақидаги ҳикоялар эса, диққат билан тинглашга муносиб ҳикоялардир. Бу ерда донишмандлар шоҳнинг фаолияти ҳақида батафсил тинглаш истагини билдирыптилар.

10. У буюк шаҳаншоҳ(император) бўлиб, отасидан мерос қолган салтанатнинг барча бойликларига эгалик қиларди. У ўзининг улугвор ишлари билан Пандулар хонадонининг шухратини янада ошириб юрарди. Нима сабабдан у ҳамма нарсадан воз кечиб, ажали етгунча рўза тутиб риёзат чекиш учун Ганга қирғоғига йўл олди?

Изоҳ: Махараж Парикшит бутун жаҳон - куруқлик, денгиз ва океанларнинг императори эди. У салтанат тожига ҳеч қандай қийинчиликсиз эга бўлган эди: бу салтанат унга боболаридан, Махараж Юдхиштхира ва унинг укаларидан мерос қолган эди. Бундан ташқари у салтанатни яхши бошқарар ва ўз авлодларининг халқ орасида қозонган шон-шухратини муносиб давом эттирарди. Шундай қилиб, на чексиз бойлиги, на ҳукмронлиги унинг ҳаётига бирор ташвиш келтирмаётган эди. Нима сабабдан у буларнинг ҳаммасини тарк этиб, то ажали келгунча оч ўтириб рўза тутиш учун Ганга қирғоғига йўл олди? Унинг бу иши жуда ғалати эди, шу боис ҳамма тезроқ бунинг сабабини билишга шошиларди.

11. У шунчалик буюк қудратли зот эдики, душманларининг ўзлари келиб унинг оёғига йиқилардилар. Ўзларининг осойишталигини таъминлаш ниятида улар бутун бойлигини унга топширардилар. У ёш, навқирон, энди кучга тўлган, шоҳона бойликларининг ниҳояси йўқ эди. Нима сабабдан у буларнинг

барчасидан, ҳатто ўз жонидан ҳам воз кечишни ихтиёр этди?

Изоҳ: Ҳеч нарса бу буюк шоҳнинг ҳаётига таҳдид солиб тургани йўқ эди. У ҳали анча ёш бўлиб, ҳокимият ва бойлигидан фойдаланиб ҳаётдан лаззатланиб яшаса бўларди. Шу боис унинг фаол ҳаёт кечиришни тарк этиб кетишига ҳеч қандай сабаб йўқ эди. Ўлпон, солиқ тўплаш ҳам унинг учун ҳеч қандай ташвиш келтирмас эди, чунки у шу қадар қудратли ва жасур эдики, ҳатто унинг душманлари ҳам унинг олдига келиб бутун бойликларини ўз қўллари билан унга инъом этишни ўзлари учун катта шараф деб билардилар. Махараж Парикшит тақводор, адолатли шоҳ эди. У ўзининг барча душманлари устидан ғалаба қозонган, шу боис унинг салтанати гуллаб яшнарди: ғалла, сут, ҳар хил металллар мўл-кўл, дарёлар сувга тўла, тоғларда ер ости бойликлари кўп эди. Халқ моддий жиҳатдан фаровонликда яшар эди. Гўё салтанатдан барвақт воз кечишга ва ҳаётни тарк этишга ҳеч қандай асос йўқдай кўринарди. Донишмандлар шуларнинг сабабини тезроқ билиб олишга шошилардилар.

12. Худонинг содиқлари ҳаётда фақат бошқа одамларнинг фаровонлиги, рухий юксалиши ва бахт-саодати учун яшайдилар. Улар ҳеч қачон ўз манфаатини ўйламайдилар. Албатта, ҳукмдор(Парикшит) дунёвий мол-дунёга боғланиб қолган инсон эмасди, лекин қандай қилиб у бошқалар учун ишончли паноҳ бўлиб турган ўзининг ўтқинчи танасидан воз кечди?

Изоҳ: Махараж Парикшит намунали шоҳ ва оила бошлиғи эди, чунки у Худо Шахсининг содиқ хизматкори эди. Худонинг содиқ хизматкори ўзидан-ўзи табиий равишда барча эзгу фазилатларга эга бўлади, Махараж Парикшит бунга яққол мисол бўла олади. У ўзига тегишли бўлган моддий бойликларга боғланиб қолмаган эди. Аммо, ўз халқининг ҳар томонлама фаровон яшашини таъминлаши лозим бўлган шоҳ сифатида ҳамиша ўз фуқароларининг ҳозирги ва келгуси ҳаётида бахтиёр яшашини таъминлашни ўйлаб юрарди. У ўз салтанатида қассобхоналар очилишига, одамларнинг оммавий равишда сигирларни ўлдиришига йўл қўймасди. У ўз салтанатидаги баъзи тирик мавжудотларни ҳимоя қиладиган, айна пайтда боқа тирик мавжудотларни ўлдиришга рухсат берадиган аҳмоқ ва бировларга боғланиб қолган пасткаш ҳукмдор эмасди. У Худонинг содиқ хизматкори эди, шу боис салтанатдаги тирик мавжудотларнинг ҳаммаси - одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликлар - бахтиёр яшашини учун жамиятни қандай бошқариш лозимлигини яхши биларди. У фақат ўз манфаатини ўйлаб иш қилмасди. Инсондаги худбинлик сифати ё шахсан унинг ўзи билан, ё унинг ён-атрофидагилар билан

чегараланиши мумкин, аммо Махараж Парикшитда худбинликнинг униси ҳам, буниси ҳам йўқ эди. У ҳар бир ишни ҳамisha Олий Ҳақиқатни, Худонинг Олий Шахсини рози қилишни ўйлаб қиларди. Шоҳ Худонинг Олий Шахсининг ердаги вакили ҳисобланади, шу боис унинг манфаати Парвардигорнинг манфаати билан бир хил бўлиши лозим. Парвардигор барча тирик мавжудотлар Унинг Ўзига, Унинг қонунларига бўйсуниб яшашини, шу билан ҳаётда ҳақиқий бахтга эришишини истайди. Демак, шоҳнинг асосий бурчи - ҳаммани Худонинг даргоҳига қайтаришдан иборат. Шу боис, шоҳ ўз фуқароларининг фаолиятини шундай ташкил этиши лозимки, улар умрининг охирида ўзларининг ҳақиқий уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб кета олинлар. Агар жамиятга Худонинг ҳақиқий вакили бўлган шоҳ ҳукмронлик қилса, бундай жамият ҳар томонлама фаровон яшайди, одамларнинг ҳайвонларни сўйиб ейишига ҳеч қандай зарурат қолмайди. Мамлакатда ғалла, сут, мева ва сабзавотлар етарлича бўлади, одамлар ҳам, ҳайвонлар ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминланган бўлади. Агар жамиятда барча тирик мавжудотларнинг қорни тўқ, ҳамма бошпанага эга бўлиб, одамларнинг ҳаммаси Худонинг қонунларига бўйсуниб яшасалар, улар ҳаётда ҳеч қачон бир-бирларига ҳеч қандай ташвиш келтирмасдан хотиржам яшайдилар. Император Парикшит муносиб шоҳ эди, шу боис у бутун жаҳонни бошқариб турган даврда ҳамма, ҳар бир одам ўз ҳаётидан мамнун, бахтиёр яшарди.

13. Биз биламизки, сен Ведаларнинг баъзи бўлимларидан бошқа барча илоҳий илмларни мукамал эгаллагансан. Шу боис сен бизларнинг сенга берган барча саволларимизга аниқ жавоб бера оласан.

Изоҳ: Браҳманлар паривраджакалардан фарқ қилгани сингари, Ведалар ҳам Пураналардан фарқ қилади. Браҳманларнинг вазифаси - Ведаларда кўрсатилган маълум бир кармали қурбонлик маросимларини ўтказишдан иборат, *паривраджакачарйа*, яъни билимдон тарғиботчилар эса - одамларга илоҳий илм сирларини ўргатишлари лозим. Шу боис *паривраджакачарйа*, ҳар хил қурбонлик маросими ўтказиб юрган, ведавий мадҳияларни кироат билан ўқишни, уларнинг талаффузини ва оҳангини яхши биладиган браҳманларга ўхшаб мантраларни тўғри тиловат қилишни билиши шарт эмас. Шунга қарамай, қурбонлик ўтказадиган браҳманларнинг фаолиятини ғофил одамларга Худонинг хабарини етказиб юрган тарғиботчиларнинг фаолиятдан муҳимроқ деб ўйламаслик керак. Уларнинг фаолиятлари бир хил, айти пайтда бир-биридан фарқ қилади, чунки улар ҳар хил йўллар билан бўлса ҳам, инсонни барибир ягона бир мақсадга олиб борадилар.

Ведавий мантралар билан Пурана ва Итихасаларда берилган таълимотлар орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Шрила Жива Госвами "Мадхьяндинди-шрути"да айтадики, барча ведавий муқаддас китоблар: Сама-, Атхарва-, Риг-, Ўаджур-Ведалар, Пураналар, Итихасалар, Упанишадлар ва ҳоказолар - Олий Зотнинг нафасининг эманация(намоён бўлиш)ларидир. Уларнинг бир-биридан ягона фарқи шундан иборатки, ведавий мантралар асосан *пранава* омкарадан бошланган бўлиб, ведавий мантраларни кироат билан тиловат қилиш қоидаларини ўрганиш керак бўлади. Лекин бу билан "Шримад Бхагаватам" - ведавий мантралардан муҳим эмас, деб бўлмайди. Аксинча, юқорида айтилганидай, "Шримад Бхагаватам" - барча Ведаларнинг етилиб пишган мевасидир. Бунинг устига, руҳий озодликка эришган зотлар ичида энг комил инсон бўлган Шрила Шукадева Госвами, гарчи ўзи аллақачон руҳий ўзлигини англаб етган зот бўлса ҳам, "Шримад Бхагаватам"ни ўрганиш билан машғул эди. Шрила Сута Госвами ундан ўрнат олиб, унинг изидан борарди, шу боис ведавий мантраларни тўғри тиловат қилиш санъатини яхши билмаслиги унинг обрўсига, мартабасига заррача бўлса ҳам путур етказмади. Тиловат қилишни ўрганиш - мантраларнинг маъносини чуқур англаб етишнинг эмас, балки шунчаки кўпроқ машқ қилиш натижасидир. Худди тўтиқушларга ўхшаб мантраларни тўғри тиловат қилишни ўргангандан кўра уларнинг маъносини англаб етиш муҳимроқ.

14. Сута Госвами шундай деди: "Учинчи давр иккинчи давр ичига кириб кетганида Васунинг қизи Сатйавати Парашара Мунига буюк донишманд(Вйасадева)ни туғиб берди.

Изоҳ: Тўрт йуганинг кетма-кет алмашиш тартиби қуйидагича: Сатйа, Двапара, Трета ва Кали. Лекин, баъзан улар бир-бирининг ичига кириб кетади. Ваивасвата Ману ҳукмронлик қилаётган даврда, йигирма саккизинчи циклда шундай бўлган эди. Учинчи йуга иккинчидан олдин келган эди. Парвардигор Кришна ҳам айнан ана шу даврда келади, бу эса баъзи бир ўзгаришларга сабаб бўлади. Буюк донишманднинг онаси Сатйавати - балиқчи Васунинг қизи, отаси эса - буюк донишманд Парашара Муни эди. Шрила Вйасадеванинг дунёга келиш тарихи шундай. Ҳар бир замон(эпоха) *сандхйа* деб аталадиган уч даврга бўлинади. Шрила Вйасадева ана шу ўзига хос алоҳида даврнинг учинчи сандхйасида дунёга келди.

15. Бир куни, қуёш кўтарилганда у(Вйасадева) Сарасвати дарёси сувида чўмилиб поклангандан сўнг, фикрини бир жойга жамлаш учун хилват жойда ўрнашиб ўтириб олди.

Изоҳ: Сарасвати дарёси Ҳимолай тоғининг Бадарикашрам деб аталадиган қисмидан оқиб ўтади. Демак, бу ерда Бадарикашрамдаги Шри Вйасадева истиқомат қиладиган даргоҳ, Шамйапраша ҳақида гап борапти.

16. Келажакни олдиндан кўра биладиган буюк донишманд Вйасадева, одамлар бу даврга келиб ўзларининг муқаддас бурч-вазифаларини бажармай кўйишини яхши билар эди. Вақт ўтиши билан юзага келадиган кўринмас кучлар таъсири остида Ер юзида турли даврларда шундай вазият юзага келиб туради.

Изоҳ: Шрила Вйасадева сингари буюк донишмандлар руҳий озодликка эришган зотлардир, шу боис улар ўтмишни ҳам, келажакни ҳам аниқ кўра оладилар. У Кали-йугада юзага келадиган жаҳолат, ғофиллик асоратларини олдиндан билган эди, шу боис одамлар ҳатто мана шундай даврда ҳам руҳий юксалишга эриша олишининг имконини топиб кўйган эди. Кали-йугада яшайдиган одамларнинг бутун диққат-эътибори ўткинчи танага қаратилган бўлади. Ғофиллиги сабабли улар инсон ҳаётининг ҳақиқий кадр-киммати нимадан иборат эканини англашга ва руҳий илм ўрганишга қодир бўлмайдилар.

17-18. Мукммал илмга эга бўлган буюк донишманд ўзининг илоҳий назари ёрдамида бу даврда, эзгулик гунасининг таъсири кескин камайиб кетиши сабабли барча моддий бойликлар йўқолиб кетишини олдиндан билган эди. Шунингдек у, иймон-эътиқодсиз кишиларнинг умри қисқариб кетишини, эзгу ишлар қилиб юрмагани сабабли улар ҳамиша хавотирда яшашини биларди. Шунинг учун у жамиятда ҳар хил табақа ва тоифага мансуб бўлган одамларнинг барчасига қандай ёрдам бериш мумкинлигини ўйлаб чуқур мулоҳаза юрита бошлади.

Изоҳ: Замоннинг намоён бўлмаган кучлари, яъни "замона зайли" шу қадар қудратлики, вақти келиб ҳамма моддий нарсаларни хотирадан ўчириб ташлайди. Тўрт даврдан иборат Замоннинг охириги даври бўлган Кали-йугада, замона зайли билан ҳамма моддий бойликлар емирилиб завол топа бошлайди. Бу даврда одамларнинг аксарият кўпчилигининг моддий танасининг умри қисқариб, хотираси кескин сусайиб кетади. Моддий табиатнинг фаолияти ҳам аввалгидай шиддатли бўлмайди. Ер ҳам аввалги даврлардагидай мўл ҳосил бермай кўяди, сигирлар аввалгидай кўп сут бермайди, мевали дарахтларнинг, полиз экинларининг ҳосили кескин камайиб кетади. Бунинг оқибатида ер юзида тирик мавжудотларга - одамларга ва ҳайвонларга - жисмоний куч

берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари етишмайди. Ҳаёт учун энг зарур нарсалар етишмаслиги сабабли табиий равишда тирик мавжудотларнинг умри қисқариб кетади, уларнинг хотираси ва тафаккури сусаяди, одамлар бир-бири бўладиган ўзар муносабатларида иккиюзламачи, кўпол, манман бўлиб кетдилар.

Илоҳий онг соҳиби бўлгани туфайли буюк донишманд Шрила Вйасадева буларнинг ҳаммасини олдиндан билган эди. Астролог юлдузларга қараб инсон тақдирини, астроном эса - қуёш ва ойнинг тутилишини олдиндан аниқлай олгани сингари, руҳий озодликка эришган, ҳаётга муқаддас китоблар назари билан қарайдиган зотлар ҳам инсониятнинг келажagini олдиндан башорат қила оладилар. Улар ўзларининг руҳий тажрибалари давомида эришган илоҳий назари ёрдамида ана шундай қудратга эга бўладилар.

Табиий равишда Худонинг содиқ хизматкори бўлган ана шундай илоҳий инсонлар ҳамиша бутун инсониятнинг бахт-саодатини ўйлаб, уларни қайғуриб юрадилар. Жамиятнинг ҳатто беш дақиқадан кейин қандай воқеа-ҳодисалар содир бўлишини билмайдиган ҳозирги калтафаҳм йўлбошчиларидан фарқли равишда, улар ҳар бир инсоннинг, умуман бутун инсониятнинг ҳақиқий дўстларидир. Ҳозирги даврда одамларнинг аксарият кўпчилиги - ўзларининг ана шундай калтафаҳм йўлбошчилари билан бирга руҳий илмга ишонмайдиган, Кали-йуга даврининг салбий таъсири остида юрган омадсиз одамлардир. Улар ҳар хил касалликлар сабабли ҳамиша турли хавотирлар остида яшайдилар. Масалан, ҳозир кўпчилик одамлар туберкулёз касалига чалинган, одамларни бу касалликдан даволаш учун жуда кўп касалхоналар очилган. Аввал бундай касаллик умуман бўлмаган, чунки у пайтларда одамларнинг яшаш шароити анча яхши бўлган. Ҳозирги даврда ана шундай одамлар Шрила Вйасадеванинг вакиллари билан, яъни Худонинг хабарини, илоҳий илм ўрганиб юрган одамлар билан учрашишдан қочадилар. Худонинг содиқлари жамиятнинг турли табақаларига мансуб одамларнинг барчасига қандай ёрдам бериш ҳақида ўйлаб, ҳамиша одамларга холис, беминнат хизмат қилиш билан машғул бўлиб юрадилар. Шрила Вйасадева, Нарада Муни, Мадхвачарйа, Чаитанйа Махапрабху, Рупа ва Санатана Госвами ва бошқа буюк зотларнинг эзгу ишларини давом эттириб юрган илоҳиётчи одамлар - инсониятнинг энг буюк саодатмандларидир. Улар бир-биридан фарқ қилмайдилар. Одамлар ҳар хил бўлишлари мумкин, лекин Худонинг барча содиқларининг интиладиган ягона мақсади - адашган руҳларни ўзларининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтаришдан иборат.

19. Ведаларда кўрсатилган қурбонликлар - инсонларнинг дунёвий фаолиятини поклашга қодир бўлган восита эканини англаб етгандан

кейин, бу жараёни яна ҳам осонлаштиришни ўйлаб, Ведалар илмини одамлар орасида кенг тарғибот қилиш ниятида у ягона Ведани тўрт қисмга бўлди.

Изоҳ: Аввалига фақат битта Веда мавжуд бўлиб, у "Йаджур-веда" деб аталарди, унда қурбонлик маросимларининг тўрт тури алоҳида-алоҳида кўрсатилган эди. Уларни ўтказишни осонлаштириш мақсадида, қурбонлик маросимларининг турларига қараб, ягона Веда тўрт қисмга бўлинди. Бундай қурбонлик маросимлари тўрт хил турмуш тарзи билан яшаётган одамларнинг фаолиятини поклаш учун мўлжалланган эди. Риг-, Йаджур-,

Сама-, ва Атхарва-Ведалардан бошқа "бешинчи веда" деб аталадиган Пураналар, Маҳобҳорат, самхиталар ва бошқа муқаддас китоблар ҳам бор. Шри Вйасадева ва унинг кўплаган шогирдлари - ҳозирги Кали-йуга даврида яшаётган адашган рухларга жуда меҳрибон, ҳамдард бўлган тарихий шахслардир. Аслида Пураналар ва "Маҳобҳорат" достони - тўрт Веда таълимотини тушунтириб берадиган, бир-бирига ўзаро боғланиб кетган тарихий воқеалар асосида ёзилган муқаддас асарлардир. Пураналар ва "Маҳобҳорат"нинг Ведаларнинг таркибий қисми бўлган ҳақиқий муқаддас китоблар эканига ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Одатда тарихий асарлар сифатида тилга олинadиган Пураналар ва Маҳобҳорат достони "Чхандогйа-упанишад"(7.1.4)да "бешинчи Веда" деб кўрсатилган. Шрила Жива Госвамиининг тасдиқлашига кўра муқаддас китобларнинг ҳақиқийлигини ана шундай йўл билан аниқлаш лозим.

20. Ҳар қандай илмнинг бошланғич манбаи бўлган Ведаларнинг тўрт қисми алоҳида-алоҳида асарларга ажратилди, Пураналарда ёзилган тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг баёни "бешинчи Веда" ҳисобланди.

21. Ведалар алоҳида тўрт қисмга бўлингандан сўнг, Паила Риши "Риг-веда"ни ўргатувчи устоз, Джаймини - "Сама-веда"ни ўргатувчи устоз бўлди. Ваишампайана "Йаджур-ведани" чуқур биладиган олим сифатида шуҳрат қозонди.

Изоҳ: Ведаларнинг ҳар бир қисми алоҳида обрўли, мўътабар билимдон донишмандларга топширилди, улар Ведаларни ҳар томонлама ўрганиб чиқишлари лозим эди.

22. "Атхарва-веда" Суманта Муни номи билан машҳур донишманд Ангирарага топширилди, у бунга бутун умрини бағишлади. Менинг отам

Ромахаршанага Пурана ва тарихий воқеалар топширилди.

Изоҳ: Шрути-мантраларда ҳам айтилганки, Атхарва-веданинг оғир кўрсатмаларининг барчасига қатъий амал қилиб яшаган Ангирара Муни ўз издошларининг муносиб раҳбари бўлди.

23. Бу билимдон донишмандлар ўз навбатида ўзларига ишониб топширилган Ведаларни шогирдларига, шогирдларининг шогирдларига ва уларнинг шогирдларига ўргатдилар. Шу тарзда Ведаларни ўрганувчиларнинг муайян мактаблари - парампаралар юзага келди.

Изоҳ: Ведалар - ҳар қандай илмнинг бошланғич манбаи ҳисобланади. Хоҳ илоҳий илм бўлсин, хоҳ дунёвий илм бўлсин, бошланғич Ведавий муқаддас китобларда ёритилмаган бирор илм соҳаси, бирор мавзу қолган эмас. Ҳеч нарса қолмасдан, оламда мавжуд бўлган ҳар қандай илм Ведаларда ёритилган. Кейинчалик, уларнинг ҳар бир бўлими алоҳида ўрганилиб, илм-фаннинг ҳар хил бўлиmlарига асос бўлган. Илмнинг ана шу тармоқларининг бошида мўътабар, билимдон ва буюк устозлар турган. Бошқача қилиб айтганда, ҳар хил шогирдлар силсилалари(*парампара*) орқали айрим бўлақларга бўлинган Ведалар илми бутун жаҳон халқлари орасида кенг тарқалди. Шу боис, Ведаларга умуман алоқаси бўлмаган бирор илм соҳаси бор деб айтишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

24. Шундай қилиб, буюк донишманд Вйасадева, ғофиллик ботқоғига ботган одамларга чуқур ҳамдардлик билдириб, инсониятга Ведалар илмини ҳатто чуқур тафаккурга эга бўлмаган содда одамлар ҳам тушуна оладиган шаклда тақдим этди.

Изоҳ: Ведалар илми ягона, бу ерда нима сабабдан у бир неча бўлимларга бўлингани тушунтирилган. Барча илмларнинг бошланғич уруғи, мағзи бўлган Ведалар илмини оддий одамларнинг тушуниб олиши жуда қийин. Муқаддас китобларда етарли тажрибага эга бўлган браҳманлардан бошқа ғофил одамларнинг Ведалар илмини ўрганишга ҳатто уриниб кўриниши ҳам қатъий таъқиқлаб қўйилган. Одамлар мана шу қондани бир неча марта бузиб талқин қилганлар ҳамда унга ҳар ким ҳар хил маъно берган. Шунчаки браҳманлар хонадонда туғилгани учун ўзларини браҳман деб юрган одамлар Ведалар илмини жамиятнинг фақат олий табақаси, браҳманлар табақаси ўрганиши лозимлигини даъво қиладилар. Бошқалар эса, буни жамиятнинг қолган табақаларида туғилган, браҳманлар табақасига мансуб хонадонда туғилиш насиб қилмаган одамларга нисбатан адолатсизлик деб биладилар. Аслида эса, бундай фикрларнинг ҳар иккиси ҳам нотўғри. Ведалар - шундай илмки,

уни хатто Маъбуд Браҳмага ҳам албатта кимдир тушунтириши шарт эди, шу боис Ведалар илмини унга Худонинг Олий Шахсининг Ўзи тушунтирган. Шундай қилиб, Ведалар илми - фақат эзгулик гунасига мансуб фазилатларга эга бўлган одамларгина тушуна оладиган илмдир. Ғафлат ва эҳтирос гунаси таъсири остида юрган одамлар Ведалар илмини тушуниш қобилиятига эга бўлолмайдилар. Ведалар илмининг олий мақсади - Шри Кришна, Худонинг Олий Шахси. Эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсири остида юрган одамлар камдан-кам ҳолларда Худонинг Олий Шахсини тушуна оладилар. Сатйа-йуга даврида одамларнинг ҳаммаси эзгулик гунасида яшардилар. Трета- ва Двапара-йугаларда эзгулик гунаси таъсири тобора заифлашиб, одамлар жаҳолат, ғофиллик ботқоғига тобора кўпроқ ботиб борганлар. Ҳозирги даврда эзгулик гунасининг таъсири деярли сезилмай қолган, шу боис меҳр-шафқатли ва кудратли донишманд Шрила Вйасадева ҳозирги даврдаги эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсири остида яшаётган, чуқур тафаккурга эга бўлмаган одамлар ҳам Ведаларни ўрганиб, ҳаётда уларда кўрсатилган қонун-қоидаларга амал қилиб яшай олишлари учун Ведаларни бир неча бўлақларга бўлган. Бу кейинги шеърда батафсил тушунтирилади.

25. Одамларга нисбатан жуда ҳамдард, меҳрибон бўлган буюк донишманд: "мана шу - инсонларга ҳаётда энг олий мақсадга эришиш имконини беради", деган қарорга келди. Айнан шу мақсадда у аёллар, шудра(ишчи)лар ва иккибор туғилганлар хонадонининг дўстлари учун мўлжалланган буюк тарихий асар - "Маҳобҳорат"ни ёзди.

Изоҳ: Иккибор туғилганлар хонадонининг дўстлари - браҳманлар, кшатрийлар ва вайшьяларнинг, яъни диний урф-одатларга риоя қилиб яшайдиган маданиятли инсонлар оиласида туғилган, лекин ўзи ота-боболарига муносиб фазилатларга эга бўлмаган одамлардир. Браҳманларнинг ана шундай авлодларини "иккибор туғилган" деб тан олмайдилар, чунки бунинг учун улар етарли фазилат ва сифатларга, покликка эга эмас. Покланиш маросимлари ҳали инсон дунёга келишидан олдин ўтказила бошланади. Бўлғуси онани уруғлантириш маросими *гарбхадхана-самскара* деб аталади. *Гарбхадхана-самскара* маросими орқали, яъни оилани руҳий жиҳатдан режалаштириш маросими орқали ўтмаган киши иккибор туғилганларнинг ҳақиқий авлоди ҳисобланмайди. Гарбхадхана-самскарадан кейин бошқа покланиш маросимлари ҳам ўтказилади, улардан биттаси муқаддас чилвир, зуннор тақиш маросими. Бу маросим руҳий ҳаётга фотиҳа олиш пайтида ўтказилади. Фақат ана шу самскарадан ўтгандан кейин инсон асосли равишда тўла ҳуқуқли "иккибор туғилган инсон"

деб ҳисобланади. Биринчи бор туғилиш - уруғлантириш самскараси, иккинчи бор туғилиш - руҳий ҳаётга фотиҳа(инициация) олиш ҳисобланади. Ана шу икки муҳим *самскара* орқали ўтган кишини ҳақиқатан ҳам "иккибор туғилган зот" деб аташ мумкин.

Агар иккибор туғилганлар табақасига мансуб бўлган эр-хотин оилани руҳий жиҳатдан режалаштириш қоидаларига риоя қилмасдан, фақат шахвоний эҳтирос таъсири остида жинсий алоқа қилиш натижасида фарзанд дунёга келтирсалар, уларнинг фарзандлари *двиджа-бандху* деб аталади. Шубҳа йўқки, ана шундай тасодикий *двиджа-бандху* ҳақиқий двиджаларнинг фарзандлари сингари ақлли, зукко инсон бўлолмайди. Шунинг учун бундай двиджа-бандхулар табиатан ақли кам бўлган аёллар ва шудралар қаторига киритилади. Шудралар ва аёллар никоҳ маросимидан бошқа ҳеч қандай покланиш маросими(*самскара*) ўтказиб юришлари шарт эмас.

Ақли паст одамлар, яъни аёллар, шудралар ва олий табақаларнинг номуносиб фарзандлари илоҳий илм - Ведаларнинг мақсадини тушуниб етиш учун зарур бўлган сифатларга эга эмаслар, шу боис улар учун мўлжалланган "Маҳобҳорат" достони нозил бўлган. "Маҳобҳорат"нинг мақсади - ғофил одамларнинг онгини Ведалар илмини тушуна оладиган даражага кўтаришдан иборат. Шу мақсадда "Маҳобҳорат"нинг таркибига Ведалар илмининг қисқача баёни бўлган «Бхагавад-гита» киритилган. Тафаккури унча ривожланмаган одамларни чуқур маъноли фалсафадан кўра қизиқарли ҳикоялар кўпроқ қизиқтиради. Шу боис Парвардигор Шри Кришна Ведалар фалсафасини «Бхагавад-гита» шаклида қисқача баён қилиб берган. Вйасадева ҳам, Парвардигор Кришна ҳам илоҳий поғонада турган Зотлардир, шу боис Улар ҳозирги даврда яшаётган адашган руҳларнинг бахт-саодати йўлида ҳамкорлик қилганлар. «Бхагавад-гита» - барча ведавий илмларнинг асосий мазмунидир. Упанишадалар билан бир қаторда у руҳий қадриятлар ҳақидаги бошланғич маълумотлар баён этилган муқаддас китоб ҳисобланади. Веданта фалсафасини фақат аввал руҳий илм ўрганиш жараёнининг биринчи босқичидан ўтган одамгина ўзлаштира олади. Ҳақиқий руҳий фаолият соҳасига, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш соҳасига фақат "руҳий илм аспиранти" бўлган киши кира олади. Бу улуғвор илм бўлиб, унинг буюк профессори бу дунёга Шри Чаитанья Махапрабху қиёфасида келган Парвардигорнинг Ўзидир. Фақат Унинг Ўзи ваколат берган одамгина бошқа одамларнинг Худога илоҳий муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишига фотиҳа бера олади.

26. Эй иккибор туғилган браҳманлар, гарчи у бутун инсониятнинг бахт-саодатини ўйлаб

шунча меҳнат қилган бўлса ҳам, барибир унинг кўнгли ҳалигача таскин топмаганди.

Изоҳ: Гарчи бутун инсониятнинг бахт-саодатини ўйлаб, аҳамияти бутун Ведаларга тенг бўлган буюк асар яратган бўлса ҳам, Шри Вйасадева барибир ўзининг қилган ишларидан ҳалигача қаноат ҳосил қилмаган эди. У бундай ишлар унинг ўзига ҳам чексиз мамнуният олиб келса керак, деб ўйлаган эди, лекин негадир бундай бўлмади.

27. Қалбининг нимага таскин топмаётгани сабабини излаб, диннинг асл маъносини тушунган бу донишманд, Сарасвати дарёси қирғоғида чуқур мулоҳазага чўмди. У ўзича шундай ўйларди:

Изоҳ: Донишманд нимага қалби таскин топмаётганининг, нима учун қилган ишларидан мамнун эмаслигининг сабабини излай бошлади. Токи инсоннинг қалби мамнуният ҳосил қилмас экан, у ҳеч қачон руҳий баркамолликка эриша олмайди. Ана шундай ички мамнуниятнинг манбаини моддий оламдан ташқарида излаш керак.

28. ”Мен шогирдликнинг барча машаққатли қасамларига қатъий амал қилиб Ведаларга, руҳий устозимга ва қурбонлик меҳробига сажда қилиб сиғиндим. Барча қоидаларга риоя қилган ҳолда, буюк “Маҳобҳарат” асарини ёзиб, унда шогирдлар силсиласи(парампара)нинг муҳим аҳамиятини кўрсатиб бердим. Бу асарни ўқиб ҳатто аёллар, шудралар ва бошқалар(иккибор туғилганларнинг дўстлари) ҳам Худонинг(дин) йўлига қира оладилар.

Изоҳ: Шогирдликнинг машаққатли қоидаларига, риёзатларига қатъий риоя қилмай, шогирдлар силсиласига қирмай туриб Ведалар илмининг мазмунини тушунишнинг иложи йўқ. Ведалар илмини англаб етишни истаган киши Ведаларга, руҳий устозларга ва қурбонлик маросими ўтказиладиган меҳробга сажда қилиб сиғиниши лозим. Ведавий донишмандликнинг ана шундай нозик, сирли томонларини аёллар, ишчилар табақасига мансуб одамлар, шунингдек браҳман, кшатрий ва вайшьяларнинг хонадониди туғилган лекин, зарур фазилатларга эга бўлмаган одамлар ҳам билиб олишлари учун уларнинг барчаси "Маҳобҳарат"да батафсил кўрсатиб берилган. Ҳозир биз яшаётган даврдаги одамлар учун "Маҳобҳарат" дostonи бошланғич Ведалардан кўра каттароқ аҳамиятга эга.

30. Гарчи мен, Ведаларнинг қонун-қоидаларида кўрсатилган, инсон ҳаётда бахтиёр бўлиши учун зарур бўлган барча нарсаларга эга бўлсам ҳам, нимагадир ҳаётимдан кўнглим тўлмаяпти.

Изоҳ: Ҳеч қандай шубҳа йўқки, Ведавий донишмандлик илми ёрдамида эришиш мумкин бўлган ҳамма нарсага Шрила Вйасадева ҳам эришган эди. Ведаларда кўрсатилган қонун-қоидаларга риоя қилиб яшаш билан моддий оламда моддий тана ичига тушиб қолган тирик мавжудот барча иллатлардан поклана олади, лекин бу ҳали рруҳий баркамолликнинг энг юқори поғонаси эмас. Токи тирик мавжудот баркамолликнинг энг юқори поғонасига кўтарилмас экан, ҳатто унинг ҳамма нарсаси бўлса ҳам, барибир у ўзининг табиий, бошланғич илохий ҳолатида мустаҳкам тура олмайди. Афтидан Шрила Вйасадева энг асосий нарсани эътибордан четда қолдирган кўринади, шу боис у қалбида ўзининг қилган ишидан, ҳаётдан мамнун эмасди.

31. Балки, бунинг сабаби - бегуноҳ Худо Шахсининг Ўзини ҳам, руҳий баркамолликка эришган зотларни ҳам ўзига жалб этадиган "Худога садоқат билан ҳолис хизмат қилиш илмини алоҳида ажратиб кўрсатмаганим бўлса керак?"

Изоҳ: Бу ерда Шрила Вйасадева ўзининг қалби хотиржам эмаслигини тан оляпти. Унинг қалби хотиржам эмасди, чунки тирик мавжудотнинг табиий ҳолати - ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилиш билан машғул бўлиб яшашдир. Токи инсон ўзининг табиий ҳолати бўлган Худога садоқат билан хизмат қилишда мустаҳкам ўрнашиб олмас экан, на Парвардигор, на унинг ўзи мустаҳкам, ўзгармас хотиржамликка, осойишталикка эриша олмайди. Шрила Вйасадева ўзининг хатосини, эътибордан чиқарган нарсасини англаб етди, айнан шу пайтда унинг олдида руҳий устози Нарада Муни пайдо бўлди. Бу кейинги шеърда баён этилади.

32. Аввал эслатиб ўтганимиздек, Сарасвати дарёси қирғоғида руҳий баркамолликка эриша олмаганидан афсусланиб, чуқур мулоҳазага берилиб ўтирган Кришна-Двайпаяна Вйасанинг кулбасига Нарада Муни кириб келди.

Изоҳ: Шрила Вйасадеванинг қалбида юзага келган бўшлиқ аслида ундаги илм етишмасликнинг оқибати эмас эди. *Бхагавата-дҳарма* - Худога соф садоқат билан хизмат қилиш жараёни бўлиб, унинг моҳиятини монистлар тушуна олмайдилар. Монистлар *парамахамса*(таркидунё қилган одамлар орасида руҳий баркамоллик чўққисига эришган зотлар тоифасига қирмайдилар. "Шримад Бхагаватам"да Худонинг Олий Шахсининг илохий қароматлари ҳақидаги ҳикоялар баён этилган. Гарчи Шрила Вйасадева Парвардигорнинг алоҳида вақолат берилган қиёфаси бўлишига қарамай, барибир қалбида тўла мамнуният ҳосил қилмаган эди, чунки ёзган

асарларининг бирортасида Парвардигорнинг илохий эрмаклари ҳақида етарли даражада ҳикоя қилмаган эди. Шри Кришнанинг Ўзи Шрила Вйасадеванинг қалбини бунга илҳомлантирган эди, шу боис унинг қалбида қандайдир бўшлиқ пайдо бўлганди. Бу ерда очикдан-очик айтилганки, Худога илохий садоқат билан хизмат қилишдан бошқа ҳамма нарса ҳеч қандай маънога, мазмунга эга эмас. Худога садоқат билан хизмат қилишда эса ҳамма нарсани яққол ҳис қилиш мумкин бўлган Ҳақиқатни кўриш мумкин, бунга эришиш учун эса дунёвий кармали фаолият билан ҳам, фалсафий сафсатабозлик билан ҳам шуғулланиб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

33. Кутилмаганда Нараданинг пайдо бўлишини "яхшилиқ аломати" деб билган Шри Вйасадева, унга худди борлиқни яратган Браҳмага қилса арзийдиган тавозе ва эҳтиром билан сажда қилди.

Изоҳ: *Видхи* ибораси бу ерда коинотда биринчи яратилган тирик мавжудот Маъбуд Браҳмани англатади. У - Ведалар илмининг биринчи шогирди ва биринчи рухий устози. У Ведалар илмини Шри Кришнадан олган, бу илми у биринчи бўлиб Нарада Мунига ўргатган. Шундай қилиб, Нарада Муни - илохий илм ўрганадиган шогирдлар силсиласида турган иккинчи *ачарйа* ҳисобланади. У - Маъбуд Браҳманинг вакили, шу боис уни ҳам худди барча *видхи*(қонун-қоидалар)лар отаси Маъбуд Браҳмадай муносиб ҳурмат-эҳтиром билан кутиб оладилар. Биринчи рухий устознинг шогирдлар силсиласида турган бошқа барча вакиллари ҳам худди шундай ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олиш лозим.

"Шримад Бхагаватам"нинг Биринчи Қўшиғининг "Шри Нарада Мунининг пайдо бўлиши" деб аталадиган тўртинчи бобида Бҳактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

Бешинчи боб.

Нараданинг Вйасадевага

“Шримад Бхагаватам”дан насихатлар бериши.

1. Сута Госвами шундай деди: "Фаришталар орасидаги донишманд, қўлида вина асбобини ушлаб олган Нарада Муни ўрнашиб ўтириб олгандан кейин, юзида табассум билан, браҳманлар ичида буюк донишманд бўлган Вйасадевага юзланди.

Изоҳ: Нарада Мунининг юзида маайин табассум бор эди, чунки у буюк донишманд Ведавйасани яхши танир, унинг ҳафсаласи пир бўлаётганининг

сабабини яхши биларди. Кейинчалик, у бунинг сабабини тушунтиргандан сўнг маълум бўладики, Вйасадева ўзининг асарларида Худога садоқат билан хизмат қилиш илмига етарлича эътибор бермагани туфайли қалбида мамнуният ҳосил қила олмаётган эди. Нарада Муни унинг мана шу хатосини билар, Вйасадеванинг ҳозирги рухий ҳолати ҳам буни тасдиқлаб турарди.

2. Парашара Мунининг ўғли Вйасадевага мурожаат қилар экан, Нарада Муни шундай деди: "Ўзликни англашнинг мазмун-моҳияти сифатида тананг ва ақлингни "мен, ўзим" деб ҳисоблашдан мамнуният ҳосил қилдингми?"

Изоҳ: Бу ерда Нарада Муни Вйасадеванинг ҳафсаласи пир бўлиб турганига ишора қиляпти. Қудратли донишманд Парашара Мунининг фарзанди сифатида Вйасадева ижтимоий келиб чиқиши бўйича олий насабли зот бўлиб, ҳеч қачон тушкунликка тушмаслиги керак эди. Буюк отасининг буюк ўғли сифатида Вйасадева ўзини тана ва ақлига қиёсламаслиги, яъни танаси ва ақлини "мен"деб қабул қилмаслиги лозим эди. Чуқур илмга эга бўлмаган оддий одамлар танаси ёки ақлини ўзларига қиёслашлари мумкин, аммо бундай адашиш Вйасадевага тўғри келмасди. Бизнинг табиатимиз шундайки, токи моддий танамиз ва ақлимизга нисбатан илохий сифатга эга бўлган рухий ўзлигимизни англаб етмагунча биз ҳеч қачон ҳаётда ҳақиқий бахтга эриша олмаимиз.

3. Сен илм-фаннинг барча соҳаларини чуқур ўрганиб мукамал илмга эга бўлдинг. Ведавий урф-одатлар, қурбонлик маросимларнинг барча турлари батафсил тушунтирилган ажойиб асар, буюк “Маҳобҳарат” дostonини яратганингга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Изоҳ: Ҳеч қандай шубҳа йўқки, Вйасадева илми етишмагани сабабли ҳафсаласи пир бўлаётгани йўқ эди, чунки у шогирдлик даврида рухий устозидан ведавий муқаддас китобларга доир барча саволларига тўлиқ жавоб олган бўлиб, бунинг натижасида Ведалар илмини батафсил таърифлаб берадиган буюк "Маҳобҳарат" дostonини яратган эди.

4. Сен шахсиятсиз Браҳманни батафсил таърифлаб, ундан келиб чиқадиган барча илмларни тўлиқ баён қилдинг. Эй ҳукмдор, шунга қарамай, нима сабабдан ўз ишингдан кўнглинг тўлмай, бунчалик изтироб чекапсан?

Изоҳ: Вйасадева ёзган "Веданта-сутра", яъни "Браҳма-сутра" Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз Браҳман кўриниши батафил таърифланган мукамал битик бўлиб, бутун жаҳонда энг улуғвор фалсафий асар сифатида тан олинган.

"Веданта-сутра"да мангулик мавзуси илмий нуқтаи-назардан ўрганилиб, батафсил таърифланган. Шундай қилиб, Шрила Вйасадеванинг илохий илм билимдони эканига ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Шундай экан, унинг тушқунликка тушиб ўтиришининг сабаби нимада экан?

5. Шри Вйасадева шундай деди: "Мен ҳақимда айтган гапларингнинг барчаси айни ҳақиқат, лекин шунга қарамай барибир менинг кўнглим хотиржам эмас. Шу боис, нимага мен ўз ишимдан мамнун эмаслигим сабабини тушунтириб беришингни сендан илтимос қиламан. Ахир сен чексиз илмга эгасан, чунки биринчи яратилган зот(дунёвий ота-онаси бўлмаган Брахма)нинг фарзандисан.

Изоҳ: Моддий оламда ҳамма танаси ва ақлини "мен", "ўзим" деб ҳисоблаш касалига чалиниб, адашиб юрган зотлардир. Шу боис моддий оламда тарқалган ҳар қандай билим ё моддий танага, ё ақлга тааллуқли бўлади. Ҳамма одамларнинг ҳаётда мусибат чекиб, фароғат тополмай юришларининг асосий сабаби ҳам мана шунда. Ҳатто дунёвий илмларни ҳар томонлама чуқур эгаллаган инсон ҳам буни тўла англаб етиши осон эмас. Шу боис Нарада Муни сингари донишмандларга мурожаат қилиш жуда фойдали, чунки ундай инсонлар ҳар қандай ташвиш, хавотир, муаммонинг асосий сабабини аниқлай оладилар. Нимага айнан Нарада Мунига мурожаат қилиш кераклиги навбатдаги шеърда тушунтирилади.

6. Эй ҳукмдор! Сенга барча сирлар аён, чунки сен моддий оламни яратувчи ва яксон қилувчи Зотга, руҳий оламнинг манбаи, моддий табиат гуналари таъсирдан озод, илохий табиатли азалий Зот - Хуонинг Олий Шахсига сиғинасан.

Изоҳ: Худога садоқат билан хизмат қилишда бутунлай машғул бўлган киши ҳақиқий илм тимсолидир. Худога садоқат билан хизмат қилишда камолотга эришган ана шундай содиқ Худо Шахсининг барча комил фазилатларига эга бўлади. Аслида, саккиз турли сеҳр кудрати(*аишта-сиддхи*) унинг илохий бойлигининг арзимаган бир қисмини ташкил этади. Парвардигорнинг Нарада Мунига ўхшаган буюк содиқ хизматкори ўзи эришган руҳий баркамоллиги шарофати билан ҳар қандай мўъжиза кўрсатишга қодир. Ҳар қандай тирик мавжудот ана шундай юксак руҳий баркамолликка интилиб яшайди. Шри Нарада Муни - мутлақо комил тирик мавжудот, лекин ҳатто у ҳам Худо Шахсига тенг эмас.

7. Эй саҳоватли зот, сен қуёш мисоли бутун уч олам бўйлаб ҳамма жойда сайр қилиб юра оласан, ҳаво сингари ҳар кимнинг қалбига

кира оласан. Шу сифатинг билан сен барча нарсада мужассам бўлган Олий Рухга баробарсан. Шунинг учун, илтимос, менга айтчи - ҳамма қонун-қондаларга амал қилиб, барча қасамларимни бажариб илохий(руҳий) ҳаётга бутунлай ғарқ бўлганимга қарамай, мен нимага қаноат ҳосил қилолмаяпман?"

Изоҳ: Илохий онг, эзгу ишлар, Илоҳларга сиғиниш,хайр-эхсон қилиш, бошқаларга меҳр-мурувват кўрсатиш, бирор тирик мавжудотга озор бермаслик, шогирдликнинг барча қонун-қондаларига қатъий риоя қилган ҳолда муқаддас китобларни ўрганиш руҳий юксалишда ҳаммиша жуда катта фойда келтиради.

8. Шри Нарада Муни шундай деди: "Сен Худо шахсининг улуғвор ва бенуқсон шон-шуҳратини шарафлаб куйламадинг. Парвардигорнинг илохий ҳиссиётининг талабларини қондириб, Уни мамнун қилмайдиган ҳар қандай фалсафа шунчаки бегойда, бемаъни сафсата ҳисобланади.

Изоҳ: Алоҳида руҳнинг Олий Рух, Худо Шахси билан ўзаро мангу муносабатлари - мангу хизматкор билан мангу ҳукмдор орасидаги ўзаро табиий муносабатлардир. Тирик мавжудотларнинг муҳаббат билан қилган хизматларини қабул қилиш мақсадида Парвардигор Ўзини тирик мавжудотлар кўринишида кўпайтирди, шу боис фақат Худога садоқат билан хизмат қилишгина Парвардигорга ҳам, тирик мавжудотларга ҳам тўла мамнуният олиб келади. Билимдон донишманд Вйасадева Ведавий муқаддас китоблардаги илохий илмини батафсил тушунтириб берадиган жуда кўп асарлар яратган бўлиб, уларнинг ичида энг муҳими "Веданта-сутра" ҳисобланади. Аммо бу асарларнинг бирортаси бевосита Худонинг Олий Шахсини олқишлашга, Унинг шон-шуҳратини шарафлаб куйлашга бағишланмаган. Агар Парвардигорни олқишлашга бевосита алоқаси бўлмаса, ҳатто илохий табиатли Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги қуруқ фалсафий гаплар ҳам ёқимсиз, зерикарли бўлади. Худо Шахсини англаб етиш - руҳий юксалишнинг, Худони англашнинг энг юқори поғонаси ҳисобланади. Мутлақ Ҳақиқатни Худонинг Олий Шахси кўринишида англаб етиш Парвардигорнинг улуғворлигини энг олий даражада англаб етиш демақдир, бундай юксак поғонага Уни шахсиятсиз Брахман ёки ҳамма жойда мавжуд Параматма, Олий Рух кўринишида англаб етиш билан эришиб бўлмайди.

Вйасадева - "Веданта-даршана"нинг муаллифи. Гарчи у бу илохий асарнинг муаллифи бўлса ҳам, бу унга тўла мамнуният, хотиржамлик олиб келмади. Агар "Веданта-сутра"нинг муаллифининг ўзи бу асарни бевосита тушунтириб бермаса, уни ўқиган ёки тинглаган одамлар қандай қилиб ундан илохий лаззат олишлари мумкин? Шу боис

"Веданта-сутра"нинг муаллифи уни "Шримад Бхагаватам" асари билан бевосита изоҳлаб беришига зарурат туғилган эди.

9. Эй буюк донишманд, гарчи сен диний маросимлардан бошлаб тўрт рухий фаолиятнинг қонун-қоидаларини батафсил таърифлаб берган бўлсанг ҳам, сен Олий Шахс, Вйасадеванинг улуғворлигини таърифлаб бермадинг.

Изоҳ: Шри Нарада Муни Вйасадеванинг хомушлигининг сабабини дарров аниқлади: у Пураналарни ҳар томонлама таърифлаб берган бўлишига қарамай, ҳамиша Парвардигорнинг шон-шухратини шарафлаб куйлашни четлаб ўтиб юрган эди. Албатта, у Парвардигор(Шри Кришна)нинг шон-шухратини, улуғворлигини ҳам таърифлаб берган эди, лекин у бунга рухий фаолиятнинг такводорлик(*дхарма*), иқтисодий тараққиёт(*артха*), ҳиссиётни лаззатлантириш(*кама*) ва рухий озодликка эришиш(*мокша*) сингари жиҳатларига қараганда жуда кам эътибор берган эди. Рухий фаолиятнинг бу тўрт тури Худога садоқат билан хизмат қилишдан анча паст поғонада туради. Мўътабар билимдон донишманд сифатида Шри Вйасадева бу фарқни яхши биларди. Шунга қарамай, рухий фаолиятнинг ана шу энг муҳим турини алоҳида таърифламай, ўзининг нодир вақтидан самарали фойдаланмаган, шу боис ҳозир бундан кўнгли ғаш эди. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, Худога садоқат билан хизмат қилмай туриб инсон тўла мамнуният ҳосил қилиб, қалбида мустаҳкам хотиржамликка эриша олмайди. Бу ҳақда «Бхагавад-гита»да ҳам айтилган.

Диний урф-одатларга амал қилишдан бошланадиган рухий фаолиятнинг охириги поғонаси бўлган рухий озодликка эришгандан кейин инсон Худога соф садоқат билан хизмат қила бошлайди. Ана шу поғона рухий ўзликни англаш, яъни *браҳма-бхута* поғонаси деб аталади. *Браҳма-бхута* поғонасига эришгандан кейин инсон ўзида тўла мамнуният ҳосил қилади. Лекин бу мамнуният ҳали - илоҳий лаззатдан олдин келадиган шунчаки бир фароғат, осойишталик холос. Инсон рухий юксалишда давом этиши ва қалбида бу нисбий, моддий оламдаги ҳамма нарсага нисбатан бефарқ муносабатда бўлиш қобилятини ривожлантириши лозим. Боғланмасликнинг ана шу поғонасидан ўтиб, тирик мавжудот Худога соф садоқат билан хизмат қилишда мустаҳкам машғул бўлади. Парвардигорнинг Ўзи «Бхагавад-гита»да шундай деб ўргатган. Шундай қилиб, Вйасадева рухий юксалишда ўзи эришган *браҳма-бхута* поғонасини сақлаб қолиши ҳамда Парвардигорнинг илоҳий табиатини чуқурроқ англаб етиши учун Нарада Муни унга Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлини ҳар

томонлама батафсил таърифлашга киришишни маслаҳат берди. Мана шу фаолияти уни қалбидаги хомушлиқни тарқатиб юбориши лозим эди.

10. Авлиё зотларнинг айтишига қараганда, битта Ўзи бутун борлиқни поклаб, муқаддас зиёратгоҳга айлантиришга қодир бўлган ягона Парвардигорнинг улуғворлигини таърифламайдиган гаплар, қарғалар маконидаги овозлар билан баробардир. Рухий баркамолликка эришган зотлар улардан ҳеч қандай лаззат топмайдилар, чунки улар ҳамиша рухий оламда, илоҳий салтанатда яшайдилар.

Изоҳ: Қарғалар ва оққушлар - бошқа-бошқа тоифага мансуб қушлардир, чунки уларнинг ақли ҳар хил табиатга эга. Дунёвий фаолият билан машғул бўлиб юрган, яъни эҳтирос гунаси остида юрган одамларни қарғаларга қиёслаш мумкин. Ҳар томонлама баркамолликка эришган инсонларни эса - оққушларга ўхшатадилар. Худди шахвоний эҳтирос домига тушиб қолган одамлар ҳиссиётининг, сезгиларининг қули бўлиб, арок ичишдан, аёллар билан бирга бўлишдан лаззатланадиган, кўпол лаззатлар таклиф қилинадиган жойларга борадиган бетайин одамлар сингари, қарғалар ҳам ахлат ва чиқиндилар тўпланган жойларни титкилашдан лаззат оладилар. Оққушларни қарғаларнинг ҳар хил йиғинлар, мажлислар ўтказадиган жойлари умуман қизиқтирмайди. Оққушларни фақат сув ҳавзаларининг юзида ҳар хил нилуфар гуллари ўсиб ётган, табиий гўзаллик муҳити сақланиб қолган хушманзара, покиза жойларда учратиш мумкин. Икки тоифага мансуб бўлган бу қушлар орасидаги фарқ шундан иборат.

Табиат тирик мавжудотларга ҳар хил фикрлаш қобилятига эга бўлган турли ҳаёт шаклларини, турли таналарни ато этади, шундай экан, ҳамма тирик мавжудотга бир хил ўлчов билан баҳо бериб бўлмайди.

Шунга ўхшаб, ҳар хил фикрлаш қобилятига эга бўлган одамлар учун мўлжалланган турли адабиётлар бор. Қарғаларга ўхшаган нопок одамларни ўзига жалб этадиган оммабоп дунёвий адабиётлар асосан ҳиссиётлар билан боғлиқ бўлган мавзуларнинг сасиган ташландикларидан иборат. Одатда уларнинг мавзуси кўпол тана ва нафис ақл билан боғлиқ бўлган дунёвий уруш-жанжаллар, ҳар хил можаролардан иборат. Ана шу мавзулар чиройли, жимжимадор сўзлар билан, кўплаган ўхшатиш ва метафоралар ёрдамида баён этилади. Лекин уларда Парвардигорни олқишлайдиган гаплар учрамайди. Бундай шеърият ва насрий асарлар - улар қайси бир дунёвий мавзуни ёритган бўлмасин - ўлик мурдани безаш ҳисобланади. Оққушлардай пок, рухий баркамолликка эришган зотлар ана шундай ўлик адабиётлардан ҳеч қандай мамнуният

топмайдилар. Бундай ўлик бадий асарлар фақат ўзлари ҳам руҳий жиҳатдан ўлик бўлган одамларга лаззат келтиради. Эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсири остида ёзилган бундай адабиётлар ҳозир ҳар хил атама, никоблар остида одамлар орасида кенг тарқатилляпти, лекин улар одамларнинг руҳий эҳтиёжларини кондира олмайди. Шу боис, руҳий жиҳатдан анча юксалган, оккушлар сингари қалби пок кишилар бундай адабиётлар билан умуман қизиқмайдилар. Руҳий жиҳатдан анча юксалган ана шундай инсонларни *манаса* деб атайдилар, чунки улар ўз ихтиёри билан ҳамиша руҳий поғонада Худога садоқат билан хизмат қилишни қўллаб-қувватлаб юрадилар. Бу эса, қўпол моддий тананинг ҳиссиётини лаззатлантирадиган ҳар қандай дунёвий фаолиятни ва ҳасис моддий ақлнинг ҳар хил нафис фикрлашларини бутунлай инкор этади.

Дунёвий моддий ҳиссий лаззатларни ривожлантираётган ёзувчилар, олимлар, дунёвий шоирлар, файласуфлар ва сиёсатчилар - шунчаки моддий қувватнинг қўлида ўйнаётган қўғирчоқлардир. Уларга таъқиқланган мавзуларнинг ахлатхоналарини титкилаш лаззат бағишлайди. Шридхара Свамнинг гапларига караганда, бундай лаззатлар фақат фоҳиша аёлларни овлашга қизиқадиган одамларни қизиқтиради.

Аммо, инсон ҳаётининг, унинг фаолиятининг мазмун-моҳиятини англаб етган парамахамсалар фақат Парвардигорнинг шон-шуҳрати ҳақида ҳикоя қиладиган асарлардан лаззат оладилар.

11. Аммо, ҳар жиҳатдан чексиз буюк Парвардигорнинг муқаддас номлари, шон-шуҳрати, қиёфалари ва эрмакларининг илоҳий улуғворлигини таърифлаб берадиган ҳикоялардан иборат бўлган асар улардан бутунлай фарқ қилади. Бундай асарлар адашган инсониятнинг ғафлат ботгоғига ботган ҳаётида кескин бурилиш яшаш учун мўлжалланган илоҳий сўзлардан таркиб топган. Бундай илоҳий асарларни, ҳатто улар шаклан мукамал бўлмаса ҳам, қалби беғубор пок, виждонли, иймонли кишилар жон деб тинглайдилар, олқишлайдилар ва қабул қиладилар.

Изоҳ: Ҳатто энг ёмон жойдан ҳам бирор яхши нарса топа билиш - буюк мутафаккир, донишмандларга хос бўлган фазилатдир. Халқ орасида шундай гап бор: "Фаросатли донишманд ҳатто захар солинган идишдан ҳам шарбат ича билиши, нопок жойда ётган олтинни ола билиши, ҳатто паст табақадан чиққан бўлишига карамай оқила, муносиб аёлга уйланиши, руҳий устози ҳатто ҳароми одамлар орасидан чиққан бўлса ҳам, ундан илм ўргана олиши лозим". Мана шу одоб-ахлоқ қоидалари ҳаммага баробар тегишлидир. Аммо, тақводор авлиё инсон бошқа оддий

одамлардан анча устун туради. У ҳамиша Парвардигорни олқишлаб куйлаш билан банд, чунки Парвардигорнинг шон-шуҳратини ва муқаддас номини кенг тарқатиш шарофати билан жаҳоннинг моддийлик иллоти билан булганган муҳити покланади, "Шримад Бхагаватам" сингари илоҳий адабиётларни тарқатиш натижасида эса, одамларнинг бир-бирига бўлган ўзаро муносабатлари ижобий томонга ўзгара бошлайди. Ҳозир, мана шу шеърга изоҳ ёзилиб турган пайтда, биз икки халқ орасида ўзаро муносабатлар боши берк кўчага кириб қолганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бизнинг жанговор кайфият домига тушиб қолган ҳурматли қўшнимиз Хитой давлати ҳеч қандай асосиз равишда Ҳиндистон чегараларига босқинчилик қилган. Аслида бизнинг халқаро сиёсат билан мутлақо ишимиз йўқ, лекин биламизки, Хитой билан Ҳиндистон халқи неча минг йиллардан бери бир-бирига ҳеч қандай душманлик қилмасдан тинч-тотув яшаб келган. Гап шундаки, авваллари ҳамма халқлар Худонинг ҳукмига бўйсуниб яшаганлар, одамлар Худодан қўрқадиган, тақводор, содда, қалби пок бўлиб, ўзаро муносабатларида сиёсий маккорликка мутлақо ўрин йўқ эди. Ҳиндистон билан Хитой орасида, ҳатто дехқончилик учун унчалик қулай бўлмаган ер майдонлари учун ҳам ҳеч қандай ўзаро келишмовчиликнинг ҳам, шундай ер майдонлари устида бир-бири билан урушишнинг ҳам ҳожати йўқ. Лекин, шунга карамай, аввал эслатиб ўтганимиздай, уруш-жанжаллар даври бўлган Кали-йуганинг салбий таъсири остида, арзимаган сабабларга кўра ҳам одамларнинг ўзаро муносабатларида бир-бирига душманлик юзага келади. Бу ерда муаммо ўзаро душманликни келтириб чиқарадиган баҳонада эмас, - ҳозирги одамлар яшаётган Кали-йуга даврининг муҳити, табиати шундай: одамларнинг маълум бир қисми мунтазам равишда одамлар орасида Худонинг муқаддас номларини, Парвардигорнинг улуғворлигини олқишлаб куйлашни тарк этишни кенг тарғибот қиляптилар. Шунинг учун бутун жаҳон бўйлаб "Шримад Бхагаватам" таълимотини кенг тарғибот қилишни йўлга қўйиш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоси ҳисобланади. Маъсулият ҳис қиладиган ҳар бир ҳиндистонликнинг бурчи - "Шримад Бхагаватам"нинг илоҳий хабарини бутун жаҳонга тарқатишдан, шу билан одамларга чексиз бахт-саодат келтириб, улар орзиқиб кутаётган мустаҳкам тинчликка эришиш йўлини кўрсатишдан иборат. Лекин, мана шу муҳим ишга эътиборсизлик билан қараб, Ҳиндистон ўзининг муқаддас бурчини эсидан чиқариб қўйган; шунинг учун жаҳон халқлари орасида ўзаро душманлик ва жанжаллар адо бўлмаяпти. Ишончимиз комилки, агар "Шримад Бхагаватам" хабарини жамиятнинг фақат энг буюк шахслари қабул қилсалар ҳам, уларнинг қалби албатта ижобий томонга ўзгаради, оддий одамлар эса, албатта уларга эргашадилар.

Оддий халқ оммаси - ҳозирги сиёсатчи ва раҳбарлар кўлидаги куролдир. Ҳатто, фақат халқ раҳбарларининг қалблари ижобий томонга ўзгаришининг ўзи ҳам бутун жаҳондаги ижтимоий муҳитнинг кескин ўзгаришига олиб келади. Бу буюк асар бизга, инсонлар қалбида Худонинг онгини қайта тиклаш ва бутун жаҳон ижтимоий муҳитини руҳий поғонага кўтариш мақсадида Парвардигорнинг илоҳий хабарини олиб келган. Мана шу буюк асарни одамларга пок виждон билан самимий тақдим этишга астойдил уринар эканмиз, биз жуда кўп қийинчиликларга дуч келишимизни яхши биламиз. Ўз-ўзидан маълумки, биз бу асарнинг мазмунини мукамал равишда аниқ тушунтириб бера олмаймиз, бунинг устига инглиз тили ҳам бизнинг она тилимиз эмас, шунинг учун, биз қанча ҳаракат қилсак ҳам, барибир бизнинг таржимамаизнинг нуқсонлари кўп бўлиши мумкин. Лекин, ишончимиз комилки, бундай нуқсонлар одамларнинг бу илоҳий асарнинг мазмуни қанчалик жиддий эканини англаб етишларига халақит бермайди, жамиятнинг йўлбошчилари эса, ҳар нарсага қодир Парвардигорни олқишлашга самимий интилаётганимизни кўриб уни албатта қабул қиладилар. Агар уйга ёнғин кетса, унда яшайдиган одамлар, ҳатто кўшнилари бошқа тилда гапирадиган бўлишларига қарамай, ёрдам сўраб кўшни уйларда яшайдиган одамлар олдида чопадилар. Ҳатто кўшнилари қайси тилда гапиришларини билмай туриб ҳам, уйга ёнғин кетган одамлар улардан нима истаётганини уларга тушунтира оладилар, кўшнилари ҳам тили бошқа бўлишига қарамай, уларнинг гапларини дарров тушуниб оладилар. Жаҳолат ботқоғига ботган ҳозирги жаҳон муҳитида ҳам, "Шримад Бхагаватам"нинг илоҳий хабарини одамлар орасида кенг тарқатиш учун худди шундай ҳамкорлик керак. Охир-оқибатда бу илм - руҳий кадриятларни эгаллаш йўллари ҳақидаги илмдир, шу боис бизни асарнинг тили эмас, балки кўпроқ унинг мазмуни, амалий кўрсатмалари қизиқтиради. Агар бутун жаҳон халқлари мана шу буюк асарнинг методологиясини тушуниб етсалар, уларнинг ҳаётда албатта муваффақият қозониши қафолатланади.

Бутун жаҳондаги одамларнинг ҳаммаси моддий фаолиятга бутунлай ғарқ бўлиб кетган бўлса, айрим одамлар ва халқлар арзимаган нарсалар устида жанжаллашиб бир-бирига уруш эълон қилишининг ҳеч қандай ажабланарли жойи йўқ. Ҳозир биз яшаб турган Кали-йуга, ўзаро душманлик даврининг ўзига хос хусусиятлари шундай. Бу даврдаги ижтимоий муҳит ҳар хил нуқсонлар, иллатлар билан заҳарланиб бўлган, буни ҳамма яхши билади. Бутун жаҳон ҳиссий лаззатларнинг моддий, дунёвий кўринишларига тўла бадий адабиётлар билан тўлиб кетган. Жуда кўп мамлакатларда номуносиб адабиётларни аниқлаш ва уларни таъқиқлаш учун мўлжалланган,

давлат томонидан ваколат берилган махсус ташкилотлар бор. Бу шундан далолат берадики, ҳукумат ҳам, халқ олдида маъсулият ҳис қиладиган жамиятнинг бирорта раҳбари ҳам бундай бемаъни адабиётларни халққа керак деб ҳисобламайди. Шунга қарамай, барибир бемаъни, ахлоқсиз адабиётлар пештахталарда учраб туради, чунки ғофил одамлар ўз ҳиссиётини лаззатлантириш учун уларни ўқишни истайдилар. Кўпчилик одамлар ўзларида китоб ўқишга эҳтиёж сезадилар, бу инсоннинг табиатида хос бўлган табиий интилиш, аммо ақли булганган бўлгани сабабли улар шундай бемаъни адабиётларни ўқишни ёқтирадилар. Ана шундай вазиятда "Шримад Бхагаватам" сингари илоҳий адабиётлар одамларнинг бузилган ақлининг бемаъни фаолиятини чеклабгина қолмасдан, уларнинг китоб ўқишга бўлган эҳтиёжини ҳам тўла қондиради. Балки, худди сарик касалига чалинган одамга ҳатто ширинлик ҳам ёқмагани сингари, "Шримад Бхагаватам"ни ўқиш ҳам аввалига уларга унчалик ёқмаслиги мумкин. Аммо, шуни яхши билиб олиш лозимки, ширинлик - сарик касалинининг ягона даъвоси ҳисобланади. Шундай қилиб, одамларнинг ҳиссий лаззатланиш касалига, худди сарик касалига ширинликдай даъво бўладиган "Шримад Бхагаватам" ва «Бхагавад-гита» асарларини бутун жаҳон халқлари орасида мунтазам равишда изчиллик билан кенг тарғибот қилиш ва оммалаштириш лозим. Одамларнинг қалбида мана шундай илоҳий адабиётларга қизиқиш уйғонганида, жамият онгини заҳарлаб келаётган бошқа адабиётлар ўзидан-ўзи пештахталардан ғойиб бўлади.

Шунинг учун биз аминмизки, нашр қилинаётган бу асарнинг анча нуқсонлари бўлса ҳам, "Шримад Бхагаватам"нинг дунёга келишини бутун инсоният олқишлар билан кутиб олади, чунки буни Шри Нарада Муни тавсия қилган. Нарада Мунининг дунёга қандай келиши ҳақида китобнинг мана шу бобида ҳикоя қилинади.

12. Агар таркибида Бегунох Зот, Парвардигор ҳақида тушунчалар берилмаган бўлса, ўзликни англаш ҳақидаги таълимот, ҳатто таркибида дунёвий, моддий нарсалар ҳақида ҳеч нарса бўлмаса ҳам, кишини ўзига жалб қилмайди. Шундай экан, агар оқибат-натижада Худога хизмат қилиш билан боғлиқ бўлмаса, асл табиатига кўра ўткинчи ва бошдан-оёқ азоб-уқубатга тўла бўлган дунёвий(кармали) фаолиятнинг нима кераги бор?

Изоҳ: Бу ерда таркибида Парвардигорни илоҳий ҳамду-санолар билан олқишлаш таърифланмаган оддий адабиёт эмас, ҳатто таркибида Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақидаги хабарлар бўлмаган ведавий адабиётлар ҳам, шахсиятсиз Брахман ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳам қораланади. Шундай экан, ҳатто шахсиятсиз

Брахман ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳам кораланадиган бўлса, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг олий мақсадига эришишга қаратилмаган оддий, кармали дунёвий фаолият ҳақида нима дейин мумкин? Ана шундай бемаъни билим ва кармали фаолият ҳеч қачон инсонни олий мақсадга - руҳий баркамолликка эриштира олмайди. Деярли одамларнинг ҳаммаси машғул бўлиб юрган кармали фаолият ё аввал бошида, ё охирида ҳар хил мусибатларга олиб келади. Бундай фаолият фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида амалга оширилсагина яхши натижалар бериши мумкин. «Бхагавад-гита»да ҳам айтилганки, ана шундай кармали фаолиятнинг натижаларини Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида ишлатиш лозим, акс ҳолда бундай фаолият инсоннинг моддий оламда тутқун бўлиб қолишига олиб келади. Ҳар қандай кармали фаолиятнинг натижаси билан ҳақиқий лаззатланадиган Зот - Худонинг Олий Шахсидир, шунинг учун тирик мавжудотлар кармали фаолият натижаларидан ўз хиссиётини лаззатлантириш учун фойдалана бошласалар, бу улар учун катта кийинчиликлар манбаига айланади.

13. Эй Вйасадева, сен ҳаёт ҳақида мукамал дунёқарашга эгасан, эзгу шон-шухратинг бенуксон, ўзинг ростгўй ва қасамларингга қатъий риоя қилиб яшайсан! Шунинг учун сен, оддий инсонларни моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқариш учун Худо Шахсининг илоҳий эрмаклари ҳақида чуқур муроқабага берилиб, уларни батафсил таърифлаб беришга қодирсан.

Изоҳ: Китоб ўқишга бўлган мойилликни инсонлар қалбига табиатнинг ўзи ато этиб қўйган. Улар ўзларига номаълум бўлган нарсалар ҳақида ишонарли манбалардан билиб ёки ўқиб олишга ҳаракат қиладилар. Аммо, одамлардаги ўқишга бўлган ана шу мойилликни хиссий лаззатланиш мавзулари муҳокама қилинадиган бемаъни дунёвий асарларнинг муаллифлари кўпол равишда суистеъмол қиладилар. Бундай адабиётларга ҳар хил дунёвий шеърят ҳамда турли даражада *майя* таъсирига берилган ва охир-оқибатда хиссий лаззат олишга қаратилган турли фикр-мулоҳазалар қиради. Мутлақо бемаъни, ҳеч қандай маъносиз бўлишига қарамай, бундай адабиётлар онги яхши ривожланмаган одамларнинг диққатини ўзига жалб қилиш мақсадида чиройли қилиб безатилади. Уларга маҳлиё бўлиб қолган тирик мавжудотлар моддий олам ришталари билан тобора қаттиқроқ боғланиб қоладилар ва натижада минг-минглаган умрлар давомида руҳий озодликка чиқишдан маҳрум бўладилар. Вайшнавларнинг аълоси бўлган Шри Нарада Риши ана шундай бемаъни адабиётларнинг бахтиқаро қурбонларига ачинганидан Шри Вйасадевага илоҳий асарлар яратишни тавсия қилади. Бундай илоҳий асарлар

одамларни ўзига жалб қилибгина қолмасдан, ҳақиқатан ҳам уларни ҳар қандай тутқунликдан руҳий озодликка чиқаришга қодир бўлиши лозим. Руҳий ўзлигини англаб етган зотлар бўлгани туфайли, Шрила Вйасадева ёки унинг вакилларининг ниятлари ҳам, фикрлари ҳам пок; Худога садоқат билан хизмат қилиб юргани сабабли улар ўз қасамларида қатъий турадилар ва моддий фаолият ботқоғига ботган ғофил, адашган одамларни руҳий озодликка чиқаришга қатъий қарор қилганлар. Адашган руҳлар ҳар куни сабрсизлик билан қандайдир янги хабарларни кутиб юрадилар, Вйасадева ва Нарада Муни сингари илоҳий зотлар уларнинг ана шу эҳтиёжларини руҳий оламдан келадиган адо бўлмас янгиликлар билан қондиришга қодир бўлган зотлардир. «Бхагавад-гита»да айтилганки, моддий олам бутун борлиқнинг бир қисми, холос, Ер шари эса - моддий оламнинг арзимас бир заррачасидир.

Бутун жаҳонда минг-минглаган ёзувчилар бор, асрлар давомида улар ҳар турли хабарларга тўла минглаган адабий асарларни яратганлар. Аммо, минг афсуски, ана шу муаллифларнинг бирортаси Ер юзига на тинчлик, на хотиржамлик олиб кела олмаганлар. Бу уларнинг асарларининг бемаънилиги, руҳий сифатларга эга эмаслиги оқибатидир. Шу боис, бу дунёда изтироб чекиб ётган инсоният учун ведавий адабиётлар, айниқса «Бхагавад-гита» ва "Шримад Бхагаватам" нозил қилинган, чунки фақат ана шу адабиётлар инсониятни одамларнинг ҳаёт кучини ютиб юбораётган дунёвий фаолият, моддий тараккиёт келтираётган барча мусибатлардан халос этишга қодир. «Бхагавад-гита» - Парвардигорнинг шахсан Ўзи айтган, Вйасадева ёзиб олган илоҳий хабар, "Шримад Бхагаватам" эса, ана шу Парвардигор Кришнанинг кароматлари ҳақида ҳикоя қилувчи илоҳий асар бўлиб, унинг битта ўзиёқ тирик мавжудотнинг мангу тинчликка ва барча мусибатлардан озодликка чиқишга бўлган барча интилишларини тўла қаноатлантира олади. Шундай қилиб, "Шримад Бхагаватам" моддий оламдаги барча тирик мавжудотларни моддий тутқунликнинг ҳар қандай кўринишидан бутунлай озодликка чиқаришга мўлжалланган асардир. Парвардигорнинг илоҳий кароматларини фақат Вйасадева ва унинг ҳақиқий вакиллари сингари Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга ғарқ бўлган буюк зотларгина таърифлай оладилар. Илоҳий хизматлари шарофати билан фақат ана шундай содиқларгагина Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари ва ана шу эрмакларнинг илоҳий табиати ўзидан-ўзи очилади. Ҳатто минглаган йиллар давомида чуқур мулоҳазаларга берилса ҳам, бошқа ҳеч ким Парвардигорнинг илоҳий кароматларини на англай олишга, на таърифлай олишга қодир бўлолмайди. "Шримад Бхагаватам"да келтирилган ҳикоялар шу қадар бенуксон аниқки, беш минг йил аввал ёзилган

мана шу буюк асарда кўрсатилган барча башоратлар кўз олдимизда амалга ошяпти. Демак, муаллиф ўзининг илохий назари билан бутун ўтмиш, ҳозир ва келажакни қамраб олган. Вйасадева сингари рухий озодликка эришган зотлар фақатгина мукаммал дунёқараш ва донишмандликка эга бўлиб қолмасдан, тинглаш, фикрлаш ва ҳис қилиш сингари мукаммал қобилиятларга ҳам эга. Рухий озодликка эришган шахс мукаммал ҳис-туйғуларга эга бўлади, ҳиссиётлар ҳукмдори Хришикешага, Шри Кришнага, Худонинг Олий Шахсига фақат ана шундай мукаммал сезгилар ёрдамида хизмат қилиш мумкин. Шундай қилиб, "Шримад Бхагаватам" - Ведалар илмини ёзган мукаммал шахснинг бевосита ўзи Шрила Вйасадева ёзиб қолдирган, мукаммал Худонинг Олий Шахсини мукаммал таърифлаб берадиган мукаммал илохий асардир.

14. Сен таърифлашга уринаётган, Парвардигордан ажралгандай бўлиб кўринаётган, ҳар-хил қиёфалари, номлари ва оқибатлари бўлган нарсаларнинг барчаси, худди бўш қолган қайиқни шамол чайқатгани сингари, шунчаки инсоннинг ақлини чалғитади, холос.

Изоҳ: Шри Вйасадева барча ведавий муқаддас китобларни таҳрир қилган ва шу тариқа рухий ўзликни англашнинг ҳар хил йўллари таърифлаб берган: кармали фаолият, фикр-мулоҳаза юритиш, сеҳр қудратига эга бўлиш ва Худога садоқат билан хизмат қилиш йўллари. Бундан ташқари, ҳар хил Пураналарда у турли ном ва қиёфаларга эга бўлган фаришталарга сиғинишни тавсия қилган. Натижада, одамлар Худога садоқат билан хизмат қилишда ақлини қандай мужассам қилишни билмасдан бутунлай чалкашиб кетдилар. Ўзликнинг англашнинг, рухий баркамолликка эришишнинг ҳақиқий йўлини топиш жуда қийин бўлиб кетди. Шрила Нарада Муни Вйасадеванинг ёзган Ведавий муқаддас китобларидаги мана шу камчиликларни кўрсатиб берди ва унга ҳамма нарсани фақат ягона Парвардигор билан боғлиқ ҳолда таърифлаш лозим, деб кўрсатма берди. Аслида ягона Парвардигордан бошқа бирор нарса йўқ. Ягона Парвардигор ҳар хил кўринишларда ўзини намоён этади. У - бутун борлиқ дарахтининг илдизи. У - танадаги ошқозон. Дарахтни озиклантириш учун унинг илдизига сув қуйиш лозим, ошқозонни овқат билан тўйдириш орқали биз бутун танга куч-қувват берамиз. Шу боис Шрила Вйасадева "Шримад Бхагаватам"дан бошқа Пураналарни ёзиб юришининг ҳожати йўқ эди, чунки ҳатто бу йўлдан озгина адашиш ҳам инсоннинг рухий ўзлигини англаб етиш йўлида жуда катта салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Агар ҳатто озгина адашиш ҳам ана шундай яксон қилувчи

қудратга эга бўлса, онгли равишда Мутлак Ҳақиқатга, Худо Шахсига умуман алоқаси бўлмаган ғояларни тарқатишнинг қанчалик зарарли экани ҳақида нима дейиш мумкин!? Фаришталарга сиғинишнинг энг ёмон томони шундаки, бунинг натижасида инсонда ҳаёт ҳақида кўпхудоликка асосланган нотўғри тасаввурлар юзага келади, бу эса ўз навбатида жуда ачинарли оқибатларга олиб келади: жамиятда ҳар хил диний оқим(секта)лар пайдо бўлади. Бу эса ўз навбатида, жамиятда инсонга рухий ўзлигини, Парвардигорни англаш, Худога садоқат ва илохий муҳаббат билан хизмат қилиш орқали Парвардигор билан ўзаро мангу муносабатларини англаб олишнинг ягона тўғри йўлини кўрсатишга қодир бўлган ягона муқаддас китоб "Шримад Бхагаватам" қонун-қоидаларини мустаҳкам ўрнатишга тўсқинлик қилади. Бунга шамол истаган томонга оқизиб кетадиган қайиқ яққол мисол бўла олади. Кўп Худо(фаришта)ларга сиғиниб юрган пантеистнинг тарқоқ ақли рухий баркамолликка эришишга қодир эмас, чунки ҳар хил мақсадларга интилиб, унинг ақли ҳамшиша безовта бўлиб юради.

15. Аслида, лаззатланишга интилиш туйғуси одамларнинг қонида азалда табиий равишда бор нарса, сен эса, дин ниқоби остида уларнинг ана шу интилиш туйғусини қўллаб-қувватлаяпсан. Бу - номаъқул, мантиққа зид бўлган бемаъни иш. Сенинг насиҳатларингга асосланиб, улар дин ниқоби остида ҳиссий лаззатларга берилиб кетадилар ва тез орада барча таъқиқланган нарсаларни умуман эсан чиқариб юборадилар.

Изоҳ: Бу ерда Шрила Нарада Муни муқаддас китобларни ёзишда, "Маҳобҳорат" ва бошқа асарларда ёзилганидай, Худонинг қонун-қоидалари асосида кармали фаолият билан шуғулланишни асос қилиб олгани учун Шрила Вйасадевани танқид қиляпти. Жуда кўп умрлар давомида моддий олам билан аралашиб юргани сабабли одамларнинг моддий қувват устидан ҳукмронлик қилишга интилиши табиий ҳол. Инсон бўлиб яшаш уларга қанчалик катта маъсулият юклашини одамлар тушунмайдилар. Инсон танаси тирик мавжудотга алдамчи моддий қувват чангалидан халос бўлиш имконини беради. Ведалар илми инсонларга ўзларининг ҳақиқий уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб кетиш йўлини кўрсатиш учун мўлжалланган. Тирик мавжудотнинг 8.400.000 ҳаёт туридан иборат туғилиб-ўлишлар чархпалагида айланиб юриш - жазога маҳкум этилган шартланган руҳларнинг қамоқда ўтказаётган ҳаётидир. Инсон ҳаёти тирик мавжудотга ана шу қамоқ жазосидан қутулиш учун имкон беради, шу боис инсоннинг ҳаётда қиладиган ягона иши ўзининг Худо Шахси билан ўзаро муносабатларини қайта тиклаб олиш

бўлиши лозим. Шундай экан, одамларнинг дин, рухий фаолият, диний маросимлар никоби остида ўз хиссиётининг талабларини қондиришларини ҳеч қачон қўллаб қувватламаслик керак. Агар инсоннинг ҳаётий кучи шу йўл билан нотўғри ишларга сарфланадиган бўлса, бу бутун инсониятни ҳақиқат йўлидан адаштириб юборади. Шрила Вйасадева "Маҳобҳорат" ва бошқа асарларда Ведалар илмини ишонарли равишда таърифлаб берган, унинг қайсидир кўринишда хиссий лаззатланишни қўллаб-қувватлаши инсоннинг рухий юксалиши йўлида жуда катта тўсиқ бўлади, чунки одамларнинг аксарият кўпчилиги, ўзларининг моддий оламда тутқун бўлиб юришига сабабчи бўлиб турган моддий фаолиятни тарк этишга рози бўлмайдилар. Инсониятнинг маънавий тараққиётининг маълум бир босқичида, дин никоби остида амалга ошириладиган ана шундай моддий фаолият жамиятда жуда кенг тарқалиб кетганида, Парвардигорнинг Ўзи Будда қиёфасида келиб, одамларнинг дин никоби остида ҳайвонларни ўлдириб, қурбонлик маросимларини ўтказишларига чек қўйиш мақсадида Ведавий муқаддас китобларни бутунлай инкор қилди. Нарада Муни буни олдиндан кўра билган эди, шу боис бундай асарларни қоралаган эди. Ҳайвон гўштини ейишни яхши кўрадиган одамлар ҳали ҳозиргача қайсидир фариштага ҳайвонларни сўйиб қурбонлик қилиб, ўзларича буни "диний маросим" деб ҳисоблайдилар, чунки баъзи бир ведавий муқаддас китобларда ана шундай қурбонлик маросимлари тавсия қилинган. Аслида бундай тавсиялар одамларнинг ҳайвон гўштини ейишга бўлган интилишини чеклаб қўйиш мақсадида берилган, аммо вақт ўтиши билан бу қурбонлик маросимларидан мақсад аслида нима эканини одамлар бутунлай унутиб юборадилар, натижада кушхоналар, қассоблар тобора кўпайиб бораверади. Жамиятда бундай ҳолат юзага келишининг асосий сабаби шундан иборатки, иймонсиз материалист одамлар ведавий қурбонлик маросимларининг асл мазмун-моҳияти нимадан иборат эканини тўғри тушунтириб беришга қодир бўлган одамларнинг гапларига кулоқ солишни истамайдилар.

Ведаларда аниқ айтилганки, на фаол моддий фаолият, на катта мол-дунё тўплаш, на кўплаган фарзандларга эга бўлиш инсон ҳаётини муқаммал даражага етказа олмайди. Инсон ҳаётини фақат таркидунёлик муқаммал қила олади. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган иймонсиз одамлар бундай кўрсатмаларни инкор этадилар. Уларнинг фикрига кўра, таркидунёлик қилиб яшаш - қандайдир жисмоний нуқсон бўлгани сабабли ўзини-ўзи боқа олмайдиган ёки оилавий ҳаётда омади келмаган кишиларнинг қиладиган иши ҳисобланади.

Албатта, "Маҳобҳорат" сингари тарихий асарларда, дунёвий масалалар билан биргаликда

илоҳий мавзулар ҳам муҳокама қилинади. "Маҳобҳорат"нинг таркибига «Бхагавад-гита» киритилган. "Маҳобҳорат" асарининг ғояси унинг таркибидаги «Бхагавад-гита»нинг якуний кўрсатмасида энг юқори поғонага кўтарилади, унда шундай дейилган: "Ҳар қандай динларни тарк эт ва ўз ихтиёрингни Парвардигор Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига топшир!"

Аммо, ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган одамларни «Бхагавад-гита»даги энг муҳим кўрсатма эмас, балки "Маҳобҳорат"да кўрсатилган сиёсат, иқтисодий тараққиётга олиб келадиган моддий фаолият, инсонпарварлик, дунёвий эзгулик ғоялари кўпроқ қизиқтиради. Бу ерда Нарада Муни, ана шундай ёнбосишга йўл қўйгани учун Вйасадевани очикдан-очик танқид қиляпти ва инсон энг аввало ўзининг Парвардигор билан ўзаро муносабатларини тушуниб олиши ва ҳеч иккиланмасдан Худога ўз ихтиёрини топшириши лозимлигини унга очик айтиш кераклигини маслаҳат берапти.

Қандайдир касаллик дастидан азоб чекаётган киши деярли ҳамиша ана шу касалликни кучайтирадиган овқатни кўпроқ ёқтирадиган бўлади. Тажрибали табиб ҳеч қачон беморнинг бундай истагига ёнбосмайди - беморга унинг касалини кучайтирадиган овқатдан озгина бўлса ҳам тотиб кўришига руҳсат бермайди. «Бхагавад-гита»да ҳам айтилганки, кармали фаолиятга қаттиқ боғланиб қолган кишини бундай фаолиятни тарк этишга мажбур қилишнинг ҳожати йўқ, чунки у ҳам аста-секин рухий ўзлигини англаб етиши мумкин. Бундай муносабат баъзан қуруқ фалсафий изланишларга берилиб юрган ва рухий ўзлигини англашга интилмайдиган одамларга ҳам тааллуқли бўлади. Лекин, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирган одамларга бундай муносабат ҳамиша ҳам тавсия қилинавермайди.

16. Олий Худо Шахси чексиз, бениҳоя. Дунёвий бахт-саодатга эришиш мақсадида бажариладиган ҳар қандай фаолиятни тарк этган кишигина рухий кадриятлар ҳақидаги илоҳий илми эгаллашга муносиб бўла олади. Шунинг учун, эй саховатли зот, сен, Олий Худо Шахсининг илоҳий фаолиятини таърифлашинг, айни пайтда, моддий тутқунликда юргани туфайли бу дунёда мусибат чекиб юрган одамларга рухий ўзлигини англашнинг илоҳий йўлини кўрсатиб беришинг керак.

Изоҳ: Теология - жуда қийин, айниқса Парвардигорнинг илоҳий табиати ҳақидаги жуда мураккаб фан ҳисобланади. Бу - моддий фаолиятга қаттиқ боғланиб қолган одамлар тушуна оладиган оддий фанлардан эмас. Бу буюк, улуғвор фанни ўрганиш фақат энг зукко, билимдон, рухий юксалиш йўлида моддий фаолиятни деярли бутунлай тарк этган одамларгагина руҳсат

берилади. «Бхагавад-гита»да аниқ-равшан айтилганки, бу илоҳий илмни юзлаб-минглаб одамлар орасидан фақат биргина киши англай олади, илоҳий илми англаб етган минглаган одамлар орасидан эса, биргина одам Худони Шахсифатида таърифлаб берадиган юксак илмни тушунишга қодир бўлади. Шу боис Нарада Муни Вйасадевага Парвардигорнинг илоҳий кароматларини бевосита таърифлаш билан одамларга Худо ҳақидаги буюк илмни баён қилишни маслаҳат берапти. Вйасадеванинг ўзи бу илмни тўлиқ эгаллаб олган ва моддий лаззатларга умуман боғланмаган. Демак, у айнан бундай илмни баён қилишга қодир бўлган, Вйасадеванинг ўғли Шукадева Госвами эса, - бу илмни қабул қилишга қодир бўлган зот ҳисобланади. "Шримад Бхагаватам" - теология фанининг юнг юкори поғонаси, шу боис бу асар дунёвий одамларга худди кучли дори-дармондай таъсир қилади. Унда Парвардигорнинг илоҳий кароматлари ҳақида ҳикоя қилинган, шу боис бу асар билан Парвардигорнинг Ўзи орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Бу асар - Парвардигорнинг ҳақиқий адабий-бадий тимсолидир. Бу асар орқали дунёвий одамлар Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари ҳақида хабар топиши, шу тариқа Худо билан боғланиб, аста-секин барча моддий мусибатлардан халос бўлишлари, моддий касалликлардан даволанишлари мумкин. Тажрибали содиқлар иймонсиз одамларни Худога ишонтириш йўлида, замон, макон ва шароит талабларига мос равишда ҳар хил янги йўллар ўйлаб топишлари, турли воситалар кашф қилишлари мумкин. Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёни - ҳаммиша ривожланиб, тараққийлашиб борадиган фаолият, тажрибали содиқлар эса, уни иймонсиз дунёвий одамларнинг булганган, ўтмас ақлларига сингдириш йўлида ҳар хил самарали усулларни ўйлаб топишга қодир бўлган зотлардир. Шу тариқа содиқларнинг Худога садоқат билан хизмат қилишдаги илоҳий фаолияти иймонсиз нодон инсонлар жамиятидаги турмуш тарзининг кийёфасини бутунлай ўзгартириб юбора олади. Парвардигор Шри Чаитанья Махапрабху ва Унинг издошлари бу борада ўзларининг ғайритабiiй топқирлигини намойиш этдилар. Улардан ўрнак олиб, ўзаро душманлик даври бўлган, ҳозир биз яшаётган Кали-йуга даврининг иймонсиз одамлари ҳам ҳаётда ўзаро тинч-тотув яшаб, рухий ўзлигини англаш йўлидан бора олишлари учун уларнинг онгини ҳам ижобий томонга ўзгартириш мумкин.

17. Худога садоқат билан ҳолис хизмат қилиш учун дунёвий фаолиятдан бутунлай воз кечган, аммо ҳали рухий баркамолликка эришиб улгурмаган киши баъзан ҳақиқат йўлидан адашиб кетиши мумкин, лекин шунда ҳам у барибир ҳеч нарса йўқотмайди. Аксинча, Худога садоқат билан хизмат қилмайдиган

киши, ҳатто ҳаётда ўзининг моддий бурчини мукамал бажариб юрган бўлса ҳам аввалдан тақдирга ёзилган(карма)дан бошқа ҳеч нарсага эриша олмайди.

Изоҳ: Агар одамларнинг бурч-вазифалари ҳақида гапирадиган бўлсак, уларнинг сон-саногии йўқ. Ҳар бир инсоннинг нафақат ота-онаси, оила аъзолари, жамият, ватан, бутун инсоният, бошқа тирик мавжудотлар, фаришталар ва бошқа зотлар олдида, балки буюк шоирлар, файласуфлар, олим ва бошқа донишмандлар олдида ҳам бурчи, қарзи, улар учун бажариши лозим бўлган вазифалари бўлади. Лекин муқаддас китобларда айтилганки, инсон ҳаётда ўзининг ана шу бурчларини бажаришдан воз кечиб, ҳаётини бутунлай Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаши мумкин. Шундай қилиб, агар инсон шу тарзда яшаб, Худога садоқат билан хизмат қилишда рухий баркамолликка эришса - бу жуда яхши. Лекин, баъзан шундай бўладикки, инсон қандайдир бир ўткинчи туйғулар таъсири остида Худога садоқат билан хизмат қилишга киришади, аммо охир-оқибатда ҳар хил салбий таъсир кўрсатадиган одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиш натижасида унинг Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан чиқиб кетиши учун жуда кўп сабаблар топилади. Инсоният тарихидан бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Бхарата Махараж кийик боласига қаттиқ боғланиб қолгани сабабли кейинги ҳаётида кийик танасида туғилишга маҳкум этилган эди. Ажали етган пайтда у кийик боласи ҳақида ўйлади, шу боис, гарчи аввалги ҳаётида бўлиб ўтган воқеаларни унутмаган бўлса ҳам, кейинги ҳаётида кийик бўлиб туғилди. Худди шундай, Читракету ҳам Маъбуд Шиванинг нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қилиб қўйгани сабабли ҳақиқат йўлидан адашган эди. Шунга қарамай, бу ерда, ҳатто ҳақиқат йўлидан адашиш эҳтимоли бўлса ҳам, барибир инсон Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига ўз ихтиёрини топшириши лозимлиги алоҳида таъкидлаб айтилган, чунки, ҳатто Худога садоқат билан хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган амалларни бажаришни тарк этса ҳам, инсон барибир Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини эсидан чиқармайди. Бир марта Худога садоқат билан хизмат қилишни бошлаб туриб, у ҳар қандай вазиятда ҳам Унга хизмат қилишда давом этаверади. «Бхагавад-гита»да айтилганки, Худога садоқат билан хизмат қилишда қилинган озгина ҳаракат ҳам инсонни ҳаётда энг катта мусибатлардан қутқариб қолади. Бунга инсоният тарихидан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Шундай одамлардан биттаси - Ажамила деган браҳман. Ёшлигида у такводор браҳман эди, кейин у бу йўлни тарк этди. Шунга қарамай, умрининг охирида Парвардигор уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қолди.

18. Ҳақиқий донишмандлар ва чуқур фалсафий фикрлашга қодир бўлган зехли кишилар ҳаётда бу моддий оламнинг энг олий сайёраси(Брахмалока)дан то энг қуйи(Патала) сайёрасигача кезиб чиққанда ҳам эришиб бўлмайдиган, энг буюк мақсадга интилиб яшашлари лозим. Ҳиссий лаззатланиш орқали келадиган бахт эса, худди биз истамасак ҳам қутилмаганда ўзидан-ўзи келаверадиган азоб-укубатлар сингари, белгиланган вақтда ўзидан-ўзи келаверади.

Изоҳ: Ҳар бир инсон ҳаётда бор кучини ишга солиб ҳиссий лаззатлардан иложи борича кўпроқ лаззатланиб қолишга интилиб яшайди. Бировлар савдо-сотик билан шуғулланадилар, бошқалар саноатда ишлайдилар, учинчи бировлар иктисодий фаровонликка интиладилар, яна бировлар сиёсий хукмронликка интиладилар ва ҳоказо. Уларнинг баъзилари кейинги ҳаётда олий сайёраларга эришиб, шу ёқда бахтли яшаш мақсадида кармали фаолият билан машғул бўладилар. Ой сайёрасида яшайдиганлар сома-раса деган ичимлик ичиш шарофати билан жуда чуқур ҳиссий лаззат ҳис қилиш қобилиятига эга бўлар эканлар; одамларга хайр-саховат кўрсатиш натижасида инсон кейинги ҳаётда (такводор аждодлари яшайдиган)Питрилокага эришиши мумкин. Шундай қилиб, ҳозирги ҳаётда ва ўлганидан кейинги ҳаётда ҳиссиётини лаззатлантиришга интилишнинг ҳар хил йўллари мавжуд. Баъзи одамлар Ой сайёрасига ёки бошқа сайёраларга моддий қурилмалар ёрдамида эришишга интиладилар, чунки улар одамларга хайр-саховат кўрсатиб, эзгу ишлар қилиб қийналиб юрмасданок шу сайёраларга осонгина етиб олишни истайдилар. Лекин бунинг иложи йўқ, чунки ягона Парвардигорнинг қонунларига кўра, коинотдаги ҳар хил жойлар аввалги ҳаётда кўрсатган фаолиятига мос равишда турли хил тирик мавжудотлар учун аниқ мўлжаллаб қўйилган. Инсон фақат муқаддас китобларда кўрсатилган савоб ишлар қилиш орқалигина кейинги ҳаётда ўзининг яхши хонадонда туғилишини, бойликка эга бўлишини, яхши таълим-тарбия олишини ва чиройли тана тузилишига эга бўлишини таъминлай олади. Ўзимизнинг ҳаёт тажрибамиздан яхши биламизки, эзгу ишлар ҳатто инсоннинг ҳозирги ҳаёти давомида ҳам яхши таълим-тарбия олиш ва яхши пул топишига имкон яратиб беради. Худди шундай, биз кейинги ҳаётда ҳам фақат ўзимизнинг эзгу ишларимиз натижасида ўзимиз истаган мартабага эриша оламиз. Акс ҳолда, бир вақтда, бир жойда туғилган икки киши, ҳаётда ўзларининг аввалги ҳаётда қилган ишларига мос равишда турли хил мартабаларга эришган бўлмасди. Лекин, бу моддий оламдаги ҳар қандай ҳолат ҳам мангу эмас, балки ўзгарувчан, ўткинчи ҳолатдир. Биз қаерда бўлсак ҳам, - энг олий сайёра Брахмалокадами, энг қуйи

сайёра Паталалокадами, - қилаётган ишларимизга қараб бизнинг ҳолатимиз кескин ўзгариб кетиши мумкин. Шу боис, чуқур фикрлай оладиган фаросатли киши ҳеч қачон ўзининг мустаҳкам бўлмаган ҳозирги ўзгарувчан ҳолатидан мамнун бўлиб хотиржам юрмаслиги керак. У илм ва лаззатга тўла мангу ўзгармас ҳаётга эришишга ҳаракат қилиб яшаш лозим. Ана шундай ҳаётга эришган киши мусибатларга тўла бу моддий оламнинг бирор сайёрасига қайтиб келмайди. Мусибатлар ва аралаш бахт - дунёвий ҳаётнинг муқаррар бўлган икки кўринишидир; улар Брахмалокада ҳам бор, бошқа сайёраларда ҳам мавжуд, улар фаришталарнинг ҳаётида ҳам, чўчка ва итларнинг ҳаётида ҳам бор. Барча тирик мавжудотларнинг ҳаётида учраб турадиган мусибат ва аралаш бахт туйғуси бир-биридан фақат сифати ва даражаси билан фарқ қилади, аммо бу моддий оламда ҳеч ким ўзи учун тайёрлаб қўйилган туғилиш, ўлиш, касаллик ва кексаллик билан боғлиқ бўлган мусибатлардан қутулиб кета олмайди. Худди шундай, ҳар бир одам учун фақат унинг ўзига тегишли бўлган миқдорда бахт улуши аниқ белгилаб қўйилган. Инсон ҳаётда қанчалик уринмасин, ўзининг тақдирига ёзилган бахт ва мусибатларни на кўпайтира олади, на камайтира олади. Қувончу-шодликлар ҳам, бахтсизлик ва мусибатлар ҳам ўзидан-ўзи келиб кетаверади. Шу боис, фаросатли инсон ана шу ўткинчи нарсаларга боғланиб, ўз вақтини бекор кетказмаслиги керак; ҳақиқий инсон ҳаётда фақат ягона олий мақсадга - Худонинг мангу даргоҳига қайтишга интилиб яшаш лозим. Мана шу мақсадга интилиш - ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги ягона бурчи бўлиши лозим.

19. Азизим Вйаса, Парвардигор Кришнанинг содиқ хизматкори баъзан йўлдан адашса ҳам, шубҳасиз, у (дунёвий ишларга берилган)бошқа кишилар сингари, бу моддий оламда яшамайди, чунки Парвардигорнинг нилуфар пойи қадамлари лаззатини бир марта тотиб кўрган киши, бу роҳатбахш лаззатни такрор ва такрор қўмсашдан бошқа ҳеч нарса билан машғул бўлолмай қолади.

Изоҳ: Худонинг содиқ хизматкорининг қалбида дунёвий нарсаларга бўлган боғланиш туйғуси табиий равишда, ўзидан-ўзи сусайиб кетади, чунки у - *раса-виграха*(Парвардигор Кришнанинг нилуфар пойи қадамлари лаззатини тотиб кўрган зот). Албатта, худди ҳамиша адашишга маҳкум бўлган, дунёвий фаолият билан машғул одамлар сингари, бемаъни одамлар билан ҳамсухбат бўлиш оқибатида Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлини тарк этган Худонинг содиқларига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Лекин, ҳатто ана шундай ҳақиқат йўлидан адашган содиқни ҳам адашган дунёвий одам(карми) деб қарамаслик керак. Дунёвий одам ўз қилмишлари(кармаси)нинг

оқибати сифатида ҳар хил мусибатларга дучор бўлади, Худонинг содиқ хизматкорини эса, тарбиялаш мақсадида Парвардигорнинг ўзи жазолайди. Етим бола билан шохнинг суюкли боласининг чекадиган мусибатларини бир-бирига таққослаб бўлмайди. Етим бола ҳақиқатан ҳам қийналган, жуда ачинарли аҳволда, чунки унга ғамхўрлик қиладиган ҳеч ким йўқ, бадавлат одамнинг боласи эса, гарчи сиртдан қараганда у ҳам худди етим болага ўхшаб изтироб чекаётгандай бўлиб кўринса ҳам, у ҳамиша ўзининг юксак мартабали отасининг ҳимояси остида бўлади. Бемаъни одамлар билан ҳамсуҳбат бўлгани сабабли Худонинг содиқ хизматкори баъзан дунёвий фаолият кўрсатиб юрган одамларга тақлид қила бошлайди. Бундай одамлар одатда моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга интиладилар. Худди шундай, тажрибасиз содиқ хизматкор ҳам, нодонлиги сабабли Худога садоқат билан хизмат қилиб юргани эвазига қандайдир моддий бойликларга эга бўлишдан умидвор бўлади. Шундай аҳмоқ содиқ хизматкорни баъзан Парвардигорнинг ўзи қийин аҳволга солиб қўяди. Унга ўзининг алоҳида марҳаматини намойиш этиб, Парвардигор унинг бутун мол-мулкни тортиб олади, натижада ана шу адашган содиқдан ҳамма дўстлари ва қариндошлари юз ўгирадилар. Шунда, Худонинг марҳамати билан унинг ақли жойига келади ва Худога садоқат билан хизмат қилишни яна давом эттира бошлайди.

«Бхагавад-гита»да ҳам айтилганки, ана шундай содиққа кейинги ҳаётида билимдон брахман ёки бадавлат савдогарлар оиласида туғилиш имкони берилади. Лекин, бундай ҳолатга тушган содиқ Парвардигор жазолаб, ноилож, ачинарлидай бўлиб кўринадиган қийин аҳволга солиб қўйган содиқ хизматкордан омадлироқ эмас. Парвардигорнинг амру-иродаси билан қийин аҳволга тушиб қолган содиқ бадавлат хонадонда туғилган одамга нисбатан омадлироқ ҳисобланади. Бадавлат хонадонда туғилган содиқлар Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини унутиб юборишлари мумкин, чунки улар омадсизроқ. Ҳамма дўстлари, қариндошлари юз ўгирган содиққа эса, омад кулиб бокқан бўлади, чунки у ўзининг жуда ачинарли аҳволга тушиб қолганини англаб етгандан кейин, тезда Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига бош қўяди.

Худога садоқат билан хизмат қилиш инсонга шу қадар юксак рухий лаззат келтирадики, Худонинг содиқлари табиий равишда ҳар қандай моддий лаззатлардан юз ўгирадилар. Худога садоқат билан хизмат қилишда баркамолликка эришганликнинг белгиси, аломати шундай бўлади. Асл содиқ хизматкор ҳамиша Парвардигор Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойини эслаб юради, ҳатто бутун уч оламнинг бойликлари ҳам уни бир пас бўлса ҳам Худони эсдан чиқаришга мажбур қила олмайди.

20. Олий Худо Шахси, Парвардигорнинг ўзи бу яратилган борлиқдан фарқ қилмайди, аини пайтда У мавжуд борлиқдан ташқарида. Бутун борлиқ ягона Парвардигордан таралган, Унинг ўзида жойлашган ва замон охирида яна Унинг ўзига ғарқ бўлади. Буларнинг ҳаммаси сенга маълум, мен эса шунчаки эслатиб ўтдим, холос.

Изоҳ: Худонинг асл содиқ хизматкори Парвардигор Шри Кришнанинг, Муқунданинг ҳам шахсий, ҳам шахсиятсиз кўринишлари мавжуд эканини яхши билади. Шахсиятсиз космик олам ҳам Парвардигор Муқунданинг ўзи, чунки у - Парвардигордан чиққан қувватнинг намоён бўлган кўриниши. Масалан, дарахт - тўла бутун, ягона зот, шоха ва барглар эса - унинг ўзидан чиққан унинг ажралмас бўлаклари. Япроқ ва шохалар ҳам дарахт ҳисобланади, аммо дарахтнинг ўзи - япроқлар ҳам эмас, шохалар ҳам эмас. Ведаларда келтирилган "мавжуд бутун борлиқ Брахмандан бошқа нарса эмас" деган ифода шуни билдирадики, ҳамма нарса Брахмандан чиққани сабабли, ундан айрилган ҳолда мавжуд бўлган бирор нарса йўқ. Худди шундай, гарчи ягона яхлит, бутун тана - қўл ва оёқлар бўлмаса ҳам, тананинг ажралмас қисмлари бўлган қўллар ва оёқлар ҳам барибир тана деб аталади. Парвардигор илм ва гўзалликнинг мангу қиёфасидир, шу боис Парвардигорнинг қуввати яратган борлиқ ҳам қисман мангу, илм ва лаззатга тўладай кўрилади. Шу боис, шартланган руҳлар ташқи қувват, майянинг алдовига учиб, моддий табиат чангалига тушиб қолганлар. Улар моддий табиатдан бошқа нарса йўқ деб ўйлайдилар, чунки бутун борлиқнинг бошланғич сабабчиси бўлган Парвардигор ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Улар, агар тананинг ажралмас қисмлари танадан ажратиб олинса, улар танага тегишли бўлган аввалги қўл ва оёқлар бўлмай қолишини ҳам тасаввур қилолмайдилар. Шунга ўхшаб, садоқат билан хизмат қилиш орқали Худонинг Олий Шахси билан боғланмаган худобехабар иймонсизлар маданияти ҳам худди танадан ажратиб олинган қўл ва оёқларга ўхшаб қолади. Тананинг ана шундай қисмлари кўринишидан худди ҳақиқий қўл ва оёқларга ўхшайди, аммо аслида улар энди ҳеч нарсага яроқсиз бўлиб қолган. Худонинг содиқ хизматкори Шрила Вйасадева бунини яхши биларди, лекин, Шрила Нарада Муни унга мана шу ғояни одамларга батафсилроқ тушунтириб беришни маслаҳат берди, токи алданиш чангалига тушиб қолган шартланган руҳлар унинг бу таълимотини осонгина ўрганиб, Худонинг Олий Шахси бутун борлиқнинг бошланғич сабабчиси эканини билиб олсинлар.

Ведалар таълимотига кўра Парвардигор ҳар нарсага қодир Зот, демак, Унинг олий қувватлари ҳамиша мукамал ва Унинг ўзи билан бир. Рухий ва моддий оламлар ва улардаги мавжуд ҳамма

нарсалар Парвардигорнинг ички ва ташқи кувватларининг эманацияларидир. Парвардигорнинг ташқи куввати нисбатан пастроқ, ички куввати эса - юқорироқ даражага эга. Олий кувват - ҳаёт кучи, шу боис у тўлалигича Парвардигорнинг Ўзи билан бир, ташқи, тобе кувват эса, Ундан қисман фарқ қилади. Аммо икки кувват ҳам Парвардигорнинг Ўзига тенг эмас ва барча кувватларнинг манбаи бўлган Ундан ҳеч қачон устун бўлолмайди. Худди қанчалик кудратли бўлишига қарамай электр куввати муҳандис-электрикнинг назорати остида бўлгани сингари, бу кувватлар ҳаминша Парвардигорнинг хукми, назорати остида бўлади.

Одамлар ва бошқа тирик мавжудотлар Парвардигорнинг ички куввати таркибига кирадилар. Шу тарзда тирик мавжудот ҳам Парвардигор билан бир хил, аммо ҳеч қачон у Худо Шахси билан тенг ёки Ундан устун бўлолмайди. Парвардигор ҳам, тирик мавжудотлар ҳам - алоҳида шахслардир. Моддий кувват ёрдамида тирик мавжудотлар ҳам қандайдир нарсаларни яратадилар, аммо уларнинг яратган бирор нарсаси Парвардигорнинг яратиб қўйган борлиғи билан тенглашолмайди ёки ундан устун бўлолмайди. Инсон кичкина Ер йўлдоши ясаши ва уни коинотга чиқариши мумкин, лекин бу ҳали, у ҳам Парвардигор сингари Ер ёки Ойга ўхшаган катта бир сайёрани яратиб, уни коинотда муаллақ сузиб юришга мажбур қила олади дегани эмас. Арзимаган илмга эга бўлган ғофил одамлар ўзларини Худога тенг деб эълон қиладилар, аммо ҳеч қачон улар Худога тенг бўла олмайдилар. Ҳеч қачон бундай бўлиши мумкин эмас. Мукаммал ҳолатга эришганда инсон танасидаги тирик мавжудот Парвардигорга хос бўлган хусусиятларнинг анча қисмига эга бўлиши мумкин (етмиш саккиз фоизига), аммо у ҳеч қачон Парвардигорга тенг ёки Ундан устун бўлолмайди. Фақат ғофиллик касалига мубтало бўлган ҳолатида тирик мавжудотлар ўзларини Худо билан тенг деб ҳисоблашлари ва шу билан алдамчи кувват таъсири остига тушиб қолишлари мумкин. Демак, ақлидан адашган тирик мавжудотлар Парвардигорнинг олий ҳукмронлигини тан олишлари ва Унга муҳаббат билан хизмат қилишга рози бўлишлари лозим. Аслида улар айнан шу мақсадда яратилганлар. Бусиз оламда на тинчлик, на осойишталикка эришишнинг иложи йўқ. Шри Нарада Муни Шри Вйасадевага "Шримад Бхагаватам"нинг мана шу ғоясини ривожлантиришни маслаҳат беришти. «Бхагавад-гита»да ҳам айнан мана шу ҳақиқат тушунтирилган: инсон ўз ихтиёрини бутунлай Худога топшириши лозим. Рухий баркамолликка эришган инсонларнинг ҳаётда ягона мақсади шундан иборат бўлади.

21. Эй саховатли зот, сен Олий Рухни, Худо шахсини англай олишга қодир бўлган

мукаммал тафаккур соҳибсан, чунки ўзинг ҳам Парвардигорнинг намён бўлган тўла бутун қисмсан. Гарчи туғилмаган Зот бўлсанг ҳам, бутун инсониятнинг бахт-саодати учун Сен Ер юзида пайдо бўлдинг. Шунинг учун, Олий Худо шахси, Шри Кришнанинг илоҳий эрмакларини иложи борица батафсилроқ таърифлаб бер.

Изоҳ: Шрила Вйасадева - Худо Шахси Шри Кришнанинг алоҳида ваколатга эга бўлган кўринишларидан бири. Ўзининг бесабаб марҳамати билан У адашган руҳларни руҳий озодликка чиқариш мақсадида моддий оламга ташриф буюрган. Адашган, хотирасидан маҳрум бўлган руҳлар Парвардигорга садоқат билан илоҳий хизмат қилишни бутунлай унутиб юборганлар. Тирик мавжудотлар Парвардигорнинг ажралмас заррачалари ва мангу хизматкорларидир. Адашган тирик мавжудотларнинг бахтига Ведавий муқаддас китоблар аниқ бир тартибда тузилган, шу боис тирик мавжудотларнинг бурчи - ана шу муқаддас китоблардан фойдаланиб, бу моддий олам тутқунлигидан руҳий озодликка чиқиб олишдан иборат. Гарчи, расмий жиҳатдан Шри Нарада Муни Шрила Вйасадеванинг руҳий устози ҳисобланса ҳам, Шрила Вйасадева ҳар қандай руҳий устоздан бутунлай мустақил зот, чунки аслида унинг ўзи ҳар бир тирик мавжудотнинг руҳий устози ҳисобланади. Аммо, бу дунёда ачарйа ролини ўйнар экан, у ўзининг хулқ-атвори билан одамларга намунали ўрнак кўрсатиб, бу дунёда ҳар бир инсон, ҳатто у Худонинг Ўзи бўлса ҳам, албатта руҳий устоз қабул қилиши лозимлигидан сабоқ беришти. Парвардигор Шри Кришна, Парвардигор Шри Рама, Парвардигор Шри Чайтанйа Махапрабху ва Парвардигорнинг намён бўлган бошқа барча қиёфалари гарчи, ўзларининг илоҳий табиатларига кўра мукаммал илмга эга бўлсалар ҳам, бу дунёда расмий равишда руҳий устоз қабул қилганлар. Барча одамларни Парвардигор Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига жалб қилиш учун Парвардигорнинг Ўзи Вйасадева қиёфасида келиб, Парвардигорнинг илоҳий эрмакларини ҳикоя қилиб беради.

22. Мўтабар, билимдон донишмандлар шундай аниқ хулосага келганларки, риёзат чекиш, Ведаларни ўрганиш, қурбонлик маросимлари ўтказиш, Худога ҳамду санолар қуйлаш ва хайр-саховат кўрсатиш каби эзгу амаллардан иборат бўлган илм ўрганиш жараёнининг бенуқсон пировард мақсади - улўғвор мадҳияларда шарафлаб қуйланадиган Зот, ягона Парвардигорни илоҳий равишда таърифлашда ўзининг энг олий даражасига етади.

Изоҳ: Ўзининг санъат, илм-фан, фалсафа, физика, химия, рухшунослик, иктисод, сиёсат ва бошқа соҳалардаги билимини ривожлантира олиши учун инсонга юксак даражада ривожланган тафаккур ато этилган. Илм-фанни тўғри мақсадда ривожлантира бориб, инсонлар жамияти камолотга эриша олади. Ана шундай баркамолликнинг энг юқори поғонаси Олий Зотни, ягона Парвардигор Вишнуни англаб етишдан иборат. Шу боис шрутиларда айтилганки, ҳақиқий илмга эга бўлган кишилар Парвардигор Вишнуга садоқат билан хизмат қилишга интилишлари лозим. Афсуски, вишну-майянинг ташқи гўзаллигига махлиё бўлиб, алданиб қолган одамлар, фақат Парвардигор Вишнунинг марҳамати билан инсон руҳий баркамолликка, руҳий ўзликни англашга эриша олишини тушунмайдилар. *Вишну-майя* дегани ўткинчи ва оғриқли ҳиссий лаззатларни билдиради. *Вишну-майя* чангалига тушиб қолган одамлар илм ўрганиш мақсадида кўрсатаётган фаолиятининг натижаларидан ўз ҳиссиётини лаззатлантириш учун фойдаланадилар. Шри Нарада Муни тушунтириб бердики, моддий оламдаги мавжуд ҳамма нарса - Парвардигорнинг ҳар хил қувватлари ёрдамида намоён бўлиб турган эманацияларидир, чунки Ўзининг англаб бўлмас қувватлари ёрдамида Парвардигор бу намоён бўлган борлиқнинг сабаб ва оқибатлар занжирини ҳаракатга келтирган. Бу сабаб ва оқибатлар Унинг қувватларидан чиқади, Унинг қувватида макон топади, яқсон бўлгандан кейин яна Унинг Ўзига ғарқ бўлади. Шундай қилиб, Парвардигордан ташқарида ёки Ундан ўзга мавжуд бўлган бирор зот йўқ, айна пайтда Парвардигор ҳаммиша буларнинг ҳаммаси билан бир эмас.

Илм-фан тараққиёти натижаларидан Парвардигорга хизмат қилиш учун фойдаланилса, илм ўрганиш жараёни ҳам мутлақ илоҳий табиатга эга бўлади. Худонинг Олий Шахси ва Унинг илоҳий номлари, шон-шуҳрати, улуғворлиги ва Унинг бошқа анжомлари бир-биридан фарқ қилмайди. Шунинг учун донишмандлар ва Худонинг содиқлари санъат, фан, фалсафа ҳамда физика, химия, психология ва илм-фаннинг бошқа соҳаларидан фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида фойдаланишни маслаҳат бердилар. Санъат, адабиёт, шеърятдан Парвардигорни олқишлашда, унинг шон-шуҳратини шарафлаб қуйлашда фойдаланиш мумкин. Ёзувчилар, шоирлар ва машҳур адиблар асосан ҳиссий лаззатланиш ҳақида асарлар ёзадилар, лекин агар Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирсалар, улар Парвардигорнинг илоҳий эрмаklarини таърифлаб асар ёзишлари мумкин. Валмики буюк шоир эди, Вйасадева - буюк ёзувчи бўлган, уларнинг иккиси ҳам Парвардигорнинг илдоҳий фаолиятини таърифлаб ёзишга бутунлай ғарқ бўлиб яшадилар ва натижада мангу шон-шуҳратга эришдилар. Илм ва фалсафадан ҳам

Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида фойдаланиш лозим. Фақат ҳиссиётнинг лаззатланишга бўлган талабини кондиритиш учун яратилган куруқ фалсафий сафсаталардан ҳеч қандай фойда йўқ. Илм ва фалсафа ягона Парвардигорнинг шон-шуҳрати чексиз ва тенгсизлигини тасдиқлаши керак. Юксак тафаккурга эга бўлган инсонлар илм-фан ёрдамида Мутлақ Ҳақиқатни англаб етишга интиладилар, шу боис буюк олимлар ягона Парвардигорнинг мавжудлигини илмий жиҳатдан исботлаш йўлида изланиш олиб боришлари лозим. Худди шундай, фалсафий таълимотлар, фикрлар ҳам Мутлақ Ҳақиқатнинг ҳар нарсага қодир, ҳиссиёт(сезгилар)га эга эканини исботлаши, тасдиқлаши лозим. Илм-фаннинг бошқа барча соҳалари ҳам ҳаммиша Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида хизмат қилиши лозим. Бу ҳақда «Бхагавад-гита»да айтилган. Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида ишлатилмайдиган илм - ғофилликдан бошқа нарса эмас. Мукамал илмнинг ҳақиқий вазифаси ягона Парвардигорнинг шон-шуҳратини исботлаш ва тасдиқлашдан иборат, бу шеърнинг ҳақиқий мазмун-моҳияти шундай. Худога садоқат билан хизмат қилишда ишлатилмайдиган илм-фан ва бошқа ҳар қандай фаолият *хари-киртана*, ягона Парвардигорни олқишлаш, шарафлаб-қуйлаш ҳисобланади.

23. Эй мўътабар донишманд, олдинги даврда мен ведавий қондаларга амал қилиб яшайдиган брахманларнинг хизматини қилиб юрган бир чўри аёлнинг ўғли бўлиб туғилган эдим. Тўрт ой давом этадиган ёмғир мавсуми давомида брахманлар биз билан бирга яшаганида, мен уларнинг хизматини қилиб юрдим.

Изоҳ: Бу ерда Нарада Муни Худога садоқат билан хизмат қилиш муҳити инсонга қанчалик мўъжизавий тарзда кучли таъсир қилишини таърифлаб беради. Нарада Мунининг ижтимоий келиб-чиқиши жуда паст бўлиб, у яхши таълим-тарбия олмаган эди, шунга қарамай, бутун куч-қувватини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаб, у ўлмас, мангу донишмандга айланди. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг мўъжизавий қудратли таъсири шундай бўлади. Тирик мавжудотлар Парвардигорнинг оралиқ қуввати ҳисобланадилар, шу боис уларнинг асосий ҳақиқий вазифаси - Парвардигорга илоҳий муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиб яшайдиган иборат. Агар улар бундай қилмасалар, уларнинг ана шу ҳолати *майя* деб аталади. Шу боис, инсон ўзининг бутун қувватини ҳиссий лаззатланишдан тўхтатиб, ундан Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида фойдалана бошласа, алдамчи майянинг қуввати дарров таслим бўлади. Шри Нарада Мунининг аввалги ҳаёти мисолида

кўришиб турибдики, Худога хизмат қилиш Унинг ҳақиқий содиқларига хизмат қилишдан бошланади. Парвардигорнинг Ўзи айтадики, Унинг содиқ хизматкорларига хизмат қилиш Унинг Ўзига хизмат қилишдан ҳам устун туради. Худонинг содиқ хизматкорига хизмат қилиш Худонинг Ўзига хизмат қилишдан кадрлироқ. Шу боис инсон ҳамisha Худога садоқат билан хизмат қилиш билан машғул бўлиб юрган Парвардигорнинг ҳақиқий содиқ хизматкорини излаб топиши ва унинг хизматини қилиб яшашга киришиб, уни ўзига руҳий устоз қилиб олиши лозим. Ана шундай руҳий устоз моддий сезги аъзолари ёрдамида кўриб бўлмайдиган Парвардигор билан шогирд орасида шаффоф парда вазифасини бажарада ва инсон фақат ана шу парда орқали Парвардигорни кўра олади. Руҳий устозга сидкидилдан хизмат қилаётганимизни кўриб, Парвардигор биз хизмат қилишга қанчалик берилган бўлсак, шу даражада Ўзини бизларга намоён этишга рози бўлади. Руҳий озодликка чиқишнинг энг буюк йўли - бутун куч-қувватини Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида сарфлашдан иборат. Биз ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида Худога хизмат қилиб яшасак, бутун борлиқ ягона Парвардигор билан бир бўлади. Тажрибали руҳий устоз, Парвардигорнинг содиқ хизматкори сифатида ҳамма нарсдан Парвардигорни олқишлаш йўлида фойдаланиш санъатини билади, шу боис унинг раҳбарлиги остида бутун моддий олам руҳий салтанатга айланиши мумкин. Худонинг содиқ хизматкорининг илоҳий марҳамати ана шундай бўлади.

24. Гарчи, веданта илмининг билимдонлари бўлган бу донишмандлар табиатан дунёвий ишларга боғланмаган бўлсалар ҳам, менга ўзларининг бесабаб марҳаматини кўрсатиб, мени дуо қилиб, оқ фотиҳа беришди. Мен ҳали ёш бўлсам ҳам, ўзимни тутишни биладиган, ўйинларга, шўхликларга берилмаган бола эдим. Бундан ташқари, мен одобли, итоаткор бўлиб, керагидан ортиқ гапирмас эдим.

Изоҳ: Парвардигор «Бхагавад-гита»да шундай дейди: "Ведаларни ўрганишдан мақсад - Мени излаб топиш". Парвардигор Шри Чaitанья Махапрабху айтадики, Ведаларда фақат уч мавзу ёритилган: 1) Тирик мавжудот қандай қилиб Худонинг Олий Шахси билан ўзаро муносабат ўрнатиши мумкин; 2) У ана шу муносабатлар доирасида Худога садоқат билан хизмат қилиб, ўз вазифасини қандай бажариши керак; 3) Қандай қилиб олий мақсадга эришиш, яъни Худонинг даргоҳига қайтиш мумкин. Шундай қилиб, *веданта-вади*, яъни "Ведалар илмининг билимдонлари" деган ибора Худонинг Олий Шахсининг асл содиқларини билдиради. Ана шундай веданта-вадилар, яъни бхакти-веданталар

одамлар орасида Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақидаги илоҳий илмни тарқатар экан, ҳеч кимни бир-биридан ажратмайдилар. Улар ҳеч кимни ўзига душман деб ҳам, дўст деб ҳам билмайдилар, одамларни саводсиз, билимдон деб бир-биридан ажратмайдилар. Улар ҳеч кимга қаттиқ боғланиб ҳам қолмайдилар, ҳеч кимдан қаттиқ нафратланмайдилар ҳам. Бхакти-веданталар бу дунёда одамларнинг аксарият кўпчилиги алдамчи ҳиссий лаззатларга берилиб вақтини бекор кетказиб юрганни тушунадилар. Бхакти-веданталарнинг ҳаётда қиладиган ягона иши - ана шу ғофил одамлар ҳам Худонинг Олий Шахси билан ўзаро муносабатларини қайта тиклаб олишлари учун кўлидан келганча ҳаракат қилишдан иборат. Уларнинг қилаётган саъи ҳаракатлари натижасида ҳатто энг пасткаш, унутувчан одамлар ҳам ғафлат уйқусидан уйғониб, руҳий фаолият кўрсата бошлайдилар. Шу тарзда бхакти-веданталардан руҳий ҳаётга фотиҳа олиб, одамлар аста-секин илоҳий онгли ҳаёт йўлидан юксала борадилар. Шундай қилиб, болакай Народа Муни ҳали ўйинларга берилиб кетишдан, ўзини тутишни билишдан аввал Бхактиведанталардан руҳий ҳаётга фотиҳа олган эди. Лекин, фотиҳа олишдан олдин у одобли, итоаткор бўлишни ўрганган эди - мана шу руҳий юксалиш йўлига кирган одамлар учун жуда муҳим фазилат ҳисобланади. Жамиятнинг ҳаётда ҳамма ҳақиқий инсонлардай яшашини назарда тутадиган *варнашрама-дҳарма* тизимида болалар беш ёшга тўлгандан кейин *гуру*(руҳий устоз) мактабига жўнатилади, шу ерда улар браҳмачарий бўлиб тарбияланадилар. Оддий одамларнингми, шоҳнингми - кимнинг фарзанди бўлишидан қатъий назар, гурукулада уларни ҳар бир ҳақиқий инсон учун ҳаётда зарур бўлган ҳамма нарсага ўргатадилар. Ана шундай таълим-тарбия олиш ҳамма учун мажбурий ҳисобланади. Бундай таълим-тарбия тизими фақат одамларнинг ҳаётда яхши фуқаро бўлиб етишишлари учун эмас, балки болаларни ёшлигидан келажакдаги, руҳий ўзликни англашдан иборат бўлган руҳий фаолиятга тайёрлаш мақсадида белгиланган эди. *Варнашрама* тизими ҳукмрон бўлган жамиятда ўсиб улғайган болалар учун ҳиссий лаззатларга ғарқ бўлган бемаъни, маъсулиятсиз ҳаёт бутунлай ёт эди. Ўғил болага ҳали онасининг қорнига тушмасдан аввал руҳий онг ато этиларди. Ота-она ўз фарзандининг бу моддий олам тутқунлигидан халос бўлиши учун маъсулият хис қилар эдилар. Оилани режалаштиришнинг энг тўғри, самарали йўли шундай бўлади. Бунинг маъноси шундан иборатки, фақат руҳий баркамолликка эриштириш мақсадида фарзанд дунёга келтириш лозим. Ўзини тута билишни ўрганмай, итоаткор, одобли бўлмай туриб, руҳий устознинг кўрсатмаларига риоя қилиб яшашнинг иложи йўқ, ўз навбатида, шундай яшамай туриб Худонинг даргоҳига қайтишнинг иложи йўқ.

25. Уларнинг рухсати билан мен атиги бир марта, улар овқат еган идишда қолган табаррук таом(саркит, прасад)дан едим ва шу захотиёқ барча гуноҳларимдан халос бўлдим. Шу туфайли қалбим покланди ва шу пайдан бошлаб ана шу илоҳий зотларининг табиати мени ўзига жалб қила бошлади.

Изоҳ: Худога бўлган соф илоҳий садоқат ҳам худди юкумли касаллик сингари юкумли бўлади. Худонинг асл содиқ хизматкори ҳар қандай гуноҳлардан пок инсон. Худонинг Олий Шахси барча тирик мавжудотлар ичида энг пок Зот, токи инсон ҳам ўзи булганган моддий сифат(иллат)лардан шу даражада покланмас экан, ҳеч қачон Худонинг асл содиқ хизматкори бўла олмайди. Юқорида айтилганидай, бхакти-веданталар асл содиқлар эди, улар билан ҳамсухбат бўлиб юргани, бир марта улардан қолган таом қолдиғидан татиб кўргани шарофати билан улардаги соф садоқат туйғуси ёш болакайга ҳам юққан эди. Асл содиқларнинг овқат қолдиқларидан уларнинг рухсатисиз ҳам татиб кўриш мумкин. Аммо шундай сохта содиқлар ҳам учраб турадиларки, улар билан ҳамсухбат бўлганда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида инсон жуда кўп тўсиқларга, қаршилиқларга дуч келади, аммо асл содиқлар билан ҳамсухбат бўлиш шарофати билан ана шу тўсиқларнинг барчаси бартараф бўлади. Тажрибасиз содиқ ҳақиқатан ҳам асл содиқнинг сифатларига эга бўлади. Буни шундан билиб олса бўладики, уни Худонинг муқаддас номлари, шон-шухрати, сифатлари, эрмаклари ва Парвардигор билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммаси ўзига жалб қила бошлайди. Асл содиқ хизматкорнинг сифатларига эга бўлиш шуни билдирадики, инсон Худо Шахсининг илоҳий кароматларида ҳамиша соф садоқат туйғусини ҳис қила бошлайди. Ана шу илоҳий лаззат туфайли инсонни дунёвий моддий нарсалар умуман кизиқтирмай кўяди. Шу боис асл содиқ хизматкорни моддий фаолият ўзига жалб қилолмайди. Инсон Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида тўсиқ бўлиб турган барча гуноҳларидан покланганида унга руҳий юксалиш йўлининг гўзаллиги, мафтункорлиги яққол намоён бўлади. Шундан сўнг у бу йўлда мустаҳкам туриб, ҳақиқий лаззат таъмини билиб, чексиз илоҳий лаззат ҳис қила бошлайди ва ниҳоят Худога соф садоқат ва илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилади. Асл содиқлар билан ҳамсухбат бўлиш ана шу поғоналарнинг ҳаммасидан биратўла ўтиш имконини беради - бу шеърнинг мазмуни шундан иборат.

26. Эй Вйасадева, улар билан ҳамсухбат бўлиб, ана шу буюк ведантистларнинг шарофати билан мен Парвардигор Кришнанинг

мафтункор кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш бахтига муяссар бўлдим. Мен уларнинг ҳикояларини диққат билан тинглардим ва қалбимда Парвардигор ҳақидаги уларнинг ҳикояларини тинглашга бўлган иштиёқ кун сайин ўсиб борарди.

Изоҳ: Парвардигор Шри Кришна, Мутлақ Худо Шахси фақат Ўзининг шахсий сифатлари билан эмас, балки Ўзининг илоҳий кароматлари билан ҳам кишини Ўзига жалб этади, чунки Мутлақ Зотнинг муқаддас номлари, шон-шухрати, киёфалари, эрмаклари, атрофидагилар ва бошқа анжомлари ҳам мутлақ табиатга эга. Ўзининг бесабаб марҳамати билан Парвардигор бу моддий оламга ташриф буюради ва Унга маҳлиё бўлган одамлар Унинг даргоҳига қайтиб кета олишлари учун, инсон киёфасига кириб, Ўзининг илоҳий эрмакларини намоёиш этади. Одамлар ўзларининг табиатига кўра моддий фаолият билан машғул бўлиб юрган ҳар хил инсонлар ҳақидаги ҳикояларни тинглашни ёқтирадилар, аммо улар бу билан ўзларининг қимматли вақтини бекор кетказётганини ва моддий табиатнинг уч сифати(гунаси)га яна ҳам қаттиқроқ боғланиб қолаётганларини билмайдилар. Вақтини бекор кетказиб, умрини хазон қилиб юргандан кўра инсон, Парвардигорнинг илоҳий кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш шарофати билан руҳий юксалиш йўлида муваффақият қозониши мумкин. Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш орқали инсон бевосита Худонинг Олий Шахси билан муносабат ўрнатади ва аввал айтиб ўтганимиздай, бундай ҳикояларни тинглаш шарофати билан тирик мавжудот барча гуноҳлари оқибатидан покланади. Барча гуноҳларидан покланиб, инсон аста-секин дунёвий одамлар билан ҳамсухбат бўлишдан поклана боради, уни энди Парвардигорнинг сифатлари ўзига жалб қила бошлайди. Народа Муни буни ўзининг ҳаёт тажрибасига асосланиб тушунтириб беряпти. Бунинг мазмуни шундан иборатки, инсон шунчаки Парвардигорнинг эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш шарофати билан Худонинг яқин хизматкорларидан бири бўлиши мумкин. Народа Муни мангу яшайди, унга чексиз илм ва тенгсиз илоҳий лаззат ато этилган, бундан ташқари у бутун руҳий ва моддий олам бўйлаб бемалол сайр қила олиш қудратига эга. Аввалги ҳаётида асл содиқларнинг, бхакти-веданталарнинг ҳикояларини тинглаган Народа Муни сингари, руҳий баркамолликнинг энг олий поғонасига кўтарилиш учун инсон ишонарли манбалардан Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни диққат билан тинглашининг ўзи кифоя. Худонинг содиқлари даврасида Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаш усули айниқса биз яшаётган уруш-жанжаллар даври учун алоҳида тавсия қилинган.

27. Эй буюк донишманд, қалбимда Худо Шахсига бўлган иштиёқни сезишим билан мен Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни жиддий эътибор билан тинглай бошладим. Худога бўлган ихлосим, интилишим орта борган сари, мен ҳаётда адашиб юрганимни, ғафлат босиб, ўткинчи моддий танам(парда) ва ақлимни "мен, ўзим" деб юрганимни, аслида, Худо Шахси ҳам, "мен" ҳам илоҳий табиатга эга бўлган зотлар эканимизни англаб етдим.

Изоҳ: Дунёвий ҳаёт билан яшаётган одамларнинг ғофиллигини қоронғу зулматга киёслайдилар, Парвардигорни эса барча Ведавий муқаддас китобларда қуёшга ўхшатадилар. Қуёш бор жойда зулмат бўлмайди. Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглашнинг ўзи Парвардигор билан илоҳий мулоқотда бўлиш ҳисобланади, чунки Парвардигорнинг Ўзи билан Унинг илоҳий эрмаклари бир-биридан фарқ қилмайди. Олий ёруғлик билан бирга бўлиш ҳар қандай ғофиллик зулматини бартараф қилиб, ёритиб юборади. Шартланган рух фақат ўзининг ғофиллиги сабабли ўзини ҳам, Парвардигорни ҳам моддий табиат яратган зотлар деб ҳисоблайди. Аслида эса, Худонинг Олий Шахси ҳам, тирик мавжудот ҳам илоҳий зотлар бўлиб, моддий табиатга умуман дахлдор эмаслар. Ғафлат зулматидан кутулиб, Худонинг Олий Шахсидан ташқарида бирор зот мавжуд эмаслигини мукамал англаб етганимизда биз ғофиллик иллатидан бутунлай халос бўламиз. Қўпол таналар ҳам, нафис таналар ҳам Парвардигордан чиққани сабабли, ғофилликдан халос бўлиш инсонга улардан Худога садоқат билан хизмат қилишда фойдаланиш имконини беради. Қўпол танани Худога хизмат қилиш билан машғул қилиш лозим(сув олиб келиш, эҳромни ювиш, сажда қилиш ва ҳок). Мана шу *арчана*, яъни эҳромда Парвардигорга сиғиниш деб аталади, бунда инсоннинг қўпол танаси ҳам Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида иштирок этади. Инсон ўзининг нафис танаси, ақлини Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш билан, улар ҳақида чуқур фикр-мулоҳаза юритиш билан, Унинг муқаддас номларини зикр қилиш ва бошқа ишлар билан машғул қилиши лозим. Бу амалларнинг ҳаммаси илоҳий табиатга эга. Қўпол ва нафис сезгиларнинг бирортасини бошқа ҳеч қандай ишлар билан машғул қилмаслик керак. Инсон фақат жуда кўп йиллар давомида Худога садоқат билан хизмат қилишда шогирдлик вазифасини адо этиб юргандан кейингина ана шундай илоҳий амаллар билан мукамал машғул бўлишга қодир бўлади, аммо Нарада Мунидаги сингари, фақат илоҳий ҳикояларни тинглаш жараёнида ривожланадиган илоҳий иштиёқ, ихлоснинг ўзи ҳам руҳий юксалишда инсонга жуда катта таъсир қилади.

28. Йилнинг икки фасли - ёмғир ва куз мавсумида мен ягона Парвардигор Харининг беғубор шон-шухратини олқишлаб, бетиним шарафлаб юрган бу буюк донишмандларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлдим. Қалбимда Худо Шахсига садоқат билан холис хизмат қилиш чашмаси бетиним оқа бошлаганида мен ғафлат ва эҳтирос гуналари таъсиридан бутунлай халос бўлдим.

Изоҳ: Худонинг Олий Шахсига садоқат ва муҳаббат билан илоҳий хизмат қилиш ҳар бир тирик мавжудотнинг табиий ҳолатидир. Ана шу табиий хилқат, интилиш ҳар кимнинг қалбида мудраб ётибди, аммо моддий табиат билан аралашгани сабабли, эҳтирос ва ғафлат гуналари ана шу мойилликни жуда кўп замонлардан бери яшириб, бекитиб келади. Агар Худонинг ва Унинг олийжаноб, фидойи содиқларининг бесабаб марҳамати билан тирик мавжудотнинг омади келиб, ҳаёт йўлида Худонинг асл содиқларини учратиш қолса ва улардан Парвардигорнинг соф илоҳий шон-шухрати ҳақидаги ҳикояларни тингласа, унинг қалбидаги Худога садоқат билан хизмат қилиш булоғининг кўзи очилиб, худди дарёдаги сувдай оқа бошлайди. Дарё ўз сувларини то денгизгача олиб боргани сингари, Худога садоқат билан хизмат қилиш булоғи ҳам, Худонинг асл содиқлари билан ҳамсуҳбат бўлиш шарофати билан то охириги мақсад - Худога нисбатан илоҳий муҳаббат поғонасига етмагунча оқаверади. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг тобора кучайиб бораётган, чегара билмас мана шу оқимини ҳеч нарса тўхтатиб қола олмайди. Бу оқим шунчалик қудратлики, ҳатто шундай содиқни кўрган бошқа одамлар ҳам эҳтирос ва ғафлат гуналари таъсиридан халос бўла бошлайдилар. Шундай қилиб, моддий табиатнинг бу икки гунаси шу тарзда баратарф қилинади ва тирик мавжудот ўзининг азалий бошланғич ҳолатига эришиб, руҳий озодликка чиқади.

29. Мен бу донишмандларга жуда боғланиб қолган эдим. Мен ўзимни камтар, итоаткор тутардим, уларга хизмат қилиш шарофати билан барча гуноҳларим оқибатидан халос бўлдим. Мен уларга бутун қалбим билан ишонардим. Ҳиссиётимни жиловлаб олиб, мен уларнинг барча кўрсатмаларига қатъий амал қилиб юрардим.

Изоҳ: Бу ерда Худонинг асл содиқ хизматкори бўлишга интилаётган кишининг қандай сифатларга эга бўлиши кераклиги санаб ўтилган, ўзида ана шундай сифатларни ривожлантира олган киши Худога соф садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилишдан умидвор бўлиши мумкин. Ана шундай инсон ҳамиша Худонинг асл содиқлари билан ҳамсуҳбат бўлишга интилиб

яшаши лозим. Сохта содиқлар бизни йўлдан адаштириб, алдаб кетишларига йўл кўймаслигимиз керак. Худонинг асл содиқ хизматкорининг насиҳатларини тинглаш учун инсон камтар, соддадил ва итоаткор бўлиши лозим. Худонинг асл содиқ хизматкори - ўз ихтиёрини бутунлай Худога топширган зот. У Худонинг Олий Шахси - олий ҳукмдор, қолган тирик мавжудотларнинг барчаси - Унинг хизматкорлари эканини яхши билади. Фақат Худонинг асл содиқ хизматкорлари билан ҳамсухбат бўлиш шарофати билан инсон дунёвий суҳбатлар орқали орттирган барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлиши мумкин. Тажрибасиз содиқ Худонинг асл содиқ хизматкорига садоқат билан хизмат қилиши, жуда итоаткор бўлиши, унинг барча насиҳат ва кўрсатмаларига қатъий амал қилиб яшаши лозим. Ҳозирги ҳаётининг ўзидаёқ руҳий юксалишда муваффақиятга эришишга қатъий қарор қилган содиқнинг фазилатлари шулардан иборат.

30. Мусибат чекаётган ночор жонзотларга жуда ҳамдард ва меҳрибон бўлган бу Бхактиведанталар кетиш олдидан менга Худо Шахсининг Ўзи нозил қилган энг нодир илмни ўргатиб кетдилар.

Изоҳ: Соф ведантист, яъни *бхакти-веданта* ўзининг издошларига Парвардигорнинг кўрсатмаларига мос бўлган насиҳатлар беради. Парвардигор «Бхагавад-гита»да ҳам, бошқа муқаддас китобларда ҳам одамларга фақат Унинг Ўзидан ўрнак олишни, бошқа ҳеч кимдан ўрнак олмасликни ўргатади. Парвардигор бутун борлиқни яратувчи, унинг мавжудлигини таъминлаб турувчи ва вақти келганда яксон қилувчи Зот. Намоён бўлиб турган бутун борлиқ фақат Унинг амри билан мавжуд бўлиб турибди, Унинг амри билан мана шу намоён тамом бўлади, Унинг Ўзи эса, Ўзининг мангу даргоҳида Ўзининг барча нарсалари билан мангу қолаверади. У Ўзининг даргоҳида борлиқ яралишидан олдин ҳам, олам яксон бўлгандан кейин ҳам мангу қолаверади. Шундай қилиб, У яратилган мавжудотлардан биттаси эмас. У - илоҳий Зот. «Бхагавад-гита»да Парвардигор айтганки, У Аржунга ўргатаётган мана шу илмни аввал ҳам Куёш фариштасига гапириб берган, аммо вақт ўтиши билан, нотўғри амал қилганлари сабабли бу илм йўқолиб кетган, шу боис У бу илмни Аржунга такроран айтиб берапти, чунки Аржун Парвардигор Кришнанинг комил содиқ хизматкори ва яқин дўсти. Демак, Парвардигорнинг таълимотини Унинг содиқ хизматкоридан бошқа ҳеч ким тушуна олмайди. Парвардигорнинг илоҳий қиёфаси ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаган имперсоналист Унинг энг нодир сирли илмини тушунишга қодир эмас. Бу ерда "энг нодир" ибораси жуда муҳим

аҳамиятга эга, чунки Худога садоқат билан хизмат қилиш илми шахсиятсиз Браҳман ҳақидаги илмдан анча устун туради. *Жнанама(гйанам)* ибораси оддий илмни ҳам, фаннинг ҳар қандай соҳасини ҳам ифодалайди. Бу илм то шахсиятсиз Браҳманни англаб етишгача чуқурлашиб боради. Яна ҳам чуқурлаша бориб, у Худога садоқат билан аралашганида Параматмани, яъни ҳамма жойда мавжуд бўлган Парвардигорни англаш илмига айланади. Бу илм шахсиятсиз Браҳман илмидан анча устунроқ, сирлироқ. Бу илм Худога соф садоқат билан хизмат қилишга айланиб, содиқ хизматкор маҳфий сирли илоҳий илмга эга бўлганида, у "энг нодир илм" деб аталади. Мана шу энг нодир илмни Парвардигор Браҳмага, Аржунга, Уддхавага ва бошқаларга ошкор этган.

31. Ана шу нодир илм ёрдамида бутун борлиқни яратувчи, унинг мавжудлигини таъминлаб турувчи ва яксон қилувчи ягона Парвардигор Шри Кришнанинг қудрати, қуввати қандай ҳаракат қилиши менга аён бўлди. Бунга англаб етгандан кейин инсон Худонинг даргоҳига қайтиб бориши ва Унинг Ўзи билан бевосита дийдор кўришиши мумкин.

Изоҳ: Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали, яъни энг нодир илм ёрдамида инсон осонлик билан Парвардигорнинг ҳар хил қувватлари қандай ҳаракат қилишини тушуниб олиши мумкин. Унинг қувватларининг бир қисми моддий оламда намоён бўлиб турибди, бошқа қисми руҳий оламда намоён бўлган. Оралиқ қувватини тирик мавжудотлар намоён этиб, ўзлари шу қувватларнинг бирортасига хизмат қиладилар. Моддий қувватга хизмат қилиб юрган тирик мавжудотлар ўзларига алдамчи, сароб бўлиб кўриниб турган тирикчилик ва бахт учун қаттиқ кураш олиб борадилар. Аммо руҳий қувват таркибида бўлган тирик мавжудотлар бевосита Парвардигорга садоқат билан хизмат қилиш билан машғул бўлиб, мукамал илм ва лаззатга тўла мангу ҳаёт кечирадилар. «Бхагавад-гита»да очик айтганидай, Парвардигор моддий оламда сарсон бўлиб юрган шартланган руҳларнинг ҳаммаси ўзларининг бу дунёдаги ҳамма ишларини тарк этиб Унинг олдида қайтишларини истайди. Мана шу ҳақиқий, мукамал илмнинг энг нодир қисми ҳисобланади. Аммо бунга фақат Худонинг асл содиқлари тушуна оладилар ва Парвардигорни бевосита кўриш ва Унга хизмат қилиш учун фақат улар Худонинг мангу салтанатига кира оладилар. Бунга мангу илм ва мангу лаззат поғонасига кўтарила олган Шри Нарада Мунининг ўзи яққол мисол бўла олади. Ана шундай буюк мақсадга эришиш йўли ва усуллари ҳамма учун баробар очик бўлиб, бунинг учун қўйилган ягона шарт шундан иборатки, инсон Шри Нарада Мунининг изидан бориши лозим. Шрутиларда айтилишича, Парвардигор бирор ҳаракат қилмайди, У чексиз

кудратга, кувватларга эга, ана шу кувватларнинг хаммаси юқорида кўрсатилган кувватларнинг уч тоифасининг бирортасига мансуб бўлади.

32. Эй брахман Вйасадева, билимдон, мўътабар донишмандлар шундай аниқ хулосага келганлар: ҳаётда ҳар қандай ташвиш ва азоб-укубатлардан халос бўлишнинг энг яхши, энг самарали йўли - ўзининг бутун фаолиятини Олий Худо Шахси, Шри Кришнага садоқат билан ҳолис хизмат қилишга бағишлашдан иборат.

Изоҳ: Шри Нарада Муни ўзининг ҳаёт тажрибасида аниқ ишонч ҳосил қилдики, руҳий озодликка эришишнинг, яъни ҳаётда барча мусибатлардан халос бўлишнинг энг яхши, энг осон ва қулай йўли - камтарин ҳолда ишонарли манбалардан Парвардигорнинг илоҳий кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглашдан иборат. Моддийлик касалидан халос бўлишнинг ягона йўли шу. Бу дунёдаги тирикчилик турли азоб-укубатларга тўла. Арзимаган ақлий қобилиятга эга бўлган аҳмоқ одамлар моддий оламда мавжуд бўлган уч турли: 1) ақл ва тана орқали келадиган, 2) табиат кучлари орқали келадиган, 3) бошқа тирик мавжудот орқали келадиган азоб-укубатлардан халос бўлиш учун жуда кўп "дори-дармон"лар ўйлаб топганлар. Ана шу мусибатлардан халос бўлиш учун бутун олам аҳли тинмасдан кураш олиб боради, аммо Парвардигорнинг Ўзи қўллаб-қувватламаса, бу режаларнинг, бу "дори-дармон"ларнинг бирортаси ёрдам беролмаслигини, ҳеч қачон ўзлари интилаётган тинчлик ва осойишталикка эришолмаслигини одамлар тушунмайдилар. Агар Худо хоҳламаса, касал одамга берилган дори ҳам унга заррача фойда бермайди. Дарё ёки денгизни сузиб ўтиш учун шунчаки кемага эга бўлишнинг ўзи кифоя эмас, бунда албатта Худонинг хоҳиши ҳам бўлиши лозим. Шунини яхши англаб етиш лозимки, ҳар қандай ишда муваффақият қозонишда барча тўсиқларни енгиб ўтишнинг энг муҳим, асосий шarti - Ўзининг амрини, хоҳишини билдирадиган Худо, ягона Парвардигордир, шу боис биз барча интилишларимизни, уринишларимизни Унинг марҳаматини қозонишга бағишлашимиз лозим. Парвардигор ҳамма нарсдан хабардор, ҳар нарсага кодир, ҳамма жойда мавжуд. У - биз қилаётган барча ишларимизни яхши ёки ёмон натижага келтирадиган Олий Ҳукмдордир. Шу боис биз ўзимизнинг бутун ҳаракатимизни Унинг марҳаматига бағишлашни ва Уни ё шахсиятсиз Брахман кўринишида, ё ҳамма жойда мавжуд Параматма кўринишида, ё Худонинг Олий Шахси сифатида қабул қилишни ўрганишимиз лозим. Бу дунёда ким бўлишдан қатъий назар инсон ўзининг бутун хизматини Худога бағишлаши лозим. Агар у олим, табиатшунос, файласуф, шоир

ва ҳоказо бўлса, ўз илмидан ягона Парвардигорнинг улуғворлигини тасдиқлаш йўлида фойдаланиши лозим. Парвардигорнинг турли кувватлари ҳаётнинг ҳар хил соҳаларида қандай ҳаракат қилишини тушуниб олишга ҳаракат қилинг. Уни ҳақорат қилманг, Унга тенг бўлишга ёки Ундан устунроқ бўлишга, озгина илм тўплаб олиб Унинг ўрнини эгаллашга уринманг. Агар инсон давлат арбоби, ҳукмдор, сиёсатчи, ҳарбий хизматчи бўлса, у давлат ишларида Худонинг ҳукми устивор эканлигини тасдиқлаши лозим. Худди Шри Аржун сингари Худони рози қилиш учун курашиб яшашга ҳаракат қилинг. Буюк жангчи Аржун аввалига жангда иштирок этишдан бош тортганди, аммо Парвардигор уни жанг қилиш шарт эканига ишонтиргандан кейин, Шри Аржун ўзининг қарорини ўзгартириб, Парвардигорни мамнун қилиш учун жанг қила бошлади. Худди шундай, агар одам бизнесмен, фабрикант, ер эгаси бўлса, у ишлаб топган пулларини Худони рози қилиш йўлида сарфлаши лозим. Ҳамиша эсингизда бўлсинки, сиз тўплаган пулларнинг хаммаси аслида Худонинг мулки, Худонинг бойлиги ҳисобланади. Одатда, бойлик, мол-дунёни - равнақ фариштаси (Лакшми) деб атайдилар, Парвардигор, Нарайана эса - Лакшмининг ҳукмдори, эри бўлади. Лакшми (бойлик)ни Нарайанага хизмат қилиш билан машғул қилишга ҳаракат қилинг, шунда сиз ҳам бахтли бўласиз. Шундай қилиб, моддий ҳаётнинг ҳар қандай соҳасида ҳам Парвардигорни англаб етиш мумкин. Лекин, бунинг энг яхши йўли - ҳар қандай моддий фаолиятни тарк этиб, ўзининг ҳаётини ишонарли манбалардан Парвардигорнинг илоҳий кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглашга бағишлашдан иборат. Аммо, агар киши бундай имкониятга эга бўлмаса - ўзи боғланиб қолган нарсаларнинг ҳаммасидан фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида фойдаланишга ҳаракат қилиб яшаши лозим, мана шу - ҳаётда тинчлик ва осойишталикка эришишнинг ягона йўли ҳисобланади. Бу шеърда *самсучитам* ибораси ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шри Нарада Мунидаги руҳий ўзлигини, Худони англаб етиш ҳолати унинг ёш болаларга хос бўлган хом-хаёли оқибатида юзага келган деган фикрга бормаслик керак. Бу мутлақо ундай эмас. Унинг онгида рўй берган илоҳий ҳолатни тажрибали, билимдон донишмандлар ҳам ҳис қиладилар, *самсучитам* иборасининг асосий мазмунини шундан иборат.

33. Эй мўътабар зот, ахир, хасталикка сабаб бўлган нарсанинг ўзи, агар дори сифатида қўлланилса хасталикдан қутулишга олиб келмайдими?

Изоҳ: Тажрибали табиб касалга чалинган беморларни парҳез ёрдами билан даволайди. Масалан, одатда суг маҳсулотлари истеъмол

килган одамнинг ошқозони оғрий бошлайди, лекин беморни бу касалдан сутдан таёрланадиган қатикқа маълум бир дориларни кўшиб ичириш билан даволайдилар. Худди шундай, фақат моддий фаолиятнинг ўзи инсонни бу дунёдаги уч турли азоб-уқубатлардан халос эта олмайди. Худди оловда қиздирилган темир ҳам қаттиқ кизиб оловдай куйдира болагани сингари, моддий фаолиятни ҳам руҳий фаолиятга айлантириш лозим. Худди шундай, моддий нарсалардан Худога садоқат билан хизмат қилишда фойдалана бошлаган захоти, улар ҳақидаги моддий тасаввурлар ҳам ўзгариб кетади. Руҳий юксалиш йўлида муваффақиятга эришишнинг сири мана шунда. Моддий табиат устидан ҳукмрон бўлишга ҳам, моддий нарсаларни инкор этишга ҳам уриниб юришнинг ҳожати йўқ. Яхшиси, ноқулай вазиятдан самарали фойдаланишга ҳаракат қилиш - ҳамма нарсани Худога садоқат билан хизмат қилишда ишлатиш керак. Ҳамма нарса Олий Руҳнинг эманацияларидир, У Ўзининг англаб бўлмас ҳукми билан моддани руҳга, руҳни моддага айлантира олади. Шундай экан, бизга моддий бўлиб кўринган нарсалар Парвардигорнинг олий ҳукми билан дарров руҳий қувватга айланади. Лекин, бунинг ягона шарт шундан иборатки, моддий нарсалардан руҳга хизмат қилишда фойдаланиш лозим. Ҳаётда моддийлик иллатларидан кутулишнинг йўли шундан иборат, шу йўлдан бориб ҳар бир инсон на азоб-уқубат, на мусибат, на кўрқув бўлмаган руҳий поғонага кўтарилиши мумкин. Ҳамма нарсдан фақат Худога садоқат билан хизмат қилишда фойдалана бошлаганимизда биз аслида Олий Браҳмандан бошқа бирор нарса йўқлигини яққол ҳис қила бошлаймиз. Шу тарзда инсон "Ҳамма нарса - Браҳман" деган ведавий мантранинг мазмунини тушуниб олади.

34. Худди шунингдек, агар инсон ўзининг бутун фаолиятини Худога холис хизмат қилишга бағишласа, унинг бу дунёда мангу тутқун бўлишига сабаб бўлаётган ўша фаолияти энди унинг тақдир дарахтини илдизи билан чопиб ташлайди.

Изоҳ: Тирик мавжудотнинг бу дунёда ҳамиша машғул бўлиб юрган кармали фаолияти «Бхагавад-гита»да банйан дарахтига қиёсланган, чунки у ҳақиқатан ҳам ўзининг илдизлари билан ерга жуда чуқур сингиб кетган бўлади. Токи тирик мавжудотнинг табиатида ўз меҳнатининг натижаларидан лаззатланиш истаги мавжуд экан, у қандай фаолият билан шуғулланиб юрганига қараб, бир жойдан иккинчи жойга, бир танадан иккинчи танага ўтиб юришга мажбур бўлади. Лаззатланишга бўлган интилиш туйғусини Худога садоқат билан хизмат қилиш истагига айлантириш мумкин. Шунда инсоннинг машғул бўлиб юрган кармали фаолияти *карма-йога* жараёнига айланади,

яъни, у шундай йўл билан, ўзининг табиатига хос бўлган аввалгидай фаолият билан шуғулланиб юриб ҳам руҳий баркамолликка эриша олади. Бу ерда ишлатилган *атма* ибораси кармали фаолиятнинг ҳамма тури назарда тутилганини билдиради. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳар қандай кармали ёки бошқа бирор фаолиятнинг натижаси Худога садоқат билан хизмат қилиш билан боғланганида бундай фаолият инсон учун янги карма олиб келмай қўяди ва аста-секин илоҳий табиатга эга бўлган Худога садоқат билан хизмат қилиш фаолиятига айланади. Бундай фаолият эса, инсоннинг аввалги фаолияти натижасида юзага келган тақдир(банйан) дарахтининг илдизини чопиб ташлабгина қолмасдан, Худога шундай хизмат қилиш билан машғул инсонни Парвардигорнинг нилуфар кадамлари пойига эриштиради.

Бу фикрлардан яқуний хулоса чиқариб шуни айтиш мумкинки, инсон энг аввало, фақат Веданта илмини яхши биладиган эмас, балки руҳий ўзлигини англаб олган ҳамда Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Шри Кришнанинг бенуксон асл содиқ хизматкорлари бўлган инсонлар даврасини излаши лозим. Улар билан ҳамсуҳбат бўлиб ҳали тажрибага эга бўлмаган содиқ ҳеч қандай шарт қўймасдан, танаси ва акли ёрдамида Худога илоҳий садоқат билан хизмат қила бошлаши лозим. Ундаги ана шундай интилиш буюк содиқларнинг қалбида унга нисбатан меҳрибонлик қилиш, унга ўзларининг чексиз марҳаматини кўрсатиш туйғусини уйғотади, бу эса ўз навбатида, содиққа асл содиқ хизматкорларнинг барча илоҳий фазилатларига эга бўлиш имконини беради. Аста-секин бундай фаолият Парвардигорнинг илоҳий кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглашга бўлган кучли иштиёққа айланади, бу эса содиққа кўпол ва нафис таналарнинг ҳақиқий ҳолатини англаш, шунингдек соф рух ҳақида, унинг Олий Рух, Худонинг Олий Шахси билан мангу муносабатлари ҳақида мукамал илм олиш имконини беради. Рух ўзининг Парвардигор билан ўзаро мангу муносабатларини билиб, уларни қайта тиклаб олганида, Худога соф садоқат билан хизмат қилиш жараёни бошланади, бу жараён шахсиятсиз Браҳман ва Параматма ҳақидаги илмдан устун турадиган, Худонинг Олий Шахси ҳақидаги мукамал илмга эга бўлишга олиб келади. «Бхагавад-гита»да айтилганидай, ана шундай *пурушоттама-йога* билан шуғулланиш ёрдамида инсон ҳатто ҳозирги моддий танасида яшаб юриб ҳам руҳий баркамолликка эришади ва ўзида Парвардигорнинг барча ижобий фазилатларини энг юқори даражада намоён эта бошлайди. Худонинг асл содиқ хизматкорлари билан ҳамсуҳбат бўлиб юрган киши шу тарзда аста-секин руҳий жиҳатдан юксала боради.

35. Худонинг бу дунёдаги мақсадини амалга ошириш ниятида инсоннинг амалга ошираётган ҳар қандай фаолияти бхакти-йога, яъни Худога муҳаббат ва садоқат билан илоҳий хизмат қилиш деб аталади. Илм эса, бунга ёрдам берувчи восита бўлиб хизмат қилади.

Изоҳ: Муқаддас китобларда кўрсатилган қонун-қоидаларга риоя қилган ҳолда кармали фаолият билан машғул бўлиб, инсон руҳий баркамолликка эришиш учун зарур бўлган илоҳий илмга эга бўла олади, деган фикрлар ҳам бор. Баъзилар бхакти-йогани кармали фаолиятнинг бир тури деб ҳам айтадилар. Лекин аслида, *бхакти-йога* кармадан ҳам, ғйанадан ҳам устун туради. *Бхакти-йога ғйана* ва кармага боғлиқ эмас, аксинча, *ғйана* ва *карма* *бхакти-йога*га боғлиқ, унга бўйсунган ҳолатда. Шри Нарада Муни мана шу *крийа-йогани*, яъни карма-йогани Шрила Вйасадевага қаттиқ тавсия қилаётганининг боиси шундаки, унинг асосини Худони мамнун қилиш ташкил этади. Парвардигор Ўзининг болалари - тирик мавжудотларнинг моддий оламда уч турли азоб-уқубатларга дучор бўлиб, қийналиб юришларини истамайди. У Ўз фарзандларининг ҳаммаси Унинг олдига қайтиб бориб, У билан бирга яшашини истайди, аммо Худонинг даргоҳига қайтиб бориш учун инсон ўзини моддий иллатлардан поклаши лозим. Шундай қилиб, Худони мамнун қилиш мақсадида кўрсатиладиган фаолият билан машғул бўлиб юриб, инсон ўзининг қалбидаги дунёвий нарсаларга бўлган боғланиш туйғусидан аста-секин халос бўла бошлайди. Бундай покланишнинг моҳияти шундан иборатки, у илоҳий илмга эга бўлади. Шундай қилиб, илм кармага, Худони рози қилиш учун кўрсатиладиган фаолиятга боғлиқ. Таркибида *бхакти-йога*, яъни Худони рози қилиш истаги бўлмаган бошқа ҳеч қандай илм инсонни Худонинг даргоҳига эриштиришга қодир эмас. Демак, ундай илм инсонга ҳатто руҳий озодликка чиқаришга ҳам қодир эмас; бу *найшкармайам апй ачйута-бхава вараджитам* шеърига берилган изоҳда ҳам тушунтирилган эди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Худога соф садоқат билан хизмат қилиш билан машғул бўлиб юрган содиқ хизматкор, айниқса у Парвардигорнинг илоҳий кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаб, уларни шарафлаб-қуйлаб юрган бўлса, Худонинг илоҳий марҳамати билан у руҳий баркамолликка эришади, бу ҳақиқат «Бхагавад-гита»да ҳам тасдиқланади.

36. Инсон ҳаётда Олий Худо Шахси Шри Кришнанинг кўрсатмалари асосида ўз бурчини мукамал бажариб яшар экан, у ҳамиша Худони, Унинг номларини, сифатларини эслаб юради.

Изоҳ: Худонинг тажрибали содиқ хизматкори ўзининг ҳаётини, турмуш тарзини шундай ташкил эта оладики, унда ўзининг ҳозирги ёки келгуси ҳаёти билан боғлиқ бўлган барча вазифаларини бажариб юриш билан бир вақтда у ҳамиша Парвардигорнинг муқаддас номларини, шон-шуҳратини, сифатларини ва Худо билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсаларни эслаб юриш имкониятига эга бўлади. Худонинг кўрсатмалари «Бхагавад-гита»да аниқ баён этилган: инсон ҳаётда ҳар қандай фаолиятни фақат Парвардигорни мамнун қилиш учун амалга ошириши лозим. Инсон ҳаётининг барча соҳаларида Парвардигор асосий ҳукмдор ўрнини эгаллаши лозим. Ведаларда кўрсатилган, ҳатто Индра, Брахма, Сарасвати, Ганеша сингари баъзи бир фаришталарга сиғиниш маросимларида ҳам, ҳар қандай шароитда ҳам албатта ана шу қурбонлик маросимларини бошқарувчи яйешваранинг, Парвардигор Вишнунинг иштирок этиши назарда тутилади. Бирор аниқ дунёвий мақсадга эришиш учун Ведаларда белгиланган маълум бир фариштага сиғиниш тавсия қилинади, лекин шунга қарамай, сиғиниш маросими тўғри ўтказилиши учун унда албатта Парвардигор Вишну иштирок этиши шарт.

Ведавий муқаддас китобларда кўрсатилган ана шундай вазифалардан ташқари, ҳатто ўзимизнинг кундалик ҳаётимизда ҳам биз шуни назарда тутишимиз лозимки, ҳар қандай фаолиятимизнинг натижаларини олий лаззатланувчига, Парвардигор Шри Кришнага тақдим этишимиз лозим. «Бхагавад-гита»да Парвардигор очиқ айтиб қўйганки, У - бутун борликдаги ягона, олий лаззатланувчи, барча сайёраларнинг ягона эгаси ва барча тирик мавжудотларнинг энг яқин дўсти. Парвардигор Шри Кришнадан бошқа бирор зот "бутун борликдаги ҳамма нарса меники" деб даъво қилишга қодир эмас. Худонинг асл содиқ хизматкори ҳамиша шуни эсида сақлайди ва ана шундай онг билан ҳамиша Парвардигорнинг илоҳий номларини зикр қилиб, Унинг шон-шуҳратини ва сифатларини шарафлаб қуйлаб юради, демак у ҳамиша Парвардигор билан боғланиб юрган бўлади. Парвардигор Ўзининг муқаддас номидан, шон-шуҳрати ва бошқа нарсаларидан фарқ қилмайди, шу боис, ҳамиша Унинг муқаддас номлари, сифатлари ва У билан боғлиқ бўлган нарсалар билан боғланиб юриш - ҳамиша Парвардигорнинг Ўзи билан боғланиб юриш демакдир.

Биз ҳалол ишлаб топган даромадимизнинг ярмидан кўп қисмини Парвардигор Кришнанинг кўрсатмаларини бажаришга сарфлашимиз лозим. Биз бу ишга фақат ўз даромадимизни берибгина қўймасдан, бошқаларни ҳам Худога садоқат билан хизмат қилишга ўргатишимиз лозим, чунки бу ҳам Парвардигорнинг кўрсатмаларидан бири ҳисобланади. «Бхагавад-гита»да Парвардигор аниқ эълон қилиб қўйганки, Унинг учун бу дунёда

бутун жаҳон бўйлаб Унинг муқаддас номларини ва шон-шухратини тарқатиб юрган содиқдан ҳам азизроқ зот йўқ. Моддий оламдаги илмий кашфиётлардан ҳам Парвардигорнинг амрини бажаришда фойдаланиш мумкин. Парвардигор «Бхагавад-гита»нинг таълимоти Унинг содиқ хизматкорлари орасида кенг тарқалишини истади. Албатта, ҳали ўзларининг таркидунёлиги, хайр-эҳсонлари, билимдонлиги билан бунга муносиб бўлмаган одамлар орасида бу илмни тарқатиш шарт эмас. Шу боис биз биринчи навбатда, ўз хоҳиши билан Кришнанинг содиқ хизматкори бўлишни истамайдиган одамларни Худонинг содиқларига айлантириш йўлидаги ҳаракатларимизни тарқ этмаслигимиз лозим. Бу ишни амалга ошириш учун Парвардигор Чаитанья бизга жуда осон йўлни кўрсатиб кетган. У бизга Парвардигорнинг илоҳий хабарини одамларга етказишнинг куйлаш, рақсга тушиш ва прасад билан меҳмон қилиш ёрдамида амалга ошириш усулини ўргатиб кетган. Биз топган даромадимизнинг эллик фоизини шундай хайрли ишларга сарфлашимиз мумкин. Ҳозирги ҳар хил низолар ва қарама-қаршиликлар даврида, Парвардигор Шри Чаитанья Махапрабху ўргатганидай, ҳатто фақат жамият раҳбарлари ва бадавлат одамлар ўз даромадининг ярмисини Худога хизмат қилишга сарфласалар ҳам, ҳеч қандай шубҳа йўқки, ҳозирги даврда иймонсиз иблисларга тўлиб кетган дўзахдай бўлиб қолган Ер сайёраси ҳам Парвардигорнинг илоҳий даргоҳига айланади. Ёқимли кўшиқлар куйланадиган, чиройли рақслар ижро этиладиган ва ширин-ширин таомлар билан меҳмон қилинадиган жойларга келишдан ҳеч ким бош тортмайди. Бундай маросимларда ҳамма иштирок этади, унда ҳақиқатан Парвардигорнинг Шахсан Ўзи илоҳий кўринишда иштирок этаётганини ҳар бир одамнинг ўзи яққол ҳис қилади. Мана шунинг ўзиёқ одамларга Парвардигор билан бевосита алоқа ўрнатиш ва руҳий ўзлигини англаш жараёнида покланиш имконини беради. Ана шундай руҳий фаолиятда муваффақият қозониш учун бажариш лозим бўлган ягона шарт - ҳар қандай дунёвий истаклардан бутунлай покланган, дунёвий фаолият билан шуғулланишни бутунлай тарқ этган ва Парвардигорнинг табиати ҳақида ҳар хил қуруқ сафсаталар билан шуғулланмайдиган Худонинг асл содиқ хизматкори раҳбарлиги остида ҳаракат қилиш керак. Парвардигорнинг табиатини "кашф қилиш"нинг ҳожати йўқ. Парвардигорнинг табиатини Унинг Ўзи асосан «Бхагавад-гита»да, шунингдек бошқа ведавий муқаддас китобларда аниқ таърифлаб қўйган. Биз шунчаки ана шу муқаддас китоблардаги маълумотларни шубҳаю-гумонларсиз қабул қилишимиз ва улардаги кўрсатмаларга амал қилиб яшашимиз лозим. Бу бизни руҳий баркамоллик йўлига олиб чиқади. Инсон ўзининг ҳозир эгаллаб турган мавқеини, турмуш-тарзини ўзгартириб

юришининг ҳожати йўқ. Айниқса, ҳар хил қийинчиликлар мавжуд бўлган ҳозирги даврда одам ўзининг турмушини ўзгартириши шарт эмас. Ягона шарт шундан иборатки, асосий мақсади Парвардигор билан қўшилиб кетиш бўлган ҳар хил фикр-мулоҳазаларга берилмаслик керак. Димоғдорлик, манманлик ва мағрурлик иллатларидан халос бўлиб, инсон камтарин ҳолда, сифатлари юқорида санаб ўтилган Худонинг асл содиқ хизматкорининг оғзидан чиқаётган Парвардигорнинг «Бхагавад-гита» ва "Шримад Бхагаватам"да инсонлар учун берилган кўрсатмаларига амал қилиб яшаши мумкин. Шунда руҳий юксалиш йўлида у албатта муваффақиятга эришади.

37. Шундай экан, Васудевани, Унинг тўлиқ намоён бўлган кўринишлари - Прадйумна, Анируддха ва Санкаршаналарни олқишлаб, ҳамду-санолар айтиб Уларнинг шон-шухратини шарафлаб куйлайлик.

Изоҳ: "Панчаратра" таълимотига кўра, Парвардигорнинг барча экспансияларининг - Васудева, Санкаршана, Прадйумна ва Анируддхаларнинг бошланғич манбаи Нарайана ҳисобланади. Бу тўрт илоҳ қуйидаги кўринишда жойлашган: Васудева ва Санкаршан ўртада, чап ва ўнгда туради, Прадйумна Санкаршанадан ўнгда, Анируддха эса Васудевадан чапда. Уларни Парвардигор Шри Кришнанинг тўрт адютанти(ёрдамчиси) деб атайдилар.

Бу шеър *омкара* пранавадан бошланадиган ведавий мадхия, мантра ҳисобланади. Мантранинг асосини илоҳий табиатли товушлар тизими ташкил этади: *ом намо дхимахи* ва ҳоказо.

Бу шеърнинг мазмуни шундан иборатки, хоҳ кармали фаолият соҳасида бўлсин, хоҳ эмпирик фалсафа соҳасида бўлсин, агар охир-оқибатда Худонинг Олий Шахсининг илоҳий табиатини англаб етишга қаратилмаган бўлса, ҳар қандай фаолият мутлақо бефойда, бемаъни амал ҳисобланади. Шу боис Народа Муни, Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида Парвардигор билан яқин муносабатлар ўрнатиш бўйича ўзининг олган ҳаёт тажрибасига асосланган ҳолда, Худога соф садоқат билан хизмат қилиш жараёнининг табиатини тушунтириб берапти. Парвардигорга бўлган ана шундай илоҳий садоқат ривожлана бориб, *према* деб аталадиган, Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишда энг юқори поғонага кўтарилади, бу поғона *раса* деб аталадиган ҳар хил илоҳий кўринишларда намоён бўла бошлайди. Худога шундай садоқат билан хизмат қилиш аралаш кўринишда бўлиши ҳам, яъни кармали фаолият билан ёки эмпирик фалсафий фикрлар билан аралашган бўлиши ҳам мумкин.

Бу ерда Шаунака бошлиқ буюк ришиларнинг Сута Госвами ўз руҳий устози ёрдамида эришган

энг нодир муваффақиятлар ҳақидаги саволларига жавоб бериляпти. Бу саволга жавоб ўттиз уч харфдан иборат бўлган ведавий мантра кўринишида бериляпти. Бу мантра тўрт Илоҳга - Парвардигор ва Унинг тўлиқ экспансияларига қаратилган. Уларнинг марказида Шри Кришна турибди, чунки Унинг тўлиқ қисмлари Унинг ёрдамчилари ҳисобланади. Бу кўрсатма, маслаҳатнинг энг муҳим, сирли қисми шундан иборатки, инсон ҳамisha Шри Кришнани, Худонинг Олий Шахсини ҳамда Васудева, Санкаршана, Прадйумна ва Анируддха кўринишидаги Унинг ҳар хил тўлиқ экспансияларини эслаб юриши ва Унинг улуғворлигини шарафлаб қуйлаши лозим. Мана шу экспансиялар бошқа барча ҳақиқатларнинг бошланғич манбаи ҳисобланади.

38. Шундай қилиб, Олий Худо Шахси, Парвардигор Вишнунинг моддий шаклга эга бўлмаган илоҳий товуш қиёфасига сиғиниб юрган киши Ҳақиқатни кўра билган инсондир.

Изоҳ: Бизнинг ҳозирги сезгиларимиз моддий унсурлардан таркиб топган, шу боис улар ёрдамида Парвардигор Вишнунинг илоҳий қиёфасини мукамал равишда англаб етишнинг иложи йўқ. Шунинг учун мантраларни талаффуз қилишнинг илоҳий усули ёрдамида Унинг товуш қиёфасига сиғинадилар. Бизларнинг мукамал бўлмаган сезгиларимизнинг сезиш чегарасидан ташқарида бўлган ҳамма нарса товуш орқали тўлиқ билиб олиш мумкин. Жуда узокда, бизга кўринмай турган одамнинг ҳақиқатан ҳам мавжудлигига унинг овози орқали ишонч ҳосил қилиш мумкин. Агар бундай ҳолат ҳатто моддий соҳада ҳам мумкин бўлса, нимага бундай тажриба руҳий фаолиятда мумкин бўлмасин? Бу ерда гап қандайдир мавҳум, шахсиятсиз нарса ҳақида бораётгани йўқ. Бу - илм ва лаззатга тўла мангу қиёфага эга бўлган, илоҳий табиатли Худонинг Олий Шахсининг мавжудлиги ҳақида боряпти.

"Амарокаша" деб аталадиган санскрит луғатида *мурти* ибораси икки маънони билдириши кўрсатилган: "қиёфа" ва "қийинчилик". Шу боис Ачарйа Шри Вишванатха Чакраварти Тхакур *амуртикам* ибораси "ҳеч қийналмасдан", "қийинчиликларсиз" деган маънони англатади деб тушунтиради. Биз ўзимизнинг мангу лаззат ва илмни англай олишга қодир бўлган бошланғич, табиий руҳий сезгиларимизни муқаддас мантраларни ёки илоҳий товушлар қиёфасини зикр қилиш ёрдамида жонлантира оламиз. Мана шу илоҳий товушларни инсон ҳақиқий руҳий устоздан олиши ва уларни унинг кўрсатмаларига амал қилиб зикр қилиши лозим. Шунда биз аста-секин Парвардигорга яқинлаша борамиз. *Панчаратрика* тизимида мана шу усул тан олинган ва ишонарли усул ҳисобланади. *Панчаратрика* тизими илоҳий Парвардигорга

садоқат билан хизмат қилиш жараёнининг ишонарли қонун-қоидалари мажмуи сифатида тан олинган. Ана шу қонун-қоидаларга амал қилмасдан инсон Парвардигорга яқинлаша олмайди, албатта, куруқ фалсафий фикрлашлар бунда ҳеч қандай ёрдам бера олмайди. *Панчаратрика* тизими бир вақтнинг ўзида ҳам қулай ва биз яшаётган ҳозирги жанжал ва низолар даврига тўла мос келади. Ҳозирги даврда "Панчаратрика" қоидаларига риоя қилиб яшаш "Веданта-сутра"ни ўрганишдан муҳимроқ.

39. Эй брахман, шундай қилиб, Олий Худо Шахси, Парвардигор Кришна аввалига менга Ведаларнинг нодир бўлимларида баён этилган Парвардигор ҳақидаги илоҳий илмни, кейин илоҳий бойликни ва ниҳоят, бевосита Унинг Ўзига муҳаббат билан хизмат қилиш бахтини ато этди.

Изоҳ: Парвардигор билан илоҳий табиатли товуш тебранишлари ёрдамида боғланиш руҳий тўла бутун Зот - Парвардигор Шри Кришнадан фарқ қилмайди. Мана шу Парвардигорга мурожаат қилишнинг энг мукамал усулидир. Парвардигор билан ана шундай соф ҳолда боғланиш, агар бу боғланиш ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлар сабабли юзага келадиган ўн турли ҳақорат билан булганмаган бўлса, содиқ хизматкорни ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлар поғонасидан юқори кўтариб, унга ведавий муқаддас китобларнинг чуқур маъносини, шу жумладан Парвардигорнинг илоҳий салтанатидаги борлиғи(ҳаёти)ни ҳам тушуниб олишига ёрдам беради. Руҳий устозига ва Парвардигорга шубҳасиз тўлиқ ишонадиган содиқ хизматкорга Парвардигор Ўзини аста-секин намоён эта бошлайди. Шундан кейин Парвардигор содиқ хизматкорга саккиз турли сеҳр қудратини ато этади. Аммо, энг нодир, энг қадрли ютуқ - Парвардигорнинг яқин ҳамроҳлари сафига кириш имкониятига эга бўлиш ва руҳий устоз раҳбарлиги остида Унга қандайдир алоҳида хизмат тури билан машғул бўлишдан иборат. Худонинг асл содиқ хизматкорини ўзида мудроқ ҳолда мавжуд бўлган қандайдир мўжизавий сеҳрли қудратларини бошқаларга намойиш қилишдан кўра, Парвардигорга бевосита хизмат қилиш кўпроқ қизиқтиради. Шри Нарада Муни буни ўзининг ҳаёт тажрибасига асосланган ҳолда тушунтириб берапти. Шундай қилиб, Парвардигорнинг товуш кўринишидаги қиёфасини шарафлаб қуйлаш жараёнини ривожлантира бориб, инсон аста-секин Шри Нарада Муни эга бўлган имкониятга эга бўла боради. Бу йўл ҳамма учун бир хилда очик, бунинг учун фақат илоҳий товушлар Нарада Мунининг ҳақиқий вакилидан, яъни парампарага, шогирдлар силсиласига мансуб бўлган ҳақиқий руҳий устоздан олинса бас.

40. Шу боис марҳамат қилиб, Ведаларни ҳар томонлама ўрганиш натижасида ўзинг билиб олган, бениҳоя қудрат соҳиби бўлган Худо Шахсининг, ҳар нарсага қодир ягона Парвардигорнинг қилган ишларини ҳар томонлама таърифлаб ёз. Шунда сенинг бу асаринг барча буюк олимларнинг талабини ҳам қаноатлантиради, айти пайтда, бу дунёдаги моддий азоб-уқубатлар туфайли оғир мусибат чекаётган кўплаб оддий одамларнинг мушкулани ҳам осонлаштиради. Ҳақиқатан ҳам, бу дунёда азоб-уқубатлардан қутулишнинг бошқа йўли йўқ".

Изоҳ: Ўзининг шахсий тажрибасидан хулоса чиқариб, Шри Нарада Муни айтадики, моддий фаолият соҳасидаги барча муаммоларни ҳал қилишнинг энг яхши усули Худонинг Олий Шахси, ягона Парвардигорнинг илоҳий шон-шухратини кенг тарқатишдан иборат. Такводор одамларнинг ҳам, иймонсиз одамларнинг ҳам тўрт тури бор. Такводор одамлар ҳар нарсага қодир бўлган Парвардигорнинг ҳукмронлигини тан оладилар, шу боис, 1) қийин аҳволга тушиб қолганда, 2) пулга муҳтож бўлганларида, 3) чуқур илмга эга бўлишни истаганларида ва 4) Худо ҳақида яна ҳам кўпроқ илмга эга бўлганларида улар табиий равишда фақат Парвардигорнинг Ўзидан паноҳ излай бошлайдилар. Шунинг учун Нарада Муни Вйасадевага ўзи эга бўлган бепоён илмдан фойдаланиб бутун оламга Худо ҳақидаги илоҳий илмни тарқатишни маслаҳат берапти.

Иймонсиз одамлар ҳам тўрт тоифага бўлинадилар: 1) тобора тараққийлашиб бораётган кармали фаолиятга муккасидан кетиб машғул бўлиб юрган ва шунга мос равишда мусибат чекиб юрганлар; 2) ўз хиссиётини лаззатлантириш учун гуноҳ ишлар қилиб юрган ва улар оқибатида мусибат чекиб юрганлар; 3) моддий илмни чуқур эгаллаган, аммо ҳар нарсага қодир Парвардигорнинг ҳукмронлигини тан олишга фаросати етишмайдиганлар; 4) атеист(дахрий)лар, яъни ҳатто бу дунёда шунча қийналиб юрган бўлишларига қарамай, онгли равишда Худонинг ҳатто номини ҳам тинглашни ёқтирмайдиган, Унга бутунлай қарши чиқадиган худбин одамлар.

Шри Нарада Муни Шрила Вйасадевага ана шу саккиз тоифа - ҳам такводор, ҳам иймонсиз одамларнинг барчасининг бахт-саодатга эришиши ҳақида қайғуриб Парвардигорнинг шон-шухратини таърифлаб ёзишни маслаҳат берди. Шундай қилиб, "Шримад Бхагаватам" қандайдир бир диний оқим ёки бирор табақага мансуб одамлар учун эмас, балки бутун жаҳондаги ҳақиқий бахт-саодатга ва ақлининг хотиржамлигига эришишга самимий интилиб юрган ҳар бир инсон учун мўлжалланган илоҳий табиатли муқаддас китобдир.

"Шримад Бхагаватам"нинг Биринчи Қўшиғининг "Нарада Мунининг Вйасадевага "Шримад Бхагаватам"ни ёзиш бўйича берган насиҳатлари" деб аталадиган бешинчи бобига Бҳактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.

Олтинчи боб.

Нараданинг Вйасадева билан суҳбати

1. Сута Госвами шундай деди: - Эй брахманлар, Шри Нараданинг туғилиши ва кўрсатган кароматлари ҳақида тинглаб туриб, Сатйаватининг ўғли, Парвардигорнинг тўлиқ намоён бўлган қиёфаси Вйасадева унга саволлар билан мурожаат қила бошлади.

Изоҳ: Вйасадева табиатан қизиқувчан зот эди, шу боис Нарада Мунининг комил фазилатлари ҳақида кўпроқ билиб олишга интиларди. Бу бобда Нарада Муни ўзининг Парвардигордан айрилиб қолгани ҳақидаги илоҳий ўйларга чуқур ғарқ бўлиб юриб, бу ҳижрон азоби чидаб бўлмас даражага етган пайтида қандай қилиб У билан қисқа фурсатга дийдор кўришгани ҳақида гапириб беради.

2. Шри Вйасадева шундай деди: "Ҳозирги ҳаётинг бошланмасдан олдин, сенга илоҳий илм сирларини ўргатган донишмандлар кетгандан кейин сен қандай ишлар билан машғул бўлдинг?"

Изоҳ: Вйасадева Шри Нарада Мунининг шогирди эди, шу боис табиий равишда у Нарада Муни руҳий устозларидан руҳий ҳаётга фотиҳа олгандан кейин нима ишлар билан машғул бўлганини билишга интиляпти. Руҳий баркамолликнинг шундай поғонасига эришиш учун унинг ўзи ҳам Нарада Мунининг изидан боришни истарди. Руҳий устозга саволлар бериш истаги - руҳий юксалиш йўлида энг муҳим шартлардан биридир. Бу усулни таърифлаш учун санскрит тилида алоҳида ибора ишлатилади: *сад-дхарма-приччха*.

3. Эй брахманнинг ўғли, фотиҳа олгандан кейинги умринг қандай ўтди, вақти келиб кексайган танангни тарк этгандан кейин, сен қандай қилиб ҳозирги танангга эга бўлдинг?"

Изоҳ: Аввалги ҳаётида Шри Нарада Муни оддий чўри аёлнинг ўғли эди, шу боис қандай қилиб у ҳозир илм ва лаззатга тўла бўлган мангу мукамал руҳий танага эга бўлганини билиб олиш жуда муҳим. Ҳамманинг қалбида мавжуд бўлган ана шу қизиқиш туйғусини қондириш учун Шри Вйасадева ундан шу ҳақда гапириб беришни илтимос қиляпти.

4. Эй буюк донишманд, вақт ўтиши билан замона зайли ҳамма нарсани емириб яксон қилиб юборади. Брахманинг ҳозирги куни бошланмасидан аввалги замонда бўлиб ўтган бу воқеалар, замон таъсирига учрамасдан, орадан шунча вақт ўтган бўлишига қарамай, қандай қилиб сенинг хотирангда аниқ сақланиб қолган?

Изоҳ: Моддий танани ўлдириш билан унинг ичидаги мангу руҳни ўлдириб бўлмаганидай, руҳий онгни ҳам яксон қилиб бўлмайди. Шри Нарада Мунининг руҳий онги аввалги калпада, ҳали унинг моддий танаси мавжуд бўлган пайтда шаклланган эди. Моддий тананинг онги аслида моддий тана воситасида ўзини намоеън этадиган руҳий онгдир. Бу - онгнинг паст тури бўлиб, у булганган, яксон бўлишга маҳкум бўлган ўткинчи онг. Аммо руҳий танадаги олий ақлнинг олий онги - худди руҳий табиатга эга бўлган жон, руҳ сингари ҳеч қачон яксон бўлмайди.

5. Шри Нарада шундай деб жавоб берди: - Менга илоҳий нарсалар ҳақида мукамал илм ўргатган донишмандлар вақти келиб ўз йўлларида давом этдилар, мен эса қолган ҳаётимни шундай ўтказа бошладим.

Изоҳ: Ўзининг аввалги ҳаётида буюк донишмандларнинг марҳамати билан Шри Нарада Муни руҳий илмга эга бўлганида, ҳали энди атиги беш ёшга тўлган болакай бўлишига қарамай, унинг ҳаёти бутунлай ўзгариб кетди. Руҳий ҳаётнинг ана шундай муҳим аломати инсонда у ҳақиқий руҳий устоздан фотиҳа олгандан кейин намоеън бўлади. Худонинг ҳақиқий содиқлари билан самимий ҳамсуҳбат бўлиш инсон ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборади ва уни ўзининг аслида ким эканини, руҳий ўзлигини англаб етишга олиб келади. Руҳий ўзликни англаш Шри Нарада Мунининг аввалги ҳаётига қанчалик таъсир кўрсатгани кейинги шеърда таърифланади.

6. Мен онамнинг - чўри бўлиб юрган оддий аёлнинг ёлғиз фарзанди эдим. Яккаю-ёлғиз арзандасидан бошқа бирор овунчоғи, у ғамхўрлик қилиши мумкин бўлган бирор зот бўлмаганидан, у меҳр-муҳаббат ришталари билан менга қаттиқ боғланиб қолган эди.

7. У менинг ҳаётимни барча зарур нарсалар билан таъминлашни истар, аммо ўзи бировга қарам бўлгани учун ноилож, қўлидан ҳеч нарса келмасди. Худди саҳнадаги масхарабознинг қўлида ўйнаётган қўғирчоқлар сингари, бутун борлиқ, дунёдаги мавжудотларнинг ҳаммаси бутунлай Олий Ҳукмдорнинг, ягона Парвардигорнинг назорати остида ҳаракат қиладилар.

8. Беш ёшга тўлган пайтимда мен брахманлар мактабида яшардим. Мен бутунлай онамнинг меҳрига боғланиб қолган ва дунёдаги бошқа жойлар ҳақида умуман ҳеч нарса билмас эдим.

9. Бир куни кечқурун, онам бечора сизир соғиш учун уйдан чиққан пайтида, Замона ҳукмига бўйсуниб, захарли илон унинг оёғидан чақиб олди ва онам оламдан ўтди.

10. Мен бу ходисани, Ўзининг содиқларига ҳамиша фақат яхшиликни раво кўрадиган Парвардигорнинг менга кўрсатган алоҳида марҳамати деб қабул қилдим ва шундай фикру-ҳаёллар билан шимолга қараб йўл олдим.

Изоҳ: Парвардигорнинг яқин хизматкорлари ҳаётда учрайдиган ҳар қандай ходисани ҳамиша ўзларига фақат яхшиликни раво кўрадиган Худонинг хоҳиши деб қабул қиладилар. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурларга кўра ғалати ва мусибат бўлиб кўринган ходисаларни ҳам улар Парвардигорнинг кўрсатаётган алоҳида марҳамати деб қабул қиладилар. Моддий фаровонлик - ўзига хос моддий касаллик ҳисобланади, аммо инсоннинг бу касаллик сабабли юзага келган иситмаси Парвардигорнинг марҳамати билан аста-секин туша бошлайди, шунда инсон ўзининг руҳий соғлом ҳолатига қайтади. Аммо ғафлат ботқоғига ботган дунёвий одамлар буни тўғри тушунишга қодир эмаслар.

11. Мен уйни тарк этиб, гуллаб-яшнаётган пойтахтлардан, шаҳару-қишлоқлардан, чорвачилик фермалари ёнидан, шахталару-водийлардан, шудгору-гулзорлардан, боғлару-бутазорлардан, қалин ўрмонлардан ўтдим.

Изоҳ: Инсоннинг қишлоқ-хўжаликдаги, тоғ-кон саноатидаги, чорвачиликдаги, боғдорчилик ҳамда халқ-хўжалигининг бошқа соҳалардаги фаолияти олам яралишининг аввалги циклида ҳам худди ҳозиргидай кенг кўламли бўлган, бу ҳатто яралишнинг кейинги циклида ҳам шундай бўлиб қолаверади. Орадан юз миллион йиллар ўтади, ўзгармас табиат қонунлари асосида олам яралишининг янги цикли бошланади, коинотнинг тарихи деярли ҳеч қандай ўзгаришларсиз яна қайтадан бошланади. Ҳаётнинг ҳақиқий эҳтиёжларини ўрганиш ўрнига дунёвий олимлар ҳар хил археологик изланишлар билан шуғулланиб, бемаъни баҳсларга бекорга вақтларини кетказиб юрибдилар. Ҳали ёш бола бўлишига қарамай, донишмандлардан руҳий ҳаёт билан шуғулланишга илҳом олгандан кейин, гарчи шаҳар ва қишлоқлар, шахталар ва ҳар хи саноат корхоналари ёнидан ўтган бўлса ҳам, Шри Нарада Муни ҳаётининг бир дақиқа вақтини ҳам иқтисодий тараққиёт, моддий фаровонликка эришишга сарфламади. У бир лаҳза ҳам

тўхтамасдан рухий юксалиш, рухий озодликка эришиш йўлидан борарди. "Шримад Бхагаватам"да бундан юз миллион йиллар аввал бўлиб ўтган воқеалар ҳикоя қилинган. Мазкур шеърда айтилганидай, бу илоҳий асарда инсоният тарихининг фақат энг муҳим лавҳалари ҳақидаги ҳикоялар жамланган.

12. Мен олтин, кумуш, мис конлари мавжуд бўлган тоғ ва адирлардан, сармаст асаларилар ғувиллаб юрган, сайроқи қушлар овозига тўла боғу-роғлардан, булоқ-ховузларда фаришталарга муносиб ажойиб нилуфар гуллари ўсиб ётган чаманзорлардан ўтдим.

13. Ёлғиз ўзим бамбук, қамиш ўсиб ётган бутазор-тиканаклардан ўтдим, ёлғиз одам ўтиши қийин бўлган ғорлардан, қоп-қоронғу, ҳар хил хавф-хатарларга тўла, илон, бойўғли ва чиябўрилар ин қуриб олган қалин ўрмонлар орқали ўтдим.

Изоҳ: Таркидунё қилган сайёҳ авлиё зот(*паривраджачарйа*)нинг бурчи - ўз ақли билан Худога нисбатан чуқур иймон ҳосил қилиш ва одамларга Худонинг хабарини етаказиш мақсадида ёлғиз ҳолда ўрмонлар, тоғлар, шаҳарлар, кишлоқлар ва бошқа жойлар бўйлаб тентираб юриб, Парвардигор яратиб қўйган бу дунёни ҳар томонлама чуқур англаб етишдан иборат. Саннийаси ҳеч кўркмасдан ана шу қийинчиликларни енгиб ўтиши лозим. Биз яшаётган даврда ана шундай кўркмас *саннийаси* намунасини Парвардигор Чаитанья кўрсатиб кетган, У ҳам ҳеч кўркмасдан бир Ўзи марказий Ҳиндистондаги қалин ўрмонлар орқали ўтган ва ҳатто йўлбарслар, айиқлар, илонлар, кийиклар, фил ва шу ўрмонда яшайдиган бошқа йиртқич ҳайвонларга ҳам Худонинг хабарини етказган. Ҳозир биз яшаётган даврда оддий инсонларга саннийаси турмуш тарзини қабул қилиш таъқиқланган. Фақат тарғибот-ташвиқот ишлари билан шуғулланиш учун кийимини алмаштириб юрган одамларнинг ҳаёти ҳақиқий саннийасининг бошланғич, азалий талабларига жавоб бермайди. Саннийаси турмуш тарзини қабул қилган киши ҳар қандай ижтимоий ишларни бутунлай тарк этишга ва умрини фақат Худога хизмат қилишга бағишлашга қасам ичиши лозим. Кийим алмаштириш - шунчаки бир расмиятчиликдан бошқа ҳеч нарса эмас. Парвардигор Чаитанья саннийаси турмуш тарзига ўтиш маросимида бериладиган янги номни қабул қилмаган, ҳозирги Кали-йуга даврида ўзларини саннийаси деб юрган одамлар ҳам аввалги исмларини ўзгартирмасликлари керак. Ҳозирги даврда яшаётган одамларга фақат Худога садоқат билан хизмат қилишнинг Парвардигорнинг муқаддас шон-шухрати ҳақидаги ҳикояларни тинглаш(*шраванам*) ва уларни

такрорлаш(*киртанам*)дан иборат бўлган жараёни тавсия қилинади. Оилавий ҳаётни тарк этишга қасам ичган киши Парвардигор Чаитанья ёки Шри Нарада Муни сингари паривраджачарйаларга таклид қилмаслиги лозим. Ҳозирги саннийаси бирор муқаддас саждагоҳда ўрнашиб олиб, ўзининг бутун вақтини ва куч-қудратини Вриндаванлик олти Госвами сингари одамлар ёзиб қолдирган муқаддас китобларни тинглаш ва такрорлашга сарфлашлари мумкин.

14. Шу аҳволда узоқ вақт айланиб юргандан сўнг, ниҳоят очлик ва ташналикдан чарчаб, мадорим кетиб, бутунлай ҳолдан тойдим. Шу боис ирмоқдаги сувда чўмилиб, тўйиб сув ичиб олдим. Ирмоқнинг зилол суви хордиғимни чиқариб, танамга роҳат бағишлади.

Изоҳ: Гадоё қаландар-сайёҳ оилали одамлардан садақа сўраб юрмасдан, ўз танасининг эҳтиёжини фақат табиат инъомлари билан қондириши ҳам мумкин. Демак, шундай авлиё қаландарлар оилали одамнинг уйига бирор садақа сўраб олиш учун эмас, балки унга марҳамат кўрсатиб, рухий илм бериш учун келадилар.

15. Кейин, хилват ўрмонда, банийан дарахти соясида ўтириб, рухий озодликка эришган зотлар ўргатган усул билан ўз тафаккурим ёрдамида, қалбимда мавжуд бўлган Олий Рухни чуқур муроқаба қила бошладим.

Изоҳ: Инсон муроқаба қилишнинг ҳар хил усулларини ўзи ўйлаб топмаслиги керак. Ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлган Олий Рухга муроқаба қилишни у муқаддас китобларнинг ишонарли манбаи асосида, ҳақиқий рухий устознинг шаффоф парда воситаси орқали тушуниб, ўзининг махсус тарбияланган тафаккуридан фойдаланиб ўрганиши лозим. Рухий устоз раҳбарлиги остида Парвардигорга муҳаббат билан хизмат қилиб юрган содиқ хизматкор бунини жуда яхши билади. Шри Нарададжи ҳақиқий рухий устозлар билан ҳамсуҳбат бўлган, сидқидилдан уларнинг хизматини қилган ва муносиб равишда покланиб, рухий баркамолликка эришган зот. Шу тарзда у муроқаба қила бошлади.

16. Худога бўлган илоҳий муҳаббатим таъсиридан ўзгача тус олган ақлимни бир жойга тўплаб, уни Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойида мужассам қилиб муроқаба қила бошладим билан кўзларим жикқа ёшга тўлиб, шу захотиёқ қалбим кўзгусида ягона Парвардигор Шри Кришна намоён бўлди.

Изоҳ: Бу ерда *бхава* ибораси алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Содиқ хизматкор ўзининг қалбида Парвардигорга нисбатан илоҳий муҳаббат билан боғланишни ривожлантира олгандан кейин *бхава*

поғонасига кўтарилади. Рухий юксалишнинг биринчи поғонаси *ираддха*, яъни "Худо Шахсига бўлган озгина ишонч" деб аталади; қалбидаги ана шу ишонч туйғусини кучайтириш учун инсон Худонинг асл содиқлари билан ҳамсухбат бўлиши лозим (иккинчи поғона). Рухий юксалишнинг учинчи поғонаси - Худога садоқат билан хизмат қилишнинг қонун-қоидаларига риоя қилиб яшаш. Мана шу поғонада инсон ўз қалбидаги Худога садоқат билан хизмат қилишга тўсқинлик қиладиган барча шубҳаю-гумонлар ва шахсий камчилик, нуқсонлардан покланади.

Барча шубҳаю-гумонлар ва шахсий нуқсонлардан халос бўлгандан кейин инсон қалбида илоҳий нарсаларга нисбатан қатъий, ўзгармас ишонч пайдо бўлади, унинг илоҳий нарсалардан оладиган лаззати кучаяди. Бу жараён уларга бўлган интилиш, қизиқишни яна ҳам кучайтиради, шундан сўнг *бхава*, яъни Худога нисбатан пок илоҳий муҳаббат (*према*)дан олдин келадиган поғона бошланади. Юқорида кўрсатилган поғоналарнинг ҳаммаси - Худога бўлган илоҳий муҳаббатнинг ривожланиш поғоналаридир. Қалбимиз Худога бўлган илоҳий муҳаббат билан лиммо-лим тўлганида биз қаттиқ хижрон азобини ҳис қила бошлаймиз, бу ҳолат саккиз турли жазава кўринишида намоён бўлади. Содикнинг кўзларидан оқаётган ёшлар - унинг ана шу хижрон туйғусига бўлган табиий равишдаги жавобини билдиради. Аввалги ҳаётида Нарада Муни уйини тарк этгандан кейин ана шундай ҳолатга жуда тез эришди, шу боис у ҳеч қийналмасдан ўзининг, моддий иллатлардан асар ҳам қолмай покланган, руҳий сезгилари ёрдамида Парвардигорни яққол ҳис қила бошлаган эди.

17. Эй Вйасадева, шунда бундай чексиз (лаззат)бахт туйғусидан бутун вужудим яйраб кетди, мен қаттиқ ҳаяжонга тушдим. Илоҳий лаззат уммонига бутунлай ғарқ бўлиб, мен на ўзимни, на Худо Шахсини кўролмай қолдим.

Изоҳ: Рухий бахт ва илоҳий жазавали чуқур лавзатни моддий оламдаги бирорта лаззатга ўхшатишнинг илоҳи йўқ. Шу боис бундай туйғуни тўлиқ ифодалаб бўлмайди. Нарада Мунининг гаплари орқали инсон бундай ҳолатда қандай лаззатли туйғу ҳис қилишини озгина тушуниб олиш мумкин. Инсон танасининг ҳар бир аъзоси, яъни ҳар бир сезги ўзига хос вазифа учун мўлжалланган. Парвардигорни ҳис қилгандан кейин ҳар бир сезги аъзоси Унга хизмат қилиш учун уйғонади, чунки озодликка эришган ҳолатида ҳар бир сезги аъзоси Худога соф садоқат билан хизмат қилиш қобилиятига эга бўлади. Аниқроғи, ана шундай илоҳий жазава ҳолатида барча сезгилар Худога садоқат билан хизмат қилиш учун ҳар бири алоҳида жонланади. Нарада Мунида ҳам шундай ҳолат юз берганида у ўзини

бутунлай йўқотиб қўйиб, ўзини ҳам, Парвардигорни ҳам кўролмай қолганди.

18. Худо Шахсининг илоҳий қиёфаси инсоннинг ақлидаги барча истақларни қаноатлантиради ва хаёлига келган ҳар қандай гумонларини тарқатиб юборади. Ана шундай ғаройиб қиёфа кўз олдимдан ғойиб бўлган захоти мен, худди энг қадрли нарсасидан айрилиб қолган кишидай, ўрнимдан ирғиб турдим.

Изоҳ: Нарада Муни ўзининг ҳаёт тажрибасида ишонч ҳосил қилдики, Парвардигорнинг ҳақиқатан ҳам қиёфаси бор. Аммо Унинг қиёфаси биз моддий сезгиларимиз билан қабул қилиб юрган қиёфалардан бутунлай фарқ қилади. Бутун умримиз давомида бизлар моддий оламдаги ҳар хил қиёфаларни кўриб юрамиз, аммо уларнинг бирортаси бизларнинг ақлимизнинг талабини қаноатлантиришга, унга тўла хотиржамлик олиб келишга қодир эмас. Ана шундай нодир хусусиятга фақат Парвардигорнинг илоҳий қиёфаси эга, шу боис Уни атиги бир марта кўрган кишини бошқа бирор нарса қаноатлантира олмайдиган бўлиб қолади: Парвардигорнинг жамолини кўрган кишига моддий оламдаги турли-туман қиёфалардан бирортаси мамнуният ато эта олмайди. Парвардигорнинг шакл-шамоили йўқ, ёки У шахсиятсиз, деганда биз гап Унинг қиёфаси моддий қиёфалардан бутунлай фарқ қилиши ҳақида бораётганини тушунишимиз лозим, яъни Парвардигор қандайдир дунёвий, тарихий шахслардан бири эмас.

Ўз табиатимизга кўра бизлар Парвардигорнинг илоҳий қиёфаси билан ўзаро мангу муносабатларда бўлган руҳий мавжудотлармиз, шу боис бизлар умрлар оша ана шу қиёфани излаймиз, шунинг учун моддий чанқоғимизни қондирадиган бирор қиёфа бизга тўла мамнуният олиб келолмайди. Нарада Муни ана шу илоҳий қиёфани атиги бир дақиқа томоша қилган эди, аммо у кўздан ғойиб бўлган захоти, талвасага тушиб, уни топиш учун дарров ўрнидан ирғиб турди. Нарада Муни биз умрлар оша излаб юрган нарсани топган эди, шу боис Парвардигорни яна кўздан йўқотиб қўйиш унинг учун, албатта, жуда қаттиқ изтироб эди.

19. Мен Худо Шахсининг бу илоҳий қиёфасини яна кўришни истардим, аммо, бутун тафаккуримни қалбимда тўплашга ҳаракат қилишимга ва Уни яна бир бор кўришга қаттиқ уринишимга қарамай, Парвардигор сира кўзимга кўринмасди. Ҳафсалам пир бўлиб, ўзимни жуда бахтиқаро ҳис қила бошладим.

Изоҳ: Ҳеч қандай моддий усуллар ёрдамида Парвардигорнинг қиёфасини, Унинг илоҳий жамолини кўришнинг илоҳи йўқ. Фақат

Парвардигорнинг Ўзи бесабаб марҳамат кўрсатсагина бунга эришиш мумкин. Худди биз куёшдан ўзимиз истаган пайтда кўз олдимизда пайдо бўлишни талаб қила олмаганимиз сингари, кўзимиз олдида намоён бўлишини Парвардигордан ҳам талаб қила олмаймиз. Қуёш ўз эрки билан маълум вақтда осмонга қўтарилади, худди шундай Парвардигор ҳам Ўзи истаган пайтда, Ўзининг бесабаб марҳамати билан Ўзини намоён этади. Биз Худога садоқат билан хизмат қилиб, ўз бурчимизни сидқидилдан бажаришда давом этиб, камтарин ҳолда ана шу саодатли пайтни сабр билан кутишимиз лозим. Нарада Муни бир марта кўллаб, дарров Парвардигорнинг жамолини кўрган моддий усул ёрдамида яна Парвардигорни кўра оламан, деб ўйлаган эди. Аммо, қанча уринмасин, у ўз мақсадига эриша олмади. Парвардигор ҳар қандай мажбуриятлардан тўла мустақил бўлган Зот, инсон Уни фақат соф садоқат ва муҳаббат ришталари билангина ўзига жалб қилиши мумкин. Моддий сезгилар билан Уни кўришнинг ҳам, ҳис қилишнинг ҳам умуман иложи йўқ. Содик хизматкорининг ўз ихтиёрини бутунлай Унга топшириб, ҳамиша Унинг марҳаматидан умидвор бўлиб, Унга садоқат билан хизмат қилишга самимий интилишларидан мамнун бўлиб, Парвардигор содик хизматкорининг кўзи олдида Ўзи истаган пайтда намоён бўлиши мумкин.

20. Менинг бу хилват жойда чуқур муруқбага берилиб, Ўзига шунча интилаётганимни кўриб, изтиробларимни енгиллатиш учун, барча моддий тасаввурларга нисбатан илоҳий ҳолатда бўлган Парвардигор менга ёқимли овоз билан жуда муҳим гапларни айта бошлади.

Изоҳ: Ведаларда айтилганки, Парвардигорни оддий сўзлар билан таърифлашнинг, Уни моддий ақл билан англаб етишнинг иложи йўқ. Шунга қарамай, Унинг Ўзининг бесабаб марҳамати билан инсонда Парвардигорнинг овозини тинглашга ва У билан суҳбатлашишга қодир бўлган сезгилар уйғониши мумкин. Парвардигорнинг англаб бўлмас қуввати шундай ҳаракат қилади. Парвардигорнинг бесабаб марҳаматига эришган одам Унинг овозини эшита олади. Парвардигор Нарада Мунидан жуда мамнун бўлган эди, шу боис унга Ўзининг овозини эшитиш қобилиятини ато этди. Аммо, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ҳали синов поғонасида юрган содиклар Парвардигор билан бевосита мулоқот қила олмайдилар. Бу - Нарада Мунига ато этилган алоҳида қобилият эди. У Парвардигорнинг кишига қувонч бағишлайдиган гапларини эшитганида, Ундан айрилиб қолгани сабабли юзага келган ҳижрон азоби бироз пасайгандай бўлди. Қалбида Худога муҳаббат уйғота олган содик ҳамиша ҳижрон азобида изтироб чекиб юради, шу боис ҳамиша илоҳий жазавога ғарқ бўлиб юради.

21. (Парвардигор шундай деди:) ”Эй Нарада, афсуски, сен бу ҳаётингда Мени бошқа кўра олмайсан. Худога садоқат билан хизмат қилишда ҳали баркамолликка эришмаган ва моддий иллатлардан бутунлай покланмаган киши Мени кўра олиши амри маҳол.

Изоҳ: «Бхагавад-гита»да Парвардигор энг пок, Худонинг Олий Шахси, Мутлақ Ҳақиқат деб таърифланган. Унинг шахсиятида моддийликдан асар ҳам йўқ, шу боис қалбида моддий нарсаларга заррача бўлса ҳам истаги, боғланиши қолган киши Парвардигорга ҳатто яқинлаша ҳам олмайди. Худога ҳақиқий хизмат қилиш жараёни содикнинг ҳеч бўлмаса моддий табиатнинг икки паст гунаси - эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсиридан халос бўлганидан кейин бошланади. Бу поғона инсоннинг *кама*(шахвоний хирс) ҳам *лобха*(очкўзлик, қизғаниш) туйғуларидан поклиги билан ўлчанади, яъни Парвардигорга яқинлашиш учун инсон ўз ҳиссиёти(сезгилари)ни лаззатлантириш истагидан ва ҳиссий лаззатларга интилиш иллатидан пок бўлиши лозим. Моддий табиатнинг энг мутаносиб гунаси - эзгулик гунаси дир. Аммо, моддийликдан бутунлай озод бўлиш ҳатто эзгулик гунаси таъсиридан ҳам озод бўлишни назарда тутати. Қалин ўрмонда риёзатга берилиб Парвардигорнинг жамолини кўришга интилиб яшаш эзгулик гунасида бўлади. Рухий баркамолликка эришиш учун қалин ўрмонга кетиш мумкин, лекин бу "инсон у ерда албатта Парвардигорнинг Ўзини кўра олади" дегани эмас. Инсон энг аввало барча моддий боғланишлардан покланиши ва илоҳий поғонага кўтарилиши лозим. Фақат шундагина у Парвардигор билан бевосита мулоқот қила олади. Бунга эришишнинг энг осон йўли - содиклар Парвардигорнинг илоҳий қиёфасига сиғиниб юрган жойда яшашдан иборат. Парвардигорнинг эҳром - илоҳий даргоҳ, ўрмон эса - моддий жиҳатдан яшаш учун қулай жой ҳисобланади. Худога сиғинишни энди бошлаган содик хизматкорга Худони излаб ўрмонга кетиш эмас, балки Парвардигорнинг илоҳий қиёфаси - Илоҳга сажда қилиш(*арчана*) тавсия қилинади. Худога садоқат билан хизмат қилиш *арчана* жараёнидан бошланади, бу амал ўрмонда хилват жойда яшашдан устун туради. Қалбидаги барча моддий истаклардан покланган Шри Нарада Муни, гарчи ўз иштироки билан ҳар қандай жойни Ваикунтгага айлантира олса ҳам, ҳозирги ҳаётида ўрмонга кетмайди. У ўзининг йўлида учраган одамларни, фаришталарни, киннарларни, гандхарваларни, ришиларни мунилар ва бошқа тирик мавжудотларни Худонинг содикларига айлантериш мақсадида бир сайёрадан иккинчи сайёрага сайр қилиб юради. Унинг ана шундай саъи-ҳаракатлари, тарғиботи жуда кўп буюк содик хизматкорларни Худога садоқат билан хизмат қилишга жалб қилди: Прахлад Махараж, Дхрува

Махараж ва бошқалар. Шу боис, Худонинг хақиқий содиқ хизматкори Нарада Муни ва Прахлад Махараж сингари ана шундай буюк содиқлардан ўрнак олиб, *санкиртана* ҳаракатида иштирок этиб, ҳамиша одамлар орасида Парвардигорни олқишлаб куйлаб юради. Ана шундай фаолият ҳар қандай моддий сифатларга нисбатан илоҳий поғонада бўлади.

22. Эй саховатли зот, Мен сенга бир марта кўриниш бердим, холос. Бундан мақсадим - сендаги Менга бўлган интилишни яна ҳам кучайтириш эди, чунки сен Менга қанчалик шижоат билан интилиб юрсанг, ҳар қандай моддий истаклардан шунчалик озод, пок бўласан.

Изоҳ: Тирик мавжудот истаклардан бутунлай озод бўлолмайди. У ўлик, ҳис-туйғусиз тош эмас. У тирик мавжудот сифатида ҳаракат қилиши, фикрлаши, ҳис қилиши ва исташи керак. Аммо, унинг фикру-хаёли, сезгилари ва истаклари моддий сифатга эга бўлганида, уни бутунлай ўзларига боғлаб олиб, қул қилиб қўядилар. Аксинча, тирик мавжудотнинг фикру-хаёли, сезгилари ва истаклари Худого садоқат билан хизмат қилишга қаратилган бўлса, у аста-секин ана шу қуллик занжирларидан қутула бошлайди. Инсон Худого садоқат билан хизмат қилиш билан қанчалик кўп шуғулланса, унинг қалбида Худого садоқат билан хизмат қилиш истаги шунча кучаяверади. Илоҳий хизмат қилиш жараёнининг табиати ана шундай. Моддий фаолият дарров одамнинг жонига тегиб кетади, Худого садоқат билан хизмат қилишнинг илоҳий жараёни эса ҳеч қачон одамнинг жонига тегиб кетмайди ва ҳеч қачон адо бўлмайди. Инсон ҳеч қачон зерикмасдан, Худого тобора кўпроқ хизмат қилишни истайди, шунга қарамай унинг хизмат қилиш истаги камаймайди, ҳафсаласи пир бўлмайди. Ўзини бутунлай эсдан чиқариб, Худого садоқат билан хизмат қилиш инсонга Парвардигор илоҳий равишда ҳамиша ўзининг ёнида эканини яққол ҳис қилиб юриш имконини беради. Шундай қилиб, Парвардигорни кўриш - Унга хизмат қилиш демакдир, чунки Худого садоқат билан хизмат қилиш билан Парвардигорнинг Ўзи орасида фарқ йўқ. Самимий содиқ хизматкор Парвардигорга садоқат билан самимий хизмат қилишда давом этавериши лозим. Бундай хизмат қаерда ва қачон бўлишини Парвардигорнинг Ўзи кўрсатади. Нарада Мунининг ҳеч қандай моддий истаги йўқ эди, шунга қарамай, қалбида Парвардигорга интилиш истагини кучайтириш учун унга шундай маслаҳат берилган эди.

23. Агар инсон Мутлақ Ҳақиқатга атиги бир неча кунгина хизмат қилса ҳам, унинг тафаксури чуқурлашиб, фикру-хаёли Менда мужассам бўлади. Кейинчалик, у мусибатлар

уммони бўлган бу моддий оламларни тарк этиб, илоҳий оламда Менинг мангу ҳамроҳимга айланади.

Изоҳ: Мутлақ Ҳақиқатга хизмат қилиш тажрибасиз содиқ билан Парвардигор ўртасида шаффоф парда вазифасини бажарадиган хақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида Мутлақ Худо Шахсига садоқат билан хизмат қилишни билдиради. Ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган содиқ хизматкор ўзининг мукаммал бўлмаган ҳозирги моддий сезгилари ёрдамида Мутлақ Худо Шахсига яқинлаша олмайди, шу боис у руҳий устоз раҳбарлиги остида Парвардигорга илоҳий хизмат қилишни ўрганади. Ана шу ўрганиш жараёнида бир неча кундан кейиноқ тажрибасиз содиқ Парвардигорга илоҳий хизмат қилиш учун зарур бўлган чуқур тафаккурга эга бўлади, бу эса оқибат-натижада уни моддий оламда мангу тутқун бўлиб юришдан озод қилади ва руҳий оламга эриштиради, Худонинг даргоҳида у Парвардигорнинг мангу озод ҳамроҳларидан бирига айланади.

24. Менга садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлган тафаккур ҳеч қачон яқсон бўлмайди. Менинг марҳаматим билан сенинг хотиранг хатто бутун олам яқсон бўлиб, қайтадан яратилганда ҳам ўзгармай қолаверади”.

Изоҳ: Парвардигорга садоқат билан хизмат қилиш ҳеч қачон бекорга кетмайди. Парвардигор мангу бўлгани учун Унга хизмат қилиш билан банд бўлган тафаккур ҳам, У билан боғлиқ бўлган ҳар қандай амал ҳам мангу бўлади. «Бхагавад-гита»да айтилганки, Худого ана шундай садоқат билан хизмат қилиш умрлар оша тўпланиб келади, шу тарзда содиқ хизматкор етарлича юқори поғонага кўтарилганида, умрлар оша Худого қилган барча хизматлари уни Парвардигорнинг яқин ҳамроҳлари сафига киришга муносиб зот қилади. Худого садоқат билан хизмат қилиш ҳеч қачон бекорга кетмайди, у то мукаммал ҳолатга етгунча тўпланиб бораверади.

25. Кейин, товушда мужассам бўлган, қўзга кўринмас, ғаройиб Олий Ҳукмдор жим бўлиб қолди. Унинг бу марҳаматидан беҳад миннатдор бўлиб, мен эхтиром билан Унга чуқур таъзим қилдим.

Изоҳ: Худо Шахсини кўриш билан Унинг овозини эшитиш бир-биридан фарқ қилмайди. Парвардигор Ўзининг нафаси билан тўрт Ведани яратди, Унинг Ўзини кўриш ҳам мумкин, Ведаларнинг илоҳий товушлари орқали Уни тинглаш ҳам мумкин. «Бхагавад-гита» ҳам Парвардигорнинг Ўзидан фарқ қилмайдиган Унинг товуш тимсолидир. Хулоса қилиб шуни

айтиш мумкинки, инсон ҳамиша илоҳий товушларни зикр қилиб юрса Парвардигорни кўришга ҳам, Унинг овозини эшитишга ҳам қодир бўлади.

26. Шундан кейин мен бу моддий оламнинг шарт-шароитларига умуман эътибор бермасдан, Парвардигорга ҳамду санолар айтиб, тинмасдан Унинг муқаддас номини зикр қилиб, Унинг шон-шуҳратини шарафлаб куйлай бошладим. Шу тарзда Парвардигорнинг илоҳий ўйинларини эслаб, уларни олқишлаб юришнинг шарофати жуда катта. Мен шундай амаллар билан машғул бўлиб, ҳаётимдан тўла мамнун ҳолда, ҳеч кимга ҳасад қилмасдан, камтарин ҳолда бутун Ер юзини айланиб юрдим.

Изоҳ: Бу ерда Нарада Муни ўзи ҳақида гапирар экан, Худога самимий хизмат қилиб юрган содиқ хизматкорнинг ҳаёти қандай бўлишини таърифлаб берган. Парвардигор ёки Унинг ҳақиқий вакилидан руҳий ҳаётга фотиҳа олгандан кейин, Худонинг ҳақиқий содиқ хизматкори жиддий равишда Парвардигорнинг шон-шуҳратини олқишлаб, шарафлаб куйлай бошлайди, бу ҳақда бошқа одамлар ҳам билиб олиши учун у бутун жаҳон бўйлаб айланиб юради. Ана шундай содиқ хизматкорлар ҳеч қачон ўзларига моддий манфаат кўзламайдилар. Улар фақат ягона мақсад - Худонинг даргоҳига қайтишни кўзлаб ҳаракат қиладилар: вақти келиб моддий танасини тарк этганида улар албатта ўз мақсадига эришадилар. Ҳаётда ана шундай олий мақсадга - Худонинг даргоҳига қайтишга интилиб яшар экан, улар ҳеч қачон, ҳеч кимга ҳасад қилмайдилар, Худонинг даргоҳига қайтишга муносиб бўлгани билан бошқалар олдида мағрурланмайдилар ҳам. Уларнинг ҳаётдаги ягона иши - Парвардигорнинг муқаддас номини, эрмакларини ва улуғворлигини шарафлаб куйлаш ва уларни эслаб юриш, бошқаларнинг бахт-саодатини ўйлаб, ҳеч қандай моддий манфаат кўзламасдан, кўлидан келганча Худонинг хабарини бошқаларга етказишдан иборат.

27. Шундай қилиб, эй браҳман Вйасадева, вақти-соати келганда, Кришна ҳақидаги ўйларга бутунлай ғарқ бўлиб юрганим туфайли дунёвий нарсаларга бўлган боғланишлардан бутунлай пок бўлган ҳолда, мен ўзимнинг яшиндай порлок, ҳамиша кучли ёғду билан бирга келадиган ажалимни қарши олдим.

Изоҳ: Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юриш - моддий иллатлардан, яъни моддий истаклардан покланиш демакдир. Худди бой-бадавлат одам арзон нарҳдаги арзимаган нарсаларга эътибор бермагани сингари, илм ва чексиз лаззатга тўла мангу ҳаёт ҳукм сурадиган Худонинг даргоҳига

қайтиши кафолатланган Кришнанинг содиқ хизматкори ҳам табиий равишда ҳақиқий бойликларнинг сояси, яъни кўғирчоқларга ўхшаган, вақтинчалик, арзимаган, кўримсиз моддий нарсаларга эга бўлиш истакларидан покланади. Руҳий бойликка эга бўлган кишининг аломати ана шундай бўлади. Вақти келиб, асл содиқ хизматкор бунга бутунлай тайёр бўлганида, жуда тез кечадиган тана алмашув жараёни бўлиб ўтади, одатда бу жараён "ўлим" деб аталади. Худонинг асл содиқ хизматкори учун бу жараён яшиндай тез бўлиб ўтади, унга ҳамиша ёғду ҳамроҳ бўлади. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигорнинг амри билан содиқ хизматкор моддий танасини алмаштириш билан бир вақтда ўзининг руҳий танасини ҳам ривожлантира боради. Худонинг асл содиқ хизматкори ҳатто ажали етганда ҳам ҳеч қандай моддий боғланишларга эга бўлмайди, чунки худди оловга қўйилган темир парчаси қизиби, оловнинг сифатларига эга бўлгани сингари, унинг танаси ҳам руҳий сифатларга эга бўлади.

28. Парвардигорнинг мангу ҳамроҳига муносиб бўлган илоҳий танага эга бўлгандан кейин, мен беш моддий унсурдан таркиб топган ўткинчи танамдан озод бўлдим. Шу боис, олдинги фаолиятларим оқибати(карма)дан иборат бўлган ҳаёт тақдирим ҳам ниҳоясига етди.

Изоҳ: Худо Шахсининг Ўзидан Парвардигор билан бевосита ҳамсуҳбат бўлиш имконини берадиган илоҳий танага эга бўлиши ҳақидаги хабарни эшитгандан сўнг, Нарада Муни моддий танасини тарк этган заҳоти руҳий танага эга бўлди. Бу илоҳий тана моддий нарсаларга интилиш туйғусидан пок бўлади ва уч турли асосий илоҳий сифатга эга бўлади: 1) мангу, 2) моддий табиат гуналари таъсиридан пок, 3) кармали фаолият таъсир қилмайди. Моддий тана мана шу уч сифатга эга бўлмагани сабабли ҳамиша турли азоб-укубатларга дучор бўлиб юради. Аммо, содиқ Худога садоқат билан хизмат қилиш билан шуғуллана бошлаган заҳоти унинг танасида ана шундай илоҳий сифатлар пайдо бўла бошлайди. Буни магнит билан бирга турган темир парчасига ҳам магнитнинг хусусиятлари ўта бошлашига ўхшатиш мумкин. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг илоҳий жараёни ҳам инсонга худди шундай таъсир қила бошлайди. Шу боис, унинг танасида рўй берадиган ўзгаришлар Худонинг асл содиқ хизматкорига моддий табиат гуналари таъсир қилмай қўйгани натижасидир. Муқаддас китобларда бунга жуда кўп мисоллар келтирилган. Дхрува Махараж, Прахлад Махараж ва бошқа жуда кўплаган содиқлар ўзининг аввалги моддий танасида қолиб ҳам Парвардигорни бевосита кўра олганлар. Демак, уларнинг таналари сифат жиҳатидан ўзгариб, илоҳий сифатларга эга бўлган. Мўътабар авлиёларнинг ишонарли китобларда

келтирилган фикрлари шундай. "Брахма-самхита"да айтилганки, *индра-гопа* деб аталадиган энг майда микробдан тортиб, то буюк осмон шоҳи Индрагача бўлган тирик мавжудотларнинг ҳаммаси карма қонунлари ҳукмига бўйсундилар ва ўз фаолиятининг кармали оқибатлари сабабли мусибат чекишга ёки улар натижасидан лаззатланишга маҳкум. Фақат Худонинг содиқ хизматкори олий ҳукмдор, Худонинг Олий Шахсининг бесабаб марҳамати билан ўзининг аввалги кармали фаолияти оқибатларидан халос бўлади.

29. Йуга охирида, бутун борлиқ таркиб топган моддий унсурлар билан биргаликда Маъбуд Браҳма қиёмат-қойим сувларида ястаниб ётган Парвардигор Нарайана танаси ичига кира бошлади. Мен ҳам Унинг нафаси билан бирга Нарайана танасига кирдим.

Изоҳ: Худди Парвардигор Кришна Васудеванинг ўғли бўлганидай, Нарада Муни Маъбуд Браҳманинг ўғли ҳисобланади. Парвардигор ва Унинг Нарада Муни сингари мангу озод содиқ хизматкорлари бу моддий оламда бир хил усул билан намоён бўладилар. «Бхагавад-гита»да айтилганидай, Парвардигорнинг бу дунёда пайдо бўлиши ва Унинг кўрсатган қароматлари бутунлай илоҳий табиатга эга. Шу боис, ишонарли авлиё зотларнинг фикрига кўра, Нарада Мунининг Маъбуд Браҳманинг ўғли бўлиб дунёга келиши ҳам - унинг илоҳий табиатли эрмакларидан бири. Нарада Мунининг бу дунёга келиб кетиши ҳам Парвардигорнинг бу дунёга келиб кетишига ўхшайди. Демак, Парвардигор ва Унинг содиқ хизматкори руҳий табиатли зотлар сифатида бири-биридан фарқ қилмайдиган, айна пайтда алоҳида зотлардир. Уларнинг ҳаммаси илоҳий зотлар тоифасига киради.

30. Орадан Қуёш ҳисоби билан 4.300.000.000 йил ўтгандан кейин, Худонинг амри билан оламни қайтадан яратишни бошлаш учун Маъбуд Браҳма уйқудан уйғонганида, Парвардигорнинг илоҳий танасидан барчариши(донишманд)лар: Маричи, Ангира, Атри ва бошқалар чиқа бошладилар. Улар билан бирга мен ҳам дунёга келдим.

Изоҳ: Маъбуд Браҳманинг бир куни 4.320.000.000 куёш йилидан иборат. Бу ҳақиқат «Бхагавад-гита»да ҳам тасдиқланади. Маъбуд Браҳма бир вақтлар танасидаги нилуфар гулидан ўзини дунёга келтирган Гарбходакашайи Вишну танаси ичида яна шунча вақт давомида *йога-нидра* уйқусига берилиб ётади. Маъбуд Браҳманинг уйқуси тугаганида, Худонинг амри билан Маъбуд Браҳма воситачилигида мазкур коинот яралишининг янги босқичи бошланади, шунда Маъбуд Браҳманинг танасининг ҳар хил қисмларидан барча буюк

донишмандлар дунёга кела бошладилар. Улар билан бирга Нарада Муни ҳам пайдо бўлади. Демак, худди инсон уйқудан ўзининг аввалги танасида уйғонгани сингари, Нарада Муни ҳам ўзининг аввалги танасида дунёга келади. Нарада Муни мангу, ягона Парвардигорнинг барча моддий ва руҳий оламлари бўйлаб бемалол сайр қилиб юради. Оддий тирик мавжудотларнинг моддий танасидан фарқли равишда, ўзининг руҳидан фарқ қилмайдиган руҳий танасида Нарада Муни бу оламга ўзи истаган пайтда келиб-кешиб юради.

31. Шундан бери, ҳар нарсага қодир қудратли Парвардигор Вишнунинг марҳамати билан ҳеч қандай қаршиликка учрамасдан бутун илоҳий олам ҳамда моддий борлиқнинг барча уч қатлами бўйлаб сайр қилиб юраман. Худо Шахсига садоқат билан холис хизмат қилишни узлуксиз давом эттираётганим шарофати билан мен ана шундай имкониятга эга бўлдим.

Изоҳ: «Бхагавад-гита» таълимотига кўра моддий оламнинг уч поғонаси бор: *урдхва-лока*(олий сайёралар тизими), *мадхья-лока*(ўрта сайёралар) ва *адхо-лока*(қуйи сайёралар). *Урдхва-лока* сайёралари, яъни Браҳмалокадан юқорида коинотнинг моддий қобиклари бошланади, улардан юқорида эса, чексиз руҳий олам, ўзидан нур таратиб турадиган сайёралар - Ваикунтхалардан иборат бўлган руҳий осмон бошланади. Уларда ўзининг ҳамроҳлари, мангу озодликка эришган тирик мавжудотлар билан бирга Парвардигорнинг ўзи лаззатга тўла мангу ҳаёт кечиради. ўзи яратиб қўйган оламнинг истаган жойига бемалол бора оладиган, ҳар нарсага қодир қудратли Парвардигор сингари, Шри Нарада Муни ҳам моддий руҳий оламнинг истаган жойига бемалол боришга қодир. Моддий оламда тирик мавжудотлар моддий табиатнинг уч гунаси таъсири остида бўладилар: эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гунаси. Аммо Шри Нарада Муни моддий табиатнинг барча гуналарига нисбатан илоҳий ҳолатда, шу боис истаган жойида ҳеч қандай қаршиликка учрамасдан саёҳат қилиб юриши мумкин. У руҳий озодликка эришган "космонавт". Парвардигор Вишнунинг бесабаб марҳаматига ҳеч нарса тенг келолмайди, Парвардигор алоҳида марҳамат кўрсатиб қўйгани туфайлигина Худонинг содиқлари Парвардигорнинг чексиз марҳаматини англай оладилар. Шу боис, моддий табиатнинг бирор гунаси таъсири остида албатта йўлдан адашиб кетадиган иймонсиз, худобехабар (кармали фаолият ёки фалсафий изланишлар билан машғул) одамлардан фарқли равишда Худонинг содиқ хизматкорлари ҳеч қачон йўлдан адашмайдилар. Аввал эслатиб ўтилган ришилар Нарада Мунига ўхшаб илоҳий оламга кўтарила олмайдилар. Бу ҳақда "Нарасимха-пурана"да ёзилган. Маричи

сингари ришилар фақат кармали фаолиятга қодир, Санака ва Санатана сингари донишмандлар фалсафий илм бобида машғур. Аммо Шри Нарада Муни - Худога илоҳий муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиш илмининг асосий билимдони ҳисобланади. Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишда юксак мартабага эга бўлган мўътабар зотларнинг ҳаммаси "Нарада-бхакти-сутра"да кўрсатилган қонун-қоидалар асосида Нарада Мунининг изидан борадилар, шу боис ҳеч шубҳа йўқки, Парвардигорнинг барча содиқлари Парвардигорнинг мангу салтанатига, Ваикунтҳага эришиш имконини берадиган сифатларга эга бўладилар.

32. Шу тарзда, ягона Парвардигор Кришнанинг Ўзи менга совға қилган, илоҳий наволар таратувчи мана шу вина(муסיқа асбоби)да куйлар чалиб, ҳамиша Парвардигорнинг шон-шухратини тараннум этувчи илоҳий хабарларни оламга таратиб, бутун жаҳон бўйлаб сайр қилиб юраман.

Изоҳ: Вина - Нарада Мунига Парвардигор Шри Кришна совға қилган торли муסיқа асбоби бўлиб, у ҳақда "Линга-пурана"да ёзилган, Шрила Жива Госвами ҳам буни тасдиқлайди. Бу муסיқа асбоби Парвардигор Шри Кришна ва Шри Нарада Мунидан фарқ қилмайди, чунки уларнинг ҳаммаси ягона илоҳий тоифага хос бўлган нарсалардир. Бу асбобдан тараладиган муסיқа овозлари моддий сифатга эга бўлиши мумкин эмас, шу боис, Нараданинг унга жўр бўлиб куйлаётган, Парвардигорнинг эрмаклари ва шон шухрати ҳақидаги қўшиқлари ҳам илоҳий табиатга эга бўлиб, уларда моддийликдан асар ҳам йўқ. Муסיқанинг: *ша(шаджа), ри(ришабха), га(гандҳара), ма(мадхйама), па(панчама), дха(дхаивата)* ва *ни(нишада)*дан иборат етти ўлчами(нотаси) ҳам илоҳий табиатга эга бўлиб, илоҳий қўшиқларни ижро этиш учун махсус мўлжалланган. Парвардигор унга совға қилган бу муסיқа асбоби учун Худонинг асл содиқ хизматкори Шри Нарададева Унинг олдида ўзини ҳамиша миннатдор, қарздор ҳис қилади, шу боис ҳамиша Парвардигорнинг илоҳий шон-шухратини шарафлаб куйлаб, ўзининг юксак руҳий ҳолатини сақлаб юради. Шрила Нарада Мунининг изидан бориб, моддий оламдаги руҳий ўзлигини англаб етган руҳлар ҳам ҳамиша Парвардигорнинг шон-шухратини куйлаб, Худога садоқат билан хизмат қилишда муסיқа ноталаридан тўғри фойдаланишлари лозим. Бу «Бхагавад-гита»да ҳам тасдиқланган.

33. Олий Худо Шахсининг шухрати ва илоҳий кароматлари ҳақидаги хабарлар дилларга ором бағишлайди. Унинг муқаддас кароматларини шарафлаб куйлай бошлашим билан Шри

Кришна шу захотиёқ қалбим тўрида намоён бўлади.

Изоҳ: Мутлақ табиатли Худо Шахси Ўзининг илоҳий номларидан, қиёфасидан, эрмаклари ва улар билан боғлиқ товушлардан фарқ қилмайди. Худонинг асл содиқ хизматкори Парвардигорнинг номларини, шон-шухратини, кароматларини куйлаб, Уни эслаб Худога соф садоқат билан хизмат қилиш жараёнига фарқ бўлар экан, Парвардигор Ўзининг руҳий "телеканоли" ёрдамида шундай содиқ хизматкорининг қалб кўзгусида акс этиб, унинг кўзи олдида дарров намоён бўлади. Шундай қилиб, Худога соф илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш воситасида Парвардигор билан алоқа ўрнатган асл содиқ хизматкор истаган пайтда Уни ўзининг ёнида ҳис қилиб юра олади. Ўзи ҳақида яхши гапларни тинглаш ҳаммага бирдай ёқимли - алоҳида шахснинг табиий хусусияти шундай. Бунга мойилликни бизга табиатнинг ўзи ато этиб қўйибди. Парвардигор ҳам бизлар сингари алоҳида шахс бўлиб, бундай мойиллик Унинг табиатида ҳам бор, чунки алоҳида руҳларнинг хусусиятлари аслида Мутлақ табиатли Парвардигорнинг хусусиятларини акс эттиради. Улар орасидаги ягона фарқ шундан иборатки, Парвардигор - ҳаммадан буюк шахс ва Ўзи намоён этган барча кўринишларда мутлақ табиатга эга. Шу боис, асл содиқларининг Парвардигорни олқишлашлари Унга хуш келишининг ҳайратланарли жойи йўқ. Мутлақ табиатга эга бўлгани сабабли У Ўзини шарафлаб-куйлайдиган қиёфада намоён бўлиши мумкин, чунки бу қиёфа Парвардигорнинг Ўзидан фарқ қилмайди. Шри Нарада Муни фақат ўз манфаати учун эмас, балки Парвардигорнинг шон-шухратини шарафлаб куйлаш Парвардигорнинг Ўзидан фарқ қилмаслиги учун ҳам ҳамиша Парвардигорнинг шон-шухратини шарафлаб куйлаб юради. Нарада Муни учун Парвардигорни олқишлайдиган илоҳий қўшиқларни куйлаш - Парвардигорни ўзининг ёнида ҳис қилиб юриш усулидир.

34. Мен ўзимнинг ҳаёт тажрибамда шунга амин бўлдимки, ҳиссиётларини уларга лаззат берадиган нарсалар билан бирлаштиришга интилиб, тиним билмай юрган кишилар, бундай ғафлат уммонини кечиб ўтишда энг самарали восита бўлган Парвардигорнинг илоҳий кароматларини бетиним шарафлаб куйлаш усули ёрдамида ана шу мусибатлардан бемалол қутулишлари мумкин.

Изоҳ: Тирик мавжудотнинг ўзгармас хусусиятларидан бири шундан иборатки, у бир лаҳза ҳам тинч туролмайди. У ҳамиша албатта нима биландир машғул бўлиши, бирор нарса ҳақида ўйлаши ёки бирор нарса ҳақида гапириши лозим. Иймонсиз даҳрий одамлар одатда фақат

хиссиётига лаззат берадиган нарсалар ҳақида гапирадилар. Аммо, буларнинг ҳаммаси алдамчи ташқи қувват таъсири остида амалга оширилгани сабабли, бундай хиссий лаззатлар аслида уларга ҳеч қандай мамнуният олиб келмайди. Аксинча, уларнинг бутун ҳаёти ҳар хил ташвиш ва муаммоларга тўла бўлади. Мана шу *майя* - аслида йўқ нарса. Ғофил одамлар аслида ҳеч қандай лаззат, мамнуният олиб келмайдиган нарсаларни ҳақиқатан ҳам бахт, лаззат келтирадиган нарсалар деб ҳисоблайдилар. Шу боис Шри Нарада Муни ўзининг ҳаёт тажрибасига асосланиб, айтяптики, ўз хиссиётини лаззатлантиришга интилиб ҳафсаласи пир бўлган ана шундай тирик мавжудотлар фақат Парвардигорнинг илоҳий кароматларини шарафлаб куйлай бошласаларгина тўла мамнуниятга эришадилар. Бу ерда шу нарса назарда тутиляптики, бунинг учун тирик мавжудот шунчаки ўз фаолиятининг моҳиятини, мазмунини ўзгартирса кифоя. Ҳеч ким тирик мавжудотнинг ақлий фаолиятини тўхтатишга, уни хис қилиш, иташ ва ҳаракат қилишни бутунлай тарк этишга мажбур қила олмайди. Аммо, инсон ҳақиқий бахтга эришишни истаса, у ўз фаолиятининг мазмунини, моҳиятини ўзгартириши лозим. Қандайдир ўлимга маҳкум бўлган оддий одамнинг сиёсий фаолияти ҳақида фикр юритиш ўрнига Парвардигорнинг сиёсий фаолиятини муҳокама қилиш мумкин. Қандайдир киноактернинг ўйнаган ролига маҳлиё бўлиш ўрнига инсон ўз диққат-эътиборини Парвардигорнинг, ёки гопилар ва Лакшми сингари Унинг мангу ҳамроҳларининг фаолиятига қаратиши мумкин. Ҳар нарсага қодир бўлган қудратли Парвардигор Ўзининг бесабаб марҳамати билан Ер сайёрасига ташриф буюради ва бу ерда худди оддий одамлардай ҳаракат қилади, лекин айти пайтда Унинг барча амаллари ғайритабиий, чунки У - ҳар нарсага қодир Зот. Парвардигор барча шартланган руҳларнинг бахт-саодатини ўйлаб, уларнинг диққатини илоҳий нарсаларга жалб қилиш мақсадида шундай қилади. Шу тарзда шартланган руҳ аста-секин илоҳий поғонага кўтарилади ва барча мусибатлар манбаи бўлган ғофиллик уммонини осонлик билан кечиб ўтади. Буни Шри Нарада Мунидай ишонарли мўътабар зотнинг шахсий ҳаёти тўла тасдиқлаб турибди. Агар Парвардигорнинг суюкли содиқ хизматкори, бўлган шу буюк донишманддан ўрнак олиб яшасак, бунга бизнинг ўзимиз ҳам ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

35. Йога билан шуғулланиш ёрдамида инсон ўз хиссиётни жиловлаб олади ҳамда шубҳа йўқки, моддий истаклар ва шахвоний хирс келтириб чиқарадиган ҳар хил ташвишлардан халос бўла олади, аммо, руҳ(жон) тўла қаноат ҳосил қилиши учун фақат шунинг ўзи кифоя қилмайди, чунки фақат Худога садоқат билан

хизмат қилишгина руҳга тўла мамнуният олиб келади.

Изоҳ: Йога билан шуғулланишдан мақсад - хиссиётларни жиловлаб олиш. Танани чиниқтиришнинг маълум бир ҳолатларда ўтириш, фикру-хаёлни назорат қилиш, муруқаба ва ниҳоят илоҳийликка ғарқ бўлиш жараёнларидан иборат бўлган сеҳрли усулларидан фойдаланиб, инсон ўзининг сезгиларини жиловлаб олиш, бошқариш қобилиятига эга бўлади. Сезгиларни заҳарли илонларга ўхшатиш мумкин, йога тизими эса уларни жиловлаб олиш учун мўлжалланган. Аммо, Нарада Муни сезгиларни жиловлашнинг бошқа - Муқундага, Худо Шахсига илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш усулидан фойдаланишни маслаҳат берапти. Ўзининг шахсий ҳаёт тажрибасидан келиб чиққан ҳолда у айтяптики, Худога садоқат билан хизмат қилиш усули сезгиларни сунъий йўл билан жиловлаб олиш усулидан самаралироқ ҳисобланади. Парвардигор Муқундага хизмат қилиш жараёнида сезгилар илоҳий фаолият билан машғул бўлади, шунда хиссий лаззатланишга умуман вақт қолмайди. Сезгилар ҳамиша нима биландир банд бўлиши керак. Уларни сунъий равишда тўхтатиб туриш - уларни умуман тўхтатмаслик билан баробар, чунки илонга ўхшаган маккор сезгилар лаззатга берилиш учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланишга тайёр турадилар. Инсоният тарихидан бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Вишвамित्रа Муни Менаканинг гўзаллигига маҳлиё бўлиб, руҳий юксалиш йўлидан тубанликка юз тутган эди. Аммо, тун қоронғусида келиб яланғоч ҳолда Харидас Тхакурни йўлдан уришга ҳаракат қилган Майя Худонинг бу буюк содиқ хизматкорини ўз домига тушура олмади.

Бу шеърнинг мазмуни шундан иборатки, агар инсон Худога садоқат билан хизмат қилиб юрмаса, йога тизими билан шуғулланиш ёки куруқ фалсафий фикрлашлар ёрдамида ҳеч қандай муваффақиятга эриша олмайди. Парвардигорга кармали фаолият, сеҳрли йога ёки куруқ фалсафий изланишлар аралашмаган соф садоқат билан хизмат қилиш - руҳий ўзликни англашга эришишнинг асосий усулидир. Худога шундай садоқат билан хизмат қилиш илоҳий табиатга эга, йога тизими ва ғяна йўли эса ана шу усулга қарам, бўйсунган. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг илоҳий жараёнига ана шу иккинчи даражали жараёнлар кўшилганида, у ўзининг соф илоҳий табиатини йўқотади ва аралаш табиатли садоқат билан хизмат қилиш деб аталади. "Шримад Бхагаватам"нинг муаллифи Шрила Вйасадева ўзининг бу асарига руҳий ўзликни англашнинг ана шу илоҳий тизимларини тартиб билан таърифлаб берган.

36. Эй Вйасадева, сен барча гуноҳлардан пок Зотсан. Ўзинг илтимос қилганинг учун мен

сенга бу дунёда туғилишим, рухий ўзлигимни англаб етиш йўлида қандай ишлар қилганим ҳақида гапириб бердим. Бундай амаллар қалбинг ором олиб, тўла мамнуният ҳосил қилишингда сенга ҳам ёрдам беради".

Изоҳ: Вйасадеванинг илтимосига кўра Нарада Муни унга Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлини - бошланғич поғонасидан то илоҳий поғонасигача етарли даражада таърифлаб берди. Нарада Муни қандай қилиб илоҳий мулоқот унинг қалбига Худога садоқат билан хизмат қилиш уруғини ташлаганини, буюк донишмандларнинг суҳбатларини тинглаш шарофати билан ана шу уруғлар қандай униб чиқа бошлаганини тушунтириб берди. Бундай тинглаш инсоннинг дунёвий нарсаларга бўлган боғланишини шунчалик сусайтириб юборадик, ҳатто ёш бола ҳам ўз онасининг - ўзига ғамхўрлик қиладиган ягона инсоннинг ўлимини Худонинг буюк марҳамати деб қабул қилади. Ана шундай имкониятни кўлдан бой бермай, у дарров Парвардигорни излашга йўл олди. Гарчи моддий кўзлар билан Парвардигорни кўришнинг иложи бўлмаса ҳам, унинг Парвардигор билан юзма-юз учрашишга бўлган самимий интилишини Парвардигор дарров қаноатлантирди. Шунингдек, Нарада Муни соф илоҳий садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида шунча вақтдан бери тўпланиб келаётган моддий фаолиятнинг барча оқибатларидан халос бўлиш мумкинлигини ва қандай қилиб моддий танасини рухий танага айлантирганини тушунтириб берди. Фақат рухий тана Парвардигорнинг рухий салтанатига кира олади, Худонинг асл содиқ хизматкоридан бошқа ҳеч ким бунга эриша олмайди. Нарада Муни ўзининг ҳаёт тажрибасида ўзликни англашнинг ҳамма сирларини англаб етди, шу боис шундай мўътабар, ишончли шахснинг гапларини тинглаб, инсон Худога садоқат билан хизмат қилишда қандай амаллар яхши самара бериши ҳақида қандайдир тасаввурга эга бўлиши мумкин. Бу сирни ҳатто бошланғич Ведалар таркибидан ҳам топиш қийин. Ведалар ва Упанишадалар бунга фақат билвосита ишора қиладилар, холос. Уларда ҳеч нарса тўғридан-тўғри тушунтирилмаган, шу боис "Шримад Бхагаватам" - бутун Ведалар адабиёти дарахтининг етилиб пишган меваси ҳисобланади.

37. Сута Госвами шундай деди: "Вйасадевага шу гапларни айтиб Шрила Нарада Муни уни тарк этди ва ўзининг вина асбобида куйлар чалиб, ўзи лозим топган тарафга йўл олди.

Изоҳ: Ҳар қандай тирик мавжудот озодликка, тўла мустақилликка эришишга интилади, чунки унинг азалий илоҳий табиати шундай. Аммо, фақат Худога садоқат билан илоҳий хизмат қилиш ёрдамида ҳақиқий озодликка эришиш мумкин.

Ташқи қувват алдаб қўйган одамлар ўзларини озод, мустақил деб ҳисоблайдилар, лекин аслида бизларнинг барчамиз табиат қонунлари ҳукми остидамиз. Бир сайёрадан иккинчи сайёрага саёҳат қилиш нари турсин, шартланган руҳлар ҳатто Ер юзида ҳам бир жойдан иккинчи жойга эркин боролмайдилар. Аммо, Нарада Муни сингари, ҳамиша Парвардигорнинг шон-шуҳратини шарафлаб куйлаб юрадиган мутлақо озод руҳлар нафақат Ер юзи бўйлаб, балки бутун коинот ҳамда бутун рухий олам бўйлаб бемалол сайр қилиб юрадилар. Нарада Мунининг амалда Худо Шахсининг ўзининг озодлигига тенг бўлган эркинлиги, мустақиллиги қанчалик чексиз эканини тасаввур қилиш мумкин. Саёҳат қилиб юришга уни ҳеч ким мажбур қилмайди, унинг эркин сайр қилиб юришига ҳеч ким тўсқинлик ҳам қила олмайди. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг илоҳий тизими ҳам ана шундай эркинликка асосланган. Инсон ҳатто барча қоидаларга жиддий амал қилиб юрса ҳам, унинг қалбида Худога садоқат билан хизмат қилиш туйғуси ривожланиши ҳам, ривожланмаслиги ҳам мумкин. Шунга ўхшаб, Худонинг содиқлари билан ҳамсуҳбат бўлиш ҳам тасодифий, эркин жараён. Инсон бундай омадга дуч келиши ҳам мумкин, қанча уринмасин, бунга эришмаслиги ҳам мумкин. Шундай қилиб, эркинлик - Худога садоқат билан хизмат қилишнинг барча соҳаларини бирлаштириб турган ягона асос ҳисобланади. Эркинликсиз Худога садоқат билан хизмат қилиш мумкин эмас. Лекин бу, агар инсон ўз эркинлигини, ўз ихтиёрини Худога топширса, у бутунлай Унга қарам бўлиб қолади, дегани эмас. Ўз ихтиёрини шаффоф парда - ҳақиқий рухий устоз воситасида Худога топшириш - тўла эркинликка эришиш демакдир.

38. Шрила Нарада Мунига омад ва шону-шарафлар бўлсин! Чунки у дунёдаги барча азоб чекаётган мавжудотларни эзгуликка илҳомлантириб, ўзи ҳам бундан чексиз лаззат олиб Парвардигорнинг қароматларини шарафлаб куйлаб юради.

Изоҳ: Шри Нарада Муни Парвардигорнинг илоҳий қароматларини шарафлаб куйлаш ҳамда бутун оламдаги мусибат чекаётган барча тирик мавжудотларни овутиш мақсадида ўзининг мусиқа асбобида куйлар чалиб юради. Бу дунёда "бахт" деб қабул қилинадиган нарса - шунчаки майянинг алдамчи кўринишидир. Парвардигорнинг алдамчи қуввати шу қадар қудратлики, ҳатто жирканч ахлат билан озиқланиб кун кечирадиган сассиқ чўчка ҳам ўзини бахтли деб ҳис қилади. Моддий оламда ҳеч ким ҳақиқий бахтга эриша олмайди. Бу дунёнинг мусибатлар уммонига ғарқ бўлган аҳолисига илм ўргатиш мақсадида Шрила Нарада Муни ҳамма жойда сайр қилиб юради. Унинг бурчи - уларни ўз уйларига, Худонинг даргоҳига

кайтириб олиш. Мана шу - Парвардигорнинг ана шу буюк донишманд содиғи изидан бораётган барча ҳақиқий содиқ хизматкорларнинг асосий бурчидир.

*"Шримад Бхагаватам"нинг Биринчи Кўшиқ,
"Нарада Муни ва Вйасадеванинг суҳбати" деб
аталадиган олтинчи бобига Бҳактиведантининг
изоҳлари шундай яқунланади.*

Еттинчи боб.

Дронанинг ўғлини жазолаш

1. Донишманд Шаунака шундай деди: "Эй Сута, илоҳий қудрат сохиби бўлган буюк донишманд Вйасадева Нарада Мунининг насиҳатлари тинглаб бўлиб, у кетгандан кейин нима ишлар қилди?"

Изоҳ: Бу боб "Шримад Бхагаватам"ни баён қилишга баҳона бўладиган бобдир. Унда Махараж Парикшитнинг ҳали у онасининг қорнида пайтида ғаройиб равишда ҳалокатдан қутқариб қолиниши ҳақида ҳикоя қилинади. Бунга Драупадининг бешта ўғлини ухлаб ётган жойида ёвузларча ўлдирган Драуни(Ашватхама), Дрона Ачарйанинг ўғли сабабчи бўлганди. Шу иши учун уни Аржун жазолаган эди. Буюк эпик асар "Шримад Бхагаватам"ни ёзишга киришишдан олдин Шри Вйасадева, Парвардигорга буюк садоқат таъсири остида илоҳий жазави ҳолатида бўлиб Мутлак Ҳақиқат чуқур англаб етган эди.

2. Сута Госвами шундай жавоб берди: "Ведалар билан бевосита боғлиқ бўлган муқаддас Сарасвати дарёсининг ғарбий қирғоғида, донишмандларни илоҳий фаолият билан шуғулланишга илҳомлантирадиган Шамйапрааса деган хилват жойда чуқур мууроқабага берилишни истаган зотлар учун мўлжалланган бир қулба турибди.

Изоҳ: Ҳеч шубҳа йўқки, руҳий илмни ўрганишда муваффақиятга эришиш учун муайян муҳит ва қулай жой керак бўлади. Шу мақсадга эришиш учун Сарасвати дарёсининг ғарбий қирғоғи жуда қулай жой ҳисобланади. Шри Вйасадеванинг Шамйапраасадаги қулбаси айнан шу ерда жойлашган. Шри Вйасадева оилали киши эди, шунга қарамай унинг яшаётган жойи *ашрам* деб аталади. Асосий эътибор руҳий юксалишга, руҳий фаолиятга қаратилган жой - *ашрам* деб аталади. Бундай жойнинг кимга тегишли бўлишининг аҳамияти йўқ - оилали одамгами ё таркидунё қилган риёзатчигами. Варнашрама тизимида турмуш тарзининг барча турлари *ашрам* деб аталади. Демак, бундай жамиятда ҳар хил

табақаларга мансуб одамларнинг умумий мақсади битта - руҳий юксалишга эришиш. *Брахмачарий, грхастха, ванапрастха* ва *саннийаси* - уларнинг ҳаммасининг ҳаётда яшашдан мақсади битта: Худони англаб етиш. Шу боис, руҳий юксалиш нуқтаи назаридан ҳамма ашрамлар бир хилда муҳим аҳамиятга эга. Улар орасидаги фарқ юзаки, ташки кўриниш бўлиб, бир-биридан фақат одамларнинг таркидунёликка берилиш даражаси билан ажралиб туради. *Саннийаси* бошқа ашрамлардан устун ҳисобланади, чунки уларнинг турмуш тарзи амалда бу дунёнинг ишларини умуман тарк этишни тақозо этади.

3. Шрила Вйасадева чуқур мууроқабага ғарқ бўлиш учун сувда чўмилиб поклангандан кейин, атрофини мевали дарахтлар ўраб турган қулбасида ўрнашиб ўтириб олди.

Изоҳ: Руҳий устози Нарада Мунининг кўрсатмаси билан Шри Вйасадева мана шу мууроқаба қилиш учун мўлжалланган илоҳий муқаддас жойда жойлашиб олди ва фикру-хаёлини бир жойга мужассам қила бошлади.

4. Шундай қилиб, у ўз тафакқурини таркибида дунёвийликдан асар ҳам бўлмаган Худога садоқат билан холис хизмат қилиш(бҳакти-йога) жараёни билан бутунлай машғул қилиб, аклини бир жойга тўплади. Шунда у Парвардигорнинг мутлак Шахсини ҳамда тўлалигича Унинг ҳукми остида бўлган Унинг ташки қувватини кўрди.

Изоҳ: Фақат Парвардигорга Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали боғланиш жараёнидагина Мутлак Ҳақиқатни муқаммал англаб етиш мумкин. Бу ҳақиқат «Бхагавад-гита»да ҳам тасдиқланади. Мутлак Ҳақиқатни, Худонинг Олий Шахси фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш усули ёрдамида муқаммал англаб етиш мумкин, ана шу муқаммал илм инсон олдида Худонинг даргоҳига олиб борадиган йўл дарвозаларини кенг оча олади. Мутлак Ҳақиқатни муқаммал англаб етмасдан, Унинг қисман намоён бўлган кўринишлари бўлган шахсиятсиз Браҳман ёки Параматма сифатида Парвардигорни англаб етиш ҳеч кимга Худонинг даргоҳига кириш ҳуқуқини бера олмайди. Шри Нарада Муни Шрила Вйасадевага Худонинг Олий Шахсини ва Унинг қароматларини мууроқаба қилишнинг илоҳий жараёнига ғарқ бўлишни маслаҳат берди. Шрила Вйасадева Браҳманнинг порлаб турган нурига эътибор бериб ўтирмади, чунки бу Мутлак Ҳақиқатни муқаммал билиш бўлмайди. «Бхагавад-гита»(7.19)да айтилганки, Мутлак Ҳақиқат англаб етиш - Худонинг Олий Шахсини англаб етишдир: *васудевах сарвам ити*. Упанишадаларда ҳам тасдиқланганки, Васудева, Худонинг Олий Шахси шахсиятсиз Браҳманнинг олтиндай порлаб турган пардаси билан

тўсилган(*хиранмайена патрена*), Парвардигорнинг марҳамати билан ана шу парда олиб ташланганида, Мутлақ Ҳақиқатнинг асл сиймоси очилади. Бу ерда Абсолют *пуруша*, яъни шахс деб аталган. Худонинг Олий Мутлақ Шахси ҳақида жуда кўп ведавий муқаддас китобларда эслаиб ўтилган, «Бхагавад-гита»да ҳам тасдиқланадики, *пуруша* - азалдан мангу шахс. Худонинг Мутлақ Шахси мукамал шахс. Худонинг Олий Шахсининг ҳар хил қувватлари мавжуд бўлиб, уларнинг энг асосийлари ички, ташқи ва оралиқ қувватларидир. Бу ерда назарда тутилаётган қувват - Унинг ташқи қуввати ҳисобланади, бу унинг кейинги шеърларда кўрсатилган таърифларидан маълум бўлади. Худди ой нури ойдан ажралмаганидай, Парвардигорнинг ички қуввати ҳам Мутлақ Шахсдан ажралган эмас. Ташқи қувватни қоронғу зулматга қиёслайдилар, чунки у тирик мавжудотларни ғофиллик зулматида ушлаб туради. *Анашрайам* ибораси шуни билдирадики, Парвардигорнинг бу қуввати бутунлай Унинг ҳукми остида бўлади. Ички, яъни олий қувват ҳам *майя* деб аталади, аммо бу - Худонинг Мутлақ даргоҳида намоён бўладиган руҳий *майя*. Инсон Парвардигорнинг ана шу ички қуввати паноҳига кириб олган заҳоти унинг қалбидаги моддий ғофиллик зулмати бир зумда тарқаб кетади. Ҳатто атмарамалар - ҳамшиша илоҳий жазави ҳолатида юрадиган зотлар ҳам ана шу *майя*, ички қувват паноҳи остига қирадилар. Худога садоқат билан хизмат қилиш, яъни *бхакти-йога* - ички қувватнинг вазифаси, шунинг учун Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида қуйи, моддий қувватга ўрин йўқ - порлаб турган руҳий ёғду бор жойда қоронғу зулматга ўрин бўлмайди. Парвардигорнинг ички қуввати ҳатто шахсиятсиз Браҳманни англаб етганда эришиладиган илоҳий лаззатдан ҳам устун туради. «Бхагавад-гита»да айтилганки, шахсиятсиз Браҳманнинг порлаб турган нури ҳам Худонинг Олий Шахси, Шри Кришнадан чиқади. Шри Кришнанинг Ўзидан бошқа ҳеч ким *парама-пуруша* бўла олмайди. Бу кейинги шеърларда тушунтирилади.

5. Гарчи, тирик мавжудот моддий табиатнинг уч гунасига нисбатан трансцендент(илоҳий) ҳолатда бўлса ҳам, ана шу ташқи қувват таъсири остида у ўзини моддий табиатнинг маҳсули деб ҳисоблайди ва шу боис моддий азоб-укубатлар гирдобидида кун кечиради.

Изоҳ: Бу шеърда ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган тирик мавжудотларнинг мусибат чекиб юришининг асосий сабабини айтиш билан бирга уларга ана шу касалликдан халос бўлиш воситаси, шунингдек, ҳар бир инсон ҳаётда интилиб яшаши лозим бўлган руҳий баркамолликнинг энг олий чўққиси кўрсатилган. Бу шеърда ана шуларнинг ҳаммаси тушунтириб берилган. Тирик мавжудот

ўзининг табиатига кўра моддий олам тутқунлигига нисбатан илоҳий табиатга эга, аммо ҳозир у ташқи қувват чангалига тушиб қолган ва шу боис ўзини моддий табиат яратган нарсаларнинг биттаси деб ҳисоблайди. Ана шундай ўзаро нотўғри муносабат сабабли соф руҳий мавжудот моддий табиат гуналари таъсири остига тушиб, ҳар хил моддий мусибатларга дучор бўлади. Тирик мавжудот адашганидан ўзини "моддий табиат яратган зот" деб ҳисоблайди. Бу унинг моддий шароитлар билан бузилган ҳозирги фикрлаши, сезгилари ва истаклари унинг ўзи учун ғайритабиий эканини билдиради. Лекин, унинг ўзи учун табиий бўлган ҳақиқий фикрлар, истаклар ва сезгилар албатта мавжуд. Ўзининг азалий бошланғич ҳолатида тирик мавжудот фикрлаш, ишаш ва хис қилиш қобилиятига эга бўлади. «Бхагавад-гита»да ҳам айтилганки, шартланган руҳнинг ҳақиқий илми ҳозир ғофиллик пардаси билан қопланган. Шундай қилиб, бу ерда "тирик мавжудот - мутлақ шахсиятсиз Браҳман" деган ғоя инкор этилган. Ундай бўлиши мумкин эмас, чунки тирик мавжудот ўзининг бошланғич, шартланмаган ҳолатида ҳам ўзининг алоҳида фикрлаш қобилиятини сақлаб қолаверади. Тирик мавжудотнинг ҳозирги шартланганлик ҳолати Парвардигорнинг ташқи қуввати таъсири остида юзага келади. Бу шуни билдирадики, бу ерда Парвардигорнинг алдамчи қуввати ташаббусни ўз қўлига олган, Парвардигорнинг Ўзи эса бунга аралашмайди. Ташқи қувватнинг тирик мавжудотни алдаб, адаштириб юриши Парвардигорга ёқмайди. Ташқи қувват ҳам буни яхши билади, шунга қарамай у ана шундай ёқимсиз ишни ўз зиммасига олган - унутувчан руҳларни йўлдан адаштириб, уларни алданиш, сароб чангалида ушлаб туриш орқали жазолаш. Парвардигор алдамчи қувватнинг ишларига аралашмайди, чунки шартланган руҳларни тарбиялаш учун унинг ишлари ҳам зарур. Фарзандини севадиган ота учун унинг ўғлини бегона бировнинг жазолаши ёқмайди, аммо шунга қарамай, у ўзининг қулоқсиз ўғилларига яхшилаб тарбия бериш учун уларни қаттиққўл тарбиячи қўлига топширади. Айна пайтда ҳаммани бирдай севадиган Парвардигор, Олий Ота шартланган руҳларнинг алдамчи қувват чангалидан халос бўлишини, руҳий озодликка чиқишини истайди. Шоҳ баъзи бир жиноятчи фуқароларни қамоқхонага ташлайди, аммо баъзан қамоқхонадагиларни озодликка чиқариш учун унинг ўзи қамоқхонага келади ва улардан ахлоқини тузатишни илтимос қилади, шундан кейин уларни озодликка чиқаради. Худди шундай Парвардигор ҳам баъзан Ўзининг салтанатидан алдамчи қувват салтанатига тушади ва «Бхагавад-гита» таълимотини бериб, шу ерда қамалиб ётган тирик мавжудотларни Ўзи озодликка чиқаради. «Бхагавад-гита»да айтилганки, гарчи алдамчи қувват таъсиридан қутулиш жуда қийин бўлса ҳам,

Парвардигорнинг нилуфар кадамлари пойига ўз ихтиёрини топширган киши Парвардигорни амри билан рухий озодликка чиқади. Ўз ихтиёрини бутунлай Худонинг амрига топшириш - инсонни алдамчи қувват солиб қўйган алданиш чангалидан халос этадиган ягона восита ҳисобланади. Авлиё одамлар билан ҳамсухбат бўлиш эса, инсоннинг ўз ихтиёрини Худога бутунлай топшириш жараёнини ниҳоясига етказишга ёрдам беради. Шу боис Парвардигор айтадики, одамлар фақат Парвардигорни ҳақиқатан ҳам англаб етган буюк авлиё инсонларнинг гапларини тинглаб, уларнинг таъсири остида Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш бахтига эришадилар. Шартланган рухнинг қалбида Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаш истаги пайдо бўлади, фақат ана шундай ҳикояларни тинглаш шарофати билан рух аста-секин Худони таниш, Унга бўйсунуш, Унга сифиниш, Унга боғланиш ва Унга ўз ихтиёрини топшириш даражасига эришади. Бу жараённинг энг юқори поғонаси ўз ихтиёрини бутунлай Худога топширишдир. Бу ерда, Вйасадева қиёфасида намоён бўлган Парвардигор ҳам шу ҳақда гапиряпти. Демак, Парвардигор шартланган рухларни икки усул ёрдамида тўғри йўлга солади: уларни Ўзининг ташқи қуввати билан жазолаш орқали; Ўзи уларга ҳам сиртдан, ҳам ичдан рухий устоз сифатида турли насихатлар бериш орқали. Ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида Парвардигорнинг Ўзи Олий Рух(Параматма) қиёфасида унинг рухий устози бўлиб туради. Ташқаридан эса, У рухий устоз сифатида муқаддас китоблар, авлиё инсонлар ва фотиҳа берадиган гуру кўринишида намоён бўлади. Бу кейинги шеърда батафсилроқ тушунтирилади.

Тирик мавжудотлар Парвардигорнинг алдамчи қуввати назорати остида бўлиши Ведаларда ҳам тасдиқланади. "Кена-упанишад"да фаришталар моддий оламни бошқариш қудратига эга экани айтилган. Бу шеърда ҳам очиқ-равшан айтилганки, тирик мавжудотни Парвардигорнинг ташқи қувватининг шахсий кўриниши бошқариб туради. Шу тариқа ташқи қувват таъсири остига тушиб қолган тирик мавжудот ўзига табиий бўлмаган ҳолатга тушиб қолади. Лекин, "Шримад Бхагаватам"нинг бу гапларидан маълум бўладики, ана шу ташқи қувват мукамал Зот Худо Шахсига нисбатан паст поғонада туради. Фақат тирик мавжудотларга таъсир қилишга қодир бўлган алдамчи қувват мукамал Зот бўлган Парвардигорга ҳатто яқинлаша олмайди. Шунинг учун, "Парвардигор ҳам алдамчи қувват таъсирига тушиб қолади ва бунинг натижасида У ҳам оддий тирик мавжудот бўлади" деган гаплар мутлақо асоссиздир. Агар Парвардигор билан тирик мавжудотлар бир тоифага мансуб бўлсалар эди, Вйасадева ҳеч қийналмасдан бунни кўра олган бўларди, шунда алданиш домига тушиб қолган тирик мавжудотнинг моддий изтироблари ҳақида

гап ҳам бўлмасди, чунки Олий Зот тўлиқ илмга эга. Шунинг учун Парвардигор ва тирик мавжудотлар бир тоифага мансуб деб исботлаш мақсадида монистлар турли хил сохта таълимотларни ўйлаб топадилар. Агар тирик мавжудотлар Парвардигорга тенг бўлсалар, Шукадева Госвами Унинг илоҳий эрмакларини таърифлаб асар ёзиб юрмаган бўларди, чунки улар ҳам шунчаки алдамчи қувватнинг намоён этган кўринишлари бўлиб қоларди-да.

"Шримад Бхагаватам" - *суммум бонум*, майя чангалида изтироб чекаётган инсоният учун энг яхши дармон. Шунинг учун Шрила Вйасадева аввалига шартланган рухларнинг ҳақиқий касалини аниқлади: бу касаллик - ташқи қувват таъсири остида юзага келган алданишдир. У алдамчи қувват ўз таъсирини ўткази олмайдиган Олий Зотни; алданиш касалига мубтало бўлган шартланган рухларни; ана шу касалликни келтириб чиқарадиган сабабни кўрди. Бу касалликнинг давоси кейинги шеърда таърифланади. Худонинг Олий Шахси ва тирик мавжудотлар сифат жиҳатидан бир хил, бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ, аммо Парвардигор - алдамчи қувватнинг ҳукмдори, тирик мавжудотлар эса - унинг ҳукми остидаги зотлар. Шундай қилиб, Парвардигор ва тирик мавжудотлар бир вақтнинг ўзида ҳам бир хил, ҳам бир-биридан фарқ қиладилар. Бу ерда бошқа бир фикр ҳам аниқ ифодаланган: Парвардигор билан тирик мавжудот орасидаги ўзаро мангу муносабатлар илоҳий табиатга эга, акс ҳолда Парвардигор шартланган рухларни майя чангалидан қутқариб олиш ҳақида қайғуриб юрмаган бўларди. Айни пайтда тирик мавжудот ҳам Парвардигорга нисбатан ўзининг табиий боғланишини ва муҳаббатини қайта тиклаши керак, шунда у баркамолликка эришади. "Шримад Бхагаватам" ана шу мақсадга эришишда ёрдам бериб шартланган рухни алданиш касалидан даволайди.

6. Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёни, тирик мавжудотни, унинг табиатига хос бўлмаган барча моддий азоб-уқубатлардан бевосита халос эта олади. Лекин одамларнинг аксарият кўпчилиги бунни билмайдилар. Шунинг учун донишманд Вйасадева Олий Ҳақиқат билан боғлиқ бўлган мана шу ведавий асарни яратди.

Изоҳ: Шрила Вйасадева ҳар томонлама мукамал бўлган Худонинг Олий Шахсини кўрди. Демак, тўла бутун Худонинг Олий Шахси Ўзининг ажралмас заррачаларини ҳам Ўзида мужассам этган. Шундай қилиб, у Худонинг Олий Шахсининг қувватларини: ички, оралиқ ва ташқи қувватини, - Унинг тўлиқ намоён бўлган қисмларини, тўлиқ қисмларининг қисмларини, яъни Парвардигорнинг намоён бўлган ҳар хил қиёфаларини кўрди. Лекин, ташқи қувват

адаштириб кўйган шартланган рухларнинг мусибат мусибат чекиб юришлари унинг алоҳида эътиборини ўзига тортди. Ниҳоят у шартланган рухларни бу касалликдан даволайдиган воситани - Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнини ҳам кўрди. Бу - Худонинг Олий Шахсининг номларини, Унинг шон-шухрати, улуғворлиги ва бошқа сифатлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ва шарафлаб куйлашдан бошланадиган у буюк илоҳий илмдир. Қалбимизда мудраб ётган Худога бўлган боғланиш ёки Худога муҳаббат туйғуси шунчаки куруқ тинглаш ва такрорлаш жараёнига боғлиқ эмас. У бутунлай ва тўлалигича Парвардигорнинг бесабаб марҳаматига боғлиқ бўлган илоҳий туйғудир. Содиқ хизматкорининг самимий интилишларидан тўла мамнун бўлганида Парвардигор унга Ўзига муҳаббат билан хизмат қилиш бахтини ато этади. Лекин, ҳатто тавсия қилинаётган тинглаш ва куйлаш жараёнига шунчаки расмий равишда амал қилиб юрган инсон ҳам, моддий ҳаётнинг мутлақо кераксиз ва ғайритабиий мусибатлари камайиб кетганини яққол ҳис қилиши мумкин. Моддий нарсаларга бўлган боғланиш туйғусининг ана шундай камайиб кетиши инсоннинг илоҳий илми ривожланганининг натижаси эмас. Аксинча, Мутлақ Ҳақиқатни англаб олишга ёрдам берадиган илмнинг ўзи Худога садоқат билан хизмат қилиш натижасида келади.

7. Ведавий асарларни тинглаб юрган кишида шу заҳотиёқ, қалбидаги мусибат, алданиш ва кўркув туйғуларидан халос этувчи Олий Худо Шахси, Шри Кришнага муҳаббат ва садоқат билан ҳолис хизмат қилишга интилиш пайдо бўлади.

Изоҳ: Барча сезги аъзолари ичида кулоқ - энг таъсирчан аъзо. Биз ҳатто чуқур уйкуда ётган пайтимизда ҳам тинглай оламиз. Сергак юрган пайтимизда биз ўзимизни душманлардан ҳимоя қила оламиз, аммо ухлаб ётган вақтимизда бизни фақат эшитиш қобилиятимиз, яъни кулоқларимиз ҳимоя қилиб туради. Бу ерда ҳаётда энг юксак баркамолликка эришиш - уч турли моддий мусибатлардан биратўла қутулиш учун тинглашнинг жуда муҳимлиги алоҳида таъкидланган. Бу дунёда ҳар бир тирик мавжудот мусибат чекиб, алданиш домига тушган, ҳар хил душманлардан хавотирга тушиб, кўркув остида яшайди. Мана шу уч иллат моддий алданиш касалининг асосий аломатларидир. Лекин бу ерда очик айтилганки, шунчаки "Шримад Бхагаватам"нинг илоҳий хабарини тинглаш билан инсон ўзининг қалбида Худонинг Олий Шахси Парвардигор Кришнага нисбатан боғланиш туйғусини ривожлантиради, унда Худога боғланиш туйғуси ривожланган заҳоти моддий касаллик аломатлари йўқола бошлайди. Шрила Вйасадева ҳар жихатдан мукамал бўлган

Худонинг Олий Шахсини кўрди, шундай қилиб, мазкур шеърда Худонинг мукамал шахси - Шри Кришнанинг ҳақиқатан ҳам мавжудлиги тасдиқланган.

Худога садоқат билан хизмат қилишнинг якуний натижаси инсон қалбида Худо Шахсига нисбатан ҳақиқий муҳаббат ривожлантиришдир. Одатда эркак билан аёлнинг ўзаро муносабатларини "муҳаббат" деб айтадилар. "Муҳаббат" - Парвардигор Кришна билан тирик мавжудотлар орасидаги ўрао муносабатларни тўғри ифодалайдиган ягона иборадир. «Бхагавад-гита»да тирик мавжудотлар *пракрिति* деган ибора билан ифодаланган, санскрит тилида бу ибора аёл жинсини билдиради. Парвардигор эса ҳамиша *парама-пуруша*, яъни "эркак зотидан бўлган олий шахс" деб ифодаланади. Шундай қилиб, Парвардигор билан тирик мавжудотлар орасида юзага келадиган муҳаббат туйғуси нимаси биландир эркак билан аёл орасидаги муҳаббатга ўхшаб кетади. Демак, Худога бўлган муносабатни ифодалашда "муҳаббат" иборасини ишлатиш мумкин.

Худога муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиш жараёни Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглашдан бошланади. Парвардигор ҳақидаги ҳикоялар Парвардигорнинг Ўзидан фарқ қилмайди. Парвардигор ҳар тарафлама мукамал Зот, шунинг учун Парвардигор ҳақидаги ҳикоялар билан Парвардигорнинг Ўзи орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Шундай қилиб, Парвардигор ҳақида тинглаш - илоҳий товушлар орқали бевосита Парвардигорнинг Ўзи билан боғланиш демакдир. Илоҳий товуш тебранишларининг таъсири шу қадар қудратлики, у инсонни юқорида эслатиб ўтилган моддий боғланишлардан дарров халос этади. Аввал айтганимиздай, модда билан алоқада бўлиш натижасида тирик мавжудотда ҳаёт ҳақида ҳар хил нотўғри тасаввурлар юзага келади, бунинг натижасида у моддий тана қафасини "мен", "ўзим" деб қабул қилади. Турли хил кўринишдаги ҳаёт шаклига мансуб адашган тирик мавжудотлар турли даражада алданиш домига тушадилар. Ҳатто инсон ҳаётининг энг юқори ривожланган поғонасида ҳам, ҳар хил "изм"лар кўринишида турли алданишлар мавжуд; ана шу алданиш туйғуси тирик мавжудот билан Парвардигор орасидаги ўзаро муҳаббатга асосланган муносабатларни бузади, бунинг натижасида эса инсонлар орасида ўзаро меҳр-муҳаббатга асосланган муносабатларни ўрнатишга тўсқинлик қилади. "Шримад Бхагаватам"ни тинглаш материализмнинг ана шу сохта тасаввурларини яқсон қилади, шунда жамиятда одамлар орасида ҳақиқий тинчлик ўрнатилади. Сиёсатчилар зўр бериб ҳар хил сиёсий вазиятларда жамиятда ана шундай тинчлик ўрнатишга интиладилар. Улар одамлар ва давлатлар орасида тинчлик ўрнатишни истайдилар, лекин шунга қарамай, одамлар қалбида, ҳукмронлик қилишга қаттиқ боғланиш

сабабли юзага келадиган алданиш ва кўркув туйғуси сақланиб қолаверади. Шунинг учун сиёсатчилар ўтказётган ҳар хил тинчлик конференциялари инсоният ҳаётида одамлар орзиқиб кутаётган тинчлик ва осойишталикни таъминлай олмайди. Бунга фақат Худонинг Олий Шахси ҳақида "Шримад Бхагаватам"да келтирилган ҳикояларни тинглаш орқали эришиш мумкин. Узоқни кўра олмайдиган калтафаҳм сиёсатчилар минглаб йиллар давомида ўзларининг тинчлик конференцияларини ва олий даражадаги ҳар хил учрашувларини ўтказиб юришлари мумкин, лекин улар бу йўлда ҳеч қачон муваффақият қозона олмайдилар. Токи руҳий юксалиш йўлида Кришна билан бир пайтлар йўқотиб қўйган ўзаро муносабатларимизни қайта тиклай оладиган поғонага кўтарилмас эканмиз, биз танамизни "ўзим" деб ҳисоблашга мажбур қиладиган алданиш иллатидан ҳалос бўла олмаймиз, демак кўркув туйғуси ҳам сақланиб қолаверади. Муқаддас китобларда келтирилган минглаган мисоллар ва минглаган содиқларнинг Вриндаван, Навадвипа ва Пури сингари муқаддас саждагоҳларда олган ҳаёт тажрибалари аниқ исботлаб турибдики, Шри Кришна - Худонинг Олий Шахси. Ҳатто "Каумуди" луғатида ҳам, кришна иборасининг синоними сифатида "Йашоданинг ўғли" ва "Худонинг Олий Шахси", "Парабрахман" сўзлари кўрсатилган. Демак, ведавий муқаддас китоб "Шримад Бхагаватам"ни тинглаш орқали инсон Худонинг Олий Шахси Парвардигор Кришна билан бевосита боғлана олади ва бунинг натижасида моддий мусибатлар, алданишлар ва кўркувдан юқори кўтарилиб, руҳий баркамолликнинг энг юксак поғонасига эришади. Ҳақиқатан ҳам камтарин ҳолда "Шримад Бхагаватам"ни тинглаб юрган кишиларни бошқалардан ажратиб олиш учун амалда фойдаланиш мумкин бўлган аломатлар ана шулардан иборат.

8. Шримад-Бхагаватам"ни ёзиб, текшириб чиққандан кейин, буюк донишманд Вйасадева уни руҳий ўзлигини англаш йўлидан бораётган ўғли Шукадева Госвамига айтиб берди.

Изоҳ: "Шримад Бхагаватам" - "Брахма-сутра"ларни ёзган муалифнинг ўзи уларга табиий равишда ёзилган изоҳ сифатида яратган асардир. "Брахма-сутра" яъни "Веданта-сутра" - руҳий ўзлигини англаш йўлига кирган одамлар учун мўлжалланган асардир. "Шримад Бхагаватам" шундай ёзилганки, инсон уни тинглай бошлаган заҳоти руҳий ўзлигини англаш йўлига қиради. Гарчи "Шримад Бхагаватам" асосан парамахамсалар учун, яъни руҳий ўзлигини англаш билан бутунлай машғул бўлган донишмандлар учун мўлжалланган асар бўлса ҳам, унинг гаплари ҳатто ҳиссий лаззатларга берилиб яшаётган дунёвий одамларнинг ҳам қалбининг энг

тўрига бориб етади. Ҳатто улар ҳам ўзларининг моддий касалига қарши мана шу ведавий муқаддас битикдан даво топа оладилар. Шукадева Госвами ҳали туғилмасидан аввал руҳий озодликка эришган зот бўлиб, отаси унга "Шримад Бхагаватам"ни гапириб берганди. Дунёвий олимлар "Шримад Бхагаватам"нинг яратилиш даври бўйича ҳар хил баҳс мунозара олиб борадилар. Лекин, "Шримад Бхагаватам"нинг ўзида ёзилган маълумотларга қараганда шу нарса маълум бўладики, бу асар Махараж Парикшит бу дунёни тарк этмасидан аввал, лекин Парвардигор Кришна Ер юзини тарк этгандан кейин айтилган. Махараж Парикшит Бхарата-варшанинг ҳукмдори сифатида оламга ҳукмронлик қилиб турганида Кали фариштасини жазолаган эди. Муқаддас китоблардаги маълумотларга ва астрологик ҳисоб-китобларга қараганда Кали-йўга бошланганидан бери беш минг йил ўтди. Демак, "Шримад Бхагаватам"нинг ёзилганига ҳам камида беш минг йил бўлган. "Маҳобҳорат" "Шримад Бхагаватам"дан олдин ёзилган, Пураналар эса - "Маҳобҳорат"дан ҳам олдин ёзилган. Ҳар хил ведавий муқаддас китобларнинг нозил бўлиш тартиби шундай. "Шримад Бхагаватам"нинг қисқача баёни Нарада Мунининг кўрсатмаси билан тўлиқ кўринишда ёзилган "Шримад Бхагаватам"дан олдин ёзилган эди. "Шримад Бхагаватам" - *нивритти-марг* йўлидан бораётган одамлар учун мўлжалланган илм. Нарада Муни *правритти-марг* йўлини қоралаган эди. Бу - барча шартланган руҳлар табиий равишда мойил бўлган йўлдир. "Шримад Бхагаватам"нинг мақсади - одамларни моддийлик иллатидан даволаш, яъни уларнинг барча моддий мусибатларига бутундай чек қўйишдан иборат.

9. Шри Шаунака яна савол берди: Шри Шукадева Госвами руҳий ўзлигини англаш йўлидан бораётган бўлса, демак у қалбида тўла қаноат ҳосил қилган инсон бўлган. Шунга қарамай, нечук у шундай катта асарни ўрганиш ташвишини ўз зиммасига олди?"

Изоҳ: Барча инсонлар учун ҳаётнинг энг мукамал поғонаси ҳар қандай моддий фаолиятни тарк этиш ва руҳий ўзликни англаш йўлида мустаҳкам ўрнашиб олишдан иборат. Ҳиссий лаззатланиш билан роҳатланиб яшайдиган, яъни бутун фаолияти моддий танасининг лаззатланишга бўлган талабини қондиришга қаратилган одамлар *карми* деб аталадилар. Ана шундай минглаган ва миллионлаган кармилар орасидан биргина киши руҳий ўзлигини англаш йўлидан бориб *атмарама* поғонасига кўтарилиши мумкин. *Атма* ибораси "мен" деганни, *арама* ибораси эса, - "лаззат олиш" деган маънони билдиради. Ҳамма энг буюк лаззатни излаш билан овора, лекин лаззатни баҳолаш мезони ҳар хил одамларда турлича бўлади. Шу боис кармиларнинг лаззатланиш

хақидаги тушунчаси атмарамаларнинг лаззатланиш хақидаги тасаввуридан фарқ қилади. Атмарамалар моддий лаззатларга бутунлай бефарқ бўладилар. Шрила Шукадева Госвами ана шундай поғонага кўтарилган зот эди, шунга қарамай барибир уни мана шу буюк асар "Шримад Бхагаватам"ни ўрганиш имконияти ўзига жалб этган ва бу йўлда учрайдиган қийинчиликлар уни чўчита олмаган эди. Бу шундан далолат берадики, ҳатто Ведалар илмини мукаммал ўрганиб чиққан атмарамалар учун ҳам "Шримад Бхагаватам"ни ўрганиш руҳий юксалишнинг юксакроқ поғонаси ҳисобланади.

10. Сута Госвами шундай жавоб берди: "Барча(қалблари руҳий ўзлигида ором топган) атмарамалар, айниқса ҳақиқий ўзлигини англаш йўлида мустаҳкам турган зотлар, барча дунёвий иллатлардан аллақачон халос бўлганларига қарамай, Худога соф садоқат билан бенуксон ҳолис хизмат қилишни истайдилар. Демак, Худо Шахси илоҳий фазилатларга эга бўлгани учун ҳаммани, ҳатто озодликка эришган руҳларни ҳам Ўзига жалб этади.

Изоҳ: Парвардигор Шри Чаитанья Махапрабху Ўзининг яқин содиқ хизматкори бўлган Шрила Санатана Госвамига мана шу атмарама-шлокани батафсил тушунтириб берган. У айтган эдики, бу шлока ўн бир иборадан таркиб топган: 1) *атмарама*; 2) *мунайаҳ*; 3) *ниргрантха*; 4) *апи*; 5) *ча*; 6) *урукрама*; 7) *курванти*; 8) *ахаитуким*; 9) *бхактим*; 10) *иттхам-бхута-гунах* ҳамда 11) *харих*. "Вишва-пракаша" санскрит луғатига кўра *атмарама* иборасининг етти синоними бор: 1) Брахман, Мутлақ Ҳақиқат; 2) тана; 3) ақл; 4) интилиш; 5) чидамлик; 6) тафаккур; 7) одатлар.

Мунайаҳ ибораси ҳам етти маънони англатиши мумкин: 1) чуқур мазмунли; 2) жиддий ва индамас; 3) камсуқум; 4) чидамли, ўзгармас, турғун; 5) риёзатчи; 6) донишманд; 7) авлиё.

Ниргрантха ибораси куйидаги маъноларни англатади: 1) ғофилликдан озод бўлган инсон; 2) муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига боғланмаган, яъни Ведалар сингари муқаддас китоблардаги, одоб-ахлоқ, фалсафа, психология ва метафизикага оид китоблардаги қонун-қоидаларга риоя қилиб яшаши шарт бўлмаган кишилар(нодонлар, тарбия кўрмаган бефаросатлар, пасткаш, ҳеч қандай қонунни писанд билмайдиган одамсифат ҳайвонлар); 3) тузилиш; 4) камбағал.

"Шабда-коша" луғатига кўра "*ни*" аффикси куйидаги маъноларни билдиради: 1) ишонч; 2) ҳисоб; 3) тузилиш; 4) таъқиқ, *грантха* ибораси эса, "бойлик", "луғат", "тезис" деган маънони англатади.

Урукрама ибораси "кўрсатган кароматларининг шон-шухрати кенг тарқалган" деган маънони билдиради. *Крама* ибораси "қадам" деганни

билдиради. *Урукрама* сўзи, жумладан, Парвардигорнинг бир неча қадам билан бутун коинотни босиб олган қиёфаси Вamanaдевани билдиради. Парвардигор Вишну кудратли ва Ўзининг кароматлари билан шухрат қозонган Зот, - У Ўзининг ички қуввати ёрдамида руҳий оламни, ташқи қуввати билан эса, моддий оламни яратди. Ўзининг ҳамма жойни қоплаб олган кўринишида У Мутлақ Ҳақиқат сифатида ҳамма жойда мавжуд, Ўзининг Шахсий кўринишида эса, ҳаммаша Ўзининг илоҳий даргоҳи Голока Вриндаванда бўлиб, Ўзининг сон-саноксиз, ранг-баранг илоҳий эрмакларини ўтказиб юради. Кўрсатадиган кароматлари бўйича Унга тенг келадиган бирор мавжудот йўқ, шу боис *урукрама* ибораси билан фақат Парвардигорни ифодалаш мумкин.

Санскрит тилида сўз яшаш қоидаларига кўра *курванти* ибораси биров учун қилинган ҳаракатни ифодалайди. Демак, атмарамалар Худога ўз манфаатини кўзлаб эмас, балки фақат Парвардигорга, Урукрамага лаззат келтириш учун хизмат қиладилар.

Хету ибораси "сабабчи бўлган" ёки "юзага келтирадиган", "келтириб чиқарадиган" деган маънони билдиради. Ҳиссиётнинг талабини қондиришнинг жуда кўп манбалари, сабаблари бор. Лекин, изланувчан одамларнинг барча интилишларини уч тоифага бўлиш мумкин: 1) моддий лаззатларга; 2) сеҳр кудратига эришишга; 3) руҳий озодликка эришишга. Моддий лаззатларнинг сон-саноксиз турлари бўлиб, одатда дунёвий одамлар, алдамчи қувват таъсири остида бўлганлари сабабли янгидан-янги лаззатларга интилаверадилар. Моддий лаззатларнинг сон-саногии йўқ, бу моддий оламда ҳеч ким уларнинг ҳаммасидан лаззатланиб кўришга қодир эмас. Сеҳр кудратининг саккиз тури мавжуд: энг кичик нарсадан кичик бўлиш: энг енгил нарсадан ҳам енгил бўлиш, истаган нарсасига эга бўлиш, моддий табиатга ҳукмронлик қилиш, бошқа тирик мавжудотларни бошқара билиш, сайёралар яратиш ва ҳоказо. Мана шу сеҳр кудратлари "Шримад Бхагаватам"да санаб ўтилган. Руҳий озодликнинг эса беш тури мавжуд.

Шундай қилиб, соф садоқат - юқорида кўрсатилган нарсаларнинг бирортасига эришига таъма қилмасдан Худога ҳолис хизмат қилишни билдиради. Ҳар қандай шахсий манфаат кўзлашни бутунлай тарк этган ана шундай асл содиқ хизматкорларгина кудратли Худо Шахси Шри Кришнани тўла мамнун қила оладилар.

Руҳий юксалиш йўлида содиқ Худога соф садоқат билан хизмат қилишгача бир неча поғонадан ўтади. Моддий оламда Худога садоқат билан хизмат қилишнинг саксон бир сифати бор, шундан кейин садоқат билан хизмат қилишнинг садхана-бхакти деб аталадиган ягона илоҳий поғонаси бошланади. Соф садхана-бхакти ривожланиб Худога нисбатан соф муҳаббатга айланганида Парвардигорга илоҳий муҳаббат

билан хизмат қилишбошланади ва навбат билан мана шу тўққиз поғона орқали илоҳий муҳаббатнинг энг юксак чўққисига кўтарилади: интилиш, муҳаббат, боғланиш, кучли ҳис қилиш, яқинлик, садоқат, Парвардигорга эргашиш, жазава ва қаттиқ ҳижрон туйғуси.

Содикнинг Худога садоқат билан хизмат қилишга бўлган суёт интилиши ривожланиб Худога бўлган илоҳий муҳаббат даражасига етиши мумкин. Фаол содикнинг интилиши эса ривожланиб Худога садоқат поғонасига кўтарилиши, агар содик Парвардигор билан ўзаро дўстона муносабатда бўлса, унинг интилиши Парвардигорга эргашиш даражасига етиши мумкин. Парвардигор билан ота-она муносабатида турган содиқлар ҳам ана шундай даражага эришадилар. Парвардигор билан ошиқ-машуқ муносабатида бўлган содиқларнинг жазавали ҳолати ривожланиб шундай даражага етадики, унда содиқлар Парвардигор билан қаттиқ ҳижрон, айрилиқ туйғусини ҳис қила бошлайдилар. Парвардигорга соф садоқат билан хизмат қилишнинг баъзи кўринишлари шулардан иборат.

"Хари-бхакти-судходайа"да айтилганидек, иттиҳам-бхута ибораси "чуқур лаззат" деган маънони билдиради. Парвардигорнинг шахсиятсиз Браҳман кўринишини англаб етишдан оладиган илоҳий лаззат ана шундай чуқур илоҳий лаззат уммони олдида худди бузоқнинг туёқ изларида тўпланиб қолган кўлмақдай кўримсиз бўлиб қолади. Бундай лаззатни содиқ хизматкорнинг Худо Шахсининг жамолини кўришдан оладиган чуқур лаззат уммони билан умуман тенглаштириб бўлмайди. Парвардигор Шри Кришнанинг шахсий киёфаси шу қадар жозибаторки, унда барча мафтункорлик, барча лаззатлар ва барча раса(ширин таъм)лар мужассам бўлган. У шу қадар жозибаторки, ҳеч ким уни на бирор моддий лаззатга, на бирор сеҳр қудратига ёки на руҳий озодликка алмашишни истамайди. Бу ҳақиқатни мантиқий жиҳатдан исботлашнинг мутлақо ҳожати йўқ. Тирик мавжудотни Парвардигор Шри Кришнанинг сифатлари ўзига жалб этади, бу тирик мавжудотнинг азалдан табиатига хос бўлган хусусият. Шунини яхши билиб олиш лозимки, Парвардигорнинг сифатлари моддий сифатлардан умуман фарқ қилади. Бу сифатларнинг ҳаммаси илмга, лаззатга ва мангуликка тўла. Парвардигорнинг сифатлари чексиз, сон-саноксиз, шунинг учун кимнидир Унинг бир сифати ўзига жалб этса, бошқа бировни Унинг бошқа сифати ўзига жалб этади.

Буёқ донишмандларни - бутун умр уйланмасликка қарор қилган тўрт содиқ: Санака, Санатана, Сананда ва Санат-кумарларни Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига тақдим этилган гулларнинг ва сандал пастаси суртилган туласи барглариининг анвойи ҳидлари маҳлиё қилган эди. Худди шундай Шукадева Госвамини Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари

мафтун этган. Шукадева Госвами аллақачон руҳий озодликка эришган зот эди, шунга қарамай Парвардигорнинг эрмаклари уни ўзига жалб этди. Бу шундан далолат берадики, Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари моддий боғланишлардан бутунлай фарқ қилади. Ёш подачи қизларни Парвардигорнинг гўзал сиймоси мафтун этган эди, Рукминини эса - Парвардигорнинг шон-шухрати ҳақидаги ҳикоялар. Парвардигор Кришна ҳатто равнақ фариштасининг ҳам ақлини ўзига мафтун қилиб кўяди. У алоҳида ҳолатларда барча ёш қизларнинг ақлини ўғирлаб кўяди. У ўзига нисбатан оналик меҳри билан боғланган кекса ёшдаги аёлларнинг ақлини жалб этади, катта ёшдаги эркакларнинг ақлини эса У ўзининг дўстона муносабатлари ҳамда хизмати билан мафтун қилади.

Хари иборасининг маънолари жуда кўп, лекин уларнинг энг асосийси - барча ёқимсиз нарсаларни яқсон қиладиган ва содиққа ўзига муҳаббат билан хизмат қилиш бахтини ато этиб, унинг ақлини ўғирлаб кўядиган Зот(Парвардигор). Қийин вазиятга тушиб қолганда Парвардигорни эслаш билан инсон ҳар қандай мусибат ва ташвишлардан халос бўлади. Парвардигор Худога садоқат билан хизмат қилиш билан банд бўлиб юрган содиқ хизматкорининг ҳаётидан аста-секин барча кийинчиликларни бартараф қилади, шунда Худога садоқат билан хизмат қилишнинг тўққиз турли фаолияти ўз натижаларини бера бошлайди.

Парвардигорнинг шахсий хусусиятлари ва илоҳий сифатлари асл содиқ хизматкорнинг бутун фикру-хаёлини ва ҳиссиётини қамраб олади. Парвардигор Кришнанинг мафтункорлигининг қудрати ана шундай. Унинг мафтункорлиги шу қадар кучлики, асл содиқ хизматкор диний қоидаларга риоя қилиб яшаш орқали эришиладиган тўрт мақсаднинг бирортасига интирмай кўяди. Парвардигор Кришнанинг илоҳий сифатларининг мафтункорлиги шу қадар қудратли. Бу гапларнинг ҳаммасига апи ва ча ибораларини кўшиб, бу шлоканинг мазмунларининг сонини чексиз кўпайтиравериш мумкин. Грамматика қоидалари бўйича, санскрит тилида апи ибораси етти турли маънони англатади.

Шундай қилиб, бу шлоканинг ҳар бир иборасини таҳлил қилиб, Парвардигор Кришнанинг асл содиқ хизматкорининг ақлини ўзига мафтун этадиган сон-саноксиз илоҳий сифатларини кўриш мумкин.

11. Шрила Вйасадеванинг ўғли Шрила Шукадева Госвами илоҳий қудрат соҳиби бўлибгина қолмасдан, Худонинг содиқ хизматкорларига жуда азиз зот эди. Шундай қилиб, у бу буёқ асар "Шримад Бхагаватам"ни қунт билан ўрганишга киришди.

12. Сута Госвами Шаунака бошлиқ ришиларга шундай сўзлар билан мурожаат қилди: "Энди

сизларга Худо Шахси Шри Кришна ҳақида, донишманд шоҳ Парикшитнинг туғилиши, қилган ишлари ва рухий озодликка чиқиши ҳақида, шунингдек Пандузодаларнинг қандай тарки дунё қилгани ҳақида гапириб бераман.

Изоҳ: Парвардигор Кришна адашган руҳларга шу қадар меҳрибонки, ҳар хил ҳаёт шаклидаги тирик мавжудотлар орасида шахсан Ўзи намоён бўлиб, уларнинг кундалик фаолиятларида иштирок этади. Қачон рўй берганига қарамай, қандайдир тарихий воқеа Парвардигорнинг бу дунёдаги кўрсатган қайсидир кароматлари билан боғлиқ бўлса, шу воқеа ҳақидаги ҳикояни Парвардигор ҳақидаги илоҳий ҳикоя деб ҳисоблаш керак. Ведаларни тўлдирадиган барча асарлар, масалан, Пураналар ва "Маҳобҳорат", агар уларнинг таркибида Кришна ҳақидаги ҳикоялар бўлмаса, шунчаки оддий тарихий воқеалар ва ҳикоялар тўпламига айланиб қоларди. Аммо улар Парвардигор Кришна ҳақида ҳикоя қилганида илоҳий муқаддас китобларга айланади, уларни тинглаган заҳотиёқ биз Парвардигор билан илоҳий алоқа боғлаймиз. "Шримад Бхагаватам" бошқа асарлар орасида алоҳида ўрин эгаллайди, чунки унда Парвардигор ҳақидаги ҳикоялар иккинчи даражали тарихий ҳикоялар бўлмасдан, асарнинг асосий мавзусини ташкил этган. Шунинг учун Парвардигор Чаитанья Махапрабху "Шримад Бхагаватам"ни "бенуқсон Пурана" деб баҳолаган. "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи кўшиқларининг мазмунини яхши тушуниб олмасдан дарров унинг ўнинчи кўшиғида келтирилган Парвардигорнинг кароматлари ҳақидаги ҳикоялардан лаззатланишга интиладиган «Бхагавата-пурана»нинг калтафаҳм сохта содиқлари ҳам учраб туради. Улар бошқа кўшиқлар Парвардигор Кришна билан боғлиқ эмас деган нотўғри фикрдалар, шунинг учун дарров ўнинчи кўшиқни ўқий бошлайдилар, бу эса уларнинг чуқур тафаккурдан эмас, балки калтафаҳмлигидан далолат беради. Ана шундай ўқувчилар учун бу ерда "Шримад Бхагаватам"нинг бошқа кўшиқлари ҳам унинг ўнинчи кўшиғидай муҳим экани алоҳида таъкидланган. Аввал "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи тўққиз кўшиғини яхши тушуниб олмасдан ҳеч ким дарров унинг ўнинчи кўшиғини тушунишга уринмаслиги керак. Кришна ва Унинг асл содиқлари, хусусан Пандузодалар бир илоҳий поғонада турадилар. Кришна ҳамиша Ўзи билан турли (раса)муносабатларда алоқа қилиб юрадиган содиқлари билан бирга юради, Пандузодалар сингари Унинг асл содиқлари ҳам ҳамиша Кришна билан бирга бўлади. Парвардигор ва Унинг содиқлари бир бирига қаттиқ боғланганлар, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Шунинг учун Унинг содиқлари ҳақидаги ҳикоялар ҳам кришна-катха, Парвардигор ҳақидаги ҳикоялар деб ҳисобланади.

13-14. Курукшетра майдонида иккала кўшин - Кауравлар ва Пандуларнинг кўшинлари барбод бўлиб, жангда қурбон бўлганлар ўз амалларига лойиқ жазо олгандан сўнг, Дхритараштранинг ўғли(Дурйодхон) Бхимасенанинг гурзиси зарбалари дастидан қовурғаси синиб, оғриқдан "оҳ" тортиб йиқилганида, Дронаचारйанинг ўғли(Ашваттхама) Драупадининг уйқуда ётган беш ўғлининг каллаларини таналаридан жудо қилиб, "хўжайиним хурсанд бўлади", деган аҳмоқона ўй билан, уларни ўлжа сифатида Дурйодхоннинг олдига келтириб ташлади. Аммо, Дурйодхон унинг бу қабих ишидан хурсанд бўлмади, аксинча уни қоралади.

Изоҳ: Парвардигор Шри Кришна ҳақидаги илоҳий асар бўлган "Шримад Бхагаватам"нинг мавзуси Курукшетрадаги уруш тамом бўлган вақтдан бошланади. Шу урушнинг бошланиш олдидан Парвардигор Кришна «Бхагавад-гита»да Ўзи ҳақида гапириб берган эди. Демак, «Бхагавад-гита» ҳам, "Шримад Бхагаватам" ҳам Парвардигор Кришна ҳақидаги илоҳий асарлардир. «Бхагавад-гита» - кришна-катха, Кришна ҳақидаги ҳикоя, чунки уни Парвардигорнинг Ўзи айтган. "Шримад Бхагаватам" ҳам кришна-катха, чунки унда Парвардигор Кришна ҳақида ҳикоя қилинади. Парвардигор Чаитанья Махапрабху ҳамма одамлар Унинг амрига бўйсуниб мана шу икки кришна-катхани билишларини истарди. Парвардигор Кришна Чаитанья - Кришнанинг содиқ хизматкор киёфасидаги Кришнанинг Ўзидир, шунинг учун Шри Кришнанинг фикри Шри Чаитанья Махапрабхунинг фикридан фарқ қилмайди. Парвардигор Чаитанья, Ҳиндистон заминида туғилган ҳар бир инсон мана шу кришна-катхаларни ўрганишга жиддий этибор беришларини, улардаги илоҳий хабарларни Ер юзининг ҳамма жойидаги одамларнинг ҳар бирига тарғибот қилишларини истаган. Бундай фаолият бутун инсониятга одамлар орзиқиб кутаётган фаровонлик ва хотиржамликни келтиради.

15. Ўғилларининг ваҳшиёна ўлдирилганини эшитган, Пандуларнинг беш фарзандининг онаси Драупади аюханнос солди, унинг кўзлари бу оғир мусибатдан жикқа ёшга тўлди. Шундай мусибатли онларда унга далда бериб, Аржун шундай деди:

16. "Эй покдомон аёл, мен Гандива камоним билан (ўғилларининг қотили бўлган)браҳманнинг калласини танасидан жудо қилиб, оёғинг остига келтириб ташлагандан кейин сени овутиб, кўз ёшларингни тўхтатаман. Ўғилларининг таналари оловда дафн қилингандан сўнг, сен унинг бошини оёқ ости қилиб сувда чўмилиб покланишинг мумкин".

Изох: Уйга ўт кўядиган, овқатга захар солиб кўядиган, огоҳлантирмасдан қурол ишлатиб хужум қиладиган, босқинчилик қиладиган, ерни тортиб оладиган ва бировнинг хотинини йўлдан урадиган душман тажовузкор деб аталади. Шундай одам ҳатто брахман ёки "брахманнинг ўғли" бўлса ҳам, дарров жазо олиши лозим. Аржун хотинига бу тажовузкорнинг бошини танасидан жудо қилишга ваъда берганида билар эдики, Ашваттхама брахманнинг ўғли эканини биларди. Лекин брахман худди жаллод сингари ваҳшиёна ҳаракат қилгани учун у шунга яраша жазо олиши лозим эди. Тажовузкор золим душман бўлган брахманнинг ўғлини ўлдириш гуноҳ ҳисобланмайди.

17. Жиловдори ва яқин дўсти бўлиб бегуноҳ Парвардигорнинг Ўзи йўл кўрсатаётган Аржун Ўзининг суюкли хотинини шундай сўзлар билан овутди ва жанг либосини кийиб, душманларни даҳшатга соладиган қуролини кўлига олди. Жанг аравасига миниб, ўзига жанг илмини ўргатган устозининг ўғли Ашваттхамани таъқиб қила бошлади.

18. Шаҳзодаларнинг қотили Ашваттхама, шиддат билан изидан яқинлашиб келаётган Аржунни кўриб, жонини сақлаб қолиш ниятида, бир пайтлар Маъбуд Шивадан даҳшатга тушиб қочган Маъбуд Браҳма сингари, жон ҳолатда қоча бошлади.

Изох: Шеърнинг охирги ибораси, қандай ўқилишига қараб - қаҳ ёки арқаҳ - Пураналарда келтирилган икки воқеадан биттасини назарда тутиши мумкин. Қаҳ ибораси бир куни ўз қизининг жамолига маҳлиё бўлиб, уни таъқиб қила бошлаган, бу иши билан Маъбуд Шиванинг ғазабини келтирган Маъбуд Браҳмани билдиради. Шунда жаҳли чиққан Маъбуд Шива ўзининг даҳшатли санчқисини ўқталиб, Маъбуд Браҳмага ҳамла қилган эди. Ҳаёти хавф остида қолган Маъбуд Браҳма жон ҳолатда қоча бошлаганди. Арқаҳ ибораси эса, "Вамана-пурана"да келтирилган. Бир пайтлар Видйунмали деган иблис яшаган бўлиб, унга ярқираб турган олтин ҳаво кемаси совға қилинган эди. У ўзининг олтин кемасида Қуёш орбитасида унга қарши ҳаракат қила бошлаганида Қуёш ўзининг ҳарорати билан унинг кемасини эритиб юборган ва бу иши билан Маъбуд Шиванинг ғазабини келтирган эди. Маъбуд Шива Қуёш фариштасига хужум қилди. Қуёш фариштаси жон ҳолатда Маъбуд Шивадан қоча бошлади ва Каши(Варанаси) устига кулаб тушди. Шундан кейин Каши шаҳри Лоларка деб атала бошлади.

19. Отларининг чопавериб ҳолдан тойганини кўрган брахманнинг ўғли(Ашваттхама): “Энди

энг даҳшатли қурол - брахмастра(ядровий қурол)ни ишлатишдан бошқа чорам қолмади”- деган қарорга келди.

Изох: Брахмастра деб аталадиган ядровий қурол фақат энг фавқуллодда ҳолларда, бошқа ҳеч қандай чора қолмаганда ишлатилади. Бу ерда двиджатмаджаҳ ибораси муҳим аҳамиятга эга, чунки Ашваттхама гарчи Дронаचारянинг ўғли бўлса ҳам, брахманларнинг барча эзгу фазилатларига эга эмасди. Брахман деган юксак мартабага фақат энг буюк, зеҳли инсонлар муносиб бўладилар, бундай мартаба наслдан наслга мерос сифатида ўтмайди. Аввалги шеърларда Ашваттхамани брахма-биндху, яъни "брахманнинг дўсти" деб атаган эдилар. Инсон брахманнинг дўсти бўлгани билан бу ҳали у ҳам брахманнинг сифатларига эга дегани эмас. Брахманнинг дўсти ёки ўғли брахманларнинг барча эзгу фазилатларига эга бўлгандагина бошқалар уни брахман деб аташлари мумкин. Мазкур шеърда Ашваттхама атайлаб брахманнинг ўғли деб аталган, чунки унинг даҳшатли қурол ишлатишга келган қарорини брахманларга хос тўғри қарор деб бўлмайди.

20. Ҳаёти хавф остида қолган Ашваттхама, ўзига сув сепиб покланди ва фикрини бир жойга тўплаб, гарчи қандай тўхтатиш йўлини билмаса ҳам, брахмастрани ишга соладиган мантраларни ўқий бошлади.

Изох: Моддий фаолиятнинг нафис турларри моддий қувватни бошқаришнинг кўпол усулларидан устун туради. Ана шундай нафис моддий ҳаракатлар товушни поклаш ёрдамида амалга оширилади. Ана шу усул бу ерда ядро қуролидай ҳаракат қиладиган маълум бир мантраларни талаффуз қилиш учун ишлатилган эди.

21. Бир зумда чор атрофни кўзни қамаштирувчи ёғду қамраб олди. У чидаб бўлмас даражада кучли эди-ки, ҳаёти хавф остида қолганини сезган Аржун Парвардигор Шри Кришнага юзланди.

22. Аржун шундай деди: "Эй Кришна, Сен ҳар нарсага қодир Худо Шаҳси, ягона Парвардигорсан. Сен қувватларинг чексиз, ў боис содиқ хизматкорларинг қалбидан кўрқув ҳиссини фақат Ўзинг бартараф этишга қодирсан. Моддий азоб-укубатлар гирдобига тушиб қолган ҳар бир инсон, озодликка чиқиш йўлини фақат Сендангина топа олади.

Изох: Аржун Парвардигор Шри Кришнанинг илоҳий сифатларга эга эканини биларди, чунки Курукшетрада бўлиб ўтган, иккиси ҳам иштирок этган уруш пайтида уларнинг намоён бўлганини кўрган эди. Шунинг учун Аржунинг Парвардигор

Кришна ҳақидаги тасаввурлари асосланган ва ишонарли эди. Кришна ҳар нарсага қодир, бунинг устига У Ўзининг содиқ хизматкорлари қалбидаги жасорат манбаидир, чунки уларнинг Парвардигорнинг шахсан Ўзи ҳимоя қилиб юради. Моддий оламдаги тирикчилик худди ёнғин кетган ўрмонни эслатади, лекин Парвардигор Кришнанинг марҳамати билан бу ёнғинни ўчириш мумкин. Рухий устоз - Парвардигорнинг марҳаматининг вакили. Шунинг учун ўзлигини англаб етиш даражасига эришган рухий устознинг шаффоф воситаси орқали моддий тирикчилик оловида ёнаётган кишига Парвардигорнинг марҳамат ёмғири ёғиши мумкин. Рухий устознинг сўзлари изтироб чекаётган кишининг қалбига етиб боришга ва унга моддий тирикчилик ёнғинини бир ўзи ўчиришга қодир бўлган илоҳий илм уруғини жойлаб қўйишга қодир.

23. Сен - Ўзини бутун борлиқ бўйлаб таратган ва моддий қувватга нисбатан илоҳий бўлган Парвардигорнинг азалий Шахсисан. Илоҳий қудратинг ёрдамида Сен моддий қувват таъсирини бартараф этдинг. Сен, илоҳий илм соҳиби бўлган ҳолда ҳамиша мангу лаззат оғушида бўласан.

Изоҳ: «Бхагавад-гита»да Парвардигор айтадики, Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига ўз ихтиёрини топширган киши ғофиллик чангалидан халос бўла олади. Кришна қуёшга ўхшайди, майя, яъни моддий оламдаги ҳаёт эса - қоронғу зулматга. Қуёш нури пайдо бўлган заҳоти ғофилликнинг қоронғу зулмати ғойиб бўлади. Мазкур ўёғда бу ғафлат оламидан чиқиб кетишнинг энг осон йўли таклиф этиляпти. Бу ерда Аржун Парвардигорни Худонинг азалий бошланғич Олий Шахси деб атаб Унга муржаат қиляпти. Парвардигорнинг қолган барча Шахсий фиёфалари Ундан тарқалади. Ҳамма жойга сингиб кетган Парвардигор Вишну Кришнанинг экспансияси, тўла намоён бўлган кўриниши. Парвардигор Ўзини Худонинг ва тирик мавжудотларнинг сон-саноксиз қиёфаларида, шунингдек Ўзининг ҳар хил қувватлари кўринишида намоён этади. Лекин Шри Кришна - бутун борлиқнинг манбаи бўлган азалий Парвардигор, ҳамма нарса Ундан чиқади. Намоён бўлган оламдаги Парвардигорнинг биз ҳис қиладиган ҳамма жойни қамраб олган кўриниши ҳам Парвардигорнинг қисман намоён бўлишидир. Демак, У Параматмани ҳам Ўз ичига олади. У - Худонинг Мутлақ Шахси. Моддий оламдаги ҳар хил фаолият ва улар келтириб чиқарадиган оқибатларга Унинг ҳеч қандай алоқаси йўқ, чунки моддий борлиқдан ўлчаб бўлмас даражада устун туради. Қоронғулик қуёшга бутунлай қарама-қарши ҳолат, демак, ўзининг мавжудлигида у қуёшга қарам, лекин қуёшнинг ўзида қоронғудан асар ҳам йўқ. Қуёш фақат нурдан иборат бўлгани сингари, моддий борлиқдан ташқарида бўлган

Худонинг Мутлақ Шахси ҳам ҳамиша лаззатга тўла. Парвардигор фақат лаззатгагина эмас, балки илоҳий ранг-барангликка ҳам тўла. Илоҳийлик қотиб қолган, ҳаракатсиз олам эмас, у ҳаракатчан рангбарангликка тўла. Парвардигор уч гунанинг ҳар хил аралаш таъсирлари остида бўлган моддий табиатдан бутунлай фарқ қилади. У - парама, ҳукмдор. Демак, - У Мутлақ табиатга эга. У ҳар хил қувватлар соҳиби, шу боис уларнинг ёрдами билан У моддий оламни яратади, мавжудлигини таъминлаб туради ва вақти келганда яқсон қилади. Лекин Унинг Ўзининг Шахсий даргоҳида ҳамма нарса мангу ва мутлақ табиатга эга. Оламни қувватларнинг ўзлари эмас, алоҳида ваколат берилган вакиллар эмас, балки ана шу қувватларнинг эгаси, ҳукмдори бошқариб туради.

24. Гарчи Сен моддий қувватнинг таъсир чегарасидан ташқарида бўлсанг ҳам, барибир, моддий қувват таъсири билан шартланган руҳларнинг бахтини ўйлаб, Сен озодликка чиқишнинг дхарма, артха, кама, мокшалардан таркиб топган тўрт қондасига амал қилиб яшайсан.

Изоҳ: Ўзининг бесабаб марҳамати билан Худо Шахси Шри Кришна моддий табиат гуналари таъсирга берилмай намоён бўлган моддий оламга ташриф буюради. У ҳамиша намоён бўлган моддий оламдан ташқарида мавжуд. У Ўзининг бесабаб марҳамати билан бу оламга фақат алдамчи қувватнинг алдовига учиб, йўлдан адашган руҳлар Ўзининг мангу даргоҳига қакириш учун ташриф буюради. Аслини олганда тирик мавжудот ўзи мустақил ҳолда лаззатланишга қодир эмас, лекин моддий қувватнинг таъсирга бардош беролмай, улар ўзлари ўйлаб топган ҳар хил баҳоналарни рўқач қилиб моддий қувватдан лаззатланишга интиладилар. Тирик мавжудот - Парвардигорнинг мангу хизматкори, лекин, ўзининг ўрни қаердалигини эсидан чиқариб, у моддий оламда лаззатланиш ҳақида ўйлай бошлайди. Аслида у моддий оламда алданиш домига тушиб қолган. Парвардигор бу оламга адашган тирик мавжудотларнинг ана шу сохта лаззатланишга бўлган интилишини бартараф қилиш ва шартланган руҳларни Худонинг даргоҳига қайтиб боришга даъват қилиш учун келади. Парвардигорнинг адашган руҳларга кўрсатадиган марҳамати шундай.

25. Бу дунёнинг оғирини енгил қилиш учун ҳамда Ўзининг дўстларингга, айниқса, ихтиёрини бутунлай Сенга топшириб, ҳамиша фақат Сен ҳақингда ўйлаб юрадиган содиқ хизматкорларингга бахт-саодат келтириш учун Сен турли қиёфаларда бу дунёга келасан.

Изоҳ: Бир қараганда Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкорларига боғланиб қолгандай бўлиб

туюлиши мумкин. Бутун борлиқдаги ҳамма нарса Парвардигор билан боғланган, шу боис У ҳаммага бир хил муносабатда бўлади, лекин шунга қарамай, У Ўзининг қариндошларига ва содиқ хизматкорларига алоҳида марҳамат кўрсатади. Парвардигор - ҳар кимнинг меҳрибон отаси. Ҳеч ким Унинг отаси ёки Унинг ўғли бўла олмайди. Унинг қариндошлари ва оила аъзолари - аслида Унинг содиқ хизматкорларидир. Унинг илоҳий эрмаклари шундай. Бундай илоҳий эрмаклар бу дунёдаги қариндош-уруғчилик, ота-оналик сингари тасаввурлардан бутунлай фарқ қилади. Аввал эслатиб ўтганимиздай, Парвардигор моддий табиат гуналаридан устун туради, шу боис садоқат билан хизмат қилиш доирасида юзага келадиган Парвардигор билан содиқ хизматкор орасидаги ўзаро қариндош-уруғчилик ва бошқа муносабатларда дунёвий сифатлардан асар ҳам бўлиши мумкин эмас.

26. Эй Худолар Худоси, бутун атрофни қуршаб олган, бу қандай дахшатли ёғду? У қаердан келяпти? Мен сира тушуна олмаяпман.

Изоҳ: Худо Шахсига мурожаат қилишдан олдин камтарин ҳолда Унга эҳтиром билан илтижо қилиш лозим. Парвардигор билан ўзаро муносабатда бўлишнинг қоидаси шундай. Шри Аржуна Парвардигорнинг яқин дўсти бўлишига қарамай, бошқаларга ўрнатилган кўрсатиш учун у ҳам ана шу қоидага риоя қилапти.

27. Олий Шахс, Кришна шундай деди: "Мен сенга бу сирни айтаман: бу дахшатли ёғдунинг сабабчиси - Дронанинг ўғли бўлади. У ядровий қурол(брахмастра)ни ҳаракатга келтирадиган мантраларни ўқиди, лекин, у бу қуролни қандай қайтариб олишни билмайди. У муқаррар ажали етганидан дахшатга тушиб, ноиложликдан шундай қилди.

Изоҳ: Брахмастра ҳозирги даврдаги атом энергиясининг ҳаракатга келишига асосланган ядровий қуролларга ўхшайди. Тўлиқ ёниш жараёнида атомнинг куввати озодликка чиқади, брахмастра ҳам худди шундай ҳаракатга келади. Натижада, худди атом бомбаси портлагани сингари чидаб бўлмас даражада иссиқлик юзага келади. Бу қуролларнинг фарқи шундан иборатки, ҳозирги атом бомбаси ядро қуролининг жуда кўпол нусхаси бўлса, брахмастра – ядровий қуролнинг мантралар ёрдамида ҳаракатга келтириладиган нозик тури ҳисобланади. Бу жуда нодир илм бўлиб, у авваллари Бхарата-варшада маълум бўлган. Мантраларни тиловат қилиш илми ҳам дунёвий нозик моддий илм ҳисобланади, лекин замонавий дунёвий олимлар ҳалигача ундан хабардор эмаслар. Нозик моддий илм руҳий илм эмас, лекин у яна ҳам нафис руҳий усулларга бевосита боғлиқ. Мантра тиловат қилаётган киши

бу қуролни қандай ишга тушириш ва унинг ҳаракатини қандай тўхтатишни яхши билган. Ана шундай илм мукаммал илм бўлган. Лекин, Дроначарйанинг ўғли ажали етганидан қаттиқ кўрқиб кетгани сабабли бундай нозик илмдан фойдаланишга мажбур бўлди. Шу боис унинг бу иши нотўғри бўлиб қолмасдан, Худонинг қонунларига ҳам зид эди. Браҳманнинг ўғли сифатида у бунча катта хатога йўл қўймаслиги лозим эди. Ўзининг жамиятдаги бурчини ана шундай кўпол равишда бузгани сабабли уни Парвардигорнинг Ўзи жазолайди.

28. Эй Аржун, бу дахшатли қуролга фақат яна шундай брахмастра бас кела олади. Сен ҳарбий илм санъатини мукаммал биласан, шу боис бу қуролнинг дахшатли оловини ўз қуролнинг билан қайтар!"

Изоҳ: Атом бомбасининг ҳаракатини тўхтатишга қодир бўлган қурол мавжуд эмас, аммо брахмастранинг ҳаракатини нозик илмдан фойдаланиб тўхтатиш мумкин. Ўша даврда ҳарбий илм санъатини пухта эгаллаган кишилар буни яхши билардилар. Дроначарйанинг ўғли бу қуролнинг ҳаракатини тўхтатиш усулини билмас эди, шу боис Кришна Аржунга ўзининг қуролини ишлатиб, бу қуролнинг ҳаракатини тўхтатишни маслаҳат берди.

29. Шри Сута Госвами шундай деди: "Худо Шахсининг гапини тинглаб туриб, Аржун покланиш учун қўлига сув олди ва Шри Кришнанинг атрофини айланиб ўтиб, душман қуролининг ҳаракатини тўхтатиш учун ўзининг брахмастрасини ишга солди.

30. Иккала брахмастрадан таралаётган нурлар қўшилганда, қуёш доираси сингари катта ўтли шар бутун коинотни, барча сайёраларни, осмону-фалакни қоплаб олди.

Изоҳ: Брахмастра ёрилганда юзага келадиган иссиқлик Коинот яқсон бўлаётганда Қуёшдан тарқаладиган дахшатли оловга ўхшайди. Брахмастра юзага келтирадиган иссиқлик олдида атом энергиясининг иссиқлиги жуда арзимаган учкун бўлиб кўринади. Атом бомбаси ошиб борса битта сайёрани портлатиб юбориши мумкин, брахмастранинг иссиқлиги эса, бутун коинотни яқсон қилиши мумкин. Шу боис брахмастранинг тафтини коинот яқсон бўлаётганда юзага келадиган иссиқликка таққослайдилар.

31. Брахмастралардан таралаётган чидаб бўлмас иссиқлик таъсиридан бутун уч олам аҳолиси ташвишга туша бошлади. Уларнинг ҳаммаси қиёмат-қойим бўлганда бутун борлиқни яқсон қилувчи самвартака оловини эсладилар.

Изоҳ: Олий, ўрта ва қуйи сайёралар уч оламни ташкил этади. Гарчи брахмастра Ер сайёрасида ишга туширилган бўлса ҳам, икки брахмастранинг кучи қўшилиши натижасида юзага келган иссиқлик бутун коинотни қамраб олди, барча сайёраларнинг аҳолиси бу даҳшатли иссиқликни сеза бошладилар ва дарров самвартака оловини эладилар. Шундай қилиб, калтафаҳм олимларнинг фикрларига қарши ўлароқ, коинотда ҳаёт йўқ бўлган бирор сайёра мавжуд эмас.

32. Бутун коинот аҳолиси ташвишга тушганини ва сайёралар муқаррар ҳалокат остида қолганини кўриб, Аржун, Шри Кришнанинг хоҳиши билан ҳар иккала брахмастранинг ҳаракатини тўхтатди.

Изоҳ: Ҳозирги атом бомбаларининг портлашлари оламни яқсон қилиши мумкин деган гаплар - ёш болаларнинг фикрлашини эслатадиган хом ҳаёл. Биринчидан, атом энергияси бутун оламни яқсон қила олгудай қудратли эмас, иккинчидан, охири-оқибатда ҳамма нарса Парвардигорнинг амри билан бўлади, чунки Худонинг амри бўлмаса, ёки У руҳсат бермаса, бирор нарсани яратишнинг ҳам, яқсон қилишнинг ҳам иложи йўқ. Шунингдек, табиат қонунлари ҳал қилувчи кучга эга деб ўйлаш ҳам аҳмоқликни билдиради. Моддий табиатнинг қонунларини Парвардигор бошқариб туради, бу ҳақиқатни «Бхагавад-гита» ҳам тасдиқлайди. Унда Парвардигор айтганки, моддий табиатнинг қонунлари Унинг назорати остида ҳаракат қилади. Бутун олам арзимаган сиёсатчиларнинг инжиқлиги билан эмас, балки фақат Парвардигорнинг амри билан яқсон бўлиши мумкин. Ягона Парвардигор Кришна Драуни ва Аржун ҳаракатга келтирган брахмастралар ҳаракатдан тўхташини истади, Аржун шу заҳотиёқ Унинг амрини бажо келтирди. Ҳар нарсага қодир Парвардигорнинг жуда кўп ёрдамчилари бор. Инсон фақат Парвардигорнинг руҳсати билан Унинг амрини амалга ошира олади.

33. Кўзлари ғазаб ўтида икки қизил шар сингари порлаб ёниб турган Аржун эпчиллик билан Гаутаманинг ўғлини тутиб олди ва худди ҳайвонни боғлагандай, эпчил ҳаракат қилиб арқон билан унинг оёқ-қўлини боғлаб ташлади.

Изоҳ: Ашваттхаманингғонаси Крипи Гаутаманинг хонадониди дунёга келган эди. Бу шеърда таъкидлаб айтилганки, Ашваттхамани ушлаб олиб, худди ҳайвонни боғлагандай арқон билан боғлаб ташладилар. Шридхари Сваманинг фикрига кўра, бу брахманни худди ҳайвонни ушлагандай боғлаб ташлаш Аржун(дхарма)нинг бурчи эди. Шридхари Сваманинг фикрини навбатдаги шеърда Шри Кришна ҳам тасдиқлайди. Ашваттхама Дронаचारйа ва Крипининг туққан фарзанди эди,

лекин у тубанликка юз тутиб, ҳаётнинг жуда пастки поғоналарига тушиб қолгани сабабли, энди уни брахман сифатида ҳурмат қилмасдан, унга худди ҳайвонлардай муносабатда бўлиш керак эди.

34. Аржун Ашваттхаманинг оёқ-қўлини боғлаб, ҳарбий лагерга олиб кетаётганида, нилуфар кўзли Шри Кришна, Худо шахси ғазоби қайнаб турган Аржунга юзланиб шундай деди:

Изоҳ: Бу ерда таърифланганки, Аржун ҳам, Шри Кришна ҳам қаттиқ ғазабланиб турган эдилар. Аржуннинг кўзлари худди киздирилган мис шарларга ўхшаб қизариб кетган, Парвардигорнинг кўзлари эса нилуфар гулидай чиройли эди. Бундан кўришиб турибдики, Аржуннинг ғазоби Парвардигорнинг ғазабидан фарқ қилади. Парвардигор Илоҳий Зот, шу боис У ҳамиша ўзгармас мутлақ ҳолатда бўлади. Унинг ғазоби моддий табиат гуналарининг таъсири остида юрган оддий тирик мавжудотларнинг ғазобига ўхшамайди. У мутлақ табиатли Зот, шунинг учун Унинг ғазоби ҳам, марҳамати ҳам бир хил бўлади. Унинг ғазоби моддий табиат гуналарининг таъсир доирасидан ташқарида намоён бўлади. Парвардигорнинг ғазоби - Унинг Ўзининг содиқ хизматкорига нисбатан жуда меҳрибон эканини билдиради, чунки Унинг илоҳий табиати шундай. Шунинг учун ҳатто У ғазабланса ҳам, бу - Унинг ғазобини келтирган мавжудот учун бахт-саодат келтиради. Парвардигор ҳар қандай вазиятда ҳам ўзгармасдан бир хилда энг олий саодатманд бўлиб қолаверади.

35. Кришна шундай деди: - Эй Аржун, бу брахманнинг қариндоши(брахмабандху)га раҳминг келмасин! Сен уни озодликка чиқариб юбормаслигинг керак, чунки у сенинг ухлаб ётган бегуноҳ ёш болаларингни ўлдирди.

Изоҳ: Бу ердаги брахма-бандху ибораси муҳим аҳамиятга эга. Брахман оиласида туғилиш имкониятига эга бўлган, лекин брахман деган номга муносиб бўлиш учун зарур бўлган фазилатларга эга бўлмаган кишини "брахман" деб эмас, балки "брахманнинг қариндоши" деб атайдилар. Олий суднинг ўғли ўзи суд бўлмаса ҳам, унга обрўли отасини эътиборга олиб "суднинг ўғли" деб мурожаат қилишнинг ёмон жойи йўқ. Худди судлик лавозими наслдан наслга ўтмагани сингари, инсон шунчаки брахман оиласида туғилгани сабабли брахман бўлиб қололмайди, чунки брахман бўлиш учун инсон энг аввало брахманларга хос фазилатларга эга бўлиши лозим. Олий суд лавозимида судьялик қилиш учун инсон шунга мос келадиган сифатларга эга бўлиши лозим. Шунга ўхшаб, инсон фақат зарур бўлган инсоний фазилатларга эга бўлсагина брахман даражасига кўтарила олади. Шастраларда айтилганки, ҳатто брахман оиласида туғилмаган

бўлса ҳам, брахманларга хос бўлган эзгу фазилятларга эга бўлган кишини ҳақиқий брахман деб ҳисоблаш керак. Аксинча, инсон брахман оиласида туғилсаю, лекин брахманларга хос бўлган фазилятларга эга бўлмаса, уни брахман деб ҳисобламаслик керак. Ундай инсонни нари борса "брахманнинг қариндоши" деб аташ мумкин. Ҳар қандай диний қонун-қоидалар, Ведалар бўйича энг ишонарли Зот бўлган Шри Кришнанинг Ўзи ана шу фарқни алоҳида таъкидлаб турибди, кейинги шеърда эса, У бунинг сабабини тушунтиради.

36. Диний қонун-қоидаларини яхши биладиган киши душманини тўсатдан, ёки маст ҳолида, ухлаётганида, таслим бўлганидан кейин ёки жанг аравасидан ажралиб қолган пайтида ўлдирмайди. У ёш болаларни, аёлларни, ақлдан озган ёки ўзидан паноҳ сўраган кишини ҳам ўлдирмайди.

Изоҳ: Диний қонун-қоидаларни биладиган жангчи ҳеч қачон ўзига қаршилик кўрсатмайдиган душманини ўлдирмайди. Қадим замонлардаги урушларда жанг шунчаки нафснинг талабини қондириш учун эмас, балки диний қонун-қоидалар асосида олиб борилган. Юқорида айтилганидай, маст ёки ухлаб ётган душманни ўлдириш мумкин эмасди. Диний қонун-қоидалар асосида олиб бориладиган жангнинг баъзи бир қоидалари шундай. Қадимда шунчаки бирор сиёсий арбобнинг шахсий манфаатини кўзлаб уруш эълон қилинган эмас; урушлар ҳар қандай нуқсонлардан холи бўлган мукамал диний қонун-қоидалар асосида олиб борилган. Диний қонун-қоидалар асосида қўлланиладиган "зўравонлик" ҳеч қандай қонунга тўғри келмайдиган "беозорлик"дан устун туради.

37. Ўзининг ҳаётини бошқалар ҳаёти эвазига таъминлаб юрган муттаҳам ва золим киши ўзининг манфаати учун қатл қилиниши лозим, акс ҳолда у ўзининг ёвуз қилмишлари туфайли бундан ҳам баттар тубанликка юз тутати.

Изоҳ: Уялмасдан ўзининг тирикчилигини бошқаларнинг жонини олиш эвазига сақлаб юрган ёвуз одамга нисбатан қўлланиладиган адолатли қонун: "Жонга - жон!" - бўлиши керак. Сиёсий қонунлар бундай ёвуз одамни дўзах азобидан сақлаб қолиш ниятида қотиллик қилгани учун уни ўлим жазосига маҳкум қилишни тақозо этади. Ҳукуматнинг шафқатсиз қотиллик қилган кишини ўлим жазосига ҳукм қилиши жиноятчининг ўзи учун бахт, чунки бу билан у ўзининг бу қотиллиги учун келгуси ҳаётида азоб чекишдан озод бўлади. Қотилга ўлим жазоси бериш унинг бу жинояти учун бериладиган энг кичик жазо ҳисобланади. Смрити-шастраларда айтилганки, шоҳ томонидан "жонга-жон" қонуни асосида жазо олган одамлар ўз гуноҳларидан шунчалик покланадиларки, улар

ўлимидан кейин ҳатто жаннатга эришишлари мумкин. Фуқаролик ва диний қонунларни яратган буюк зот Ману(Одам Ато)нинг фикрига кўра, ҳатто бирор ҳайвонни ўлдирган кишини ҳам қотил деб ҳисоблаш керак, чунки Парвардигор маданиятли инсон учун ҳайвон гўштини ризқ қилиб бермаган. Маданиятли инсоннинг ҳаётда яшашдан асосий бурчи ва мақсади - Худонинг даргоҳига қайтиб боришга тайёрланишдан иборат. Ману қонунларида айтилганки, гўштини ейиш мақсадида ҳайвонни ўлдириш - бир неча гуноҳкорнинг тил бириктириб қилган жинояти ҳисобланади, шу боис, худди бирор одамни ўлдиришда иштирок этган киши ҳам жиноятчи сифатида жазолангани сингари, ҳайвон ўлдиришда иштирок этганларнинг ҳар бири албатта жазоланиши лозим. Бирор жониворни ўлдиришга рухсат берган ёки уни ўлдирган, ўлган ҳайвоннинг гўштини сотадиган, ҳайвон гўшtidан овқат пиширадиган, шу овқатни бошқаларга таркатадиган ва гўшт солинган овқатдан истеъмол қиладиган кишиларнинг ҳаммаси - қотилдирлар ва табиат қонунлари бўйича жазоланадилар. Дунёвий илм-фан қанчалик ривожланмасин, ҳеч икк бирор тирик мавжудот яратишга қодир эмас, шунинг 240

учун ҳеч кимнинг ўз хоҳиши билан бирор тирик мавжудотни ўлдиришга ҳаққи йўқ. Нафсининг кули бўлиб, гўшт ейишни тарк этолмайдиган одамлар учун муқаддас китоблар чекланган ҳолда қурбонлик маросими ўтказиб, шунда қурбон қилинган ҳайвонлар гўшtidан истеъмол қилиш рухсат этилган. Парвардигор ҳайвонларни ўлдиришни қўллаб-қувватлаш учун эмас, балки оммавий равишда қассобхоналар очилишининг олдини олиш мақсадида ҳайвонларни қурбонлик қилишга рухсат берган. Муқаддас китобларнинг қоидалари асосида қурбонлик маросими ўтказиб унда бирор ҳайвонни қурбон қилиш қурбон қилинган ҳайвон учун ҳам, унинг гўшtidан еган киши учун ҳам фойда келтиради. Қурбонлик маросимида ўлдирилган ҳайвон кейинги ҳаётида инсон танасида туғилади, унинг гўшtidан еб нафсини қаноатлантирган киши эса, ўз билганича қотиллик қилиб оғир гуноҳ қилишдан қутулади. Оммавий равишда қассобхоналарда ҳайвонларни ўлдириш бутун жамиятга жуда оғир мусибатлар келтиради. Моддий олам ўзининг табиатига кўра ҳар хил мусибатларга тўла, бунинг устига ҳайвонларни оммавий равишда ўлдириш ҳам қўллаб-қувватланадиган бўлса, бутун жаҳонда муҳит тобора кўпайиб борадиган ҳар хил урушлар, эпидемиялар, очарчилик, қурғоқчилик ва бошқа фалокатли офатлар билан тўлиб-тошиб кетаверади.

38. Бунинг устига, сен Драупадига, ўғилларинг қотилининг қалласини келтираман, деб ваъда берганингни Ўзим эшитгандим.

39. Бу одам сенинг оила аъзоларингни вахшийларча ўлдирди. Бу қилмиши билан у ўз хўжайинини ҳам норози қилди. У энди ўз оиласининг ёниб кул бўлган арзимас қолдиғи, холос. Уни ҳозироқ ўлдири!"

Изоҳ: Бу ерда Дронаचारйанинг ўғлини қоралаб, уни "оиласининг ёниб кул бўлган қолдиғи" деб атайдилар. Дронаचारйани ҳамма бирдай хурмат қиларди. У душман қўшини таркибида иштирок этган бўлишига қарамай, Пандузодалар ҳамиша уни жуда хурмат қилардилар, Аржун эса жанг бошланиши олдида унинг олдида хурмат билан бош эгиб, унга чуқур эҳтиром кўрсатган эди. Бунинг ҳеч қандай ёмон томони йўқ эди. Лекин дронаचारйанинг ўғли, двиджалар, иккибор туғилган, жамиятнинг олий табақасига мансуб кишилар ҳеч қачон қилмайдиган ишни қилиш билан тубанликка юз тутган эди. Дронаचारйанинг ўғли Ашваттхама, Драупадининг беш нафар ўғлини улар ухлаб ётган жойида ўлдириш билан оғир жиноят содир қилган эди. Бу билан у ўзининг ҳукмдори Дурйодхоннинг ҳам ғазабини келтирганди, чунки у Ашваттхаманинг ухлаб ётган жойида Драупадининг фарзандларини ўлдирганини маъқулламади. Шундай қилиб, Ашваттхама Аржунинг оила аъзоларига тажовуз қилган, шу боис энди у Аржун кўлидан жазо олиши лозим эди. Шастраларда бировга огоҳлантирмасдан хужум қилган, орқасидан бориб ўлдирган, бировнинг уйига ўт қўйган ёки бировнинг хотинини ўғирлаган ҳар қандай одамнинг ишини қоралайди. Аржун шуни назарда тутган ҳолда иш кўриши учун Кришна бу ҳақда унга эслатиб қўйди.

40. Сута Госвами деди: "Аржуннинг тақводорлигини синаб кўриш ниятида Кришна уни Дронаचारйанинг ўғлинин ўлдиришга ундаётган бўлишига қарамай, гарчи Ашваттхама унинг оила аъзоларини вахшийларча ўлдирган бўлса ҳам, буюк инсон бўлган Аржуннинг бу ишга қўл ургиси келмади.

Изоҳ: Ҳеч шубҳа йўқки, Аржун буюк зот, мазкур шеър ҳам буни яна бир марта тасдиқлаб турибди. Парвардигорнинг Ўзи уни Дронаचारйанинг ўғлини ўлдиришга ундаб турибди, аммо Аржун, гарчи Ашваттхама ўз хоҳиши билан бир неча ёвуз ишлар қилганига, шу боис отасига муносиб ўғил эмаслигига қарамай, барибир у Дронаचारйанинг ўғли бўлгани учун, ўзининг буюк устозининг ўғлига раҳм қилиш лозим деб ҳисобларди.

Ташқаридан қараганда Кришна Аржунни Ашваттхамани тезроқ жазолашга ундарди, лекин аслида У Аржунинг қалбида ўз бурчини ҳалол бажариш туйғуси қанчалик ривожланганини текшириб кўрмоқчи эди. Бу, Аржун ўз бурчини қандай бажариш лозимлигини билмайди, ёки Кришна Аржуннинг ўз бурчига қанчалик содик

эканини билмайди дегани эмас. Парвардигор Кришна содикларининг қалбида ўз бурчига бўлган садоқатини мустаҳкамлаш учун Ўзининг жуда кўп буюк содикларига шундай синов юборган. Гопилар ҳам шундай синовларга дуч келганлар. Ана шундай синовлардан Прахлад Махараж ҳам ўтган эди. Парвардигор юборатган бундай синовлардан Худонинг барча асл содиклари муваффақият билан ўтганлар.

41. Аржун ўзининг яқин дўсти ва жиловдори(Шри Кришна) билан бирга лагерга етиб келгандан кейин, қотилнинг тақдирини ҳал этиш ихтиёрини ҳалок бўлган ўғилларининг жабрини тортаётган севимли хотинига топширди.

Изоҳ: Аржун билан Кришнанинг ўзаро илоҳий муносабатлари яқин дўстлик ришталарига асосланган. «Бхагавад-гита»да Парвардигорнинг Ўзи Аржунни Ўзининг энг яқин дўсти деб эълон қилган. Ҳар бир тирик мавжудот Парвардигор билан ўзаро меҳр-муҳаббатга асосланган маълум бир муносабатда бўлади: хизматкор ва хўжайин, ота-она ва фарзанд, ошиқ-маъшуклар. Шундай қилиб, ҳар бир инсон руҳий оламда Парвардигор билан бирга бўлишдан лаззатланиши мумкин, бунинг учун унинг ўзи ўзи ҳақиқатан ҳам шуни истаса ва бунга самимий интилиб, бхакти-йога йўлидан борса, бас.

42. Шри Сута Госвами деди: Драупадининг кўзи ҳайвонларга ўхшаб қўл-оёғи боғланган Ашваттхамага тушди. У ўзи содир қилган жирканч қотилликдан пушаймон бўлиб, жим турарди. Табиатан итоаткор, аёлларга хос очик кўнгил ва раҳмдил Драупади унга брахманларга хос хурмат-эҳтиром кўрсатди.

Изоҳ: Ашваттхаманинг ишини Парвардигорнинг Ўзи қоралаб турар, Аржун эса унга устозининг ва брахманнинг ўғлидай эмас, балки жиноятчилардай муносабат билдираётган эди. Аммо, у Ўримати Драупадининг олдида пайдо бўлганида, гарчи у ўғилларининг ўлими туфайли қаттиқ изтироб чекаётган, энди кўз олдида ўғилларининг қотилини кўриб турган бўлишига қарамай, ўзининг аёлларга хос бўлган юмшоқ табиатига кўра ўзини тутиб тура олмади ва Ашваттхамага брахман ёки брахманнинг ўғли сифатида хурмат-эҳтиром кўрсатди. Ўзларининг табиатига кўра аёллар ҳам худди ёш юолаларга ўхшайдилар, шу боис улар эркаклар сингари яхши билан ёмонни ажрата олиш қобилиятига эга эмаслар. Ашваттхама брахман Дронаचारйанинг муносиб фарзанди эмасди, шу боис уни энг олий мартабали Зот - Кришнанинг Ўзи қоралаб турганди. Шунга қарамай, очик кўнгил аёл табиий равишда брахманга хурмат-эҳтиром кўрсатишдан ўзини тийиб туролмади.

Хатто ҳозир ҳам, брахманлар қанчалик тубанликка юз туган бўлишига ва жирканч брахма-бандхуларга айланганига қарамай, маданиятли хинд оилаларидан чиққан аёллар уларга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатадилар. Эркаклар эса, брахман оиласида туғилган бўлишига қарамай, ўзининг сифатларига кўра шудралардан ҳам пастга тушиб кетган брахма-бандхуларга қарши чиқа бошлаганлар.

Бу шеърда атайлаб, вама-свабхава ибораси ишлатилган бўлиб, у "табиатан юмшоқ ва меҳрибон" деган маънони англатади. Меҳрибон, олижаноб кишилар ҳаётда ҳамма нарсани енгил қабул қиладилар, оддий одамлар ҳақида бундай деб бўлмайди. Лекин барибир биз шунчаки ўзимизни одамларга меҳрибон қилиб кўрсатиш учунгина соғлом фикр юритишдан ва яхши билан ёмонни бир биридан ажрата билиш қобилиятимиздан воз кечмаслигимиз лозим. Биз кўнгли бўш аёлларга ўхшаб, ҳақиқат бўлмаган нарсаларни ҳақиқат деб қабул қилмаслигимиз лозим. Кўнгли бўш аёл Ашваттхамга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиши мумкин, лекин бу ҳали Ашваттхама ҳақиқий брахман эди дегани эмас.

43. Оёқ-қўллари арқон билан боғлаб қўйилган Ашваттхамани кўриш унга жуда оғир эди. Покдомон, тақводор аёл бўлгани учун у шундай деди: "Унинг оёқ-қўлини ечинглар, ахир у брахман, бизга рухий устоз бўладикун!"

Изоҳ: Ашваттхамани Драупадининг олдида олиб келганларида, у брахманни, айниқса у рухий устознинг ўғли бўлса, худди жинойтчиларга ўхшатиб ҳибсга олиш ва шундай аҳволда унинг олдида олиб келиш мумкин эмас деган қарорга келди.

Аржун Дроначарйанинг ўғли эканини яхши билган ҳолда Ашваттхамани ҳибсга олганди. Буни Кришна ҳам яхши биларди, лекин уларнинг иккиси ҳам, у брахманнинг ўғли бўлишига қарамай, унга худди жинойтчидай муносабатда бўлаётган эдилар. Муқаддас китобларда айтилганки, агар брахман ёки рухий устоз ўзининг мартабасига мос келмайдиган номуносиб ишлар қила бошласа, ундай рухий устоздан юз ўгириш лозим. Гуруни ачарйа деб атайдилар, ачарйа - шастраларнинг мазмунини тўла биладиган, ўз шогирдларига тўғри йўлни танлашда ёрдам бера оладиган киши ҳисобланади. Ашваттхама брахман(рухий устоз)нинг бурчини адо этолмаган эди, шу боис уни брахман деган юксак мартабага муносиб эмас деб ҳисоблаш лозим эди. Шуларни ҳисобга олганда маълум бўладики, Парвардигор Шри Кришна ва Аржун Ашваттхамани қоралаб тўғри иш қилганлар. Лекин Драупадидай меҳрибон аёл бунга муқаддас китоблар нуқтаи-назаридан эмас, балки шунчаки одоб-ахлоқ қоидалари нуқтаи-назаридан қараётган эди. Одоб-ахлоқ қоидаларига кўра Ашваттхамга ҳам худди

унинг отасига ҳурмат кўрсатгандай ҳурмат кўрсатиш керак эди. Одатда одамлар брахманнинг ўғлини ҳам худди ҳақиқий брахмандай ҳурмат қиладилар, бунда улар фақат жамиятдаги урф-одатларга таяниб иш кўрадилар. Бу тўғри эмас. Шунчаки брахман оиласида туғилган одамни эмас, балки ҳақиқатан ҳам брахманларга хос бўлган фазилатларга эга бўлган кишини брахман деб ҳисоблаш керак.

Лекин, шунга қарамай, Драупади Ашваттхамани дарров озод қилишларини истарди. У табиий равишда ўзининг юмшоқ ҳис-туйғуларини намоён этаётган эди. Бу шуни билдирадигани, Парвардигорнинг содиқ хизматкори ўзи қанча бўлса ҳам изтиробларга чидашга рози, лекин бошқаларга, хатто ўзининг душманликларига нисбатан ҳам ҳеч қандай ёмонликни раво кўрмайди. Худонинг асл содиқларини бошқалардан ажратиб турадиган фазилатлар ана шундай.

44. Дроначарйанинг шарофати билан сен камондан ўқ отиш санъатини ва ҳарбий қурооллардан фойдаланишнинг нодир сирларини ўргандинг.

Изоҳ: Дроначарйа дханур-веда - ҳарбий санъат илмидан дарс бериб, шогирдларига қуроол ишлатиш сирларини ва мантралар ёрдамида қуроолларни бошқариш усулларини ўргатарди. Қўпол ҳарбий илми моддий қуроолларга асосланган, аммо ведавий мантралар билан кучланган пайконларни отиш санъати пулемет ва атом бомбалари сингари қўпол моддий қурооллардан анча нафис ва самаралироқ. Бундай қурооллар ведавий мантралар, яъни товуш ҳақидаги илоҳий илм асосида бошқарилади. "Рамайна"да айтилганки, Парвардигор Рамачандранинг отаси Дашаратха Махараж фақат товуш ёрдамида пайкон йўллаган. Пайкони нишонга бориб тегиши учун у душманини кўзи билан кўриб туриши шарт эмасди, бунинг учун у шунчаки ундан чиқаётган товушни эшитса етарли эди. Шундай қилиб, бу ҳарбий илм санъати хоизрғи даврда ишлатилаётган моддий қуроолларни бошқаришдан анча устун турарди. Аржун ана шундай илми Дрона Ачарйадан ўрганган эди, шунинг учун Драупади унга бу брахман олдидаги миннатдорлик қарзини эслатиб қўяётган эди. Дроначарйа йўқ жойда унинг ўғли унинг вакили ҳисобланарди. Меҳрибон Драупади шундай деб ҳисобларди. Шундай савол туғилиши мумкин: нима сабабдан шундай жиддий брахман бўлган Дроначарйа ҳарбий илмдан дарс берарди? Бунга шундай жавоб бериш мумкин: брахман ҳар қандай илм соҳасида дарс бериши мумкин. Билимдон брахманнинг бурчи - бошқаларга илм бериш, қурбонлик маросими ўтказиш ва садақа қабул қилишдан иборат. Ҳақиқий брахман ана шу

ишларнинг истаган тури билан шуғулланиши мумкин.

45. Ўғли тирик экан, демак хали у(Дроначарйя) тирик ҳисобланади. Унинг хотини Крипи ўғли тирик бўлгани учун сати маросимини ўтказмади.

Изоҳ: Дроначарйянинг ўғли Крипи Крипачарйянинг синглиси эди. Муқаддас китоблар қонунига кўра эрининг тан махрами(зиротгоҳи) ҳисобланган садокатли хотин бўлган аёлга, агар фарзандлари бўлмаса, ўз ихтиёри билан эри билан бирга танасини тарк этишга рухсат этилади. Бу ерда Дроначарйянинг хотини бундай синовдан ўтмаган, чунки унинг ўғли, эрининг вакили бор эди. Агар бева аёлнинг ўғил фарзанди бўлса, у шунчаки бева аёл деб аталади. Ҳар ҳолда Ашваттхамани Дроначарйянинг вакили эди, шунинг учун Ашваттхамани ўлдириш - Дроначарйянинг ўзини ўлдириш билан баробар эди. Бу Ашваттхамани ўлдиришларига қарши Драупади келтираётган далиллар эди.

46. Эй омадли ва диний қонунларни билувчи зот, халқ ҳамиша эъзозлаб келган бу обрўли ва мўътабар хонадонга мусибат келтириш сенга ярашмайди.

Исбот: Инсон ўзининг бошига мусибат келтириш учун обрўли мўътабар хонадонни озгина ҳақорат қилса, бас. Шунинг учун маданиятли инсон обрў-эътиборли табаррук хонадон аъзолари билан бўладиган муносабатларда жуда эҳтиёткор бўлиши лозим.

47. Эй хожам, Дроначарйянинг хотинини ҳам, худди менга ўхшаб мусибатдан зор қақшашга мажбур қилма. Мен ҳалок бўлган ўғилларим дардида қаттиқ изтироб чекапман. Унинг ҳам мендай нола чекиб, кўз ёши тўкишига йўл қўйма!

Изоҳ. Бошқаларга ҳамдард аёл бўлган Драупади Дроначарйянинг хотинининг қисмати ҳам уникага ўхшашини - у ҳам ўғлидан жудо бўлишини истамаяпти. Драупади бу гапларни шунчаки меҳрибон она сифатида эмас, балки Дроначарйянинг хотини бўлгани учун уни чуқур ҳурмат қилгани туфайли ҳам айтаётган эди.

48. Агар ҳукмдор шоҳ хонадонига мансуб одам ўзининг ҳиссиётини жиловлай олмай, брахманларни ҳақорат қилса, ёки унинг ғазабини келтирса, брахманларнинг ғазаб олови шоҳ хонадонининг барча аъзоларининг кулини қўкка совуради ва барчага оғир кулфат келтиради.

Изоҳ: Рухий жиҳатдан юксак поғонага кўтарилган кишилар брахманлар тоифасига мансуб бўладилар. Жамиятнинг бу табақаси ҳамда ана шундай руҳан улуғвор инсонларнинг оила аъзолари жамиятнинг пастроқ табақаларга мансуб бўлган бошқа аъзолари - ҳукмдор шоҳлар, савдогарлар ва ишчи-хунармандлар орасида катта обрў-эътиборга эга бўладилар.

49. Сута Госвами шундай деди: - Эй брахманлар, шоҳ Юдхистхира маликанингни дин қоидаларига асосланган, беғаразлик ва меҳрибонлик билан айтилган самимий, мақтовга лойиқ одилона гапларини тўла маъқуллади.

Изоҳ: Дхармараджа(Йамараж)нинг ўғли бўлган Махараж Юдхистхира малика Драупадининг Аржундан Ашваттхамани ҳибсдан озод қилишни илтимос қилиб келтирган далилларини қўллаб-қувватлади. Ҳеч қачон юксак мартабали хонадон вакилларини беобрў қилишларига йўл қўймаслик керак. Аржун ҳам, унинг бутун оила аъзолари ҳам Дроначарйядан қарздор эдилар, чунки Аржун ундан ҳарбий илм сирларини ўрганган эди. Агар у ўзларига шунча яхшилик қилган хонадонга нисбатан кўрнамаклик билан жавоб берса, бу одоб-ахлоқ қоидалари нуқтаи-назаридан адолатсизлик бўларди. Дроначарйяда буюк инсоннинг тан махрами бўлган аёлга нисбатан меҳрибон бўлиш, ўғлини ўлдириб, унга оғир мусибатга гирифтор этмаслик лозим эди. Бошқаларга ҳамдард бўлишнинг мазмун-моҳияти шундан иборат. Драупади бу гапларни иккиюзламачилик билан айтаётгани йўқ эди, чунки у Аржунни мукамал илмга асосланиб иш тутишга чақираётган эди. Унинг айтаётган гаплари беғараз, дахлсиз эди, чунки у ўзининг ҳаёт тажрибасига таяниб гапираётганди. Бефарзанд аёл ҳеч қачон онанингни дардини тушуна олмайди. Драупадининг ўзи она эди, шу боис Крипи кутаётган оғир қисматни тўла тасаввур қила оларди. Унинг гаплари ҳар қандай мақтовга сазовор эди, чунки у буюк хонадонга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни истарди.

50. Накула, Сахадева(шоҳнинг укалари), Сатяки, Аржун, Худо шахси - Девакининг ўғли, Шри Кришна, аёллар ва бошқалар яқдиллик билан шоҳнинг фикрини қўллаб-қувватладилар.

51. Аммо Бҳимасена уларга қўшилмади. У ғазабни қайнаганидан ухлаб ётган болаларни ваҳшийларча ўлдирган, бу иши билан на ўзига, на хўжайинига бирор фойда келтирмаган бу жиноятчини қатл қилишни таклиф қилди.

52. Чатурбхуджа(Тўртқўлли) Худо Шахси Бҳимани, Драупадини ва бошқаларнинг

гапларини тинглаб туриб, яқин дўсти Аржуннинг кўзларига қаради ва майин табассум билан гапира бошлади:

Изох: Парвардигор Кришнанинг икки қўли бор, бу ерда У тўртқўлли деб айтилган, бунинг сабабини Шридхара Свами тушунтириб берган. Ашваттхамани ўлириш керакми ё йўқми деган масала борасида Драупади билан Бхимасенанинг таклифлари бир-бирига зид эди. Бхима уни шу заҳотиёқ ўлдиришни истарди. Драупади эса уни озод қилишни хоҳларди. Ашваттхамани ўлдиришга шайланиб турган Бхиманинг аҳволини ва унга тўсқинлик қилаётган Драупадининг ҳолатини тасаввур қилиш мумкин. Уларнинг ҳар иккаласини ҳам тинчлантириш учун Парвардигор яна икки қўлини намоён этди. Азалий Парвардигор Шри Кришнанинг икки қўли бор, аммо Парвардигор Нарайана қиёфасида Унинг тўрт қўли бор. Нарайана қиёфасида У ўзининг содиқ хизматкорлари билан бирга Ваикунтха сайёраларида яшайди, ўзининг азалий бошланғич Шри Кришна қиёфасида эса, рухий оламдаги Ваикунтха сайёраларидан анча юқорида жойлашган Кришналока сайёрасида яшайди. Шу боис Кришнани чатурбхуджа деб аташларида ҳеч қандай зиддият йўқ. Агар зарурат пайдо бўлса, У Аржунга кўрсатган вишва-рупа қиёфасидаги сингари юзлаган қўлларини намоён қилиши мумкин. Ўз-ўзидан маълумки, минглаб қўллар ярата оладиган Зот зарур пайтда бемалол тўрт қўл ҳам намоён эта олади.

Аржун Ашваттхамани нима қилиш кераклигини билмай боши қотиб турар экан, унинг яқин дўсти бўлган Парвардигор Кришна бу масалани узил-кесил ҳал қилишни Ўз зиммасига олди. У майин табассум билан кулиб турарди.

53-54. Парвардигор Кришна шундай деди: - "Брахманнинг дўсти"ни ўлдириш мумкин эмас, лекин у тажовузкор-қотилни албатта ўлдириш керак. Бу кўрсатмаларнинг ҳаммаси муқаддас битикларда кўрсатилган, сен уларга мувофиқ иш тутишинг керак. Айни пайтда сен хотининг берган ваъданг устидан чиқишинг, Бхимасенани ва Мени мамнун қилишинг керак.

Изох: Аржун саросимага тушиб қолган эди, чунки ҳар хил одамлар ҳар хил далиллар келтираётган муқаддас китобларнинг қонун-қоидалари бўйича Ашваттхамани ўлдириш, айни пайтда унга шафқат қилиш лозим эди. Браҳма-бандху, брахманнинг номуносиб ўғли сифатида Ашваттхамани ўлдириш мумкин эмасди, айни пайтда у тажовузкор қотил эди. Манунинг қонунларига кўра брахманнинг дўсти нари турсин, ҳатто тажовузкор брахман бўлса ҳам, уни ўлдириш лозим. Ҳеч шубҳа йўқки, Дроначарйа ҳақиқий брахман эди, лекин шунга қарамай, жангда иштирок этгани учун у ҳам ўлдирилган эди. Аммо, Ашваттхама гарчи

тажовузкор бўлса ҳам, ҳозир у қуролсиз эди, қонун бўйича қуролсиз ёки жанг аравасида бўлмаган жангчини ўлдириш мумкин эмас. Бундай вазиятда саросимага тушишга ўрин бор, албатта. Бунинг устига Аржун Драупадини овутиш учун унга берган сўзининг устидан чиқиши лозим эди. Шунингдек, у Ашваттхамани ўлдиришни маслаҳат бериб турган Бхима билан Кришнани ҳам мамнун қилиш лозим эди. Аржуна икки йўл ўртасида турарди, Кришна унинг бу вазиятдан чиқиб кетишига ёрдам беради.

55. Аржун Худо Шахсининг қарама-қарши кўрсатмалар бериш билан нимани назарда тутаяётганини дарров тушунди ва икки бор туғилган зотнинг бошидан сочини ҳамда пешонасидаги қимматбаҳо тошни кесиб ташлади.

Изох: Ҳар хил одамлар буюриб турган бир бирига қарама-қарши буйруқларни бажаришнинг иложи йўқ. Аммо ўзининг зийрак ақли ёрдамида Аржун ҳар иккала томонни ҳам қаноатлантирадиган қарорга келди. У Ашваттхаманинг пешонасидаги қимматбаҳо тошни кесиб ташлади. Бу унинг калласини танасидан жудо қилиш билан баробар эди. Бу ерда Ашваттхама "икки бор туғилган зот" деб аталган. Албатта, у икки бор туғилган, лекин кейинчалик тубанликка юз тутиб, ўзининг юксак мартабасидан маҳрум бўлган, шунинг учун ҳам ҳозир қилмишига яраша жазо олаётган эди.

56. Бегуноҳ ёш болаларни ўлдиргани сабабли у(Ашваттхама)нинг танасидан таралиб турган нурсўниб қолган эди, энди эса, пешонасидаги қимматбаҳо тошидан ҳам айрилиб, у ўзининг брахманлик қудратидан маҳрум бўлган эди. Уни ҳибсдан озод қилиб, лагердан ташқарига ҳайдаб юбордилар.

Изох: Парвардигор Кришнанинг ва Аржуннинг зийрак ақли билан ҳақоратланган ва шарманда бўлган Ашваттхама бир вақтнинг ўзида ҳам ўлган, ҳам ўлдирилмаган эди.

57. Бошидаги сочини қирқиш, бойлигидан маҳрум қилиш, уйдан ҳайдаб чиқариш - буларнинг барчаси "брахманнинг қариндоши"га нисбатан қўллаш мумкин бўлган жазолардир. Қатл қилиш булар жумласига кирмайди.

58. Кейин ғам-ғуссага ботган Пандузодалар Драупади билан бирга ўз жигарларининг жасадларини дафн қилиш маросимини ўтказдилар.

*"Шримад Бхагаватам"нинг биринчи Қўшиғи,
"Дронанинг ўғлини жазолаш" деб аталадиган*

еттинчи бобиға Бҳактиведантинг изоҳлари шундай яқунланади.

Саккизинчи боб.

Парикшитнинг ҳаётини асраб қолиш ва Малика Кунтининг илтижолари

1. Сута Госвами шундай деди: Кейин Драупади ва Пандавлар мухтож бўлган марҳум қариндошларига сув эҳсон қилиш(шраддха) маросимини ўтказиш учун муқаддас Ганга томон йўл олдилар. Аёллар олдинда боришарди.

Изоҳ: Бирор қариндоши ўлгандан кейин Ганга ёки бошқа бирор муқаддас дарё сувида ювиниб покланиш урф-одати ҳиндулар жамиятида ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Оиланинг ҳар бир аъзоси Гангадан бир кўза сув олиб танасини тарк этган руҳга бағишлаб дарёга қуяди ва аёллар олдида бораётган гуруҳга бориб кўшилади. Ана шу урф-одатга 5000 йил олдин Пандузодалар ҳам риоя қилганлар. Пандузодаларнинг амаки оғайни бўлган Парвардигор Кришна ҳам хонадон аъзолари орасида иштирок этарди.

2. Ҳалок бўлган барча яқинлари учун мотам тутиб бўлгач, улар Ганга сувидан етарлича эҳсон қилиб, Парвардигорнинг нилуфар қадамлари гарди пойи тегиб покланган муқаддас Ганга сувларида ювиниб покландилар.

3. Курулар шоҳи Махараж Юдхистхира укалари билан, Дхритараштра, Гандхари, Кунти ва Драупади - ҳаммаси чуқур қайғуга ботган ҳолда ўтирардилар. Кришна ҳам улар билан бирга эди.

Изоҳ: Курукшетрадаги қирғинбарот урушда битта хонадоннинг аъзолари ўзаро жанг қилдилар, шу боис, Махараж Юдхистхира ва унинг укалари, Кунти, Драупади, Субҳадра, Дхритараштра, Гандхари ва унинг келинлари - уруш оқибатларини қалбида ҳис қилганларнинг ҳаммаси - битта хонадон аъзолари эдилар. Урушда қурбон бўлган асосий жангчиларнинг ҳаммаси бир бирига қариндош эди, шу боис бу оилавий мусибат ҳаммага бирдай тенг эди. Парвардигор Кришна ҳам, Пандузодаларга амаки-оғайни, Кунтига - жияни, Субҳадрага - оға бўлгани учун ана шу хонадон аъзоси эди. Шу боис Парвардигор ҳаммага бирдай ҳамдардлик кўрсатарди ва одатдагидай уларни овута бошлади.

4. Ҳамма нарсага қодир Парвардигорнинг муқаррар қонунлари олдида тирик

мавжудотлар ноилож эканлиги асосида Шри Кришна бошқа донишмандлар билан биргаликда бошига тушган оғир мусибатдан тушқунликка тушганларни овута бошладилар.

Изоҳ: Худонинг Олий Шаҳси ўрнатиб қўйган табиатнинг ўзгармас қонунларини бирор тирик мавжудот ўзгартиришга қодир эмас. Тирик мавжудотлар ҳамиша ҳар нарсага қодир бўлган Парвардигорнинг ҳукми остида бўладилар. Дхарма, дин деб аталадиган барча қонун ва қоидаларнинг ҳаммасини Парвардигорнинг Ўзи ўрнатади. Инсон бирор диний қонун яратишга қодир эмас. Ҳақиқий дин - Худонинг амрига бўйсуниб(ислом)дир. Худонинг амри «Бхагавад-гита»да аниқ-равшан баён этилган. Ҳар ким фақат Парвардигорга бўйсуниб ва Унинг амрини бажариб яшаши лозим. Мана шу инсонга ҳам дунёвий, ҳам руҳий бахт келтиради. Токи биз бу моддий оламда тирикчилик қилар эканмиз, Парвардигорнинг кўрсатмаларига амал қилиш - бизнинг муқаддас бурчимиздир, агар биз Худонинг марҳамати билан моддий олам чангалидан қутула олак, руҳий озодликка эришгандан кейин ҳам Худога соф илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишда машғул бўламиз. Моддий оламда эканмиз биз ўзимизни ҳам, Парвардигорни ҳам бевосита кўришга қодир эмасмиз, чунки руҳий кўзимиз йўқ. Аммо, моддий олам таъсиридан халос бўлгандан кейин, ўзимизнинг азалий бошланғич руҳий қиёфамизга эга бўлганда биз ўзимизни ҳам, Парвардигорни ҳам бевосита кўра оламиз. Мукти дегани ўзимизнинг бошланғич руҳий ҳолатимизни қайта-тиклашни билдиради, бундай ҳолат инсон ҳаёт ҳақида моддий тасаввурда бўлишни тарк этгандан кейин келади. Шундай қилиб, инсоннинг ҳаёти фақат ана шу руҳий озодликка эришиш учун мўлжалланган. Афсуски, моддий қувватнинг алдамчи таъсири остида биз инсоннинг атиги бир неча йил давом этадиган қисқа умрини ўзимизнинг мангу умримиз деб ўйлаймиз, ўзимизни - уй, ер, хотин, бола-чака, жамият, бойлик синагри майя(сароб) яратиб қўйган нарсаларнинг ҳаммасининг хўжайини деб ҳисоблаб, алданиш домига тушиб қоламиз. Майя(шайтон)нинг амрига бўйсуниб, биз ўзимизнинг сохта мулкимизни ҳимоя қилиш учун бир биримиз билан курашамиз, жанг қиламиз. Руҳий илмни чуқур ўрганар эканмиз, биз бу моддий нарсаларнинг бизга умуман ҳеч қандай дахли йўқ эканини англаб етамиз, шунда ўзидан ўзи дунёвий нарсаларга бўлган боғланишимиз бир зумда ғойиб бўлади. Парвардигорнинг асл содиқлари билан ҳамсуҳбат бўлиш натижасида қалбимиздаги моддий оламда тирикчилик қилиш билан боғлиқ бўлган шубҳаю-гумонларнинг барчаси бир зумда тарқалиб кетади. Илоҳий товушларни адашган одамларнинг қалбининг тўрига етказишга қодир бўлган Кришнанинг

содиқлари ҳақиқатан ҳам инсонни алданиш ва мусибат чангалидан озодликка чиқара оладилар. Бу ерда қисқача қилиб, дунёвий ҳаётнинг ҳақиқий муаммолари бўлган туғилиш, касаллик, кексалик ва ўлим кўринишида намоён бўладиган моддий табиатнинг бешафқат қонунлари таъсири остига тушиб қолган одамларни қандай овутиш кераклиги таърифланган. Уруш қурбонлари - Курулар хонадони аъзолари - ўлим билан боғлиқ бўлган муаммолар сабабли изтироб чекаётган эдилар, шу боис Парвардигор уларни мукаммал илмга асосланиб овута бошлади.

5. Маккор Дурйодхон ва унинг ҳамтовоқлари, ҳеч кимни ўзига душман деб билмайдиган Юдхиштхиранинг салтанатини айёрлик билан тортиб олдилар. Аммо, Худонинг марҳамати билан адолат қарор топиб, Парвардигор виждонсиз Дурйодхон ва унинг шерикларини ўлимга маҳкум этди. Ўз ажалини тезлаштириб, қўполлик билан малика Драупадининг сочига қўл теккизганлар ҳам ҳалокатга учрадилар.

Изоҳ: Кали йуга бошланмасдан аввалги шарафли кунларда брахманлар, сигирлар, болалар ва кексалар ҳамиша ишончли ҳимоя остида эдилар.

1. Брахманларни ҳимоя қилиш натижасида жамиятда варна ва ашрамлар тизими мавжуд бўлади. Бу тизим жамиятдаги ҳар бир инсоннинг рухий юксалиш йўлига киришига имкон берадиган, илмий асосланган мукаммал тизимдир.

2. Сигирларни ҳимоя қилиш жамиятдаги одамларни энг ажойиб озуқа - сут билан таъминлайди. Сут одам организмидаги, хусусан миясидаги инсон ҳаётининг олий мақсадини англаб олишга ёрдам берадиган нозик тўқималарни ривожлантиради.

3. Аёлларни ҳимоя қилиш жамиятнинг ҳалоллигини, поклигини таъминлайди, бунинг натижасида жамиятга тинчлик, осойишталик ва фаровонлик олиб келишга қодир бўлган тақводор ҳалол инсонлар авлоди дунёга келади.

4. Болаларни ҳимоя қилиш инсоннинг моддий олам тутқунлигидан халос бўлиши учун жуда кенг имконият яратиб беради. Болаларни ҳимоя қилиш эр-хотиннинг фарзанд кўриш ниятида жинсий алоқа қиладиган пайтдан бошланади. Айнан мана шу вақт(она қорнига тушган вақти) инсоннинг бу дунёдаги ҳалол ҳаётининг бошланиши ҳисобланади.

5. Ишончли ҳимоя остида бўлган кексалар ўлгандан кейинги навбатдаги ҳаётга пухта тайёрланиш имкониятига эга бўладилар.

Инсон танасини олган, лекин ит ва мушуклар онги билан яшаётган ҳозирги "маданиятли одамлар жамият тизими"га қарши ўларок, мазкур тизим жамиятни гуллаб-яшнашга олиб борадиган қонун-қоидаларга асосланган. Беозор, бегуноҳ тирик мавжудотларни ўлдириш қатъиян таъқиқланган, чунки шунчаки уларни ҳақорат

қилган, уларга озор берган киши ҳам бу иши билан ўзининг умрини камайтиради. Кали-йуга даврида улар ҳимоясиз қолган, шу боис ҳозирги даврдаги одамларнинг умри сезиларли даражада қисқариб кетган. «Бхагавад-гита»да айтилганки, аёллар ишончли ҳимоя остида бўлмаса, ўзларининг поклигини йўқотадилар, натижада жамиятга кераксиз бўлган ҳаромзода одамлар(варна-санкара) дунёга келадилар. Покдомон аёлни ҳақорат қилиш - ўз умрини қискартириш демакдир. Дурйодхоннинг укаси Духшасана покдомон аёл тимсоли бўлган Драупадини ҳақорат қилган эди, шу боис бу ярамасларнинг ҳаммаси ҳаётдан бевақт кўз юмдилар. Парвардигорнинг юкорида кўрсатилган ўзгармас қонунларидан баъзилари мана шулар ҳисобланади.

6. Кришна Махараж Юдхиштхира барча қонун-қоидаларга амал қилиб учта ашвамедхажна(от қурбонлик қилиш) маросими ўтказишга ундади. Ўтказилган бу қурбонлик маросимлари шарофати билан Юдхиштхиранинг доврўғи ана шундай юз қурбонлик маросимини ўтказган Индраники сингари бутун уч оламга таралди.

Изоҳ: Бу шеър Махараж Юдхиштхира ўтказган ашвамедха-йаджна қурбонлик маросимини таърифлашга кириш вазифасини бажаради. Махараж Юдхиштхиранинг осмон шоҳи Индра билан таққосланиши эътиборга лойиқ. Осмон шоҳи Махараж Юдхиштхирадан минг-минг марта бадавлатроқ, лекин шунга қарамай, Махараж Юдхиштхиранинг доврўғи Индранинг доврўғидан кам эмасди. Гап шундаки, Махараж Юдхиштхира Парвардигорнинг асл содиғи эди, шу боис фақат Парвардигорнинг марҳамати билан, Махараж Юдхиштхира юзлаб шундай қурбонлик маросимлари ўтказган осмон шоҳининг мартабасига тенг мартабага эришди. Худонинг содиқларининг устунлиги ҳам мана шунда. Парвардигор ҳаммага бир хил муносабатда бўлади, аммо Парвардигорнинг содиқ хизматкори бошқалардан кўпроқ шрн-шуҳратга эга бўлади, чунки у ҳамиша тирик зотларнинг энг буюғи билан боғланиб юрган бўлади. Куёш нури ҳамма жойга бир хилда таралади, лекин шунга қарамай, ҳамиша қоронғу бўлиб қоладиган жойлар ҳам бор. Бунда куёшнинг айби йўқ. Бунинг сабаби куёшда эмас, балки куёш нурини қабул қила билиш хусусиятида. Худди шундай, ўз ихтиёрини бутунлай Худога топширган киши ҳам Парвардигорнинг ҳамиша ҳаммага бирдай сочаётган марҳаматини тўлалигича қабул қиладди.

7. Шундан кейин Шри Кришна жўнашга ҳозирланди. Шрила Вйасадева бошлик брахманлар Унга чуқур эҳтиром кўрсатдилар. У ҳам ўз навбатида брахманларга муносиб

илтифот кўрсатди ва олдига Пандузодаларни чақирди.

Изоҳ: Кшатрийлар табақасига мансуб бўлгани сабабли Парвардигор Кришна брахманларнинг таъзимини қабул қилмаслиги керак эди, лекин бу ерда иштирок этаётган, Шрила Вйасадева бошлиқ брахманларнинг ҳаммаси Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини билардилар, шу боис Унга муносиб хурмат-эҳтиром кўрсатдилар. Парвардигор эса, жамиятдаги одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш учун уларнинг таъзимларига жавоб берди. Одоб қоидалари бўйича кшатрийлар брахманларнинг кўрсатмаларига сўзсиз итоат қилишлари лозим. Гарчи Шри Кришнага ҳамиша ҳамма жойда Парвардигор сифатида муносиб хурмат-эҳтиром кўрсатиб юрган бўлсалар ҳам, Парвардигорнинг Ўзи ҳеч қачон жамиятда тўрт табақа учун ўрнатилган одоб-ахлоқ қоидаларини бузмаган. Кейинчалик одамлар Ундан ўрнак олишлари учун Парвардигор онгли равишда ана шу қоидаларга катъий амал қиларди.

8. У Дваракага жўнаб кетиш учун аравасига чиқаётиб, даҳшат ичида олдига чопиб келаётган Уттарарага кўзи тушди.

Изоҳ: Пандузодалар хонадонининг барча аъзолари ўзларини бутунлай Парвардигорнинг ҳимояси остига топшириб қўйган эдилар, шунинг учун Парвардигор ҳар қандай вазиятда ҳам уларни ҳимоя қилиб юрарди. Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотни ҳимоя қилади, лекин, ўз ихтиёрини бутунлай Унга топшириб, фақат Унга таваккал қиладиган инсонга У алоҳида ғамхўрлик қилади. Меҳрибон ота ҳар бир ишида фақат унга боғланиб қолган кенжа ўғлига алоҳида меҳр билан ғамхўрлик қилади.

9. Уттара шундай деди: "Эй Худолар Худоси, Эй Олампаҳо! Сен - энг буюк сеҳргарсан. Сендан ялиниб илтижо қиламан, мени ҳимоя қил! Зиддиятларга тўла бу оламда мени Сендан бошқа ҳеч ким ажал чангалидан қутқариб қололмайди.

Изоҳ: Бирлик ҳукм сурадиган руҳий оламдан фарқли равишда бу моддий олам - зиддиятлар оламидир. Бу олам модда ва руҳдан таркиб топган, мутлақ олам эса, бутунлай руҳий табиатга эга, руҳий оламда моддий сифатларнинг сояси ҳам йўқ. Зиддиятлар оламида ҳар бир тирик мавжудот унинг сохта ҳукмдори бўлишга интилади, мутлақ оламда эса, Парвардигор - мутлақ ҳукмдор, қолган тирик мавжудотларнинг ҳаммаси - Унинг мутлақ хизматкорлари. Зиддиятлар оламида ҳамма бир бирига ҳасад қиладилар, модда билан руҳ бир биридан ажралгани сабабли бу ерда муқаррар ўлим мавжуд. Парвардигор - ўз ихтиёрини Унга

топширган руҳга жасорат бағишлайдиган ягона нажот маконидир. Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига ўз ихтиёрини топширмай туриб, моддий оламда бешафқат ажал чангалидан қутулишнинг иложи йўқ.

10. Эй Худойим, Сен ҳар нарсага қодирсан! Оловдай қизиган темир пайкон шиддат билан менга яқинлашяпти. Эй Худойим, агар Сен шуни хоҳлаётган бўлсанг, майли, бу пайкон мени ёқиб кул қилсин, аммо унинг ҳали туғилмаган фарзандимни нобуд қилишига йўл қўйма! Мендан шу марҳаматингни аяма, эй Худойим!"

Изоҳ: Бу воқеа Уттаранинг эри Абхиманюнинг ўлиmidан кейин бўлиб ўтган эди. Абхиманюнинг бева қолган хотини Уттара эри билан бирга бу дунёни тарк этиш учун дафн гулханига кириши лозим эди, аммо у ҳомиладор эди. Унинг қорнида Парвардигорнинг буюк содиғи Махараж Парикшит бор эди, у ўз фарзандининг ҳаётини ҳимоя қилиши, асраб қолиши лозим эди. Онага ўз фарзандининг хавфсизлигини таъминлашдай юксак маъсулият юкланган, шу боис Уттара уялмасдан Кришнага буни очиқ айтяпти. Уттара буюк шохнинг қизи, буюк қаҳрамоннинг хотини ва буюк содикнинг шогирди эди, кейинчалик эса, эзгу ниятли буюк шохнинг онаси бўлди. Айтиш мумкинки, ҳаётда унга ҳар жиҳатдан омад кулиб бокқан эди.

11. Сута Госвами шундай деди: - Уттаранинг гапларини хотиржам тинглаб туриб, Ўзининг содиқ хизматкорларига ҳамиша ғамхўрлик қилувчи Шри Кришна, Дронаचारйанинг ўғли Ашваттхама Пандуларнинг Уттаранинг ҳали туғилмаган фарзандини - Пандузодаларнинг ягона наслини йўқ қилиш ниятида брахмастрани ишга солганини англаб етди.

Изоҳ: Парвардигор ҳамиша ҳаммага бир хил муносабатда бўлади, аммо Ўзининг содиқ хизматкорларига У алоҳида ғамхўрлик қилади, чунки ҳамма бирдай тинч-фаровон яшашининг гарови ҳам шунда. Пандузодалар хонадони аъзоларининг ҳаммаси Худонинг содиқлари эдилар, шу боис Парвардигор бутун оламга айнан уларнинг ҳукмрон бўлишини истарди. Шу мақсадда У Дурёдхоннинг ҳамтовоқларини салтанатдан маҳрум қилган ва Махараж Юдхитхирани тахтга ўтказган эди. Шу мақсадда У ҳали онасининг қорнида ётган Махараж Парикшитни ҳимоя қилмоқчи бўлаётганди. У бу дунё Пандузодаларсиз, Худонинг намунали содиқлари хонадонининг вакилисиз қолиши мумкинлиги ҳақидаги фикрни хаёлига ҳам келтирмасди.

12. Эй буюк донишмандлар сардори(Шаунака), хар тарафга ўт сочиб шиддат билан яқинлашиб келаётган брахмастрани кўриб, бешала Пандузода дарров қуроллари кўлига олдилар.

Изоҳ: Брахмастра ядро қуролидан нозик. Ашваттхама брахмастрани фақат Пандузодаларни - Махараж Юдхиштхира бошлиқ беш ака-укани ва Уттаранинг қорнида ётган уларнинг яқкаю-ёлғиз меросхўр неварасини яқсон қилиш учун ишга солган эди. Шундай қилиб, брахмастра атом бомбадан кўра анча нозик ва самаралироқ, чунки у атом бомба сингари кўпол ва кўр эмас. Атом бомбаси портлаганда фақат кўзланган нишонни эмас, ён-атрофдаги ҳамма нарсани яқсон қилади. Атом бомбани бошқаришнинг иложи йўқ, шунинг учун асосан бегуноҳ одамлар унинг қурбони бўладилар. Брахмастранинг ундан фарқи шундаки, у фақат нишонга олинган зотни яқсон қилиб, бегуноҳ зотларга зиён етказмайди.

13. Ихтиёрларини бутунлай Унга топшириб кўйган Ўзининг асл содиқлари қанчалик дахшатли хавф остида қолганини кўриб, қудратли Парвардигор Шри Кришна уларни бу фалокатдан химоя қилиш учун дарров Ўзининг сударшана чакрасини кўлига олди.

Изоҳ: Энг қудратли қурол - Ашваттхама ишга солган брахмастра, ядровий қуролини эслатади, лекин унинг радиация кучи ва иссиқлиги анча катта. Брахмастра - нозикроқ илмининг, Ведаларда ёзилган мантра - илоҳий товушларнинг маҳсулотидир. Унинг яна бир афзаллик томони шундаки, у ядровий қуролга ўхшаб кўпол, ёппасига таъсир қилмайди. У бошқа бирор мавжудотга зиён етказмасдан, танлаб-танлаб фақат кўзланган нишонни яқсон қила олади. Ашваттхама уни фақат Пандузодаларнинг хонадонидаги барча эркакларни яқсон қилиш учун ишга солган эди. Бир томондан у атом бомбасидан ҳам хатарлироқ, чунки у адашмасдан ҳатто энг ишонарли химояланган жойдаги нишонни ҳам яқсон қила олади. Шуни билган ҳолда Шри Кришна Ўзидан бошқа ҳеч кимни билмайдиган асл содиқларини химоя қилиш учун дарров Ўзининг энг қудратли қуролини кўлга олди. «Бхагавад-гита»да Парвардигор очик эълон қилганки, Унинг содиқлари ҳеч қачон ҳалокатга учрамайдилар. Шунинг учун Парвардигор Ўзининг асл содиқларининг садоқатига, уларнинг қандай поғонада турганига қараб жавоб беради. Анания-вишайатманам деган ибора алоҳида аҳамиятга эга. Пандузодаларнинг ўзлари буюк жангчилар бўлишига қарамай, улар ўз ихтиёрини бутунлай Худога топшириб кўйган эдилар. Парвардигор ҳатто энг буюк жангчиларни ҳам бошқалардан устун қўймайди, У уларни бир зумда яқсон қилиши мумкин. Пандузодалар Ашваттхама юборган брахмастрани тўхтатишга улгурмай

қолишини сезиб, Парвардигор "кўлимга қурол олмайман" деб берган ваъдасини бузишдан ҳам тап тортмай, дарров қуролини кўлига олди. Курукшетрадаги уруш деярли тамом бўлганига қарамай, ваъда бериб қўйгани сабабли У шахсий қуролидан фойдаланмаслиги керак эди. Аммо юзага келган вазият қасамдан ҳам устун эди. Кришна Ўзининг бхакта-ватсала - "Ўзининг асл содиқларига чексиз меҳрибон" сифати билан машхур, шу боис У Ўз ваъдасини бузмайдиган дунёвий одобли зот бўлишдан кўра, бхакта-ватсалалигича қолишни афзал кўрди.

14. Бутун сеҳр қудратининг ҳукмдори Шри Кришна Параматма кўринишида хар кимнинг қалбида ҳам мавжуд. Шу боис Қуруларнинг охири зурёдини химоя қилиш учун, У Уттаранинг қорнидаги фарзандини шахсий қуввати билан ўраб олди.

Изоҳ: Барча сеҳр кучларининг ҳукмдори Ўзининг тўла намоён бўлган кўриниши Параматма киёфасида бир вақтнинг ўзида хар кимнинг қалбида, ҳатто хар бир атомда ҳам мавжуд бўла олади. Шунинг учун У Уттаранинг қалбида турган ҳолда Пандунинг ўзи мансуб бўлган буюк сулола - Махараж Курунинг сўнги авлоди Махараж Парикшитни химоя қилиш учун чакалокни ўраб олди. Дхритараштранинг ўғиллари ҳам, Пандузодалар ҳам Махараж Курудан бошланган ягона сулолага мансуб эдилар. Шу боис одатда уларни Қурулар деб атадилар, лекин уларни бир биридан ажратиш осон бўлиши учун Дхритараштранинг ўғилларини Қурулар, Пандунинг ўғилларини эса - Пандузодалар деб атай бошладилар. Дхритараштранинг ўғил ва неваралари Курукшетрадаги жангда яқсон бўлгани сабабли, сулоланинг охири зурёди бу ерда Курунинг ўғли деб аталган.

15. Эй Шаунака, Ашваттхама юборган қудратли брахмастрани на тўхтатишнинг, на қайтариб юборишнинг иложи йўқ эди. Унга қарши келадиган куч йўқлигига қарамай, Вишнунинг қудратига дуч келиб, у ўз кучини йўқотди.

Изоҳ: «Бхагавад-гита»да айтилганки, брахмаджйоти - тенгсиз илоҳий ёғдунинг манбаи Шри Кришна. Бошқача қилиб айтганда, худди куёш нури куёшдан тарлиб турган нур бўлгани сингари, брахма-теджас деб аталадиган тенгсиз ёғду - Парвардигордан таралиб турган нурдир. Шундай қилиб, гарчи Брахманинг бу астра қуролига бу дунёда тўскинлик қилишга кодир куч бўлмаса ҳам, у Парвардигорнинг Олий қудратига бардош бера олмади. Ашваттхаманинг брахмастра деб аталадиган бу қуролини Шри Кришнанинг шахсий қуввати мағлуб қилиб, ҳаракатдан тўхтатиб қўйди. Бошқача қилиб айтганда,

Парвардигор ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтож эмас, чунки У - Мутлак Ҳақиқатдир.

16. Эй Брахманлар, буни сирли ва бегуноҳ Парвардигорнинг кўрсатган қандайдир алоҳида мўъжизаси деб ўйламанглар. Гарчи Ўзи туғилмаган Зот бўлса ҳам, Ўзининг илоҳий қудрати ёрдамида У бутун борликдаги ҳамма нарсанинг мавжудлигини таъминлаб, вақти келганда яксон қилиб туради.

Изоҳ: Тирик мавжудотлар ўзларининг арзимаган ақлий қобилиятлари ёрдамида Парвардигорнинг кароматларини англаб етишга қодир эмаслар. Ҳар нарсага қодир бўлган Парвардигор амалга ошира олмайдиган бирор иш йўқ, аммо Унинг кароматлари бизларни ҳаминиша ҳайратга солади, У ҳаминиша бизнинг тасаввур доирамиздан ташқарида бўлиб қолаверади. Парвардигор - ҳар нарсага қодир бўлган мукамал Шахс. Нарайана, Брахма ёки Шива, бошқа фаришталар ва қисман мукамалликка эга бўлган бошқа тирик мавжудотлардан фарқли равишда Парвардигор мутлақо мукамал Зот. Ундан устун турадиган ёки тенглаша оладиган бирор мавжудот йўқ, ҳеч ким у билан беллаша олмайди.

17. Брахмастранинг ажал уфуриб турган тажовузидан халос бўлган Худонинг асл содиқлари: Кунти, унинг беш фарзанди ва Драупади уйига жўнашга тайёр турган Парвардигорга илтижо билан мурожаат қилдилар.

Изоҳ: Кунти Парвардигор Кришнанинг асл содиғи бўлгани сабабли бу ерда уни сати, "поқдомон" деб атаганлар. Кейинроқ унинг Парвардигор Кришнага қилган илтижолари баён этилади, ўз илтижоларида у Кришнага қалб сирларини очиб ташлайди. Парвардигорнинг поқдомон содиқлари ҳатто бирор оғир мусибатга дуч келганларида ҳам қандайдир бошқа тирик мавжудот ёки фаришталардан нажот кутмайдилар. Мана шу пандузодаларни бошқалардан ажратиб турадиган фазилатлардан бири эди. Улар Кришнадан бошқа ҳеч кимни билмас эдилар, шу боис, уларнинг бошига қандай иш тушса ҳам, Парвардигор ҳаминиша уларга ёрдамга шошилдилар. Парвардигорнинг илоҳий табиати ана шундай. Агар содиқ хизматкор фақат Парвардигорга таваккал қилса, У ҳам ўзининг асл содиғининг ишончини оқлашга интилади. Шунинг учун бирор мусибатга дуч келганда ёрдам сўраб мукамал бўлмаган тирик мавжудот ёки фаришталарга эмас, балки Ўзининг содиқ хизматкорларини ҳимоя қилишга қодир бўлган Парвардигор Кришнага мурожаат қилиш керак. Парвардигорнинг шундай поқдомон асл содиғи ҳеч қачон Парвардигордан

ёрдам сўрамайди, аммо Парвардигорнинг Ўзи ҳаминиша унга ёрдам беришдан мамнун бўлади.

18. Шримати Кунтидеви шундай деди: - Эй Кришна, мен Сенинг олдинда эхтиром билан бош эгаман, чунки Сен - Худонинг бошланғич Шахсисан, моддий оламнинг сифатлари Сенга таъсир қилмайди. Сен моддий оламнинг ҳам ичкарасида, ҳам ташқарисида мавжудсан, аммо барибир ҳеч кимга кўринмас бўлиб қолаверасан.

Изоҳ: Шримати Кунтидеви ҳозир Кришна унинг жияни ролени ўйнаб юрган бўлишига қарамай, аслида Худонинг Олий Шахси эканини жуда яхши биларди. Шундай билимдон аёл ўзининг оддий жиянига сажда қилиб, катта хатога йўл қўйиши мумкин эмас. Шунинг учун у Унга моддий оламдан ташқарида мавжуд бўлган бошланғич шахс - пуруша сифатида мурожаат қиларди. Гарчи барча тирик мавжудотлар ҳам илоҳий табиатга эга бўлса ҳам, улар бошланғич ҳам эмас, бегуноҳ ҳам эмаслар. Тирик мавжудотлар моддий табиатнинг алдовига учишга мойилдирлар, аммо Парвардигор ундай эмас. Шу боис Ведаларда Парвардигорни барча тирик мавжудотлар ичида энг асосийси(нитйо нитйанам четанаш четананам). Кейин бу ерда Уни яна ишвара, ҳукмдор деб атаптилар. Тирик мавжудотлар ва фаришталар ҳам маълум даражада ишвара ҳисобланадилар, аммо уларнинг бирортаси олий ишвара, олий ҳукмдор эмас. У - парамешвара, Олий Рух. У ҳамма нарсанинг ҳам ичида, ҳам ташқарисида мавжуд. Гарчи Парвардигор Шримати Кунтидевининг олдида унинг жияни сифатида турган бўлса ҳам, айти пайтда У унинг қалбида ҳам, бошқа тирик мавжудотларнинг қалбида ҳам мавжуд. «Бхагавад-гита»(15.15) Парвардигор шундай дейди: "Мен ҳар кимнинг қалбида мавжудман. Фақат Менинг марҳаматим билан инсон эслайди, унутади, англаб теади ва ҳоказо. Ведалар Мени англаб етиш учун яратилган, чунки Ведаларни тузган - Менман, "Веданта" илмини ўргатувчи устоз ҳам Менман". Малика Кунти тасдиқлаб айтптики, гарчи барча тирик мавжудотларнинг ҳам ичида, ҳам ташқарисида мавжуд бўлса ҳам, Парвардигор кўринмас бўлиб қолаверади. Очиғини айтганда Парвардигор оддий одамлар учун жумбоқ бўлиб қолаверади. Малика Кунти Парвардигор Кришна ўзининг олдида турган ҳолда бир вақтнинг ўзида Уттаранинг бўлғуси фарзандини Ашваттхаманинг брахмастрасидан қутқариш учун унинг ичига кирганини кўриб турарди. Кришна бир жойда турадим ёки У ҳамма жойга сингиб кетганми - билмай ҳатто Кунти ҳам англай олмай турарди. Аслида униси ҳам, буниси ҳам тўғри, лекин У ўз ихтиёрини Унга топширмаган кишиларга Ўзини кўрсатмасликка Унинг ҳаққи бор. Уни тўсиб турадиган мана шу парда Парвардигорнинг майя

қуввати деб аталади ва Худога бош эгмаган рухларнинг сезиш доирасини чеклаб кўяди. Бу кейинги шеърда тушунтирилган.

19. Сен - алдамчи қувват пардаси ортига яширинган, моддий хиссиётларнинг сезиш чегарасидан ташқарида бўлган ўзгармас бенуксон қувватсан. Худди сахнада актер ўз қиёфасини ўзгартирганда ҳеч ким танимай қолгани сингари, Сен ҳам ғофил, нодонлар кўзига кўринмас бўлиб қолаверасан.

Изоҳ: Парвардигор Кришна «Бхагавад-гита»да айтадики, бефаросат кишилар Уни худди ўзларига ўхшаган оддий инсон ўрнида қабул қилиб қаттиқ адашадилар ва Унинг устидан куладилар. Малика Кунти ҳам мана шуни тасдиқлапти. Фақат калтафаҳм, ақлсиз нодон одамлар Худонинг амрига қарши чиқадилар. Ана шундай зотларни асурлар деб атайдилар. Асурлар Худонинг ҳукмронлигини тан олмайдилар. Парвардигорнинг Ўзи одамлар орасида Рама, Нрисимха, Вараха ёки Ўзининг бошланғич Кришна қиёфасида намоён бўлганида, оддий инсон қодир бўлмаган жуда кўп ғаройиб қароматлар кўрсатади. Мана шу буюк асарнинг Ўнинчи Кўшиғидан биз билиб олишимиз мумкинки, Парвардигор Шри Кришна ёшлик пайтидан бошлаб ғайритабиий қароматлар кўрсата бошлаган. Ялмоғиз Путаана Кришнани заҳарлаб ўлдириш ниятида кўкрагига заҳар суртиб олган бўлишига қарамай, жажжи Кришна уни ўлдирди. Парвардигор худди оддий ёш боладай унинг кўкрагини эма бошлади ва сут билан бирга унинг кўкрагидан жонини сўриб олди. Вриндаван аҳолисини ҳимоя қилиш учун У, худди ёш бола ўйинчоқ соябонни кўтарганидай, Говардхана тепалигини осонлик билан кўтариб олди ва уни шу ҳолатда бир неча кун ушлаб турди. Парвардигорнинг ишонарли ведавий муқаддас китобларда - Пураналар, Итихасалар ва Упанишадларда ёзилган ғайритабиий қароматларидан баъзилари шулардан иборат. У «Бхагавад-гита» кўринишида инсониятга ажойиб кўрсатмалар берган. Ер сайёрасида яшар экан У қахрамон, оилали инсон, рухий устоз ва таркидунё қилган донишманд сифатида ажойиб фазилатларини намойиш этди. Вйаса, Девала, Асита, Нарада, Мадхва, Шанкара, Рамануджа, Шри Чаитанья Махапрабху, Жива Госвами, Вишванатха Чакраварти Тхакур, Бхактисиддхантасарасвати ва бошқалар сингари мўътабар зотлар Унинг Худонинг Олий Шахси эканини тан оладилар. Унинг Ўзи буни кўплаган ишонарли муқаддас китобларда эълон қилган. Лекин, иблис табиатли одамлар қисман илмсизлиги, калтафаҳмлиги сабабли, қисман аввалги ва ҳозирги ҳаётларида қилган ҳар хил гуноҳлари оқибатида юзага келган кўр-кўрона ўжарлиги сабабли Парвардигорни Олий Мутлақ Ҳақиқат деб тан олишни истамайдилар. Ана шундай

калтафаҳм одамлар ҳатто Парвардигор Шри Кришна билан юзма-юз учрашганда ҳам Уни таний олмадилар. Яна бир тўсиқ шундан иборатки, асосан ўзининг муқаммал бўлмаган сезгиларига ишонадиган одамлар ҳам Кришнанинг Парвардигор эканини тан ололмайдилар. Ана шундай ғофил одамлар замонавий олимларга ўхшайдилар. Улар ҳамма нарсани тажриба йўли билан билиб олишга интиладилар. Аммо Парвардигорни муқаммал бўлмаган тажриба йўли билан ўрганиб чиқишнинг иложи йўқ. Бу ерда Парвардигор адхокшаджа, яъни "тажриба усули билан сезиб, билиб бўлмайдиган Зот" деб аталган. Бизнинг сезги аъзоларимиз муқаммал эмас. Биз ҳамма нарсани ўз кўзимиз билан кўришга интиламиз, лекин шуни тан олишимиз лозимки, биз фақат маълум бир шароитлардагина кўриш қобилиятига эгамиз. Моддий шароитга эса биз ҳукмрон эмасмиз. Парвардигор бизнинг сезиш чегарамиздан ташқарида бўлган Зот. Малика Кунти шартланган тирик мавжудотнинг, айниқса тафаккури, ақли суст ривожланган аёлларга хос бўлган ана шу нуқсонини тан олади. Ана шундай илмсиз, тафаккури ривожланмаган кишилар Парвардигорнинг ҳукмронлигини тан ола билишлари учун жамиятда улар учун албатта эҳромлар, масжидлар ва черковлар бўлиши ва шу ерда билимдон одамлардан улар Худо ҳақидаги ҳикояларни тинглаб, Ҳақиқат илмини ўрганишлари лозим. Шу тариқа уларнинг рухий ҳаётга қадам қўя бошлаши жуда муҳим, фақат калтафаҳм нодон одамлар ана шундай жойлар бўлиши зарурлигини инкор этадилар. Худога сиғиниш учун мўлжалланган шундай жойларда оддий одамлар ўзларининг рухий илмини ошира оладилар. Худони англаб етган солиҳ инсонларга Унга муроқабани қилиш, садоқат билан амалий хизмат қилиш рухий юксалиш йўлида қанчалик манфаат келтирса, оддий инсонлар учун эҳромларга, масжид ва черковларга бориб Худонинг амри олдида бош эгиш ҳам худди шундай рухий фойда келтиради.

20. Модда(тана) билан (рух)жоннинг бири-бирдан фарқ қилишини англаш орқали билан қалби покланган чуқур ақл-илдокли донишмандлар ҳамда улуғвор илоҳиётчи зотлар қалбига Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақидаги илоҳий илмни етказиш учун Сен Ўзинг бу дунёга ташриф буюрасан. Шундай экан, Сени муқаммал англаб олиш учун биз аёллар нима қилишимиз керак?

Изоҳ: Худонинг даргоҳига кириш дарвозалари ҳатто билимдон файласуфлар учун ҳам берк. Упанишадларда айтилганки, Олий Ҳақиқат, Худонинг Мутлақ Шахси ҳатто энг буюк файласуф ақлининг билиш қобилиятидан ҳам ташқаридаги Зотдир. На кучли ақл, на юксак иқтидор инсонга Худони англашга ёрдам бера

олмайди. Инсон фақат Худонинг марҳаматига эришган кишигина Уни англаб ета олади. Бошқалар Худо ҳақида узоқ йиллар давомида фикр юритишлари мумкин, аммо Парвардигор барибир унинг учун англаб бўлмас сир бўлиб қолаверади. Бу ерда содда аёл ролини ўйнаётган малика Кунти шуни тасдиқлапти. Файласуфлардан фарқли равишда, аёллар одатда чуқур фалсафий фикрлашга қодир эмаслар, лекин улар Худонинг марҳаматига тез эриша оладилар, чунки улар Парвардигорнинг ҳар нарсага қодир ва ҳаммадан буюк эканига дарров ишонадилар ва бунга бирор шубҳа қилмасдан Унинг олдида бош эга оладилар. Парвардигор шу қадар меҳрибонки, Ўз марҳаматини фақат буюк файласуфларга кўрсатиб қолмайди. Инсон қанчалик самимият билан интилаётганини Парвардигор яхши билади. Айнан шунинг учун ҳар қандай диний маросимларга одатда асосан жуда кўп аёллар тўпланадилар. Ҳар бир мамлакатдаги ҳар қандай диний оқимларда эркакларга қараганда аёллар кўпроқ иштирок этадилар. Кўр-кўрона ва самимий бўлмаган диний ақидапарастликдан Худонинг ҳукмронлигини ана шундай соддалик билан тан олиш устун туради ва анча самаралироқдир.

21. Мен Васудеванинг ўғли, Девакининг қувончи, Нанда ва Вриндаванлик бошқа подачиларнинг ўғли бўлиб, сигирлару-кўнгиллarga қувонч келтириб юрган Парвардигор олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман.

Изоҳ: Аввал айтганимдай, бирор моддий усул ёрдамида яқинига бориб бўлмайдиган Парвардигор Ўзининг чексиз бесабаб марҳамати билан Ўзининг асл содиқларига алоҳида марҳамат кўрсатиш ҳамда иблис табиатли иймонсиз одамларнинг ҳукмронлигини чеклаб қўйиш мақсадида Ер юзига Ўзининг асл қиёфасида ташриф буюради. Малика Кунти Парвардигор Кришнанинг мана шу қиёфа(аватара)сини бошқа барча қиёфалардан афзал билипти, чунки Парвардигор шу қиёфага кирганида Унга яқинлашиш осон бўлади. Парвардигор Ер юзига Рама бўлиб келганида У туғилганидан бошлаб шоҳнинг ўғли эди, аммо Кришна бўлиб келганида, гарчи шоҳнинг ўғли бўлса ҳам, дунёга келган захоти Ўзининг ҳақиқий ота-онаси(Васудева ва Деваки)нинг уйини ташлаб, оддий подачи болакай ролини ўйнаш учун Ёашодамайянинг кучоғига, Унинг болалик эрмаклари шарофати билан покланиб муқаддас саждагоҳ бўлган Ваджабхумига ўтиб олди. Шу боис Парвардигор Кришна қиёфасида Рамачандра қиёфасидан кўра марҳаматлироқ. Албатта, У Кунтининг акаси Васудевага ва унинг оиласига ҳам жуда меҳрибон эди. Агар У Васудева билан Девакининг ўғли бўлиб туғилмаганида, малика Кунти Уни ўзининг жияни деб айтолмаган ва Унга оналарча меҳр

билан мурожаат қила олмаган бўларди. Аммо Нанда билан Ёашода бахтлироқ эдилар, чунки улар Парвардигорнинг энг ширин эрмаклари - Унинг болаликдаги шўх ўйинларидан лаззатлана олган эдилар. Парвардигорнинг Ваджабхумида ўтказган болалик эрмакларини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди, чунки улар тўлалигича Унинг Кришналокадаги мангу азалий эрмакларини такрорлайдилар. Шу даргоҳ "Брахма-самхита"да чинтамани-дхамма деб таърифланган. Парвардигор Шри Кришна Ўзининг атрофидаги барча ҳамроҳлари билан биргаликда рухий оламдан Ваджабхумига тушган. Шунинг учун Шри Чаитанья Махапрабху буни тасдиқлаб айтадики, бу дунёда Ваджабхуми аҳолисидан, айниқса Парвардигорни мамнун қилиш учун ҳамма нарсасини берган подачи қизлардан ҳам бахтлироқ ҳеч ким йўқ. Парвардигорнинг Нанда ва Ёашода билан, подачилар, айниқса подачи болалар ва сигирлар билан бирга ўтказган эрмаклари Уни "Говинда" деб аташга баҳона бўлди. Парвардигор Кришна Говинда сифатида сигирларга ва браҳманларга алоҳида ғамхўрлик қилади. Бу билан У инсониятнинг раванқ топиши кўпроқ мана шу икки иш: браҳманлар маданияти ва сигирларни ҳимоя қилишга боғлиқ эканини алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Ана шу икки қоидага амал қилинмайдиган жойда Парвардигор Кришна мамнун бўлолмайди.

22. Эй Парвардигор, мен Сенинг олдинда эҳтиром билан бош эгаман. Сенинг киндигинг нилуфар гулини эслатади, Ўзинг ҳамиша нилуфар гулларида гулчамбар осиб юрасан. Нигоҳинг худди нилуфар гули сингари дилни яйратади, пойи қадамларингда нилуфар белгиси бор.

Изоҳ: Худо Шахсининг илоҳий танасида Унинг танасини бошқа тирик мавжудотларнинг танасидан ажратиб турадиган белгилар мавжуд. Ана шу белгиларнинг ҳаммаси фақат Парвардигорнинг танасида бўлади. Бир қарашда Парвардигор ҳам худди бизлардан биримизга ўхшаб кўриниши мумкин, лекин танасидаги алоҳида белгилар Уни бошқалардан ажратиб туради. Шримати Кунтидеви аёл эди, шу боис ўзини Парвардигорнинг юзига тик қарашга лойиқ эмас деб ҳисобларди, чунки аёллар, шудралар, двиджа-бандху(уч олий табақада туғилган, лекин уларга лойиқ бўлмаган зот)лар Худонинг Олий Шахсининг илоҳий номи, Унинг шон-шухрати. Сифатлари, қиёфаларига мансуб бўлган илоҳий нарсаларни англаб етишга қодир бўлган тафаккурга эга эмаслар. Шундай одамлар гарчи Парвардигорнинг илоҳий эрмакларидан иштирок этишга лойиқ бўлмасалар ҳам, барибир Уни арча-виграҳа қиёфасида кўра оладилар. Парвардигор фақат юкорида кўрсатилган аёллар, шудралар ва двиджа-бандхуларни ҳам ўз ичига оладиган

адашган рухларга Ўз марҳаматини кўрсатиш учунгина моддий оламга Ўзининг арча-виграха қиёфасида ташриф буюради. Ана шундай адашган рухлар моддий тасаввур чегарасидан ташқаридаги бирор нарсани кўришга қодир бўлмагани сабабли, Парвардигор чексиз марҳамат кўрсатиб, сон-саноксиз коинотларнинг ҳар бирига Ўзининг Гарбходакашайи Вишну қиёфасида ташриф буюради. Унинг илоҳий қорнининг ўртасидаги нилуфарсиймон чуқурдан нилуфар гули ўсиб чиқади, шу гулда коинотдаги биринчи тирик мавжудот Маъбуд Браhma дунёга келади. Шунинг учун Парвардигорни Панкаджанабхи деб атайдилар. Парвардигор Панкаджанабхи ҳар хил унсурлардан таркиб топган Ўзининг арча-виграха(илоҳий) қиёфасига киради: хаёлга келтириладиган, дарахтдан, лойдан, металлдан, қимматбаҳо тошлардан ясаладиган, бўёқлар билан чизиладиган, кумда ясаладиган ва ҳоказо. Парвардигорнинг ана шу қиёфалари ҳамиша нилуфар гулидан ясалган гулчамбарлар билан безатилган, худосизларнинг ҳамиша дунёвий баҳс-мунозаралар сабабли нотинч ақлини жалб қилиш учун эҳромларда ҳамиша осойишта ва кишига ором берадиган шинам муҳит бўлиши лозим. Муруқаб билан шуғулланадиган кишилар Парвардигорнинг ўзларининг хаёлига келтирган қиёфасига сиғинадилар. Шундай қилиб, агар эҳромларга бориб, Парвардигорнинг айнан улар учун яратилган турли кўринишдаги қиёфаларига сиғинишга рози бўлсалар, Парвардигор аёллар, шудралар ва двиджа-бандхулардан ҳам Ўз марҳаматини аямайди. Эҳромларга келиб сиғинадиган бу инсонлар баъзи бир калтафаҳм одамларнинг айтиб юрганидек, ҳечам қандайдир бутпарастлар эмас. Дунёнинг ҳар хил жойларида буюк ачарйалар жамиятнинг ақли пастроқ ривожланган одамлари учун ана шундай эҳромларни очиб қўйганлар. Инсон, аслида онги, қилиб юрган ишлари билан ўзи ҳали шудра, аёллар ва ҳатто ундан ҳам пастроқ табақага мансуб бўлишига қарамай, манманлик билан ўзини Парвардигорга эҳромда сиғиниш поғонасидан юкори кўтарилган деб ҳисобламаслиги керак. Эҳромда Парвардигорнинг арча-виграха қиёфасини томоша қилганда аввалига Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига қараш керак, кейин навбат билан нигоҳни Унинг сонига, белига, кўксига ва ниҳоят юзига ўтказиш лозим. Аввал Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига маҳлиё бўлишни ўрганмай туриб Унинг жамолига боқмаслик керак. Парвардигорнинг холаси бўлишига қарамай, малика Кунти Кришнани ҳижолатга солиб қўймаслик учун аввал Унинг нилуфар қадамлари пойига қарамади. Парвардигорни ноқулай аҳволга солиб қўймаслик учун малика Кунти аввал нигоҳини Кришнанинг белига ташлаб, кейин аста-секин юзига қаради ва шундан сўнг кўзини Унинг нилуфар қадамлари пойига тикди. Шу тариқа мана

шу ҳаракатлари билан у ўрнатилган тартибга риоя қилган эди.

23. Эй Хришикеша, хиссиётлар султони ва Худолар Худоси! Сен золим шоҳ Камса узоқ вақт зулм ўтказиб зиндонбанд қилиб қўйган онангни озодликка чиқардинг. Шунингдек, мени ва фарзандларимни бошимизга биринкетин ёғилган барча хавф-хатарлардан қутқариб қолдинг.

Изоҳ: Кришнанинг онаси, шоҳ Камсанинг синглиси бўлган Деваки ва унинг эри Васудева зиндонбанд қилиб қўйилган эдилар, чунки золим шоҳ Девакининг саккизинчи ўғли(Кришна) уни ўлдиршидан қўрқарди. У Девакининг Кришнагача туғилган ҳамма болаларини ўлдирди, аммо Кришна бундай қисматдан қутулиб қолган эди, чунки Ўзининг тутинган отаси Нанда Махаражнинг уйига олиб ўтилган эди. болалари билан бирга Кунтидеви ҳам жуда кўп хавф-хатарлардан қутулиб қолганди. Аммо Парвардигор унга бундан ҳам кўпроқ марҳамат кўрсатиб қўйган эди: Парвардигор Кришна Девакининг бошқа фарзандларини ҳалокатдан қутқармаганди, лекин Кунтининг ҳамма фарзандлари соғ-саломат эди. Кришнанинг бундай қилишига сабаб шуки, Девакининг эри Васудева тирик, Кунтидеви эса бева аёл бўлгани учун унга Кришнадан бошқа ёрдам берадиган ҳеч ким йўқ эди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: Кришна қийинроқ аҳволда бўлган содиқ хизматкорига кўпроқ марҳамат кўрсатади. Баъзан Парвардигор Ўзининг асл содиқларини шундай оғир хавф-хатарга, қийин шароитга солиб қўяди, чунки шунда ноилож, ночор аҳволга тушиб қолган содиқ Унга қаттиқроқ боғланади. Содиқ Парвардигорга қанча қаттиқ боғланган бўлса, руҳий жиҳатдан шунча юксалган бўлади.

24. Азизим Кришна, Сен бизларни захарланган ширинликдан, катта ёнғин ичида қолиб кетишдан, одамхўр ялмоғизлардан, золимлар мажлисида шарманда бўлишдан, узлатда юрганимизда ўрмондаги хавфу-хатарлардан ва буюк саркардалар иштирок этган жангда ҳалок бўлишдан асраб қолдинг. Ҳозир эса, Сен бизларни Ашваттхаманинг даҳшатли қуролидан қутқариб қолдинг.

Изоҳ: Бу ерда бир неча хатарли вазиятлар санаб ўтилган. Деваки фақат бир марта золим акасининг айби билан қийин вазиятга тушиб қолган эди, шундан бошқа у қийинчиликка учрамади. Кунтидеви ва унинг ўғиллари узоқ йиллар давомида бир қийин вазиятдан бошқа бир қийин аҳволга тушиб юрдилар. Уларга салтанат учун курашиб юрган Дурёдхон ва унинг ҳамтовоклари жуда кўп ташвиш келтирдилар, аммо ҳар гал Парвардигор Кунтининг ўғилларини ҳимоя қилиб

қоларди. Бир марта Бхиманинг овқатига захар кўшиб қўйдилар, бир марта уларни сомондан курилган уйга киритиб, уйга ўт қўйиб юбордилар, Драупадини шарманда қилиш ниятида, золим Курулар мажлисига зшрлик билан олиб кириб ечинтиришга уриндилар. Парвардигор Драупадининг сарисини чексиз узун қилиб, уни шарманда бўлишдан сақлаб қолди, Дурйодхоннинг ҳамтовоклари уни яланғоч ҳолда кўра олмадилар. Пандузодаларни ўрмонга сургун қилганларида Бхиманинг одамхўр рақшас билан жанг қилишига тўғри келди, Парвардигор уни ҳалокатдан қутқариб қолди. Лекин уларнинг қийинчиликлари бу билан тугамади. Шунча бахтсизликлардан кейин Курукшетрада буюк жанг бошланди, Аржун Дрона, Бхишма ва Карна сингари буюк саркардалар ва қудратли жангчилар билан жанг қилишга мажбур бўлди. Булар ҳам ортада қолганида, Дроначарйанинг ўғли Ашваттхама Уттаранинг қорнидаги боласини ўлдириш ниятида брахмастра қуролини ишга солди, яна Парвардигор Курулар авлодининг тирик қолган ягона вакили бўлган Махараж Парикшитни муқаррар ҳалокатдан асраб қолди.

25. Майли, Сенинг дийдорингни такрор ва такрор кўриш бахтига муяссар бўлишимиз учун бундай мусибатлар такрор ва такрор келаверсин, чунки Сенинг жамолингни кўриш - туғилиш ва ўлишлар уммонидан озодликка чиқиш демакдир.

Изоҳ: Одатда, агар аввалги ҳаётларида қандайдир савоб ишлар қилган бўлса, бошига мусибат тушган, муҳтожликка учраган, қизиқувчан ёки ақл-фаросатли инсонлар ҳозирги ҳаётида Худога сифиниб яшайдилар ёки такво йўлига кирадилар. Ким бўлишидан қатъий назар, фақат гуноҳ ишлар билан бахтга эришишга интилиб юрган киши Худога эриша олмайди, чунки ундай одамларни Парвардигорнинг алдамчи қуввати адаштириб қўяди. Шу боис такводор инсоннинг қийин вазиятга тушиб қолганда Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан нажот излашдан бошқа иложи йўқ. Ҳамиша Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини ўйлаб юриш - туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан озодликка чиқишга тайёрланиш демакдир. Шунинг учун агар бошимизга бирор "мусибат" тушса, биз хурсанд бўлишимиз лозим, чунки у бизга Худони эслаш, Унга илтижо қилиш имконини беради, бу эса руҳий озодликка чиқиш деганидир.

Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи - энг мустаҳкам кема, унинг ёрдамида ғофиллик уммонини кечиш мумкин, уларнинг паноҳига кирган киши учун руҳий озодликка эришиш худди бузқоннинг туёқ изида қолган қўлмақдан сакраб ўтиш сингари осон бўлиб қолади. Шундай инсонлар учун Худонинг даргоҳида жой ҳозирлаб қўйилган, шу боис уларни ҳеч нарса ҳар қадамда

турли хавф-хатарлар учраб турадиган бундай хатарли жойга боғлаб қўёлмайди.

«Бхагавад-гита»да Парвардигор моддий оламни "мусибатларга тўла макон" деб атаган. Лекин, бу дунёнинг табиатининг ўзи шундай эканини билмасдан фаросатсиз одамлар ана шу бахтиқароликларга мослашиб яшашга интиладилар. Улар Парвардигорнинг хавф-хатардан асар ҳам бўлмаган, чексиз лаззатга тўла мангу даргоҳи ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Демак, соғлом фикрлай оладиган киши бу дунёда ҳамиша ҳамма жойда учраши мумкин бўлган моддий азоб-укубатларга эътибор бермаслиги керак. Муқаррар бўлган ҳар хил қийинчиликлар сабабли изтироб чеккан ҳолда руҳий юксалиш йўлидан оғишмай боравериш керак, чунки бу дунёда инсон бўлиб яшашдан ягона мақсад шу. Руҳий табиатга эга бўлган руҳ ҳар қандай моддий мусибатларга нисбатан илоҳий ҳолатда, чунки аслида мусибатларнинг ҳаммаси - шунчаки алдамчи, ўткинчи, сароб нарсалардир. Инсон тушида ўзига арслон ҳамла қилганини кўриши, бундан даҳшатга тушиб қичқириши мумкин. Леин аслида арслон ҳам, хавф-хатар ҳам йўқ - булар ҳаммаси туш, ўткинчи нарсалар. Худди шундай, ҳаётда бошимизга тушадиган барча мусибатларни туш деб аташ мумкин. Агар инсон омади келиб ҳаёт йўлида Худо ҳақидаги мукамал илмдан хабардор бўлиб, Худога садокат билан хизмат қилиш орқали Парвардигор билан боғлана олса, мана шу - инсон эриша оладиган энг буюк бахтдир. Хизмат қилишнинг тўққиз туридан бирортаси билан машғул бўлиб, ҳамиша Парвардигор билан боғланиб юриш - Худонинг илм ва лаззатга тўла мангу даргоҳига олиб борадиган йўлдан олға интилиш демакдир.

26. Эй Парвардигор, фақат ҳар қандай моддий орзу-истаклардан бутунлай озод бўлган инсонгина осонлик билан Сенга эриша олади. Аммо, ўзининг яшаш шароитини яхшилаш ниятида мол-дунё тўплашга, дунёвий илм ўрганишга, чиройли бўлишга интилиб юрган одам Сенга ихлос билан самимий илтижо қилишга қодир эмас.

Изоҳ: Моддий жиҳатдан бахтли бўлиш - обрўли хонадонда туғилиш, катта бойликка, яхши маълумотга ва чиройли кўринишга эга бўлиш демакдир. Дунёвий одамлар мана шу дунёвий бойликларга қаттиқ боғланиб қолганлар, мана шу тамаддун, моддий тараққиёт деб аталади. Аммо, ана шундай моддий бойликка эга бўлган инсон ўзининг вақтинчалик ўткинчи мулкидан сармаст бўлиб, сохта манманлик чангалига тушиб қолади. Натижада ана шундай ҳаётдан мамнун дунёвий одамлар: "О Говинда! О Кришна!" - деб, Парвардигорга чин юракдан самимий мурожаат қила олмайдилар. Шастраларда айтилганки, агар гуноҳкор одам Парвардигорнинг муқаддас номини

атиги бир марта тилига олса, у ҳатто ўзи содир қилишга улгурмайдиган миқдордаги гуноҳлар оқибатидан халос бўлади. Парвардигорнинг муқаддас номининг қудрати ана шундай. Бу ҳеч қандай муболага эмас. Парвардигорнинг муқаддас ном ҳақиқатан ҳам ана шундай қудратга эга. Лекин, муқаддас номнинг тилга олишнинг сифати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу биз Парвардигорнинг муқаддас номини талаффуз қилганда қандай туйғу ҳис қилишимизга боғлиқ. Ноилож, ночор одам Парвардигорнинг муқаддас номини чин юракдан самимий тилига олади, аммо моддий жиҳатдан омадли киши ҳам муқаддас номни шундай самимият билан айтолмайди. Ҳаётдан мамнун мағрур дунёвий одам Парвардигорнинг муқаддас номини шунчаки билмасдан ёки тасодифан тилига олиши мумкин, у чин юракдан Худога илтижо қилолмайди. Демак, моддий бахтнинг тўрт устун: 1) обрўли хонадон аъзоси бўлиш; 2) бойлик; 3) дунёвий билимдонлик; 4) гўзал ташқи кийёфага эга бўлиш инсоннинг руҳий юксалиши йўлида тўсқинлик қилади. Худди касалликнинг ташқи аломати ҳароратнинг кўтарилиши бўлгани сингари, пок руҳий табиатга эга бўлган руҳнинг моддий қобиғи - руҳнинг табиатининг намоён бўлган ташқи кўринишидир. Одатда касални даволаш учун беморнинг иссиғини кўтариш эмас, аксинча пастга туширадилар. Баъзан руҳий юксалишга эришган киши моддий жиҳатдан кашшоқлашиб қолади. Бундай ҳолат ҳеч кимни ташвишга солмаслиги керак. Аксинча, бу кашшоқлик, худди беморнинг ҳарорати пасайгани сингари - яхшилик аломатидир. Иймонли инсон ҳаётининг қоидаси инсонни яшашдан мақсад нималигини тўғри тушунишдан узоклаштирадиган моддий бойликдан сармаст бўлиш даражасини пасайтиришга интилиш бўлиши керак. Моддий бойлигидан сармаст бўлиб алданиш домига тушиб қолган одамлар Худонинг даргоҳига эриша олмайдилар.

27. Эй, моддий жиҳатдан кашшоқ бўлганларнинг ягона бойлиги, мен Сенинг олдинда бош эгаман. Моддий табиат гуналарининг фаолиятига Сенинг ҳеч қандай алоқанг йўқ, улар Сенга таъсир қилмайди. Сен Ўзингдан Ўзинг лаззат оласан, шу боис Сен ҳамиша хотиржам ва осойишта Зотсан. Сен ягона Парвардигорга сиғиниб юрган зотларнинг Хукмдорисан.

Изоҳ. Тирик мавжудот бирор нарсанинг эгаси бўлмасдан яшай олмайдди. Демак, у том маънода ҳеч нарсага умуман боғланмаган бўлолмайди. У эга бўлган(боғланган) нарсасини фақат ундан ҳам кадрлироқ нарсага эга бўлиш учун тарк этади. Талаба бирор ўқишга кириб маълумотли бўлиш учун болаларга хос шўхликларини қурбон қилади. Хизматкор яхшироқ иш топиш учун ҳозирги ишини ташлаб кетади. Худди шундай, содик

хизматкор ҳам моддий оламни шунчаки таркидунё қилиш учун эмас, балки яққол ҳис қилиш мумкин бўлган, руҳий бойликка эга бўлиш учун тарк этади. Шрила Рупа Госвами, Санатана Госвами, Шрила Рагхунатха дас Госвами ва бошқалар Худога садоқат билан хизмат қилиш мақсадида бой-бадавлат ва фаровон дунёвий ҳаётни тарк этганлар. Моддий жиҳатдан қараганда улар ҳаётда муваффақиятга эришган, омадли, бахтиёр одамлар эдилар. Бу Госвамирлар Бенгалия ҳукуматида вазир лавозимида ишлар, Шрила Рагхунатха Дас Госвами эса, ўша даврдаги энг йирик заминдорнинг ўғли эди. Лекин улар бундан ҳам юксакроқ бўлган руҳий бойликка эга бўлиш учун моддий бойлигини тарк этдилар. Одатда, Худонинг содикларининг моддий бойлиги йўқ, лекин уларнинг бебаҳо, маҳфий бойлиги бор - Парвардигорнинг нилуфар пойи қадамлари. Шрила Санатана Госвами билан боғлиқ бўлган ажойиб бир ҳикоя бор. Унинг сеҳрли қудратга эга бўлган фалсафий тоши бор эди, лекин бу тошни у ҳар хил кераксиз нарсалар турган жойда сақларди. Унинг олдига бойлик сўраб келган киши Госвамининг рухсати билан шу тошни олди, лекин ўйланиб қолди: нимага шундай бебаҳо тош кераксиз нарсалар билан бирга, ўзига муносиб бўлмаган жойда ётибди. Шундан сўнг у Санатана Госваמידан энг қиммат, энг кадрли нарса беришини сўради, шунда Госвамини унга муқаддас номни берди. Акинчана ибораси "бирор моддий бойлик бера олмайдиган зот" дегани билдиради. Ҳақиқий содик, махатма, ҳеч кимга моддий нарсалар совға қилмайди, чунки у ҳар қандай моддий нарсалардан аллақачон воз кечган. Лекин у энг қимматли, энг нодир бойлик - Худо Шахсини бериши мумкин, чунки ҳақиқий содикнинг ягона бойлиги Парвардигор ҳисобланади. Кераксиз нарсалар билан бирга турган фалсафа тоши Санатана Госваминики эмасди, акс ҳолда у сеҳрли тошни ундай жойда сақламаган бўларди. Алоҳида аҳамиятга эга бўлган бу мисолни одатда Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига энди кириб келган содикларга, уларнинг дунёвий орзу-истакларга интилиш билан руҳий юксалиш ҳеч қачон бирга бўлолмаслигига бўлган ишончини, иймонини кучайтириш мақсадида айтадилар. Инсон токи теварак-атрофидаги нарсаларнинг ҳаммаси аслида руҳий нарсалар бўлиб, албатта Парвардигор билан боғлиқ эканини кўра оладиган даражага етмаган экан, у ҳамиша мода билан руҳнинг фарқига бориб ҳаракат қилиши лозим. Шрила Санатана Госвамидай руҳий устоз гарчи ҳамма нарсан аслида руҳий табиатга эга эканини кўриб турса ҳам, ўзининг бу амали билан ҳаёт ҳақида ҳали руҳий тасаввурга эга бўлмаган бизларга ўрнак кўрсатган.

Ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввур, яъни моддий тараққиётга интилиш - руҳий юксалиш йўлидаги энг катта тўсқинликдир. Моддий тараққиёт тирик

мавжудотни моддий тана занжири билан қаттиқ боғлаб кўяди, бу эса уни ҳар хил моддий мусибатларга дучор этади. Ана шу моддий тараққиёт анартха, яъни "кераксиз бойлик" деб аталади. Бу ҳақиқатан ҳам шундай. Моддий тараққиётнинг ҳозирги босқичида турган калтафаҳм одамлар моддий тараққиёт маҳсули бўлган, ҳар бири минг сўм турадиган лаб бўёғидан ва бошқа турли хил умуман кераксиз нарсалардан фойдаланадилар. Инсон ҳаётининг энг муҳим, асосий мазмуни - руҳий ўзлгимизни англаш ўрнига эътиборимизни ана шундай бемаъни нарсаларга жалб этиш билан биз ҳаётимизни, қувватимизни бекорга сарфлаб, нодир умримизни хазон қиламиз. Ойга чиқишга уриниш - инсоннинг куч-қувватини бекорга сарфлашнинг яна бир туридир, чунки ҳатто инсон Ойга етиб борган тақдирда ҳам унинг ҳаётдаги асосий муаммолари барибир ҳал бўлмай қолаверади. Худонинг содиқларини акинчана деб атайдилар, чунки амалда уларнинг бирор моддий бойлиги йўқ. Моддий бойлик - моддий табиатнинг уч гунасининг маҳсулидир. У руҳий қувватни ўзига сўриб олади, шу боис моддий бойлигимиз қанчалик кам бўлса, биз руҳий юксалиш учун шунча кўп имкониятга эга бўламиз.

Парвардигор моддий фаолият билан бевосита боғланган эмас. Унинг кўрсатган кароматлари ва қилган ишларининг ҳаммаси, ҳатто бу моддий оламда ҳам руҳий табиатга эга бўлиб, уларда ҳеч қандай моддий табиат гуналарига боғланиш йўқ. Парвардигор «Бхагавад-гита»да айтганки, Унинг бутун фаолияти, ҳатто бу моддий оламда пайдо бўлиши ва ундан кетиши ҳам илоҳий табиатга эга, мана шу ҳақиқатни мукамал англаб етган киши бу моддий оламда бошқа туғилмайди, у Худонинг даргоҳига эришади.

Моддийлик касали моддий табиатга боғланиш ва унга ҳукмронлик қилиш истагидан келиб чиқади. Бундан интилиш эса моддий табиат гуналарининг ўзаро фаолиятининг оқибатидир, лекин на Парвардигор, на Унинг содиқлари мана шу сохта лаззатларга боғланмаганлар. Шунинг учун Парвардигорни ҳам, Худонинг содиқларини ҳам *ниврিতта-гуна-вритти* деб атайдилар. Парвардигор - комил нивритта-гуна-вритти, чунки У ҳеч қачон моддий табиат гуналарига маҳлиё бўлмайди, тирик мавжудотларда эса бунга мойиллик бор. Уларнинг баъзилари моддий табиатнинг алдамчи жозибадорлиги чангалига тушиб қоладилар.

Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкорлариники, Худонинг содиқлари эса ўз навбатида Парвардигорники бўлгани туфайли, ҳеч шубҳа йўқки, улар моддий табиат гуналарига нисбатан илоҳий ҳолатда бўладилар. Бу - табиий равишда ўз-ўзидан келиб чиқадиган хулоса. Асл содиқлар ҳали соф садоқатга эришмаган содиқлардан, яъни Парвардигорга мусибатлардан халос бўлиш, муҳтожликдан қутулиш мақсадида

сиғиниб юрган, шунингдек Унга қизиқувчанлиги ёки фалсафий изланишлари таъсири остида мурожаат қилиб юрган содиқлардан фарқ қилади. Худонинг асл содиқлари ва Парвардигор бир-бирларига ўзаро илоҳий ришталар билан боғланганлар. Бошқалар билан эса Парвардигор ўзаро соф руҳий муносабатда бўлолмайди. Шунинг учун Уни атмарама, "Ўзининг ичида мамнуният ҳосил қилган Зот" деб атайдилар. У Ўзи билан Ўзи тўла мамнун Зот, У - Парвардигорнинг борлиғига кўшилишга интилиб юрган барча монистларнинг ҳукмдори. Ана шундай монистлар Худо Шахсидан таралиб турган ёғду - брахмажйотига кўшилиб кетадилар, аммо Худонинг содиқлари Парвардигорнинг илоҳий эрмакларида иштирок этадилар. Ҳеч қачон Парвардигорнинг илоҳий эрмакларини моддий эрмаклар деб ўйламаслик керак.

28. Эй Парвардигор, мен биламанки, Сен - на аввали, на охири бўлмаган, бутун борлиққа сингиб кетган, ҳамма жойни эгаллаб олган Олий Ҳукмрон - Мангу Замонсан. Сен Ўз марҳаматингдан ҳаммани бир хилда бахраманд этар экансан, Сен ҳаммага нисбатан бир хил муносабатда бўласан. Тирик мавжудотлар орасида бўладиган ҳар хил можаролар эса, фақат уларнинг ўзаро ижтимоий муносабатлари негизида келиб чиқади.

Изоҳ. Кунтидеви билардики, аслида Кришна - унинг жияни ҳам эмас, отасининг авлодига мансуб бирор оддий қариндоши ҳам эмас. Кришна - Олий рух, Параматма қиёфасида ҳар кимнинг қалбида ҳам мавжуд бўлган азалий Парвардигор эканини у жуда яхши англаб етган эди. Парвардигорнинг Параматма кўринишини қала, яъни мангу замон деб ҳам атайдилар. Мангу замон бизларнинг ҳар бир ҳаракатимизнинг, яхши-ёмон амалларимизнинг гувоҳи бўлиб туради ва уларнинг натижаларини белгилаб туради. Қайси гуноҳимиз учун ва нима сабабдан мусибат чекаётганимиз бизга маълум эмас, деб айтишнинг ҳеч қандай маъноси йўқ. Биз ҳозирги мусибатларимизга сабабчи бўлган, ўзимиз аввал содир қилган гуноҳ ишларимизни унутиб юборган бўлишимиз мумкин, лекин шуни эсдан чиқармаслик керакки, Параматма - бизнинг мангу ҳамроҳимиз, У ҳамма нарсани билади: ўтмишни ҳам, ҳозирни ҳам, келажакни ҳам. Парвардигор Кришнанинг ана шу қиёфаси - Параматма, ҳар бир амални ҳам, унинг натижасини ҳам белгилаб тургани сабабли, У олий ҳукмдор ҳисобланади. Унинг амру-иродасисиз дарахтнинг япроғи ҳам қимирламайди. Тирик мавжудотнинг қилган хизматига яраша эркинлик берилади, лекин у ана шу эркинлигини суистеъмол қилиши оқибатида ҳар хил мусибатларга дучор бўлади. Худонинг содиқлари ўз эркинлигидан тўғри фойдаланадилар, чунки уларнинг ҳаммаси - Парвардигорнинг

тартибли, ёқимли фарзандларидир. Ўзининг эркинлигидан нотўғри фойдаланиб юрганлар эса, мангу Замон, кала белгилаб қўйган мусибатлардан азобланадилар. Кала(Замон) шартланган рухларга ҳам бахт келтиради, ҳам мусибат. Инсон тақдирига бахтни ҳам, мусибатни ҳам Мангу замон аввалдан ёзиб қўйибди. Худди бизнинг истак-хоҳишимизга қарши, кутилмаганда бошимизга турли мусибатлар келгани сингари, кутилмаганда чексиз омад ҳам кулиб боқиши мумкин, чунки буларнинг ҳаммаси аввалдан тақдиримизга ёзиб қўйилган. Шундай қилиб, бизлар Парвардигорга дўст ҳам эмасмиз, душман ҳам эмасмиз. Ҳар бир тирик мавжудот тақдирига ёзилган бахтдан лаззатланади, мусибатлардан изтироб чекади. Ҳар хил ижтимоий муносабатларга киришиб, тирик мавжудот ўзининг келажакдаги тақдирини ўзи яратади. Бу дунёда ҳар ким моддий табиатга ҳукмронлик қилишга интилади, шунинг учун Парвардигорнинг назорати остида ҳар бир инсон ўзининг тақдирини ўзи яратади. Парвардигор ҳамма жойни эгаллаб олган, шунинг учун У ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳар бир ҳаракатини билиб туради, Парвардигорнинг на аввали, на охири бўлмагани учун Уни мангу замон, кала деб атайдилар.

29. Эй Парвардигор, Сенинг худди оддий инсонларнинг хатти-ҳаракатларини эслатадиган ва ҳар қандай инсонни адаштириб қўядиган илоҳий эрмакларингни ҳеч ким англаб етмайди. Сен ҳеч кимга қаттиқ боғланиб ҳам қолмагансан, ҳеч кимдан қаттиқ нафратланмайсан ҳам. Лекин одамларга Сен худди ҳар кимга ҳар хил муносабатда бўладигандай бўлиб туюлади.

Изоҳ: Парвардигор Ўзининг марҳаматини барча адашган рухларга бир хилда намоён этади. У ҳеч кимга алоҳида боғланиб қолмаган. Парвардигорни ҳам худди оддий инсондай деб тасаввур қилиш одамларни адаштириб қўяди. Унинг эрмаклари худди оддий инсоннинг хатти-ҳаракатларидай бўлиб туюлади, аслида эса улар мутлақо илоҳий бўлиб, уларда моддий иллатдан асар ҳам йўқ. Албатта, маълумки, Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкорларига алоҳида марҳамат кўрсатади деб айтадилар, лекин аслида У худди қуёш сингари, ҳаммага бир хил муносабатда бўлади. Қуёш нурларини ўзига сингдириб олиб, ҳатто тошлар ҳам қимматбаҳо дурга айланадилар, аммо гарчи етарлича қуёш нури тушиб турган бўлса ҳам, кўзи кўр одам қуёшни кўра олмайди. Ёруғлик ва зулмат - бир бирига қарама-қарши тушунчалардир, лекин бу, қуёш ўзининг нурини ҳар ерга ҳар хил сочади дегани эмас. Қуёш ўз нурларини ҳаммага бирдай сочади, лекин унинг нурларини қабул қила олиш қобилияти ҳар кимда ҳар хил. Аҳмоқ одамлар "Худога садоқат билан хизмат қилиш - Унинг алоҳида марҳаматига эришиш учун Парвардигорга

лаганбардорлик қилишдир" - деб ҳисоблайдилар. Аслида эса, Худога соф садоқат билан хизмат қилиб юрган Парвардигорнинг асл содиқлари улар ўйлаганидек савдогар эмаслар. Савдогар, ёлланган киши сизга пул учун хизмат қилади. Асл содиқ хизматкор эса Худога бунинг учун хизмат қилмайди, шунинг учун у Парвардигорнинг марҳаматининг ҳаммасини қабул қила олади. Бошига мусибат тушганлар, муҳтожлар, қизиқувчанлар ва файласуфлар аниқ мақсадга эришиб олгунча Парвардигор билан вақтинчалик муносабат ўрнатишлари мумкин. Олдига қўйган мақсадига эришгандан кейин эса, уларнинг Парвардигор бўлган муносабатлари узилиб қолади. Изтироб чекаётган киши, агар қалбида Худога озгина ишонч, иймон бўлса, бу азобдан уни халос этишини тилаб Худога илтижо қилади. Лекин, одатда ундай одамлар азобдан қутулгандан кейин Худони эсидан чиқариб юборадилар. У ҳозир ҳам Худонинг марҳаматига худди аввалгидай эриша олади, лекин унинг ўзи бундан юз ўгирган. Худонинг асл содиқлари билан садоқати ҳали пок бўлмаган содиқлар орасидаги фарқ шундан иборат. Худога садоқат билан хизмат қилишни бутунлай инкор этадиган одамлар қоронғу зулмат қаърига ботган одамлар ҳисобланадилар; Худонинг марҳаматига муҳтож бўлганда Унга илтижо қиладиган одамлар Унинг марҳаматини қисман қабул қиладилар; ҳамиша Худога соф садоқат билан хизмат қилиш билан банд бўлиб юрган содиқлар эса, Худонинг марҳаматини тўлалигича қабул қиладилар. Худонинг марҳаматини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик - ҳар бир тирик мавжудотнинг ўзига боғлиқ. Бу масалада Парвардигор ҳеч нарсани олдиндан белгилаб қўйгани йўқ.

Парвардигор Ўзининг ҳаммага бирдай меҳрибон қуввати ёрдамида бу оламга ташриф буюрганида, У инсон ролини бажаради, шунинг учун гўё У Ўзининг содиқларига алоҳида марҳамат кўрсатадигандай бўлиб туюлади, лекин аслида бундай эмас. Ҳамма нарсани олдиндан белгилаб қўйгандай кўринса ҳам, У Ўзининг марҳаматини ҳамиша ҳаммага бирдай сочади. Курукшетра жанг майдонидаги урушда Парвардигор иштирокида ҳалок бўлганларнинг ҳаммаси, гарчи муносиб бўлмасалар ҳам, руҳий озодликка эришдилар, чунки Парвардигорнинг ёнида танани тарк этиш билан тирик мавжудот барча гуноҳлари оқибатидан бутунлай халос бўлади ва руҳий оламдаги ўзининг мангу жойини эгаллайди. Ҳар ҳолда, қоронғу жойдан қуёшнинг нурига интилиб чиққан ҳар қандай инсон қуёш нурининг ҳароратидан, покловчи ултрафиолет нурларидан албатта баҳраманд бўлади. Юқорида айтилганлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Парвардигор ҳеч қачон бирор тирик мавжудотнинг тақдирини олдиндан белгилаб қўйган эмас. Парвардигор ҳаммага бир хил

муносабатда бўлмайди, деб ўйлаш кўпчилик одамларга хос бўлган хусусият.

30. Эй бутун борлиқнинг жони, Сен ҳаракатланмай туриб ҳаракат қиласан, Ўзинг туғилмаган ва ҳаёт манбаи бўлган ҳолда бу дунёда "туғиласан". Бундан киши албатта хайратга туриб, эсанкираб қолади. Сен Ўзинг бу дунёга ташриф буюриб, ҳайвонлар, одамлар, донишмандлар ва сув ҳайвонлари орасида намоён бўласан. Ҳақиқатан ҳам бу ҳол ҳар қандай кишининг ақлини адаўтириб қўяди.

Изоҳ: Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари кишини ҳайрон қолдирибгина қолмасдан, бир қараганда улар зиддиятли бўлиб кўринади. Бошқача қилиб айтганда, инсоннинг чекланган ақли уларни тўлиқ англай олмайди. Парвардигор - бутун борлиққа ҳукмрон бўлган Олий Рух, шунга қарамай У ҳайвонлар орасида тўнғиз киёфасида, одамлар орасида - Рама, Кришна сингари киёфаларда, ришилар орасида - Нарайана, сув ҳайвонлари орасида - балиқ киёфасида Ўзини намоён этади. Шунга қарамай "Парвардигор - туғилмаган Зот, У бирор иш қилмайди" - деб айтадилар. Шрути-мантрада айтилганки, Олий Браҳман бирор иш қилиши шарт эмас. Унга тенг келадиган зот йўқ, ҳеч ким ундан устун бўлолмайди. Унинг ҳар хил қувватлари бор, У амалга оширадиган ҳар қандай иш ўзидан-ўзи намоён бўладиган илм, куч ва фаолият ёрдамида мукамал равишда амалга ошади. Мана шунинг ўзи инкор этиб бўлмайдиган даражада исботлаб турибдики, биз чекланган ақлимиз билан Парвардигорнинг фаолияти, киёфалари ва амалларини англай олмаймиз, У англаб бўлмас даражада қудратли бўлгани туфайли У ҳар нарсага қодир. Шунинг учун ҳеч ким Уни тўлиқ тушуниб ета олмайди; оддий инсонни Парвардигорнинг ҳар бир каромати хайратга солади. Парвардигорни Ведалар илми ёрдамида тушуниб бўлмайди, лекин Унинг асл содиқлари Уни осонлик билан тушуна оладилар, чунки улар Парвардигор билан ўзаро жуда яқин муносабатдалар. Шунинг учун Унинг содиқлари биладиларки, гарчи У тирик мавжудотлар орасида намоён бўлса ҳам, аслида У - ҳайвон ҳам эмас, инсон ҳам эмас, риши ҳам эмас, балиқ ҳам эмас. У ҳамиша, ҳамма жойда Парвардигор бўлиб қолаверади.

31. Азизим Кришна, Сен шўхлик қилганингда Яшода Сени арқон билан боғлаб қўймоқчи бўлган эди. Шунда қўрққанингдан кўзларинг жикқа ёшга тўлган, кўз ёшлари чиройли киприкларингданги бўёқларни ювиб кетганди. Ҳатто қўрқувнинг ўзи ҳам Сендан қўрқадиган бўлишига қарамай, Сен шунда жуда қўрқиб кетгандинг. Ана шу ҳолат мени умуман гангитиб қўйди.

Изоҳ: Бу ерда Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари қандай қилиб инсонни гангитиб қўйиши яна бир марта тушунтирилган. Аввал айтганимиздек, Парвардигор ҳар қандай вазиятда ҳам барибир Парвардигор бўлиб қолаверади. Бу ерда, қандай қилиб Парвардигор Ўзи ҳар нарсага қодир қудратли Худо бўла туриб, айти пайтда Ўзининг асл содиғининг қўлида қўғирчоқ ҳам бўла олиши кўрсатилган. Худонинг асл содиқ хизматкори Унга беғубор пок, соф муҳаббат билан хизмат қилади, шундай ҳолатда у Парвардигорнинг қандай мартабада эканини бутунлай эсан чиқариб қўяди. Асл содиғи ана шундай соф, ҳеч қандай қўрқув ёки эҳтиром туйғуси аралашмаган беғубор муҳаббат билан Унга хизмат қилганида Парвардигорнинг Ўзи ҳам бундан жуда мамнун бўлади. Одатда содиқлар Худога чуқур эҳтиром билан сажда қиладилар, лекин содиқ хизматкори Парвардигорга қаттиқ боғланиб қолгани ва Унга бўлган соф муҳаббати таъсири остида Уни ўзидан паст ёки тенг деб ҳисоблаганида Парвардигор ундан жуда мамнун бўлади. Парвардигорнинг азалий даргоҳи бўлган Голока Вриндаванда ҳамиша айнан ана шундай муҳит ҳукм суриб туради. Кришнанинг дўстлари Уни ўзлари билан тенг деб ҳисоблайдилар. Улар Уни қандайдир алоҳида ҳурмат-эҳтиромга лойиқ Зот деб ўйламайдилар. Худонинг асл содиқлари бўлган ота-онаси Кришнани ўзларининг фарзанди деб биладилар. Парвардигорнинг Ўз ота-онасидан оладиган жазолари Унга ведавий мадҳиялар тиловат қиладиган браҳманлардан кўра кўпроқ лаззат бағишлайди. Ўзининг вриндавандаги ошиқларидан танбеҳ эшитиш Унга ведавий мадҳияларни тинглашдан кўра кўпроқ ёқади. Кришна Голока Вриндавандаги мангу эрмакларини кўрсатиш ва шу билан одамларни Ўзига жалб қилиш учун моддий оламда юрган пайтларида, У тутинган онаси Яшодага қандай бўйсунганини ажойиб даражада кўрсатиб берган эди. Шўх болаларга хос одат бўлганидай, Кришна ҳам онаси Яшода сариек ва қаймоқ солиб қўйган кўзаларни синдириб, уларнинг ичидагиларни бирга ўйнаб юрган ўртоқларига, шунингдек Парвардигорнинг сахийлигидан фойдаланиб қолиш имкониятини қўлдан бой бермайдиган вриндаванлик машҳур маймунларга улашарди. Бунга кўрган она Яшода, Унга бўлган соф муҳаббатидан, ўзининг илоҳий фарзандини жазоламоқчи эканини кўрсатиб қўймоқчи бўлди. Худди оддий қишлоқи оилаларда бўлганидек, у қўлига арқон олиб, ҳозир Сени боғлаб қўяман деб Кришнага дўк урди. Яшоданинг қўлидаги арқонни кўрган Парвардигор кўзларини ерга тикиб, худди оддий ёш болаларга ўхшаб йиғлаб юборди, кўз ёшлари чиройли кўзидаги бўёқини ювиб, юзларидан томчилаб турарди. Кунтидеви Парвардигорнинг ана шу ажабланарли ғаройиб кўринишига маҳлиё бўляпти, чунки у Кришнанинг аслида ким эканини яхши билади. Ундан ҳатто

кўркувнинг ўзи ҳам кўрқади, Унинг Ўзи эса Уни салгина жазоламоқчи бўлган онасидан кўрқиб йиғлаб турибди. Кунти Парвардигорнинг улуғвор ҳолатини билиб турарди, Яшода эса буни сезмасди. Шунинг учун Яшода рухий жиҳатдан Кунтидан анча устун туради. Яшода она Парвардигорни ўзининг ўғли сифатида олганди, шу боис ўғли аслида Парвардигор эканини бутунлай унутишга уни Парвардигорнинг Ўзи мажбур қилган эди. Агар Яшода ўғлининг Парвардигор эканини англаб турганида, албатта, ўғлини жазолашга шошилмасди. Лекин Парвардигор уни Ўзининг улуғвор ҳолатини бутунлай эсдан чиқаришга мажбур қилди, чунки Ўзини чексиз меҳр билан севадиган онаси Яшода Ўзининг болаликдаги комил шўхликларини кўрсатмоқчи эди. Она ва фарзанд орасидаги меҳрга тўла бундай муносабатлар жуда табиий эди, Кунти ана шу ҳолатни эслаб, ҳозир ҳайратга тушаётган эди. Унинг Парвардигорнинг Ўз онасига бўлган мукамал фарзандлик меҳрини олқишлашдан бошқа иложи қолмаганди. Айни пайтда у бетакрор онаслик муҳаббати учун Яшода онани ҳам олқишлаётган эди, чунки Яшода ҳатто ҳар нарсага қодир Парвардигорга ҳам худди ўз фарзандидай ҳукмронлик қиларди.

32. Бировлар, туғилмайдиган Зот(Парвардигор) такводор шоҳларнинг шон-шуҳратини олқишлаш учун туғилади дейишади; бошқалар - Ўзининг энг яқин содиқларидан бири бўлган Йадулар шоҳини қувонтириш учун туғилади, дейдилар. Худди Малаи тоғларида сандал дарахти пайдо бўлганидек, Сен ҳам уларнинг хонадонида дунёга келасан.

Изоҳ: Парвардигорнинг моддий оламда пайдо бўлиши ҳаммани ҳайратга солгани туфайли, туғилмаган Зотнинг туғилиш сабаблари тўғрисида ҳар хил фикрлар мавжуд. «Бхагавад-гита»да Парвардигор айтадики, гарчи У бутун борлиқнинг Парвардигори ва туғилмаган Зот бўлса ҳам, моддий оламда "туғилади". Шундай қилиб, туғилмаган Зотнинг "туғилиши"ни инкор этиб бўлмайди, чунки Унинг Ўзи бу ҳақиқатни тасдиқляпти. Шунга қарамай, Унинг нима сабабдан туғилиши ҳақида одамлар турлича фикр билдирадилар. Унинг туғилиш сабаби ҳам «Бхагавад-гита»да айтилган. Парвардигор Ўзининг ички қуввати ёрдамида дин қонунларини ўрнатиш, такводорларни ҳимоя қилиш ҳамда иймонсизларни яқсон қилиш мақсадида намоён бўлади. Туғилмаган Зотнинг бу дунёда "туғилиш"дан мақсади шундан иборат. Лекин, барибир Парвардигор бу дунёга такводор шоҳ Юдхитхиранинг шон-шуҳратини ошириш учун келган дейдилар. Ҳеч шубҳа йўқки, Парвардигор Шри Кришна бутун инсониятнинг бах-саодати учун жаонда Пандузодаларнинг ҳукмронлигини ўрнатишни истаганди. Оламга такводор шоҳ

ҳукмронлик қилганда одамлар бахтиёр яшайдилар, иймонсиз шоҳ ҳукмрон бўлган жойда одамлар бахтсизликда яшайдилар. Кали-йуга давридаги шоҳлар худобехабар одамлардир, шунинг учун уларнинг фуқаролари ҳамиша бахтсиз яшайдилар. Демократик жамиятда иймонсиз одамларнинг ўзлари ўзларининг орасидан кимнидир шоҳ қилиб танлайдилар, шу боис улар ўзларининг бахтиқаролигида ҳеч кимни айблай олмайдилар. Махараж Нала ҳам ўзининг такводорлиги билан шуҳрат қозонган эди, лекин унинг Кришна билан алоқаси йўқ эди. Демак, Кришна Махараж Юдхитхиранинг доврўғини ошириш учун келган. У Йадулар хонадонида туғилиш билан шоҳ Ядунинг шуҳратини оширган эди. Гарчи Уни Йадава, Йадувара, Йадунандана деб атасалар ҳам, Унинг Ўзи бунга ўхшаган мажбуриятлардан ҳамиша пок. Уни Малаи тоғларида ўсадиган сандал дарахтига қиёслайдилар. Дарахтлар ҳамма жойда ўсиши мумкин, лекин, сандал дарахти асосан фақат Малаи тоғларида ўсгани сабабли, тоғнинг номи билан сандал дарахти бир бирига боғлиқ. Демак, хулоса қилиш мумкинки, гарчи Парвардигор худди қуёшдай, туғилмаган Зот бўлса ҳам, Унинг бу дунёда намоён бўлиши қуёшнинг шарқда пайдо бўлишига ўхшайди. Қуёш фақат шарққа тегишли бўлмагани сингари, Парвардигор ҳам ҳеч кимнинг ўғли эмас, балки бутун борлиқнинг отаси ҳисобланади.

33. Бошқа бировлар эса, Сени Васудева ва Девакининг илтижоларини тинглаганинг учун уларнинг ўғли бўлиб туғилган дейдилар. Албатта, Сен туғилмаган Зотсан, аммо, уларни бахтиёр қилиш ҳамда фаришталарга душманлик қилиб юрган зотларни ўлдириш учун туғилгансан.

Изоҳ: Айтишларига қараганда, Васудева билан Деваки ўзларининг аввалги ҳаётида Сутапа ва Пришни деган инсонлар бўлиб, Парвардигор уларнинг ўғли бўлиб туғилишини тилаб қаттиқ риёзатга берилиб яшаганлар. Ана шу риёзатларнинг натижасида Парвардигор уларнинг ўғли бўлиб туғилди. «Бхагавад-гита»да айтилганки, Парвардигор бу дунёга ҳаммага бахт-саодат келтириш ва асур - ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган иймонсиз даҳрийларни яқсон қилиш учун келади.

34. Яна бировларнинг фикрича, бу дунё, худди денгиздаги устига ортиқча юк ортилган қайиқ сингари мусибатларга тўлиб кетгани сабабли ўғлинг бўлмиш маъбуд Браҳма Сенга илтижо қилган, шу боис Сен бу дунёнинг мусибатини енгиллатиш учун келгансан.

Изоҳ: Коинот яратилгандан кейин туғилган биринчи тирик мавжудот Браҳма Парвардигор Нарайананинг ўғли бўлади. Аввалига Парвардигор

Нарайана Гарбходакашайи Вишну киёфасида моддий оламга кирган. Рух билан алоқа боғламай туриб модда яратишга қодир эмас. Бу қонун олам яралишидан бошлаб ўзгармай келяпти. Коинотга Олий Рух киргандан кейин, Вишнунинг илохий қорнида ўсган нилуфар гулидан биринчи тирик мавжудот Брахма дунёга келди. Шунинг учун Вишнуни Падманабха деб ҳам атайдилар. Брахмани эса, атма-бху деб ҳам атайдилар, чунки у, отаси ҳали она Лакшми билан алоқа қилмасдан олдин, бевосита отасидан туғилган. Лакшми Нарайанага хизмат қилиш билан банд бўлиб, шу ерда турган эди, лекин Нарайана Брахмани Лакшми билан алоқа қилмасдан дунёга келтирди. Парвардигорнинг қудрати шундай. Нодонлиги сабабли Парвардигор Нарайанани бошқа тирик мавжудотларга ўхшаган деб юрган одамлар бунга алоҳида эътибор беришлари лозим. Нарайана - оддий тирик мавжудот эмас. У - Худо Шахсининг Ўзи, Унинг илохий танасининг ҳар бир аъзоси бошқа аъзоларининг ҳамма имкониятларига эга. Оддий тирик мавжудот фақат жинсий алоқа ёрдамида фарзанд дунёга келтира олади, зурёд қолдиришнинг ўзи учун мўлжалланган ана шу усулдан бошқа унинг бирор йўли йўқ. Аммо, Нарайана ҳар нарсага қодир Парвардигор бўлгани сабабли, қувватнинг бирор ҳолати билан шартланиб қолмаган. У мукамал Зот, Ўзининг ҳар хил қувватлари ёрдамида Ўзи истаган нарсани осонлик билан комил кўринишда ярата олади. Демак, Брахма фақат отасининг ўғли, чунки у она қорнига кирмаган. Шунинг учун уни атма-бху(рухдан туғилган) деб атайдилар. Брахма коинотдаги яралиш жараёнига маъсул. Бу жараён ҳар нарсага қодир бўлган Парвардигорнинг яратиш қудратининг иккиламчи акс этишидир. Мана шу коинот ичида илоҳий сайёра бор - Шветадваipa, Парвардигорнинг Параматма кўриниши бўлган Кширодакашайи Вишнунинг даргоҳи бор. Ҳар гал, коинотда фаришталарнинг ўзлари ҳал қила олмайдиган бирор муаммо туғилганда, улар ёрдам сўраб Брахмага мурожаат қиладилар. Агар бу муаммоларни Брахма ҳам ҳал қила олмаса, у маслаҳат сўраб Кширодакашайи Вишнуга мурожаат қилиб, Ундан бу дунёда намоён бўлиб, юзага келган қийинчиликларни бартараф қилишни илтимос қилади. Камса ва бошқа иблислар жаҳон салтанатни босиб олиб, асурларнинг оғир гуноҳлари дастидан она Ер қаттиқ изтироб чекаётганида ана шундай муаммо пайдо бўлган эди. Брахмажи ва бошқа фаришталар Кширодака уммони қирғоғида туриб Худога илтижо қила бошладиларва бунга жавобан, Кришна Васудева ва Девакининг эркатойи бўлиб дунёга келади, деган хабар олдилар. Шунинг учун баъзи бировлар Парвардигорни бу дунёга Брахма илтижо илтижо қилгани учун келган дейдилар.

35. Тўртинчи бировларнинг тахминига кўра, моддий мусибатлардан азоб-уқубат чекаётган

шартланган рухлар мавжудотлар шу йўлдан фойдаланиб озодликка чиқа олишлари учун Сен бу дунёга тинглаш, эслаш, сажда қилиш ва бошқалардан таркиб топган Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлини қайта тиклаш учун келгансан.

Изоҳ: «Бхагавад-гита»да Парвардигор айтадики, У ҳар бир даврда ҳақиқий дин қонун-қоидаларини қайта-тиклаш учун бу дунёда намоён бўлади. Дин қонунларини Парвардигор ўрнатади. Ҳозир баъзи бир калтафаҳм одамлар орасида одат бўлиб қолганидек, ҳеч ким ўзича диннинг янги турини яратиши мумкин эмас. Ҳақиқий дин - Парвардигорнинг ягона ҳукмрон эканини тан олиш ва муҳаббат билан Унга хизмат қилишдан иборат. Тирик мавжудот хизмат қилмасдан туролмайди, чунки у азалдан хизмат қилиш учун яратилган. Тирик мавжудотнинг ягона вазифаси - Худога хизмат қилиш. Парвардигор буюк, тирик мавжудотлар эса, Унинг ҳукми остида, Унга қарам. Демак, тирик мавжудотнинг бурчи - фақат Унга хизмат қилиш. Афсуски, моддий истақлар домига тушиб алданиб қолган тирик мавжудотлар ўзлари билмаган ҳолда ўз ҳиссиётининг қули бўлиб қоладилар. Ана шу истак авидйа "ғофиллик"деб аталади. Ана шу истак таъсири остида тирик мавжудот ҳар хил режалар тузади, улардан мақсад - нотўғри тасаввурдаги жинсий ҳаёт асосида моддий лаззат олиш. Шу тариқа тирик мавжудот Парвардигорнинг назорати остида ҳар хил сайёраларда турли таналарга эга бўлиб, туғилиш ва ўлишлар чархпалагига тушиб қолади. Демак, токи инсон ана шу ғофиллик занжирини узиб ташламас экан, у моддий ҳаётнинг уч хил мусибатларидан қутула олмайди. Табиат қонуни шундай.

Лекин Парвардигорнинг бу дунёда мусибат чекиб юрган тирик мавжудотларга нисбатан қанчалик меҳрибон эканини улар ҳатто тасаввур ҳам қила олмайдилар. У Ўзининг бесабаб марҳамати билан бу дунёга келади ва бу ерда Худога садоқат билан хизмат қилиш қонун-қоидаларини ўрнатади, қайта тиклайди. Бу қонун-қоидалар Парвардигор ҳақида тинглаш, зикр қилиш, Худони эслаш, хизмат қилиш, сажда қилиш, илтижо қилиш, Парвардигор билан ҳамкор-дўст бўлиш ва ўзини бутунлай Унга топширишдан иборат. Ана шу қонун-қоидаларнинг ҳаммасига ёки уларнинг атиги биттасига амал қилиб юриш тирик мавжудотнинг ташқи қувват таҳсири остида ўзига ўзи яратган ғофиллик чангалидан халос бўлишига ёрдам бера олади. Шри Чаитанйя Махапрабху киёфасида келган Парвардигор тирик мавжудотларга Ўзининг ана шундай алоҳида марҳаматини кўрсатиб кетади.

36. О Кришна, Сенинг илоҳий кароматларинг ҳақида мунтазам тинглаб ва такрорлаб, Сени

шарафлаб куйлаб юрадиган ёки бошқалар шундай қилган пайтларда лаззат оладиган кишилар, ҳеч шубҳа йўқки, Сенинг ўлиб-тирилишлар чангалидан бир ўзи халос этишга кодир бўлган нилуфар қадамларинг пойини томоша қилиб юрадилар.

Изоҳ. Биз ўзимизнинг ҳозирги шартланган кўзларимиз ёрдамида Олий Шахс, ягона Парвардигор Шри Кришнани кўришга кодир эмасмиз. Парвардигорни кўриш учун тириклик ҳолатини бутунлай ўзгартириб, ҳаётимизни Худога нисбатан табиий муҳаббат билан тўлдириб, янгича кўзларга эга бўлиш керак, Шри Кришнанинг Ўзи ер юзига келганида Уни ҳамма Олий Шахс Худо сифатида кўра олмаган. Равана, Хираньякашипу, Камса, Жарасандха ва Шишупала сингари, ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган кишилар моддий жиҳатдан жуда баланд поғонада турардилар, лекин улар Парвардигорнинг бу дунёга келиб юришини муносиб кадрлай олмадилар. Шунинг учун, Парвардигор хатто кўз олдимизда турса ҳам, агар зарур бўлган назарга эга бўлмасак, биз Уни кўра олмаймиз. Ана шундай зарурий сифатларни эса, фақат Парвардигор ҳақида ишонарли манбалардан тинглашдан бошланадиган Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан бориб ривожлантириш мумкин. “Бхагавад-гита” – ҳамма тинглайдиган, куйлайдиган, такрорлаб юрадиган ишонарли, кенг тарқалган асарлардан биридир. Лекин, баҳзан шундай бўладик, одамлар хатто “Бхагавад-гита”ни тинглаб туриб ҳам Худони кўра олмайдилар. Гап шундаки, бу ерда биринчи қоида – *шравана* жуда муҳим аҳамиятга эга. Агар биз Парвардигор ҳақида ишонарли манбадан тингласак, у жуда кучли таҳсир қилади, лекин, одатда одамлар ишонарли бўлмаган шарҳловчиларнинг гапларига кулоқ соладилар. Ана шундай ишончсиз одамлар дунёвий илмларни яхши билишлари мумкин, лекин улар Худога садоқат билан хизмат қилиш қоидаларига риоя қилмайдилар, шу боис уларнинг гапини тинглаш – вақтни бекор кетказиш демакдир. Баҳзан, қандайдир шахсий мафаатларни кўзлаб, улар Гитанинг сўзларини ўзларига мос қилиб изоҳлайдилар. Шундай қилиб, ҳар бир инсоннинг биринчи навбатда қиладиган иши – билимдон ва ишонарли тарғиботчини танлаб олиши ва ундан Худо ҳақидаги гапларни тинглаши лозим. Агар тинглаш жараёни мукамал бўлса, худога хизмат қилишнинг бошқа жараёнлари ҳам ўзидан ўзи мукамал бўлади.

Агар Худо ҳақидаги ҳикояларни тинглаш жараёни мукамал бўлса, Парвардигорнинг илоҳий кароматларидан истаган биттасини тинглаш орқали кутилган натижага эришиш мумкин. “Шримад Бхагаватам”да Унинг Пандузодалар билан ўзаро муносабатларидан бошлаб, бутун фаолияти батафсил таҳрифлаб

берилган. Парвардигорнинг бошқа илоҳий эрмаклари Унинг асуралар ва бошқа маввжудотлар билан бўлган ўзаро муносабатлари билан боғлиқ. Ўнинчи кўшиқ эса, энг улуғвор мавзуга – Парвардигорнинг гопилар яҳни, Унинг ишқий эрмакларидаги дугоналари, Унинг Дваракадаги хотинлари билан бўлган ўзаро муносабатларига боғлиқ. Парвардигор мутлақ табиатга эга бўлгани учун Унинг ҳамма муносабатлари ягона илоҳий табиатга эга. Лекин, сохта шарҳловчиларни тинглаб адашгани сабабли, одамлар одатда кўпроқ Парвардигорнинг гопилар билан ўзаро муносабатлари ҳақида тинглашга интиладилар. Бу тингловчининг қалбида жинсий алоқага мойиллик борлигини кўрсатади, шунинг учун «Шримад Бхагаватам»нинг ҳақиқий шарҳловчиси ҳеч қачон тингловчиларнинг бундай нопок талабларини қондириб ўтирмайди. Парвардигор ҳақида бир бошдан, улар «Шримад Бхагаватам»ва бошқа муқаддас китобларда қандай тартибда келтирилган бўлса, шу тартибда тинглаш керак. Бу тингловчининг аста-секин Парвардигорнинг табиатини тўғри тушуниб олишига ва руҳий баркамолликка эришишига олиб келади. Шунинг учун Парвардигор Шри Кришнанинг Пандузодалар билан бўлган ўзаро муносабатларини Унинг гопилар билан бўлган муносабатлари сингари муҳим эмас деб ўйламаслик керак. Биз ҳамиша шуни эсда сақлашимиз лозимки, Парвардигор ҳамиша ҳар қандай моддий боғланишларга нисбатан илоҳий поғонада қолаверади. Юқорида кўрсатилган барча муносабатларда У асосий ҳаракат қилувчи шахс бўлиб қолаверади ва У ҳақида, Унинг содиқлари ва рақиблари ҳақида тинглаш руҳий юксалишимизга ёрдам беради. Ведалар, Пураналар ва бошқа муқаддас китобларнинг ҳаммаси биз Парвардигор билан ўзаро муносабатларимизни қайта тиклашимиз учун мўлжалланган. Бундай китобларни тинглаш жуда муҳим.

37. Эй Парвардигор, Сен барча вазибаларингни Ўзинг адо этдинг. Энди бугун, барча шоҳлар бизга душман бўлиб, Сендан ўзга бизни ҳимоя қиладиган зот бўлмаган пайтда, фақат Сенинг марҳаматингдан умидвор бўлиб, ўз ихтиёримизни бутунлай Сенга топширганимизга қарамай, нахотки бизларни ташлаб кетсанг?

Изоҳ. Пандузодалар инсонлар орасидаги энг омадли зотлардир, чунки ҳаётда шунчалик фаровон яшашларига қарамай, улар ҳамиша фақат Худога, Унинг марҳаматига таваккал қилардилар. Моддий оламда бировнинг марҳаматига қарам бўлиб яшаш – омадсизлик аломати, аммо Парвардигор билан ўзаро илоҳий муносабатларимизда эса, агар биз ҳамиша Худога таваккал қилиб яшасак, бу – жуда катта омад, энг

буюк бахт ҳисобланади. Тирик мавжудот бутунлай мустақил бўлишга интилиш сабабли моддийлик касалига мубтало бўлади. Лекин шафқатсиз моддий табиат бизнинг мустақил бўлишимизга йўл қўймайди. Унинг қаттиқ қонунларидан мустақил бўлишга бекорга уриниш – дунёвий (тажрибаларга асосланган) илмнинг моддий тараққиёти деб аталади. Моддий оламда рўй бериб турган воқеа-ҳодисаларнинг ҳаммасининг негизида моддий табиат қонунларидан мустақил бўлишга интилишга бекорга уриниш ётади. Жаннатий сайёраларга олиб борадиган зинапоя куришга уринган Раванадан то ҳозирги давргача одамлар ҳамиша моддий табиат қонунларини енгишга интиладилар. Ҳозир улар электрон ва механик курилмалар ёрдамида узоқ сайёралар тизимига боришга уринаяптилар. Лекин, бутун инсоният жамиятининг энг олий мақсади – Парвардигор раҳбарлиги остида меҳнат қилиш ва ҳамиша бутунлай фақат Унга қарам бўлиб қолишдан иборат. Мукаммал тараққиётнинг олий ютуғи – ҳамиша эзгулик йўлида риёзат чекиш ва айни пайтда бутунлай Парвардигорга таваккал қилиб яшашдир. Маданиятнинг ана шундай қондасига пандузодалар намунали равишда қатҳий амал қилиб яшаганлар. Ҳеч шубҳа йўқки, улар бутунлай Парвардигор Шри Кришнанинг амру-иродасига қарам эдилар, лекин улар Худонинг марҳаматини суистехмол қиладиган ишёқмас дангаса одамлар эмасдилар. Улар ажойиб шахсий фазилатларга эга эдилар, ўз бурчини бажариш йўлида тинмай меҳнат қилардилар, лекин шунга қарамай, ҳамиша Худонинг марҳаматидан умидвор бўлиб юрардилар, чунки, ҳар қандай тирик мавжудот ҳам ўзининг асл табиатига кўра қарам, муте эканини яхши билардилар. Демак, инсон ҳаётининг мукамаллиги ҳамиша Парвардигорга қарам бўлиб қолиш ва моддий оламнинг сохта мустақиллигидан юз ўгиришдан иборат. Парвардигордан сохта мустақилликка эришишга интилиб юрган кишилар – *анатха*, яхни “ҳимоясиз одамлар” деб аталади; ўзини бутунлай Парвардигорга топширган кишилар эса – *санатха* – “ҳимоячиси бор одамлар” деб аталади. Шу боис биз, моддий оламнинг ноқулай шароитларидан ҳамиша ишончли ҳимоя остида бўлиш учун *санатха* бўлишга интилишимиз лозим. Бизни алдаб, адаштирадиган ташқи қувват, моддий табиат таҳсири остида биз моддий ҳаёт – жуда чигал йўл эканини эсдан чиқариб қўямиз. Шу боис “Бхагавад-гита”(7.19)да айтилганки, сон-саноксиз туғилиш ва ўлишлардан кейин омадли инсон ҳамма нарса аслида Васудева, Ягона Парвардигорники эканини, ҳаётда яшишнинг энг тўғри йўли – ўз ихтиёрини бутунлай Унга топшириш эканини англай бошлайди. Мана шу – махатмаларнинг белгиси ҳисобланади. Пандузодалар хонадонининг барча аҳзолари оилали кишилар турмуш-тарзи билан яшайдиган махатмалар эдилар. Махараж Юдхиштхира ана шу

махатмаларнинг сардори, малика Кунтидеви – уларнинг онаси эди. Улар учун Парвардигордан айрилиш худди балиқ сувдан айрилгандай гап эди. Шу боис Кунтидеви учун бу айрилиқ, бу видолашув худди яшин ургандай оғриқли кечарди. Унинг барча илтижолари бир нарсага – Парвардигорни уларни ташлаб кетмасликка қўндиришга қаратилган эди. Гарчи Курукшетрадаги жанг пайтида душман шохларнинг ҳаммаси ўлдирилган бўлса ҳам, ўша шохларнинг болалари ва неваралари пандузодалардан қасос олишлари мумкин эди. Фақат пандузодалар эмас, бизлар ҳам ҳамиша душманлар орасида яшаймиз, бизларнинг аҳволимиз ҳам шундай, шу боис бу дунёда яшашда энг яхши йўл – бутунлай Худонинг амрига таваккал қилиш ва Унинг ёрдами билан моддий ҳаёт қийинчиликларининг ҳаммасини енгиб ўтишдан иборат.

38. Худди, жон тарк этган заҳоти тана ҳалокатга учрагани сингари, агар Сен Ўзининг илоҳий нигоҳингни бизлардан оладиган бўлсанг бизнинг бутун фаолиятимиз, обрўйимиз, шунингдек Пандавлар ва Йадаваларнинг ўзлари ҳам, ҳалокатга учраймиз.

Изоҳ. Пандавлар фақат Шри Кришнанинг марҳамати билангина яшаб юрганини Кунтидеви яхши биларди. Албатта, Пандавлар халқ орасида яхши ном, катта обрўга эга эдилар, уларнинг сардори - одоб-ахлоқ тимсоли бўлган буюк шох Юдхиштхира эди. Йадавалар эса Уларнинг қудратли иттифоқчилари эди, лекин, агар онг бошқариб турмаган тананинг сезгилари кераксиз бўлгани сингари, агар Кришнанинг ҳомийлиги бўлмаса, пандавларнинг ҳам ҳеч қандай кадр-қиммати бўлмасди. Агар ҳаётда Парвардигорнинг буюк марҳаматига таваккал қилиб юрган бўлмаса, ҳеч ким ўзининг вақтинчалик обрў-эҳтибори, эгаллаб турган лавозими ва шон-шухрати билан мағрурланмаслиги керак. Тирик мавжудотлар ҳамиша кимгадир қарам ҳолатда бўладилар, охи-окибатда улар Парвардигорнинг Ўзига қарам, боғланган ҳолатдалар. Демак, моддий билимларимизни кўпайтира бориб, биз ўзимизни ҳимоя қилиш учун ҳар хил моддий усуллар ўйлаб топишимиз мумкин, лекин, агар Худонинг Ўзи қўлламаса, қанчалик ишончли ва самарали бўлмасин, ўйлаб топган бу усулларимизнинг бирортаси бизга ёрдам бера олмайди.

39. О Гададхара(Кришна), ҳозир бизнинг салтанатимиз Сенинг пойи қадамларинг излари билан безанган, шу боис ундаги ҳамма нарса кўзни қамаштиргудек жилваланиб турибди, аммо Сен бизларни тарк этгандан сўнг унинг ажойиб жилваларидан асар ҳам қолмайди.

Изоҳ: Парвардигорнинг пойи қадамларида алоҳида белгилар бор, ана шу белгилари Уни бошқа барча тирик мавжудотлардан ажратиб туради. Бу белгилар байроқча, яшин, филбон камчиси, соябон, нилуфар, халка ва ҳоказо. Парвардигор юмшоқ чанг босган сўкмоқлардан юрганда Унинг оёқ изларида ана шу белгилар кўриниб қолади. Парвардигор Пандавлар билан бирга бўлганида Хастинапурдаги ерлар ана белгилар билан тўла эди, уларнинг шарофати билан пандавларнинг салтанати гуллаб-яшнаётганди. Кунтидеви ана шу алоҳида белгиларни назарда тутиб, агар Парвардигор уларни тарк этса, омад ҳам улардан юз ўгиришидан чўчияпти.

40. Бу шаҳар ва қишлоқларнинг барчаси ҳар томонлама гуллаб-яшняпти, чунки, далаларда ўт-ўланлар барқ уриб ўсяпти, дарахтлар ҳосили мўл, дарёлар тошқин, тоғлар минерал бойликларга тўла, океан гавҳар-марваридларга бой. Буларнинг барчаси уларга Сенинг илоҳий назаринг тушгани шарофати билан шундай бўляпти.

Изоҳ. Халқнинг фаровонлиги катта-катта саноат корхоналарига эмас, балки табиат берадиган инҳомларга боғлиқ. Катта саноат корхоналарни иймонсиз одамлар жамиятининг тараққиёти келтириб чиқарган. Улар одамлардаги улуғвор, эзгу мақсадларга интилиш туйғусини яқсон қилади. Биз, шунча ташвиш келтирадиган ва инсоннинг ҳаётий кучини тортиб оладиган ана шундай саноатни қанча ривожлантира борсак, жамиятдаги одамлар шунчалик безовта бўлиб, ҳаётдан норозилиги шунчалик ошиб кетаверади. Бошқаларга зулм ўтказиш, уларнинг ҳаққини ўзлаштириш ҳисобига фақат бир ҳовуч одамлар қулай шароитларда фаровон яшашлари мумкин. Ғалла, сабзавотлар, мевалар сингари табиат инҳомлари, шунингдек, минерал ва қимматбаҳо тошлар тўла дарёлар ва тоғлар, марваридлар тўла денгизлар, Худонинг амри билан пайдо бўлади. Худонинг хоҳиши билан моддий табиат ё уларни кўплаб яратиши мумкин, ё умуман яратмай қўйиши мумкин. Табиат қонунига кўра, инсон, моддий табиатни ўзига бўйсундиришга интилиш истагининг қули бўлмасдан, табиатнинг ана шу илоҳий инҳомларидан фойдаланиши, улардан лаззатланиши гуллаб-яшнаши мумкин. Биз ўзимизнинг нафсимизнинг ҳамда лаззатланиш истагининг қули бўлиб, табиатга қанчалик кўп зулм ўтказсак, ана шу интилишларимиз чангалига шунча кўп ўралашиб қоламиз. Агар бизда етарлича ғалла, мевалар, сабзавот ва майсалар бўлса, қассобхоналар қуриб, бечора ҳайвонларни ўлдиришнинг нима кераги бор? Агар ғалла ва сабзавотлар етарли бўлса, ҳайвонларни ўлдиришнинг ҳожати йўқ. Дарё сувлари далаларни

суғоради, далалар бизларнинг барча эҳтиёжларимизни мўл-кўл қондиради. Тоғларда ҳар хил минераллар, океанда турли маржон-марваридлар пайдо бўлади. Агар инсонлар жамияти ғалла, минерал бойликлар, қимматбаҳо тошлар, сув, сут ва бошқа нарсалар билан етарлича тахминланган бўлса, бахтиқаро одамларнинг оғир машаққатли меҳнати эвазига мавжуд бўлиб турган катта катта саноат корхоналарининг нима кераги бор? Лекин, барча табиат инҳомларини бизга Ўзининг чексиз марҳамати билан Парвардигор беради. Демак, биз қилишимиз лозим бўлган ягона иш – Худонинг қонунларига риоя қилиб яшаш ва Унга садоқат билан хизмат қилиб, инсон ҳаётининг камолот чўкқисига эришишдан иборат. Кунтидевининг бу гаплари жуда муҳим аҳамиятга эга. У Парвардигор улардан Ўзининг марҳаматини аямаслигини, уларнинг салтанати аввалгидай гуллаб-яшнашини истайди.

41. Шунинг учун, эй Олампадох, эй бутун олам ҳукмдори, бутун оламнинг илоҳий қиёфаси ва жони бўлган Зот, қариндошларим Пандавлар ва Вришниларга бўлган қалбимдаги барча боғланиш ришталарини узиб ташла!

Изоҳ: Худонинг асл содиқ хизматкори Парвардигордан ўзи учун бирор илтимос қилишга уялади. Лекин, қариндошларига нисбатан боғланишлар чангалига тушиб қолган оилали одамлар баҳзан Парвардигордан ёрдам сўрашга мажбур бўладилар. Шримати Кунтидеви шуни англаб етган эди ва Парвардигордан қалбидagi қариндошлари Панавлар ва Вришниларга бўлган боғланиш ришталарини узиб ташлашни илтимос қилиб ёрдам сўраяпти. Пандавлар унинг фарзандлари, Вришнилар эса – унинг отасининг қариндошлари эди. Кришна бу икки хонадонга ҳам қариндош эди. Икки хонадон ҳам Парвардигор Кришнанинг ёрдамига муҳтож эди, чунки уларнинг барчаси Унинг ҳамма нарсада Унга қарам бўлган содиқ хизматкорлари эди. Шримати Кунтидеви Шри Кришна унинг ўғиллари, пандавлар билан бирга қолишини истарди, лекин, агар Кришна шундай қилса, унинг отасининг уйи бундай бахтдан маҳрум бўларди. Ана шу боғланишларнинг ҳаммаси Кунтининг ақлини ташвишга соларди, шунинг учун у қалбидagi боғланиш ришталаридан халос бўлишни истарди.

Худонинг асл содиғи ўзининг оиласига бўлган боғланиш ришталарини узиб ташлаб, Худога хизмат қилиш доирасини барча адашган руҳларга бахт-саодат келтириш даражасида кенгайтиради. Бунга Парвардигор Чаитаньянинг издоши бўлган Вриндаванлик олти Госвами мисол бўлиши мумкин. Улар жамиятнинг олий табақасига мансуб энг маданиятли, зиёли ва бадавлат хонадонда туғилган эдилар, лекин бутун

инсониятга хизмат қилиш учун улар ўзларининг кулай уйларини тарк этиб, қашшоқликда яшаб ижод қилдилар. Оилавий боғланишлардан воз кечиш – ўзининг фаолият кўрсатиш соҳасини кенгайтириш демакдир. Ана шундай воз кечишсиз инсон ҳақиқий браҳман, шоҳ, жамоат арбоби ёки Худонинг содиқ хизматкори бўла олмайди. Олий Шахс Кришна буни Ўзининг мисолида намунали шоҳ вазифасини бажариб кўрсатди. Шри Рамачандра намунали шоҳ сифатларини намён этиш учун Ўзининг суюкли хотинига бўлган боғланиш ришталарини узиб ташлади.

Браҳман, Худонинг содиғи, шоҳ ва жамоат арбоби сингари шахслар кенг дунёқарашга эга кишилар бўлиши ва ўз вазифаларини бажаришга ана шундай нуқтаи-назарда қарашлари лозим. Шримати Кунтидеви буни яхши биларди, ожиза аёл бўлгани сабабли Парвардигорга мурожаат қилиб, Ундан ўзини оилавий боғланиш ришталаридан халос қилишни сўраётган эди. У Парвардигорга Унинг ҳар нарсага қодир эканини ва оилавий боғланишларни узиб ташлашга қодир эканини назарда тутиб, Олампаноҳ, бутун коинот тафаккурининг Эгаси деб мурожаат қилади. Шунинг учун, баҳзан Парвардигор алоҳида марҳамат кўрсатиб, Ўзининг ҳар нарсага қодир қуввати юзага келтирган вазият тақозоси билан ожиз содиқ хизматкорининг оиласига бўлган боғланиш ришталаридан маҳрум қилади. Шу тариқа У содиқ хизматкорини ўз ихтиёрини бутунлай Унга топширишга мажбур қилади ва унинг олдида Худонинг даргоҳига қайтиш йўллари раво килиб кўяди.

42. Эй Парвардигор Мадху, худди ҳеч қандай тўсиққа учрамай денгизга қараб оқаётган муқаддас Ганга сингари, мен ҳам ҳеч кимга боғланиб қолмасдан, фақат Сенинг Ўзинга интилиб яшашни истаيمان.

Изоҳ: Содиқ ўзининг бутун диққат эҳтиборини Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга қаратганида Худога соф садоқат билан хизмат қилиш мукаммал даражага етади. Бошқа барча нарсаларга бўлган боғланиш ришталарини узиб ташлаш деганда буни инсон қалбидаги бошқа бировларга нисбатан муҳаббат сингари нафис туйғулардан воз кечиш керак деб ўйламаслик керак. Бунинг иложи йўқ. Ким бўлишидан қатҳий назар тирик мавжудот албатта кимнидир севиши лозим, - бу ҳаёт аломати, тириклик белгисидир. Бирор нарсани иташ, ғабланиш, интилиш, ёқтириш ва бошқалар – ҳаёт аломатларидир, уларни яқсон қилиб бўлмайди. Фақат улар кимга ёки нимага қаратилганини билиш керак. Истақлардан қутулиб бўлмайди, лекин Худога садоқат билан хизмат қилишда инсоннинг ўз ҳиссиётининг талабларини қондиришга бўлган истаги Худога хизмат қилиш истагига айланади. Оиласига, жамиятга, ватанига ва бошқа нарсаларга

бўлган боғланиш туйғулари ҳиссиётларни лаззатлантиришнинг турли кўринишларидир. Ана шундай истақларимизни Худони мамнун қилишга қаратсак – ана шу Худога хизмат қилиш бўлади.

“Бхагавад-гита”да биламизки, Аржун аввалига, ўзининг шахсий истақларини ўйлаб оға-инилари ва қариндошларига қарши жанг қилишни истамаган эди. Лекин, Худонинг сўзлари бўлган “Шримад Бхагавад-гита”ни тинглагандан кейин у ўзининг қарорини ўзгартирди ва Худога хизмат қила бошлади. Шундай йўл тутгани учун у Парвардигорнинг машхур содиғи сифатида шуҳрат қозонди, чунки барча муқаддас китобларда таҳқиқланганки, Аржун Худонинг дўсти сифатида садоқат билан холис хизмат қилиб руҳий баркамолликка эришди. Ҳеч нарса ўзгармай аввалгидай қолаверди: жанг, дўстлик, Аржун, Кришна, лекин, Худога садоқат билан хизмат қилгани учун Аржун энди бошқа одам бўлиб қолди. Кунтининг илтижоларида ҳам фаолиятнинг бутунлай ўзгариб кетиши ҳақида гап боради. Шримати Кунти бошқа бирор нарсага чалғимасдан фақат Худога хизмат қилишни истаган ва бу ҳақда Унга илтижо қилган эди. Ана шундай соф садоқат – инсон ҳаётининг энг олий мақсади ҳисобланади. Одатда бизнинг диққат-эҳтиборимиз Парвардигор билан боғлиқ бўлмаган ёки Унинг режаларига кирмайдиган нарсаларга қаратилган бўлади. Инсоннинг барча режалари фақат Худога хизмат қилиш билан алмашганида, ёки бошқача қилиб айтганда, Худога хизмат қилиш шарофати билан инсоннинг ҳиссиёти бутунлай покланганида, унинг фаолияти Худога соф садоқат билан хизмат қилиш деб аталади. Шримати Кунтидеви ана шундай баркамолликка эришишга интиларди ва Худодан шуни тилаб илтижо қиларди.

Унинг қалбидаги Пандавларга ва Вришниларга бўлган боғланиш туйғулари Худога садоқат билан хизмат қилиш чегарасидан ташқари чиқмасди, чунки Худога хизмат қилиш билан Унинг содиқларига хизмат қилиш аслида бир биридан фарқ қилмайди. Баҳзан, Худонинг содиқ хизматкорига хизмат қилиш ҳатто Худонинг Ўзига хизмат қилишдан ҳам устун туради. Лекин, бу ерда тилга олинаётган Кунтидевининг Пандавлар ва Вришниларга боғланиши уларнинг ўзаро қариндошлиги туфайли юзага келган. Дунёвий қариндошлик ришталари сабабли юзага келган боғланиш – майя, чунки, тана ва ақл воситасида боғланиш ташқи қувват таҳсири остида юзага келади. Ҳақиқий қариндошлик –Олий Рух билан боғланганлик асосида юзага келган рух(жон)ларнинг руҳий яқинлигидир. Кунтидеви оилавий боғланганлик ришталарини узиб ташла деганда ана шу таналарнинг, қобикларнинг қариндошлиги сабабли юзага келган ришталарни назарда тутган эди. Ана шундай боғланиш тирик мавжудотнинг моддий оламда тутқун бўлиб қолишига сабаб бўлади, руҳий боғланишлар эса озодликка чиқаради. Руҳий боғланиш, руҳий

қариндошликни Олий Рух билан қариндошлик асосида ўрнатиш мумкин. Қоронғуда кўзларни очиб туриш – ҳали бирор нарсани кўриш дегани эмас. Лекин, қуёш чикқанда кўзни очиш – қуёшни ҳам, қоронғида кўринмаган нарсаларнинг ҳаммасини ҳам кўриш демакдир. Худога садоқат билан хизмат қилиш йўли шундан иборат.

43. О Кришна, эй Аржуннинг дўсти, эй Вришни авлодининг сардори, Сен бу сайёрага мусибат келтириб турган барча сиёсий гуруҳларга қирон келтирдинг. Сенинг жасоратинг ҳеч қачон сўнмайди. Сен ҳамиша Ўзининг илоҳий даргоҳингдасан ва бу дунёга фақат сизирларнинг, брахманларнинг ва содиқларингнинг мусибатларини камайтириш учун ташриф буюрасан. Сен барча сеҳр қудратининг султони ва бутун оламнинг руҳий устозисан. Сен – ҳар нарсага қодир бўлган Парвардигорсан, мен Сенинг олдинда эҳтиром билан бош эгаман.

Изоҳ: Бу ерда Шримати Кунти деви Парвардигор Шри Кришнани таҳрифлашга яқун ясайди. Парвардигорнинг мангу илоҳий даргоҳи бор, шу жойда У Сурабхи деган сизирларини боқиб юради. Унга юзлаб, минглаб омад фаришталари хизмат қиладилар. У моддий оламга содиқларни Ўзининг даргоҳига олиб кетиш учун ҳамда ўзининг вақтинчалик мансабини суистехмол қилиб юрган ҳукмдорларни, сиёсий партиялар орасида турли низо чиқариб юрган одамларни яқсон қилиш учун келади. Ўзининг чексиз қувватлари билан У моддий оламни яратади, мавжудлигини таҳминлаб туради ва яқсон қилади, лекин Унинг жасорати туганмас, Унинг қудрати эса чексиз. Сизирлар, брахманлар ва Худонинг содиқлари – У алоҳида меҳрибонлик қиладиган зотлардир, чунки бошқа барча тирик мавжудотларнинг фаровонлиги ҳам асосан уларнинг фаровонлигига боғлиқ бўлади.

44. Сута Госвами деди: - "Малика Кунтидеванинг чуқур маҳноли гаплар билан Уни олқишлаб айтган илтижоларини тинглаб, Парвардигор майин табассум билан кулиб қўйди. Унинг табассуми ҳам худди Унинг сеҳр қудрати сингари жозибадор эди.

Изоҳ: Бу дунёда бизни ҳайратга соладиган ажойиботларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг тимсолидир. Моддий оламга ҳукмронлик қилишга интилаётган шартларган руҳлар ҳам Унинг сеҳр қудратига мафтун бўлганлар, лекин Унинг содиқлари Унинг бошқа сифатига – Унинг шон-шуҳратига мафтун бўлганлар, шу боис Парвардигор уларга ҳамиша алоҳида марҳамат кўрсатиб юради. Ҳар хил мақсадларда ишлатиладиган электр қуввати сингари, Унинг қуввати ҳам турлича намоён бўлади. Шримати Кунтидеви атиги Унинг улуғворлигининг бир

учқунини таҳрифлаш ниятида Унга илтижо қилаётган эди. Худонинг барча содиқлари Унга илтижо қилиш учун энг ширин, энг нодир сўзларни ўйлаб топадилар, шу боис Парвардигор Уттамашлока деган ном билан ҳам машҳур. Парвардигорнинг шон-шуҳратини ҳеч қандай сўзлар билан таҳрифлаб бўлмайди, лекин барибир, худди ёш боласининг гапиришга уриниб чулдирашлари отасини қувонтиргани сингари, ана шундай илтижолар Унга мамнуният бағишлайди. Майя ибораси “алданиш” деганни ҳам, “марҳамати” деганни ҳам ифодалаш мумкин. Бу ерда у Парвардигорнинг Кунтидевиға кўрсатган марҳаматини англади.

45. Шримати Кунтидевининг илтижоларини тинглаб туриб, Парвардигор Ҳастинапур саройи ичкарасига кирди ва бошқа аёлларга ҳам Ўзининг жўнаб кетаётганидан хабар берди. Аммо, У йўлга тушишга тарадуд кўраётганида, Юдхитхира меҳр-муҳаббат билан Ундан яна бироз қолишни ялиниб илтижо қилиб, Уни тўхтатиб қолди.

Изоҳ: Кришна Дваракага кетишга қарор қилгандан кейин Уни Ҳастинапурда яна бироз вақт ушланиб қолишга ҳеч ким мажбур қила олмайдигандай эди, аммо, Юдхитхиранинг Ундан яна бир неча кун қолишни илтимос қилгани Унга дарров таҳсир қилди. Бу шуни кўрсатадики, Юдхитхиранинг ҳагто Парвардигор ҳам қарши чиқа олмайдиган сўзларининг кучи – Унинг Кришнага бўлган илоҳий муҳаббат билан қаттиқ боғланганида. Ҳар нарсага қодир Парвардигорни фақат муҳаббат билан енгил мумкин, Уни бошқа ҳеч нарса билан енгилнинг иложи йўқ. У мутлақо мустақил ҳаракат қилади, лекин, Ўзининг асл содиқларининг Ўзига қаттиқ боғланишларига жавобан У Ўз хоҳиши билан баҳзи мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

46. Шоҳ Юдхитхирани мусибатлардан ҳеч ким овута олмасди; на Вйаса бошлиқ буюк донишмандлар ўзларининг насиҳатлари билан, на инсон қила олмайдиган ишларни қилувчи Олий Шахс Кришнанинг Ўзи ва на тарихий воқеалардан келтирилган мисоллар.

Изоҳ: Такводор шоҳ Юдхитхира Курукшетрада бўлиб ўтган жангда жуда кўп одамларнинг ҳалок бўлгани, бунда унинг ҳам жуда катта айби борлигидан қаттиқ мусибат чекарди. Тахтда ўтирган Дурёдхон унчалик ёмон ҳукмдор эмасди, бир жиҳатдан уруш қилишга зарурат йўқдай кўринарди. Лекин адолат ҳукм суриши учун тахтга Юдхитхира ўтириши лозим эди. Шу сабабли жуда кўп сиёсий маккорликлар юзага келиб, бутун жаҳондаги шоҳлар бир бирига рақиб ака-укаларнинг тарафини олиб икки ака-уканинг ўзаро қўшин тортиб бошлаган урушида иштирок

этган эдилар. Парвардигор Кришна ҳам улар орасида бўлиб, У Юдхиштхира томонда эди. “Маҳобхорат”(А-парва-20)да айтилганки, 18 кунлик жанг давомида 640.000.000 жангчи ҳалок бўлган, бир неча юз минг киши бедарак йўқолган. Бу - охириги беш минг йил ичидаги энг буюк жанг эди.

Махараж Юдхиштхира уни тахтга ўтказиш учун шунча жангчилар оммавий равишда қириб ташлангани учун қаттиқ изтироб чекарди. Шунинг учун Вйаса сингари донишмандлар, шунингдек Парвардигорнинг Ўзи ҳам инсоният тарихидан мисоллар келтириб, бу уруш ҳақиқатан ҳам адолатли уруш бўлганига, адолат у тарафда эканига уни ишонтиришга уринардилар. Лекин шунга қармай, ўша даврнинг энг буюк донишмандлари тасалли айтаётган бўлса ҳам, Махараж Юдхиштхиранинг кўнгли барибир таскин топмай қолаверди.

Кришна бу ерда оддий инсонлар қила олмайдиган ишларни қиладиган Зот деб аталган, лекин бу ерда на У, на Вйаса, шоҳ Юдхиштхирани ишонтира олмадилар. Бу нима, Парвардигор Ўзининг ғайритабиий қобилятини намоён этолмаганини билдирадими? Албатта, йўқ! Буни шундай тушунтириш мумкин: Ишвара, яхши ҳар бир тирик мавжудотнинг, шу жумладан шоҳ Юдхиштхиранинг қалбида ҳам, Вйасанинг қалбида ҳам мавжуд Олий Рух қиёфасида яна ғам ғайритабиийроқ қаҳрамонлик кўрсатди, чунки Парвардигорнинг Ўзи шунини истаб турганди. Олий Рух сифатида Юдхиштхиранинг қалбида туриб, У шоҳга Вйасанинг ва бошқа донишмандларнинг, шу жумладан Ўзининг ҳам гапларидан қаноат ҳосил қилиш имконини бермади, чунки У шоҳ яна бир буюк содикнинг - танасини тарк этаётган Бхишмадеванинг насиҳатларини тинглашини истаганди. Парвардигор истаган эдики, ўзининг моддий оламдаги умрининг охириги дамларида буюк жангчи Бхишмадева Уни ва ўзининг энди тахтга эгалик қиладиган суюкли невараларини – шоҳ Юдхиштхира ва бошқаларни кўриб қолишини ва бу дунёни қалби хотиржам бўлиб тарк этишини истаган эди. Бхишмадева Пандавлар билан, яхши ўзининг суюкли, етим қолган неваралари билан жанг қилиши лозим эканидан заррача бўлса ҳам қувонмаганди. Лекин кшатрийлар – қатҳий қонун-қоидаларга риоя қилиб яшайдиган одамлар, шунинг учун у ўзини ҳаёт эҳтиёжлари билан таҳминлаб турган Дурёдхон томонида туриб жанг қилиши лозим эди. Бундан ташқари Парвардигор, шоҳ Юдхиштхира Бхишмадеванинг насиҳатларини тинглагандан кейин кўнгли таскин топишини, бу билан Бхишмадева ўзининг билимдонлиги, донишмандлиги билан ҳаммадан, ҳатто Парвардигорнинг Ўзидан ҳам устун туришини бутун жаҳон билиб қўйишини истаганди.

47. Дўстлари урушда ҳалокатга учрагани туфайли тушкунликка тушган шоҳ Юдхиштхира, Дхарманинг ўғли, худди бу дунё ишларига боғланиб қолган оддий одамлардай изтироб чекарди. Эй донишмандлар, боғланишлари таҳсири остида ақли адашган шоҳ ўзича шундай хитоб қилди:

Изоҳ: Гарчи шоҳ Юдхиштхирадаги оддий одамларга ўхшаб тушкунликка тушиш ярашмаса ҳам, барибир у, Худонинг амри-иродаси билан, худди бир пайтлар Аржун сингари, ўзининг дунёвий боғланишлари сабабли алданиш домига тушиб қолди. Ҳаёт ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлган киши яхши биладики, тирик мавжудот бу танадан ҳам, ақлдан ҳам фарқ қилади: тирик мавжудот(жон) ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурларга нисбатан илоҳий ҳолатда. Оддий одамлар зулм ва беозорлик деганда фақат моддий тана билан боғлиқ нарсаларни тушунадилар, бу эса шунчаки алданишнинг яна бир туридан бошқа нарса эмас. Ҳар бир инсон бу дунёда ўз бурчини бажариб яшаши лозим. Кшатрий рақиби ким бўлишидан қатҳий назар адолат ўрнатиш учун кураш олиб бориши лозим. Инсон ўз бурчини бажарар экан, моддий танасининг яксон бўлиши уни безовта қилмаслиги керак, чунки тана шунчаки тирик жоннинг сиртки кийими холос. Махараж Юдхиштхира буни жуда яхши биларди, лекин Парвардигорнинг амри билан у худди оддий одамлардай алданиш домига тушиб қолган эди. Атайлаб шундай вазият юзага келтирилган эди: шоҳ ҳам, худди аввал Аржун Парвардигорнинг насиҳатларини тинглагани сингари, Бхишманинг насиҳатларини тинглаши лозим эди.

48. – Вой менинг шўрпешонам! Қанчалик оғир гуноҳларга ботдим-а! Менинг ғофиллик зулматига ғарқ бўлган юрагимни бир кўриб қўйинглар! Аслида бошқаларга хизмат қилиши лозим бўлган бу моддий тана қанчадан-қанча душман қўшини фалангларини тор-мор қилди!

Изоҳ: 21870 жанг араваси, 21870 фил, 109650 пиёда ва 65600 отликдан иборат тўлиқ фаланг битта *акшаухини* деб аталади. Курукшетрадаги жанг пайтида жуда кўп ана шундай акшаухинилар тор-мор қилинганди. Жаҳондаги энг тақводор, олийжаноб шоҳ сифатида Махараж Юдхиштхира шунча кўп тирик зотларнинг ўлимининг гуноҳини ўз гарданига олади, чунки жанг уни тахтга ўтказиш учун бўлиб ўтган эди. Аслида бу тана бошқаларга хизмат қилиши лозим. Токи танада жон бор экан, у бошқаларга хизмат қилиши керак, ўлгандан кейин эса, у ит ва шоғолларга, ёки мозордаги қурт-қумурскаларга ем бўлади. Шунинг учун шоҳ ўзининг танаси ана шундай қирғинбарот урушга сабаб бўлганидан афсусланапти.

49. Мен кўплаб ёш болаларни, брахманларни, яхши одамларни, дўстларни, ота-оналарни, қариндош ва устозларни ўлдирдим. Мен ҳатто яна миллион йиллар умр кўрсам ҳам, бу гуноҳларим учун тайёрлаб қўйилган дўзах азобидан қутула олмайман.

Изоҳ: Ҳар қандай урушда оммавий равишда беғуноҳ одамлар: ёш болалар, брахманлар ва аёллар ўлиши муқаррар, уларни ўлдириш энг оғир гуноҳ ҳисобланади. Уларнинг ҳаммаси – беғуноҳ зотлар, муқаддас китобларда уларни ҳар қандай ҳолатда ҳам ўлдириш таҳқиқланган. Махараж Юдхиштхира мана шу оммавий қотилликларни яхши биларди. Бундан ташқари, рақиб кўшини таркибида жуда кўп дўстлари, ота-оналари ва устозлари жангда иштирок этиб, ҳаммаси ҳалок бўлган эди. Ана шу қирғинбарот уруш ҳақида эслашнинг ўзиёқ шоҳни даҳшатга соларди, шунинг учун бу гуноҳи учун миллион, миллиард йиллар дўзахда азоб чекамани деб ўйларди.

50. Ўз фуқароларини химоя қилиш учун, адолат билан жазо қўллаб жиноятчини ўлдирган шоҳ гуноҳкор бўлмайди. Аммо, бу менга тегишли эмас.

Изоҳ: Махараж Юдхиштхира ўйлардики, у салтанатга шахсан ўзи ҳукмронлик қилмагани, Дурёдхон эса, ўзининг шоҳлиги билан фуқароларга зарар келтирмаётгани туфайли, шунча одамларнинг ўлимига фақат унинг очкўзлиги, - тахтни Дурёдхондан тортиб олишга интилиши сабаб бўлди. Шунча одамларни ўлдириш давлатни бошқариш зарурати учун эмас, балки шунчаки тахтни эгаллаш, ўзини кўкларга кўтариш учун амалга ошгани сабабли у бу гуноҳлари учун фақат мен айбдорман деб ҳисобларди.

51. Мен одамлар орасига душманлик уруғини сочиб, кўплаб дўстларимни ва аёлларни ўлдирдим. Бу гуноҳларни ҳеч қандай дунёвий савоб ишлар билан ювиб бўлмайди.

Изоҳ: Фақат ўзининг манфаатини ўйлаб савоб ишлар қилиб юрган киши *гихамедха* деб аталади. Моддий фаровонликка эришишнинг ана шундай йўлида баҳзан гуноҳ ишлардан иборат тўсиқлар пайдо бўлади, чунки ўзининг дунёвий бурчини бажариш учун дунёвий одам ҳатто онгли равишда гуноҳ иш қилишга мажбур бўлади. Ана шундай гуноҳлардан покланиш учун Ведаларда бир неча қурбонлик маросимларини ўтказиш тавсия қилинади. Ведаларда айтилганки, ашвамедха қурбонлик маросимини ўтказиш шарофати билан ҳатто брахма-хатйа(брахманни ўлдириш) гуноҳидан ҳам покланиш мумкин.

Махараж Юдхиштхира ашвамедха-йаджна ўтказган эди, лекин у ҳатто ана шундай қурбонлик

маросимлари ҳам уни қилган оғир гуноҳларидан поклай олмайди деб ҳисобларди. Жангда эрлар, ака-укалар, ҳатто ота ва ўғиллар иштирок этадилар. Уларнинг ҳалокати сабабли янги душманликлар юзага келади, ана шу амаллар ва уларнинг оқибатидан иборат занжир узайиб кетаверади, бу узлуксиз гуноҳлар оқибатидан эса минглаб ашвамедха-йаджналар ҳам поклай олмайди. Карма(фаолият) йўли шундай бўлади. Бу йўл ҳам амалларга сабаб, ҳам шу амалларнинг оқибатидан иборат бўлиб, моддий фаолият занжирини узайтираверади, бу занжир эса инсонни моддий оламга тутқун қилиб қўяди. “Бхагавад-гита”(9.27-28)да бундан қутулиш йўли кўрсатилган: агар инсон ўзининг бутун фаолиятини Худога бағишласа, ана шундай ишлар ва уларнинг оқибатларига биратўла барҳам бериш мумкин. Аслида Курукшетрадаги уруш фақат Парвардигор Шри Кришнанинг хоҳиши билан бўлган эди, бу Унинг гапларидан ҳам кўриниб турибди, фақат Унинг истаги билан Юдхиштхира Хастинапур тахтига ўтказилган эди. Демак, фақат Худонинг амрини бажарган Пандавлар гуноҳкор эмаслар. Фақат ўзининг шахсий манфаатларини ўйлаб уруш эҳлон қилган одамларгина гуноҳкор бўладилар.

52. Худди ҳаром сувни ҳаром нарса ёрдамида ҳалоллаб, шароб солинган идишни шароб билан ювиб тозалаб бўлмаганидек, одамларни ўлдириш гуноҳини ҳам ҳайвонларни қурбонлик қилиш маросими ўтказиш билан ювиб бўлмайди.

Изоҳ: Албатта, ашвамедха-йаджна ёки гомедха-йаджна, от ёки хўкиз қурбонлик қилиш маросими шунчаки ҳайвонларни қурбон қилиш учун ўтказилмайди. Парвардигор Чаитанйа айтган эдики, Худо йўлида қурбонлик қилиш учун меҳробга ётқизилган ҳайвон ёшариб, янги тана олади. Бу маросим фақат мантраларнинг илохий кудратини намоён этиб, уларнинг таҳсирини исботлаш учун ўтказилган. Ведавий мантраларни тўғри талаффуз қилиш билан маросим ўтказаетган киши ҳайвонни қурбон қилиш гуноҳидан покланади, аммо маросимни қоидаларга асосланмасдан ёки бунга ҳуқуқи бўлмаган киши ўтказса, маросим ўтказган киши гуноҳ иш қилган бўлади ва бунинг учун жазо олади.

Ҳозир биз яшаб турган ўзаро адоват ва иккиюзламачилик даврида бундай маросим ўтказишга қодир бўлган тажрибали брахманлар йўқ, шу боис ундай қурбонлик маросими ўтказишнинг иложи йўқ. Шу боис Махараж Юдхиштхира бу ерда Кали йуга учун мўлжалланган қурбонлик маросимини назарда тутяпти. Кали-йугада руҳсат этилган ягона қурбонлик маросими – Парвардигор Чаитанйа Махапрабху асос солган хари-нама-яджна маросими ҳисобланади. Лекин, хари-нама-яджна

оркали гуноҳлардан покланиш мумкин деб, хайвонларни ўлдирмаслик керак. Ўзини Худонинг содиқ хизматкори деб билган иймонли киши ҳеч қачон ўзининг шахсий манфаатини ўйлаб хайвонларни ўлдирмайди. У Парвардигорнинг Аржунга берган насиҳатларига амал қилиб, ҳеч қачон ўз бурчини холис бажаришдан бош тортмайди. Шундай қилиб, агар ҳамма ишни фақат Парвардигор учун қилиб юрса, инсон олдига қўйган ҳар қандай мақсадга эриша олади. Бунга эса фақат Худонинг содиқ хизматкорлари кодир бўладилар.

*“Шримад Бхагаватам”нинг Биринчи кўшиқ,
“Малика Кунтининг илтижолари ва Парикишитни
қутқариши” деб аталадиган саккизинчи бобида
Бхактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.*

Тўққизинчи боб.

Шри Кришна иштирокида

Бхишмадеванинг бу дунёни тарк этиши

1. Сута Госвами деди: Курукшетрада ўзининг шунча фуқароларини қурбон қилганидан даҳшатга тушиб, Махараж Юдхитхира жанг майдони томон йўл олди. У ерда пайконлар устида бу дунёни тарк этишга ҳозирланиб буюк Бхишмадева ётарди.

Изоҳ: Тўққизинчи бобда, Парвардигор Шри Кришнанинг истаги билан Бхишмадева шох Юдхитхирага инсоннинг жамиятдаги фаолият турига мос равишда белгиланган бурч ва вазифалари ҳақида насиҳатлар беради. Бундан ташқари, бу ўткинчи дунёдан кетишдан олдин Бхишмадева охириги марта Парвардигорга илтижо қилади ва шу тарика моддий фаолият кўрсатишдан бутунлай озодликка чиқади. Бхишмадевага моддий танасини ўзи истаган пайтда тарк этиш ҳуқуқи берилган эди, шунинг учун у пайконлардан ясалган тўшакда ўз истаги билан ётган эди. Бу буюк жангчининг энг машҳур замондошларининг диққат-эҳтибори унинг бу дунёни қандай тарк этишига қаратилган эди, уларнинг ҳаммаси бу буюк зотга ўзининг меҳр-муҳаббатини, ҳурмат-эҳтиборини ва соғинчини изҳор этиш учун шу ерга тўпланган эдилар.

2. Юдхитхиранинг укалари ҳам олтин тақинчоқлар билан безанган чиройли отлар қўшилган ажойиб жанг араваларида унга эргашдилар. Оға-инилар билан бирга Вйаса, Дхаумйа(Пандавларнинг билимдон рухонийси) каби донишмандлар ва бошқалар бор эди.

3. Эй браҳманлар ичида донишманд зот, Олий Шахс, Парвардигор Шри Кришна ҳам Аржуннинг аравасига чиқиб, уларга эргашди. Шу боис шох Юдхитхиранинг бундай тантана билан бориши, худди ҳамроҳлари(гухьякалар) қуршовида бораётган Кувера сингари жуда улуғвор кўринар эди.

Изоҳ: Парвардигор Шри Кришна Пандваларнинг Бхишмадева олдида ўзларининг бутун улуғворлигини намоён этиб ҳозир бўлишини, Бхишмадева ажали олдида уларнинг бахтини кўриб қувонишини истаганди. Кувера – фаришталар ичида энг бадавлат зот, шох Юдхитхира ҳам унга ўхшарди, чунки Шри Кришна иштирок этаётган катта қўшин Юдхитхиранинг шоҳона мартабасига тўла мос келарди.

4. Худди самодан тушган фариштадек савлат тўкиб ётгани Бхишмадевани кўриб, Пандавлар шохи Юдхитхира, унинг укалари ва Парвардигор Шри Кришна унинг олдида эҳтиром билан бош эгдилар.

Изоҳ: Парвардигор Кришна Махараж Юдхитхиранинг амаки укаси эди, бунинг устига У Аржуннинг яқин дўсти эди. Лекин, Пандавлар хонадонининг барча аҳзолари Парвардигор Кришна – Олий Шахс, Худо эканини билардилар. Парвардигор эса, Ўзининг улуғворлигини билса ҳам, ҳамisha жамиятда қабул қилинган ахлоқ-одоб қоидаларига қатъий амал қиларди. Шунинг учун У шох Юдхитхиранинг укаларидан бири сифатида ўлим тўшагида ётган Бхишмадева олдида тиз чўккан эди.

5. Бхаратлар хонадонининг бобокалонини кўриш учун бу ерга коинотнинг барча буюк зотлари - фаришталар орасидаги донишмандлар, браҳманлар ва шохлар - соф эзгулик гунасида юрган барча буюк зотлар тўпланган эди.

Изоҳ: Риши – руҳий юксалиш йўлида камолотга эришган киши. Хоҳ шох, хоҳ гадо бўлсин, ана шундай мартабага ҳамма эриша олади. Бхишмадеванинг ўзи ҳам браҳмаришилардан ҳамда шох Бхарата авлодларининг сардори эди. Барча ришилар эзгулик гунасида бўладилар. Буюк жангчининг ажали яқинлашаётганидан хабар топиб, уларнинг ҳаммаси шу ерга тўпланган эдилар.

6-7. Бу ерда: Парвата Муни, Нарада, Дхаумйа, Вйаса(Худонинг ердаги тимсоли), Брихадашва, Бхарадваджа ва Парашурама ўз шогирдлари билан, Васиштха, Индрапрамада, Прита, Гритсамада, Асита, Какшиван, Гаутама, Атри, Каушика ва Сударшаналар ҳозир эдилар.

Изоҳ: Парвата Муни энг кекса донишмандлардан бири бўлиб, у деярли ҳамиша Нарада Муни билан бирга юради. Бу сайёҳлар бутун коинот бўйлаб бирор моддий ҳаракатланиш воситаларисиз сайр қилиб юра оладилар. Нарада Муни сингари Парвата Муни ҳам девариши, яхни фаришталар орасида яшайдиган буюк донишманд ҳисобланади. Нарада Муни билан бирга у Махараж Парикшитнинг ўғли Махараж Жанамеджая ўтказган қурбонлик маросимида иштирок этган. Ана шу қурбонлик маросимида жаҳондаги барча илонлар яқсон қилиниши лозим эди. Нарада Муни ва Парвата Муни гандхарва деб ҳам атайдилар, чунки улар Худони шарафлаб, коинотда бемалол сайр қилиб юрадилар. Ўзларининг ана шу қобилияти ёрдамида улар осмонда туриб Драупадининг свайамвара (куёв танлаш) маросимини кузатиб турганлар. Парвата Муни вақти-вақти билан осмон шоҳи Индранинг мажлисларида иштирок этган. Гандхарва сифатида у баҳзан асосий фаришталардан бири Куверанинг шоҳона мажлисларида иштирок этган. Бир пайтлари Нарада Муни билан Парвата Муни Махараж Сринжайанинг қизи сабабли қийин аҳволга тушиб қолган эдилар. Махараж Сринжайа Парвата Мунининг дуои-фотиҳаси билан ўғил фарзанд кўрган.

Нарада Муни. Пураналарда ҳикоя қилинган воқеа-ҳодисларнинг ҳаммаси унинг номи билан бевосита боғлиқ. Нарада Муни ҳақида "Шримад Бхагаватам"да ҳикоя қилинади. Аввалги ҳаётида у чўри аёлнинг ўғли бўлган, аммо, Худонинг асл содиқлари билан ҳамсуҳбат бўлиш шарофати билан у Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақидаги илми эгаллаган. Кейинги ҳаётида Нарада Муни тенги йўқ мукамал зот бўлиб туғилган. Унинг исми "Маҳобҳорат"да бир неча марта тилга олинади. У фаришталар ичидаги биринчи донишманд, бош девариши. Брахмаджининг ўғли ва шогирди сифатида у Брахмадан бошланадиган шогирдлар силсиласини давом эттирди. Нарада Муни Прахлад Махаражга, Дхрува Махаражга ва бошқа кўплаб машҳур содиқларга фотиҳа берган. У ҳатто ведавий муқаддас китоблар муаллифи Вйасадевага ҳам фотиҳа берган, Вйасадева эса Мадхвачаряга фотиҳа берган. Шу тариқа бутун олам бўйлаб Мадхвасампрадая таҳлимоти тарқалган, Гаудия-сампрадая ҳам ана шу сампрадая таркибига киради. Шри Чаитанья Махапрабху ҳам Мадхвасампрадая таҳлимотининг издоши бўлган. Шундай қилиб, Брахмаджи, Нарада, кейин Мадхва, Чаитанья ва Госвамилар ҳаммаси ягона сампрадаяга, ягона шогирдлар силсиласига мансуб ҳисобландилар. Қадим замонлардан бери Нарада Муни жуда кўп шохларга насихат бериб келади. "Шримад Бхагаватам"дан биламизки, у Прахлад Махараж ҳали онасининг қорнида бўлган пайтида илоҳий илм берган. У Кришнанинг отаси

Васудевага, Махараж Юдхитхирага ҳам насихат берган.

Дхаумя. Утқочака Тиртхада жуда қаттиқ риёзатларга берилган ва Пандавлар саройида руҳоний этиб тайинланган буюк донишманд. Руҳоний сифатида у Пандавлар ўтказган жуда кўп диний маросим(самскара)ларда, шунингдек пандузодаларнинг ҳар бирининг Драупади билан бўлган никоҳ маросимида иштирок этган. Ҳатто Пандавлар сургунда бўлган пайтларида ҳам, у улар билан бирга бўлиб, қийин вазиятларда уларга ўзининг маслаҳатлари билан ёрдам бериб юарди. У пандузодаларни қандай қилиб бир йил давомида одамлар кўзига кўринмасдан яшаш сирларини ўргатади. Пандузодалар ўша пайтларда унинг барча насихатларига сўзсиз риоя қилиб яшаганлар. У Курукшетрадаги жанг тамом бўлгандан кейин мархумларни дафн қилиш маросимида ҳам иштирок этган. "Маҳобҳорат"нинг "Анушасана-парва"(127.15-16)сида у Махараджа Юдхитхирага дин қонунларини батафсил тушунтириб берган. Дхаумя намунали оилавий руҳоний ҳисобланади, чунки у пандавларни ҳақиқий дин йўлидан олиб борган. Руҳонийнинг бурчи оилали кишига ҳақиқий ашрама-дхарма – ўзининг табақасига мансуб вазифаларини бажариш йўлидан юксалишига ёрдам берадиган насихатлар беришдан иборат. Аслида оилавий руҳоний билан руҳий устоз орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Ана шу вазифани бажариш – донишмандларнинг, авлиё зотлар ва брахманларнинг бурчидир.

Бадарайана(Вйасадева). У Кришна, Кришна-дваипайана, Дваипайана, Сатйавати-сута, Парашарйа, Парашаратмаджа, Бадарайана, Ведавйаса ва бошқа номлар билан ҳам машҳур. У Махамуни Парашара билан Сатйаватидан, ҳали Сатйавати буюк жангчи Бҳишмадеванинг отаси Махараж Шантануга эрга чиқмасидан олдин туғилганди. Парашара Нарайананинг қудратли тимсоли бўлиб, бутун жаҳонга Ведаларнинг донишмандлик илмини ўргатади. Шунинг учун Ведалар адабиётини, айниқса Пураналарни ўқишга киришишдан олдин Вйасадевага ҳурмат билдириш лозим. Шукадева Госвами унинг ўғли эди, Вайшампайана ва бошқа ришилар эса – унинг шогирдлари, бўлиб уларга Ведаларнинг турли қисмлари ишониб топширилган. У – буюк эпос "Маҳобҳорат" ва буюк илоҳий асар "Шримад Бхагаватам"нинг муаллифи. "Брахма-сутра", яхни "Веданта-сутра" ни ҳам у тўплаган. Ўзининг чеккан қаттиқ риёзатлари шарофати билан у барча донишмандлар ичида энг мўхтабар зот ҳисобланади. Кали даврида яшаётган кишиларнинг бахт-саодати учун у буюк эпос "Маҳобҳорат"ни ёзишга қарор қилди. Бунинг учун унга унинг айтганларини тез ёзиб борадиган моҳир котиб керак эди. Брахмаджининг кўрсатмаси билан бу ишни Шри Ганешаджи ўз зиммасига олди. Лекин у Вйасадевадан

“Маҳобҳорат”нинг бутун матнини бир лаҳза ҳам тўхтамасдан гапириб беришини талаб қилди. Шу тарика Вйаса билан Ганешанинг биргаликдаги меҳнатлари эвазига буюк “Маҳобҳорат” юзага келган эди.

Ўзининг онаси, кейинчалик Махараж Шантануга эрга чиққан Сатйаватининг амри ҳамда Махараж Шантанунинг тўнғич ўғли, унинг хотини Гангадан қолган фарзанди Бхишмадеванинг илтимоси билан Вйасадева уч машхур ўғил – Дхритараштра, Панду ва Видураларни дунёга келтирди. У “Маҳобҳорат” асарини Курукшетрада уруш тамом бўлгандан кейин, бу асарнинг барча қаҳрамонлари бу дунёни тарк этгандан кейин ёзди. Биринчи марта “Маҳобҳорат” достони Махараж Парикшитнинг ўғли Махараж Жанамеджаянинг шоҳона мажлисида ҳикоя қилинган эди.

Брихадашва. Қадимий, Махараж Юдхитхира билан бир неча марта учрашган донишманд. Улар биринчи марта Камйаванада учрашган эдилар. У Махараж Нала ҳақида ҳикоя қилиб берган эди. Икшваку сулоласига мансуб яна бир Брихадашва деган донишманд бор(Вана-парва. 209.4-5).

Бхарадваджа. Аржуннинг дунёга келиши муносабати билан ўтказилган маросимда иштирок этган етти буюк ришидан биттаси. Бир вақтлар бу буюк риши Ганга қирғоғида қаттиқ риёзатларга берилган эди, унинг Прайагадхамадаги ашрами ҳозиргача сақланиб қолган. Бир куни Гангада чўмилиб турганида ана шу донишманд жаннатдаги фоҳишалардан бири Гхритачани кўриб қолиб уруғлигини окизиб юборган. Ўша уруғликни лой идишда сақлаб қўйиб, ундан буюк устоз Дрона дунёга келган. Шу тарика Дроначаря – Бхарадваджанинг ўғли ҳисобланади. У Браҳманинг буюк содиғи бўлган. У Дроначарядан Курукшетрадаги жангнинг бошланишига йўл қўймасликни илтимос қилган.

Парашурама, ёки Ренукасута. У – Махараж Джамадагни ва Шримати Ренукининг ўғли, шунинг учун Парашурама Ренукасута деган ном билан ҳам машхур. Худонинг қудратли тимсолларидан бири бўлган ҳолда у кшатрийлар табақасини 21 марта яқсон қилган. Кшатрийлар қони билан у ўзининг ўлган аждодларини мамнун қилган. Кейин эса, у Махендра Парватада қаттиқ риёзатларга берилган. Кшатрийлардан бутун дунёни тортиб олиб, у салтанатни Кашйапа Мунига берган. Парашурама Дроначаряга “Дханур-веда”, ҳарбий санҳат илмини ўргатган, чунки Дрона Браҳман эди. Парашурама Махараж Юдхитхирани тахтга ўтказиш маросимида иштирок этган.

Парашураманинг ёши шу қадар улуғки, у Рама билан ҳам, Кришна билан ҳам учрашган. У Рама билан жанг қилган, Кришнани эса Олий Шахс, Худо деб тан олган. У Аржунни Кришна билан бирга кўрганида, уни олқишлаган. Бхишма унинг хотини бўлишни истаган Амбага

уйланишдан бош тортганида Амба Парашурамага Бхишманинг устидан арз қилади, унинг илтимоси билан у Бхишмага уйланишни илтимос қилади. Лекин Бхишма, ҳатто у ўзининг рухий устозларидан бири бўлса ҳам, унинг амрини рад қилади. Бхишма унинг амрини бажармаганини кўриб, У Бхишма билан жанг қилади. Қаттиқ жанг бўлиб ўтади, натижада Бхишманинг жанг қилишидан мамнун бўлиб, Парашурама уни жаҳонда энг буюк жангчи бўлишига фотиҳа беради.

Васиштха. Браҳманлар ичида Браҳмариши Васиштхадева номи билан машхур буюк донишманд. У Рамаёна даврида ҳам, Маҳобҳорат даврида ҳам асосий қаҳрамонлардан бири бўлган. У Олий Шахс Шри Рамни тахтга ўтказиш маросимида ҳам, Курукшетра жанг майдонида ҳам иштирок этган. У олий(жаннатий) ва қуйи(дўзахий) сайёралар бўйлаб бемалол сайр қилиш қудратига эга. Хиранйакашипу ҳақидаги ҳикояда ҳам Васиштха номи тилга олинади. Вишвамित्रа унинг камадхена – ҳар қандай истакни амалга ошира оладиган сигирини тортиб олмоқчи бўлади, бу улар орасига узок вақт давом этадиган ўзаро душманлик келиб чиқишига сабаб бўлади. Васиштха Муни камадхена сигирини беришдан бош тартади, бунга жавобан Вишвамित्रа унинг юз ўғлини ўлдиради. У ҳақиқий браҳман сифатида Вишвамитранинг барча зулмларига чидам билан сабр қилади. Вишвамित्रа унга шунчалик азоб берадики, у сабри чидамай ўзини ўзи ўлдиришга қарор қилади, лекин унинг барча уринишлари бекор кетади. У тоғ чўққисидан ўзини қаттиқ тошлар устига ташлайди, аммо тошлар пахтадай юмшоқ бўлиб, унга заррача зарар етказмайдилар. Кейин у ўзини океанга ташлайди, аммо тўлқинлар уни қирғоққа чиқариб ташлайди. У ўзини чуқур дарёга ташлайди, дарё ҳам унинг танасини қабул қилмайди. Шу тарика унинг ўзини ўзи ўлдириш режаларининг ҳаммаси барбод бўлади. Шунингдек, у етти ришидан бири ва машхур юлдуз Арундхатининг эри бўлади.

Индрапрамада. Яна бир машхур риши.

Трита. Праджапати Гаутаманинг уч ўғлидан бири. У учинчи ўғил эди. Унинг икки акаси Экат ва Двита эди. Уч ака-ука ҳам буюк донишмандлар бўлиб, диний қонун-қоидаларга қатъий риоя қилар эдилар. Чеккан қаттиқ риёзатлари эвазига улар Браҳмалокага эришгандилар. Бир куни Трита Муни қудуққа йиқилиб тушган эди. У жуда кўп қурбонлик маросимлари ўтказган, бошқа буюк донишмандлар сингари у ҳам ўзининг чуқур ҳурмат-эҳтиромини изҳор этиш учун ўлим тўшагида ётган Бхишмадеванинг олдига келган эди. У Варуналокадаги етти донишманддан бири. Тритха ғарбий давлатлардан чиққан. Шу боис унинг ватани ҳозирги Европа давлатларидан бири бўлса ажаб эмас. Ўша даврларда бутун жаҳонда ягона Ведалар маданияти ҳукмрон эди.

Гритсамада. Жаннатий салтанатнинг донишмандларидан бири. У осмон шоҳи Индранинг яқин дўсти бўлиб, ўзининг бирор жиҳати билан Брихаспатидан қолишмасди. У Махараж Юдҳиштҳиранинг шоҳона мажлисларида тез-тез иштирок этиб турарди, у ҳам Бхишмадеванинг охириги нафасларида унинг олдида бўлган. Бир пайтлар у Махараж Юдҳиштҳирага Маъбуд Шиванинг улуғворлигини таҳрифлаб берган эди. У Витахавйанинг ўғли бўлиб, ташқи кўриниши билан Индрага жуда ўхшаш эди. Бир куни Индранинг душманлари адашиб уни аср олган эдилар. У “Риг-веда” билимдони эди, шу боис брахманлар орасида унинг обрўси катта эди. У уйланмасликка қасам ичиб, ҳар жиҳатдан қудратли зот эди.

Асита. Буюк шоҳлардан бирининг исми ҳам Асита, лекин бу ерда тилга олинган Асита – ўша даврнинг буюк ва қудратли зотларидан бўлган Асита Девала Риши. У ўзининг отасига “Маҳобҳорат”нинг 1.500.000 мисрасини тушунтириб берган ва Махараж Жанамеджая ўтказган илонларни қурбонлик қилиш маросимида иштирок этган. Бошқа буюк ришилар билан биргаликда у Махараж Юдҳиштҳирани тахтга ўтказиш маросимида ҳам иштирок этган. У Махараж Юдҳиштҳирага Анджана тепалигида кўп насиҳатлар берган. У Маъбуд Шиванинг буюк содиқларидан бири.

Какшиван. Гаутама Мунининг ўғилларидан бири, буюк донишманд Чандакаусикининг отаси; у Махараж Юдҳиштҳиранинг маслаҳатчиларидан бири эди.

Атри. Атри муни – буюк донишманд-брахманлардан бири. У – Браҳманинг ўғли, унинг ақлидан дунёга келган. Браҳмаджи шу қадар қудратлики, шунчаки ўғли бўлиши ҳақида ўйлаш билан ўзи истаганидай фарзандни дунёга келтириши мумкин. Унинг ана шундай ўғиллари манаса-путра деб аталади. Атри – Браҳмаджининг ана шундай етти манаси-путра ўғлидан бири бўлиб, етти-донишманд-браҳманнинг биттаси ҳисобланади. Унинг оиласида буюк Прачеталар дунёга келган. Атри Мунининг икки қшатрий ўғли бор бўлиб, кейин улар шоҳ бўлдилар. Улардан бири – шоҳ Артхама. У 21 праджапатидан бири ҳисобланади. Унинг хотинининг исми Анасуя, у Махараж Парикшитга буюк қурбонлик маросими ўтказишга ёрдам берган.

Каушика. Буюк риши, Махараж Юдҳиштҳиранинг шоҳона мажлисининг доимий ахзоларидан бири. У бир куни Парвардигор Шри Кришна билан учрашган. шундай исмли бошқа бир неча донишмандлар ҳам бор.

Сударшана. Халқа, уни Олий Шахс(Вишну ёки Кришна) Ўзининг шахсий қуроли қилиб олган. Бу браҳмастра ва бошқа қудратли қуроллардан ҳам кучли бўлган энг қудратли қурол. Баҳзи бир ведавий асарларда бу қуролни Кришнага олов фариштаси Агни совға қилгани айтилган, лекин

аслида Парвардигор ҳамиша Ўзининг кўлида шу қуролни ушлаб юради. Агнининг бу қуролни Кришнага совға қилиши худди Махараж Рукманинг Кришнага Рукминини берганига ўхшайди. Парвардигор Ўзининг содиқларидан аслида ҳамиша Ўзиники бўлган нарсаларни совға сифатида қабул қилади. Бу қурол “Маҳобҳорат”нинг “Ади-парва”сида батафсил таҳрифланган. Парвардигор Шри Кришна Ўзининг рақиби Шишупалани ўлдириш учун ана шу қуролдан фойдаланган. Шалвани ҳам шу қурол билан ўлдирган. Бир куни У Ўзининг мана шу қуролидан Аржун ҳам ўзининг душманларини яқсон қилиш учун фойдаланишини истаган (Ади-парва. 56.3).

8. Шулар билан бирга Шукадева Госвами ва Кашйапа, Ангираса ва бошқалар сингари покланган руҳлар ўзларининг шогирдлари билан бирга шу ерга келган эди.

Изоҳ: Шукадева Госвами(Брахмарата). Шри Вясадеванинг машҳур ўғли ва шогирди, Шри Вясадева аввал ”Маҳобҳорат”ни, кейин "Шримад Бхагаватам"ни ҳикоя қилиб берган. Шукадева Госвами гандарва, яқша ва рақшаслар мажлисида “Маҳобҳорат”нинг 1.400.000 мисрасини гапириб берган, биринчи бўлиб "Шримад Бхагаватам"ни Махараж Парикшитга ҳикоя қилган. У отаси ўргатган барча ведавий адабиётларни батафсил ўрганиб чиққан. Шу тариқа, диний қонун-қоидаларни ҳар жиҳатдан ўрганиб чиққани туфайли у қалби бутунлай пок руҳга айланди. “Сабха-парва”(4.11)дан биламизки, у Махараж Юдҳиштҳиранинг шоҳона мажлисларида ҳам, Махараж Парикшитнинг ажали олдида рўза тутган мажлисида ҳам иштирок этган. Шри Вясадеванинг ҳақиқий шогирди сифатида у руҳий устозига жуда кўп саволлар берган, буюк отаси унинг саволларига жавоб бериб, унга инсоннинг руҳий оламга эришишига ёрдам берадиган йога тизимлари ҳақида гапириб берган: - кармали фаолият ва дунёвий илм ҳақида; - руҳий ўзликни англаб етишнинг ҳар хил йўл ва усуллари ҳақида; жамиятнинг тўрт табақаси ҳақида; Олий Шахс, Худонинг олий мартабаси ҳақида; Худони қандай қилиб юзма-юз кўра олиш ҳақида; илм ўрганиш имкониятига эга бўлиш учун инсон қандай сифатларга эга бўлиши лозимлиги ҳақида; беш моддий унсур ҳақида; тафаккур(идрок)нинг алоҳида ўрни ҳақида; моддий табиатни ва тирик мавжудотни англаб етиш ҳақида; руҳий ўзлигини англаб етган кишининг алоҳида белгилари ҳақида; моддий тананинг ҳаракат қилиш қонун-қоидалари ҳақида; моддий табиат гуналарининг таҳсири ҳақида; мангу истак дарахти ва ақлнинг фаолияти ҳақида. Бир куни у отасининг ва Нарада Мунининг руҳсати билан қуёш сайёрасига борди. Унинг фазо бўйлаб саёҳати “Маҳобҳорат”нинг “Шанти-парва”(332) бўлимида ҳикоя қилинган.

Ниҳоят у илоҳий салтанатга эришган. У бошқа номлар билан ҳам машҳур: Аранейя, Арунисута, Ваййасаки, Вйасатмаджа.

Кашйапа: Пракджапатилардан бири, Маричининг ўғли ва Праджапати Дакшанинг куёвларидан бири. У – фил ва тошбақалар ризқ қилиб берилган бахайбат куш Гаруданинг отаси. У Праджапатининг ўн уч қизига уйланган: Адити, Дити, Дану, Каштха, Аришта, Сураса, Ила, Муни, Кродхаваша, Тамра, Сурабхи, Сарама ва Тими. У бу хотинларидан жуда кўп фарзандлар кўрган – фаришталар, иблислар. Биринчи хотини Адитидан ўн икки Адитйа дунёга келган, улар орасида Худонинг бу дунёдаги тимсоли Вамана ҳам бор. Буюк донишманд Кашйапа Аржун дунёга келган пайтда ҳам шу ерда иштирок этганди. Парашурама унга бутун ер юзини совға қилган, кейин у Парашурамадан бу дунёни тарк этиб кетишни илтимос қилган. Унинг яна бир исми Ариштанеми. У коинотнинг шимолий қисмида яшайди.

Ангираса. Махариши Ангиранинг ўғли, Брихаспати номи билан машҳур, фаришталарнинг руҳонийси. Дроначаря – унинг қисман намоён бўлган тимсоли деб айтадилар. Иблисларнинг руҳий устози Шукрачарйа эди, Брихаспати ҳамиша у билан мусобақалашиб юрарди. Унинг Кача деган ўғли бор. У олов қуролини аввалига Бхарадваджа Мунига берган. Унинг хотини Чандрамаси, машҳур юлдузлардан бири, унга олов фариштасига ўхшаган олти ўғил туғиб берган. У коинот бўйлаб ҳамма жойда бемалол сайр қилиш имкониятига эга, шу боис ҳатто баҳзан Браҳмалока ва Индралокада ҳам пайдо бўлиб қолади. У осмон шоҳи Индрага қандай қилиб иблислар устидан ғалаба қилиш йўлларини ўргатган. Бир куни у Индрани дуои-бад қилиб қарғаган, натижада Индра ер сайёрасида чўчка бўлиб туғилишга мажбур бўлган ва ўзининг жаннатий салтанатига қайтишни истамаган. Алдамчи қувватнинг қудрати ана шундай. Ҳатто чўчка ҳам, ҳатто эвазига жаннатга шоҳ бўлиш таклиф қилинса ҳам, ердаги ўзи боғланиб қолган нарсани тарк этишни истамайди. У жуда кўп сайёралардаги зотларнинг руҳий устози бўлган.

9. Саккиз Васу ичида энг аҳлоси бўлмиш Бхишмадева, диний қонун-қоидаларни замон ва макон шароитига мувофиқ равишда қандай қўллашни мукамал билгани учун тўпланган улуғвор ва қудратли донишмандларнинг ҳар бирини одоб билан бош эгиб қарши олди.

Изоҳ: Дин қонунларини яхши ўрганган киши улардан замон ва макон шароитига қараб қандай фойдаланишни билади. Барча буюк ачаря(дин тарғиботчилари ва ислоҳотчи)лар ўз бурчини дин қонунларини замон ва макон шароитига мослаштириш орқали бажарганлар. Дунёнинг турли чеккаларида шароит ҳар хил, шу боис ўз бурчини бажариб, одамларга худонинг хабарини

етказадиган киши бу ишни муайян жойдаги замон ва макон шароитига мос келадиган тарзда бажаришни билиши лозим. Бхишмадева Худоба садоқат билан хизмат қилиш илмини тарғибот қилиш соҳасида машҳур ўн икки мўхтабар зотнинг бири, шу боис у ўзининг ўлими олдидан унга ҳурмат билдириш учун дунёнинг турли чеккаларидан келган буюк ва қудратли донишмандларни уларнинг мартабасига муносиб равишда қарши олишни ва ҳурматини жойига қўйишни яхши биларди. Албатта, у уларни жисмоний жиҳатдан таҳзим қилиб қарши ололмасди, чунки у ҳозир ўзининг уйида эмас, бунинг устига жисмоний жиҳатдан соғлом эмасди. Лекин, унинг ақли бутунлай соғлом эди, шу боис у ўзининг олдида келганларнинг ҳар бирини ширин сўз билан қарши олиши ва уларга ўзининг муносиб ҳурмат-эҳтиромини изҳор эта оларди. Инсон ўзининг бурчини жисмоний фаолияти билан, тили(гаплари) билан ёки хаёлан(фикрлари билан) бажариши мумкин. У ўзининг ҳозирги ҳолатида кимга қандай гаплар билан мурожаат қилиш кераклигини яхши биларди. Шунинг учун Бхишмадева гарчи жисмоний жиҳатдан соғлом бўлмаса ҳам, келган буюк донишмандларни осонлик билан мартабаларига муносиб равишда қарши олишга қийналмади.

10. Парвардигор Шри Кришна ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд, шундай бўлса ҳам, У ички қуввати ёрдамида ўзининг илоҳий қиёфасини намоён этади. Ана шу Парвардигор Бхишманинг олдида ўтирар эди. Бхишма Унинг қанчалик улуғворлигидан хабардор эди, шу боис Унга муносиб эҳтиром кўрсатиб бош эгди.

Изоҳ: Парвардигорнинг ҳар нарсага қодирлиги шунда намоён бўладики, У бир вақтнинг ўзида ҳамма жойда бўлиб билади. У ҳамиша ўзининг илоҳий даргоҳида – Голока Вриндаванда яшайди, шунга қарамай У ҳар кимнинг қалбида, ҳатто ҳар бир атомда мавжуд. У ўзининг мангу илоҳий қиёфасини моддий оламда ички қуввати ёрдамида намоён этади. Унинг мангу илоҳий қиёфасига Унинг ташки, яхши моддий қувватнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ана шу ҳақиқатларнинг ҳаммаси Бхишмадевага маълум эди, шу боис у Парвардигорга муносиб эҳтиром кўрсатди.

11. Махараж Пандунинг ўғиллари ўлим тўшагида ётган суюкли боболари Бхишма олдида чуқур ҳурмат-эҳтиром билан сукут сақлаб тиз чўкиб ўтирдилар. Уларнинг ўтиришини кўриб, Бхишма чин юракдан уларни олқишлади. Унинг қалби уларга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғусига тўлиб, унинг кўзлари беихтиёр меҳр ёшлари билан тўлди. Махараж Панду оламдан ўтганида унинг ўғиллари ҳали кичкина эди, улар табиий

равишда шоҳ хонадонининг бошқа катта ахзоларининг, айниқса, Бхишмадеванинг меҳроқибати ва ғамхўрлиги остида ўсиб улғайдилар. Кейинчалик, Пандавлар катта бўлганидан сўнг, маккор Дурёдхон ва унинг ҳамкорлари уларни алдадилар, аммо Бхишмадева, Пандавларнинг беғуноҳ эканини ва уларни ноҳақ равишда қийин ахволга солиб қўйганларини билса ҳам, сиёсий сабабларга кўра уларнинг тарафини ололмасди. Умрининг охириги дақиқаларида буюк жангчи шоҳ, ўзининг Махараж Юдхиштхира бошлиқ олижаноб неваралари олдига келиб камтарин ҳолда тиз чўкиб сукут сақлаб ўтирганларини кўриб, кўзларидан беихтиёр оқиб келаётган меҳр ёшларини тўхтага олмади. У ўзининг тақводор неваралари қандай оғир кунларни бошидан кечирганларини эслади. Албатта, у Юдхиштхира энди Дурёдхоннинг ўрнига тахтни эгаллаганидан жуда мамнун эди, шу боис у невараларини илиқ гаплар билан қутлай бошлади.

12. Бхишмадева деди: Сизлар - ҳақиқий диний одоб-ахлоқ қоидалари тимсоли бўлган буюк зотнинг фарзандлари бўлганингиз учунгина шунча дахшатли азоб-уқубатларга ва мислсиз адолатсизликларга учрадингизлар. Сизларни брахманлар, дин ва Худонинг Ўзи авайлаб-асраб юрди, акс ҳолда шунча мусибатлардан кейин, сизлар тирик қолмаган бўлардинглар.

Изоҳ: Курукшетрада бўлиб ўтган буюк кирғинбарот уруш Махараж Юдхиштхирага тинчлик бермасди. Бхишмадева буни яхши биларди, шу боис у аввалига Махараж Юдхиштхирани қийнаётган дахшатли мусибатлар ҳақида гапирди. Юдхиштхира фақат унга нисбатан кўрсатилган адолатсизлик туфайли шундай қийин ахволга тушиб қолган эди, Курукшетрадаги уруш ана шу адолатни қайта тиклаган эди, холос. Шу боис Юдхиштхира бу буюк урушнинг оқибатларини ўйлаб қаттиқ пушаймон бўлавермаслиги керак. Бхишмадева шуни алоҳида таҳкидлаб айтяптики, уларни ҳамиша брахманлар, Парвардигорнинг Ўзи ва дин қонунлари ҳимоя қилиб юрган. Токи улар мана шу уч муҳим ҳимоя остида юрар эканлар, уларнинг бирор нарсдан пушаймон бўлиб ташвишга тушишига ҳеч қандай сабаб бўлмайди. Шу тарзда Бхишмадева Махараж Юдхиштхирани овутиб, руҳини тиклаб олишга чақирди. Токи инсон Худонинг амрини бенуксон бажариб юрар экан, токи у ҳақиқий брахманлар ва вайшнавлар раҳбарлиги остида яшар экан, токи у ҳақиқий дин қонун-қоидаларига қатҳий риоя қилиб юрар экан, қандай қийин вазиятга тушиб қолганда ҳам унинг безовта бўлишига ҳеч қандай асос ҳам, сабаб ҳам бўлмайди. Ишонарли мўхтабар зотлардан бири сифатида Бхишмадева

пандузодаларга шуни эслатиб қўймоқчи эди.

13. Келиним Кунти эса, буюк саркарда Пандунинг вафотидан кейин, қўлида етим болалари билан бева қолгани туфайли жуда кўп мусибатларга учради. Сизлар улғайгандан кейин, у энди сизларнинг ҳатти-ҳаракатларингиз туфайли азоб чека бошлади.

Изоҳ: Малика Кунтидеванинг мусибатлари бошқаларникидан кўра оғирроқ эди. У эри ўлиб эрта бева қолганидан кўп азият чекди, у ўзининг ёш етим қолган болаларини шоҳ саройида тарбиялаши лозим эди. Фарзандлари улғайиб вояга етгандан кейин эса, у болаларининг қилган ишлари туфайли қийинчиликларга учраб, изтироблари давом этаверди. Шу тариқа унинг мусибатлари сира адо бўлмасди. Бу шуни билдирадиги, унга бу мусибатларнинг ҳаммасини Худонинг Ўзи юбориб турибди, шунинг учун камтарин ҳолда уларга чидам билан сабр қилиш керак.

14. Ўйлайманки, буларнинг ҳаммаси, худди булутларни ҳар ёққа олиб юрувчи шамол сингари, бутун борлиқдаги ҳар бир мавжудотнинг ҳаётини бошқариб турувчи бешафқат Замона зайли билан рўй беряпти.

Изоҳ: Бешафқат замон бутун олам, барча сайёралар устидан ҳукмронлик қилиб туради. Худди ҳаво оқимининг таҳсири остида осмондаги булутлар ҳар тарафга ҳаракат қилгани сингари, барча сайёраларни, шу жумладан Қуёшни ҳам, ҳаво оқими бошқариб туради. Худди шундай, бешафқат кала(Замон) ҳатто ҳаво ва бошқа унсурларнинг фаолиятини ҳам бошқариб туради. Парвардигорнинг моддий оламдаги қудратли вакили бўлган олий кала бу дунёдаги ҳамма нарсани бошқариб туради. Шу боис Юдхиштхиранинг Замона зайлининг фаолияти туфайли изтироб чекишига асос йўқ эди. Токи инсон моддий оламда яшар экан, у замона зайлининг таҳсири ва унинг оқибатларини тан олиб қабул қилишга мажбур. Юдхиштхира аввалги ҳаётида кўп гуноҳ қилгани ва уларнинг оқибати туфайли ҳозир қаттиқ қийналяпман деб ўйламаслиги керак эди. Моддий табиат шароитининг таҳсири остида ҳатто энг тақводор кишилар ҳам изтироб чекадилар. Аммо тақводор, иймонли художўй киши ҳамиша Худога содиқ қолади, чунки у ўзининг барча ҳатти-ҳаракатларида диний қонун-қоидаларга қатҳий риоя қилиб юрган ҳақиқий брахманларнинг ва вайшнавларнинг кўрсатмаларига амал қилади. Мана шу уч нарса ҳар бир инсоннинг яшашдан мақсади бўлиб қолиши лозим: брахман ва вайшнавлар раҳбарлиги остида Худога садоқат билан хизмат қилиш. Мангу замона зайли туфайли юзага келадиган қийинчиликлар сабабли

афсусланиб изтироб чекишнинг ҳожати йўқ. Ҳатто Брахма, бутун оламни яратган кудратли зот ҳам замонга бўйсунди; шу боис ҳатто барча диний конун-қоидаларга қатҳий риюя қилиб юрсак ҳам барибир Замона бизнинг ҳаётимизни бошқариб турганидан норози бўлмаслик керак.

15. Э-воҳ, бешафқат тақдирнинг муқаррар ишлари қанчалик ҳайратли! Тақдир тақозоси, Замона зайли муқаррар амалга ошадиган ҳақиқатдир - акс ҳолда, дин раҳнамоси бўлган фариштаннинг ўғли шоҳ Юдҳиштҳира, буюк гурзибон жангчи Бхима, сеҳрли камон соҳиби бўлган машхур камонбоз Аржун ва Пандавларга очикдан-очик Ўзининг алоҳида марҳаматини кўрсатиб юрган Парвардигорнинг Ўзи сизлар билан бирга бўла туриб, бошингизга шунча мусибатлар тушганини қандай изоҳлаш мумкин?

Изоҳ: Пандавларнинг ҳам моддий, ҳам руҳий жиҳатдан барча эҳтиёжлари тўла қондирилган эди. Моддий жиҳатдан улар ҳамма нарса билан тахминланган эди, чунки икки буюк жангчи Бхима ва Аржун улар билан бирга эди. Руҳий жиҳатдан эса, шоҳнинг ўзи ҳақиқий дин тимсоли эди, бунинг устига Парвардигор Шри Кришнанинг Ўзи, Худонинг Олий Шаҳси уларга ғамхўрлик қилиб юрарди. Шунга қарамай Пандавларнинг бошига шунча мусибатлар тушган эди. Қилган шунча савоб ишларининг, ҳар бирининг ажойиб шахсий фазилатларининг, моҳирлик билан кўрсатилаётган раҳбарликнинг, кудратли қуроолларининг кучига ва Парвардигорнинг шахсан Ўзи ҳимоя қилиб юрганига қарамай, Пандавлар ўз тақдирида шунчалик мушкул мусибатларни бошидан кечирдилар, буни фақат бешафқат замона зайли, каланинг таҳсири муқаррар эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Кала Парвардигорнинг Ўзи билан бир, шу боис каланинг таҳсири Парвардигорнинг Ўзининг англаб бўлмас амру-иродасини намоён этади. Ўзгартириш ҳеч кимнинг қўлидан келмайдиган оғир вазиятга тушиб қолган кишининг пушаймон бўлиб изтироб чекишига ҳожат йўқ, тақдирга тан бериб чидаш керак.

16. Эй шаҳаншоҳ, Олий Шаҳс, Парвардигор Шри Кришнанинг режаларини ҳеч ким англай олмайди. Шунчалик чуқур ўрганишга уринишларига қарамай ҳатто буюк донишмандлар ҳам Унинг ишларидан ҳайратга тушадилар.

Изоҳ: Ишонарли буюк мўхтабар зот Бхишмадева Махараж Юдҳиштҳиранинг аввал қилган гуноҳлари учун ҳозир изтироб чекаётгани ҳақидаги гумонларини қатҳият билан инкор этапти. Бхишма Махараж Юдҳиштҳирага алоҳида таҳкидлаб айтмоқчики, қадим замонлардан бери ҳатто Брахма, Шива сингари кудратли фаришталар

ҳам Парвардигорнинг режаларини олдиндан билолмайдилар. Шундай экан, Унинг режаларини биз қаердан билардик? Бу ҳақда савол бериб ўтиришнинг ўзи ҳам бемаҳни. Ҳатто донишмандларнинг ҳар томонлама олиб борган чуқур фалсафий изланишлари ҳам Парвардигорнинг режаларини олдиндан айтиб бера олмайди. Шу боис, Парвардигорнинг амрига шак-шубҳасиз биратўла бўйсунуш – энг тўғри йўлдир. Пандавларнинг бошига тушган мусибатлар - уларнинг аввалги қилган гуноҳларининг оқибати эмас. Парвардигор Ўзининг режасини амалга ошириши ва бу дунёда эзгулик ҳукмрон бўлишини тахминлаш эди, шу боис, адолат қарор топиб, эзгулик ғалаба қозониши учун Унинг содиқлари белгиланган вақтгача изтироб чекиб қийналдилар. Эзгулик ғалаба қозонганини кўриб, Бхишмадева жуда хурсанд бўлди, гарчи у Юдҳиштҳирага қарши жанг қилган бўлса ҳам, салтанат тахти Юдҳиштҳирага етганидан хурсанд эди. Ҳатто Бхишмадай буюк жангчи ҳам Курукшетрадаги жангда ғалаба қозона олмади, чунки бу билан Парвардигор кўрсатмоқчи эдики, ҳатто ҳар қандай кудратли зот тарафини олса ҳам, ҳеч қачон ёмонлик, ёвузлик ҳеч қачон яхшилик, эзгулик устидан зафар қозона олмайди. Ҳеч қачон ёмонлик яхшиликни енга олмайди. Бхишмадева Парвардигорнинг буюк содиғи эди, аммо Парвардигорнинг амри билан у Пандавларга қарши жанг қилишни маҳкул кўрди, чунки Парвардигор бу билан кўрсатмоқчи эдики, агар адолатсизлик томонида туриб жанг қилса, ҳатто Бхишма сингари буюк жангчи ҳам, ғалабага эриша олмайди.

17. Шунинг учун, эй Бҳаратлар ичида аҳлоси(Юдҳиштҳира), мен сенга таҳкидлаб айтаманки, буларнинг барчаси Худонинг амру-иродаси билан бўлиб турган ишлардир. Парвардигорнинг режаларини олдиндан билиб бўлмаслигини тан олган ҳолда, сен Унинг амрини сўзсиз бажаришинг лозим. Азизим, сен энди буюк салтанатга ҳукмрон бўлдинг, шу боис сен энди ҳимоясиз қолган фуқароларга ғамхўрлик қилишинг керак.

Изоҳ: Қайнона ўзининг келинини “Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит!” қабилда тартибга ўргатади. Парвардигор ҳам Ўзининг содиқ хизматкорига насиҳатлар бериш орқали бутун олам аҳлига сабоқ беради. Содиқнинг ўзи Парвардигордан бирор янгиликни ўрганиб юришига ҳожат йўқ, чунки унинг қалбида туриб Парвардигор ҳамиша Ўзининг самимий хизматкорига ичдан кўрсатма бериб туради. Шунинг учун, «Бхагавад-гита» нозил бўлгани сингари, қачонки Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкорига ошкор насиҳатлар бера бошласа, Парвардигор буларнинг ҳаммасини содиқ

хизматкори орқали Худонинг хоҳишидан беҳабар ғофил одамларга тарбия бериш мақсадида қилаётган бўлади. Шунинг учун содиқнинг бурчи – Парвардигор унга юбораётган барча синовларга чидам билан сабр қилиш, уларни Худонинг унга кўрсатаётган алоҳида марҳмати деб қабул қилишдан иборат. Бхишмадева Пандавларга салтанатни бошқариш ишларини дарров ўз кўлига олишни маслаҳат берди. Курукшетрадаги уруш сабабли бечора фуқаролар химоясиз қолган ва қачон Махараж Юдхитхира ҳукумат жиловини ўз кўлларига олар экан деб кутиб юрардилар. Худонинг асл содиғи бошига тушган мусибатларни Худонинг марҳамати деб билади. Моддий жиҳатдан бахт ва мусибат орасида ҳеч қандай фарқ йўқ, чунки Парвардигор Мутлақ табиатга эга.

18. Мана шу Шри Кришна – Худонинг англаб бўлмас Олий Шахси, ягона Парвардигорнинг Ўзи бўлади. У - азалий Нарайана, Олий лаззатланувчи Зотдир. У худди бизларга ўхшаб Вришни қабиласи аҳзолари орасида яшаб, Ўзининг ўзидан ўзи пайдо бўладиган қувватлари ёрдамида бизларни адаштириб қўйибди.

Изоҳ: Билишнинг ведавий йўли – дедуктив, юқоридан пастга тушадиган жараён. Ведалар илми мукаммал равишда ишонарли манбалар томонидан шогирдлар силсиласи орқали берилади. Баҳзи бир ақли саёз кишилар айтганидай бу илм қотиб қолган догма эмас. Фарзанднинг ҳақиқий отаси ким эканини фақат унинг онаси билади. Бу сирли илмда она – ишонарли манба ҳисобланади. Демак, ишонарли илм догма эмас. Бу ҳақиқат «Бхагавад-гита»(4.2)да тасдиқланади. Илм ўрганишнинг мукаммал тизими уни ишонарли манбадан ўрганишдан иборат. Айнан мана шу йўлни ҳамма ҳақиқий йўл деб тан олган, унга фақат баҳслашишни ёқтирадиган нодонлар қарши чиқиши мумкин. Масалан, замонавий космик кемалар учиб фазога чиқадилар, олимлар биз Ойнинг нариги томонида бўлдик, деб айтсалар, ғофил одамлар уларнинг ана шу бўхтон гапларига ишонадилар, чунки улар замонавий олимларга ишонадилар. Ана шу “ишонарли” одамлар нима деса, одамлар ҳақиқат деб қабул қиладилар. Аммо, гап ведавий ҳақиқатлар ҳақида борганида эса, ўша олимлар одамларга уларга ишонмаслик керак деб айтадилар. Ҳатто улар Ведаларни қабул қилсалар ҳам, бу ҳақиқатни ўзларининг хоҳишига қараб ўзгартириб талқин қиладилар. Ҳар бир одам Ведалар илмини бевосита қабул қилишга интилади, аммо ғофиллиги сабабли уни инкор этади. Шундай қилиб, аросатда қолган киши бир ишонарли манба - замонавий олимга ишонади, лекин ишонарли Ведалар илмини инкор этади. бу ҳолат одамларнинг ғафлат уммониға ғарқ бўлишига олиб келди.

Бу ерда ишонарли манба Парвардигор Шри Кришнани азалий Нарайана, Олий Шахс, Худо деб айтяпти. Ҳатто Шанкара Ачарйа сингари имперсоналист ҳам «Бхагавад-гита»га ёзган изоҳида, Олий Шахс, Нарайана моддий оламдан ташқарида деб айтган эди. Коинот – яралган моддий оламнинг бир қисми, аммо Нарайана моддий оламга нисбатан илоҳий ҳолатда.

Бхишмадева – илоҳий илм қонун-қоидаларини мукаммал биладиган 12 маҳажандан бири ҳисобланади. У айтяптики, Парвардигор Шри Кришна – азалий Худо Шахси. Имперсоналист Шанкара ҳам шуни тасдиқлайди. Бошқа барча ачарйалар ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайдилар, шу боис Парвардигор Шри Кришнани Худонинг Олий Шахси сифатида тан олмасликнинг иложи йўқ. Бхишмадева айтяптики, Кришна – азалий Нараяна. Буни "Шримад Бхагаватам"(10.14.14)да Маъбуд Браҳма ҳам тасдиқлайди. Кришна – азалий Нараяна. Рухий олам(Вайкунтҳа)да сон-саноксиз Нараяналар бор, уларнинг ҳаммаси битта Худо Шахси. Уларнинг ҳаммаси азалий, бошланғич Худо Шахси Шри Кришнанинг тўлиқ экспансиялари ҳисобланади. Парвардигор Шри Кришна аввало Ўзини Баладева қиёфасида намоён этади, ундан кейин Баладева Ўзини Санкаршана, Прадйумна, Анируддха, Васудева, Нарайана, Пуруша, Рама ва Нрисимха сингари бошқа кўплаб қиёфаларда намоён этади. Бу экспансияларнинг ҳаммаси – ягона вишнутапта, Шри Кришна эса барча тўлиқ экспансияларнинг ягона манбаи. Шу боис Кришна – Худонинг азалий Шахси. У моддий оламнинг яратувчиси ва Вайкунтҳадаги барча сайёралардаги ҳукмрон Илоҳдир. Шунинг учун Унинг оддий одамлар орасида кўрсатаётган фаолияти худди саробга ўхшаган ғайритабиий бўлиб кўринади, шунинг учун Парвардигор «Бхагавад-гита»да айтадики, Унинг кўрсатган кароматларини, фаолиятини тушунмаган нодонлар Уни оддий одамлардан биттаси деб ҳисоблайди.

Одамларнинг Кришнани тушунмаслигининг сабаби шундаки, Унинг ички ва ташқи қувватлари Унинг учинчи, оралиқ қувват деб аталадиган қувватига таҳсир қила бошлайди. Тирик мавжудотлар Унинг оралиқ қувватининг экспансияларидир, шу боис уларни баҳзан ички, баҳзида ташқи қувват адаштириб қўяди. Ички қувват таҳсирида одамларда бўладиган алданиш Шри Кришнага Ўзини сон-саноксиз Нараяна қиёфасида тарқатиб, руҳий оламда ўзаро илоҳий хизмат қилиш ёки тирик мавжудотларнинг хизматини қабул қилиш имконини беради. Ўзининг ташқи қувватининг экспансиялари орқали У Ўзи моддий оламга ташриф буюради ва одамлар, фаришталар ва ҳайвонлар қиёфасига киради, ҳар хил ҳаёт шаклларида пайдо бўлиб тирик мавжудотлар билан унутилиб кетган ўзаро муносабатларини қайта тиклайди. Лекин, Бхишма сингари мўхтабар зотлар Худонинг алоҳида

мархамати билан бундай алданишлардан устун турадилар, шу боис улар ҳамма жойда, ҳар қандай вазиятда Парвардигор Шри Кришнани беҳато таний оладилар.

19. Эй шаҳаншоҳ, Маъбуд Шива, фаришталар орасидаги донишманд Нарада ва Парвардигорнинг намоён бўлган қиёфаларидан бири бўлган Капила Унинг улуғворлиги ҳақида тўла илмга эга зотлардир. Улар бу илмни бевосита Унинг Ўзидан ўрганганлар.

Изоҳ: Худонинг барча асл содиқлари – бхавалар, яҳни, Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш орқали Парвардигорнинг улуғворлигини англаб етган кишилардир. Парвардигорнинг сон-саноксиз тўлиқ экспансиялари бор, демак, Унинг ҳар хил расаларда У билан ўзаро хизмат қиладиган асл содиқлари ҳам сон-саноксиз. Парвардигорнинг 12 нафар ана шундай буюк содиғи бор: Брахма, Нарада, Шива, Кумарлар, Капила, Ману, Прахлада, Бхишма, Джанака, Шукадева Госвами, Бали Махараж ва Йамараж. Гарчи Бхишмадева – улардан биттаси бўлса ҳам, у бу ерда Парвардигорнинг улуғворлигини англаб етган зотлардан фақат учтасининг исмини айтиб ўтган. Замонамизнинг буюк ачарйаларидан бири Шрила Чакраварти Тхакур буни шундай тушунтиради: аввалига содиқ анубхава, яҳни жававали лаззатга ғарқ бўлиб, Парвардигорнинг улуғворлигини ҳис қилади. Бу ҳолат тер чиқиши, титраш, кўз ёшлари, эти жунжиқиши ва бошқа жиҳатларда намоён бўлади. Содиқ Парвардигорнинг улуғворлигини қанча чуқур англаса ана шу белгилар ҳам чуқурроқ намоён бўла бошлайди. Парвардигорни аркон билан боғлаб қўйишга уринган Яшода онанинг лаззати(бхаваси), Кришнани ўзининг хизматкори қилиб жанг аравасини бошқартириб юрган Аржуннинг бхавасидан фарқ қилади. Парвардигорнинг улуғворлиги Унинг Ўзининг содиқларининг хизматкори бўлиб юришида намоён бўлади, бу Парвардигорнинг улуғворлигининг бир кўриниши. Шукадева Госвами ва Кумарлар, гарчи аввал ҳам илоҳий ҳолатда турган бўлишларига қарамай, бхаванинг бошқа бир кўриниши таҳсири остида Парвардигорнинг асл содиқларига айланди. Парвардигор Ўзининг содиқларига юборадиган мусибатлари ҳам Унинг содиқлари билан ўзаро илоҳий муносабатларининг бир кўриниши ҳисобланади. Парвардигор шундай дейди: “Содиқ хизматкорим Мен билан ўзаро муносабатларда илоҳий бхава(лаззат) алмашиб покланиши учун Мен уни мушкул аҳволга солиб қўяман”. Содиқ моддий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолганида албатта бу ҳолат уни алдамчи моддий муносабатлардан халос қилади. Одамлар орасидаги ўзаро моддий муносабатлар асосан моддий бойлик билан боғлиқ бўлган ўзаро моддий лаззат алмашишларга асосланган. Шунинг учун

Парвардигор содиқни унинг моддий бойлигидан маҳрум қилганида, содиқни фақат Худога муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиш лаззати қизиқтира бошлайди. Шу тариқа Парвардигор ўзининг содиқ хизматкорини моддий оламда тирикчилик қилиш иллатидан қутқариб олади. Парвардигорнинг Ўз содиқ хизматкорига юбораётган мусибатлари гуноҳ ишлар оқибатида келадиган мусибатлардан фарқ қилади. Парвардигорнинг улуғворлиги шу тарзда намоён бўлишини Брахма, Шива, Нарада, Капила, Кумарлар ва Бхишма сингари буюк маҳажанлар яхши биладилар, уларнинг мархамати билан бизлар ҳам Парвардигорнинг шу тарзда намоён бўладиган улуғворлигини англай оламиз.

20. Эй шаҳаншоҳ, ғофиллигинг туфайли, сен амаки-оғам, яқин дўстим, энг яхши маслаҳатчим, элчим ва шу каби яқин кишиларимдан бири деб юрган мана шу Зот - Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Шри Кришна бўлади.

Изоҳ: Гарчи Парвардигор Шри Кришна Пандавларнинг амакиси, дўсти, ошнаси, маслаҳатчиси, элчиси бўлиб ҳаракат қилиб юрган бўлсада, барибир аввалгидай Олий Шахс бўлиб қолаверади. Ўзининг асл содиқларига нисбатан чексиз марҳамат кўрсатиб, Парвардигор уларнинг турли хизматларини қилиб юради, лекин бу Парвардигор Ўзининг Мутлақ Шахс мартабасини йўқотади дегани эмас. Уни оддий инсон деб ҳисоблаш – ғофилликнинг энг тубан ҳолатида бўлиш демакдир.

21. Худонинг Мутлақ Шахси бўлган ҳолда У ҳар кимнинг қалбида ҳам мавжуд. У ҳар бир мавжудотга бирдек меҳрибон ва сохта ўзликнинг ҳар хил қарама-қаршиликларидан озод. Шу боис, Унинг барча хатти-ҳаракатлари моддий иллатлардан пок. У ҳамиша бир хилда хотиржам, осойишталигича қолаверади.

Изоҳ. Парвардигор Мутлақ табиатга эга бўлгани учун Ундан ташқарида бўлган бирор нарса мавжуд эмас. У – қайвалйя: Ундан бошқа ҳеч нарса йўқ. Бутун борлиқ, мавжуд ҳамма нарса - Унинг қувватларининг намоён бўлган кўриниши, шу боис У Ўзининг қуввати сифатида ҳамма жойда мавжуд, чунки У Ўзининг қувватидан фарқ қилмайди. Қуёш ўз нурларининг ҳар бир дюйм ва ҳар бир корпускуласи билан бир. Худди шундай Парвардигор ҳам Ўзининг қувватлари шаклида бутун борлиққа тарқалади. У – Параматма, олий йўл кўрсатувчи сифатида ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Олий Рух, шу боис У – барча тирик мавжудотларнинг жиловдори ва маслаҳатчисидир. Демак, У Ўзини Аржуннинг жиловдори қилиб кўрсатганида, бу ҳолат Унинг Олий мартабасига заррача путур етказа олмайди. Унинг Ўз содиқ

хизматкорининг жиловдори ёки элчиси бўлиб хизмат қилиши – Худога садоқат билан хизмат қилишнинг қанчалик кудратли эканини яққол намоён этувчи ҳол. У мутлақо рухий Зот бўлган ҳолда, ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурларга ҳеч қандай алоқаси йўқ, У Ўзининг фаолиятини қуйи ёки юксак фаолият деб ҳисоблаб ўтирмайди. У Мутлақ Худо Шахси бўлгани боис Унинг сохта ўзлиги йўқ, шунинг учун ҳеч қачон У Ўзини аслида Ўзи бўлмаган нарсага қиёсламайди. Ўзлик ҳақидаги моддий тушунча Унда умуман мавжуд эмас. Шунинг учун У Ўзининг асл содигининг жиловдори бўлишдан ор қилмайди. Худонинг асл содигининг улуғворлиги ҳам шунда: фақат угина суюкли Парвардигорини ўзига хизмат қилишга кўндиралади.

22. Аммо, барчага бирдек меҳрибон бўлишига қарамай, Унинг содиқ хизматкори бўлганим учун, бу дунёдаги умрим ниҳоясига етаётган пайтда, мендан Ўз марҳаматини аямай ҳозир У кўз олдимда пайдо бўлиб турибди.

Изоҳ: Гарчи Парвардигор Шри Кришна, Мутлақ Олий Шахс барчага бир хил муносабатда бўлса ҳам, барибир У бошқа бирор хўжайин ёки химоячини тан олмайдиган ва ўз ихтиёрини бутунлай Унга топшириб қўйган Ўзининг асл содиқларига алоҳида меҳрибонлик билан қарайди. Парвардигор ўзининг химоячиси, дўсти ва ҳукмдори эканига бўлган қатҳий ишонч – мангу ҳаётнинг табиий ҳолати. Парвардигорнинг амри билан тирик мавжудот шундай тузилганки, у ўзини бировга бутунлай қарам бўлган ҳолатга қўйганида ўзини энг бахтиёр деб ҳисоблайди.

Бунинг аксини қилишга интилан киши тубанликка юз тутади. Тирик мавжудот ўзини бутунлай мустақил ҳолда моддий оламга ҳукмронлик қилишга қодир деб ҳисоблашга мажбур қиладиган манманлик таҳсири остида тубанликка юз тутади. Барча муаммоларнинг асосий сабаби ана шу сохта ўзликда. Биз ҳар қандай вазиятда ҳам Худога интилишимиз лозим.

Бхишмадева Худонинг ҳамиша Унга интилиб яшайдиган асл содиги бўлгани учун Парвардигор Шри Кришна ажали етганида унинг ёнида пайдо бўлди. Аржун Кришна билан ўзаро қариндошлик ришталари билан боғланган, чунки Парвардигор унинг онаси тарафдан жияни бўлади, аммо Бхишма Парвардигор билан тана жиҳатидан қариндош эмасди. Шунинг учун уларнинг бир бирига ўзаро яқинлиги унинг руҳ(жон)ининг Парвардигор Шри Кришна билан яқинлиги эди. Лекин, барибир, тана жиҳатдан қариндошлик ришталари ҳам лаззат бағишлагани туфайли, “Махараж Нанданинг ўғли”, “Йашоданинг эркатоий” ёки “Радхаранининг севгилиси” деб мурожаат қилганларида Парвардигор бундан чуқур лаззат олади. Парвардигор билан ўзаро ана шундай қариндошлик ришталари У билан ўзаро

бир бирига муҳаббат билан илоҳий хизмат қилишнинг яна бир кўринишидир. Бхишмадева илоҳий раса(лаззат)нинг ширинлигини яхши биларди, шу боис унга Парвардигорга “Нанданандана” ёки “Яшода-нандана” деган номлар билан бирга “Виджая-сакха”, “Партха-сакха” ва ҳоказо деб мурожаат қилиш ҳам жуда ёқарди. Парвардигор билан ўзаро илоҳий лаззатли муносабат ўрнатишнинг осон йўли – Унга Унинг ҳамма тан олган яқин содиқлари орқали мурожаат қилишдан иборат. Парвардигор билан тўғридан-тўғри бевосита алоқа ўрнатишга уринмаслик керак, бунинг учун албатта Парвардигор билан бизнинг орамизда шаффоф парда вазифасини бажарадиган ва бизни ҳақиқий тўғри йўлга олиб чиқадиган воситачи бўлиши лозим.

23. Содиқ хизматкорининг самимий садоқати, муносабати, муқаддас номларни шарафлаб қуйлагани шарофати билан унинг ҳаёлида пайдо бўладиган Парвардигор, у моддий танасини тарк этиб кетаётган пайтда, уни гуноҳкор фаолиятининг қули бўлиб қолишдан озод этади.

Изоҳ: Йога – барча ташқи таҳсирлардан халос бўлган ақлнинг битта нарсага жамланган ҳолатидир. Ҳақиқатан ҳам, шу тарзда ақли бир жойга жамлаш – самадхи, инсон фақат Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлган ҳолат ҳисобланади. Ўзининг диққат-эҳтиборини ана шу тарзда фақат бир нарсада машғул қиладиган кишини йог деб атайдилар. Ана шундай йог, Парвардигорнинг содиқ хизматкори Худога садоқат билан хизмат қилишнинг қуйидаги тўққиз усули ёрдамида ҳамиша Унга хизмат қилиб юради: тинглаш, шарафлаб қуйлаш, эслаш, сажда қилиш, илтижо қилиш, ихтиёрий равишда Унинг хизматкори бўлиш, буйруқларини бажариш, дўст бўлиш, ўзининг ҳамма нарчасини Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида сарфлаш. ана шундай хизмат қилиш содиқнинг ақлини фақат Парвардигор ҳақидаги ўйлар билан банд қилиб қўяди. Йога билан ана шундай шуғулланиш, яҳни Парвардигор билан Унга хизмат қилиш орқали боғланиш шарофати билан Парвардигорнинг Ўзи уни содиқ хизматкор сифатида тан олади. Бу «Бхагавад-гита»да самадхининг энг юксак ҳолати тахрифланганда тушунтирилади. Парвардигор ана шундай нодир содиқ хизматкорини йоглар ичида аҳлоси деб атайди. Парвардигорнинг илоҳий марҳамати туфайли ана шундай комил йог онгли равишда ақлини бутунлай Худога мужассам қилиш қобилиятига эга бўлади, танасини тарк этиб кетаётган, у Худонинг муқаддас номларини зикр қила бошлагани сабабли, Парвардигорнинг ички қуввати бундай йогни дарров мангу сайёралардан бирига кўтариб қўяди, у жойда моддий ҳаётдан ва унга хос бўлган ҳар хил азоб-уқубатлардан асар ҳам йўқ. Тирик мавжудот моддий оламда, моддий

шароитларда яшар экан умрлар оша ўзининг кармали фаолиятига асосан муқаррар келадиган моддий ҳаётнинг уч турли мусибатларига дучор бўлаверади. Моддий ҳаёт фақат моддий истаклардан келиб чиқади. Худога садоқат билан хизмат қилиш тирик мавжудотнинг табиий истакларини яқсон қилмайди, лекин бу истаклардан Худога садоқат билан хизмат қилишда фойдаланиш лозим. Биринчи навбатда бу рухий оламга кўтарилиш истагига тааллуқли. Буюк саркарда Бхишмадева йоганинг бхакти-його деб аталадиган алоҳида турини эслатиб ўтади. У ўзининг моддий танасини тарк этиб кетаётганида кўз олдида Парвардигорни кўриш бахтига муяссар бўлди. Шу боис кейинги шеърларда у Парвардигордан то танасини бутунлай тарк этгунча ёнида туришни илтимос қилади.

24. Тонг шафағи сингари қизғиш кўзлари порлаб, чиройли безанган нилуфарсиймон сиймосида табассум ўйнаб турган тўрт қўллик Худойим, токи мен бу дунёни бутунлай тарк этиб кетгунча шу ерда кутиб турсин!"

Изоҳ: Парвардигор Шри Кришна – азалий Нараяна эканини Бхишмадева жуда яхши биларди. У сифиниб юрган Парвардигор тўрт қўллик Нараяна эди, аммо у билардики, тўрт қўллик Нараяна – Парвардигор Шри Кришнанинг тўла намоён бўлган қиёфаси. Бу билан у Парвардигор Шри Кришна Ўзини тўрт қўллик Нараяна қиёфада намоён этишини истаётганини эслатиб қўйяпти. Вайшнавлар ҳамиша ўзларини камтар тутадилар. Бхишмадева ҳозирги танасини тарк этгандан кейин Вайкунтха-дхаммага йўл олишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Лекин, шунга қарамай, камтарин вайшнав сифатида у Парвардигорнинг гўзал сиймосини кўришни истарди, чунки у ҳозирги танасини тарк этиш билан Уни бевосита кўриш имкониятидан маҳрум бўлиши мумкин. Вайшнав Парвардигор унга Ўзининг мангу даргоҳига кириш имкониятини бергани билан мағрурланмайди. Бу ерда Бхишмадева: “токи мен танамни тарк этгунча” – деб айтяпти. Демак, буюк саркарда танасини ўз хоҳиши билан тарк этишни ният қиляпти. Уни бунга табиат қонунлари мажбур қилаётгани йўқ. У шу қадар қудратли эдики, ўзининг танасида истаганча қолиб кетиши мумкин. У ўзининг отасидан ана шундай фотиҳа олган эди. У Парвардигор унинг олдида тўрт қўлли Нараяна қиёфасида намоён бўлишини, Унга қараб туриб у чуқур муруқабага ғарқ бўлишни истаётганди. Шунда Парвардигор ҳақидаги ўйлар унинг ақлини поклаган ва танасини тарк этгандан кейин қаерга йўл олиши унинг учун барибир бўларди. Худонинг асл содиғи ҳеч қачон Унинг салтанатига қайтиб боришга қаттиқ интилмади. У ўз ихтиёрини бутунлай Худога топшириб қўяди. Парвардигор уни ҳатто дўзахга жўнатса ҳам барибир Худодан мамнун бўлади. Худонинг асл

содиғи қалбида авайлаб асраб юрадиган ягона истак – ҳар қандай вазиятда, ҳар қандай шароитда ҳам Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юришдан иборат. Бхишмадева фақат бир нарсани истарди: Парвардигор ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиш ва айнан ана шундай ҳолатда бу дунёни тарк этишю мана шу – Худонинг ҳар бир асл содиғи интиладиган энг олий мақсад ҳисобланади.

25. Сута Госвами шундай деди: "Бхишмадеванинг ана шундай ялиниш оҳангида гапираётганини кўриб, Махаража Юдҳиштхира тўпланган барча буюк донишмандлар олдида, унга ҳар хил диний вазифаларни бажаришнинг асосий йўл-йўриқлари, қонун-қоидалари тўғрисида савол бера бошлади.

Изоҳ: Бхишмадева ялиниш оҳангида гапирарди, Махараж Юдҳиштхира бундан англаб етдики, у тез орада бу дунёни тарк этади. Парвардигор Шри Кришна шу ерда тўпланган буюк донишмандлар олдида Махараж Юдҳиштхирани Бхишмадевага асосий диний қонун-қоидалар ҳақида саволлар беришга ундади. Бу билан У ҳаммага кўрсатиб қўймоқчи эдики, Худонинг Бхишмадева сингари асл содиғи, гарчи сиртдан қараганда оддий дунёвий инсонлардай яшаса ҳам, аслида уларнинг ҳаммасидан, ҳатто Вйасадевадан ҳам устун туради. Бунинг устига, ҳозир Бхишмадева шунчаки пайконлардан ясалган тўшакда ётиб қолмасдан, танасидаги жароҳатлари сабабли қаттиқ изтироб чекарди. Бундай вазиятда унга ҳеч қандай саволлар бериш керак эмасди, лекин Парвардигор Шри Кришна Ўзининг асл содиғи эгаллаган рухий илми шарофати билан ҳамиша ҳам жисмоний, ҳам рухий жиҳатдан соғлом эканини, шу боис ҳар қандай вазиятда ҳам Ҳақиқат йўли ҳақида гапиришга тайёр эканини исботламоқчи эди. Юдҳиштхира ҳам шу ерда тўпланган, Бобокалонидан билимдонроқ кўринган бошқа бировга эмас, балки айнан Бхишмадевага саволлар бериб қалбидаги барча шубҳаю-гумонлардан халос бўлмоқчи эди. Буларнинг ҳаммасини қўлига халқа ушлаб олган, ҳамиша Ўзининг содиқларининг шон-шухратини, обрўсини ўйлаб юрадиган Парвардигор Шри Кришна уюштирган эди. Ҳар бир ота ўғли ўзидан кўра машхурроқ бўлиб етишишини истайди. Парвардигор алоҳида таҳқиқлаб айтадики, У Ўзининг содиқ хизматкорига сифинишни бевосита Унинг Ўзига сифинишдан устун қўяди.

26. Юдҳиштхиранинг саволига жавобан Бхишмадева аввало, ҳар бир алоҳида шахснинг шахсий сифатлари асосида барча табақа ва ижтимоий синфларнинг жамиятда тутган ўрнини белгилаб берди. Кейин, навбат билан икки нуқтаи-назардан - боғланмаслик

ёрдамида қарши туриш ва боғланиш ёрдамида ўзаро ҳамкорлик қилиш йўллари таҳрифлаб берди.

Изоҳ: Инсон ҳаётининг Парвардигорнинг Ўзи белгилаб қўйган тўрт табақа ва тўрт хил турмуш тарзи («Бхагавад-гита».4.13) ҳар бир алоҳида шахсда илоҳий сифатларни ривожлантириш учун мўлжалланган. Шунда инсон аста-секин ўзининг руҳий “мен”ини англаб етади ва шунга асосан яшай бошлайди, шу тариқа у моддий олам тутқунлигидан, яҳни шартланган ҳаётдан озодликка чиқа олади. Деярли барча Пураналарда, “Маҳобҳорат”нинг “Шанти-парва”сида олтмишинчи бобдан бошлаб ана шу тизим деярли бир хилда таҳрифланади, Бхишмадева ҳам уни батафсил тушунтириб беради.

Варнашрама-дхарма маданиятли инсон учун фақат у ўзининг инсон танасидаги умрини муносиб яқунлаши учун яратилган. Умрини руҳий ўзлигини англашга бағишлаган кишининг ҳаёти бошқа, фақат овқатланиш, ухлаш, ўзини муҳофаза қилиш ва жинсий алоқа билан шуғулланиб юрган пасткаш хайвонларнинг ҳаётидан тубдан фарқ қилади. Бхишмадева барча инсонларга ўзида куйидаги тўққиз сифатни ривожлантиришни маслаҳат беради: 1. ғазабланмаслик; 2. ёлғон гапирмаслик; 3. ҳеч қандай боғланишсиз ўз бойлигини бошқаларга тарқатиш; 4. кечиримли бўлиш; 5. фақат ўзининг қонуний хотинидан фарзанд кўриш; 6. ақли ва танасини ҳамиша покиза тутиш; 7. ҳеч кимни ўзига душман деб билмаслик; 8. оддий, содда бўлиш; 9. ўзининг хизматкорлари ва қарамоғидагиларга ғамхўрлик қилиш. Мана шу оддий инсоний фазилатларга эга бўлмаган киши ўзини маданиятли инсон деб аташга ҳаққи йўқ. Бундан ташқари, браҳман(зиёли)лар, раҳбар ходимлар, савдогарлар ва ишчилар синфига мансуб кишилар ҳар бири ўзларининг бурч ва вазифаларини бажариш билан боғлиқ фаолиятига мос келадиган, барча ведавий битикларда кўрсатиб ўтилган бошқа алоҳида сифатларга эга бўлиши лозим. Зиёли одамларнинг энг асосий сифати – ўзининг ҳиссиётини жиловлай олиш. Мана шу одоб-ахлоқ мезонининг асосини ташкил этади. Маданиятли инсон ҳатто ўзининг қонуний хотини билан ҳам чекланган миқдорда жинсий алоқа қилиши лозим, бу қоида ўзидан-ўзи оилада бола туғилишини, жамиятда аҳоли сонининг кўпайишини тартибга солади. Агар зиёли киши Ведаларда кўрсатилган қонун-қоидаларга асосланган турмуш тарзи билан яшамаса, ўзига ато этилган шундай ажойиб сифатларидан нотўғри фойдаланаётган бўлади. Демак, у ведавий Муқаддас китобларни, айниқса "Шримад Бхагаватам" ва «Бхагавад-гита»ни жиддий ўқиб ўрганиши лозим. Ведалар илмини ўрганиш учун умрини Худога садоқат билан хизмат қилишга бутунлай бағишлаган кишига мурожаат қилиш лозим. У шастраларда

таҳқиқланган амалларни тарк этиши лозим. Ароқ ичадиган, чекадиган киши бошқаларга таҳлим-тарбия берадиган лавозим ёки касбни эгаллашга ҳаққи йўқ. Замонавий таҳлим-тарбия тизимида ўқитувчиларнинг фақат академик илмига эҳтибор берилади, аммо унинг ахлоқ-одобига, маҳнавиятига панжа орасидан қаралади. Натижада бундай таҳлим-тарбия шунга олиб келадики, одамлар ўзларининг ривожланган ақли ва тафаккуридан ҳар хил соҳаларда нотўғри фойдаланадилар.

Кшатрий, раҳбар лавозимини эгаллаб турган киши мунтазам равишда албатта эҳсон қилиши ва ҳеч қачон, ҳеч қандай ғвазиятда ҳам бировдан эҳсон олмаслиги керак. Замонавий раҳбарлар турли сиёсий тадбирлар учун жуда кўп эҳсон йиғиб оладилар, лекин ҳеч қачон, бирор расмий маросимда фуқароларга эҳсон улашмайдилар. Бу ҳолат шастраларнинг кўрсатмаларига бутунлай зид. Раҳбарлар табақасига мансуб кишилар шунчаки ўқитувчи бўлиб қолмасдан, шастраларни яхши билишлари керак. Раҳбар лавозимини эгаллаб турган киши ҳеч қачон иккиюзламачилик билан “биз беозорлик тарафдоримиз” деб эҳлон қилмаслиги лозим, чунки бу йўл уларни тўппа-тўғри дўзахга олиб боради. Курукшетрадаги жанг майдонида Аржун бировларга зулм кўрсатишни инкор этадиган қўрқоқлик йўлини танлаганида Парвардигор уни қаттиқ койиди. Аржуннинг бошқаларга озор бермаслик учун келган бундай қарори учун Парвардигор уни энг пасткаш, маданиятсиз одамлар қаторига қўшиб қўйганди. Бошқаларга ҳукмронлик қилиш табақасига мансуб бўлган ҳар бир киши албатта ҳарбий таҳлим олиши лозим. Қўрқоқ одам шунчаки кўпчилик одамлар унга овоз бергани учунгина президент лавозимини эгаллаб ўтирмаслиги керак. Авваллари барча шоҳлар хасур инсонлар эдилар, шу боис агар шоҳ ўзининг мартабасига лойиқ таҳлим-тарбия олган бўлса ва шоҳнинг халқ, жамият олдидаги бурчи нимадан иборат эканини билса, жамиятда монархия тизимини қўллаб-қувватлаш керак. Шоҳ ёки президент, агар душман жароҳат етказмаган бўлса, то ғалаба қозонмагунча жанг майдонини ташлаб кетмаслиги керак. Ҳозирги замондаги ўзларини шоҳ деб юрган раҳбарлар жанг майдонида ҳатто номига бир марта бўлса ҳам кўринмайдилар. Аммо улар алдамчи ватанпарварлик туйғусидан моҳирона фойдаланиб аскарларнинг жанговор руҳини сунхий равишда кўтариб туришни яхши биладилар. Кшатрийлар табақаси тубанликка юз тутиб, жамиятга савдогар ва ишчи-хунармандларга хос сифатларга эга раҳбарлар бошчилик қила бошлаган заҳоти жамиятни бошқариш тизими ишдан чиқади.

Вайшьялар, савдогарлар синфига мансуб кишиларнинг биринчи, энг асосий вазифаси – сигирларни ҳимоя қилишдан иборат. Сигирларни ҳимоя қилиш сут маҳсулотлари – сариеғ ва

пишлоқ ишлаб-чиқаришни ривожлантиришга имкон беради. Қишлоқ-хўжалиги билан шуғулланиш ҳамда овқат тарқатиш – Ведалар тахдмотини ўрганган ва эҳсон қилишга одатланган вайшғяларнинг асосий бурчи ҳисобланади. Кшатрийларга фуқароларни ҳимоя қилиш маҳсулияти юклатилгани сингари, вайшғяларга ҳайвонларни, айниқса сигирларни ҳимоя қилиш бурчи юклатилган. Ҳайвонларни ҳеч қачон ўлдирмаслик керак. Тирик мавжудотларни ўлдириш – қонхўр, ёвуз одамлар жамиятининг белгиси ҳисобланади. Етарли миқдорда овқатланиш ва эҳтиёжини тўла қондириш учун инсонга қишлоқ-хўжалик маҳсулотлари, мева ва сут маҳсулотлари кифоя. Инсоният бошқа ғирик мавжудотларнинг ҳаётини муҳофаза қилишга кўпроқ эҳтибор бериши лозим. Ишчилар катта-катта саноат корхоналарида ишлаётганида жамият уларнинг бунёдкорлик қувватидан ногўгри фойдаланаётган бўлади. Ҳеч қандай саноат корхонаси инсон ҳаёти учун энг зарур бўлган маҳсулотлар - гуруч, дон, ғалла, сут, мева ва сабзавотларни ишлаб чиқара олмайди. Машина ва ҳар хил ускуналарни ишлаб чиқариш бир ҳовуч бадавлат одамларнинг сунҳий ўйлаб топилган эҳтиёжларини тобора кўпайтириш билан бирга минглаб одамларни оч қолиб, турмушидан норози бўлиб яшашига олиб келади, холос.

Шудралар, ишчилар табақасига мансуб кишиларнинг ақл-идроки ривожланмаган бўлади, шу боис уларга тўла мустақиллик бериб қўймаслик керак. Уларнинг бурчи – жамиятнинг уч юқори синфига мансуб кишиларга сидкидилдан хизмат қилишдан иборат. Ишчилар синфига мансуб одамлар юқори табақага мансуб кишиларга ҳалол хизмат қилиш натижасида яшаш учун зарур бўлган ҳамма нарсага эришади. Ведаларда алоҳида таҳкидлаб айтилганки, шудралар мол-дунё тўпламаслиги керак. Шудранинг қўлига пул тушган заҳоти у пулларини гуноҳкор фаолиятга сарфлай бошлайди: ароқ, айшу-ишрат ва қимор ўйинлари ва ҳок. Жамиятда ароқ сотилиши, қимор ўйинларининг, ноқонуний жинсий алоқанинг кўпайиши аҳолининг аксарият кўпчилиги ҳатто шудралардан ҳам пастрок тубанликка юз тутганини кўрсатади. Жамиятнинг юқори табақаларига мансуб кишилар ҳамиша шудраларга ғамхўрлик қилиши, уларни ўзларининг эскирган кийимлари билан таҳминлаб туриши лозим. Шудра ҳеч қачон, ҳатто хўжайини кексайиб, мадори қуриб қолган бўлса ҳам, ўзининг хўжайинини ташлаб кетмаслиги керак. Хўжайини эса, қўл остидаги хизматкорларга ғамхўрлик қилиши, уларнинг ҳамиша ўз ҳаётидан мамнун бўлиб юришини таҳминлаши лозим. Қурбонлик маросими ўтказишдан олдин биринчи навбатда шудраларга кийим-кечак тарқатиш ва қорнини тўйғазиш билан уларни мамнун қилиш лозим. Ҳозирги даврда миллионлаб пуллар сарфланадиган жуда кўп маросимлар ўтказилади,

аммо, шундай маросимларда ҳеч қачон бечора шудраларга овқат улашилмайди, уларга хайр-эҳсон, кийим-кечак ва бошқа нарсалар улашилмайди. Шу боис ишчилар синфи ҳамиша норози бўлиб, жамиятга жуда кўп ташвиш келтиради.

Шуни айтиш лозимки, жамиятни варна(синф, табақа)ларга ажратиш – одамларнинг касбига, фаолиятининг турига асосланган, ашрама-дхарма эса - инсоннинг руҳий ўзлигини англаш зинопоясидан аста-секин юқори поғонага кўтарила боришни билдиради. Улар ўзаро бир бирига чамбарчас боғлиқ ва бир бирини тўлдириб туради. Ашрама-дхарманинг асосий мақсади – инсоннинг илмини ошириш ва унда бу дунёга боғланмаслик туйғусини ривожлантиришдан иборат. Брахмачарий ашрамида инсон руҳий илм асосларини ўрганади. Бу ашрамда инсон бу моддий олам аслида тирик мавжудотнинг ҳақиқий уйи эмаслиги ҳақида илм олади. Моддий тутқунликка тушиб қолган шартланган руҳлар – моданинг қуллари ҳисобланади, шунинг учун руҳий ўзликни англаш – инсон ҳаётининг олий мақсади ҳисобланади. Бутун ашарам-дхарма тизими инсонда таркидунёлик туғусини ривожлантиришга қаратилган. Қалбида таркидунёлик туйғусини ривожлантира олмаган киши оила қуриб, унда ҳам таркидунёлик руҳи билан яшаш мумкин. Қалбида таркидунёлик туйғусини ривожлантира олган киши эса, дарров ҳаётнинг руҳий тўртинчи поғонасига – таркидунёлик турмуш-тарзига ўтиб, ҳеч қандай бойлик, мол-дунё тўпламасдан, фақат ҳаёт учун энг зарур бўлган нарсалар билан қаноатланиб, фақат хайр-эҳсон ҳисобига кун кечириб, руҳий ўзликни англашнинг энг юқори поғонасига кўтарилиши мумкин. Оилавий ҳаёт дунёвий ҳаётга боғланиб қолган кишилар учун, ванапрастха ва санньяси турмуш тарзи эса, бу дунёга боғланмаган кишилар учун мўлжалланган. Бахмачари-ашрам моддий ҳаётга боғланган ва боғланмаган кишиларга илм ўргатиш учун мўлжалланган.

27. Кейин у навбат билан хайрли ишлар, шохнинг амалий фаолияти ҳамда инсонни озодликка чиқарувчи фаолият қандай эканини таҳрифлаб берди. Сўнгра у аввалига қисқача, кейинроқ эса, батафсил равишда аёлларнинг ҳамда Худонинг содиқларининг бу дунёдаги бурч ва вазифаларини таҳрифлаб берди.

Изоҳ: Оилали кишининг асосий вазифаларидан бири – хайр-эҳсон қилиш. Оилали киши бунинг учун ҳалол йўл билан оғир меҳнат қилиб ишлаб топган даромадининг камида ярмисини сарфлашга тайёр бўлиши лозим. Брахмачари, шогирд қурбонлик маросими ўтказиши лозим, оилали киши – хайр-эҳсон қилиши, оилавий ишларни тарқ этган ёки бутунлай таркидунё қилган киши эса – қаттиқ риёзатларга берилиб яшаш лозим. Руҳий

ўзликни англашга бағишланган ҳаётда ҳар хил ашрам – турмуш тарзи билан яшаётган кишиларнинг асосий вазифалари шулардан иборат.

Брахмачарий ашрамида инсон бутун борлиқ ягона Парвардигорнинг мулки эканини, шу боис ҳеч ким бу дунёдаги бирор нарсани “меники” деб эғалик қилишга ҳаққи йўқ эканини тушунишга ёрдам берадиган илмга эга бўлади. Демак, кишига жинсий алоқа қилишга расмий равишда рухсат берадиган оилавий ҳаёт турмуш тарзи билан яшаётган грихастха топган даромадидан Худога садоқат билан хизмат қилишга сарфлаши лозим. Ҳар ким ўзининг куч-қудратини Парвардигорнинг қувват манбаидан олади, демак, шу куч-қувватнинг фаолияти натижасида эришилган нарсаларни ҳам Худога садоқат ва муҳаббат билан хизмат қилиш сифатида Худога бериш керак. Дарёлар ўзининг сувини денгиз юзидан пар сифатида кўтарилган булутлардан олади, кейин шу сувларни у яна ўша денгизга олиб боради. Худди шундай биз ҳам ўзимизнинг қувватимизни олий манбадан – Худонинг қувватидан оламиз ва биз уни Худонинг Ўзига қайтаришимиз лозим. Шунда биз ўзимизнинг қувватимиздан тўғри фойдаланган бўламиз. Шунинг учун Парвардигор «Бхагавад-гита»(9.27)да айтадики, биз нима иш қилсак ҳам, нима қурбон қилсак ҳам, нима есак, нима берсак ҳам, қандай риёзат чексак ҳам – ҳаммасини Худога таклиф қилишимиз лозим. Биз Ундан қарзга олган қувватимиздан шундай фойдаланишимиз лозим. Агар биз ўз қувватимиздан шундай фойдалансак, у барча моддий иллатлардан покланади, шунда биз ўзимизнинг азалий табиий ҳолатимизга, Худога садоқат билан хизмат қилишга муносиб бўламиз.

Раджа-дхарма – буюк илм, у сиёсий устиворликка эришишга қаратилган замонавий дипломатиядан фарқ қилади. Шоҳлар шунчаки халқдан солиқ йиғувчи киши бўлиб қолмаслиги учун атайлаб уларни саховатли, сахий ва олижаноб бўлишга ўргатганлар. Уларни ўз фуқароларининг бахт-саодатини ўйлаб ҳар хил қурбонлик маросимлари ўтказиб туришга ўргатганлар. Шоҳнинг энг олий бурчи – праджаларни озодликка чиқиш йўлидан олиб бориш. Ҳар бир ота, ҳар бир руҳий устоз ва ҳар бир шоҳ ўзининг бурчи – ўзининг қармоғидагиларни туғилиш, ўлиш, кексалик ва касалликлардан биратўла халос бўлишга олиб борадиган йўлга чиқаришдан иборат эканини эсдан чиқармаслиги керак. Агар улар ўзларининг ана шу асосий вазифаларини тўғри бажариб яшасалар, “халқдан чиққан ва халқ учун хизмат қиладиган” ҳукумат бошлиғини сайлаб юришга ҳожат қолмайди. Ҳозирги даврда одамлар одатда турли йўللار билан сайловчиларнинг овозини тўплаб ҳукумат лавозимини эгаллайдилар, лекин улар шоҳнинг асосий вазифаси нимадан иборат эканини билмайдилар. Буннинг устига, будай юксак вазифани ҳамма ҳам бажаришга қодир

бўлавермайди. Ана шундай, ҳеч қандай тайёрлик кўрмаган раҳбарларнинг, ўз фуқароларини бахтиёр қилиш йўлида бекорга уринишлари сабабли ҳамма жойда пала-партишлик ва парокандалик, йўқчилик юзага келади. Бунинг устига, муносиб равишда таҳлим олмаган, бундай маҳсулиятли ишни бажариш учун етарли тайёргарлик кўрмаган раҳбарлар аста-секин ўғри ва қароқчиларга айланадилар ва халқ фаровонлигини ошириш йўлида бирор иш қилишга қодир бўлмаган маҳмурият аҳзолари тўпланган катта “ҳукумат аппарати”ни боқиш учун солиқларни тобора ошира борадилар. Аслида шоҳлар Парашара Мунининг “Ману-самхита” ва “Дхарма-шастра” сингари муқаддас китоблари асосида халқни қандай бошқариш лозимлигини яхши биладиган малакали браҳманларнинг кўрсатмаларига амал қилишлари лозим. Адолатли шоҳ барча фуқаролар учун намунали ҳаёт кечириши лозим, агар шоҳ такводор, ҳалол, жасур ва олижаноб бўлса, фуқаролар ҳам унга тақлид қилиб яшайдилар. Ана шундай шоҳ ҳеч қачон ўз фуқаролари ҳисобидан кун кечирадиган дангаса, айшу-ишратга берилган киши бўлмайди. У ҳамиша ўғри ва қароқчиларни аёвсиз яксон қилишга тайёр бўлади. Такводор шоҳлар бемахни “беозорлик”(ахимса) қоидасини пеш қилиб, ҳар хил ўғри ва қароқчиларга шафқат қилмаганлар. Улар жамият тинчлигини бузишга ҳеч ким журҳат қилолмаслиги учун ўғри ва қароқчиларга нисбатан очикчасига бешафқат жазо қўллаганлар. Ана шундай ўғри ва қароқчиларни ҳеч қачон ҳозиргидай ҳукуматни бошқариш ишларига яқинлаштирмаганлар.

Солиқ тизими ҳам оддий бўлган. Бунда ҳеч қачон адолатли шоҳ куч ишлатмаган, ўзбошимчаликка йўл қўйилмаган. Шоҳ фуқаронинг ишлаб топган топган даромадининг чорак қисмини олишга ҳақли бўлган, шу боис у ҳар кимнинг мулкининг тўртдан бир қисмини талаб қила олган. Фуқаролар ўз даромадининг чорак қисмини шоҳга ҳеч қийналмасдан берганлар, чунки шоҳнинг ҳалол ва такводорлиги сабабли табиий бойликлар етарли миқдорда бўлган: дон, ғалла, мевалар, гуллар, ипак, пахта, сут, кимматбаҳо тошлар, фойдали қазилмалар ва ҳоказо. Шундай қилиб, моддий жиҳатдан ҳамма бахтли яшаганлар. Қишлоқ хўжалиги ва сут маҳсулотлари етиштириш кенг ривожланган, шу боис аҳоли етарли миқдорда ғалла, мева ва сут маҳсулотларига эга бўлган, сунҳий равишда ўйлаб топилган ҳар хил кина, бар, косметика сингари нарсаларга эҳтиёж бўлмаган.

Фуқароларнинг ортиқча жисмоний қувватидан тўғри фойдаланишни назорат қилиш ҳам шоҳнинг вазифаси ҳисобланади. Инсоннинг бутун қуввати ўзининг ҳайвоний эҳтиёжларини қондириш учун эмас, балки руҳий ўзлигини англаш йўлида ишлатилиши лозим. Айнан ана шу мақсадда халқни назорат қилиш учун ҳукумат

ташкил этилган. Шу боис шоҳ ўз вазирларини сайлов йўли билан эмас, балки диққат билан ўрганиб қаттиқ синовдан ўтказиб танлаши лозим. Шоҳлар ўз вазирларини, саркардаларини ва ҳатто оддий аскарларни ҳам уларнинг шахсий сифатларига қараб сайлаганлар. Уларга бирор маҳсулиятли лавозимни топшириш учун шоҳ уларни ҳар томонлама синаб кўрган. Айниқса, тапасвилар, яҳни халқ орасида руҳий илмни тарқатиш йўлида ҳамма нарсасини курбон қилган кишиларга одамлар ҳамма жойда муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатишини шоҳлар қаттиқ назорат қилганлар. Парвардигор Ўзининг асл содиқларини озгина бўлса ҳам ҳақорат қилган кишиларни ҳеч қачон кечирмаслигини шоҳлар жуда яхши билганлар. Ана шундай тапасвиларни ҳатто ўғри ва қароқчилар ҳам чуқур ҳурмат қилиб, уларнинг кўрсатмаларига амал қилганлар. Шоҳ илмсиз, ғофил, ёрдамга муҳтож одамларга ҳамда бевабечораларга алоҳида ғамхўрлик қилган. Душман хужумини бартараф қилиш учун олдиндан химоя чоралари кўриб қўйилган. Фуқароларнинг солиқлари енгил бўлиб, ундан тўпланган пуллар шамолга совурилмасдан эҳтиёткорлик билан ҳазинада сақланган. Жангчиларни давлатнинг ҳамма жойидан хизматга чақирганлар, улар маҳсул тайёргарликдан ўтган.

Озодликка эришиш учун инсон қуйидаги иллатлардан ҳаолс бўлиши лозим: шахвоний эҳтирос, ғазаб, ман қилинган бемаҳни истаклар, очкўзлик ва алданиш. Ғазабдан қутулиш учун кечиримли бўлишни, бошқаларни кечиришни ўрганиш лозим. Бемаҳни истаклардан қутулиш учун ҳар хил режалар тузишни бас қилиш лозим. Руҳий маданият асосида яшаш билан уйқуни, дангасаликни енгиш мумкин. Истаклар ва очкўзлик иллатини фақат сабр-тоқат билан енгиш мумкин. Овқатланишни ўз вақтида тўғри ташкил қилиш билан ҳар хил касалликлар сабабли юзага келадиган ташвишлардан ҳалос бўлиш мумкин. Ўзини тута билиш, ҳиссиётни жиловлаб олиш орқали эришиб бўлмайдиган нарсаларга интилишдан, турли истак-орзулардан ҳалос бўлиш мумкин. Бемаҳни одамлар билан суҳбат бўлишдан сақланиш орқали пулларни бекорга сарфлашдан қутулиш мумкин. Йога билан шуғулланиб очлик сабабли келадиган ташвишлардан қутулиш мумкин. Бу дунёнинг ўткинчи экани ҳақидаги илмга эга бўлиб дунёвий ташвишлар учун безовта бўлишдан қутулиш мумкин. Ўриндан туриш билан бош айланишидан қутулиш мумкин, ҳақиқат илмини эгаллаш билан алдамчи нарсаларга боғланишдан қутуламиз. Кўп гапиришдан жиддийлик ва сукут сақлаш ёрдамида ҳалос бўлиш, жасорат билан кўрқувни енгиш мумкин. Онгли ва жиддий равишда мунтазам илм ўрганиш орқали мукамал илмга эга бўлиш мумкин. Руҳий озодликка олиб борувчи йўлга чиқиб олиш учун инсон эҳтирос, очкўзлик, ғазаб ва уйқучилик ва бошқа иллатлардан ҳалос бўлиши лозим.

Аёллар – эркакларни эзгу ишларга илҳомлантирадиган куч ҳисобланади. Ана шу жиҳатидан аёллар эркаклардан қудратлироқ ҳисобланади. Қудратли ҳукмдор Юлий Цезарг малика Клеопатранинг ҳукми остида эди. Ана шундай қудратли аёлларни уятчанлик туйғуси тўхтатиб туради. Шу боис аёллар ҳамisha уятчан, иболи, ор-номусли бўлишлари лозим. Аёллар орасида ана шундай эзгу фазилатлар камайган сари аёллар ноқонуний жинсий ҳаётга берилиб кетиб, жамиятга катта зарар етказишлари мумкин. Ана шундай ноқонуний алоқалар оқибатида жамиятда бемаҳни, кераксиз фарзандлар – варна-санкара кўпайиб кетади, улар жамиятга жуда кўп ташвиш келтирадилар.

Бхишма ўргатган охириги нарса – қандай қилиб Худони, ягона Парвардигорни рози қилиш мумкин. Бизлар - Худонинг мангу хизматкорларимиз, аммо, буни эсимиздан чиқариш билан биз асл табиатимизнинг сезиларли қисмидан маҳрум бўламиз ва моддий ҳаётга шартланиб қоламиз. Худони мамнун қилишнинг энг осон йўли – уйда Илоҳ, Худонинг бу дунёда намоён бўлган қиёфасини ўрнатиш. Инсон ўзининг диққат-эҳтиборини Илоҳда мужассам қилиб, ўзининг одатдаги фаолиятини давом эттириб юрса ҳам, барибир руҳий юксалишга эришиши мумкин. Уйда Илоҳларга сиғиниш, Худонинг содиқларига хизмат қилиш, "Шримад Бхагаватам"ни тинглаш, ўрганиш, муқаддас саждагоҳда яшаш ва Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш - буларнинг ҳаммаси катта маблағ талаб қилинмайдиган ишлар бўлиб, улар билан шуғулланиб инсон Худонинг розилилига эришади. Мана шу энг буюк бахтдир. Бхишма ўзининг невараларига ана шундай сабоқ берди.

28. У инсоният тарихидан ҳар хил мисоллар келтириб, ҳар бир табақа ва синф аҳзоларининг бурч ва вазифаларини гапириб берди, чунки у ҳақиқат илмини тўлиқ биларди.

Изоҳ: “Махобҳорат”, “Рамайна” сингари Пураналарда ёзилган воқеа-ҳодисалар - инсоният тарихида бўлиб ўтган, лекин аниқ тарихий хронологик тартибда ёзилмаган ҳақиқий ҳаётий фактлардир. Бу тарихий ҳикоялар оддий одамларга сабоқлар сифатида тўплангани сабабли хронологик тартибда ёзилмаган. Бунинг устига бу воқеалар ҳар хил сайёраларда, ҳатто турли коинотларда бўлиб ўтган, шу боис улар баҳзида уч ўлчамда таҳрифланади. Гарчи бизларнинг чекланган ақлимиз учун улар ҳатто хронологик тартибда ёзилмагандай кўринса ҳам, бизларни фақат уларнинг ибрат берадиган жиҳати қизиқтириши лозим. Махараж Юдҳиштҳиранинг турли саволларига жавобан Бхишмадева унга мана шу воқеалар ҳақида гапириб берди.

29. Бхишмадева жамиятнинг турли табақаларига мансуб одамларнинг вазифаларини тушунтириб бергунча қуёш шимолий ярим шар томонга ўтди. Ўз хохиши билан танасини тарк этадиган сеҳргарлар одатда куннинг ана шундай ҳолатини танлайдилар.

Изоҳ: Комил йоглар, сеҳргарлар моддий танасини ўз хохиши билан куннинг маҳлум вақтида тарк этадилар ва ўзлари истаган сайёрага равона бўладилар. «Бхагавад-гита»(8.24)да айтилганки, ўз истақларини Худонинг истагига тўла мослаштирган, рухий ўзлигини англаб етган буюк зотлар одатда моддий танасини олов фариштаси хукмрон бўлган, қуёш шимолий ярим шар бўйлаб ҳаракат қилаётган пайтда тарк этадилар. Шу тариқа улар рухий оламга эришадилар. Ведалар таҳлимоти бўйича ана шу вақт – танани тарк этиш учун шарофатли вақт ҳисобланади, шу боис бу йога тизимида камолотга эришган тажрибали сеҳргарлар ана шу вақт имкониятидан фойдаланадилар. Йогада камолотга эришиш – моддий танани ўзи истаган пайтда тарк этиш имкониятига эга бўлиш учун олий онгга эга бўлиш демакдир. Бундан ташқари йоглар жуда қисқа вақт ичида олий сайёралар тизимига кўтарила оладилар, аммо материалистлар бунга қодир эмаслар. Соатига миллион қақирим тезлик билан учсак ҳам, олий сайёраларга етиб бориш учиб бориш учун миллионлаб йиллар керак бўлади. Албатта, бу бошқа масала, лекин Бхишмадева бу илмнинг сирларини ҳам яхши билган. У ўзининг моддий танасини тарк этиш учун қулай пайт келишини пойлаб ётарди. Бхишмадева ўзининг олижаноб неваралари Пандавларга панду-насихат қилиб турганида ана шундай шарофатли пайт келди. Шунинг учун у Парвардигор Шри Кришна, олийаноб Пандавлар ва Бхагаван Вйаса бошлиқ буюк донишмандлар иштирокида ўзининг моддий танасини тарк этишга ҳозирлик қила бошлади.

30. Шунда, минглаб мавзуларда ибратли ҳикоялар қилган, шу ҳикояларининг минглаб маҳноларини батафсил тушунтириб берган, минглаб жанг майдонларида жанг қилган ва минглаб одамларнинг ҳаётини ҳимоя қилган бу буюк инсон жим қолди ва ақлини чалғитувчи бошқа барча нарсалардан тортиб олиб, катта-катта очилган кўзларини олдида ялтироқ сариқ либосда савлат тўкиб турган, тўрт қўллик Худо Шахси, Шри Кришнага тикди.

Изоҳ: Тансини тарк этиш пайти келганда Бхишмадева инсон ўзининг ҳаётдаги энг муҳим бурчини қандай адо этиши лозимлиги ҳақида ажойиб намуна кўрсатди. Танасини тарк этаётган кишининг диққатини қандай ҳолат ўзига тортса, шу ҳолат унинг навбатдаги ҳаётининг бошланиши бўлади. Демак, танасини такр этаётган пайтда

Парвардигор ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлган киши албатта Худонинг даргоҳига қайтиб боради. бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Бу «Бхагавад-гита»(8.5-15)да тасдиқланади:

5. Умрининг охирида танасини тарк этаётиб фақат Мени эслаган киши шу захотиёқ Менинг табиатимга эга бўлади. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

6. Эй Кунтининг ўғли, танасини тарк этаётиб инсон хаёлида ҳаётнинг қайси турини эсласа, кейинги ҳаётида ана шундай ҳолатга эришади.

7. Эй Аржун, шу боис сен ҳамиша Кришна қиёфасида Мен ҳақимда ўйлаб юришинг, айни пайтда ўз бурчингни бажариб жанг қилишинг керак. Барча ишларингни Менга бағишлаб, ақл ва тафаккурингни ҳамиша Менда мужассам қилиб, сен албатта Менинг даргоҳимга эришасан.

8. Эй Партха, ҳамиша Худонинг Олий Шахсини, яхни Мени эслаб юрган, бошқа бирор нарсага чалғимасдан ҳамиша Мен ҳақимда чуқур фикр-мулоҳазаларга бориб юрадиган киши, шубҳасиз, Менинг даргоҳимга келади.

9. Мени - ҳамма нарсани билувчи азалий Худонинг Олий Шахси сифатида, бутун борлиқнинг Эгаси, энг кичик нарсдан кичик, бутун борлиқнинг мавжудлигини таҳминлаб турадиган Зот деб эсла; ҳаёт ҳақидаги барча моддий тасаввурлардан устун турувчи, англаб бўлмайдиган, ҳамиша шахс бўлиб қолаверадиган Зот деб эсла; қуёшдай порлаб турадиган, моддий оламдан ташқарида бўлган Зот деб эсла.

10. Ажали етганида ҳаёт нафасини қошлари ўртасида жамлай олган, йога машғулоти ёрдамида ақлини жиловлаб, муҳаббат ва садоқат билан Худо Шахсини ўйлаб, ақлини бутунлай Парвардигорда мужассам қилган киши албатта Худонинг Олий Шахсининг даргоҳига эришади.

11. Ведалар илмини эгаллаган, таркидунё қилган ва омкара(ом бўғини)ни талаффуз қиладиган буюк донишмандлар Брахманга кирадилар. Ана шундай баркамолликка интилаётган киши жинсий поклигини сақлаши лозим. Ҳозир Мен сенга моддий олам тутқунлигидан озод бўлиш имконини берадиган йога жараёнини қисқача таҳрифлаб бераман.

12. Йог сезги аҳзоларининг фаолиятини бутунлай тўхтатиши керак. Тана эшикларининг ҳаммасини бекитиб, ақлини қалбида мужассам қилиб, ҳаёт нафасини калласининг юқори қисмига кўтариб, у транс(жазава) ҳолатига кириши лозим.

13. Агар мана шу йога усули билан шуғулланиб, илоҳий товушлар бирикмаси бўлган муқаддас "ом" бўғинини талаффуз қилиб юрган киши танасини тарк этаётганида Худонинг Олий Шахсини, яхни Мени эсласа, албатта рухий

олам салтанатидаги сайёраларга эришади.

14. Эй Партха, ҳамиша Мени узлуксиз эслаб юрган киши осонлик билан Менинг даргоҳимга келади, чунки у ҳамиша Менга хизмат қилиб юрган бўлади.

15. Буюк руҳлар, содиқ-йоглар Менинг даргоҳимга келгач, мусибатларга тўла бу ўткинчи оламга ҳеч қачон қайтиб келмайдилар, чунки улар баркамолликнинг олий чўққисига эришган зотлардир.

Шри Бхишмадева руҳий баркамолликнинг шундай поғонасига эришган эдики, танасини ўзи истаган пайтда тарк этиши мумкин эди, бунинг устига у шунчалик омадли инсон эдики, у ажали етган пайтда бутун ақду-идрокини Ўзига жалб этиб олган Парвардигор Шри Кришнанинг Ўзини бевосита кўриб турарди.

Шунинг учун у кўзларини катта-катта очган ҳолда нигоҳини Парвардигор Шри Кришнага тикди. Шри Кришнага нисбатан қалбидаги табиий муҳаббат таҳсири остида у Кришнанинг бетакрор гўзал сиймосини иложи борича кўпроқ томоша қилишга уринарди. У Худонинг асл содиғи бўлгани учун унинг йоганинг барча қонун-қоидаларига беҳато амал қилиб ўтиришининг ҳожати йўқ эди. Руҳий баркамолликка эришиш учун бхакти-йога билан жиддий шуғулланишнинг ўзи кифоя. Бхишмадева ўзининг бутун меҳр-муҳаббатини ато этган зот - Олий Шахс Шри Кришнани қаттиқ истаган эди, шу боис Худонинг марҳамати билан ўзининг охирги нафасида Бхишмадева ана шундай имкониятга эга бўлган эди.

31. Парвардигор Шри Кришнага қараб туриб, соф мууроқаба ёрдамида у моддий ҳаётга хос бўлган барча ташвишлардан биратўла покланиб, танасига санчилган сон-саноксиз пайконлар келтираётган қаттиқ изтироблар азобидан халос бўлди. Шундай қилиб, унинг тана ахзоларининг ташқи фаолияти бутунлай тўхтади. Танасини тарк этар экан, у барча тирик мавжудотлар ҳукмдори - Шри Кришнага илоҳий илтижо билан муурожаат қилди.

Изоҳ: Моддий тана – моддий қувват ато этган, махсус тилда “рўё”, “сароб” деб аталадиган буюк неҳматдир. Биз Парвардигор билан ўзаро мангу муносабатларимизни эсдан чиқарганимиз сабабли ўзимизни моддий танага қиёслаймиз. Парвардигорнинг Бхишмадева сингари асл содиғи кўзи олдида Парвардигор пайдо бўлиши билан барча сароб ва рўёлар ўзидан-ўзи чил-парчин бўлиб кетди. Парвардигор Шри Кришна қуёшга, Унинг алдамчи қуввати эса – зулматга ўхшайди. Қуёш нур сочиб турган жойла зулматга ўрин йўқ. Шунинг учун Парвардигор Шри Кришна пайдо бўлиши билан барча моддий иллатлар зим-зиё бўлган эди, шу боис Бхишмадева модда билан аралашган булганган сезгиларнинг барча ташқи

фаолиятини бутунлай тарк этиб, шу заҳотиёқ илоҳий поғонага кўтарилган эди. Жон азалдан соф руҳ сифатидан ҳар қандай моддий иллатдан пок: сезгилар ҳам шундай пок. Аммо, моддий иллатлар билан булганган сезгилар нопок бўлгани боис мукамал бўла олмайдилар. Олий пок Зот, Парвардигор Шри Кришна билан ўзаро муносабатлар қайта тикланганида сезгилар моддий иллатлардан покланади. Парвардигор шу ерда иштирок этаётгани шарофати билан Бхишмадева хали танасини тарк этмай туриб ана шундай илоҳий поғонага кўтарилди. Парвардигор – барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдори ва ишончли ҳомийси. Барча ведавий Муқаддас китоблар ана шу ҳақиқатни тасдиқлайдилар. У – барча мангу тирик мавжудотлар орасида олий мангу тирик мавжудот. Унинг битта Ўзи барча тирик мавжудотларнинг барча эҳтиёжларини таҳминлаб туради. Шундай қилиб, У Ўзининг буюк содий хизматкори Бхишмадеванинг барча илоҳий истақлари амалга ошиши учун барча имкониятларни яратиб берди. Бхишмадева Унга илтижо қила бошлади.

32. Бхишмадева шундай деди: Менинг шунча вақтдан бери ҳар хил ўй ва ташвишлар, бурч-ва вазифалар билан банд бўлиб келган ақл-идроким, орзу-ҳавасларим ва ҳис-туйғуларим энди бутунлай Парвардигор Шри Кришнага ғарк бўлсин. У ҳамиша Ўзига тўла-бутун, бутунлай хотиржам мамнун, аммо, гарчи бу моддий олам Унинг Ўзидан яралган бўлса ҳам, содиқларининг йўлбошчиси сифатида У баҳзан моддий оламга ташриф буюриб, бундан илоҳий лаззат олади.

Изоҳ: Бхишмадева давлат арбоби, Курулар салтанатининг сардори, буюк саркарда ва кшатрийларнинг йўлбошчиси эди, шу боис унинг ақли жуда кўп ташвишлар билан банд эди, сезгилари ва орзу-истақлари ҳар хил дунёвий нарсаларга боғланган эди. Энди эса, Худога соф садоқат билан хизмат қилиш даражасига эришиш учун у ўзининг сезгиларининг, фикрлари ва истақларининг бутун кучини ягона Парвардигор Шри Кришнага мужассам қилмоқчи эди. Бу ерда Кришна ҳар нарсага қодир ва содиқларнинг йўлбошчиси деб таҳрифланган. Гарчи Парвардигор Шри Кришна – Худонинг Олий Шахси бўлса ҳам, У содиқ хизматкорларини бу дунёда ҳам Худога садоқат билан хизмат қилиш бахтига муяссар қилиш учун Ўзи Ер сайёрасига тушади. Баҳзан У Ўзининг азалий Парвардигор Шри Кришна қиёфасида ташриф буюради, баҳзида эса Парвардигор Чаитанья Махапрабху қиёфасида. Уларнинг иккиси ҳам Худонинг асл содиқларининг йўлбошчиси. Худонинг асл содиқлари Худога садоқат билан холис хизмат қилишдан бошқа нарсани истамайдилар, шунинг учун уларни сатватлар деб атайдилар.

Бхишмадеванинг ҳам шундан бошқа ҳеч қандай истаги йўқ эди. Агар инсон ҳали дунёвий истақларнинг ҳаммасидан биратўла покланмаган бўлса, Парвардигор унинг йўлбошчиси бўла олмайди. Истақларни инкор этиб бўлмайди, уларни поклаш керак. «Бхагавад-гита»да Парвардигорнинг Ўзи айтадики, ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқнинг қалбида туриб Унинг Ўзи йўл кўрсатиб туради. Бундай насиҳатлар дунёвий мақсадларда эмас, балки содиқ ўзининг мангу уйига, худонинг даргоҳига қайта олиши учун берилади («Бхагавад-гита».10.10). Парвардигор моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга интилиб юрган оддий инсоннинг ўз билганича ҳаракат қилишига рухсат бериб, унинг қилган ҳар бир ҳаракатига гувоҳ бўлиб туради. Худога ишонмайдиган, иймонсиз одамларга Парвардигор ҳеч қачон ўзининг мангу уйига қайтиб кетишга ёрдам берадиган насиҳатлар бериб турмайди. Парвардигорнинг ҳар хил тирик мавжудотларга – Ўзининг содиқларига ҳамда иймонсизларга қиладиган муносабатлари орасидаги фарқ шундан иборат. Худди озод фуқароларга ҳам, қамокдагиларга ҳам бирдай ҳукмрон бўлган шох сингари, Парвардигор барча тирик мавжудотларга раҳбарлик қилади. Аммо Унинг муносабати уларнинг Унга нисбатан содиқ ёки содиқ эмаслигига боғлиқ. Иймонсиз одамлар Худонинг гапларини, насиҳатларини тинглашни истамайдилар, шу боис, гарчи Парвардигор уларнинг ҳар бир ҳаракатига гувоҳ бўлиб, қилган яхши-ёмон ишларига мос равишда мукофот ёки жазо билан таҳминлаб турса ҳам, улар билан мулоқот қилмайди. Худонинг содиқлари ана шундай “яхши”, “ёмон” деган моддий, дунёвий тушунчалардан устун турадилар. Худонинг содиқлари илоҳий йўлдан борадилар, шу боис бирор моддий мақсадга интилмайдилар. Шунингдек Худонинг содиқлари Шри Кришнани бошлангич Нарайана сифатида ҳам танийдилар, чунки Парвардигор Шри Кришна Ўзининг тўла намён бўлган киёфасида Кширодакашайи Вишну – бутун моддий оламнинг манбаи сифатида келади. Парвардигор ҳам Ўзининг Содиқлари билан ҳам суҳбат бўлишга интилади, У фақат шу мақсадда Ер сайёрасига ташриф буюради ва содиқларини илҳомлантиради. Парвардигор Ўз хоҳиши билан бу дунёга келади. Уни бунга моддий табиатнинг шарт-шароити мажбур қилмайди, шу боис У юқоридаги шеҳрда вибху, яхни, “ҳар нарсага кодир” деб аталган, чунки У моддий табиат конунларига бўйсунмайди.

33. Шри Кришна – ғолиб Аржуннинг яқин дўсти. У бу ерга ранги кўк тамала дарахтини эслатувчи Ўзининг илоҳий танасида пайдо бўлди. Унинг чиройли танаси бутун уч олам аҳолисини ўзига жалб этади. Илоё, менинг бутун диққат-эҳтиборим Унинг порлаб нур таратиб турган чиройли сарик либосида ва

сандал пастаси билан ҳар хил нақшлар қўйилган нилуфарсиймон сиймосида жам бўлсин, қилган ишларим натижасидан лаззатланиш истаги қалбимни бутунлай тарк этсин!

Изоҳ: Парвардигор Шри Кришна Ўз хоҳиши билан Ер сайёрасига ташриф буюрганида, У буни Ўзининг ички қуввати ёрдамида амалга оширади. Унинг илоҳий танасини барча уч оламдаги – олий, ўрта ва қуйи сайёралардаги тирик мавжудотлар кўришга интиладилар. Бутун коинот бўйлаб Парвардигор Шри Кришнаники сингари чиройли тана ҳеч кимда мавжуд эмас. Демак, Унинг илоҳий танаси моддий оламда яратилган моддий таналардан бутунлай фарқ қилади. Аржун бу ерда ғолиб, Кришна эса – унинг яқин дўсти деб аталган. Пайконлардан иборат тўшақда ётар экан Бхишмадева Кришна Аржуннинг жанг аравасини бошқарган пайтда кийиб юрган либосини эслади. Аржун билан яқин-ма-яқин жанг қилган пайтда Бхишмани Кришнанинг порлаб турган сарик либоси ўзига жалб этган эди, шу боис у бу ерда ўзининг “рақиби” Аржун билан мағрурланиб турибди, чунки Кришна унинг яқин дўсти. Аржун ҳамма жангларда ҳамиша ғолиб келарди, чунки Парвардигор унинг дўсти эди. Бхишмадева шу фурсатдан фойдаланиб, Парвардигорга “виджая-сакхе”(ғолиб Аржуннинг дўсти) деб мурожаат қиляпти, чунки Унга Парвардигор билан турли расалар орқали ўзаро яқин муносабатларда бўлган содиқларни эслатиб мурожаат қилганларида Кришна жуда мамнун бўлади. Кришна Аржуннинг жанг аравасини бошқариб юрганида қуёш нурлари Унинг сарик либосида акс этиб турарди, Бхишмадева ана шу порлаб турган ажойиб манзарани эсидан чиқара олмасди. Буюк жангчи сифатида у ўзининг Кришна билан ўзаро ана шундай олижаноб расада эканидан фахрланарди. Парвардигор билан бўладиган турли расаларга мос ўзаро муносабатлар шу расага мослашган содиқларга чексиз руҳий лаззат бағишлайди. Калтафаҳм қаллоблар, ўзларининг Парвардигор Шри Кришна билан гўё ўзаро яқин илоҳий муносабатда эканини намойиш этиш учун сунхий равишда Врадждахамадаги подачи қизларга тақлид қилиб, дарров ишқий муносабатларга мурожаат қиладилар. Парвардигор билан бундай ўзаро ясама муносабатларни фақат дунёвий кишиларнинг онги пастлигини кўрсатади, холос, чунки Парвардигор билан ўзаро ишқий муносабатларда бўлган киши эр-хотин муносабатларнинг ҳатто дунёвий ахлоқ-одоб қоидалари ҳам қоралаб, чеклаб қўйган моддий кўринишига умуман боғлана олмайди. Алоҳида руҳнинг Парвардигор билан ўзаро мангу муносабатлари аста-секин ривожланб боради. Тирик мавжудотнинг Парвардигор билан ўзаро ҳақиқий муносабатлари беш турли расаларнинг истаган бирида бўлиши мумкин, аммо бу ҳеч

качон содиқнинг рухий юксалишдаги илохий ютуқларининг мезони бўла олмайди. Бунга Бхишмадеванинг ҳолати тирик мисол бўла олади, биз мана шу буюк саркарданинг Парвардигор билан ўзаро яқин илохий муносабатларини тушуниб олишга интилишимиз лозим.

34. (Кришна дўст сифатида Аржуннинг жанг аравасини бошқарган) Жанг майдонида Парвардигор Кришнанинг тўзгиган қора сочлари отлар туғидан кўтарилган чанг туфайли кулранг тусга кирган, зўриққанидан Унинг юзини тер босган эди, Унинг ана шу чиройли безакларига менинг ўткир пайконларимдан олган жароҳатлари ҳам қўшилганди. Ўзининг ана шундай ҳолатидан У илохий лаззат оларди. Илоё менинг ақлу-ҳаёлим ана шу Шри Кришнада мужассам бўлсин!

Изоҳ: Парвардигор мангулик, илм ва лаззатнинг мутлақ шаклидир. Шунинг учун Ўзига мана шу беш турли асосий илохий муносабатларда: шанта, дасйа, сакхйа, ватсалйа ва мадхурйа расаларда, яъни ўзаро дахлсиз, хизматкор ва хўжайин, дўстона, ота-она ва фарзанд ҳамда ўзаро эр-хотин муносабатларида муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқ ўз хизматини ҳақиқий муҳаббат билан самимий таклиф қилса, Парвардигор уни мамнуният билан қабул қилади. Шри Бхишмадева – Худонинг буюк содиқ хизматкори, у Парвардигор билан ўзаро хизматкор ва хўжайин муносабатларида туради. Шунинг учун, унинг Парвардигорнинг илохий танасига йўллаган ўткир пайконлари аслида, Худога нафис атир гуллар таклиф қилиб сажда қилаётган содиқнинг сиғиниши билан бир ҳисобланади.

Бу ерда гўё Бхишмадева Худо Шахсига нисбатан рақиб бўлиб қилган ишларидан афсусланаётгандай бўлиб кўринади. Лекин, аслида Парвардигорнинг танаси бундан зинҳор изтироб чекмаган эди, чунки Унинг танаси илохий табиатга эга. Унинг танаси моддий тана эмас. Унинг Ўзи ҳам, танаси ҳам – бўлинмас рухий шахс. Руҳни санчишнинг ҳам, янчишнинг ҳам, куритишнинг ҳам, хўллашнинг ҳам иложи йўқ. Бу «Бхагавад-гита»да аниқ таҳрифланган. “Сканда-пурана”да ҳам бу ҳақиқат тасдиқланади. Унда айтилганки, руҳ ҳеч қандай иллат билан булганмайди, уни яқсон қилишнинг ҳам иложи йўқ. Руҳга бирор изтироб етказишнинг ёки куритиб ташлашнинг иложи йўқ. Парвардигор Вишну Ўзининг намоён бўлган бирор қиёфасида бу оламга келганида у худди бу дунёдаги моддий оламда туткун бўлиб қолган тирик мавжудотлардан бирига ўхшайди. Лекин у бу ишни фақат У бу дунёга келган заҳоти ўлдиришга тайёр бўлиб юрган иймонсиз асур(иблис)ларни йўлдан адаштириш учун қилади. Камса Кришнани ўлдирмоқчи бўлган эди, Равана Рамани ўлдиришга

уринди, чунки улар нодонлиги туфайли Парвардигорни ўлдиришнинг иложи йўқлигини тушунмасдилар, зеро руҳ мангу, у яқсон қилишнинг иложи йўқ.

Шунинг учун, Бхишмадеванинг Парвардигор Шри Кришнанинг танасига етказган жароҳатлари иймонсиз даҳрийларни ақлидан адаштириб хайратга солиши мумкин, аммо рухий озодликка эришга содиқлар бундан ҳечам хайрон бўлмайдилар.

Бхишмадева Парвардигорнинг олийҳимматлигидан хайратга тушарди: Гарчи унинг ўткир пайконлари Парвардигорни қийин аҳволга солиб қўйган бўлса ҳам, У Аржуннинг ёнидан кетмади, жангда Бхишмадева Унга қарши шафқатсиз жанг олиб борган бўлса ҳам, ҳозир У унинг ўлим тўшаги олдига келиб турибди. Бу ерда Бхишмадеванинг афсусланиши ҳам, Парвардигорнинг олийҳимматлилиги ҳам жуда ажойиб.

Шри Вишванатха Чакраварти Тхакур – Парвардигор билан ўзаро ишқий муносабатларда турган буюк ачаря ва буюк содиқ, буни ажойиб изоҳлайди. У айтадики, Бхишмадеванинг ўткир пайконлари туфайли олган жароҳатлар Парвардигорга худди Унинг севгили ёрларининг чуқур эхтиросга берилиб эркалаб суюб тишлаганлари сингари чексиз лаззат бағишларди. Бундай тишлалар, ҳатто уларнинг танасида из қолдирса ҳам, ҳеч қачон севишганларнинг бир бирига ўзаро душманликдан қилган иши деб ҳисобланмайди. Демак, Парвардигор билан Унинг асл содиғи орасида илохий лаззат алмашиш сифатида бўлиб ўтган бу жанг моддий табиатга эга эмасди. Бунинг устига, мутлақ рухий танага жароҳат етказишнинг иложи йўқ, чунки Парвардигорнинг танаси Унинг Ўзи билан бир. Ўткир пайконлардан қолган жароҳатлар оддий кишиларни ақлдан адаштириши мумкин, аммо мутлақ илмдан озгина хабари бўлган киши уларнинг ўзро рицарлик расасидаги илохий муносабатларини тушуна олади. Парвардигор Шри Кришна Бхишмадеванинг ўткир пайконлари танасида қолдирган жароҳатлардан фақат қувонар эди. Бу ерда вибхидйамана ибораси алоҳида аҳамиятга эга, чунки Парвардигорнинг териси Унинг Ўзидан фарқ қилмайди. Бизнинг теримиз жонимиздан фарқ қилади, шунинг учун “жароҳатларга тўла” деган маҳнони англатадиган вибхидйамана ибораси кўпроқ бизларга тааллуқли бўлиши мумкин. Илохий лаззат хилма-хил бўлади, моддий оламдаги турли фаолиятлар – шунчаки илохий лаззатнинг бузилган акси холос. Моддий оламдаги ҳамма нарса моддий сифатга эга бўлгани учун унда ҳамма нарса моддий иллатларга булганган, аммо мутлақ салтанатда булганмаган пок рухий лаззатнинг турлари жуда кўп, чунки у даргоҳда ҳамма нарса ягона мутлақ табиатга эга. Парвардигор Ўзининг буюк содиқ хизматкори Бхишмадеванинг етказган жароҳатларидан лаззат

олади. Бхишмадева – Парвардигор билан ўзаро рицарлик муносабатида турган зот, шу боис у ўзининг бутун ақлини Кришнанинг мана шу жароҳатланган қиёфасида мужассам қилди.

35. Дўстининг буйруғига бўйсуниб, Шри Кришна аравасини жанг майдонининг ўртасига олиб чиқиб, Дурйодхон ва Аржун қўшинларининг ўртасида тўхтатди. Ана шу пайтда У ўзининг меҳр тўла илоҳий нигоҳини ташлаб, душман қўшини сафида турганларнинг умрларига яқун ясади. У бу ишни шунчаки уларга бир назар ташлаш билан амалга оширди. Менинг ақлу-ҳаёлим Кришнанинг ана шу қиёфасида мужассам бўлсин!

Изоҳ: «Бхагавад-гита»(1.21-25)да айтилганки, Аржун бегуноҳ Парвардигор Шри Кришнага ўзининг жанг аравасини икки қўшин ўртасига олиб чиқишни буюрди. Аржун Ундан аравани то у ўзи жанг қилиши лозим бўлган душман қўшинини кўздан кечириб чиққунча шу ерда қўйиб туришни илтимос қилган. Унинг бу илтимосини эшитган Парвардигор худди оддий хизматкор сингари шу заҳотиёт унинг амрини бажарган. Унинг ўзи Аржунга душман қўшини таркибидаги асосий жангчиоарни кўрсатган: “Мана Бхишма, ана Дрона” ва ҳоказо. Парвардигор – Олий Тирик Зот бўлгани боис бирор зотнинг буйруғини бажариши ёки талабини қондириши шарт эмас. Аммо, ўзининг содиқларига нисбатан бесабаб марҳамат кўрсатиб, У муҳаббат билан худди итоаткор хизматкор сингари уларнинг буйруқларини бажаради. ўзининг содиқ хизматкорининг буйруғини бажарар экан, худди отаси жажжи ўғлининг амрини бажариб лаззатгани сингари, Парвардигор ҳам бундан чуқур илоҳий лаззат олади. Бундай ҳолат фақат Парвардигор билан Унинг асл содиғи орасидаги соф илоҳий муҳаббат туфайли юзага келади. Бхишмадева буни яхши биларди, шу боис у Парвардигорга “Аржуннинг дўсти”деб мурожаат қилди.

Парвардигор ўзининг меҳрибон нигоҳини ташлаб душман қўшини таркибида турган жангчиларнинг умрини қисқартирди. Курукшетра жанг майдонида тўпланган барча жангчилар ажали етган пайтда Парвардигорнинг ўзини бевосита кўриб тургани сабабли руҳий озодликка эришдилар. Демак, Парвардигорнинг душман қўшини таркибида турган жангчиларнинг умрини қисқартиргани Унинг Аржунга нисбатан кўпроқ марҳамат кўрсатганини билдирмайди. Аслини олганда Парвардигор унинг душманларига нисбатан меҳрибонроқ эди, чунки улар ўзларининг уйларида, оддий шароитларда танасини тарк этсалар, руҳий озодликка эришмаган бўлардилар. Бу ерда эса, улар ажали етган пайтда Парвардигорни бевосита кўришга ва шу билан моддий олам тутқунлигидан биратўла озодликка

чиқиш имкониятига эга бўлдилар. Демак, Парвардигор ҳаммага бир хилда меҳрибонлик қилади, Унинг ҳар бир қилган иши ҳаммага баробар бахт-саодат келтиради. Бир қараганда Унинг ҳаракатлари Унинг яқин дўсти Аржуннинг жангда ғалаба қозонишига ёрдам бераётгандай эди, лекин аслида Унинг ҳаракатлари Аржуннинг душманлари учун буюк бахт эди. Парвардигорнинг илоҳий қароматлари ана шундай, буни англаб етган киши ҳам ўзининг моддий танасини тарк этар экан, руҳий озодликка эришади. Парвардигор ҳеч қачон бирор ёмон иш қилмайди, чунки У – мутлақ яхшиликдан иборат.

36. Аржун жанг майдонида турган жангчи ва саркардаларни кўздан кечирганида, унинг ақлидроки ғафлат ботқоғига ботгандай бўлиб туюлди, аммо Парвардигор илоҳий илм(«Бхагавад-гита»)ни ўргатиб, бу ғофилликни бартараф этди. Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи мени ҳамиша ўзига жалб этиб юрсин.

Изоҳ: Шоҳлар ва саркардалар уруш бўлаётганда жанг қилаётган жангчиларнинг олдинги сафида бўлишлари лозим эди. Адолатли жанг олиб бориш қоидалари шундай. Шоҳлар ва саркардалар ҳозирги даврдаги президент ва мудофаа вазирларига ўхшамасдилар. Улар бечора бахтиқаро жангчи ва ёлланган кишиларни бир бири билан жанг қилишга мажбур қилиб, ўзлари уйида ўтирмасдилар. Балки бундай қоидалар ҳозирги даврдаги демократия қоидаларига мос келар, лекин монархия гуллаб-яшнаган ўша даврларда шоҳлар кўроқ эмасдилар, улар шахсий сифатлари эҳтиборга олинмаган ҳолда сайловда кўпроқ овоз олиш орқали тахтга ўтирмасдилар. Курукшетрадаги жанг тафсилотларидан кўриниб турибдики, ҳар икки томондаги саркардалар – масалан, Дрона, Бхишма, Аржун ва Дурёдхон – уйларида ишсиз ўтирмаганлар. Улар тинч аҳоли яшайдиган жойдан узоқда танланган майдондаги жангда фаол иштирок этганлар. Бу шуни билдирадики, ўзаро душманлик қилаётган шоҳларнинг қўшинлари орасидаги жанг оқибатлари бегуноҳ фуқароларнинг ҳаётига таҳсир кўрсатмаган. Улар жанг майдонида рўй бериб турган воқеа-ҳодисаларни кузатиб туришларининг ҳожати йўқ эди. Ким бўлишидан қатҳий назар – Аржунми, дурёдхонми – ҳар бир фуқаро ўз даромадининг тўртдан бир қисмини шоҳнинг хазинасига бериши лозим эди. Икки қўшин таркибидаги саркардаларнинг ҳаммаси Курукшетрадаги жанг майдонида юзма-юз турардилар, Аржун қалбида чуқур ҳамдардлик туйғуси билан уларни кўздан кечирарди. салтанат тахтига ўтириш учун у жанг майдонида ўзининг қариндошларини ўлдиришга мажбур эканидин унинг қалбини чуқур қайғу қамраб олганди. У Дурёдхон моҳирлик билан сафга тизиб қўйган

катта кўшиндан кўрқаётгани йўқ эди, аммо, у Худонинг раҳмдил, қалби юмшоқ содиқ хизматкори бўлгани туфайли дунёвий нарсаларга нисбатан боғланмаслик туйғуси унинг учун табиий ҳол эди. Шунинг учун у дунёвий бойлик учун қариндошлари билан жанг қилишдан бош тортган эди. Бу унинг илми саёз эканидан далолат бериб турарди, чунки бу шеҳрда айтилганки, унинг ақли булганган эди. Лекин унинг ақли булганиши мумкин эмасди, чунки у Худонинг содиқ хизматкори ва «Бхагавад-гита»нинг тўртинчи бобида айтилганига асосан Парвардигор Шри Кришнанинг мангу ҳамроҳи эди. Шунчаки, сиртдан қараганда Аржуннинг ақли булгангандай бўлиб кўринарди, чунки акс ҳолда, моддий тана ҳақида сохта тасаввурга эга бўлгани сабабли моддий оламда тутқун бўлиб юрган барча ақли булганган шартланган руҳларнинг бахт-саодати учун Аржунга «Бхагавад-гита» илмини гапириб беришга имкон бўлмасди. «Бхагавад-гита», бу дунёдаги барча шартланган руҳлар учун, уларни тана билан руҳ(жон)нинг бир эканлиги ҳақидаги сохта тасаввурдан халос этиш, ҳамда алоҳида руҳлар билан Парвардигорнинг ўзаро илоҳий муносабатларини қайта тиклаш мақсадида нозил қилинган эди. Парвардигор асосан коинотнинг бундан манфаатдор бўлган барча аҳолиси учун мана шу атма-вадйа, Ўзи ҳақидаги илоҳий илмни нозил қилган эди.

37. Менинг истагимни бажариш учун, Ўзининг берган ваҳдасини ҳам бузиб, У аравадан тушди ва худди филни ўлдириш учун ташланаётган арслон сингари, қўлларига арава ғилдирагини кўтариб олиб мен томонга югурди. Шошилганидан ҳатто Унинг устидаги либоси ҳам тушиб кетган эди.

Изоҳ: Курукшетрадаги жанг адолатли урушнинг барча қоидалари асосида олиб бориларди, ўша даврларда урушлар худди икки дўстнинг ўзаро кураши сингари ўйин шаклида олиб бориларди. Дурйодхон Бхишмадевани, у қариндоши сифатида қаттиқ боғланиб қолгани туфайли Аржунни ўлдира олмаслигини айтиб айблаган эди. Жанг қоидаси бўйича кшатрий бундай ҳақоратга чидаб турмаслиги керак. Шунинг учун Бхишмадева Дурёдхонга ваҳда бериб айтдики, эртагаёқ Пандузодаларнинг бешовини ҳам махсус тайёрланган қурооллар ёрдами билан яксон қилади. Дурёдхон бундан жуда мамнун бўлди ва эртасига ана шу махсус пайконларни истаган вақтда ишга солиш учун ҳамиша шай қилиб юрди. Аммо аржун айёрлик билан Дурёдхондан ана шу махсус пайконларни тортиб олди, Бхишмадева бу айёрлик албатта Кришнанинг иши эканини англаб етди. Шунинг учун Бхишмадева қасам ичиб айтдики, эртаси куни Аржунга қарши шу қадар қаттиқ жанг олиб борадики, ҳатто Кришнанинг Ўзи ҳам қўлига қурол олиб Аржунни ҳимоя қилишга мажбур

бўлади, акс ҳолда Аржун албатта ҳалок бўлади. Эртаси куни Бхишма Аржун билан шу қадар шиддатли жанг олиб бордики, Аржун ҳам, Кришна ҳам жуда қийин аҳволга тушиб қолдилар. Сал бўлмаса Аржун жангда мағлуб бўлиб қолишига оз қолди. Шундай қалтис вазият юзага келдики, Аржун истаган пайтда Бхишманинг пайконларидан ҳалок бўлиши мумкин эди. Шунда Парвардигор Шри Кришна Ўзининг содиқ хизматкори Бхишмадевани мамнун қилишга, яҳни унинг ваҳдасини амалга оширишга қарор қилди, чунки У Ўзининг асл содиғининг ваҳдасини Ўз ваҳдасидан устун кўяди. Бир қараганда Кришна Ўзининг қасамини бузгандай кўринади. Курукшетрада жанг бошланишидан олдин У қўлига қурол олмасликка, бирор томонга қарши Ўзининг кучини ишга солмасликка қасам ичиб ваҳда берган эди. Аммо, Аржунни ҳимоя қилиш учун у аравадан тушди ва қўлига арава ғилдирагини олиб, худди ўлдириш учун филга ташланган арслон сингари, ғазаб билан Бхишмадева ташланди. Шиддат билан чопиб борар экан, У ҳатто устки либоси тушиб кетганини ҳам пайқамади. Бхишмадева эса, шу заҳотиёқ қўлидаги қуроллини ташлаб, Шри Кришна, ўзининг севимли Парвардигори уни Ўз қўли билан ўлдиришини кутиб турарди. Лекин, айна шу пайтда куннинг жанг учун ажратилган вақти ниҳоясига етди. Шу тариқа Аржуннинг ҳаёти сақлаб қолинди. Албатта, Аржун ҳалок бўлиши мумкин эмасди, чунки унинг жанг аравасида Парвардигорнинг Ўзи бор эди. Аммо, Бхишмадева Парвардигор Шри Кришна Ўзининг дўстини ҳимоя қилиш учун қўлига қурол олишдан қайтмаслигини ўз кўзи билан кўришни истаган эди. Шу боис Кришна ана шундай вазиятни юзага келтириб, Аржуннинг ҳалокатга учраши муқаррар қилиб кўрсатганди. Кришна Бхишманинг ваҳдаси амалга ошганини кўрсатишга учун қўлига қурол олиб Бхишманинг олдида пайдо бўлди. Қурол ўрнида Унинг қўлида арава ғилдираги бор эди.

38. Ана шу Парвардигор, ҳар кимга озодлик бағишловчи Шри Кришна менинг ҳаётимда охирги ниятим бўлиб қолсин! Жанг майдонида, худди менинг пайконларим Унга етказган жароҳатлардан жаҳли чиққандай бўлиб У менга ҳамла қилди. Унинг қалқони синган, танаси жароҳатлардан оқаётган қонга беланган эди.

Изоҳ: Курукшетра жанг майдонидаги Парвардигор Шри Кришна билан Бхишмадеванинг ўзаро муносабатлари алоҳида аҳамиятга эга. Парвардигор Шри Кришна Аржунга дўст, Бхишмадевага – душмандай бўлиб кўриниши мумкин, лекин аслида Кришна шу тариқа Ўзининг буюк содиғи Бхишмадевага алоҳида марҳамат кўрсатмоқчи эди. Бу ерда энг ҳайратланарлиси шундаки, содиқ хизматкор ҳатто душман бўлиб

хам Худони ўзидан мамнун қилиши мумкин. Парвардигор мутлақ табиатга эга бўлгани туфайли У содиқ хизматкори Унга душман ролини ўйнаётган бўлса ҳам Ўзининг содиқ хизматкорининг хизматини мамнуният билан қабул қила олади. Ягона Парвардигорнинг ҳеч қандай душмани бўлиши мумкин эмас, ўзини Унинг душмани деб ҳисоблаб юрганлар ҳам Унга заррача зиён етказа олмайдилар, чунки У – Аджита, енгилмас. Шунга қарамай, Ўзининг содиқ хизматкори Унга худди ўз душмани сингари зарба берганида ёки, гарчи ҳеч ким Ундан устун бўлолмаса ҳам, ўзини Ундан устун қўйиб, Унга тана-дашномлар қилганида Парвардигор бундан жуда мамнун бўлади. Худонинг содиқлари билан Парвардигор орасидаги ўзаро илоҳий муносабатларнинг баҳзи бир жиҳатлари шундан иборат. Худога соф садоқат билан хизмат қилишдан умуман беҳабар бўлган киши ана шундай муносабатларнинг сирини англаб етишга қодир эмас. Бхишмадева жасур жангчи ролини бажариб, оддий одамлар учун гўё Парвардигор жароҳатлангандай бўлиб кўриниши учун, атайлаб Парвардигорнинг танасига шиддатли пайконларни юборди. Аслида эса, буларнинг ҳаммаси иймонсиз одамларни чалкаштириш учун қилинган эди. Бутунлай руҳий табиатга эга бўлган танага жароҳат етказиб бўлмади, содиқ хизматкор Худонинг душмани бўла олмайди. Акс ҳолда Бхишмадева ўзининг илтижосида Парвардигор унинг ҳаётида охирги нияти бўлишини тиламасди. Агар Бхишмадева ҳақиқатан ҳам Парвардигорнинг душмани бўлса, Парвардигор Шри Кришна ўрнидан қўзғалмай туриб ҳам уни яқсон қилган бўларди. Бхишмадеванинг олдида ана шундай аҳволда – қонга бўялган, жароҳат олган аҳволда пайдо бўлишнинг ҳожати йўқ эди. У фақат жангчи содиқ хизматкори Уни шундай аҳволда – Ўзининг асл содиғининг пайконларидан олинган жароҳатлар билан безанган илоҳий гўзал киёфада кўришини истагани туфайли шундай қилган эди. Парвардигор билан Унинг содиқ хизматкори орасидаги илоҳий муносабатлар, ўзаро илоҳий расалар алмашиш ана шундай бўлади. Бундай муносабатлар Парвардигорга ҳам, Унинг содиқ хизматкорига ҳам бирдай шон-шухрат келтиради. Парвардигор шу қадар ғазабланган эдики, Аржун Уни тўхтатиб қолишга шошилди, шунга қарамай, худди ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтиб ўзининг севгилиси томон шошилаётган йигитдай, У Бхишмадева тарафга интиларди. Гўё У Бхишмадевани ўлдиришга қарор қилгандай кўринарди, лекин, аслида У Ўзининг буюк содиғини мамнун қилишга шошиларди. Ҳеч шубҳа йўқки, Парвардигор – барча шартланган руҳларнинг кутқарувчиси. Имперсоналистлар ҳам Парвардигор уларни озодликка чиқаришини истайдилар, Парвардигор эса уларни ҳар кимнинг ўз ниятига қараб муқофотлайди. Аммо Бхишмадева бу ерда Парвардигорни шахсий

киёфада томоша қилишни истаётганини билдирипти. Худонинг барча асл содиқлари шу мақсадга интиладилар.

39. Ажалим етиб, жон топшириш пайти келганда мени фақат ана шу Худо Шахси, Шри Кришна Ўзига жалб этсин! Мен бутун ақлу-хаёлимни ўнг қўлида қамчи, чап қўлида отлар тизгинини ушлаб, фақат Ўз дўстининг аравасини ҳимоя қилиш ҳақида ўйлаб турган Аржуннинг жиловдори - Шри Кришнада мужассам қиламан. Курукшетра жанггоҳида бевосита Унинг Ўзини кўрган жангчиларнинг ҳаммаси, ўлганларидан кейин ўзларининг азалий илоҳий таналарига эга бўлдилар.

Изоҳ: Парвардигор билан ўзаро илоҳий ришталар ёрдамида боғланган Худонинг асл содиғи ҳамиша қалбида мавжуд бўлган Парвардигорни ҳис қилиб юради. Худонинг ана шундай асл содиғи ҳатто бир лаҳза ҳам Худони эсидан чиқармайди. Мана шундай ҳолат транс, жававали ҳол деб аталади. Сеҳргар(йог) ўзининг сезгиларини ҳар қандай ташки фаолиятдан чеклаб қўйиб, ақлини олий Рухда жамлашга интилади ва охир-оқибатда самадхи ҳолатига эришади. Удонинг асл содиғи эса самадхи ҳолатига осон эришади. Бунинг учун у ҳамиша Парвардигорнинг шахсий киёфасини, Унинг муқаддас номини, шон-шухратини, эрмақларини ва бошқа жиҳатларини эслаб юради. Шунинг учун сеҳргар-йог билан Худонинг содиғининг ақлини Худода жамлаши бир хил эмас. Сеҳргар ақлини сунҳий равишда жамлайди, аммо Худонинг содиқ хизматкорининг қалбидаги Худого муҳаббат ва илоҳий боғланиш туйғуси туфайли ақли ҳамиша табиий равишда Худода мужассам бўлиб юради. Бхишмадева – Худонинг асл содиғи, у жангчи ва саркарда бўлгани боис ҳамиша Парвардигорни Партха-саратхи, Аржуннинг жиловдорининг киёфасида эслаб юрган. Парвардигорнинг барча эрмақлари, Унинг Камсанинг зиндонида туғилганидан бошлаб, то маушала-лиласигача, худди соат миллари сингари, бирин-кетин барча коинотларда бўлиб ўтади. Ана шу эрмақларнинг барчасида Парвардигор Ўзининг мангу ҳамроҳлари билан бирга юради: Пандузодалар ва Бхишмадева. Бхишмадева Парвардигорнинг ҳатто Аржун ҳам кўра олмайдиган ажойиб Партха-саратха киёфасини бир лаҳза ҳам унутиб кўз олдидан кетказмаган эди. Аржун Парвардигорнинг ажойиб Партха-саратха киёфасининг ортида турарди, Бхишмадева эса Парвардигорнинг олдида турарди. Парвардигорнинг жангчи кўринишидаги киёфаси Аржундан кўра Бхишмадевага кўпроқ лаззат бағишларди.

Жангчиларнинг ҳаммаси, шунингдек Курукшетра жанг майдонида иштирок этган одамларнинг барчаси кейинги ҳаётида Парвардигорнинг танасига ўхшаган руҳий танага эга бўлдилар,

чунки Парвардигорнинг бесабаб мархамати билан ажали етган пайтда уларнинг ҳаммаси Унинг шахсий киёфасини бевосита кўриб турардилар. Эволюцион ривожланиш чархпалагида айланиб юрган барча шартланган рухлар – балиқ танасидаги тирик мавжудотлардан то Брахмагача – майянинг киёфасига, яхни уларнинг қилган ишларига қараб моддий табиат ато этадиган танага қамаб қўйилган. Шартланган рухларнинг моддий киёфаси уларнинг ташқи қобиғи бўлиб, тирик мавжудот моддий табиат чангалидан озодликка чиққанида ўзининг азалий рухий киёфасига эга бўлади. Имперсоналистлар Браҳманга – Парвардигорнинг шахсиятсиз нурига қўшилишга нтиладилар. Аммо бу ҳолат тирик нурларнинг, Парвардигорнинг ажралмас заррачаларининг табиатига мос келмайди. Шунинг учун имперсоналистлар яна моддий оламга тушиб, рухий табиатга эга бўлган жонга бегона бўлган моддий танага эга бўладилар. Аммо, Худонинг содиқлари Ваикунтга сайёраларида ёки Голока сайёраларида, рухнинг азалий табиатига мос бўлган, Парвардигорнинг танасига ўхшаган, икки ёки тўрт қўлли танага эга бўладилар. Ана шу бутунлай рухий табиатга эга бўлган тана – тирик мавжудотнинг сварупаси, Курукшетра жангида ҳар икки томондан иштирок этган барча тирик мавжудотлар ўзларининг сварупасига эга бўлдилар. Бхишмадева ана шу ҳақиқатни тасдиқлайди. Шундай экан Парвардигор Шри Кришна Ўзининг чексиз мархаматини фақат Пандузодаларга кўрсатиб қўйгани йўқ. Парвардигор бошқа жангчиларга ҳам Ўз мархаматини кўрсатган эди, чунки уларнинг ҳаммаси бир хил натижага эришдилар. Бхишмадева ҳам ана шундай имкониятга эга бўлишни истарди, гарчи унга ҳамиша Парвардигорнинг мангу ҳамроҳи бўлиш кафолотланган бўлса ҳам, у ҳозир Парвардигордан уни илтимос қиларди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: ажали етган пайтда хоҳ қалбида бўлсин, хоҳ ташқарида бўлсин, Худонинг шахсий киёфасини кўриб танасини тарк этган киши ўзининг сварупасига эга бўлади. Мана шу инсон ҳаётининг энг олий мақсадидир.

40. Менинг ақлу-ҳаёлим ана шу Парвардигор Шри Кришнада мужассам бўлсин. Унинг меҳр-муҳаббатга тўла ҳатти-ҳаракатлари ва нигоҳлари Ваджабхуми қизлари(гопилар)ни ўзига мафтун этади. (Рақс пайтида Кришна қизлардан бекиниб олганида)Қизлар Парвардигор қилган ҳаракатларга тақлид қилиб ўйнай бошлагандилар.

Изоҳ: Чуқур илоҳий жазавага тушиб Парвардигорга муҳаббат билан хизмат қилиш шарофати билан Ваджабхумилик қизлар Парвардигор билан сифат жиҳатдан бир хил рухий поғонага эришдилар. Унга худди ўзларининг

тенгқур дўсти сифатида муносабатда бўлиб, улар Уни эр-хотинлардай муҳаббат иблан кучоқлар, ҳазиллашиб Унинг устидан кулишар ва Унга меҳр тўла кўзларини тикиб қараб турардилар. Албатта, Бхишмадева сингари асл содиқлар Кришна билан Аржуннинг ўзаро муносабатларини ҳар қандай олқишга сазовор деб ҳисоблайдилар, аммо гопиларнинг Парвардигор билан ўзаро муносабатлари ундан ҳам кўпроқ олқишга муносиб, чунки уларнинг Кришнага бўлган меҳр-муҳаббати яна ҳам покрок. Парвардигорнинг мархамати билан Аржун Кришнанинг дўстона хизматидан фойдаланиш бахтига муяссар бўлди – У жиловдор бўлиб унинг жанг аравасини бошқарди, лекин Кришна Аржунга Ўзиникига тенг бўлган куч бермади. Гопилар эса, Парвардигор билан бир хил поғонага кўтарилиб, амалда У билан бир бўлдилар. Бхишма гопиларни эслади ва уларга мурожаат қилиб, умрининг охириги дамларида ундан ўз мархаматларини аямасликни илтимос қилди. Парвардигор Ўзининг асл содиқларини олқишлаганларида кўпроқ лаззатланади, шунинг учун Бишмадева фақат ўзини ҳақиқатан ҳам хайратга солган Аржуннинг ҳатти-ҳаракатларини олқишлаб қолмасдан, ўзларининг чуқур муҳаббат билан қилган холис хизматлари туфайли ажойиб имкониятларга эга бўлган гопиларни ҳам эслади. Гопилар эришган Парвардигор билан бир хил поғонадаги даражани сайуджйа-мукти, имперсоналистлар эришадиган рухий озодлик поғонаси билан бир хил эмас. Бу тенглик – Парвардигор билан ажралганлик, ҳис-туйғу ва интилишлар бир биридан фарқ қилмагани сабабли орадаги фарқ бутунлай йўқолиб кетадиган чуқур илоҳий жазавага чексиз лаззат ҳолатидир.

41. Махараджа Юдхистхира уюштирган раджасуя-яджна(от қурбонлик қилиш) маросимида бутун дунёдан донишманд-олимлар ва шоҳлар тўпландилар. Ана шу буюк маросимда тўпланганларнинг барчаси Худонинг Олий Шахси сифатида Парвардигор Шри Кришнага сажда қилдилар. Мен ҳам шу ерда иштирок этгандим, ақлу-ҳаёлимни бутунлай Парвардигорда мужассам қилиш учун ҳозир шу воқеаларни эслайман.

Изоҳ: Курукшетрадаги жангда ғалаба қозониб бутун олам императори бўлган Махараж Юдхистхира раджасуя қурбонлик маросими ўтказди. Ўша даврлардаги одатга кўра, император салтанат тахтига ўтиргандан кейин ўз ҳукматининг бошқалардан устунлигини даҳво қилиб, ўз отини бутун жаҳон бўйлаб бўш қўйиб юборарди. Бу ҳатти-ҳаракати билан у жаҳоннинг бошқа шоҳларини жангга тақлиф қилган ҳисобланарди. Жаҳондаги бошқа шоҳлар ўз хоҳиши билан унинг тақлифини қабул қилишлари ва у билан жанг қилишлари ёки унинг ҳақиқий император эканини тан олиб унга бўйсуниб

яшаши мумкин эди. Унинг жангга таклифини қабул қилган шоҳ у билан ўзаро жанг қилиб, ундан кучли эканини исботлаши лозим эди. Жангда мағлуб бўлган шоҳ ўлимга маҳкум бўлиб, тахтини бошқа шоҳ ёки ҳукмдорга бўшатиб беришга мажбур эди. Шундай қилиб, Махараж Юдҳиштхира ҳам шундай отларни жаҳоннинг ҳамма чеккаларига юбориб, ҳамма шоҳларга мурожаат қилди, жаҳондаги барча ҳукмдор ва шоҳлар унинг ҳукмронлигини тан олдилар ва уни бутун жаҳонга ҳукмрон император деб эҳлон қилдилар. Шундан кейин Махараж Юдҳиштхира ҳукми остидаги барча шоҳлар буюк раджасуя қурбонлик маросимига таклиф қилиндилар. Бундай маросимларни ўтказиш жуда катта маблағ талаб қилар, шу боис майда салтанат шоҳлари бунга қодир бўлолмасдилар. Ҳозир, Кали-йуга даврида бундай маросимларни ўтказишнинг иложи йўқ, чунки уларни ўтказиш учун бирор давлатда етарли маблағ ҳам, шароит ҳам йўқ. Бунинг устига бундай маҳсулиятли қурбонлик маросимини ўтказишни ўз зиммасига оладиган тажрибали руҳонийларни ҳам топиб бўлмайди.

Шундай қилиб, бутун жаҳондаги таклифнома олган шоҳлар ва буюк донишмандлар Махараж Юдҳиштхиранинг пойтахт шаҳрида тўпландилар. Барча илмий соҳаларнинг вакиллари ҳам таклиф қилинган эди: буюк файласуфлар, диний имл билимдонлари, табиблар, табиатшунослар ва буюк донишмандлар. Бошқача қилиб айтганда, ўша даврларда жамиятни брахман ва кшатрийлар бошқарардилар, шу боис уларнинг ғаммаси ана шу мажлисга таклиф қилинган эдилар. Вайшя ва шудралар жамиятни бошқаришда сезиларли вазифаларни бажармасдилар, уш боис бу ерда улар ҳақида бирор маълумот берилмаган. Ундан бери жамиятда катта ўзгаришлар бўлиб ўтди, шу боис одамларнинг машғул бўлган фаолиятига қараб муҳимлигини аниқлаш мезони ҳам ўзгариб кетган.

Ана шу буюк мажлисда ҳамманинг нигоҳи Парвардигор Шри Кришнага тикилган эди. Ҳамма фақат Уни кўришга ва Унга камтарин ҳода сажда қилишга интиларди. Шуларни эслаб Бхишмадева ўзи сиғиниб юрган ўша Парвардигор ҳозир унинг олдида Ўзининг азалий ҳақиқий қиёфасида турганини кўриб каттик қувонаётган эди. Шундай қилиб, Худонинг Олий Шахсига муроқаба қилиш – Унинг кароматларига, қиёфасига, эрмакларига, муқаддас номига ва шон-шухратига муроқаба қилиш демакдир. Бу Парвардигорнинг шахсиятсиз брахман кўринишига муроқаба қилишдан осон. «Бхагавад-гита»(12.5)да аниқ айтилганки, Парвардигорнинг шахсиятсиз жиҳатига сиғиниш жуда қийин. Амалда буни ҳатто муроқаба деб ҳам бўлмайди, бу шунчаки бекорга вақтни сарфлаш, чунки фақат камдан кам ҳоллардагина кўзланган натижага эришиш мумкин. Худонинг содиқлари эса, Парвардигорнинг ҳақиқий эрмаклари ва ҳақиқий қиёфасига муроқаба қиладилар, шу боис улар осонлик билан

Унга эришадилар. Бу ҳақда ҳам «Бхагавад-гита»(12.9)да айтилган. Парвардигор Ўзининг илоҳий кароматларидан фарқ қилмайди. Бу шеҳрда айтилганки, Парвардигор Шри Кришна инсонлар жамиятида, айниқса Курукшетрадаги жанг пайтида юрган вақтда кўпчилик Уни Худонинг Олий Шахси деб тан олмасалар ҳам, одамлар Уни ўша даврнинг энг буюк қаҳрамони деб билардилар. Одамлар орасида тарқалган “буюк инсон оламдан ўтгандан кейин унга худди Худого сиғингандай сиғина бошлайдилар” деган гап кўпчилиكنи йўлдан адаштиради, чунки, худди Худонинг Олий Шахси ҳатто одамлар орасида юрса ҳам, ҳеч қачон оддий инсон бўлиб қолмагани сингари, ҳеч қачон оддий одам ўлгандан кейин Худого айлана олмайди. Бу икки ғоя ҳам нотўғри. Антроморфизм ғоясининг Парвардигор Шри Кришнага ҳеч қандай алоқаси йўқ.

42. Энди мен чуқур тафаккур билан Уни - кўз олдимда турган ягона Парвардигор Шри Кришнага муроқаба қила оламан, чунки мен У - ҳар кимнинг, ҳатто изчил фикрловчи файласуфларнинг қалбида ҳам мавжуд Зот эканини англаб, моддий оламнинг зиддиятлари ҳақидаги сохта тасаввурлардан юқори кўтарилдим. У ҳамманинг қалбида мавжуд. Қуёш ҳар кимга ҳар хил кўриниши мумкин, аммо у ягонадир.

Изоҳ: Парвардигор Шри Кришна – Худонинг Мутлақ ягона Шахси, аммо У Ўзининг англаб бўлмас қувватлари ёрдамида кўплаб тўла бутун қисмларга ажратди. Моддий оламнинг зиддиятлари ҳақидаги сохта тасаввурлар Парвардигорнинг англаб бўлмас қувватлари борасидаги ғофиллигимиз сабабли юзага келади. «Бхагавад-гита»(9.11)да Парвардигор айтадики, фақат нодон одамлар Уни оддий инсон деб ҳисоблайдилар. Ана шундай нодонлар Унинг англаб бўлмас қувватлари ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Худди ҳамманинг кўзига кўринадиган куёш сингари, Ўзининг англаб бўлмас қувватлари ёрдамида У бир вақтнинг ўзида ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўла олади. Параматма – Парвардигорнинг тўлиқ намоён бўлган жиҳати. Ўзининг англаб бўлмас У Ўзини ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Параматма шаклида кўпайтиради, Ўз Шахсидан таралаётган илоҳий ёғдуни эса, У брахмаджйоти кўринишида таркатади. “Брахма-самхита”да айтилганки, брахмаджйоти – Парвардигорнинг илоҳий танасидан таралаётган нур. Демак, Парвардигор билан Ундан таралиб турган нур – брахмаджйоти орасида, амда Параматма кўринишидаги тўла намоён бўлган кўриниши орасида фарқ йўқ. Шуни тушунмаган ақли саёз кишилар брахмаджйоти билан Параматма билан Парвардигор Шри Кришна бошқа бошқа нарсалар деб ҳисоблайдилар. Бхишмадеванинг ақли зиддиятларнинг ана шундай

сохта тасаввурлардан бутунлай покланди, у ҳамма нарса – Кришна эканини, Ундан бошқа ҳеч нарса мавжуд эмаслигини тушуниб етганидан жуда мамнун эди. Буюк содиқлар, махатмалар дунёни англашнинг ана шундай поғонасига эришадилар. «Бхагавад-гита»(7.19)да айтилганки, Васудева – ҳамма нарса, Васудевадан ташқарида, Ундан бошқа бирор нарса мавжуд эмас. Васудева, яхни Парвардигор Шри Кришна – Худонинг Олий Шахси. Бу ерда махаджана ҳам шуни тасдиқлаяпти, шунинг учун ғофил одамлар ҳам, Худонинг асл содиқлари ҳам унинг изидан боришга интиладилар. Худога садоқат билан хизмат қилиш йўли шундан иборат.

Бхишмадева сиғинадиган зот – Партха-саратха қиёфасидаги Парвардигор Шри Кришна, гопилар сиғинадиган Зот ҳам ўша Кришна, Вриндаванда ҳаммани Ўзига мафтун қилиб юрган Шйамасундара. Бахзан илми саёз олимлар хатолашиб, Вриндавандаги Кришна билан Курукшетрадаги жанг майдонида иштирок этган Кришна – бошқа-бошқа шахслар деб ҳисоблайдилар. Аммо Бхишмадева бундай сохта тасаввурдан бутунлай пок эди. Ҳатто имперсоналистлар интилиб юрган мақсад ҳам шахсиятсиз кўринишдаги жйоти, яхни Кришна, йогларнинг мақсади бўлган Параматма ҳам Кришна. Брахмажйоти ҳам, ҳаркимнинг қалбидаги Параматма ҳам – Кришна, лекин Унинг Параматма кўринишида, брахмажйоти кўринишида Кришнанинг Ўзи ёки У билан бўладиган ўзаро ширин муносабатлар йўқ. Ўзининг шахсий кўринишида У Партха-саратха бўлиб ҳам, Вриндавандаги Шйамасундара бўлиб ҳам намоён бўлади, аммо, Ўзининг шахсиятсиз кўринишида У брахмажйотида ҳам, Параматмада ҳам йўқ. Бхишмадева сингари махатмалар Парвардигор Шри Кришнанинг турли кўринишларини яхши биладилар ва У – ягона Парвардигорнинг бошқа барча кўриниш ва қиёфаларининг ягона манбаи эканини тушунган ҳолда Парвардигор Шри Кришнага сиғинадилар.

43. Сута Госвами шундай деди: Шундай қилиб Бхишмадева ўзининг бутун фаолияти, ақли, нутқи ва нигоҳи билан Олий Рухга, Шри Кришнага, Олий Худо Шахсига бутунлай ғарқ бўлди. У бирдан жимиб қолди, нафас олишдан тўхтади.

Изоҳ: Бхишмадеванинг ўз танасини тарк этаётган пайтда эришган руҳий ҳолати нирвикалпа-самадхи деб аталади, чунки у Парвардигор ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлган, ақли билан эса Парвардигорнинг турли кароматларини эслаб ётарди. У Парвардигорни олқишлар, Парвардигор эса унинг кўз олдига турарди. Шундай қилиб, унинг бутун фаолияти фақат Парвардигорда мужассам эди. Мана шу руҳий баркамолликнинг энг юқори поғонаси ҳисобланади, Худога садоқат

билан мунтазам хизмат қилиб юриш шарофати билан ана шундай поғонага ҳар бир инсон эриша олади. Худога садоқат билан хизмат қилиш асосан тўққиз турли бўлади: 1. тинглаш; 2. такрорлаш; 3. эслаш; 4. нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиш; 5. сажда қилиш; 6. илтижо қилиш; 7. амрини бажариш; 8. дўст бўлиш; 9. ўз ихтиёрини бутунлай Худога топшириш. Хизмат қилишнинг ана шу турларининг ҳар бири билан ёки ҳаммаси билан шуғулланиб юрган киши олий мақсадга эриша олади, лекин улар билан Худонинг тажрибали содиғи раҳбарлиги остида мунтазам шуғулланиб юриш лозим. Улардан биринчиси – тинглаш – энг муҳим фаолият, шу боис, оқибат-натияжада Бхишмадева эришган юксак поғонага эришишга жиддий интилаётган кишининг аввал «Бхагавад-гита»ни, кейин эса, "Шримад Бхагаватам"ни тинглаши жуда муҳим. Инсон ажали етганда Бхишмадева эришган юксак руҳий ҳолатга ҳатто Парвардигор Шри Кришна шахсан иштирок этмаса ҳам эриша олади. Унинг «Бхагавад-гита»да айтган гаплари, "Шримад Бхагаватам" Унинг Ўзидан фарқ қилмайди. Улар Парвардигорнинг товушда намоён бўлган қиёфаси ҳисобланади, ва саккиз Васудан бири бўлган Шри Бхишмадева эришган юксак руҳий поғонага эришиш учун инсон бемалол улардан фойдаланиши мумкин. Одамлар ҳам, ҳайвонлар ҳам эртами, кечми, барибир ҳалок бўладилар, умрининг охирида танасини Бхишмадева сингари тарк этган киши руҳий баркамолликка эришади, аммо, моддий табиат қонунлари ўлимга маҳкум этган киши эса, худди ҳайвонлардай ўлиб кетади. Инсон билан ҳайвон орасидаги фарқ шундан иборат. Инсон танаси тирик мавжудотга фақат у ҳам умрининг охирида танасини худди Бхишмадева сингари муносиб тарк эта олиши учун берилган.

44. Бхишмадеванинг ниҳояси йўқ Мутлак Ҳақиқатнинг мангу даргоҳига ғарқ бўлганини билиб, худди кеч кирган пайтдаги қушлар сингари, шу ерга тўпланганларнинг барчаси жим қолдилар.

Изоҳ: Олий Мутлакнинг чексиз мангулигига кириш ёки унга ғарқ бўлиш – ўзининг ҳақиқий уйига қайтишни билдиради. Барча тирик мавжудотлар – Мутлак Худо Шахсининг ажралмас заррачаларидирлар, шунинг учун улар У билан ҳамisha хизматкор ва хўжайин сифатида мангу муносабатда бўладилар. Худди барча таркибий қисмлар тўла бутун механизмга хизмат қилгани сингари, Парвардигорнинг барча ажралмас заррачалари ҳам Унга хизмат қиладилар. Худди бутун механизмдан ажралган бир бўлак ўзи ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмагани сингари, Мутлакнинг Худога хизмат қилмайдиган ҳар қандай заррачасининг ҳам ҳеч қандай кадр-қиммати бўлмайди. Моддий оламдаги тирик

мавжудотлар – олий тўла бутуннинг ажралган таркибий қисмларидир. Шу боис улар ҳозир тўла бутундан ажралмаган бошланғич ҳолатидагидай аҳамиятга эга эмаслар. Аммо, олий бутун билан боғланган мангу озод тирик мавжудотлар анча кўп. Ажралган таркибий қисмларга Парвардигорнинг ташки қуввати, моддий табиат – дурга-шакти, яҳни қамокхона назоратчиси ғамхўрлик қилади, шу боис улар моддий табиат қонунларига бўйсунган ҳолда шартланган шароитда яшайдилар. Шунинг аглаб етгандан кейин, тирик мавжудот ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтишга интилади: шу тарзда унда руҳий интилиш пайдо бўлади. Ана шу интилиш брахма-джижнаса, яҳни “Брахман ҳақида саволлар” деб аталади. Брахма-джижнаса йўлида асосан илм, таркидунёлик ва Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида баркамолликка эришиш мумкин. Джнана, илм ибораси Брхман, яҳни Худо билан боғлиқ бўлган ҳамма нарса ҳақидаги илмни билдиради. Таркидунёлик – моддий боғланишлардан воз кечишни англатади, Худога садоқат билан хизмат қилиш – тирик мавжудотга ўзининг бошланғич азалий ҳолатига қайтишга ёрдам берадиган амаллар жараёни. Бу йўлда муваффақият қозонган ва Мутлақ салтанатга киришга муносиб бўлган тирик мавжудотлар джнани(ғйани)лар, йоглар ва бхакталар деб аталади. Ђйани ва йоглар Парвардигорнинг шахсиятсиз ёғдусига кирадилар, бхактилар эса, Ваикунтха деб аталадиган руҳий сайёраларга эришадилар. Ана шу сайёраларда Ўзининг Нарайана қиёфаларида Парвардигорнинг Ўзи хукмронлик қилади, шартланмаган, соғлом фикрли тирик мавжудотлар шу ерда хизматкор, дўст, қариндош ёки ошиқ сифатида Худога садоқат билан хизмат қилиб мангу яшайдилар. У жойдаги шартланмаган тирик мавжудотлар Парвардигор билан ўзаро эркин муносабатларда лаззатланиб яшайдилар, имперсоналистлар – йог ва ғйанилар эса, Ваикунтха сайёраларининг шахсиятсиз нурига кирадилар. Ваикунтха сайёралари худди куёшдай ўзидан нур таратиб турадилар, улардан таралаётган ана шу нур брахмаджйоти деб аталади. Брахмаджйоти - чексиз, моддий олам эса ана шу чексиз брахмаджйотининг булут билан қопланган кичик бир бўлаги ҳисобланади. Моддий олам вақтинча ташки қувват булути билан қопланган, шу боис моддий оламини сароб, алданиш деб атайдилар.

Худонинг асл содиғи бўлгани учун Бхишмадева руҳий салтанатдаги Ваикунтха сайёраларининг бирига эришди. Шу жойда, ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган шартланмаган руҳларга Парвардигор Ўзининг мангу Партха-саратха қиёфасида шоҳлик қилади. Парвардигор билан Бхишмадева орасидаги ўзаро муносабатларда Худо билан Унинг содиғини боғлаб турадиган кучли боғланиш ва муҳаббат ришталари намоён бўлди. Бхишмадева ҳамиша

Парвардигорни илоҳий партха-саратха қиёфасида эслаб юрарди, Парвардигор эса, илоҳий оламга йўл олаётган Бхишманинг олдида шахсан Ўзи ҳозир бўлди. Мана шу инсон ҳаётининг энг мукамал ҳолати ҳисобланади.

45. Кейин унинг шарафига одамлар ва фаришталар бонг ура бошладилар, олижаноб тақводор шоҳлар унга чуқур эҳтиром билан ҳурмат-иззат кўрсата бошладилар. Осмондан гуллар ёмғири ёғилди.

Изоҳ: Бхишмадевани фаришталар ҳам, одамлар ҳам бирдай ҳурмат қилардилар. Одамлар Ерда ва Ерга ўхшаган сайёралардан иборат Бхур ва Бхувах сайёралар тизимида яшайдилар, фаришталар эса, Сваргалокада, яҳни жаннатий сайёраларда яшайдилар. Уларнинг ҳаммаси Бхишмадевани буюк жангчи ва Худонинг содиқ хизматкори сифатида яҳши танирдилар. Махаджанларнинг биттаси сифатида у ўзи инсон танасида бўлса ҳам, Брахма, Нарада ва Шива билан бир қаторда турарди. Фақат руҳий баркамолликка эришган кишилар буюк фаришталар билан бир поғонада тура оладилар. Бхишмадевани бутун коинотда танирдилар, у яшаган даврда сайёраларо саёҳатлар, ҳозирги даврдаги космик кемалар ёрдамида ўтказилаётган натижасиз уринишлардан фарқли равишда, анча нафисроқ воситалар ёрдамида амалга ошириларди. Бхишмадеванинг бу дунёни тарк этаётганини эшитиб, юкори сайёраларда ҳамда ерда яшаётган аҳолининг ҳаммаси шон-шуҳратга муносиб бўлган буюк инсонга ўзларининг ҳурмат-эҳтиромини изҳор этиб, шу ерга гуллар ёмғирини ёғдирдилар. Осмондан гуллар ёғилиши – фаришталарнинг тан олганини билдирадиган аломат бўлиб, уни ҳеч қачон ўлик мурдани безаш билан тенглаштирмаслик керак. Бхишмадеванинг танаси ўзининг моддий хусусиятларини йўқотган эди, чунки худди ўтга тушганда қизиб чўғдай қизариб кетадиган темир сингари, унинг танаси ҳам бутунлай руҳий онгга ғарқ бўлган эди. Шунинг учун руҳий ўзлигини тўла аглаб етган кишининг танаси моддий тана деб ҳисобланмайди. Ана шундай руҳий таналар учун алоҳида маросимлар ўтказилади. Бхишмадеванинг фаришталар томонидан тан олиниши ҳамда унга кўрсатилаётган иззат-икромларни, ҳозирги даврда одат тусига кириб қолган, оддий одамларга ҳам жайанти маросимини ўтказишдай, тақлид қилиб бўлмайди. Ишонарли муқаддас китобларга асосан, моддий жихатдан қанчалик буюк бўлмасин, оддий одамларнинг танаси учун жайанти маросимини ўтказиш Парвардигорга нисбатан ҳақорат ҳисобланади, чунки жайанти маросими фақат Ер юзига Парвардигорнинг Ўзи ташриф буюрган кунда ўтказилади. Бхишмадеванинг кароматлари ҳам, унинг Худонинг даргоҳига кетиши сингари ғайритабиий равишда улуғвор эди.

46. Эй Бхригу авлоди(Шаунака), Бхишмадеванинг жасадини дафн этиш маросимини ўтказиб, Махараджа Юдхистхира бир зум қайғуга чўкди.

Изоҳ: Бхишмадева Махараж Юдхистхира хонадонининг бошлиғи бўлиб қолмасдан, айна пайтда буюк файласуф, унинг дўсти, унинг укаларининг ва онасининг ҳам дўсти эди. Маараж Юдхистхира бошлиқ беш Пандузоданинг отаси Панду вафот этгандан кейин, Бхишмадева уларнинг суюкли бобокалони ҳамда бева қолган келини Кунтидевининг ғамхўр ҳомийси эди. Гарчи Махараж Юдхистхира ва унинг укаларига уларнинг катта амакиси Махараж Дхритараштра ғамхўрлик қилиши лозим бўлса ҳам, у ўзининг Дурёдхон бошлиқ юз ўғлига каттиқ боғланиб қолган эди. Оқибат натижада отасиз қолган беш Пандузодани Хастинапур салтанатига бўлган қонуний ҳуқуқидан маҳрум қилиш ниятида катта суиқасд уюштирилган эди. Шоҳ саройида табиий ҳол бўлган чалкаш хийлалар натижасида беш оғанин ўрмонга сургун қилинди. Аммо Бхишмадева ҳаммиша Махараж Юдхистхирага самимий ҳамдардлик қиларди, у умрининг охириги дақиқаларигача унинг энг яқин яхшилик қилувчи дўсти, бобоси ва файласуф бўлиб қолди. У Махараж Юдхистхиранинг салтанат тахтига ўтирганини кўриб, бахтиёр ҳолатда танасини тарк этди. Агар мана шу ҳодиса бўлмаса, у аллақачон ўзининг танасини тарк этиб кетган ва Пандузодаларнинг ноҳақ қийналаётганлари сабабли шунча мусибат чекиб юрган бўлмасди. У шунчаки танасини тарк этиш учун шарофатли пайт келишини пойлаб ётарди, чунки Курукшетрадаги жангда Пандунинг ўғиллари албатта ғалаба қозонишига ишончи қомил эди, ахир уларни Парвардигор Шри Кришнанинг Ўзи ҳимоя қиларди. Унинг ўзи Худонинг содиғи эди, шу боис Худонинг содиқ хизматкори ҳеч қачон ҳалок бўлмаслигини яхши биларди. Махараж Юдхистхира бобоси Бхишмадева ҳаммиша унга яхшилик қилишини биларди, шу боис, ундан айрилиш ҳозир уни каттиқ изтиробга соларди. У Бхишмадева қолдириб кетадиган моддий тана учун эмас, балки буюк зот билан бўладиган айрилиқ азобидан қийналарди. Гарчи Бхишмадева озод руҳ бўлса ҳам, барибир унинг танаси устида дафн маросимларини ўтказиш лозим эди, шу боис унинг ўз фарзанди бўлмагани сабабли бу маросимларни тўнғич невараси Махараж Юдхистхира ўтказиши керак. Буюк инсоннинг бу дунёдаги охириги маросимларини шундай буюк инсон ўтказиши Бхишмадева учун ҳам катта саодат эди.

47. Шунда, барча буюк донишмандлар нодир ведавий ҳамду-санолар билан шу ерда иштирок этаётган Парвардигор Шри Кришнани

олқишладилар. Шундан сўнг уларнинг барчаси қалбларида Худо Шахси Кришнани сақлаган ҳолда ўз даргоҳларига қайтдилар.

Изоҳ: Худонинг содиқлари ҳаммиша Худонинг қалбида бўлади, Парвардигор ҳам ҳаммиша Ўзининг содиқлари қалбида яшайди. Парвардигорнинг Ўз содиқлари билан ўзаро ширин муносабатлари шундай. Худого бўлган соф муҳаббати ва садоқати шарофати билан Унинг содиқлари ҳаммиша ўзларининг қалбида Парвардигорни кўриб юрадилар, Парвардигор ҳам, гарчи У ҳеч кимдан бирор нарсада қарздор бўлмаса ҳам, икки оламда ҳам Унинг интиладиган бирор мақсади бўлмаса ҳам, ҳаммиша Ўзининг содиқларига ғамхўрлик қилиб юради. Оддий тирик мавжудот учун табиат қонунлари мавжуд бўлиб, унинг фаолиятини ва унинг оқибатларини тартибга солиб туради, аммо Парвардигор Ўзининг содиқларини ҳаммиша Ўзи тўғри йўлга солиб туради. Шундай қилиб, Худонинг содиқларига бевосита Парвардигорнинг Ўзи ғамхўрлик қилади. Парвардигор ҳам ихтиёрий равишда Ўзини фақат Ўзининг содиқлари қўлига топширади. Вйасадева бошлиқ донишмандларнинг ҳаммаси Худонинг содиқлари эдилар, шу боис дафн маросимидан кейин уларнинг ҳаммаси шу ерда бевосита иштирок этаётган Парвардигорни мамнун қилиш учун ведавий мадҳиялардан куйладилар. Барча ведавий мадҳиялар Парвардигор Шри Кришнани мамнун қилиш учун куйланади. Бу «Бхагавад-гита»(15.15)да ҳам тасдиқланади. Ведаларнинг ҳаммаси, Упанишадалар, “Веданта” ва бошқа асарлар фақат Уни излаш учун мўлжалланган, барча мадҳияларда фақат У олқишланади. Шунинг учун донишмандлар ҳам ана шу мақсадга эришиши учун зарур бўлган ишни қилдилар ва бахтиёр ҳолда ўз маконларига йўл олдилар.

48. Кейин, Махараджа Йудхистхира Парвардигор Шри Кришна ҳамроҳлигида Хастинапур пойтахтига йўл олди ва тоғасини, бутунлай риёзатга берилган холаси Гандхарини овути.

Изоҳ: Дурёдхон ва унинг укаларининг ота-онаси Дхритараштра ва Гандхари Махараж Юдхистхиранинг амакиси ва холаси бўларди. Курукшетрадаги жангдан сўнг ўзларининг ўғиллари ва невараларининг барчасидан айрилиб қолган бу машҳур жуфтга Махараж Юдхистхиранинг ўзи ғамхўрлик қиларди. Ана шундай буюк айрилиқ сабабли уларнинг ҳаёти оғир мусибатга ғарқ бўлган, энди улар худди риёзатга берилган кишилардай яшардилар. Дхриғтараштранинг амакиси Бхишмадеванинг ўлими ҳақидаги хабар шоҳ ва малика учун тақдирнинг яна бир оғир зарбаси бўлар, шу боис улар Махараж Юдхистхиранинг тасаллиларига

мухтож эдилар. Махараж Юдхитхира ўзининг ана шу бурчини билар, шу боис Парвардигор Шри Кришна билан дарҳол уларнинг олдига шошилди ва ҳамдардлик тўла гаплари билан оғир мусибатга ботган Дхритараштрани овута бошлади. Парвардигор ҳам уларни овутарди.

Гарчи Гандхари садоқатли хотин ва меҳрибон она сингари яшаса ҳам, буюк риёзатчи эди. Маҳлумки, эрининг кўзи кўрлигини билган Гандхари ўз ихтиёри билан кўзларини боғлаб олган эди. Садоқатли хотиннинг бурчи ҳамма нарсада эрининг изидан боришдан иборат. Гандхари ўзининг эрига шу қавдар садоқатли эдики, ҳатто унинг туғма кўрлигига ҳам тақлид қиларди. Шу тарзда у ўзининг амаллари билан буюк риёзатчи эди. Бундан ташқар, ўзининг юз нафар ўғли ва барча невараларининг ҳалок бўлганини эшитиб унинг чекаётган мусибатлари, албатта, аёл киши учун жуда оғир синов эди. Аммо у ҳаётнинг бу синовларини матонат билан енгиб ўтди. Гарчи аёл зотидан бўлса ҳам, Гандхари ўзининг характери жиҳатидан Бхишмадевадан қолишмасди. Уларнинг иккиси ҳатто “Маҳобҳорат” қаҳрамонлари орасида ҳам ажралиб туради.

49. Шундан сўнг, буюк тақводор шоҳ Махараж Юдхитхира тоғаси маҳқуллаган ва Парвардигор Шри Кришна қўллаб-қувватлаган қонун ва қоидаларга қаттиқ амал қилган ҳолда салтанатни бошқара бошлади.

Изоҳ: Махараж Юдхитхира шунчаки фуқаролардан солиқ йиғишни биладиган шоҳ эмасди. У шоҳ сифатида ўзига юклатилган бурч худди ота ёки руҳий устозга юклатилган бурчдек жуда маҳсулиятли эканини ҳамиша англаб юрарди. Шоҳ ўз фуқаролари ҳар жиҳатдан: ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва руҳий соҳаларда бахт-саодатли яшаши ҳақида қайғуриши лозим. Шоҳ инсон ҳаёти тутқунликдаги руҳни моддий олам шароитидан озодликка чиқариш учун мўлжалланганини яхши билиши лозим. Шунинг учун унинг бурчи – фуқароларга уларнинг ана шундай руҳий баркамолликка эришишига имкон берадиган даражада ғамхўрлик қилишларини назорат қилишдан иборат эди.

Кейинги бобдан билиб оламизки, Махараж Юдхитхира ана шу қоидаларга қатъий риоя қиларди. У шунчаки уларга ўзи риоя қилиб қолмайди, унинг ишларини давлатни бошқариш ишларида катта тажрибага эга бўлган амакиси ҳам, «Бхагавад-гита» фалсафасини гапмириб берган Парвардигор Шри Кришна ҳам маҳқуллаган.

Махараж Юдхитхира – намунали монарх, Махараж Юдхитхира сингари билимдон шоҳ бошқараётган монархия бошқаруви – ҳозирги даврдаги халқ демократияси ёки республика бошқариш тизимига қараганда анча юқори тизимдир. Айниқса ҳозирги Кали йуга даврида

одамларнинг аксарият кўпчилиги шудра бўлиб туғиладилар. Одатда улар омадсиз, пасткаш хонадонларда туғиладилар, ёмон тарбия оладилар, бемаҳни одамлар билан бирга юрадилар. Улар инсон ҳаётининг олий мақсадини билмайдилар. Шу боис ана шундай маҳсулиятсиз сайловчиларнинг овозларининг ҳеч қандай қадри йўқ, ана шундай сайлов асосида сайланган кишилар Парвардигорнинг Махараж Юдхитхира сингари вакиллари бўла олмайдилар.

Бҳактиведантининг "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи қўшиқ "Парвардигор Шри Кришнанинг иштирокида Бхишмадеванинг бу дунёни тарқатиши" деб аталадиган тўққизинчи бобига қилган изоҳлари шундай яқунланади.

23.08.2006 02:32:02